

ФИЛОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛАРИ

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

60



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

*Филология фанлари доктори, профессор Шоира Нематовна
Ахмедова таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари*

*Materials of the International scientific conference Organized on
the occasion of the 60th anniversary of Doctor of Philology, Professor
Shoira Nematovna Ahmedova*

*Материалы Международная научная конференция органи-
зована к 60-летию со дня рождения ученой, профессора Бухар-
ского государственного университета Ахмедовой Шоиры*

*2020 йил 24-26 декабрь. Ўзбекистон
December 24-26, 2020, Uzbekistan
24-26 декабря, 2020 г. Узбекистан*

**«ТУРОН-ИҚБОЛ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 2021**

УЎК 821.512.133.3

ББК 84(075)

Ф 30

Филологиянинг долзарб масалалари [Матн] / Нашрга тайёрловчилар
М. Ҳақимов ва бошқ. – Тошкент: “Turon - iqbol”, нашриёти, 2020. – 464 бет.

*Тўпладан халқаро конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда
филологиянинг турли йўналишларига оид сўнгги илмий қузатишлар
ёритилган бўлиб, соҳанинг барча мутахассисларига мўлжалланган.*

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

кич.и.х. М.Ҳақимов, таянч докторант Н.Қодирова

Таҳрир ҳайъати:

акад. Б.Назаров, ф.ф.д., проф. И.Ҳаққулов,
ф.ф.д., проф. Қ.Қахрамонов, ф.ф.д. С.Мелиев, ф.ф.д. С.Тўлаганова,
ф.ф.д. Д.Ражабов, ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.д. Ш.Давронова,
ф.ф.н. Э.Очилов, ф.ф.н. Г.Сатторова, ф.ф.н. З.Қобилова,
ф.ф.н. Ҳ. Сафарова, ф.ф.н. Қ.Тўхсанов

Тақризчилар:

ф.ф.д. И.Ёқубов, ф.ф.д. Ш.Турдимов

*Илмий тўплам ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини Илмий кенгаши қарори (2020 йил 15 декабрь, 7-сонли йиғилиш
баённомаси)га асосан нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-5122-5-2

© “TURON-IQBOL“ нашриёти, 2021

І БОБ
ЗИЁГА ИНТИЛГАН
УМР ИБРАТИ



Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик.
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
профессор
(Ўзбекистон)

ЮКСАЛИШ

Инсон ҳаёт сўқмоқларида илгарилар экан, муайян бир ёшга етганда орқасига бир ўгирилиб, босиб ўтган йўлига назар ташлагиси, сарҳисоб қилгиси келади, назаримизда. Бизнингча, сўнгги пайтларда кўпчилик ижодкорлару зиёлиларда 60 ёш ана шундай мезон бўлиб қолмоқда.

Бугун таваллуд айёмини нишонлаётган қаҳрамонимиз филология фанлари доктори профессор Шоира Ахмедовада ҳам шундай туйғу етакчилик қилаётган бўлса, ажаб эмас. Агар Шоира Ахмедова таржимаи ҳолига назар ташласак, ҳаётида нурли ва қоронғи нуқталар бисёр бўлганига гувоҳ бўламиз...

1960 йилнинг нурафшон кунларидан бирида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида истиқомат қилувчи зиёлилар оиласи – Неъмат ака Аҳмедов ва Раҳима ая Сувоновалар хонадонидан бир қиз фарзанд дунёга келади. Зиёли, адабиёт ихлосмандлари эмасми (Неъмат ака филолог, фан номзоди, Раҳима ая Она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлган) суюниб қизларига яхши ниятлар билан Шоира исмини танладилар. Дунё чигалликларга бой. Шоирахон 6 ёшга етганда онаси Раҳима ая вафот этадилар. Ҳали оналик меҳрини тўла ҳис этиб улгурмаёқ айрилик изтироблари билан яшашга маҳкум бўлган Шоирахон ёшлигидаёқ тез улғайиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини эрта тортиб ўсгани боисми, қийинчиликларга қарамасдан кунт билан ўқиб, 1976 йилда мактабни олтин медаль билан тугатди. 1977-1981 йилларда Бухоро давлат институтининг ўзбек филологияси факультетидан таҳсил олди. Олий маълумотли мутахассислик дипломига эга бўлган Ш. Ахмедова 1981-1983 йилларда ўрта мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берди. 1984 йилдан бошлаб Бухоро давлат институти (ҳозирги университет)га ишга қабул қилиниб, ўзбек адабиёти кафедрасида дастлаб катта лаборант, стажёр-тадқиқотчи, кейинчалик ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида фаолият кўрсатди.

Бўлажак олима 1990 йилда ўзбек адабиёти кафедраси ҳузуридаги аспирантурага ўқишга кирди ва филология фанлари доктори, профессор Саиджон Алиев раҳбарлигида “Саид Аҳмад ҳажвиётида бадий маҳорат” мавзусида номзодлик иши устида илмий изланишлар олиб борди. 1994 йилда тадқиқотни муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди. Ўзининг педагогик фаолияти билан илмий тадқиқот ишларини уйғун тарзда олиб боришга жазм этган олима 2003 йилда ўзбек адабиёти кафедраси ҳузуридаги докторантурага кириб, уни 2007 йилда тугаллади. Шу йиллар давомида академик Б.Наза-

ров раҳбарлигида ўзбек адабий танқидининг жанрлари муаммоси юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб борди. 2008 йилда ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) хузуридаги ихтисослашган Илмий кенгашда Адабиёт назарияси ихтисослиги бўйича “Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби” номли докторлик диссертациясининг дастлабки ҳимоясини қилди. Дастлабки дейишимизнинг боиси шундаки, Ш.Аҳмедова филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ушбу мавзуни яна нақд икки марта, 2010 ва 2011 йилларда қайтадан ҳимоя қилади. Бу қайта-қайта ҳимоя қилишларнинг сабаби Ш.Аҳмедовани яқиндан биладиган ҳамкасблари учун яхши маълум бўлганлиги боис унинг тафсилотларига тўхталиб ўтирмаймиз, фақат шуни таъкидламоқчимизки, мана шу жараёндаги кечирилган маънавий-руҳий ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар Шоирахон ҳаётнинг аччиқ-чучугини эрта тотиб, болаликданоқ ўзида курашчанлик хислатларини шакллантира олганидан далолат беради. Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деганларидек мана бугун ўзининг муборак олтмиш йиллик юбилейини бошини баланд кўтариб қаршиламоқда. Албатта, бу вақт ичида олима профессор илмий унвонига эга бўлди, ушбу мақола муаллифлари ҳамда ЎЗМУ профессори А.Расулов (марҳум, жойлари жаннатдан бўлсин) ҳаммуаллифлигида ОТМ филология факультети талабалари учун “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2012) дарслигини яратди. Ушбу дарслик бугунги кунгача барча олий ўқув юртларида ҳозиргача амалиётда қўлланиб келинмоқда. Олиманинг илмий- педагогик фаолияти давомида 250 дан ортиқ илмий мақолалар, ўндан ортиқ монография ва рисоалари, ўқув ва ўқув-усулий қўлланмалари чоп этилган. Жумладан, “Юмор жилолари” (1998), “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (ҳамкорликда, 2003), “Мактубот ва адабий танқид” (2005), “Адабий матн таҳлили” (ҳамкорликда, 2006), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2008), “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари” (2008), “Миллатнинг ҳассос олими” (2012, Б.Назаров билан ҳамкорликда), “Катехезис Наима Каримова (2012, Н.Шодиев билан ҳамкорликда), “Ёниқ қалб ҳарорати”(2012, Н.Қодирова билан ҳаммуаллифликда), “Чин олимлик саодати” (2015, Қ.Қаҳрамонов билан ҳамкорликда), “И.Каримов асарларида замонавий раҳбар ҳақида” (2018), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2018, ҳамкорликда), “Мактубот ва адабий танқид” (2019, Германия), “Феномен критика” (2020, Рига), “Абдулла Қодирий олами ва қодирийшунослик” (2020, Г.Тешаева билан ҳамкорликда), “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” (2020, Германия) каби китоблари яратилди.

Шоира Аҳмедованинг илмий изланишларини кузатадиган бўлсак, биринчи галда адабиётшуносликнинг назарий муаммолари етакчилик қилишини кузатамиз. Олима изланишларида адабий танқиднинг жанрий ўзига хослиги масалалари бош мавзу ҳисобланади. “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари” (2008) номли монографиясида ўзбек танқидчилигининг жанрий хусусиятлари, тараққиёт тамойиллари, жанр тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшган адабиётшунос олим ва мунаққидларнинг илмий фаолияти, маҳорати кенг таҳлиллар орқали очилгани кузатилади. XX аср ўзбек

танқидчилиги жанрий тараққиёти ҳар бир давр кесимида ўрганилиб, ўзига хос жиҳатларини талқин этиши, жанр ривожига қўшган ҳиссаларини белгилаш тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилайди. Айни пайтда, олима кўплаб мунаққидларнинг илмий-адабий портретларини ҳам яратиб, уларнинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ривожигаги ўрнини белгилашга ҳам ҳаракат қилади. Жумладан, “Миллатнинг ҳассос олими”, “Чин олимлик саодати”, “Ёниқ қалб ҳарорати” каби эссе-портретларида академиклар Н. Каримов ва Б.Назаровлар ҳамда профессор И.Ҳаққуловларнинг илмий фаолияти шахсияти билан, шахсиятидаги ўзига хослиги билан уйғун тарзда таҳлил этиладики, бу ҳам олимлар фаолиятига берилган бир баҳо сифатида эътироф этишга лойиқ.

Шоира Ахмедова ўзининг қарийиб қирқ йиллик фаолиятида талабаларга адабиётшуносликнинг асосий фанлари ҳисобланган ўзбек адабий танқиди тарихи, адабий танқид назарияси, қиёсий адабиётшунослик, ҳозирги адабий жараён каби фанлардан сабоқ бериш билан бир қаторда, юзлаб талабаларнинг БМИ ва ўнлаб магистрларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиб келди. Бугунги кунда олиманинг илмий раҳбарлигида шогирдларидан иккитаси фан доктори, учтаси эса филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Булардан ташқари олима илмий даража берувчи илмий кенгаш ва семинарлар аъзоси сифатида ҳам илм-фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Айни пайтда, олима университет жамоатчилиги ишларида ҳам фаол иштирок этиб келаётгани маълум.

Албатта, олтмиш ёш инсоннинг ҳамма томонлама камолотга эришган палласи ҳисобланади. Биз Шоира Аҳмедовага узоқ умр, сиҳат-саломатлик талаб, илмий-педагогик фаолиятида янада юксак марраларни забт этишига тилакдошмиз.

Обиджон ҲАМИДОВ,
БухДУ ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор
(Ўзбекистон)

ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ СОҲИБАСИ

Филология фанлари доктори, профессор Шоира Нематовна Ахмедова олима, педагог, устоз, жамоатчи сифатида кўп йиллардан буён университетимизда самарали фаолият олиб боради. У мамлакатимизда филологик фанлар тараққиётининг таъминланиши йўлида жонбозлик кўрсатиб, ёшларнинг таълим-тарбияси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Олима ўзбек адабий танқиди жанрларининг илк тадқиқотчиларидан бири сифатида ушбу соҳада қатор салмоқли тадқиқотлар яратди. Унинг “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Миллатнинг ҳассос олими” (академик Б.Назаров билан ҳамкорликда), “Чин олимлик саодати” (проф. Қ.Қаҳрамонов билан ҳамкорликда), “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” монографиялари, “Юмор жилолари”, “Ёниқ қалб эҳтироси”, “Мунаққид маҳорати”, “Катехезис Наима Каримова” (проф.Н.Шодиев билан ҳамкорликда) илмий рисоалари, “Бадий матн таҳлили”, “Касб-хунар коллежларида жаҳон адабиёти намуналарини ўрганиш йўллари” каби ўқув-усулий қўлланмалари борки, бу асарлар адабиёт-шунослигимиз равнақида маълум аҳамият касб этади. “Абдулла Қодирий олами ва қодирийшунослик” асари Германияда, “Феномен критика” асари Ригада чоп этилдики, олиманинг асарлари Ватанимиз сарҳадларидан ошиб, дунёга юз тутгани қувонарлидир.

Маълумки, таълим тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу эътирофли ўзгаришларга тажрибали педагогимиз жонфидо ва заҳматкаш устоз, маҳоратли ва билимли олима, меҳнатсевар ва тиниб-тинчимас ходим, самимий ва меҳрибон инсон сифатида ёндашиб келаётир. Талаба ва магистрларга “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабий танқид назарияси” сингари фанлардан сабоқ берар экан, Шоира Нематовна ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини ўз ўрнида қўллаш олиши билан ёш педагогларга ибрат бўлмоқда. Талабалари, магистрлари нуфузли танловларда, олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани олиманинг изланувчанлиги, фидойилиги мевасидир. Олиманингилмий маслаҳатчилигида 2 нафар олима фан доктори (DSc), илмий раҳбарлигида 2 нафар тадқиқотчи филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Айни дамда, Шоира Ахмедованинг ташаббуси билан 2015 йилда “Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари”, 2016 йилда биринчи марта, 2017 йилда иккинчи марта “Истиқлол ва Фитрат ижоди” мавзусида республика илмий-назарий анжуманлари ўтказилди. Абдурауф Фитрат ижодининг тизимли ўрганиб борилаётгани айни шу кунларда долзарблик касб этмоқда.

Шоира Ахмедова беш йил ўзбек адабиёти кафедраси мудири сифатида фаолият олиб борди. Кафедрадошлари билан елкама-елка ишлаб, жамоада соғлом муҳит яратиш йўлида, ўзбек филологияси таълим йўналишида ўқув, ўқув-усулий, илмий, ташкилий, маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, кафедранинг университетнинг илғор ячейкаларидан бирига айлантиришда жонбозлик кўрсатди.

Ҳозирда Шоира Неъматовна олима сифатида иккита илмий кенгашга аъзо. Жамоатчи сифатида 2009 йилдан ЎзМТДП аъзоси. 2010-2014 йилларда шу партиядан Бухоро шаҳар кенгашига депутат бўлиб сайланди. Беш йил давомида халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил ҳаракат қилиб, шаҳар Кенгашида ижтимоий-маърифий масалалар бўйича доимий комиссия аъзоси, шаҳар топонимик комиссияси аъзоси, вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида фаолият юритиб

келди. 2011 йилдан буён ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида партиянинг Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, халқимизнинг миллий қадриятларини ёшлар орасида тарғиб этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Айни шу кунларда, халқ орасида юриб, “Янги Ўзбекистон, янгича дунёқараш” ғояларини фаол тарғиб қилди. Пандемия шароитида элимиз руҳияти кўтарилиши учун бор салоҳиятини сарф қилмоқда. Олимадаги самимийлик, одаимийлик, меҳр у борган давраларни жонлантиришини таъкидлашни истардим.

Иқтидорли олиманинг адабиётни, маънавиятни тарғиб қилишга қаратилган телевидение ва матбуотдаги чиқишлари, давлат ташкилотларидаги маърифий ўқишларда қилаётган маърузалари кўпчиликка манзур. У халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларининг ялпи йиғилишларида ўз маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Олима – ибратли оила бекаси. 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, неваралар бувиси. Олима, педагог, устоз, жамоатчи сифатида ҳаммага ибрат профессор Шоира Неъматовна 60 ёшни қаршилади. Биз у кишида ҳали илмий-амалий режалар бисёрлигига, университетимиз учун кўп ютуқлар олиб келишларига, адабиётшунослик, таълимимиз равнақи йўлида бор салоҳиятларини сарфлашларига ишонамиз! Бу йўлда филология фанлари доктори, профессор Шоира Аҳмедовага куч-ғайрат, соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

Мамиржон АТАДЖАНОВ,
Кўқон давлат педагогика институти ректори
Зебо ҚОБИЛОВА,
ҚДПИ Ўзбек филологияси факультети декани
(Ўзбекистон)

ОЛИМАНИНГ СЕРҚИРРА ФАОЛИЯТИ

Юртимизнинг таниқли адабиётшунос олимларидан бири, филология фанлари доктори, Бухоро давлат университети профессори, Аҳмедова Шоира Нематовна қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.

Олиманинг узоқ йиллик илмий-ижодий фаолияти самараси ўлароқ “Юмор жилолари”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Адабий матн таҳлили”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари”, “Миллатнинг ҳассос олими”, “Чин олимлик саодати”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Абдулла Қодирий олами ва қодирийшунослик”, “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” каби рисола, ўқув қўлланма, ўқув-усулий қўлланма ва монографиялари майдонга келди.

Шоира Нематовна ҳозирги босқичдаги ўзбек адабиёти ва адабиёт илмининг янада жонланишига таъсир кўрсатаётганлар сафидаги янги авлодга мансуб адабиётшунослигимиз намоёндаси сифатида мутахассис-

лар ва кенг китобхонлар оммасининг хурмат-эътиборини қозона олди. Тадқиқотлари Ўзбекистонгина эмас, қўшни республикалар йирик мутахассислари томонидан тан олинган.

Олиманинг ҳаммуаллифлиқда яратган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслиги ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олаётган талабалар учун муҳим қўлланмалардан биридир. Мазкур дарслик орқали талабалар ўзбек адабий танқидининг юзага келиши, мафкуравийлаштириш ва реализм учун кураш жараёнлари, шўро даври танқидчилиги, истиқлол ва адабий танқид масалалари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиб бормоқдалар.

Шоира Нематовна Қўқон давлат педагогика институтида ўтказиб келинаётган илмий-назарий анжуманларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса, олима ўзбек адабиёти кафедрасининг устозларидан биридир. Институтнинг ўзбек адабиёти кафедраси домий равишда олима билан боғланиб, ўзбек адабиётшунослиги муаммолари ҳақида фикр алмашиб туришади. Жорий йилнинг ўзида институтда ўтказилган академик Азиз Қаюмов ва профессор Лазиз Қаюмовлар таваллудига бағишланган анжуманда ҳам Шоира Нематовна мазмунли маъруза билан иштирок этдилар.

Қўқон давлат педагогика институти жамоаси Шоира Нематовнани қутлуғ 60 ёш билан қутлайди. Олимага узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, илмий изланишларида яна улкан ютуқлар тилаймиз!

Алмаз УЛВИЙ БИННАТОВА,

Озарбайжон Миллий илмлар академияси
Н. Ганжавий номидаги Адабиёт институти
Озарбайжон–Туркменистон–Ўзбекистон
адабий алоқалари бўлими мудири (Озарбайжон)

ОЛИМАЛИК САОДАТИ

Илмда ҳам, ҳаётда ҳам барчага ибрат бўла оладиган олима ҳақида ёзиш мароқли. Ўзбек олимаси, профессор, филология фанлари доктори Ахмедова Шоира Нематовнанинг айрим асарлари билан танишман. Шоира Ахмедова босиб ўтган, ўтаётган илм йўли аёл киши учун машаққатли, аммо саодатга бурканган йўлдир.

Шоира Нематовна Ахмедова адабиётшунос олималардан бири сифатида ўзбек адабий танқиди жанрларини тадқиқ қилди, ўзбек адабиёти вакиллари ижодининг тарғиботчиларидан бири бўлиб кўзга ташланди. 2008 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган олима ўзбек адабий танқиди тарихини ўрганиш ва адабий танқид жанрларини тадқиқ этиш, ўзбек мунаққидлари ижодини ўрганиш соҳаларида ўзига хос тадқиқотлар яратди.

Билишимизча, олима олий таълим тизимида тажрибали, жонкуяр ва фидоий педагог, моҳир ва изланувчан олима сифатида кўп йиллардан бери

фаолият кўрсатиб, талаба ва магистрларга “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Адабиёт таълимида замонавий ахборот технологиялари”, “Адабий танқид назарияси”, “Жаҳон адабиёти муаммолари” фанларидан сабоқ бериб келмоқда.

Олиманинг ҳаммуаллифликда яратилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (Т.: Чўлпон, 2012) дарслиги, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (Бухоро, 2003), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2018) ўқув қўлланмалари бор. Иқтидорли олима халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларида ўз маърузалари билан доимий фаол иштирок этиб келмоқда.

Шоира Нематовнанинг дарслик ва қўлланмаларидан ташқари “Юмор жилолари”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Ўзбек адабий танқиди жанрлари”, “Миллатнинг ҳассос олими” (академик Б.Назаров билан ҳамкорликда) монографиялари ва “Ёниқ қалб эҳтироси” (Н.Қодирова билан ҳамкорликда), “Мунаққид маҳорати”, “Катехезис Наима Каримова” (проф.Н.Шодиев билан ҳамкорликда), “Чин олимлик саодати”(Қ.Қаҳрамонов билан ҳамкорликда) , “Абдулла Қодирий ва қодирийшунослик” (2020), “Феномен критика” (Рига, 2020) адабий портрет ва илмий рисоалари, “Мактубот ва адабий танқид” (Германия, 2019), “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” (Германия, 2020) монографиялари, “Бадий матн таҳлили”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” фани бўйича услубий кўрсатмалар” каби ўқув-усулий қўлланмалари соҳа мутахассислари учун муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда олима ўнга яқин шогирдлари билан ўз илмий мактабини яратмоқда. Шу кунгача ўнлаб магистрлар унинг раҳбарлигида диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишга эришди. Унинг икки нафар фан доктори, икки нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий даражасини олган шогирди бор. Ўзи ва шогирдлари биргаликда филология фанининг долзарб муаммолари бўйича қатор тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Ёш олимлар – издошларига илм йўлида ҳамфикр, ҳаммаслак бўлаётган олима ўз мактабини яратиш йўлида шогирдлари, ёш тадқиқотчиларга ҳар томонлама кўмак бериб, уларнинг илм йўлидаги изланишларини доимо қўллаб-қувватлаб келади.

Ёшларни илм йўлига бошлашда беғараз кўмакдош, самимий маслаҳатларини ҳеч кимдан аямай, эзгу ишларга бош-қош бўлаётган Шоира Аҳмедованинг тадқиқотларида синчков, билимли олиманинг нигоҳи сезилиб туради. Муҳими, олима дунё адабиётшунослигини ўрганган ҳолда тадқиқотлар яратади. Аёллик, оналик фарзи билан бирга илмнинг шарафли йўлини босиб ўтаётган олимага 60 ёш қутлуғ бўлсин деймиз. Адабиёт тадқиқидан асло толмасин!

Салимахон МИРЗАЕВА,
Андижон давлат университети профессори,
филология фанлари доктори,
Зилола РАҲМОНОВА,
илмий тадқиқотчи
(Ўзбекистон)

ОЛИМАНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли ва фаолиятига чизгилар чизишда энг ёрқин ранглардан фойдаланишни истайди киши. Улардан ўргангинг, уларга ўхшагинг, улардан нимадир “олгинг” келади...

Бухоролик Шоирахон Аҳмедова Неъматовнани бугун адабиёт илми оламида кўпчилик яхши билади. Республикамиздаги таниқли адабиётшунос олималардан бири Шоирахон Аҳмедова ўзбек адабий танқиди жанрларининг илк тадқиқотчиларидан бўлиши билан бирга ўзбек танқидчилиги мактаби анъаналарини ҳар жиҳатдан бойитишга мислсиз хизмат кўрсатиб келмоқда. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб, ўзбек мунаққидлари ижодини ўрганиш соҳаларида чуқур фундаментал тадқиқотлар яратаётган олиманинг ҳаммуаллифликда вазирлик грифи асосида чоп этилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (Т.: Чўлпон, 2012) дарслиги, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (Бухоро, 2003), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2018) ўқув қўлланмаларидан университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалаврларини, “Касб-хунар коллежларида жаҳон адабиёти намуналарини ўрганиш йўллари” ўқув услубий қўлланмасидан (Бухоро, 2014) юртимиздаги касб-коллежлари ўқувчиларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ш.Аҳмедова ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлашда беназир устоз. Масалан, у “Истиқлол даври адабиётида Ғарб ва Шарқ адабий анъаналари синтези” номли Ф-1-06 рақамли фундаментал давлат гранти лойиҳасида жамоатчилик асосида фаол иштирок этиб, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларни жалб этишга кўмаклашди. Унинг раҳбарлигида икки фан доктори, икки нафар фан номзоди ўз илмий ишларини ҳимоя қилдилар. Ўнлаб шогирдлар устоз изидан бориб, унинг мактаб яратишдек эзгу ишига ҳамкорлик қилмоқдалар.

Халқимизнинг миллий қадриятларини ёшлар орасида тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатиб келаётганини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Олиманинг лойиҳаси ва ташаббуси билан “Бухоро оқшоми” газетаси таҳририяти “Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ёш журналистлар тўғараги” ҳамда “Соғлом турмуш тарзини тарғиб этамиз” лойиҳалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари

ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган давлат грантини қўлга киритди.

Ш.Аҳмедованинг дарслик ва қўлланмаларидан ташқари, “Юмор жилolari”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Ўзбек адабий танқиди жанрлари”, “Миллатнинг ҳассос олими” (академик Б.Назаров билан ҳамкорликда) монографиялари, “Ёниқ қалб эҳтироси”, “Мунаққид маҳорати”, “Катехезис Наима Каримова” илмий рисоалари, “Бадий матн таҳлили” каби ўқув-услубий қўлланмалари соҳа мутахассислари учун муҳим қўлланмалар бўлиб хизмат қилмоқда.

Олима олий таълим профессор-ўқитувчилари ҳамда ўрта-махсус, касб-таълими, академик лицей ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани қувончли.

1984-2020 йиллар давомида Республика илмий журналларида 200 дан ортиқ илмий мақолалари ва 90 дан зиёд тезислари эълон қилинган. Хорижий журналларда чоп этилган илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

Олима фаолиятига назар ташласак, 2012 йилдан буён “Турон” фанлар илмий академияси академиги, педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш билан бир қаторда университет ва факультетнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келганини кўрамиз. Хусусан, 1999-йилдан университет Илмий кенгаши котиби лавозимида, 2010-2013 йилларда филология факультети хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ташкилотчилик қобилиятларини намоён этиб, жамоанинг ҳурматини қозонди.

Профессор Ш.Аҳмедова 2014-2019 йилларда Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси мудири сифатида жамоада чиройли муҳит ярата олди, ўзбек филологияси таълим йўналишида ўқув, ўқув-усулий, илмий, ташкилий, маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, кафедранинг университетнинг фаол кафедраларидан бирига айлантиришда фидойилик намунасини кўрсатганини биламиз.

Филология фанлари доктори, профессор Шоира Аҳмедова Неъматовнанинг ҳаёти ва фаолияти намунага арзийди. Адабиётшунослик йўналишида 1 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 4 та услубий қўлланма ҳамда 8 та монография муаллифи. Олима 2012 йилдан буён “Турон” фанлар илмий академиясининг академиги. Бир қанча илмий журналлар таҳририяти аъзоси. Илмий кенгашлар аъзоси, олиманинг 2019 йилда “Мактубот ва адабий танқид”, 2020 йилда “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” монографиялари Германияда чоп этилган. Фаолияти давомида ёзилган уч юзга яқин илмий мақола ва тезислари, рисоалари аллақачон ўқувчиларини топиб улгурган.

Олиманинг сиёсий жараёнлардаги қайноқ фаолияти ҳам эътирофга арзийди. Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси аъзоси (2009) сифатида 2012 йилдан буён ЎзМТДП Бухоро вилояти Ижроқўм кўмитаси раиси ўринбосари лавозимида жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда. Вилоятда ташкил этилган “Бувижонлар мактаби” раиси сифатида ёшларга оила, рўзғор, турмуш, ҳаёт сабоқларидан дарс бериб келмоқда.

Олиманинг турмушдан топган бахти ҳам ҳавасга арзигулик. Одатда, аксар илм йўлидаги инсонлар бор бахтини бир томондан топганига гувоҳ бўламиз. Умрини фақат илмга сарфлаганлар оз эмас, аммо Шоирахон Аҳмедова бир қўлида илмни, бир қўлида оилани маҳкам тута билди. Турмуш ўртоғи Ғайратбек Салимов ҳам илм аҳли вакили. Бухоро давлат университетида педагогика фанлари номзоди, доцент. Докторлик диссертацияси яқунланиш арафасида. Улар биргаликда тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказдилар. Бири тадбиркор, бири шифокор, бири ўқитувчи, кенжаси магистр. Илмдан куч олаётган фарзандлар ота-онасига йўлдош, муносиб бўла олдилар. Етти нафар шириндан-шакар набиранинг қувончи ишдан ҳориб келганларида машаққатларни, чарчоқларни енгшида тотли энтикиш бўла олади. Бахтингизга кўз тегмасин деймиз!

Аёлнинг оиладаги бахти унинг жамиятда муносиб ўрин топа олишида жуда муҳим. Профессор Шоирахон Аҳмедованинг ҳаёт ва фаолиятига назар ташлар эканмиз, ана шу яққол уйғунликни кўрамиз. Улардан ибрат олишга ошиқамиз.

А. САБИРДИНОВ

ФарДУ доценти, филология фанлари доктори

Г. ОРИПОВА

ФарДУ ўқитувчиси, ф.ф.бўй.ф.д. (PhD)

(Ўзбекистон)

ИЛМ БИЛАН БЕЗАНГАН УМР

Республикамизда Бухоро замини етук ва салоҳиятли олимларни етиштириб бераётганлиги билан ўз ўрнига эга. Ана шундай серқирра олимлар орасида профессор Шоирахон опа Аҳмедова борки, у кишининг ўзбек адабиётида адабий танқидни ривожлантиришдаги ўрни эътирофга сазовордир. Илм эгаллашни игна билан қудуқ қазимоққа қиёслайдилар. Профессор Шоирахон опа Аҳмедованинг ҳаёти ва сермашаққат ижод йўли ана шу қиёснинг тўғри эканлигини далиллайди. Истеъдодли олима Шоирахон опа Аҳмедова илмий-педагогик фаолияти давомида таълим сифатини ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, етишиб чиқаётган кадрлар салоҳиятини юксалтириш борасида фидокорона меҳнат қилаётган жонқуяр ва фидойи инсондир.

Илм-фан равнакига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган етук салоҳиятли олима Шоира Аҳмедованинг бугунга қадар 250 дан ортиқ илмий ишлари чоп қилиниб, ўзлари республика ва вилоят миқёсидаги анжуманларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг қатор монографиялари, илмий-усулий қўлланмалари, рисоалари, республика ва халқаро журналларда чоп этилаётган илмий мақолалари хорижий ва

республикамиз олимлари томонидан қизғин кутиб олинмоқда. Жумладан, “Юмор жилолари” (1998), “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (ҳамкорликда, 2003), “Мактубот ва адабий танқид” (2005), “Адабий матн таҳлили” (ҳамкорликда, 2006), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2008) “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари” (2008), “Миллатнинг ҳассос олими” (2012, Б.Назаров билан), “Катехезис Наима Каримова (2012, Н.Шодиев билан), “Чин олимлик саодати” (2015, Қ.Қахрамонов билан), “И.Каримов асарларида замонавий раҳбар ҳақида” (2018), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2018, ҳамуаллифликда), “Мактубот ва адабий танқид” (2019, Германия), “Феномен критика” (2020, Рига), “Абдулла Қодирий олами ва қодирийшунослик” (2020, Г.Тешаева билан), “Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати” (2020, Германия) номли тадқиқотлари мавжуд. Унинг мазкур илмий асарлари долзарб мавзуси, чуқур илмий асоси билан ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди.

Фидойи олима Шоирахон опа Ахмедова академик Бахтиёр Назаровнинг илмий мактаби давомчиси сифатида ўзбек адабий танқидининг жанрлари муаммосини тадқиқ этган ва бир қанча салоҳиятли шогирдларни тарбия қилган. Устоз-шогирд “Ўзбек адабий танқиди тарихи” фани бўйича републикада биринчи бўлиб дарслик яратишга муваффақ бўлганлар. Шоирахон опа Ахмедованинг Турон Фанлар академияси академиги унвонига сазовор бўлиши ҳам илмий-педагогик фаолиятидаги сермашаққат ва шарафли меҳнатлари ҳосилдир.

Барчамизнинг чексиз меҳримизга сазовор бўлаётган Шоирахон опа Ахмедова юксак салоҳиятли олима, маҳоратли педагог ва муҳтарам устоз бўлиши билан бирга, 2012 йилдан буён Ўз МТДП Бухоро вилояти Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари лавозимида жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.

Бугун муборақ 60 ёшини қаршилаётган олима Шоирахон опа Ахмедовага узоқ умр, мустақкам соғлиқ, ижодий бардамлик, ҳамиша элимиз ардоғида бўлиб, фарзандлар, набиралар ҳамда шогирдлар камолини узоқ йиллар кўриб юришларини тилаймиз. Бу муҳтарам зотга доимо илм чўққиларини забт этиш, эзгу амаллар соҳиби бўлиш насиб этаверсин!

Давронова ШОҲСАНАМ,
Бухоро давлат университети
ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)

АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўзбек адабий танқидчилиги ўзининг узоқ йиллик тарихий тараққиёти давомида хилма-хил муаммолар доирасида ўрганилиб келинмоқда. Адабий танқидчиликнинг долзарб масалалари қаторида фаннинг назарий

асосларини белгилаш ва унинг амалий аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Адабиётшунос олима Шоира Аҳмедованинг “Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари” китобини ушбу борада муҳим қадам бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Олима, чиндан ҳам, “...ўзбек адабий танқиди жанрларининг илк тадқиқотчиларидан, ўзбек адабиёти вакиллари ижодининг тарғиботчиларидан бири сифатида ўзбек танқидчилиги мактаби анъаналарини ҳар жиҳатдан бойитишга, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, мамлакатимизда ижтимоий фанлар ривожини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда”¹.

“Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари” китобида олима ўзбек танқидчилиги жанрлари таркиби ва генезиси, тезкорликка асосланган танқидчилик жанрлари ҳамда тарихий-биографик ёндашув характеридаги адабий танқид жанрларини белгилаб беришга ҳаракат қилган. Ўзбек адабий танқиди жанрлари табиатини илмий-назарий асослаш жараёнида олима мазкур жанрдаги асарларнинг ҳам бадиияти ва илмий аҳамиятини тадқиқ этади. “Адабий танқид ўзига хос ижод тури бўлиб, у ҳам фақат жанрларда ўзини намоён этади. Танқид деган тушунча тақриз, мақола, адабий портрет каби аниқ жанрларда ўз амалий ифодасини топади. Демак, адабиётда ҳар бир адабий тур аниқ жанрда намоён бўлгани сингари, ижод тури ҳисобланган адабий танқид ҳам ўзига хос жанрларда намоён бўлади”², – деб ёзади олима.

Айни пайтда, китобда танқидчилар фаолиятига ҳам ҳолис баҳо берилиб, уларнинг асарлари жанрий хусусиятлари ва илмий аҳамияти юзасидан атрофлича таҳлил қилинади. Жумладан, Иззат Султон, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Нормагов, И.Ғафуров каби мунаққидларни адабий портрет устаси сифатида таъриф этса, А.Қаюмов, Н.Каримов, Л.Қаюмов, Ҳ.Каримов, Ш.Холмирзаев кабиларнинг моҳир эссе-навис эканлигини таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, олиманинг ўзбек адабиётшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси ўзбек танқидчилигининг жанрий таркибини изчиллик билан тасниф этиб, таърифлаганлиги билан ҳам белгиланади. Масалан, асарда биргина тақриз жанри ҳақида сўз борар экан, “Янги бадиий асарга ёзилган ҳозиржавоб тақризлар” ҳамда “Бадиий асарни эстетик баҳоловчи монографик тақризлар” ажратилади. Шунингдек, шарҳ тақризлар, мактуб тақризлар, хабар тақризлар, оғзаки тақризлар тавсифланади. Таъкидлаш мумкинки, асарда санаб кўрсатилган барча жанрларга нисбатан ана шундай тизимли ёндашув яққол сезилиб туради. Натижада адабий жанрлар сингари танқидчилик жанрларининг ҳам тўлақонли назарий асослари, таърифи, таснифи ва тараққиёт йўли белгиланиши учун йўл очилди.

Китобда қайси бир жанр тўғрисида сўз бормасин, унинг илмий-назарий жиҳатлари билан бир қаторда мазкур жанрда яратилган асарларнинг

¹ Қодирова Н. Илмда ҳам, ҳаётда ҳам барчага ибрат устоз йўли // Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2018. – № 4. – Б. 258.

² Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.9.

тадқиқи ва олиманинг уларга нисбатан муносабати, қарашлари баён этиб борилади. Қолаверса, ўзбек ва жаҳон адабиётида бу борада эришилган ютуқларга назар ташланади. Натижада ўзбек адабиётшунослиги қаторида жаҳон халқлари танқидчилиги эришган ютуқларга ҳам ўз ўрнида назар ташлаб ўтилади. Асарда, айниқса, Андре Моруа, Сент-Бьёв, В.Закруткин каби бир қанча олимларнинг танқидчилик ривожига қўшган ҳиссаси ажратиб кўрсатилган.

Ушбу китобда ўз тадқиқини топган масалалар ўзбек адабий танқидчилиги жанрларининг ҳар бирини атрофлича ўрганиш заруратини белгилаб берди ва кенг кўламли тадқиқотлар учун йўл очди. Бугунги кунга келиб, адабий танқидчиликнинг адабий-танқидий мақола, тақриз, эссе, адабий портрет, адабий-танқидий очерк каби жанрларининг ҳар бири кенг доирадаги тадқиқотларни кутмоқда.

Зулайҳо РАҲМОНОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўз Р ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
(Ўзбекистон)

КЎНГИЛ ТАРИХИДАГИ УСТОЗЛАР

Бани башар бу даҳри дунда мусофирдир. Алишер Навоий ҳазратлари умр сўнгида ёзган “Маҳбуб ул- қулуб асарида: “Ҳар қачон мусофир кўрмаган йўлига раҳбарсиз қадам урса ва етолмайдиган водийга томон югурса, унинг йўлни йўқотмоқ, йўлдан адашмоқ эҳтимоли бор. У укубатлардан ва хатарлардан мусофирни ўтказиб қуювчи бир йўлбошчи керак”, – деган эди. Мутафаккир шоир айтганидек, ҳаёт сўқмоқларида бир пири комилга эҳтиёж табиийдир. Билъакс йўлни йўқотиб, залолат гирдобига тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, бу олам шунчалар рангин эканки, унда кўзларинг қамашмаслиги учун бир устознинг теран нигоҳи, ер шунчалар қаттиқ эканки, унда юрмоқ учун бир мураббийнинг излари, осмон нақадар узоқ эканки, унга талпинмоқ учун бир устознинг баланд, бақувват елкалари керак бўлар экан. Шу маънода Тожи Қораев, Охунжон Сафаров, Ҳамид Неъматов, Раҳим Воҳидов, Эргаш Қиличев, Насруллоҳ Шукруллаев, Мирзааҳмад Олимов, Саида Назарова каби атоқли олим, улуғ устозлар қўлида Бухоро давлат университетида таҳсил олганимдан Парвардигорга беҳад шукрим, бениҳоя ҳамдим бор! Маана шундай узтозлар сафида Шоира Аҳмедова алоҳида ўрин ва мавқега эга.

Тақдир бизнинг ризқимизни пойтахт Тошкенти азимга сочган экан. Бу ерда кўпгина адабий давраларда адабиётшунослар билан ҳамсуҳбат бўлиб, турли муассаларда фалолият юритдик. Бироқ ҳар ерда ҳамиша адабиёт ҳақида ўзимизнинг сўзимиз, чекинмас эътиқодимиз бўлди. Бунинг бош

сабаби, ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Бухоро давлат университетиде таъсил олганимиздир. Зеро, адабиёт бизнинг шуури кўнглимизга шундай ўрнашди: Охунжон Сафаровни хотирлашимиз билан – халқнинг самимияти ва мутафаккирлиги, Ҳамид Неъматов – теран мушоҳада, улвий бир робита, Мирзааҳмад ака деганда эса адабиёт – кўнгил иши, чексиз ҳассосият, илоҳий илҳом. Устоз Эргаш Қиличев номини тилга олиш билан ҳар бир сўзнинг “жон”ини ҳис қилиб, Адабиёт – сўз мусаввирлигидир, дедик. Саида опа учун Адабиёт – Ҳақ, ҳақиқат ва адолат, бир сўз билан айтганда, юракларнинг уришидир. Шоира Аҳмедова учун эса ҳақиқий ҳаёт, виждон уйғоқлиги, жасорат кураши адабиётдир. Мана шуларнинг барини жамладик ва юрагимизда муҳташам бир адабиёт пайдо бўлди. Шу боис устозларимизнинг заковати, меҳри, самимиятини ҳеч унутмадик.

Қоғозларда тарихлар ёзилверади. Бироқ ҳар бир қалбнинг кулгилари муҳрланган, кўз ёшлари билан ёзилган муаззам бир тарихи бор. Айтиш мумкинки, кўпчиликнинг кўнгил тарихида Бухоро давлат университетининг алоҳида ўрни мавжуд. Кўнгил бир умр талпинадиган юраклар, ҳаммиша сайр айлайдиган манзиллар бўлади. Бухоро давлат университети мана шундай муқаддас даргоҳлардан саналади. Хаёлан неча бор у ерга қайтиб-қайтиб бораверасан киши. Остонасига қадам қўйишинг билан узоқроқда дунёи дунга этак силкиб, бутун борлиқни унутиб, ёлғиз юрган Мирзааҳмад Олимовга кўзинг тушади. Ичкарига киришинг билан фанига бўлган муҳаббатидан бутун бир миллат, халқни тажассум этган Сафаровнинг: “Бу ерларга келмас эрдим, ёр келтирди мани”, – дея айтаётган шеърларини эшитиб юраклар титраши аниқ, беихтиёр устозни соғинасан. Нариги хонага мўраласан, Қиличевнинг: “Зўр бўлсанг қарсиллат, шеър билан тугат, бечора”, – тарзидаги истеҳзосидаги бутун бир шахсиятни дунёга келтириш мақсадини англаб, ўзингга ҳисоб бера бошлайсан, узоқоқ хаёлларга бериласан. Юрак бетламайгина кейинги аудитория эшигини очсанг, ўз фанининг билимдони Шукруллаевнинг дераза олдида ўзига ўзи: “Бутун курс вазифани бажармаган бўлса, эрта ариза ёзаману, қайтиб бу гуруҳга кирмайман”, – деган қасамларини эшитиб, жуда-жуда уяласан, “Кечиринг, устоз”, – дегинг келади. Дарвоқе, қайсидир қаватда таниқли тилшунос Ғуломовнинг “Азганушжон, Азгануш ...” – дея берилиб юракдан шеър ўқиётганларини ҳам эшитмасликнинг имкони йўқ. Шоира опанинг: “Эртанги дарс Кафка ҳақида, ҳаммаларингиз асарларини топиб ўқинглар”, – дейишлари балан хаёлларимиз дунёсидан қайтиб, “Яна кутубхона боришимиз керак” деган қайғуларимизни эслаймиз. Бугун эса устоздан жуда миннатдоримиз. Ҳар дарс мажбуран янги бир асар ўқир, таҳлил қилар ва ўз талқинларимизни қоғозга тушириб борар эдик. “Адабий танқид” деган фаннинг юкени бугун бироз англаймиз. Аввало, бадий матн билан чуқур танишиш, асарга берилган баҳоларни ҳам ўткир нигоҳ билан теран таҳлил қилиш ва ниҳоят, ўзининг холис хулосасини баён қилиш учун нечоғлик юксак билим талаб қилинар экан. Айтиш мумкинки, Шоира Аҳмедова бугунги адабий танқид майдонида ўз ўрнига эга таниқли адабиётшунослардан. Шоира опа бизга фақат адабиёт фанидан эмас, балки ҳаёт дарсидан ҳам сабоқ берди-

лар. У кишидан меҳрибон она, жонқуяр устоз, адолатли касбдош, муносиб кўнгилдош, ҳақгўй инсон бўлишни ўргандик. Ҳозир ҳам Шоира опа Тошкентга келишлари билан ҳамма шогирдлар жамланамиз. Устоз Бухоронинг нафасини, талабалик хотираларини олиб келадилар. Умр ўтаверар экан. Биз ҳам қирқ ёшдан ошдик. Қандай шогирд бўлдик, билмадик. Лекин Шоира Аҳмедова ҳозир ҳам талабчан устоз. Кўришишлари билан: “Хуршид Давроннинг янги китобини кўрдингларми, Назар Эшонқулнинг янги романини ўқидингларми?” – каби саволларга кўмиб ташлайдилар. Мабодо бирортасини ўқимадик, десак, “Сизлар китоб ўқимайсизлар, замондан орқада қолгансизлар” каби танбеҳлар бошланади. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов:

Шоирга дедилар: Сиз – бахтли инсон,

Эл-юрт ардоқлайди, ҳамма танийди.

Шоир жавоб берди: Менда бир армон,

Муаллим десалар мени, қанийди, –

деганида қанчалар ҳақ эди. Шоира опа, Сиз мана шундай баланд рутбанинг муносиб соҳибасисиз. 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизни нафақат ўзим, балки Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида фаолият юритаётган издошларингиз Йўлдош Раҳматов, Насиба Бозорова, Мақсуд Асадов, Мунишжон Ҳакимов, хусусан, Камолот Темирова бошчилигидаги бутун гуруҳимиз номидан чин юракдан табриклайман. Яратгандан узоқ, хотиржам умр сўрайман. Аллоҳ Сизни келажақда ҳали кўпгина хайрли ишларга васила қилсин!

Нусратова ҲАМИДА,

ф.ф.б. PhD, доцент

(Ўзбекистон)

УСТОЗ – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ

Маҳалламиз ўртасидан кесиб ўтган катта канал (анҳор) сувининг шовуллаб оқишини кузатиб, ширин хаёл суриб турган 18 ёшли қиз узоқдан кўринган хушбичим аёлга эътиборини қаратди. Бўйлари узун, нозик беллари ўзига мос қилиб тикилган кўйлақдан сезилиб турган, оппоқ юзли, ёноғида қора холи ҳуснига ўзгача кўрк бағишлаган, қоп-қора ўрилган узун сочи товонига етай деб қолган, юзларида ўзгача ҳаяжон барқ уриб турган гўзал сиймоли Аёл қўшни ҳовлига уялибгина кириб кетди. Унга ҳавас ва қизиқиш билан қараган қиз аёлнинг орқасидан термулиб қолаверди...

Эртаси куни қўшни ҳовлидан кечаги нотаниш аёл тўғрисида ийманибгина сўраган қиз, ўзгача ҳаяжон, ўзгача таассурот билан уйига қайтди-да яна ширин хаёллар оғушига чўмди. Унинг хоҳиш, истаклари, орзу-ўйлари бирпасда остин-устин бўлди. Энди у кўп бора излаган, кутган, ўз мақсадларига эришишида ўрнатилган инсонни топганди...

Ҳа... ўсмир қиз қушни аёл тўлиб-тошиб, ҳаяжонланиб таърифлаган нотаниш, гўзал аёлга эргашди. Унинг каби ҳаётда ўз йўлини, ўз ўрнини топишга интилди ва унга издош, шогирд бўлишга муваффақ бўлди.

Бундан 25 йил илгари ҳаёт остонасида хаёл суриб турган қизни ўзига мафтун этган, очиқ чехрали аёлнинг олима, филология фанлари номзоди, ўз фанининг етук мутахассиси, оилада севимли рафиқа, фарзандларига меҳрибон она эканлиги, ҳаётда ўз йўлини топган Инсон бўлганлиги учун унга эргашган эди. Тўғри, ўшанда 18 ёшли орзулари осмон қадар юксак бўлган қиз эдим. Мен интилган, менга ўрناق бўлган, ўзини фарзандидек қабул қилиб, ҳаёт йўлида устозлик қилган опам Шоира Нейматовна Аҳмедовадан бутун умр миннатдорман.

Муаллимлик буюк мақомига эга бўлган Шоира Нейматовна менинг ҳаётимда дастлаб абитуриентлик даврида, сўнг бакалавр, магистратура босқичларида устозлик қилдилар. Илм-маърифат зиёсини тарқатишдек савобли ишни амалга ошираётган устозим раҳбарлигида филология фанлари номзоди бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳам ҳимоя қилдим. Фахр билан айтаманки, Шоира Нейматовнанинг биринчи шогирди сифатида устозга издош бўлишга ҳаракат қиламан.

Илм-руҳ озиғи. Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгалланишини Шоира Нейматовна мисолида кўрдим. Доимий изланишда бўлган устозим адабиётнинг турли жабҳаларида фикр-мулоҳаза юрита оладиган олима эканликларига ҳар доим тан бераман. Устозни ўзбек ва жаҳон адабиётининг янгиликлари, муаммолари, ютуқларини моҳир мунаққиддек баҳолай оладиган адабиётшунос сифатида республикада танишади. Шоира Нейматовна ўзбек адабиётшунослигида адабий танқид, танқидшунослик ва мунаққидлар тўғрисида дарслик, рисола ва ўқув қўлланмалар яратиб республикада ўз ўрнига эга бўлган олимандир.

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонларидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун беқиёс меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам унинг шогирд устидаги ҳаққи бениҳоят катта ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Унинг юпун ва совуқ бўлган маънавий оламини ўзининг қалб кўзи билан иситади, унинг дунёсини илм зиёси билан мунаввар этади. Сабр ва меҳр билан парваришлайди. Натижада унинг қўлига ниҳол бўлиб келган ўқувчи ва талаба зиён кўрмасдан униб-ўсади ва вақти келиб бу ниҳол ҳаёт бўстонидаги сербарг, муҳташам дарахтга айланади. Кейин у ҳам ўз навбатида маънавият боғига ўзининг ҳар хил меваларини тақдим этади.

Ҳозирда Шоира Нейматовна филология фанлари доктори, профессор илмий даражасига етган, у кишининг илмий раҳбарлигида 2 нафар фан доктори, кўплаб филология фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD) етишиб чиққан. Йигирмадан ортиқ магистрга, юзлаб талаба шогирдларига ўзбек танқидчилиги фанидан дарс бериб келаётган фидойи устозни барча шогирдлари қадрлайди, эъзозлайди.

Мен устозим Шоира опани ҳар доим софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсон деб биламан. Чунки устозим бутун кучини, ақл- идрокини, билим ва зеҳнини, қалб кўри-ю меҳрини шогирдларига бахшида этган заҳматкашдир.

Шоира опанинг оилаларини, фарзандларини абитуриентлик давримдан бери биламан. Оиладаги соғлом муҳит, Шоира опанинг турмуш ўртоқлари Ғайрат ака билан самимий, ҳурмат ила бир-бирларини тушуниб яшашлари, фарзандларини тўрталаси ҳам ўқимишли, меҳнаткаш, инсоний туйғулар-ла ҳаётни севиб яшашга интилишлари ўрناق олишга арзийди. Шоира опа нафақат фарзандлари, балки барча шогирд, ҳамкасбларининг шахсий ҳаёти билан доимо қизиқиб, уларнинг бахт-у-саодати учун тўғри маслаҳат бериб, жонкуярлик қиладиган фидойи инсондир.

“Илм, ҳикмат сувни ёндира” – дейди доно халқимиз. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам илм шундай қудратга эга. Бу қудратни эса бизга илмлар султони бўлган устозларимиз беришади. Шундай қудратни бизга тақдим этган устозларимиз омон бўлишсин. Айниқса, мен учун қадрли, кўркам, очикчеҳрали, меҳнаткаш устозим Шоира Нейматовнанинг берган сабоқлари менга бир умр машъала бўлиб, илм денгизида сузишимга маёқ бўлади. Устозимдаги мустақкам ирода, сабр-матонат, ҳаёт йўлида учраган тўсиқларга тик боқиб, уни одилона ҳал қилишга эришиши биз шогирдлар учун ўрناق бўлади.

Устоз, қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Ёшларга таълим-тарбия беришда намуна бўлаётган сиздек олима АЁЛдан фахрланамиз, сиздан куч оламиз. Шоира Нейматовна! Олималик шукуҳи сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Биз шогирдларга ўрناق бўлиб, шижоат ила илм йўлида, ҳаёт йўлида собитқадам юришдан баҳраманд бўлинг. Умрингиз узоқ бўлсин. Қадрли Устозим, доимо ҳозиргидек Бухоро олималарининг фаҳри бўлиб юриш насиб қилсин!

Қодирова НАСИМА,

Бухоро давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси таянч докторанти
(Ўзбекистон)

УСТОЗ ЙЎЛИ – ИБРАТ МАКТАБИ

Донишмандлар “буюклик – оддийликда”, – дейишади. Оддийлик замирида ҳалоллик, фидойлик, меҳрибонлик каби юксак инсоний фазилатлар мужассам. Бутун ҳаётини миллат таълим-тарбиясига бахшида этган, илм оламида кўплаб муваффақиятларни қўлга киритган улуғ устозларнинг қалб оламига яқинлашган сари мана шу оддийликнинг зиёсини кўриш мумкин. Устоз, Шоира Нейматовна ҳам ҳаёт мазмуни-ю гўзаллигини оддийликда деб билган, сийрати ва сурати мувозанатини асло бузмаган чин олима, чин инсондирлар.

Устоздан талабалигимда сабоқ олганман, магистратурада, кейин докторантурада илмий ишимга раҳбарлик қиляптилар. Шу фурсат ичида у

кишидан жуда кўп нарсани ўргандим. Энг аввало, Адабиётга муҳаббатни. Устоз мени доимо китоб ўқишга ундайдилар, қандайдир янги китоб нашр этилса, аввал ўзлари мутолаа қилиб, сўнг менга берадилар ва “мана бу китобни ўқи, қандайлигига баҳо бер, кейин гаплашамиз”, – деб кўшиб қўядилар. Устознинг даъватлари билан ўз ишларимдан чалғиб, бошқа китоб мутолаасига берилиб кетаман, ўқиб бўлгач, менга уни шунчаки тавсия этмаганлари, адабиётга дахлдор ҳар бир киши ўқиши зарур бўлган китобни берганликларига амин бўламан. У кишининг ишлари ниҳоятда кўп бўлса-да, янги китобларни кечиктирмай ўқиб чиқишларига ҳавас қиламан. Бу фазилатларини ўзимга ҳам сингдиришга интиламан.

Устозимнинг мен жуда ҳавас қиладиган фазилатларидан бири – ҳаёт-севарлик. Дунёда ҳар бир нарсанинг салбий томонини кўрадиган, ҳаётга қийшиқ ойнадан қарайдиган кишилар кўп. Аммо Шоира Нематовна барча нарсдан яхшилиқ излайдилар, доимо эзгулик умидида бўладилар. Шогирдларини ҳам шунга ўргатадилар. Мақсадга қараб дадил қадам ташлаш, бошланажак ишдан, албатта, яхшилиқ кутиш лозимлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, “Бошқаларнинг фикрини тингла, бироқ ҳақ бўлсанг, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳақиқатингдан воз кечма”, – дея уқтирадилар. Ўйлаб қарасам, булар шунчаки айтилган тавсиялар эмас, илмнинг машаққатли йўлидан мардона ўтган устознинг ҳаётий хулосалари бу. Кафедра лаборантдан кафедра мудирлигигача бўлган узоқ масофани босиб ўтган, бугунги кунда филология фанлари доктори илмий даражаси, профессор унвонига сазовор бўлган Шоира Нематовнанинг бу мартабага эришувлари ортида жуда катта меҳнат ва жасорат мужассам. Илм йўлида кўйилган сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш инсон матонати, бардошини ҳам синовдан ўтказди. Ахир, ўз илмий изланишлари самараси бўлган диссертациясини уч мартаба, қайта-қайта ҳимоя қилиш осонми? Менга ўхшаган киши бўлса, илм олампидан бутунлай чиқиб кетарди, эҳтимол. Аммо устоз курашдан қўрқмадилар, у кишига бу жасоратни ўз билимларига, тўғри йўлда эканликларига бўлган ишонч берганлиги, шубҳасиз. Шу сабаб биз шогирдларга ҳам ҳамиша ўз устимизда ишлаб, изланишимиз фақатгина билимга таянишимиз лозимлигини таъкидлайдилар.

Устоз Шоира Нематовнанинг баъзиларга ёқмайдиган бир жиҳатлари бор – талабчанлик. Ҳаётда турли хил ҳолатлар, вазиятлар бўлади. Баъзан киши ниманингдир таъсирида қорани-да оқ дейишига тўғри келиб қолади. Шундай вазиятларда ҳақиқат айрича талқин этилади. Аммо устоз ҳамиша оқни оқ, қорани қора дейишга одатланганлар. Устоз илмий изланиш олиб боришни мақсад қилган ҳеч бир кишидан ёрдамларини, керакли маслаҳатларини аямайдилар, бироқ ишга юзаки ёндашилса, хоҳ шогирдлари бўлсин, хоҳ ҳамкасблари, хоҳ қариндошлари, тадқиқотчидан ишга жиддий ёндашиб, хато ва камчиликларни ўз ўрнида тузатишни талаб этадилар.

Бугун устоз 60 ёшни қарши олдилар, шунга қарамай у киши бажарадиган ишларнинг салмоғи, ҳаракатчанликлари мени лол қолдиради. Кафедрадаги иши билан баробар Миллий тикланиш демократик партиясида ҳам жонқуярлик ва миллатсеварлик билан фаолият олиб борадилар.

Устознинг қатъий амал қиладиган шиорлари бор: “Излаган имкон топар, изламаган – баҳона”. Қайсидир вазифани бажаришга эрингудек бўлсак, бу мақолни такрорлашдан чарчамайдилар. Устознинг ундовлари билан мазкур йилда биргаликда Москва сафарида бўлиб қайтдик, сафар давомида у кишининг сўз санъатидан ташқари рассомлик, мусиқа каби санъатнинг бошқа турларининг ҳам нуқтадон кузатувчиси эканликларини билиб олдим. Сюрреализм йўналишида ижод қилувчи рассом ва ҳайкалтарош Салвадор Далининг кўргазмасига бордик. Унинг асарларини менга шундай тушунтириб, шарҳлаб бердиларки, санъатнинг бу турига мени ҳам ошно қилдилар. Сафар таассуротлари хотирамда абадий муҳрланиб қолди.

Мен устозим Шоира Нематовнадан илмдан ташқари ҳаёт дарсини олдим. Бунинг ҳақини адо этиш ҳақида ўйласам, имконсиздек туюлади. Мени илм оламига чорлаган, бу оламда қанот бағишлаб учиришга чоғланган азиз устозимдан умрбод қарздорман. Устозим олдидаги бурчимни ҳалол адо этишнинг энг мақбул йўли фанимиз, юртимиз ривожини ва юксалишини учун бир ғишт қўя олиш. Зеро, устознинг биз шогирдлардан кутадиганлари фақат – шу.

Go'zal Zoyirova,
mustaqil tadqiqotchi
(Ўзбекистон)

USTOZ OLDIDA MUDOM TA'ZIMDAMIZ...

Buxoro davlar universiteti... Minglab olim-u olimalarga beshik b o'lgan muqaddas dargoh. Uzoq yillar davomida bu beshikni tebratib kelayotgan, aytish joiz b o'lsa, ona misoli tunni kunga ulab shogirdlarga ma'rifat nurlarini taratishdan bir lahza b o'lsin ortga chekinmaydigan fidokor, jonkuyar ustozlar dargohi. Ilm ostonasiga qadam q o'ygan har bir yosh avlodga t o'g'ri y o'l k o'rsatuvchi, yuksaklarga q o'rquvlsiz parvoz etmog'i uchun q o'shqanot tuhfa eta oladigan, shogirdlarining ma'naviy, ruhiy kamoloti uchun qalb q o'ri-yu k o'z nurini ayamaydigan ustozlar dargohi. Y o'q, also mubolag'a emas. Biz ana shunday ustozlardan ta'lim oldik. Aslida, bizni ustozni ta'riflashga s o'z axtarishimizga, bisotimizdagi inju s o'zlarni saralashimizga, har eslaganda k o'nglimizda ilqlik, samimiylik, mehr hislarining j o'sh urishiga sababchi b o'ladigan bir inson bor. Kunda, kunora turmush muammolari qarshisida hayotiy saboqlaridan qalqon tutib, g'olib kelishimizga kuch bergan qadrlı inson bor. Bu Inson – uztozimiz Shoira Ahmedova Ne'matovna.

Avvalo, ustozimizning ilmiy faoliyatlari haqida o'zimizga ma'lum ma'lumotlarnigina yodga olsak. 36 yillik mehnat faoliyati davomida tinimsiz ilm bilan shug'ullangan, k o'plab shogirdlarni bu maydonga olib kira olgan Ahmedova Shoira Ne'matovna bugungi kunda respublikamizdagi taniqli adabiyotshunos olimalardan biri sifatida e'tirof etiladi. Ustoz o'zbek adabiy tanqidi janrlarining

ilk tadqiqotchilaridandir. O'zbek adabiyoti vakillari ijodining targ'ibotchilaridan biri sifatida o'zbek tanqidchiligi maktabi an'analarini har jihatdan boyitishga, biz kabi yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirishda, mamalakatimizda ijtimoiy fanlar rivojini ta'minlashga katta hissa q o'shib kelayotganlari alohida ta'kidga loyiq. Ustozning adabiyot nazariyasi, o'zbek adabiy tanqidi tarixini o'rganish va adabiy tanqid janrlarini tadqiq etish, o'zbek munaqqidlari ijodini o'rganish sohalaridagi chuqur fundamental tadqiqotlari natijasida o'zbek adabiyotshunosligida respublika miqyosida birinchi marta darslik yaratildi.

Biz o'qigan davrlarda bu fanga oid umumiy bir kitobni topish qiyin edi. Chunki bunday darslikning o'zi y o'q edi. Talabalik yillarimni eslayman: ustozning adabiy tanqid nazariyasi b o'yicha jiddiy tadqiqotlar olib borayotgan yillari edi o'shanda. Shu sabab o'zbek adabiy tanqidchiligi tarixi va uning nazariy jihat-lari haqida har bir darsda yangi ma'lumotlar bilan tanishar edik. O'zbek adabiyotida adabiyotshunos, shoir va yozuvchilar bilan bir qatorda ulardan kam bo'lmagan ilmiy va badiiy salohiyatga ega b o'lgan munaqqidlarning ham borligi biz uchun bir qadar yangilik b o'lgan. Chunki maktab darsliklarida ular haqida o'qimagan edik yoki adabiy asarlar sehriga shaydo b o'lib e'tibor bermaganmiz. Ammo Ustozimiz Shoira Ahmedova talabalikning 3-, 4- bosqichlarida bizga badiiy asarlarning mohiyatini ochib berish uchun ham k o'plab insonlarning mehnati borligini anglatganlar. Shundan s o'ng Naim Karimov, Homil Yoqubov, Matyoqub Q o'shjonov, Ozod Sharafiddinov... singari munaqqidlarning asarlarini topib o'qishga kirishganmiz va shu choqqacha o'qigan asarlarimiz haqida butunlay boshqa mazmun – yangi bir olamni kashf etganmiz.

Ustozim Shoira Ahmedovadagi tashabbuskorlik, ilmiy hayot bilan birga ijtimoiy hayotda ham faolliklari o'zimga yuqtirishga uringan xislatlaridandir. O'zlaridagi maqsadga erishishga b o'lgan ishonchni biz – shogidlariga ham singdira olardilar. U kishi bilan b o'lgan ilmiy suhbatlardan s o'ng o'zimizda ishtiy-oq, shijoatning ortganini sezardik. Chunki bu suhbatlar faqatgina biz muhokama qilayotgan kitoblarning o'zigagina bog'liq b o'lmay, balki ularning mazmuni va yechimini hayot bilan bog'liqlikda, har birimizning ruhiyatimizga quvvat b o'ladigan ohangda s o'zlar edilar. Mana shunday pedagogik o'ziga xoslik bizning ham oliy ta'limdan keyingi ish faoliyatimizda, albatta, o'z ijobiy ta'sirini k o'rsatmoqda.

Ustozim Shoira Ahmedova nafaqat ustoz, ilmiy rahbar, balki hayotdagi tanigan-bilganlarim orasida o'z insoniy fazilatlarini bilan ham qalbidan chuqur joy olganlar. Ustoz haqida o'ylasam, haqiqatga tik qaray oladigan, yolg'onga nafrati cheksiz, muammolar, t o'siqlar qarshisida b o'ysunmas, mudom k o'tarinki kayfiyatda j o'shib yuruvchi, eng asosiysi, mehribon ona va yaqinlari ardod'idagi latofatli ayol k o'z oldimda gavdalanadi. Ilmiy faoliyat va shaxsiy hayotda baxtga erishish juda mushkul. Ustozning ilmiy yutuqlariga havas qilar ekanmiz, u kishi, avvalo, oila oldidagi burchimizni ado etishimiz zarurligini bot-bot uqtiradilar. Ta'kidlash kerakki, shaxsiy hayotidagi kamchilik-yutuqlar haqida hamma ham shogirdlariga s o'zlashni xohlamaydi. Ustoz o'z oilaviy hayotlaridagi voqealarni bizga ibrat, namuna qilib k o'rsatadilar. Shuning uchun ham u insonni tom ma'no-

da ustoz deyishga haqlimiz. Shogirdlarini, nafaqat ilm-ma'rifat maydonida, balki oilada ham yetuklikka erishishiga madadkor ustoz oldida mudom ta'zimdamiz.

ОПАМ ШОИРАГА

Салим Мухтор, шоир

*Эзгу бир ҳис, эзгу бир армон,
Эзгу бир қалб орзуси ила
Севгимдаги муқаддас туғён,
Юрагимга солар ғулғула.*

*Бир туйғуки, нур каби шаффоф,
Бир армонки, бир умр татир.
Бир орзуки, порлаган офтоб,
Қўшиқдаги ҳаётбахш сатр.*

*Шу ҳис менинг қалбимга эгиз.
Шу ҳис билан қисматим тугал.
Менга сира аза тутмангиз,
Муҳаббатдан кўз юмсам агар.*

Шоирага (мувашшаҳ)

*Шакарлаб тўтигуфтор, бир паривашига дучор ўлдим,
Они сеҳри ила тумор қўзимга даҳр тор, ўлдум
Ишоранг-ла жаҳон остин-устун бўлғай, вовайло,
Рақамлар чекдиму, бу даҳри дунга бенигор ўлдум,
Ахир ишқу-муҳаббат деб жаҳонни титратар шоир.*

УСТОЗ ИБРАТИ

Лайло Шарипова,
шоира.

(профессор Шоира Аҳмедова таваллудларининг 60 йиллигига)

*Тангрим!
У – она, олима, устоз, меҳрибон,
Елкалаб келмоқда шунча заҳматни.
Бу юкни қўтариш оғизга осон,
Айтайлик юракдан бугун раҳматни!*

*Тангрим!
Устознинг изида олтмишта баҳор,
Олтмишта кузак ҳам шовуллаб турар.
Ортида мевали боғу, чаманзор,
Шогирдлар ҳавас-ла эргашиб юрар.*

*Тангрим!
Энг ёруғ кунларни унга қил инъом,
Асрагил ўзини, дилдошларини!
Меҳрга ўрагин ҳар кун, ҳар оқшом,
Севинчга қориштир кўз ёшларини.*

*Тангрим!
Сўзлари нон каби иссиқ ва ширин,
Кўзлари ҳамиша бўлсин нурафшон.
Жонида имконлар, ғайрат яширин,
Кўнглини сен мудом айла нурафшон!
Тангрим...*

II БОБ
МУМТОЗ АДАБИЁТГА
ОИД ТАДҚИҚОТЛАР



МУМТОЗ АДАБИЁТ ВА МАТНШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Эргаш ОЧИЛОВ,
Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

ОГАҲИЙНИНГ НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МУҲАММАСЛАРИ МУҲАММАСЫ ОГАХИ НА ГАЗЕЛЕЙ НАВОИ OGAHI'S MUHAMMAS ON THE NAVOI'S GHAZALS

Аннотация. Мақола Огаҳийнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари таҳлилига бағишланган.

Аннотация. Статья посвящена анализу мухаммасов Огахи на газелей Навоий.

Annotation. The article is devoted to the analysis of Ogahi's muhammas connected with Navoi's ghazals.

Калит сўзлар: Огаҳий, Навоий, ғазал, мухаммас, фикр, маъно, банд, мавзу, ғоя, талқин, таҳлил, маҳорат.

Ключевые слова: Огахи, Навоий, газель, мухаммас, мысль, содержание, строфа, тема, идея, толкование, анализ, мастерство.

Key words: Ogahi, Navoi, ghazal, muhammas, thought, meaning, row, topic, idea, interpretation, analysis, skill.

Огаҳий ижодига Алишер Навоийнинг таъсири катта. У ўзининг бу буюк салафидан бир умр ўрганди, ундан таъсирланди, унга эргашди, ғазалларига татаббуълар ёзди, тахмислар боғлади, устози услубида янги шеърлар яратди, фикрларини навоиёна шакллантирди. Жумладан, шоирнинг 90 мухаммасидан 33 таси Навоий, қолганлари эса Жомий, Саъдий, Фузулий, Комрон, Амирий, Бедил, Равнақ, Мунис, Ғозий, Рожий, Феруз ва бошқаларнинг ғазалларига боғланган.

Мухаммасни муҳаббат асосига қурилган оилага ташбеҳ этиш мумкин. Бу ўзаро иттифоқ меваси сифатида дунёга келган фарзанд ота-онага бирдай тегишли бўлганидай, мухаммас ҳам икки муаллифнинг ҳамкорликдаги ижод маҳсули ҳисобланади. Мухаммасларнинг ғазал муаллифи девонига ҳам, тахмис соҳиби девонига ҳам тенг муаллифлик ҳуқуқи билан киритилиши бежиз эмас.

Огаҳийнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари улуғ шоир ғазалларига боғланган мухаммасларнинг энг бадиий баркамол намуналари ҳисобланади. Огаҳий Навоийнинг “Сочса анжумдин фалак бошингга юз минг дурри ноб”, “Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб”, “Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут”, “Шўх ики ғизолингни ноз уйқусидин уйғат”, “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб”, “Вафони қилди кўб озода ул ой чун жафо айлаб”, “Холу хатинг хаёлидин,

эй сарви гулъузур”, “Сипехр осибидин солим кутулмоқлик на имкондур”, “Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз”, “Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас”, “Чарх дард аҳлиға ҳар дам ёғдурур гарди фиоқ”, “Десангки дашти фано аҳлиға бўлай ҳамтақ”, “Эй кўнгул, ҳижрон кунидур, тортиб афгон, йиғлағил”, “Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул”, “Бўлмиш андоқ мункатеъ аҳли замондин улфатим”, “Яна не чехраға ўт солди майки, ҳайронман”, “Агар ишқинг ҳавосидин ёғар ҳар жола тош ўлсун”, “Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин”, “Ҳамул тоғеки, толеъ бўлмиш эрди ул куёш ондин”, “Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён”, “Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била”, “Ваҳҳи, умрим бўлди зоеъ борча эл коми била”, “Оташин гул гарчи зиннатдур жаҳон бўстониға”, “Не пўя урдим йўлида, не бошим эттим хоки раҳ”, “Ёр ила бир хилват истарманки, ағёр ўлмағай”, “Эй кўнгул, келгил иков бўлуб нигоре кўзлоли”, “Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти”, “Гар аламинға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай” каби 33 та энг машҳур ва етук ғазалиға тахмис боғлаган ва ижод йўлидаги устози ва раҳнамосига муносиб тарзда жўровозлик қила олган. Бу мухаммасларда у ўзининг буюк салафи ғазалларида ёритилган мавзуларни муносиб давом эттирган, фикрларни ривожлантирган, тимсолу ташбеҳларнинг янги қирраларини очган. Айни жиҳатдан улар ҳаммаслақ, ҳамфикр, ҳамдард кўнгилларнинг акс-садосига ўхшайди. Қатор мухаммасларнинг “Шашмақом” куйларига солиниб, халқ севган ашулаларга айлангани ва миллий қўшиқчилигимизнинг олтин хазинасидан ўрин олгани бежиз эмас. Жумладан, Навоийнинг қуйидаги машҳур ғазалиға боғлаган мухаммаси ҳам ҳофизлар репертуаридан мустаҳкам жой эгаллаб, “Савти сувора” куйи билан Хоразм мақомлари йўлида ижро этилади:

*Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Даме йўққим, ёмонлар мажмаъида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнгулум писанд этмас¹.*

Алишер Навоийнинг ҳикматга айланиб кетган “Мени истаган киши мени ўз суҳбатиға муносиб кўрмайди, мени истаган кишининг суҳбатини эса мен писанд этмайман” мазмунидаги байтиға боғлаган тахмисида Огаҳий гапни узоқдан бошлаб, бунинг сабабини ғаддор фалакнинг нотантилиги туфайли яхшилар даврасида қадр топмаганию, ёмонлар қўлиға муҳтож бўлгани, кўзидан ёши тинмаслигининг сабаби шунда эканидан сўз очди ва ўз ҳасрату надоматларидан шундай хулоса ясайди: мен истаган мени истамайди, мени истагани эса мен истамайман.

Ғазалнинг матласи ҳусни матлаъ бўлса, мақтаъси ҳусни мақтаънинг ёрқин намунасидир. Ҳусни матлаъ, яъни матлаънинг ҳусни – ғазал ва қаси-

¹ О г а ҳ и й. Асарлар. Олти жилдлик. 2-жилд (Нашрга тайёрловчи С.Долимов). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.144. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Э.О.

дани гўзал бошлашдан иборат муштарак санъат. Илми бадеъга оид адабиётларда у ҳусни ибтидо деб ҳам юритилади. Матлаъ шеърга ўзига хос кириш, унинг очқичи ҳисобланганидан шоирлар матлаъга жиддий эътибор бериб, унга катта масъулият билан ёндашганлар: шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий етук чиқишига ҳаракат қилганлар. Атоуллоҳ Хусайний таъбири билан айтганда, шоирлар “калом бошининг ҳўбу марғуб бўлмағиға тўлуқ саъй қилғайлар, зероки, ул сомеъ қулоғиға биринчи етқай, демак, яхши бўлса, анинг давомин эшитмакка майл бўлур, йўқса, таъби ани рад этар ва кейин неча яхши бўлмасун, эшиткучининг таъбида бошда ҳосил бўлган танаффурни ислоҳ қилиб бўлмас”¹.

Ҳусни мақтаъ, яъни мақтаънинг ҳусни эса шеърни гўзал бир тарзда яқунлаш билан боғлиқ муштарак санъат. У ҳусни интиҳо, ҳусни хотима, бароати мақтаъ деб ҳам юритилади. Ижод табиатини яхши билган, ўқувчи талабини чуқур ҳис қилган шоирлар ўз асарларини қандай яхши бошлаган бўлсалар, шундай яхши тугатишга ҳам интилганлар: бунда ёритилган мавзуга ўзига хос яқун ясаганлар; асарнинг ниҳоясига етганига ишора этганлар; йўл қўйилган қусур ва хатолар учун узрхоҳлик қилганлар, эзгу ниятларини изҳор айлаб, миннатдорчилик билдирганлар, гоҳ ўқувчини дуо қилиб, гоҳ ўқувчидан дуо сўраганлар, битикларининг барчага манзур бўлиши ва яшаб қолишидан умидвор бўлганлар ва ҳоказо. Бу ҳақда мумтоз поэтика билимдонларидан Атоуллоҳ Хусайний шундай ёзади: “Ул андог-дурким, каломни лафзу маъно жиҳаттин ҳўбу марғуб бир нима била тугатарлар, зероки, эшиткучининг қулоғиға етган ул охирғи нима яхши бўлса, анинг латофату лаззати анинг хотиринда қолур. Агар олдинғи байтларда қусур воқеъ бўлса ҳам, ул таомларнинг охиринда ейилган лазизу ширин таомдек бўлур. Агар мазкур бўлгандек бўлмаса, аҳвол анинг аксинча бўлур ва олдинғи байтлардин ҳосил бўлган ҳар лаззату ҳаловат табиат учун бемазаю ёқимсиз нимага айланур. Яхшиси улким, каломнинг тугаганига ишора бўлғай ва эшиткучи андин сўнг яна бир нимани кутмағай”².

Ғазалнинг матлаъси мазмунан теранлиги жиҳатидан ҳикмат даражасида бўлса, мақтаъси бетакрор ташбеҳ қўллангани жиҳатидан шоҳбайт мақомида. Алишер Навоийнинг “Агар ўша ой юзли гўзал санам оловдай ловуллаб турган ёниқ чехрасини очғудай бўлса, илоё, кўз тегмасин деб, Навоий бу ўт устига исириқ ўрнида муҳаббат уруғидан бошқа нарсани сочмайди” мазмунидаги оҳорли ташбеҳ асосига қурилган дурдона байтини Огаҳий ҳам фавқуллода ташбеҳларга бой мисралар билан зийнатлайди: “Сочининг қорасини кўриши билан, ие, тун чўкибдими деб, Огаҳий дарҳол кўзларини юмиб олади. Юзига кўзи тушиши билан эса, ие, тонг отибдими деб, кўзларини қўллари билан ишқалаб очади. Эй кўнгил, нега уни кўз билан кўриб бўлмайди деб ҳайрон бўлма. Чунки у бир ҳовуч алангадай ловуллаб турган юзини очиши билан Навоий кўз тегмасин деб муҳаббат уруғини исириқ ўрнида сепадими, унинг тутуни яна гўзал чехрани кўргани қўймайди”.

¹Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиу-с-санойъ (А.Рустамов таржамаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. –Б.250–252.

²Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиу-с-санойъ (А.Рустамов таржамаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Б.255–256.

*Саводи зулфини кўргач юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғач ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас (2,145).*

Огаҳий салафининг “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб” мисраси билан бошланадиган ғазалига боғлаган тахмиси ҳам “Сувора”, “Якпарда сувора” куйлари билан ижро этилади. Бу мухаммасда ҳам шоир халқ қисса ва дostonларидаги зачинлардек гўзал бошлама қилган: “Худога минг қатла шукрки, ниҳоят рақиблар билан яқинликни тарк этиб, менга ҳаддан зиёда меҳру-вафою, раҳму-шафқат кўрсатганча, мен макон тутган вайронани гўзал гулшанга айлантиришни ният қилиб, кечаси гул юзли санам шитоб айлаб, менинг хароба кулбамга ташриф буюрдикки, азбаройи тез юриб келганидан гул юзидан гулоб каби терлар оқар эди”:

*Биҳамдиллаҳки, ағёр улфатидин ижтиноб айлаб,
Манга меҳру вафою раҳму шафқат беҳисоб айлаб,
Бузулған масканимни гулшан этмак иртикоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб (2,102).
Ғазал мақтаъсига ҳам гўзал тахмис боғлайди:*

*На хуштур, Огаҳий, ишрат тунда ёр ила бўлмоқ,
Қўлидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунроқ,
Бўлуб сармаст, аёқиға йиқилмоқ ўйлаким туфроқ,
Ониким элтқай васл уйқуси ишрат тун мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб (2,103).*

“Эй Огаҳий, висол кечаси севимли маҳбуба билан бирга бўлиб, шодлик қадаҳини унинг қўлидан устма-уст ичганча ўзини билмай, ёр оёғига тупроқ каби йиқилишдан ҳам ортиқроқ бахт борми? Ишрат тунда ана шундай васл уйқуси элитган киши Навоий каби қиёмат тонгига қадар уйқуни сира тарк этмаса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ”.

Бу ерда Огаҳий томонидан қўшилган мисраларни Навоий байтидан ажратиб бўлмайди – Навоий айтмоқчи бўлган, лекин ўқувчининг нозик дидига ҳавола қилиб кетган фикрларни гўё Огаҳий уқиб, уларни устози байтига омухта қилиб юбориш билан байтнинг хуснини янада очган, уни ривожлантирган ва тўлдирган. Ҳақиқий мухаммас ана шундай бўлиши керак.

Навоийнинг “Ваҳки, умрим бўлди зоеъ борча эл коми била” мисраси билан бошланадиган ғазалига тахмиси ҳам “Қажҳанг сувора”, “Хушпарда сувора”, “Рок” куйлари билан ижро этилади. Ҳофизлар созиға тушиши ҳам шоир мухаммасларининг муваффақиятидан далолат беради.

Алишер Навоийнинг беқиёс бадиият дурдоналари бўлмиш ҳар бир ғазали ҳам ижод аҳлини таъсирлантириши ва илҳомлантириши табиий. Лекин

Огаҳий фикрини уйғотган, кўнглини тўлқинлантирган ғазалларгагина тахмис боғлайди, чунки уларда ифодаланган фикр Огаҳийни ҳам безовта қилиб юрган фикрлар, уларда акс этган туйғу-кечинмалар Огаҳийнинг ҳам кўнглидан кечаётган туйғу-кечинмалар бўлганлиги учун ҳам Огаҳий фикрлари Навоий фикрларини давом эттириб, ривожлантириб ва тўлдириб келади, Огаҳийнинг қалб туғёнлари Навоийнинг ҳис-туйғулари денгизига янги пўртаналари бўлиб қуйилади ва уларнинг ўзаро омухтасидан янада гўзал ва таъсирчан, теран ва серқирра банд вужудга келади. Мухаммасдаги қуйидаги банд айна фикрларимизнинг ёрқин далилидир:

*Фақр элиға қулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Онда эски бўрё тахти Каёндин яхшиким.
Тинчлиқ бирла атола нўши жондин яхшиким,
Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,
Оби ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била (2,200).*

“Ўзи хоҳлаб заҳар ичиш хоҳламай оби ҳаёт ичишдан афзалдир” мазмунидаги байтни Огаҳий шоирни айна хулосага олиб келган сабаблар тасвири билан тўлдиради: “Хароб қулбаси қашшоққа жаҳон мулкидан афзал туюлади. Тагига тўшаган эски бўйраси қадимги Эроннинг машҳур каёнийлар сулоласи тахтидан-да қадрли. Тинч яшаб, хотиржам ичган аталаси томоғига тиқилган тириклик сувидан яхши”.

Бу бандга ташбеҳ, тазод, муболаға, талмеҳ каби санъатлар бадиий жозиба ва кучли таъсирчанлик бағишлаб турибди.

Маълум бўладики, Огаҳий Навоийнинг ўзини таъсирлантирган ва илҳомлантирган, қалбида акс садо берган ғазалларига тахмис боғлаб, уларни ўз фикр-қарашлари, туйғу-кечинмалари, ташбеҳу тимсоллари билан бойитган ҳолда икки муаллиф ижод маҳсули бўлган оригинал асар даражасига кўтаради.

Абдуллаева МАРҒУБА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

ҲИКОЯТ ЖАНРИНИНГ АДАБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳикоят жанрининг адабий хусусиятлари илмий жиҳатдан ўрганилган. “Шажарайи турк” асарида келтирилган ҳикоятлар жанр нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Тарихий насрда ҳикоят жанрининг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган. “Жомеъ ут-таворих” асаридаги анъана кейинги тарихий асарларда давом этганлиги асосланган. Ҳикоятларнинг реалистик моҳияти, мавзу ранг-баранглиги ва дидактик жиҳатлари “Ўктойхон”, “Абул Муҳаммад”, “Али Сул-

тон”, “Темур Султон” номли ҳикоятлар асосида ёритилган. Мазкур ҳикоятларнинг композицион қурилиши, сюжет тизимидаги ўзига хосликлар аниқланган.

Аннотация: Данная статья представляет собой научное исследование литературных особенностей жанра рассказа. Рассказы в “Шажарайи турк” анализируются с точки зрения жанра. Историческая проза показывает роль и значение жанра рассказа. Он основан на том, что традиция в произведении «Джами-ат-таварих» продолжена и в более поздних исторических произведениях. Реалистическая сущность, разнообразие и дидактические аспекты рассказов раскрываются на основе рассказов «Октайхан», «Абул Мухаммад», «Али Султан», «Темур Султан». Выявлены композиционная структура этих рассказов, особенности сюжетной системы.

Annotations: This article is a scientific study of the literary features of the story genre. The stories in Shajarayi Turk are analyzed in terms of genre. Historical prose shows the role and significance of the genre of the story. It is based on the fact that the tradition in «Jome' ut-tavorix» is continued in later historical works. The realistic essence, variety and didactic aspects of the stories are revealed on the basis of the stories «Oktoyhan», «Abul Muhammad», «Ali Sultan», «Temur Sultan». The compositional structure of these stories, features of the plot system are revealed.

Калит сўзлар: ҳикоят, жанр, адабий хусусият, “Шажарайи турк”, тарихий наср, композиция, сюжет, ўзига хослик, таҳлил.

Ключевые слова: рассказ, жанр, литературный очерк, «Турецкое дерево», историческая проза, композиция, сюжет, оригинальность, анализ.

Key words: story, genre, literary sketch, «Turkish tree», historical prose, composition, plot, originality, analysis.

Ҳикоят жанри бадий ва дидактик асарлар мисолида илмий жиҳатдан ўрганилган¹. Бироқ биз ўртага қўйган муаммо адабий-тарихий асарларда бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий насрда тутган ўрни ўрганилган ва тадқиқ этилган эмас. Шу босдан тарихий-насрий манбаларда ҳикоят жанри хусусиятлари ва бу жанрнинг ўша давр тарихнавислигида тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”² асарида пайғамбарлар, ҳақимлар, табиблар тўғрисида ҳикоятлар келтирилади. Мазкур ҳикоятлар насихатомуз характерга эга бўлиб, асарнинг дидактик хусусиятларини акс эттирган. Шу билан бирга Рабғузий халқ оғзаки ижодидаги ҳикоятлардан ҳам унумли фойдаланган.

“Шажарайи турк” асарида ҳам ҳикоят жанри талабларига мос келадиган бир неча ҳикояларни келтириш мумкин. “Бадай ва Қишлиқ элининг зикри”³да Чингизхонни ўлимдан қутқариб қолган икки йилқичи ҳақидаги ҳикоят келтирилган. “Килгит уриқиндин бир кишининг икки ўғли бор эди. Улуғининг оти Бадай ва кичигининг оти Қишлиқ. Бу иккиси Кирайт Ўнгхоннинг бир бегининг йилқисини боқарлар эрди. Бир кун йилқисин боқарлар эрди. Бир кун йилқидин сут келтуруб, эвнинг эшикина келди

¹ Жумаев Р.Н. Маснавийи маънавий ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг киёсий таҳлили. PhD дисс-я. автореф. – Тошкент, 2018. – 45 б.

² Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри таракқиёти (“Қиссаси Рабғузий” мисолида). Фалсафа доктори (PhD) дисс-я. – Тошкент, 2018. – Б. 54.

³ Абулғози Баходирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон. 1990. – 192 б. (Кейинги мисоллар шу манбадан олинб, саҳифада бети кўрсатилди).

эrsa, ичкарида бек сўзлай турур. Не айта эрканлар теб, кулоқ солиб турди. Хотуниға айтди: “Совутни ва Қуёқни чиқариб қўй”. Бу кеча Ўнгхон отланиб бориб Чингизни эвинда босатурур, икки хоннинг эвлари яқин эрди. Ўнгхон ота ва Чингизхон ўгил бўлиб, фароғат ўлтуруб эрдилар. Бадай ичкари кириб сутни берди. Йилқиға келиб инисига айтди. Булар мўғул эрди. Чингизхон ҳам мўғул. Ўз подшоҳининг ўларина тоб келтира билмай, Кирайт халқи бошқа ёт эл Чингизхонға келиб айтдилар. Мунинг ҳикояти узун достон турур. Булар сабабли Чингизхон ўлумдин қутулди. Бу иккисини тархон қилди”. (“Шажарайи турк”, 40-41 бетлар)

Чингизхоннинг ўғилларига элларни бўлиб бериб, айтдики, “...бир-бирингиз билан мувофиқат қилинг ва мухолафат этманг теди. Тақи садоқиндин бир ўқ чиқориб синдурди. Тақи бир неча ўқни бир ерга қўшуб айтдики, муни синдура билур киши борму. Ҳеч киши синдура билмади. Чингизхон ўғлонлариға боқиб айтдики, бу ўқлар сизларга ўхшар. Агар барчангиз бирикиб, бирингизни подшоҳ қилиб, анинг тилиндин чиқмасангиз ҳеч киши синдура билмас. Агар иттифоқ қилмай, мухолифат қилсангиз, бир ўқни нечук ким синдурсалар, сизларни ҳам шундақ синдирурлар теб, яхши насихатлар қилди” (“Шажарайи турк”, 60-бет).

Ҳикоятларнинг асосий қаҳрамони тарихий шахслардир. “Олтин Ўрда адабиёти ва унга яқин даврлардаги ҳикоятларга эътибор берсак, ҳикоятларнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар экани яққол кўзга ташланади. Бу – ўзбек мумтоз адабиёти ҳикоятларининг битта қирраси. Жумладан, Эронда мўғул элхонийлари давлатида яратилган уч жилдди “Жомеъ ут-таворих” асаридаги ҳикоятларнинг қаҳрамонлари бу фикримизга бир далилдир. Бу асарнинг иккинчи жилдидан ўрин олган қирқта ҳикоятнинг қаҳрамони Ўктойхондир. Учинчи жилдда ҳам Ғозонхон ҳақида қирқта ҳикоят бор. Ҳар иккала жилддаги ҳикоятларни ҳукмдорларнинг донолиги, адолатпарварлиги, раиятга кўрсатган марҳаматлари, ақл-фаросатлилиги ва бошқа кўп фазилатлари бирлаштириб туради. Бу давр ҳикоячилигига таъриф берсак, жамият билан адабиёт ўртасидаги алоқалар маънавий ҳаётнинг чуқур илдиз отиши маҳсули сифатида юзага келган деган фикрни илгари суришга имкон беради”¹.

Абулғози “Шажарайи турк”да Эрон ва Туронда подшоҳлик қилган Ўгадой қоннинг баъзи қилиқлари ва афъолларининг зикрида, унинг ибратли ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бир сарлавҳа остида бешта кичик ҳикоят келтирилади. Улар мавзулари турлича:

1. Туш мотиви орқали берилган ҳикоят;
2. Бировнинг уйига рухсатсиз кирган навкар ҳақидаги ҳикоят;
3. Темирчи ҳақидаги ҳикоят;
4. Савдогарлик қилмоқчи бўлган қари киши ҳақида тўғрисидаги ҳикоят;
5. Муфлис киши ҳақидаги ҳикоятларни баён қилади (Қаранг: 85-86 бетлар).

¹ Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузӣ” мисолида). Фалсафа доктори (PhD)дисс-я. – Тошкент, 2018. – Б. 54.

Бу қисқа ҳикоятларнинг композицион қурилиши содда ва ихчам. Сюжети ҳам катта эмас. Бироқ аниқ бир воқеа тасвири мавжуд. “Зикри”нинг ичида Ўгадойхоннинг қилган яхши ишлари ва насихатлари қисқа сюжетда кетма-кет баён этилади. Ҳар бир ҳикоят ўзига хос мавзу, сюжет ва образлар қатламига эга. Маълум бир воқеликни ёритишга қаратилган. Ҳар қайси ҳикоятда бош қаҳрамон Ўгадойхоннинг ўзи. Унинг донолиги, тадбиркорлиги ва адолати улуғланади.

Абул Муҳаммад ҳақидаги ҳикоят ҳам ўқувчини чуқур ўйлашга, мушоҳада қилишга чақиради. Абул Муҳаммад Марвда хон бўлди. Унинг Жалол отли ўғли бор эди. Қизилбош Жалолни ўлдирди. Абулхон ёлғиз қолди. Ўғлидан айрилгандан кейин бетоб бўлиб қолади. Ҳеч ким унинг касалини аниқлай олмайди. Машҳаддан табиб келтирадилар. Ул айтди: “Бу якка ўғилиндин айрилиб турур. Яна ўғли бўлса яхши бўлур, йўқ эрса бўлмас. Халқ айтдилар: фарзанд зўр бирлан ё мол бирлан муяссар бўлур нимарса эрмас. Марвда бир заифа бор эрди, Пайпайча отли, хотунлар орасинда даф қоқиб, нақш айтиб юрур эрди. Ҳеч эрга борган эрмас эрди. Тўрт яшар ўғли бор эрди. Ўғлини бекларнинг олдина олиб келди-да, айтди: “Бир кеча хон менга нақш айтурдилар-да, менга майл қилдилар. Ҳомила бўлуб, шу ўғулни топдум. Бу вақтинча хоннинг ҳарамлари хонимидин қўрқуб айта билмай эрдим”. Беклар ўғлонни табибга топшурдилар. Табиб хон қатиға олиб борди. Хон ул вақтда кишини яхши танимай эрди. Табиб ўғлонни, хонни ялонғоч қилди. Хоннинг қўйнина солди. Устина юрқан ёпиб ётқузди. Тақи хонға қичқируб айтди: “Бу сизнинг ўғлунгиз турур”. Кунда уч вақт шундақ қилди. Хон кун-кундин илгари бўлди. Тақи яхши бўлди. Ани ўғул қилди. Нурмуҳаммад от қўйди” (“Шажарайи турк”, 142-143 бетлар).

Тарихий-насарий асарларда асосан тарихий шахсларнинг сифати келтирилган ўринларда, ўша шахсларнинг ижобий сифатлари, хайрли ишлари, инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинган. Жумладан, “Шажарайи турк”да “Али Султоннинг сифати”, “Пўлод Султоннинг сифати”, “Тумур Султоннинг сифати”, “Маҳмуд Султоннинг сифати” каби сарлавҳалар остида маълумот берилади.

“Али Султоннинг сифати”да “Али султон яхши киши эрди. Ҳожимхон айтур эркандур: “Ёдгорхон замониндин то бу чоқғача Алидай киши тўқғани йўқ. Қилиқли ва оғзи ор ва жовға боҳодир ва жуванмард сурфали, саранжомли, навкарнинг аҳволина яхши қарайтурган, одил сиёсатли, бўйни берк, ҳаёси ҳаддин, ниҳоятдин зиёда. Бу ғоятда ким, ўлуб боратурганда оталиқи Отабой теган жони бормикин, йўқмикан кўрайин теб, қўлин юрқанинг остина солиб, оёқин тутубти. Ўлуб боратурган киши кўзин очиб айтиб турур: “Ўлмасдин бурун обрўйимни ва ҳаёмни кетардинлар”. (“Шажарайи турк”, 145-146 бетлар). Ҳикоятда инсонга хос ҳаё талқини оддий жумлаларда таъсирчан қилиб, ҳикоя қаҳрамони тилидан баён этилган.

“Тумур Султоннинг сифати” сарлавҳаси остида ҳам ибратли воқеа ҳикоя қилиб берилади. Дастлаб муаллиф ўз қаҳрамонининг шахсий сифатларига эътибор қаратади. “Ақли оз, сўзи бенамак, аммо қилган ишларининг яхши. Жовға боҳодир, одил, то ўлгунича киши эвина меҳмон бўлиб ош емайду”.

Бир сафар акасини кўргани Хозарасбдан Хевакга келибди. Пўлод Султоннинг уйғур оталиғи Индибойнинг илтимосига кўра унинг уйи (эви)га тушиб, ошини ебди. Қиш кунларининг бирида Султоннинг устига зарбофт тошли олтин тугмали қиш пўстини бор экан. Уни оталиқнинг орқасига солибди.

Султон айтадики, ўн беш ёшга етганда, бир кун беш-ўн йигит билан Вазирнинг дарвозасидан чиқиб, сайр қилиб юрган эдим. Бир овулга келдим. Эв эгаси ўз уйига таклиф қилди. Ул кишининг хотирин йиқа билмай тушдим. Бир қўй ўлтуриб келди. Унинг ўчасини олиб келиб, отамга бердим. Отам сўради: “Бу не эт турур? Қатимға борган кишилар айтдилар: “Султон сайрга чиқиб эрдилар, бир бой таклиф қилиб, бир қўй сўйиб эрди. Шунинг ўчаси турур”. Шундай дегач отам қамчи олиб кел деди. Кейин айтди: “Менинг ёшим элликка етиб ҳанузгача киши эвина тушмайман. Сен ўн бешга етмай киши эвина тушиб қўй есанг, йигирмага етгандан сўнг йилқи ерсан, сендин не кўрса навкарларинг шуни қилур теди”. Тақи кишига туттуруб ўз қўли бирлан юз қамчи ўрди. Юзумдин қон равон бўлди. Андин сўнг қатиб кўрунишхонадин чиқиб борар эрдим, улуғ ақамиз Ҳожи Муҳаммадхон учраб, “омонмусен Темур, не ҳолинг бор?”, теди. Воқеотни баён қилдим. “Хўб қилибди, яхши қилибди, отанг. Юзунгни қонини ювма, бу оқ тўнингни чиқариб ташлама. Саба (сахар, тонг – М.А.) эрта келиб отангни кўр”, теди. Мен андақ қилдим. Отам аввал насихат айтди. Сўнг қилган ишина пушаймон бўлиб, узр айтди. Тақи туркманнинг тевачи уруқини берди, сенинг энчинг бўлсун теб. Ул вақтда теваси беш-олти минг эвлик бор эди. Шул куни худой таолони гувоҳ қилиб онт ичибман, “Мен ўлгунча киши эвина тушмайин, агар билсам навкарларимни ҳам тушурмайин”, теб” (“Шажарайи турк”, 148-149 бетлар).

Хулоса қилиб айтганда, адабий-тарихий асарларда келтирилган ҳикоятлар турли мавзуларда баён этилганини кўриш мумкин. Подшоҳлар, шаҳзодалар, саркардаларнинг юришлари, жанглари, ҳаётлари ҳақидаги воқеалар тафсилида бирор доно киши, подшо ёки вазирнинг ибратли сўзлари, қилган ишлари ва амаллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шу боис ҳикоятлар шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Ҳўш тарихий асарларда ҳикоятлар нима мақсадда келтирилган? Бу саволга таҳлиллар орқали шундай хулоса қилиш мумкин:

- бирор тарихий шахснинг ибратли ишларини баён қилиш учун;
- жангга киришиш олдидан кўшинни руҳлантириш мақсадида;
- фарзандларига ўғит ва насихат бериш мақсадида;
- ота-бола ва ака-ука муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилган.

Амонова ЗИЛОЛА,
филология фанлари номзоди, доцент
Бухоро давлат университети
(Ўзбекистон)

МУКАРРАР САНЪАТИ ЖОЗИБАСИ

Аннотация: Мақолада Имомиддин Насимий ва Комил Хоразмийнинг мукаррар санъати асосида яратилган ғазали таҳлилга тортилган. Таҳлил жараёнида Комил Хоразмий ижодида Насимийнинг таъсири мавжудлиги асослаб берилган.

Annotation: The article is based on a ghazal analysis based on the inevitable art of Imamiddin Nasimi and Kamil Khorezmi. In the process of analysis, the influence of Nasimi in Khorezmi's work is substantiated.

Аннотация: Статъя основана на анализе газелей, основанном на неизбежном искусстве Имамиддина Насимий и Камиля Хорезми. В процессе анализа обосновывается влияние Насимий на творчество Хорезми.

Калит сўзлар: мукаррар, Насимий, Комил Хоразмий, адабий таъсир, бадий маҳорат.

Key words: inevitable, Nasimi, Kamil Xarazni, literary influence, artistic skill.

Ключевые слова. Неизбежность, Насими, Комил Хорезми, литературное влияние, художественное мастерство.

Адабиёт оламида яратилган барча бадий асарлар ўз таъсир доираси, бадийлик куввати билан бир-биридан ажралиб туради. Албатта, бадийлик жиҳатдан пишиқ асарларда ғоявий устуворлик ҳам кўзга ташланади. Ижодкор қаламидан чиққан асар ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан бақувват бўлса, китобхон қалбидан жой олади. Айтиш жоизки, бадийликни таъминловчи унсурлар – бу бадий санъатлардир. Аслида бадий санъатлар шоир ғоясининг чиройли, таъсирчан ифодаланиши учун хизмат қиладди. Ана шу санъат намуналаридан қай даражада фойдаланиб, ижод қилиш шоир маҳоратини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, ҳеч бир ижодкор бадий санъатлардан фойдаланиш учунгина асар яратмайди, балки ўз мулоҳазаларини китобхонга чиройли етказиш мақсадида бадий воситаларидан фойдаланади. Шарқ мумтоз адабиётида бадий санъатлар юқори босқичга кўтарилганки, ҳатто бу тўғрида илмий асарлар ҳам яратилган. Шамси Қайс Розийнинг “Ал Мўъжам”, Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадойиус саноеъ” асарлари шулар жумласидандир.

Бадий санъатлардан лафзий санъатлар ўз таъсир доираси билан ажралиб туради. Ана шулардан бири сўз такрорига асосланган мукаррар санъатидир. Мукаррар такрор сўзи билан ўзақдош бўлиб, луғатда қайтариш демакдир. Бу санъатда бир сўзни муайян ўринда такрорлаш орқали фикр таъсирчанлигига эришилган. Мукаррар санъати кўпгина шоирларнинг диққат-эътиборида бўлган. Жумладан, озар халқининг истеъдодли шоири Имомиддин Насимий ижодида ҳам учрайди. “Насимийнинг “мукаррар” деб номланган ғазали ғоят қизиқарлидир. Ғазалдаги биринчи байт-

да икки, қолган байтларнинг иккинчи мисрасида уч марта такрорланувчи ташбихлар ғазалга уйғунлик ва муסיқавийлик бахш этади¹:

*Юзинг покиза гул барги муқаррар,
Бўйинг сарву санобардир, санобар².*

Шоир матлаъда ёрнинг юзини покиза гулнинг баргига, қоматини эса, сарв (қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт)га ва санобар (қарағай)га ташбеҳ этиб, маъшуқа қоматининг чиройли, тик эканлигини муқаррар санъати орқали бадий ифода-лайди. Насимийнинг мазкур санъат имкониятидан ўринли фойдаланиб ғазаллар яратгани кўпгина шоирларни илҳомлантирган. Ана шундай ижодкорлардан бири Комил Хоразмийдир. Унинг ижодида Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий таъсири билан биргаликда Насимий лирикаси-дан илҳомланиш ҳолларини кузатиш мумкин:

*Манга қилма, эй моҳи олижаноб
Итобу, итобу, итобу итоб³.*

Комил ҳам ғазал матлаъсида лирик қаҳрамон – ошиқ тилидан маъшуқага мурожаат қилиб, итоб (қаҳр, ғазаб, қийноқ) айламаслигини ўтиниб сўрайди. Ҳар иккала шоирнинг муқаррар санъати асосида яратилган ғазали мавзу жиҳатдан ошиқона ғазал турига мансубдир. “Ошиқона ғазалларнинг ғоят катта қисми учун ёр ва унинг жамоли тасвири, унинг жафокорлиги, ҳақиқий ошиққа шафқатсизлиги тасвир этилган”⁴. Айниқса, маъшуқа жафокор, ошиқ жафокашлиги алоҳида ажралиб туради. Ушбу анъанавий мулоҳазаларни шоир муқаррар санъати асосида ифодалаб, салаф-шоир Насимий услубини маълум маънода давом эттиради.

Навбатдаги байтда Насимий ошиқ учун энг улуғ истак ва орзу маъшуқа жамоли эканлигини баён этиб, ёр жамолининг нури ошиқ жисми жонини мунаввар (нурли, равшан, ёруғ) этишига қайта-қайта изоҳ беради:

*Жамолинг нуридан бу жисму жоним
Мунаввардир, мунаввардир, мунаввар.*

Комил ошиқ кўнглининг мудом маъшуқа ишқида ўртанишини, жуда чиройли муқаррар ва айни ўринда, муболаға асосида қаламга олади:

*Эрур ишқинг ўтиға кўнглум мудом
Кабобу, кабобу, кабобу, кабоб.*

¹ Арасли Ҳ. Имомиддин Насимий. – Тошкент: Фан, 1973. – 74 бет.

² Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Т.: Мовароуннахр, 2018. – Б. 9.

³ Комил Девон. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.30.

⁴ Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.86.

Насимий ёр таърифини давом эттирар экан, унинг юзи, сочи-ю, холини мадҳ этиб муанбар (муаттар, хушбўй, анбар ҳиди) эканлигини мукаррар орқали урғулайди:

*Юзингу сочингу холинг ҳамиша
Муанбардур, муанбардур, муанбар.*

Комилнинг лирик қаҳрамони ошиқ, ўз ёрига “Келдинг, аммо олдимдан кетиш учун ошиқма”, – дея дил изҳорини қилади:

*Чу келдинг, кетарман дебон қилма кўб
Шитобу, шитобу, шитобу, шитоб.*

Маълумки, ошиқона ғазалларда ошиқнинг дил розлари, маъшуқага ўтинчи, ҳижрон изтироблари-ю, айрилиқ фарёдлари тасвирига ҳам кенг ўрин ажратилади. “Ошиқона ғазалларнинг асосий мазмуни бир таъбир билан айтганда, ошиқнинг ялиниши ва маъшуқанинг жабру-жафосидан шикоятдан иборат бўлган ва албатта, бунинг устига маҳбубанинг жамоли асосий ўринни эгаллаб олган”¹. Ана шу жиҳатдан қараганда, Комил Хоразмийнинг мазкур ғазали ошиқона ғазалнинг оригинал намунаси дейиш мумкин.

Насимий ёрнинг чиройли, қайрилма қошини таърифлар экан, маъшуқа қоши ошиқ учун меҳроб (саждагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой) га тенг эканлигини таъкидлайди. Меҳроб қанчалик улуғ жой, яъни инсонни Оллоҳга яқинлаштирадиган бўлса, ёрнинг қошини ҳам ана шундай улуғ жойга ташбеҳ қилиб, фикр таъсирчанлигига мукаррар орқали эришилган:

*Менга меҳроби қайрилма қошинг
Баробардир, баробардир, баробар.*

Ошиқ учун маъшуқа жамоли – тириклик манбаи. Жамолга боқиш ва ундан баҳраманд бўлиш ошиқнинг асл мақсади саналади. Ёр юзини ёпганда ошиқ ҳижрон изтироблари-ю айрилиқ фарёдлари гирдобиди қолади. Шунинг учун Комил Хоразмий навбатдаги байтда маъшуқадан юзига ниқоб солмасликни ўтиниб сўрайди:

*Жамолингға боқғонда солма анго,
Ниқобу, ниқобу, ниқобу, ниқоб.*

Насимий меҳроб ҳақидаги фикрларини кейинги байтда давом эттириб, тақво ва ибодатни асосий деб билувчи зоҳидларни ҳам эслаб ўтади. Шоир наздида ошиқ учун ёрнинг қоши меҳроб ва у муқаддас, аммо зоҳид учун

¹ Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. 4-том. (Ғазал мулкининг султони). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 10.

фақат жойнамоз меҳробгина муқаддас бўлиб, қуруқ тақво уларга қисмат эканлигини байт мазмунига сингдиради:

*Қуруқ зоҳид димоғи дили – унга
Шу ҳам қисмат муяссардир, муяссар.*

Комил Хоразмий маъшуқа жамоли, юзи ҳақидаги мулоҳазаларни кейинги байтда ҳам давом эттиради. Қолаверса, Насимийдан илҳомланиб, унинг эътиқоди билан боғлиқ мушоҳадаларини ғазалда келтиради. Яъни ҳуруфийларнинг ёр юзини Қуръонга – мусхафга ташбеҳ этиш тушунчасидан ҳам таъсирланганлигини кўрамиз:

*Юзунг мусхафу шарҳи ўлғай неча,
Китобу, китобу, китобу, китоб.*

Мавжуд борлиқнинг мукамаллиги – инсон. Оллоҳ сурати тажаллийси – ёр жамоли, юзи. Аммо унинг шарҳи чексиз уммонки, биргина китоб саҳифалари инсон юзи мукамаллиги ифодасини акс эттира олмайди. Шоир муқаррар санъати орқали фикр таъсирчанлигига эришган.

Маълумки, ишқ – энг қудратли туйғу. Қолаверса, мазкур туйғуни туйган ошиқ ҳамма нарсага қодир қудрат соҳибига айланади. Унинг икки жаҳондаги орзуси маъшуқа жамоли, васлидир. Ошиқ шу орзуга қараб интилади ва бу орзу муқаррар эканлигини Насимий сўз такрорига асосланган санъат билан изоҳлайди:

*Бил, ошиқ орзуси икки жаҳонда
Муқаррардир, муқаррардир, муқаррар.*

Насимий ошиқ орзуси ҳақида фикр юритса, Комил Хоразмий ошиқ кўнглини шод айлаш билан боғлиқ мушоҳадаларни баён этиб, муғанний (чолғучи)га мурожаат қилади:

*Муғанний чолиб айла кўнглумни шод,
Рубобу, рубобу, рубобу, рубоб.*

Ошиқ учун маъшуқа доимо гўзал ва дилтортар. Ошиқона ғазалларда ёрнинг хиромон қомати, унинг суманбар (оқбадан гўзал)лиги қайд этилади. Насимий ҳам шу анъанани давом эттиради:

*Хиромон қоматинг қўзим булоғи,
Суманбардир, суманбардир, суманбар.*

Дунёнинг фонийлиги-ўтқинчилиги барча ижод аҳли асарларида кенг ёритилган мавзулардан бири. Шунингдек, “тўрт кунлик дунё” ибораси халқ орасида ҳам бот-бот тилга олинади. Чунки сувдек оқар, елдек ўтар

умрни беҳуда сарфламаслик, ҳар дамани ғанимат билишга чақирилади. Айни мулоҳазалар Комилнинг навбатдаги байтида жаҳоннинг бинолари сув устидаги ҳубоб (кўпик)га ташбеҳ қилинади. Айнан шу байтдан бошлаб, ғазалда ижтимоий-фалсафий масалалар тарғиби бошланади:

*Бинойи жаҳон бордурур сув уза
Ҳубобу, ҳубобу, ҳубобу, ҳубоб.*

Насимийда эса ошиқона ғазалларга хос ифода давом эттирилади. Маъшуқа зулфининг хушбўй ҳиди шундай ифор таратадики, ошиқ димоғи ундан “муаттардир, муаттардир, муаттар”:

*Димоғим ҳар нафас зулфинг бўйидан,
Муаттардир, муаттардир, муаттар.*

Дунё иморатларини сув ҳубобига ташбеҳ қилган Комил Хоразмий унга кўнгили кўйиш, инсонни хароб қилишига урғу беради. Ана шу жиҳатдан одамларни хушёрликка даъват этади:

*Анго қўб кўнгул қўймаким, бўлғай ўқ
Харобу, харобу, харобу, хароб.*

Ошиқ доим маъшуканинг хаёлий суратини, унинг хуснини кўриш иштиёқида ёнади. Ҳатто ёрнинг сурати ошиқнинг жони ичида мусаввар (тасвирланган, нақш этилган) дир:

*Хаёлинг сурати бу жон ичинда
Мусаввардир, мусаввардир, мусаввар.*

Комил Хоразмий дунёнинг фонийлигига урғу бериш орқали инсон Аллоҳнинг қули-бандаси эканлигини, Тангри таолло одамни камтар тупроқдан яратганлигини, шунинг учун инсонларни ўз асли каби камтарин бўлишга чақиради. Зеро, қўлингда ою кун (кўёш) бўлса ҳам фахр қилма, чунки сен риқоб (қул, банда) эканлигингни унутма, дея таъкидлайди:

*Санго бўлса ҳам ою кун – қилма фахр,
Риқобу, риқобу, риқобу, риқоб.*

Ёр васлининг муяссар бўлиши ошиқ учун катта давлат, туганмас хазина, таърифсиз сўздир. Шу боис Насимий на хуш давлатки, васлингнинг муяссар бўлиши, дея қайд этади:

*На хуш давлатки, васлинг гоҳи-гоҳи
Муяссардир, муяссардир, муяссар.*

Мумтоз асарларимизда фоний дунёга нисбатан турли сифатлашлар танланган. Комил ўзининг мазкур ғазалида унга нисбатан “жийфа” (ўлимтик, ўлимтик мол) ташбеҳини қўллайди. Ушбу жийфа дунёнинг толиби эса “гилоб” (тупроқ ва сув) дан яралган инсон эканлигига ишора қилади. Байтда “гилоб” сўзи “килоб” тарзида ўқилиб, нашр этилган. Бу сўзнинг килоб тарзида ёзилиб ўқилишига сабаб, араб тилида ва ёзувида “Г” ҳарфи мавжуд эмас. Форслар “Коф” (ك) ҳарфига махсус чизиқча қўйиб “Г” (غ) ҳарфини шакллантирганлар. Шаклан ўхшаш бўлган бу ҳарфлар, кўпинча, котиблар томонидан ёзувда фарқланмаган. Натижада жорий ёзувимизга табдил қилинганда “гилоб” сўзи “килоб” тарзида ўқилган:

*Эрур жийфа дунё онинг толиби
Килобу, килобу, килобу, килоб.*

Ёрнинг таърифи, мадҳи учун сўз ҳам, қалам ҳам ожиз. Аммо унинг гўзаллиги-ю, латофатини зикр этмоққа санъатлар ичидан мукарраргина қодир. Чунки унда гўзаллигу, латофат таърифи такрор ва такрор таъкидланади:

*Саноеъдан не санъатдир, Насимий,
Мукаррардир, мукаррардир, мукаррар.*

Комил Хоразмий ғазал сўнгида фикрларига хулоса ясайди. Яъни ошиқона мавзуда битилган мазкур шеърда ёр таърифи, ишқ ҳижрони, ошиқ изтироблари биринчи планда чиройли лиризм асосида таърифланади. Ғазалнинг бегона байтларида ижтимоий-фалсафий мулоҳазалар берилган бўлса-да, мақтаъда чиройли яқун ясалган:

*Лабинг ҳажрида ичмагай Комилинг
Шаробу, шаробу, шаробу, шароб.*

Таҳлилдан ойдинлашаётирки, Насимий ижодининг Комил Хоразмий лирикасига таъсири мавжуд. Ушбу таъсирни ғазаллар таҳлили асосидаги хулосаларда қуйидагича қўриш мумкин:

1) Комил Хоразмийнинг ғазали Насимий каби ошиқона мавзуда ёзилган;

2) Комил Хоразмий ғазали ҳам Насимий сингари ҳар бир байти бошдан-охир мукаррар санъати асосида яратилган;

3) Комил Хоразмий ҳам Насимий сингари ғазал ҳажмини 11 байтдан иборат қилган;

4) Комил Хоразмий Насимий сингари ғазал вазнини (ҳазажи мусаддаси маҳзүф) сақлаб қолган.

Демак, мумтоз адабиётимизда анъана ва издошлик кенг тус олганлигини кўриш мумкин. Жумладан, озар халқининг истеъдодли шоири Имомиддин Насимий ижоди, қолаверса, фожиали ҳаёти кўпгина Шарқ адабиёти вакилларига кучли таъсир ўтказган.

SHARQ TASAVVUF ADABIYOTIDA PIR-MURIDLIK MUNOSABATI

Annotatsiya: Maqolada Sharq tasavvuf adabiyotida keng q oʻllanilgan pir-muridlik masalalari bilan bogʻliq mulohazalar bayon etilgan. Mazkur masalani yoritishda Farididdin Attorning “Tazkirat ul-avliyo” asaridagi hikoyatlar tahlilga tortilgan.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы пир-муридизма (учитель-ученик), широко используемые в восточной мистической литературе. При освещении этого вопроса анализируются истории из «Тазкират уль-аулийя» Фаридиддина Аттара.

Annotation: The article discusses the issues of pir-muridism, which are widely used in the Eastern mystical literature. In covering this issue, the stories in Farididdin Attar’s Tazkirat ul-Awliyya are analyzed.

Kalit s oʻzlar: Pir, murid, murshid, Koshifiy, Al-Jazariy, Tazkirat ul-avliyo, Farididdin Attor, tasavvuf, tariqat.

Ключевые слова: Фаридиддина Аттар, «Тазкират уль-аулийя», пир-мурид (учитель-ученик), мистика, секта

Key words: pir, murid, murshid, Koshifiy, Al-Jazariy, Tazkirat ul-awliyya, Farididdin Attar, mystic, sect.

Tasavvufda alohida eʼtibor qaratilgan muhim mavzulardan biri ustoz-shogirdlik masalasidir. Zero, dunyo yaratilgandan boshlab, bu anʼana haligacha davom etib kelmoqda. Tasavvuf manbalarida ruh tarbiyasi ilk mutasavvif Odam Ato (a.s.) ning tavbasidan boshlangani aytiladi. Odam (a.s.) jannatdan quvilgach, begona his-tuygʻularga duch kela boshlaydilar: ochlik, chanqoqlik kabi vaziyatlarda bir yoʻlboshlovchi, ustozga muhtoj boʻladilar. Shunda Alloh taolo Jabroil (a.s.) ni yer yuziga yuborib, u orqali mehnat qilish, ibodat, tahorat, roʻza tutish kabi amallarni oʻrgatdi. Bu haqida shayx Muhyiddin Ibn Arabiy Odam Ato (a.s.) dagi bu oʻzgarishlar muhojirot sababli ekanligini aytib oʻtadilar va taʼlim-tarbiya jarayoni Odam (a.s.)dan Paygʻambarimiz (s.a.v) ga, u kishidan sahobalarga oʻtib, hanuz davom etayotganini taʼkidlab oʻtadilar [4,11]. Shu oʻrinda taʼkidlab oʻtishimiz lozimki, Alloh taollo boqiy murshiddir. Chunki u insonni yaratib, t oʻgʻri va halol yashash sirlarini insonga oʻrgatdi. Zero, Alloh tomonidan nozil boʻlgan soʻnggi kitob Qurʻoni Karimda ham bir qancha masalalar yoritilgan boʻlib, unda islom dini haq din ekanligi, paygʻambarlar soʻziga quloq solmaganlar zalolatga yuz tutishi aytilgan. Shuning uchun bu muqaddas kitob barcha musulmonlar uchun dastur ul-amaldir.

Tasavvuf ilmida ustoz-shogirdlik munosabatiga alohida eʼtibor bilan qaralgan. Chunki ustoz-shogird munosabatisiz Haq yoʻlini topish mushkul ekanligi irfoniy manbalarda takror-takror eslatilgan. Bunday manbalarda ustozga ayri-cha hurmat koʻrsatish, doim aziz tutish, uning aytganlariga s oʻzsiz amal qilish zarurligi uqtirib oʻtilgan. Fikrimizning isboti sifatida Jaloliddin Rumiy soʻzlarini yodga olsak:

*Pir yozdir, o'zgalar misli kuzak,
Xalq tundur, pir misoli oy demak.
Yo'lni bilgan pir holidin sen gapir,
Pirni tanla, so'ngra faqr yo'liga kir [3,23].*

Bundan ma'lum bo'ladiki, Rumiylarning hazratlari ustozni qorong'u kechada yo'lni topishga yordam beradigan mayoqqa ўхшатадилар. Ustoz (murshid) murid (shogird)ni to'g'ri yo'ldan adashmasligi uchun uning yo'lini oy misoli yoritib boradi. Uchinchi misraga ustoz tanlashda adashmaslikka ishora qilingan.

Pirlikning shartlari, mas'uliyatligi haqida Saydo Al-Jazariylarning hazratlarining fikrlari ham Koshifiy mulohazalari bilan hamohangdir. Zero, xalqimizda "ustoz ko'rmagan shogird har maqomga yo'rg'alar", degan maqol ham bor. Xalq ustozni hurmat qilish, unga ehtirom ko'rsatish bilan bog'liq bir qancha rivoyatlar ham yaratgan. Shulardan biri, buyuk bobokalonimiz Alisher Navoiy nomlari bilan bog'liq. Bir kuni Navoiy hazratlari otda sayr qilib ketayotgan vaqtlarida bir yosh bolaga duch keladilar va otdan tushib unga salom beradilar. Shunda Navoiyning hamrohlari shunday buyuk olim yosh bolaga buncha ehtirom ko'rsatishi sababini so'raydilar. G'azal mulkining sultoni ularga bu bola ustozlari Abdurahmon Jomiy nevarasi ekanligini aytadilar. Buyuk mutafakkir bobomiz nafaqat ustozga hurmat ko'rsatish, balki uning avlodlari hurmat-izzatini joyiga qo'yishda ham bizga har qancha o'rnak bo'lsalar arziydi. Binobarin, muridning asosiy shartlaridan biri, piriga hurmatda bo'lmoq, uning farmonlariga itoat etmoqdir [3,26].

Husayn Voiz Koshifiy hazratlari aytganlaridek, tariqat yo'liga kirgan kishi pirga ehtiyojmanddir [3,23]. Ammo tariqat yo'lida ham aldovlar bordir. Shuning uchun ham, shayxlik asoslaridan boxabar bo'lgan, Haq yo'lni topishda rahnamo bo'la oladigan odamni pir deb tanlash lozim. Darhaqiqat, mavlono Rumiylarning aytganlariday, "odam qiyofasidagi iblislar ko'p, bas shunday ekan, har kimga qo'l berib bo'lmaydi" [3, 23]. Chunki yaxshi murshid tanlay olmaslik, yo'ldan adashish demakdir. "Shayx" so'zining ma'nosi lug'atlarda qari odamga nisbatan aytiladi, deb kelgan. Ammo tariqatda kamolot darajasini egallagan, boshqalarni ham kamolga yetkaza oladigan, pirlik shartlaridan to'la xabardor kishiga nisbatan aytiladi [3, 23]. Pirlikning asosiy shartlarini sanab o'tadigan bo'lsak, bular: shayxning e'tiqodi pok bo'lishi, saxovatli bo'lishi, o'z ahdida ustuvor va tariqat qoidalarini saqlashda mustahkam bo'lishi, faqr va tariqat ilmini chuqur o'zlashtirgan bo'lishi, tariqatga taalluqli har qanday mushkul savolni osonlik bilan hal qila olishi zarur [3,23]. Saydo Al-Jazariylarning ham murshidning zarur diniy ilmlardan voqif bo'lishi kerakligini ta'kidlab o'tganlar [5,18]. Bunga qo'shimcha ravishda, shayx Junayd al-Bag'dodiy aytadilarki: "Shar'iy ilmlarning hammasini mukammal o'rganmagan, barcha haromlardan o'zini tiymagan, dunyodan yuz o'g'irmagan kimsa shayx va murshid bo'lmoqqa noloyiqdir. Ayni paytda o'z nafsini to'la davolamay turib, o'zgalarni davolashga kirishmasligi kerak. Bu sifatlarni o'zida jam etmagan kishiga ergashishdan o'zingni tiy. Chunki u shaytonning askarlaridan biridir. Murshid deb tanilgan kishining gaplarini va qilayotgan amallarini shariatga qiyoslab ko'r va ani taroziga tort. Magar natija seni qoniqtirmasa, ani rad et va bu kishiga murid tushma" [5, 20].

Tariqatga kirayotgan murid nafaqat purning zohiriga, balki botiniga ham e'tibor qaratishi lozim. Zero, tuz ham ko'rinishidan shakarga o'xshaydi. Hakimus al-Bistomiy deydi: "Biror kishining havoda uchadigan darajada karomat sohibi ekanligini ko'rsangiz ham, uning shariat qonunlariga amal qilishini o'rganing". Yoki imom Rabboniy aytganlaridek, faqat kuloh va hirqa kiyish pirlikdan dalolat bermaydi. Balki murshid Alloh taolaga olib boruvchi yo'lda sendan yordamini ayamaydigan kishidir [5, 20]. Pirlikning yana bir muhim shartlaridan biri, komil murshidning xizmatini o'tab, uning tarbiyasini olgan bo'lishi, toki o'z piridan olganlarini muridlariga sarflab bilishi kerak [3, 24].

Ислом динининг муқаддас манбаларида инсонлар бир-бирларига яхшилиқ қилишга чорланади. Боиси, Қуръони каримда қилинган ҳар бир яхшилиқ мукофотсиз, ёмонлик эса, жазосиз қолмаслиги таъкидланади. «Анъом» сураси 160-оятда зикр қилинишича, «Кимки (бир) ҳасана (савобга иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ иш) қилса, фақат ўша (гуноҳ) миқдорида (бир гуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай»¹. “Жаннат калити” тўпламидаги тўртликлардаги моҳият-мазмун ҳам илоҳий манбалардаги ғоялар тарғиби учун хизмат қилгани кузатилади.

*Яхшилиққа бўлғай яхшилиқ жавоб,
Кўнглингга нур тўлар савоб ишингдан.
Ҳар қайси яхшилиқ – садақа, савоб,
Ҳар эзгу ишингдин эл дили равшан (3).*

Хулоса қилиб айтганда, инсон камолотида одоб - ахлоққа доир қарашлар ҳадисларда содда, равон, мазмунан аниқ, шаклан мухтасар тарзда берилган бўлса, А.Ҳожиаҳмад уларни бадий, образли ифодалашга эришган. Тўпلامдаги тўртликларда илгари сурилган инсоний фазилатлар, инсофу диёнатга, солиҳ амалларни эгаллашга даъват, илм-маърифатли бўлишга қаратилган таъсирчан қақариқлар бугун дунёга юз бураётган миллатимиз учун билимли, заковатли, юксак маънавиятли авлодларни тарбиялашда беминнат хизмат қила олади.

¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Абдулазиз Мансур таржимаси. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б.150.

“NAZMUL-JAVOHIR” RUBOIYLARIDA ISLOM FARZLARI TALQINI

Annotatsiya. Maqolada A.Navoiy “Nazm ul-javohir” asarida islomiy farzlarning badiiy talqinlari xususida fikr yuritiladi. Komil inson kamolotida islomiy farzlarning ahamiyati ulug' shoir qarashlari asosida tahlil qilinadi.

Аннотация: В статье ведётся рассуждение о художественных интерпретациях обязательных религиозных исламских предписаний приведённых в произведении Алишера Навои «Назм ул-жавохир». Анализируются значение исламского предписания при совершенствовании человека.

Abstract: The article discusses the artistic interpretations of the obligatory religious Islamic precepts given in the work of Alisher Navoi “Nazm ul-javokhir”. The article analyzes the meaning of the Islamic prescription for human development.

Kalit so'z. “Nazm ul-javohir”, farz, iymon, ro'za, zakot, haj, komil inson.

Ключевые слова: «Назм ул-жавохир», обязательное религиозное предписание, вера, руза, закят, хадж, совершенный человек.

Key words: “Nazm ul-javokhir”, obligatory religious prescription, faith, ruza, zakat, hajj, perfect person.

Sharq mamlakatlari hayotida din, ayniqsa, islom dini muhim ahamiyat kasb etadi. Kishining ma'naviyati, madaniyati, yurish-turish va tafakkurini belgilovchi eng ahamiyatli omillardan biri uning dinidir. Dinga juda qadim zamonlardan boshlab bashariyatni birlashtiruvchi yaxlit kuch sifatida qaralgan.

Islom dini, uning aqidalari, sunnatlari, shartlari xususida milliy hamda mumtoz adabiyotimiz vakillari o'z ijodlarida juda ko'p bor to'xtalganlar. Buni mutafakkir shoir Hazrat Alisher Navoiy asarlarida ham yaqqol ko'rish mumkin. Ulug' mutafakkirning har bir asari, hattoki, eng kichik nazmiy she'ri – fardlarida ham islomiy ma'naviyat o'z ifodasini topgan. Hazratning bu mavzuga oid yaxlit bir asari ham bo'lib, uni “Arbain”(“qirq hadis”) deb ataganlar. Shoirning she'riy durdonalaridan bo'lmish “Nazm - ul javohir” asarida ham islom, uning farzlariga oid ko'plab ruboiylarni uchratish mumkin. Biz bilamizki, Islom 5 asos(ustun) ga tayanadi. Bular: 1.Iymon keltirmoq. 2.Namoz o'qimoq. 3. Zakot bermoq. 4.Ro'za tutmoq. 5.Haj qilmoq.

Hazrat Navoiy mana shu besh farzlarni o'z ruboiylari tarkibiga shunday singdirganki, u o'quvchi kishida axloqiy dunyoqarashni uyg'otadi. Quyida Islomning ilk sharti bo'lmish Iymon haqidagi ruboiyga diqqat qilamiz:

*Iymoni aningki kufrig'a sotir erur,
Chin nukta demakka ul kishi qodir erur.*

*Har kimsaki iymon ishida mohir erur,
Iymonini bilki, otidin zohir erur¹.*

Shuni aytish joizki, Hazrat Navoiyning naqadar ulugʻ, zako kishi ekanligi uning ushbu ruboiyni asarning ilk ruboiysi sifatida tanlashida ham namoyon boʻladi.

Ruboiyning mazmun-mohiyati quyidagicha: *Iymoni uning kofirligini yashiruvchi kishi rost soʻzni aytmakka qodirdir. Har kimsa iymonida sobit, mohir boʻlsa, uning iymoni otidan bilinib turadi.* Yaʼni, iymon kishini musulmon yoki kofirlik (islomni tan olmaslik) dan ajratib turadi. Ushbu ruboiyda shoir oʻqiguvchi kishiga, avvalo, iymon tushunchasi haqida maʼlumot bersa, yana bir ruboiysida iymonning xususiyatlarini ochib beradi:

*Uch qism ila iymongʻa bino fahm ayla,
Avvalgʻisini aning hayo fahm ayla.
Ikkinchisini dagʻi vafo fahm ayla,
Uchunchisini bilmasang, saxo fahm ayla (47-bet).*

Yaʼni *iymoningga uch qismni bino qil, birinchisi – hayo, ikkinchisi – vafo va uchunchisini bilmasang, bilib qoʻyki, u saxovatlilikdir.*

Paygʻambarimiz Muhammad(s.a.v.) hadislarida ham hayo va vafo iymon ustunlari sifatida baholanadi. Demak, shoir iymonning dastlabki ikki ustunini hayo va vafo asosiga qurilishini uqtiradi. Boisi, hayosi bor kishida, albatta, vafo boʻladi. Vafodor kishi esa hayoli boʻladi. A.Navoiyning bu haqda shunday hikmati ham mavjud: *“Hayosizda vafo yoʻq, Vafosizda hayo yoʻq”.*

Islom dinida xayr-saxovat ulugʻlanadi, bir-biriga koʻmak berish, muruvvat koʻrsatish musulmon kishining iymonli ekanligini koʻrsatuvchi sifat ekanligi taʼkidlanadi. A.Navoiy hayo va vafoning mustahkamlanishini saxovat bilan boʻlishini istaydi. Bu esa iymon mukammalligiga dalildir.

“Nazm ul-javohir”dagi 162, 190-ruboiylarda ham iymonning foydasi va xususiyatlari haqida soʻz boradi. Islomning ikkinchi sharti – namoz. Bu haqda shoir mana nima deydi:

*Koʻp qilma namoz amrida beparvoliq,
Rakʻat bila qil oh xadangin yoliq.
Qilsang kecha sajdagʻa jabinfarsoliq,
Kunduzunga ul namoz erur zeboliq (63-bet).*

Ruboiy mazmun-mohiyati quyidagicha: *Namoz ishida koʻp beparvoliq qilma, rakʻat bilan dard oʻqini sindirgin. Har kech sajdaga peshonangni qoʻysang, bu namozing kunduzingga chiroy berib, uni goʻzallashtiradi.*

¹ Alisher Navoiy. Toʻla asarlar toʻplami.10-jild. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013. – B.42 (Asardan olingan iqtiboslar shu manbadan olinadi.Sahifasi qavs ichida beriladi).

Alloh taolo Qur'oni karimda shunday marhamat qilgan: **“Albatta namoz mo'minlarga vaqtida farz qilingandir”**¹. (Niso surasi, 103-oyat) Mutafakkir shoir Navoiy ham namoz ishida beparvo bo'lmaslikka chaqiradi, kechalari bedor bo'lib o'qilgan namozlar kunduzingni go'zal qiladi, ya'ni oxirat kuningni obod qiladi, deya uqtiradi. Shuningdek, ulug' shoir asarning 220, 222-ruboiylarida ham tunggi namozlarning foydalari haqida o'z mulohazalarini bayon etgan.

Islomning keying farzi zakot bo'lib, “zakot” arab tilida “poklik” va “o'sish” degan ma'noni beradi. Sha'riy istilohda zakot – maxsus moldan maxsus juzni maxsus shaxsga Allohning roziligi uchun shariatda tayin qilingandek mulk qilib berishdir. Qur'oni Karimning “Nur” surasi 56-oyatida Alloh taolo bunday marhamat qiladi: *“Namozni to'kis ado etinglar, zakot beringlar va Rasulga itoat qilinglar. Shoyadki, rahm qilinsangiz”*. Muhaddis Imom Termiziydan esa quyidagicha rivoyat qilinadi: *“Kim zakotning farzligini inkor qilsa, kofir bo'ladi, u uch marta tavba qilishga chaqiriladi. Tavba qilsa-qildi, aks holda, unga nisbatan “murtad” deb hukm chiqariladi”*.

Hazrat Navoiy ham o'z ruboysida zakot berishga undaydi hamda bu bilan haqdorga emas, ko'proq zakot beruvchi o'ziga yaxshilik qilishini ta'kidlaydi:

*Gar molni asbobi najot aylagasen,
Darveshga sadqasini bot aylagasen.
Molingdin agar sarfi zakot aylagasen,
Ko'prak bo'lurig'a iltifot aylagasen (44-bet).*

Ya'ni, agar molingni najot sababi deb bilsang, darveshga sadaqasi(haqqi)ni tez-tez berib tur va agar molingni zakot uchun sarf qilsang, bilginki, uni kam emas, balki ko'proq bo'lishiga sababchi bo'lasan.

Shariat bo'yicha zakotning berilishidagi yana bir sabab Alloh yo'lida molini qurbon qilishdir. Hazrat Navoiy Alloh yo'lida berilgan ehson haqida quyidagicha yozadi:

*Molingki erur, kom-u havo yo'lida xarj,
Jomi may-u lahni jonfizo yo'lida xarj.
Bordur yamon aylamak riyo yo'lida xarj,
Yaxshisi erur, bo'lsa Xudo yo'lida xarj (52-bet).*

Ya'ni, molingni komu havo(yeb-ichish)ga, may-u jonni yayratib yuboradigan ashulaga, riyo(ikkiyuzlamachilik) kabilarga sarflash yomondir. Yaxshisi, uni Xudo yo'lida xarj qilmoqdir.

Keyingi ruboiy mazmunida esa islomning yana bir sharti – ro'za tutish haqida gap boradi. Unda Hazrat Navoiy ro'zaning nafaqat farzi amalligi, balki inson salomatligi uchun nechog'lik ahamiyatli ekanligini ko'rsatib beradi:

*Doim tut o'zingga ro'zaning mehnatini,
Kim ruhqa yetkurur safo davlatini.*

¹ Qur'oni Karim – Mus'hafi sharif. – T: Hilol, 2019.

*Sihhat tilasang qilg'il aning niyatini,
Kim ro'zada qo'yдилar badan sihhatini (62-bet).*

Ya'ni, ro'za ruhingga ravshanlik, poklikni yetkazadi. Sihhat-salomatlik tilasang, uni tutish niyatini qil, chunki badan salomatligi ro'za tutishdadir.

Sha'riy istiloh bo'yicha ro'zadan asosiy maqsad Allohdan qo'rqish va unga itoat etishdir. Keyingi maqsadlar ikkilamchi bo'lib, kishi salomatligi uchun yo'naltiriladi. Hazrat Navoiy esa mazkur ruboiyda har ikkala maqsadni birlashtiradi. Dastlabki baytda ro'zaning inson ruhiga, ma'naviyatiga ta'siri, qalbdagi iymonni mustahkam etishi, Allohga taqvo qilishi bilan ziynatlangan bo'lsa, keyingi baytda ro'za tutishning jismga naqadar foydali ekanligi, badan salomatligi ro'za bilan ekanligi ta'kidlanadi.

O'z asarlarida komil inson tarbiyasini yoritgan va buni ibrat qilib qoldirgan chin so'z sohibi Mir Alisher Navoiyning o'zi biz avlodlar uchun haqiqiy komil insonga aylanib bo'ldi. Sof islomiy tarbiya, komil xulq, Haq tomonidan ato etilgan tafakkur va bilim uning asarlari bag'riga shunday singdiki, har bir asar mag'zida Allohning so'zi – Kalomulloh (Qur'oni karim) barq urib turadi.

Ibotova MADINA OTABEK QIZI

BuxDU Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik
ta'lim y o'nalishi 1-bosqich magistranti
(Ўзбекистон)

O'ZBEK MUMTOZ ADABIYOTIDA ME'ROJ TASVIRI

Annotatsiya. Maqolada badiiy adabiyotda me'roj voqeasining badiiy talqinlari xususida fikr yuritiladi. Boborahim Mashrabning mazkur voqea tasviriga bag'ishlangan "Me'rojnoma" asari tahlil qilinadi.

Аннотация: В статье ведутся рассуждения о художественной интерпретации явления меърож в литературе. Анализировано произведение «Меърожнамэ» Боборахима Машраба посвящённое описанию данного явления.

Abstract: The article discusses the artistic interpretation of the phenomenon of merozh in literature. The article "Me'rozname" by Boborahim Mashrab devoted to the description of this phenomenon is analyzed.

Kalit so'z. Qur'on, Hadis, me'roj, badiiy adabiyot, Boborahim Mashrab, "Me'rojnoma.

Ключевые слова: Каран, Хадис, меърож, художественная литература, Боборахим Машраб, «Меърожнамэ».

Key words: Karan, Hadith, me'roz, fiction, Boborahim Mashrab, "Me'rozname".

Me'roj tushunchasi o'zbek mumtoz adabiyotiga uning asosiy va bosh manbalari b o'lmish Qur'oni karim va Hadisi shariflar orqali o'tgan. Qur'oni karimda me'roj hodisasiga maxsus o'rin ajratilmagan bo'lsa-da, unga ishoratlar bor. Masalan, "Al-Isro" surasining dastlabki oyatida aytiladiki, "(Ollah) bir kecha o'z bandasi (Muhammad)ni – unga oyat-m o'jjalarimizdan k o'rsatish uchun (Makkadagi) Masjid Al-Haromdan (Quddusdagi) Biz atrofini barakatli qilib q

o'rgan Masjid Al-Aqsoga sayr qildirgan (barcha aybu nuqsonlardan) pok zotdir...". Qur'oni karimni o'zbek tiliga tarjima qilgan Alouddin Mansur yuqoridagi oyatni shunday sharhlaydi: "Bu – me'roj, yani Olloh huzuriga k o'tarilish qissasi b o'lib, u payg'ambar alayhissalom Madinaga hijrat qilishlaridan bir yil ilgari voqe b o'lgandir. Rasululloh aytadilar: "Bir kecha Masjid Al- Haromda ekanman, banogoh huzurimga Jabrail Buroq ismli otni yetaklab keldi va meni o'sha otga mindirib samoga olib chiqib ketdi. Bir zumda Quddus shahriga yetib keldik. Bu yerdagi Masjid Al-Aqsoga ikki rakat nafl namozini o'qigach, yana Buroqqa minib Jabrail bilan osmonga y o'l oldik...Yettinchi osmonga yetgach, Tangri taolo menga va mening ummatimga kunda besh vaqt namoz o'qishni farz qilib dedi: "Bu bir kecha-kunduzda o'qiladigan besh vaqt namozning har biriga o'n namoz savobini hadya eturman... Shuningdek, bandalarimdan kim bir yaxshilik qilishga azm etib, uni ado eta olmasa, bir savob, ado eta olsa, o'n savob ato qilurman. Endi kimki biror yomon ishni – gunohni qasd qilsa-yu, uni amalga oshirmasa, u kishiga gunoh yozilmas, agar o'sha yomon niyatini amalga oshirsa, bir gunoh yozilur". Parvardigorimdan ushbu vazifani olib zaminga tushdim va bir nafasda o'zimni Makkada k o'rdim"¹.

Islom dini va tasavvufga bag'ishlangan ilmiy asarlarda me'roj voqeasi, sodir b o'lgan vaqti, me'rojning sababi va hikmati goho har xil talqin etilgan. Bir rivoyatga k o'ra, hazrati Muhammad alayhissalom uyquda ekanlar, Jabrail zamzam suvi t o'ldirilgan oltin kosa olib kelib, payg'ambarning k o'ksi va qornini ochib, qalbini shu suvda yuvgan hamda ichini ilohiy ziyo va imyon bilan t o'ldirgan. Mazkur fikrlar ayrim adabiyotlarda hazrati payg'ambarning yoshligida sodir b o'lganligi ham aytib o'tiladi. Ta'kidlash joizki, Buroq haqida Qur'oni Karimda ma'lumot y o'q. Lekin bu otdan Ibrohim payg'ambar foydalanganligi diniy adabiyotlarda qayd qilingan. Mashhur turk shoiri Yunus Emroning ta'riflashicha, Buroqning "xil'ti nurdan, k o'zi gavhar va yuzi oq" b o'lgan. Tasavvuf adabiyotlarida Buroq tasavvufiy istiloh sifatida moddiy olamdan ma'no olamiga o'tishdagi bir vosita sifatida beriladi.

Me'roj va unga bag'ishlangan asarlar Sharq adabiyotida k o'plab yaratildi. Ana shunday asarlardan biri Boborahim Mashrab ijodida "Me'rojnom" asari bo'lib, u Ollohga hamd aytish bilan boshlanadi:

*Man ayladim zikr ila sano, hamdini bisyor, bir yor Xudodur,
Olam egasi bir oti ul vohidu qahhor, Olamga panohdur².*

Shoir ushbu misralarda Haq taolloning t o'qson t o'qquz ismlaridan b o'lmish vohid va qahhor ismlarini tilga oladi. O'z hamdini davom ettirib, zullisonaynlik an'anasi asosida forsiy s o'zlardan ham unumli foydalanadi:

*Bu hajdahazor olama ul birligi tanho, ul zoti huvaydo,
Birligiga shohid turur ul barcha xaloyiq, ul arzu Samodur.*

¹ Курьони карим. (Алоуддин Мансур таржимаси). – Тошкент: Чўлпон, 1991. – В.196.

² Мейрожнома. Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаккул, С.Рафийдин. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – В.25. Asardan olingan iqtiboslar shu manbadan olinadi.

Mazkur baytda q o'llanilgan "hajdahazor" va "arz" s o'zlari forscha b o'lib, " o'n sakkiz ming" va "yer" ma'nolarini anglatadi. Mashrab Ollohning o'n sakkiz ming olam ichra tanho yaratuvchi Zotligi, bunga esa xaloyiq va yer-u samoning shohid ekanligini ta'kidlaydi. Haq taolloning t o'qson t o'qqiz ismi bilan birgalik-da t o'qson t o'qqiz sifati borligiga ham urg'u berib o'tadi:

*Ming bir otidur xalqi jahon ichida mavjud, olam anga boqiy,
Bilgilki, yana t o'qson t o'qqiz birla sifoti, ul birki Xudodur*

Mashrab Olloh hamdini davom ettirar ekan, Uning falakni ustunsiz, "shamsi qamarni" – quyosh va oyni muallaq, yerni "mutabbaq" – tabaqali yaratganligini ham ta'kidlab o'tadi:

*Aflok i sutunsiz yarotib qildi muallaq ul shamsi qamarni,
Ham yerni tanobsiz yarotib, etti mutabbaq, subhonaka modur.*

Xudoning "Qodir-u hay" – har ishga qodir mangu barhayotligini, shuningdek, kofirlarni d o'zaxga, m o'minlarni esa behishtga – jannatga talabgor sifatida yaratganligini navbatdagi misralarida ifodalaydi:

*Kofir yarotib qildiki d o'zaxqa sazovor, ul qodiru haydur,
M o'min yarotib qildi bihishtga talabgor, ming jon fidodur.*

Shoir keyingi misrada talmeh (she'rda mashhur shaxs, bayt, maqol, payg'mbar nomlarini keltirish) vositasida Muso (a.s.) bilan bog'liq voqeaga ishora qiladi. Ya'niki, Muso (a.s.) Ollohdan jamolini k o'rsatishni s o'raydi. Haq taollo: "Meni hech k o'ra olmayсан. Lekin toqqa nazar sol, agar u makonida sobit tura olsa, bas, meni k o'rasan", – deydi. Robbi toqqa tajalli qilganida, uni titilgan holga aqlga sig'mas m o'jiza r o'y beradi. Shuningdek, hazrati Muso (a.s.) Haq taolo bilan t o'g'ridan-t o'g'ri gaplashgani uchun "Kalimulloh", "Alloh bilan gaplashgan" nomini olganlar. Mashrab mazkur fikrlarni she'rda quyidagicha keltiradi:

*Musog'a Xudo Tur tog'ida qildi tajalli, ul rohim i rahmon,
Lutfini k o'rsatti yana nuri shu'oi, bayzov-u asodur.*

Mashrab me'roj kechasida Muhammad (s.a.v.)ning Olloh tavhidi, ya'ni yakka-yagonaligi zikrini hamda payg'ambarlarga na't ni bisyor aytganligiga urg'u beradi. Shuningdek, hazrati rasulullohning izlari malaklar uchun ham t o'tiyo b o'lganligini keyingi misralarda keltiradi:

*Tavhidi Xudo, na'ti nabi aydi chu bisyor, ul zoti sharafga,
Bosqon izini k o'zlariga surdi malaklar, ul t o'tiyodir.*

Ma'lumki, tasavvuf ahli Olloh va uning payg'ambarlari muhabbatini qozonishga alohida e'tibor qaratgan. Rasuli akram Muhammad (s.a.v) oxirat zamon payg'am-

bari, ummatlarini o'z shafolatiga oluvchi mukarram zot. Haq taolo payg'ambarlarni, ayniqsa, Muhammad (s.a.v)ni har jihatdan yetuk, zohiriy va botiniy tomondan mukammal qilib yaratdi. Shu bois, hech bir payg'ambarga nasib etmagan Me'roj ulug' Rasulullohga nasib etdi. Shuning uchun Ahmad Yassaviy o'zining "Me'roj-noma" sida "Mundoq maqom hech kimda y o'q.", – deya ta'riflaydi.

Boborahim Mashrab, S o'fi Olloyor, Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg'oniy, Alisher Navoiy kabi shoirlar ijodida maxsus "Me'roj-noma" asarlari yaratildi. Boborahim Mashrab me'roj bilan bog'liq tafsilotlarni sodda, ravon, xalqona ifodalaganligi bilan ajralib turadi.

Murodova GULCHEHRA,
Bux DU magistranti
(O'zbekiston)

"HAYRAT UL ABROR"DAGI XIII BOBNING NASHRIY TAFOVUTLARI

Annotatsiya: Maqolada "Xamsa"ning ibtido dostoni "Hayrat ul abror"ning XIII bobidagi nashriy tafovutlar tahlilga tortilgan. Tahlil davomida Alisher Navoiyning XV jildlik asarlar to'plami, Mukammal asarlar to'plami va To'la asarlar to'plamidan o'rin olgan doston baytlari asar ilmiy-tanqidiy matni bilan o'zaro qiyoslangan.

Annotation: The article analyzes the publishing differences in the 13th chapter of Hamsa's original epic, Hayrat ul abror. During the analysis, the verses of Alisher Navoi's XV volume collection of works, the Collection of Perfect Works and the Collection of Complete Works were compared with the scientific-critical text of the work.

Аннотация: В статье анализируются издательские различия в 13-й главе оригинального эпоса Хамсы «Хайрат уль Аброр». В ходе анализа стихи 15-томного сборника произведений Алишер Навои, Сборника совершенных произведений и Сборника полных сочинений сравнивались с научно-критическим текстом произведения.

Kalit so'zlar: ilmiy-tanqidiy matn, tayanch nusxa, qo'lyozma, nashriy tafovut, bosma xato.

Key words: Scientific-critical text, base copy, manuscript, publishing difference, typographic error

Ключевые слова: научный-критический текст, базовая копия, рукопись, издательская разница, опечатка

"Hayrat ul abror" "Xamsa" dostonlarining debochasi bo'lib, unda axloqiy masalalar talqini asosiy o'rin egallaydi. Ushbu doston ilmiy-tanqidiy matnini yaratishda va joriy yozuvimizda nashr etishda ko'pgina zahmatkash olimlarning mehnati singgan. Shulardan biri P.Shamsiyev bo'lib, olim yaratgan ilmiy-tanqidiy matn asarning keyingi nashrlari uchun asos bo'ldi. Asar ilmiy-tanqidiy matnini yaratish borasida olimning o'zi shunday deydi: "A belgisi bilan yuritilgan Abdujamil qo'lyozmasi asosiy tayanch nusxamiz bo'lib, buning hamma muhim xususiyatlarini saqlab, boshqa qo'lyozmalarni shunga taqqoslab ish ko'rildi, hatto bu nusxaning imlosi ham o'z holicha saqlandi"¹.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Хайрат-ул-аброр. Илмий танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. –Т.,

Alisher Navoiy o'zining bir qancha asarlarida ustoz Abdurahmon Jomiyning madh etadi. Xususan, "Hayrat ul abror" dostonida Jomiy vasfiga bag'ishlangan bir bob mavjud. Ushbu bobning turli yildagi nashrlarini solishtirar ekanmiz, bob sarlavhasidayoq nashriy tafovutlarga duch kelamiz. Abdurahmon Jomiy vasfi keltirilgan ushbu bob sarlavhasi Mukammal asarlar to'plamida "Safo jomining sofi oshomi mavlono Nuriddin Abdurahmon Jomiy madda zillahul-oliy vasfikim, vasfg'a sig'mas va ta'rifikim, tarifga rost kelmas va ul hazrat iltifotining quyoshi bu xoksori tiyra ro'zgor holig'a partav solg'onning izhori va ul quyosh tarbiyatidin bu tufroqqa zohir qilg'an guli nasrin, balki gunogun rayohin osori va "Tuhfat ul-ahror" tuhafi mutolaasidin nazm rishtasig'a tortmoqning sababi"¹ tarzida keltirilgan. Ammo ushbu sarlavha Alisher Navoiy XV tomlik asarlarining oltinchi tomida, X jildlik asarlarining 6-jildida va asar ilmiy-tanqidiy matnida quyidagicha bayon etilgan:

"Safo jomining sofi oshomi mavlono Nuriddin Abdurahmoni Jomiy madda zillahul-oliy vasfikim, vasfg'a sig'mas va ta'rifikim, tarifg'a rost kelmas va ul hazrat iltifotining quyoshi bu xoksori tiyra ro'zgor holig'a partav solg'onining izhori va ul quyosh tarbiyatidin bu tufroqqa zohir qilg'an guli nasrin, balki gunogun rayohin osori va "Tuhfatul-ahror" tuhafi mutolaasidin mahzun ko'ngul tarabi va "Hayratul-abror" laoli va javohirin nazm rishtasig'a tortmoqning sababi"². Hozirda ham ko'pchilik tomonidan mutolaa qilinadigan Mukammal asarlar to'plamida sarlavhadagi "mahzun ko'ngul tarabi va "Hayratul-abror" laoli va javohirin" jumlasini tushirib qoldirilgan. Ammo doston mazmuniga ta'sir qiluvchi ushbu xatolik asarning keyingi nashrlarida tuzatilgan.

Asar nashrlarida ba'zi so'zlarning o'rni almashishi sababli sodir bo'lgan nuqsonlar ham mavjud:

*Madrasayi Quds aning ma'mani,
Xonaqahi uns aning maskani³.*

Yuqoridagi misra Alisher Navoiy To'la asarlar to'plamidan o'rin olgan bo'lib, ushbu baytdagi "maskan" va "ma'man" so'zlarining o'rni o'zgargan holda keltirilgan. Uning maskani so'zlik madrasasi bo'lib, uning uchun eng tinch joy do'stlar xonaqohidir mazmunidagi ushbu bayt XV tomlik asarlarining oltinchi tomida va Mukammal asarlar to'plamida ilmiy-tanqidiy matndagidek tuzatilgan holda ifodalangan:

*Madrasayi quds aning maskani,
Xonaqahi uns aning ma'mani⁴.*

Jomiy vasfi keltirilgan quyidagi misrada imloviy xatolikka duch kelamiz:

1970. – B.6.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 том. – Тошкент: Фан, 1991. – B.51.

² Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 6-jild. – Toshkent, 2012. – B.42.

³ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 6-jild. Toshkent, 2012. – B.42.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 том. – Тошкент: Фан, 1991. – B.52.

*Qasri kalomi chiqib andoq baland,
Kim anga gardun sola almay kamand¹.*

Mukammal asarlar to'plamida ushbu misra tarkibida kelgan "sola almay" birikmasi To'la asarlar to'plamida "sola olmay" tarzida tuzatilgan holda nashr etilgan. Albatta, bu tuzatishga asar ilmiy-tanqidiy matni asos bo'lib, birikmadagi "olmay" so'zi "madda" belgisi orqali ifodalangan. Va bu so'zni "sola olmay" tarzida o'qish uchun xizmat qilgan.

*Gunbadi hujrasida zoti nihon,
O'ylaki ko'k gunbadi ichra jahon².*

Yuqoridagi bayt To'la asarlar to'plami va Mukammal asarlar to'plamida quyidagicha berilgan:

*Gunbadiyi hujrada zoti nihon,
O'ylaki ko'k gunbazi ichra jahon³.*

Birinchi misra tarkibida kelgan "hujrasida" so'zi tanqidiy matnda "hujrada" tarzida berilgan. Biroq To'la asarlar to'plami va Mukammal asarlar to'plamida keltirilgan ikkinchi misradagi "gunbazi" so'zi tanqidiy matnda "gunbadi" tarzida qo'llangan. "Gunbad" hozirgi tilimizdagi "gunbaz" so'zining tarixiy shaklidir. Bundan kelib chiqadiki, asarning barcha nashrlarida ozmi-ko'pmi kamchiliklar uchraydi.

"Tuhfat ul-ahror" dostonining yozilishi bilan bog'liq bo'lgan quyidagi misrada esa birgina tovush o'zgarishi bilan bog'liq xatolik uchraydi:

*Xizmatin ettimki, tamanno edi,
Ilgida ko'rdum necha ajzo edi⁴.*

Birinchi misrada keltirilgan "xizmatin" so'zi To'la asarlar to'plamida "xidmatin" tarzida tuzatilgan. Asar ilmiy-tanqidiy matnini kuzatish davomida bu tuzatish asosli ekanligiga guvoh bo'lamiz.

*Xidmatin ettimki, tamanno edi,
Ilgida ko'rdum necha ajzo edi⁵.*

Yana bir misol:

*Shavqida ko'ksumni shigof ayladim,
Jildig'a ko'nglumni g'ilof ayladim⁶.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 том. – Тошкент: Фан, 1991. – В.52.

² Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. 6 том. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. – В.10.

³ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 6-jild. – Toshkent, 2012. – В.43.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 том. – Тошкент: Фан, 1991. – В.54.

⁵ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 6-jild. – Toshkent, 2012. – В.45.

⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 том. – Тошкент: Фан, 1991. – В.55.

Mukammal asarlar to'plamida keltirilgan yuqoridagi bayt XV tomlik asarlar to'plamida va To'la asarlar to'plamida quyidagicha berilgan:

*Shavqida ko'ksumni shikof ayladim,
Jildig'a ko'nglumni g'ilof ayladim¹.*

Navoiy asarlari lug'atida "shikof aylamak" so'zining "yormoq, yoriq qilmoq" ma'nolari bor bo'lgan holda, "shigof" so'zi lug'atda uchramaydi. Nashrlarda bunday har xillikning yuzaga kelishiga ilmiy-tanqidiy matnda "g" va "k" harflarining birgina "kof" bilan ifodalanganida deyish mumkin.

*Forsi el topti chu xursandliq,
Turk dog'i topsa berumandliq².*

Yuqoridagi misrada keltirilgan "berumandliq" so'zi To'la asarlar to'plamida "barumandliq" tarzida tuzatilgan va bu tuzatish bayt mazmunini ochib berishga yordam bergan. Alisher Navoiy ustozlari haqida gapira turib, ularning asarlaridan forsiy xalqlar xursand bo'lganligi, turkiy xalqlar ham uning yozganidan bahra olsinlar mazmunidagi ushbu baytda "barumandliq" kalimasi bayt mazmuniga mos keladi. Navoiy asarlari lug'atida ushbu so'zning "bahramandlik, foydalanish" ma'nolari bor bo'lgan holda, "berumandliq" so'zi uchramaydi. Bunday har xillikning yuzaga kelishiga sabab qilib tanqidiy matnda unli tovushning ifodalanmaganligini ko'rsatish mumkin. Shuning uchun bir nashrga tayyorlovchi bu so'zni "berumandliq", boshqa biri esa "barumandliq" tarzida o'qigan.

*Ul ikiga fotiha o'qub turub,
Fotiha bu biri manga yetkurub³.*

O'n besh tomlik asarlar to'plamidan olingan ushbu baytning birinchi misrasidagi "turub" so'zi ilmiy-tanqidiy matnda "so'rub" holda keltirilgan va dostonning keyingi nashrlarida tuzatilgan. Bayt mazmunini ochib berishda ham bu tuzatish asosli ekanligiga guvoh bo'lamiz. Oldingi ikki muallif nomiga duo o'qib so'raymanki, bu ishni yozishda u ham menga bir fotiha bersin.

*La'l ila yoqut-u dur istar baho,
Lek somonni ne chekar kahrabo⁴.*

Ushbu baytdagi "somonni ne chekar" birikmasi Mukammal asarlar to'plamida "somonniki chekar", To'la asarlar to'plamida "somonni chekar" tarzida nashr etirilgan. Holbuki, asar ilmiy-tanqidiy matnida ham bu birlik "somonni ne chekar" tarzida ifodalangan.

¹ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami.6-jild. – Toshkent, 2012. – B.45.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами.7 том. – Тошкент: Фан,1991. – B.55.

³ Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. 6 том. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. – B.12.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар.XV томлик.6 том. . – Тошкент. "Бадий адабиёт" нашриёти.1965. –B.13.

Ma'lumki, "kahrabo" somonni o'ziga tortish xossasiga ega bo'lgan sariq toshdir. Misradagi "chekar" so'zi esa "o'ziga tortmoq, jalb qilmoq" ma'nosida qo'llangan. Demak, bayt mazmuni quyidagicha talqin qilinadi: "La'l, yoqut va dur beba-ho bo'lsa ham, lekin somonni nega kahrabo o'ziga tortadi".

Ushbu bob nashridagi bosma xatolar arab alifbosidagi bir-biriga o'xshash harflar, unilarning ifodalanmaganligi, nuqtalar soni kam yoki ortib yoinki o'rni o'zgarib qolishi oqibatida yuzaga kelgan. Matndagi bunday kamchiliklar aksariyat hollarda asardagi boblar mazmuniga jiddiy zarar yetkazmasa-da, bayt mazmunini tahlil qilishda g'alizlikni keltirib chiqaradi.

Пирназарова МАНЗУРА,
Урганч давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

ЛИРИК ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИ ТАСВИРИДА ШОИР МАҲОРАТИ

Annotatsiya: Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлярида лирик қаҳрамон руҳияти тасвири ҳақида сўз юритилади. Шоир шеърлари мавзусига кўра хилма-хил бўлиб, уларда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ватан соғинчи, ҳижрон изтироблари ўз аксини топганлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади.

Аннотация: В данной статье рассуждается духовность лирического героя в поэзии Захриддина Мухаммеда Бобура. Тематика поэзии разнообразна. В ней выдвигаются внутренние переживания, любовь и тоска о родине лирического героя.

Annotation: In this article is educated about mental portrayal of lyric hero in poetry of Zakhiriddin Muhammad Bobur. According to their themes lyrics of poet are various. It is said that interior imaginations, homesickness, agitations of separations are reflected in them.

Kalit so'zlar: лирика, лирик қаҳрамон, ғазал, рубоий, фард, мотив, ҳаётий фалсафа.

Ключевые слова: Лирика, лирической герой, газель, рубаи, мотив, жизненная философия, фард

Key words: lyric, lyric hero, gazal, motive, quatrin, vital philosophi, fard

Бобур шеърлари ҳаётий фалсафага, теран фикрларга бой. Унинг шеърларида инсон руҳий ҳолати ноёб тасвирини, унинг янгича, ўзига хос бадиий ифодасини кузатамиз. Бобур шеърляри унинг кўнглида пинҳон сақланган тўйгуларини салоҳиятли шоир қаламида сайқаллаштирилган бадиий инъикосидир. Бу шеърят Шарқ мумтоз адабиётининг Низомий, Деҳлавий, Лutfий, Навоий сингари етук шоирлари назмий анъаналарининг ўзига хос давоми ҳамда бобуруна услубдаги такомилли бўлиши билан ниҳоятда қимматлидир. Бобур девонида ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард, муаммо каби жанрларда ижод этилган шеърлари жамланган. Шоирнинг

Ўзбек тилидаги 120 ғазали, 210 га яқин рубойи, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, кўплаб фард ва 50 дан ортиқ муаммолари мавжуд.

Бобур ғазалларидаги ўқувчи кўнглини ўзига жалб этиб турувчи, уни қалам соҳиби измига тўла бўйсундириб, шоирнинг чегара билмас ҳаёлот оламига етакловчи кучнинг мавжудлиги кишини ҳайратга солади. Академик Азиз Қаюмов Бобур ғазаллари хусусида шундай ёзади: “Бобурнинг лирик шеърларида ифодаланган севги туйғулари чуқур самимият билан суғорилган. Шоир лирик қаҳрамоннинг кечираётган ҳаяжонлари, қайғу ва шодликлари реал ҳаёт лавҳаларининг унинг қалбидаги аниқ инъикосидир. Шоир ана шу ҳолатни гўзал, равон, аммо чуқур ифодалар ёрдами билан тасвирлайди”¹.

*Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдир,
Сенинг бирла чиқишмоқлик дағи бисёр мушкулдир.*

Шоирнинг пок ишқ бадий талқинига бағишланган ғазаллари, худди шундай ишқнинг маълум бир жиҳатини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи байтлари синчиклаб ўрганилганда тасвирдаги табиийликни ва самимийликни кузатамиз.

Маълумки, Бобур бадий сўзга ўз руҳий оламини очиш воситаси деб қараган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай таъкидлайди:

*Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.*

Дарҳақиқат, Бобур ғазалларини, умуман, ижод намуналарини мутолаа қилар эканмиз, шоир шахсияти ҳақида, унинг руҳияти, маънавий олами ҳақида маълум маънода тасаввурга эга бўламиз.

Бобур ғазаллари мавзусига кўра хилма-хил бўлиб, улар орасида ҳаётга қайноқ меҳр акс этган жўшқин ғазаллар ҳам, афсус-надомат тўла шеърлар ҳам бор. Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади, одамларни ҳар қандай ҳолда яхшилик қилишга чорлайди, гоҳ тақдирнинг аёвсиз зарбаларига чидай олмай эл-юртдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлади.

*Улфатим эл бирла оздур, кўпдур эл жаври манга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври манга.*

Шоир шеъриятини кузатар эканмиз, чин маънодаги соғиниш мавзуси билан юзланамиз. Яъниким, ватанни соғиниш, вафо ва садоқатни соғиниш, муҳаббатни соғиниш, хиёнатсиз дунёни соғиниш каби. Шунингдек, Бобур лирикасида ғам-алам ифодаси тасвири намоён бўлади. Бунинг сабаби юқорида келтирганимиздек, шоирнинг ўз Ватанидан айро тушганидир:

¹ Қаюмов А. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958. 2-сон. – Б.17.

*Хазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўриб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим.*

матлаъли ғазалида шоир куз манзарасини чизади. Шеърда ватан соғинчи ифодаланган. Унда тасвирланган куз манзараси подшоҳ – шоирнинг инсоний тақдиридан сўзлайди. Муаллифнинг муносабати ва шарҳлари шеърдаги соғинч ва дардни, ватандан айрилиш фожеасини кучайтириб боради. Куз, хазон умрнинг сўнгидан нишона: умрим ҳажрингда ўтди, дейди шоир ва лоларуҳдан аҳволини кўриб раҳм қилишини илтижо қилади. Бу ўринда, сарвдек гўзал ва безавол, хазон офатига бегона, ҳамиша ям-яшил лоларуҳ бу – ватан тимсоли. Бобур рубойларини таҳлил қилар эканмиз, реал ҳаётнинг бадий ифодаси эканлигини кўрамиз. Шу сабабли уларда шоир ҳаёти билан боғлиқ Ватан соғинчи, ҳижрон азоби, афсус-надомат, жабру-жафо каби мотивлар асосий ўринни эгаллайди. Бу борада “Толёй йўки...” деб бошланувчи рубойи, айниқса, характерли бўлиб, уни Бобур ҳаёти билан боғлаб кенг ва батафсил таҳлил қилиш шарт. Назарий маълумотларда қайд қилинган “хос ҳол”, “хос маъно” бирикмаларининг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, “хос ҳол” шуки, рубой албатта а,а,б,а тарзида қофияланиши шарт. “Хос маъно” шуки, рубойларда табиат ва жамият билан алоқадор ижтимоий-фалсафий ғоя устувор бўлиши керак. Бобурнинг “Ҳар кимки...” деб бошланувчи рубойисига разм солсангиз, унинг афоризм даражасига кўтарилганига қаноат ҳосил қиласиз. Юқорида келтирилган рубойлардаги ғоя шеърхон ҳаётида ўзига хос тарбия мактаби бўлиб хизмат этади. Бобур ўзининг “Топмадим” радифли ғазалини “Бобурнома”да 18-19 ёшларида ёзилган биринчи тугал ғазали сифатида эътироф этади. Матлаъ:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Кўнгул нима? Кўнгул бу – мулк. Фақат инсонгагина берилган илоҳий неъмат. Ана шу кўнгул дардларини, кўнгул изҳорларини инсон сўз орқали ифода қилади. Сўзнинг мартабаси эса амал орқали намоён бўлади. Ўз навбатида, амал инсонни комиллика етаклайди. Бобур лирик “мен”ида ана шу баркамол инсонни кўрамиз. Лекин бир нарса аҳамиятлики, шоир лирик қаҳрамони атрофида унинг идеалидаги том маънодаги маънавий баркамол инсонлар камлигидан азият чекади ва ўз жонини ўзига вафодор, кўнглини маҳрами асрор сифатида тан олади. Англашиладики, шоир шеърлари ҳаётини фалсафага, теран фикрларга бой.

*Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини, ҳар нечаким дафтардин ахтардим.*

Кўринадики, Бобур ўз замондошларидан, тўғрироғи, теварак-атрофидаги айрим одамлардан ўзининг фикрлаши, дунёқарашини, маънавий-руҳий олами жиҳатидан маълум даражада фарқланади, яъни, бизнинг назаримизда, устунроқ туради. Шу боисдан ҳам улар билан муомалада бўлиш,

мулоқотга киришиш, улфат тутиниш шоир учун қийинчилик туғдиради. Ўз навбатида, худди шу тоифадаги кишилар билан дўст тутина олмаганлиги, эл бўла олмаганлиги учун улардан кўпроқ жавр кўради. Тавр – бу юриш-туриш, хулқ-атвор. Бобур кенг маънода “эл” дея таърифлангани ўша маънавий қашшоқ кимсаларга лирик қаҳрамоннинг юриш-туриши маъқул эмас. Худди шунингдек, лирик қаҳрамон ҳам уларга “эл бўла олмайди”, яъни ҳар қадамда улардан азият чекади, улар билан ҳақиқий маънода мулоқотга кириша олмаганлигидан қийналади. Шу боисдан ҳам шоир:

*Ёраб, хавос жамъида Бобурни хос қил,
Ёхуд авом зумрасидин халос қил, – дейди.*

Яна бир фардга диққат қилайлик:

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар сув.*

Эътибор қилинса, байт ҳам шаклан етук, ҳам бадий жиҳатдан мукамалдир. Байтнинг шаклан етуклиги шундаки, унда биринчидан, радд-ул-ажуз ал-ас-садр санъатининг бир кўриниши ўз ифодасини топган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги шаклдош бўлган “оқар сув” бирикмаси мисра боши ва охирида қўлланади ва байтга ўзгача бир оҳангдорлик бахш этади. Иккинчидан, худди ана шу бирикма мисра бошида ўз маъносида, яъни сифатдошли бирикма шаклида қўллansa, мисра охирида кўз ёши маъносини ифодалайди. Муҳими шундаки, бу ўринда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ватан соғинчи, ҳижрон изтироблари ўз аксини топган. Шоир оддийгина қовун ва узум тушунчалари орқали Ватанга бўлган муҳаббатни гўзал бир кўринишда ифодалаб берган. Ватандан йироқда, мусофирликда юрт қадри янада кучлироқ сезилади. Ўша ватанда дов-дарахтлар, ўт-ўланлар, ариқларни тўлдириб оқаётган сувлар соғинчи лирик қаҳрамон қалбини изтиробга солади ва беихтиёр кўзларига ёш қалқади. Бу эса ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини намоён этади.

“Яхшилиғ” ғазалида ҳам лирик қаҳрамоннинг руҳий олами гўзал бир тарзда ўз ифодасини топган. Шоир одамларни у ким бўлишидан қатъий назар, яхшими-ёмонми, дўстми-душманми – ҳаммага яхшилик қилишга даъват этади. Негаки, яхшилик дунёни ҳар хил фисқу-фасод, гина-кудрат каби номаъқул иллатлардан қутқарувчи, оламни гўзаллаштирувчи омиллардан биридир:

*Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!*

Бобуршунос олима И.Адилова шоир шеърояти ҳақида шундай дейди: “Бобур – туйғулари улкан шоир. У дунёни кўнги кўзлари билан кўра олади”¹. Дарҳақиқат, Бобур ўзининг яшаш тамойилини чин маънодаги инсон сифатида шеърхонга ибрат қилиб кўрсатади.

¹Адилова И. Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б.20.

Rajabov DILSHOD,
BuxDU, filologiya fanlari doktori
Samiyeva MAHLIYO,
BuxDU, Adabiyotshunoslik (o'zbek tili)
yo'nalishi 2-bosqich magistranti
(O'zbekiston)

ADIB AHMAD YUGNAKIYNING TAZODDAN FOYDALANISH MAHORATI

Annotatsiya: Maqolada asarning badiiyatiga e'tibor qaratilgan. Asosan, bir necha baytlar talil qililib, ulardagi tazod san'ati aniqlangan. Adibning bu san'atni qo'llashi orqali asarning badiiyati yanada ko'tarilganligi yoritib berilgan.

Аннотация: В статье уделяется внимание художественности произведения. Приведены анализы искусства тазод в нескольких байтах. Описано мастерство автора в использовании данного искусства при возвышение художественности произведения.

Abstract: The article focuses on the artistry of the work. The analyzes of the tazod art are given in several bytes. Describes the author's skill in using this art while enhancing the artistry of the work.

Tayanch s o'zlar: tazod san'ati, she'riy san'atlar, saxovat, baxillik, tavoze', kibr, tilni tiyish, maqol.

Ключевые слова: искусство тазод, искусство стиха, щедрость, жадность, тавозе, гордость, держать язык, пословица.

Key words: tazod art, verse art, generosity, greed, tavose, pride, keeping the silence, proverb.

Ahmad Yugnakiy ijodida badiiy vositalar, she'riy san'atlar alohida o'rin egalaydi. Ming yillik tarixga ega bo'lgan adabiyotimizda badiiyat masalasi hamisha she'r ahlining diqqat markazida turgan. U yoki bu ijodkor salohiyati haqida so'z borganda, uning nimalarni tasvirlagani emas, asosan, qanday tasvirlanganiga e'tibor qaratilgan. Jumladan, adabiy asarlarda she'riy san'atlardan foydalanish mahorati hamma asrlarda badiiy san'atkorlikning asosiy qirralaridan biri sifatida baholangan. U yoki bu shoir ijodiga, u yoki bu badiiy asarga baho berilar ekan, ijodkor ifodalayotgan g'oya o'z aksini topgan ijtimoiy-siyosiy, falsafiy-axloqiy, ma'rifiy-tarbiyaviy muammolar mohiyati va ko'lami, badiiy timsollar jilosi bilan bir vaqtda qo'llangan she'riy san'atlarning rang-barangligi, mantiqiy asoslanishi, asar mazmunini ochishdagi o'rni va ahamiyati kabi masalalarga alohida diqqat qilingan. Adabiyot tarixi yana shundan dalolat beradiki, she'riy san'atlar shoir badiiy salohiyatini ko'z-ko'z etish, uning xilma-xil san'atlardan mohirona foydalanish usullarini namoyish etish emas, balki ijodkor badiiy tafakkur dahosinig ko'lami, yuksak ijtimoiy-axloqiy g'oyalarni jilolantirish san'atkorligi vositasi bo'lib kelgan.

Ahmad Yugnakiyning "Hibat-ul haqoyiq" asarining badiiy jilosini oshirishga xizmat qilgan vosita badiiy tazod san'ati desak, mubolag'a bo'lmaydi. Tazod badiiy san'ati 256 baytdan tarkib topgan ushbu asarning barcha boblarida uchray-

di. Masalan, bir bob “Saxovat va baxillik oqibati haqida” deb atalsa, keyingilari “Tavozelik manfaati, kibr va harislikning zarari t o’g’risida”, “Tilni tiyish va odob-axloq haqida”, “Tavozelikni oshirish va kibrlikni tashlash haqida”, “Axloqning karomati, harislikni tashlash haqida”, “...tikan ekilsa, undan uzum bitmasligi haqida”, “Halolga hisob, haromga azob b o’lishi haqida” deyiladi. Bu adibning o’ziga xos uslubi hisoblanadi. Bu esa muallif istagi yoki xohishiga k o’ra emas, balki asarning umumg’oyasi talab va ehtiyojidan yuzaga kelgan. Chunki Yugnakiy ilm-ma’rifat va uning foydalari xususida mulohaza yuritarkan, masalaning ikkinchi tomoni, ya’ni ilmsizlik, ilm egallashga t o’siq b o’ladigan axloqiy illatlar – jaholat, nodonlik kabilarni ham nazardan chetda qoldirmaydi. Shuning uchun asarda shoir o’quvchiga yetkazmoqchi b o’lgan bir maqsad va tushunchaga “t o’qnash” keladi, biri boshqasining inkori uchun xizmat ettiriladi. Natijada, aynan shu tazod tufayli o’quvchida saxiylikning baxillikdan, t o’g’rilikning egri-likdan, odobning odobsizlikdan qanchalik ustun va ahamiyatli ekanligiga t o’la ishonch hosil etiladi. Albatta, dunyoning yaratilishida o’ziga xos uzviylik va uyg’unlik qonuniyati hukmron b o’lgan. Shuning uchun kundan keyin tunning paydo etilishida hech qanaqa g’ayritabiyylik y o’q. Ammo, ayni paytda, tun kunning “muxolifi”. Negaki kunduz kundagi nur, ravshanlik, fayz va hayotbaxshlik tunda y o’q. Yugnakiy dostonning dastlabki qismlaridayoq tun va kun tazodiga diqqatni tortadi. Lekin u bunda Qur’oniyl qarash va k o’rsatmalarga tayanib, kun singari tunning ham yaratuvchisi Tangri ekanligini ta’kidlaydi:

*Yaratti ug’onim tunung, kunduzung,
O’tub bir-biriga yurur o’ng, s o’nga¹.*

Mazmuni: Tangrim tunni, kunduzni yaratdi, (u) sharqdan g’arbga tomon o’tib, bir-biri bilan almashinib turadi.

*Tunatur tunungni kunung, ketarib,
Tunung ketarib boz yorutur tongga [87].*

Mazmuni: Tuningni kunduzga, kunduzingni tunga o’zgartirib, yana tong ortira beradi. Sirtidan qaralganda, ushbu misralarda tazodning roli y o’qqqa o’xshab k o’rinadi. Aslida esa tundan kunning g’olib chiqishida tazod mavjuddir [64.56].

Adib Ahmad dostonning dastlabki misralarini Allohga bag’ishlar ekan, 3-4 baytda Tangrining birligi va borligini ishonch ila isbotlash ma’nosida tazod san’atini tadbiiq etgan:

*Sening borlig’ingga tanug’luq berur,
Jumat jon(a)vor uchqan yugurgan neng-a [88].*

Mazmuni: Jonli, jonsiz, tabiat, uchadigan va yuradigan narsalar sening borligga guvohlik berur.

¹ Ahmad Yugnakiy. Hibat ul-haqoyiq. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi badiiy nashriyot, 1971. – B.86(Keyingi misollar shu adabiyotdan olinganda beti keltiriladi).

*Sening borlig'ingga dalil arqag'an,
B o'lur bir neng ichra dalillar ming-a [89].*

Mazmuni: Bir narsa ichida sening borlig'ingni isbotlaydigan dalillar minglab topiladi.

Bu baytlarda jonli va jonsiz tabiat, uchadigan va yuradigan "bir narsa"dagi "minglab dalil" tushunchalari tazod namunasidir. Bunda shoir jonli tabiat bilan jonsiz tabiatni, "bir narsa"da minglab dalil uchrashini Ollohning yaratuvchanlik qudrati tarzida talqin qilgan.

Ahmad Yugnakiy tazodni qo'llar ekan, bunda u faqat o'zaro qarama-qarshi ma'noli s o'zlarni misralarga kiritibgina q o'ya qolmay, ularning mana shu misralar zamirida yotgan fikrning z o'r bir kuch bilan qalqib chiqishiga yordam ko'rsatishini ta'minlaydi.

"Hibat ul-haqoyiq" Dod Sipohsolorbek atalmish bir hukmdorga bag'ishlaganligi ma'lum. Shoir shu hukmdorni madh etarkan, jumladan, bunday deydi:

*Raiyatqa mushfiq salimtni halim,
Va lekin busharda shar(r)a arsloniy[35].*

Mazmuni: Raiyatga (xalqqa, dehqonlarga) shafqatli, yaxshi muomalali b o'lib, g'azab qilganda arslon kabitdir.

Demak, Dod Sipohsolorbek, shoirning ta'riflashicha, xalqparvar, shafqatli, va yumshoq tabiatli hukmdor b o'lgan. Shuning bilan bir qatorda, u g'azabkor hamdir. G'azablanganda esa u arslonga o'xshaydi. Gap shoh haqida ketayotganligi uchun bu o'xshatish deyarli hech kimda e'tiroz uyg'otmaydi. Zero, zarur paytda hukmdorning "arslon"ga aylanishini xalqning manfaati uchun xizmat qilishi yoki ommani har turli adolatsizliklardan himoya etish mumkin. Arslon – kuch va darg'azablik timsoli. Shafqat va halim sohibi b o'lmoq –arslonlikka muvofiq kelmaydigan xislat. Dod Sipohsolorbek xarakterida esa mana shu ikki jihat go'yo birlashgan. Masalaga chuqurroq yondashib, uning "salimtin halim"ligi suv deb qaralsa, arslonligi o'tdir. Demak, shoir nazarda tutgan shaxs – murakkab shaxs. Dostonda bu t o'g'rida hech narsa deyilmaydi. Biroq shoir q o'llagan tazod mantig'idan shunday xulosa kelib chiqadi.

Bulardan tashqari "Hibat ul-haqoyiq"da ilm-ma'rifat foydalari xususida mu-lohaza yuritilib, masalaning ikkinchi tomoni, ilmsizlik, ilm egallashga t o'siq b o'ladigan axloqiy illatlar – jaholat, nodonlik, tubanlik kabilarni ham nazardan chetda qoldirmaydi, ilm olishning foydali tomonlari hamda bilimsizlarning darajasi qanday ekanligini quyidagi misralarda shunday ta'kidlaydi:

*Bilik bilti b o'lti eran belgulik,
Biliksiz tirikla yituk k o'rgulik [35].*

Mazmuni: Ilmli kishilarning (nomi) mashhur b o'ldi, bilimsiz (kishilar) esa tiriklayin o'ldi hisob va bu unga k o'rgulikdir.

Ushbu baytda bilimli kishining mashhurligiga zid ravishda bilimsiz kishining tirik – o'lik hisoblanishi tazodning yorqin namunasidir.

*Biliklik biringa biliksiz mingin,
Tengakli tengadi bilikning tengin [35].*

Bilimlikning biri bilimsizning mingiga teng, ilmi kishilar ilmning qadriga yetadi. Ushbu baytda bilimli va bilimsizlarning miqdori jihatidan taqqoslanishi orqali tazod san'ati yuzaga kelgan.

*Bilik birla olim yuqor yo'qladi,
Biliksizlik erni ch o'kar qo'di [37].*

Mazmuni: Bilim bilan olim k o'tarildi, ilmsizlik esa kishini tubanlashtirdi.

Ilm egallash ortidan insonlar hayotda o'z o'rinlarini topadilar. Ilm kishini insonlar orasida martabasini ulug' qiladi, ilmsiz kishi esa noj o'ya harakatlari va noxush amallari bilan tubanlikka botadi.

Asarda saxiylik va baxillikning oqibati haqida ham ibratomuz hikmatlar keltirilgan. Saxiyning ezgu sifatlari hamda baxillikning illatlari xususida shunday deyiladi:

*Axi erni o'ggil o'gar ersa sen,
Baxilga qatig'yo o'qun kizlagil [8].*

Mazmuni: Maqtasang, saxiy kishini maqtagin, baxil kishiga qattiq yoy o'qini saqlab q o'ygin.

Saxovat, Badruddin Ayniyning izohlashicha, "Munosib narsani munosib b o'lganga berish, o'z molidan hech bir evazsiz sarflashdir. Bu chiroyli xulqlarning asosiylaridan biri. Baxillik esa buning aksidir". Darhaqiqat, saxiyni qancha maqtasang oz, u hech bir narsani hech qanday ta'masiz muhtojlarga tutqazadi va shu amali unga tetiklik, zavq bag'ishlaydi. Baxil esa o'zida qancha k o'p b o'lsa ham hech kimga hech narsasini bermaydi, aksincha, o'sha muhtojlardan ham nimadir olishga harakat qiladi. Bunday kimsalarga "qattiq yoy o'qini saqlab qo'yish" kerak. Ushbu mirsalarda ham saxiy va baxil hamda ularning birini maqtash, birini esa yoy o'qiga duchor (haqoratlash) qilish tazod san'atini keltirib chiqargan.

*Eliklarda qutlug' berikli elik,
Olip bermagan el elik qutsizi [39].*

Mazmuni: Qo'llar ichida in'om beruvchisi baxtli qo'ldir, o'zi olib boshqalarga bermagan q o'l q o'llarning qutsizidir.

Xalqimizda "Qo'li ochiqning y o'li ochiq" degan maqol bor. Darhaqiqat, odamlardan hech narsani ayamaydigan kishidan Olloh ham hech narsani ayamaydi, unga doim omad kulib boqadi va baxt hamroh bo'ladi. O'zi olib boshqalarga bermaydigani esa baxtsizdir. Saxiy va baxilning baxtli va baxtsizligi natijasida tazod san'ati yuzaga kelgan.

Xulosa qilib aytadigan b o'lsak, "Har bir narsaning qiymati uning zidi orqali namoyon b o'ladi", degan edilar Rumiylar hazratlari. Darhaqiqat, dostonida aks ettirilgan har bir insonda mujassam b o'lishi kerak b o'lgan fazilatlar adib tomonidan ularning zidi orqali namoyon qilingan hamda bu asarning kitobxonga nisbatan ta'sir kuchini oshirgan.

Ражабова МАЪРИФАТ,

Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

Навоий муаммолари бадийи такомилда Фольклорнинг таъсири

Аннотация: Мақолада А.Навоийнинг "Муфрадот" асаридаги муаммолар хусусида фикр юритилади. Ёзма адабиётда муаммонинг шаклланишида фольклор жанрларининг таъсири масаласи тадқиқ қилинади.

Annotation: The article discusses the problems in Navoi's Mufradod. In the written literature, the question of the influence of folklore genres in the formation of the problem is studied.

Аннотация: В статье ведется рассуждение о жанровых проблемах в произведении "Муфрадот" А. Навои. Исследовано влияния фольклорных жанров на формирование проблемы в художественной письменной литературе.

Калит сўзлар: Ёзма адабиёт, фольклор, "Муфрадот", муаммо, луғз, таърих, ўхшатиш, метафора, истиора.

Key words: written literature, folklore, Mufradod, problems, riddles, analogies, metaphors, allegories.

Ключевые слова: письменная литература, фольклор, "Муфрадот", проблема (муаммо), загадка (луғз), аналогия, метафора, аллегория

Ўтмишда мумтоз адабиёт намоянадалари ижодига баҳо беришда турли талаб ва тамойилларга амал қилингани кузатилади. Дейлик, фавқуллодда гўзал ташбеҳлар билан безанган мисралар, образлар, бадийи санъатлар орқали оригинал тасвирлар яратиш ёки мураккаб жанрларда ижод қилиш қалам аҳлиларининг юксак истеъдодидан дарак берган.

Луғз шоир Алишер Навоий ижодида юксак истеъдод қирраларини намён қилувчи бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Жумладан, шоирнинг давр шеърятида мураккаб саналган муаммо жанридаги бадийят намуналари туркий адабиётда мазкур жанрнинг такомиллашувига хизмат қилган. Мумтоз адабиётимиз дурдоналарида, хусусан, А. Навоий ижодида инсон тафаккурини чархлаш асосига қурилган жанрлар мавжуд. Луғз, муаммо, таърих, мувашшаҳ кабилар ана шундай мақсадни кўзда тутовчи жанрлар ҳисобланади.

Муаммо жанри дастлаб араб адабиётида шакллланган. Унинг шаклланишига VIII-IX асрлар араб шоирлари шеърятнинг бадииятига кўпроқ эътибор қаратганликлари туртки берган. Ана шундай таъсирлар натижасида дастлаб шеърий санъатлар даражасида намоён бўлиб турган муаммо кейинчалик алоҳида жанр даражасига кўтарилган¹.

Маълумки, муаммо арабча “қўр қилинган”, “яширинган” маъноларини билдирувчи сўз. Баъзан икки байтдан иборат мустақил шеър тури ҳисобланади. А.Навоий муаммо жанрининг қонун-қоидаларини баён қилувчи “Муфрадот” (“Рисолаи муаммо”) асарини яратди. Асарда муаммонинг жанрий хусусиятлари, ечиш амаллари ва йўллари ҳақида маълумот берилган.

Навоийнинг туркийдаги муаммолари 52 та бўлиб, «Наводир уш-шабоб»га киритилган. Навоий форс тилида 500 га яқин муаммо ёзган бўлса-да, шулардан 373 таси бизгача етиб келган².

Таъкидлаш керакки, ёзма адабиёт жанрларининг шаклланишида фольклор жанрлари асос бўлиб хизмат қилган. Жумладан, луғз ва муаммо, таърих жанрларининг шаклланишида топишмоқнинг таъсирини сезиш қийин эмас.

Топишмоқ – ўзбек фольклорининг қадимий жанрларидан бири. «Девону луғотит турк» асарида топишмоқ термини «табузуғ» атамаси билан аталган. Асарда мазкур термин «табузуғ табуздим», яъни «Мен ундан бир топишмоқни сўрадим» бирикмаси таркибида қўлланган³. Аёнлашадики, топишмоқ айтиш анъанаси XI асрлардаёқ шаклланиб улгурган.

Топишмоқ, луғз, муаммо терминларининг луғавий маъноларидаги яқинлик мазкур жанрларнинг бир-бирига таъсирини кўрсатиб туради. Илмий асарларда “топишмоқ” термини “топ” буйруқ феълига “иш” ҳаракат ҳосил қилувчи шакл ва “моқ” қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлган деб кўрсатилади. Яъни “топишмоқ конкрет предметни унинг келиб чиқиши, вазифаси ва ҳаёт диалектикасида билиб олиб, ифода этади”⁴.

“Луғз” арабча сўз бўлиб, топишмоқ, сир деган маъноларни билдиради. А. Навоий “Қомусий луғати”ида унга шундай таъриф берилади: “Бирор предмет ёки ҳодисанинг характер ва белгиларини таърифу тавсиф этиш орқали китобхонни ўша предмет ёки ҳодисани топишга ундайдиган шеър тури”⁵.

Муаммо» сўзи «яширинган» деган маънони билдиради. Алишер Навоийнинг “Муфрадот” асарида муаммога қуйидагича таъриф берилади: “Муаммо каломест мавзун, ки ҳуруфи исме аз вай ҳосил шавад ба ҳамон тартиб, ки дар исм аст”, яъни муаммо маълум исмдаги ҳарфларнинг тартиб билан ҳосил бўлиши ҳақидаги мавзун бир каломдир. Иқтибосдаги “мавзун калом” бирикмаси шеър маъносида қўлланган. “Чунонки табъи мавзун

¹ Жўраев Ж.О. Форсий адабиётдаги илк муаммонавис шоирлар ижодига доир // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2017/1 (65). – Б.108.

² Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.4.

³ Махмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. Т.1. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.429.

⁴ Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1967. – Б.225.

⁵ Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2016. – Б.266.

салим хусулашро қабул намояд, зеҳни мустақим ба сихаташ ҳукм фармо-яд”, яъни токи мавзун – шеърӣй таъбли киши унинг ҳосил бўлишини қа-бул қилсин, соғлом зеҳн эса уни тўғри деб ҳукм қилсин.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ҳар учала жанрда ин-сон тафаккурининг кучи синалади. Агар топишмоқ ва луғзда бирор пред-мет номи яширилса, муаммода бирор сўз, кўпинча, атоқли отнинг ҳарфла-ри яширинади ва унга ишора қилинади. Байтда “яширинган” сўз муайян ҳарфлардан келтириб чиқарилади ва муаммо ечилади. Кўринадики, то-пишмоқ жанрига хос бўлган “яширинган” предмет номини топиш функци-яси луғз ва муаммо жанрига кўчирилган. Демак, луғз ва муаммода топиш-моқнинг “вазифаси” ўзлаштирилган.

Топишмоқ фольклорда кичик жанр саналади. Навоий муаммолари ҳам деярли бир байтли саналади. Кичик ҳажмда бирор номни яшириш, шу орқали бадий-эстетик завқ уйғотиш, албатта, ижодкорнинг бадий маҳо-ратини намоён қилувчи жиҳат ҳисобланади. Шу билан бирга муаммони ечиш билим ва зукколикни, ҳозиржавобликни талаб қилади. Албатта, бун-дай талаблар топишмоқ ва луғз жанрлари учун ҳам хос.

Бироқ муаммо жанрининг топишмоқ ва луғз жанрларидан фарқ қи-лувчи ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Яъни муаммо ҳалл – ечим илми ва тизимига эга жанрдир. Муаммо назариясига оид адабиётларда кўрсати-лишича, ҳалл қондалари дастлаб уч қисмга бўлинади. Аъмоли тасҳилий (осонлаштириш аммаллари), аъмоли таҳсилий (ҳосил қилиш амаллари) ва аъмоли тақмилий (мукаммаллаштириш амаллари).

А. Навоийнинг “Муфрадот” асаридан олинган қуйидаги муаммога эъти-бор қаратайлик:

*Ҷониби ҳўру сўи Кавсару Фирдавс мапўй,
Рўҳи он моҳу лаби лаълу сари кўяш чўй¹.*

Таржимаси: Хур, Кавсар, Фирдавс томонига бориб юрма,

Ул ойнинг юзини, лаъл лабини ва кўчасининг бошини изла.

Муаммо қўйидагича ҳал қилинади: Ойнинг юзи ماه – “моҳ”дан م ҳарфи, عل – «лаъл»нинг лаби ل ҳарфи ва “кўча кўй” нинг ك “о” боши ك ҳарфлари қў-шилса, مك – Малик исми ҳосил бўлади.

Маълумки, топишмоқ жанрида бир-бирига ўхшаш нарса-ҳодисалар, жонли ва жонсиз мавжудодлар қиёсланади. Бунда ўхшатиш санъати асос бўлиб хизмат қилади. Масалан,

*Тоғдан келар тошлар каби,
Эгарланган отлар каби (сув).*

Ёки

Бели қилдек, боши хумдек (чумоли).

Мазкур топишмоқнинг жавоби (сув) тоғдан келаётган тошларга ва эгарланган отга, чумолининг бели қилга, боши хумга ўхшатишдан Дикқат

¹ Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ.ХХ жилд.– Тошкент: Фан, 2003. – Б.370.

қилинса, айнан ўхшатишлар топишмоқнинг жавобини топишга ёрдам беради.

Юқорида келтирилган муаммода ҳам бадий тасвирий восита – лафф ва нашр санъати муаммонинг ечими учун хизмат қилган. Мазкур санъат ўхшатишга асосланган санъат ҳисобланади. “Йиғиш ва ёйиш” маъносини ифодаловчи ушбу санъат шеър байтида аввал бир неча нарса ёки тушунча номини кетма-кет келтириб, кейин улар ҳақидаги ҳукмларни кетма-кет баён қилишни назарда тутлади. Шу жиҳатдан қараганда лафф ва нашрни аксар ҳолларда яширин ташбеҳ деб аташ мумкин¹.

Мумтоз шеърятимизда кўп ҳолларда лафф биринчи, нашр эса иккинчи мисрада келтирилади. Бироқ бу тартибнинг ўзгарган шакли ҳам оз бўлса-да учраб туради. Лафф ва нашрнинг ўзгарган тартиби юқорида келтирилган муаммода кўзга ташлади.

Иккинчи мисрадаги Ул ойнинг “юзи”, “лаъл лаби” “кўчаси” нашр бўлиб, улар “хур”, “кавсар”, “Фирдавс”га ўхшатишган.

Демак, топишмоқларда ҳам, муаммо жанрида ҳам бадий тасвирий восита орқали масалага ойдинлик киритилган. Ҳар иккала жанрда ҳам тасвирий воситалар қиёс учун хизмат қилган.

*Булбул аз ғунча рў нухуфту парид,
То даҳони ту ғунчасон хандид².*

Таржимаси:

*Сенинг оғзинг ғунчадек қулганда,
Булбул ғунчадан юзини яширди-ю учди.*

Муаммо жанрида лафздан бирор ҳарфини ёки кўпроқ ҳарфини камай-тириш исқот деб аталади ва шу орқали исм топилади. Келтирилган муаммода ҳам ташбеҳ ҳосил қилган сўз муаммонинг ечими учун хизмат қилган.

«Ғунча» (غنچه) сўзининг олдинги ва охириги ҳарфлари غ ва ه ҳарфлари исқот қилинса, نچ қолади. Ундан булбул учиб кетса, ن چ қолади. Энди ёрнинг оғзи ғунча каби қулса, منجم Нажм исми ҳосил бўлади.

Мазкур муаммода ҳам худди топишмоқлардаги сингари қиёс, яъни ўхшатиш асос бўлиб хизмат қилган. Ёрнинг оғзи ғунчага қиёсланган. Ғунча сўзи таркибидаги چ ҳарфидаги нуқталарининг камайиши уни چ га айланишига сабаб бўлган. چ ҳарфининг нуқталари учиб кетиши бубулнинг учиб кетишига ўхшатишган.

Маълумки, халқ топишмоқларининг бадииятини таъминлашда ташбеҳ, истиора, метафора, муболаға, тазод каби санъатлар қўлланилган. Халқ топишмоқларидаги бу хусусият муаммо жанрида ҳам кузатилади.

*Ҳар кеча қўнглум ғаминг тоғида фарёд айлағай,
Ўйлаким, фарёд фарёдини Фарҳод айлағай³.*

¹ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1999. – Б.43.

² Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ. XX жилд. – Тошкент: Фан, 2003. – Б.3880.

³ Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.519.

Муаммонинг ечилиш усули куйидагича: “Фарҳод” исми тансис амали билан зоҳир қилинган. Тансис – “очиқ қилмоқ” деган маънони англатади. Шунингдек, бу исм “фарёд” (фарйод)нинг “йод” жузвини “ҳод”га табдил қилиш билан ҳам ҳосил қилиниши мумкин. Табдил шундан иборатки, ҳосил бўлган баъзи ҳарфларни уларнинг шаклига қарамасдан, бошқа ҳарфларга ўзгартирилади.

Муаммода қўлланилган ҳар бир сўз ва бадий санъат унинг мантиқий мазмун яхлитлигига хизмат қилган. Байтда метафорадан ташқари муболаға, аллелерация (бир хил ундошнинг такрорланиши)нинг қўлланиши халқ топишмоқларида ҳам кўп кузатиладиган ҳолат саналади.

Халқ топишмоқларида қофия санъатининг мураккаб тури – тарсеънинг қўлланиши ҳам кузатилади. Бу санъат топишмоқларда оҳангдошликни ҳосил қилиши билан бирга уларни ёдда сақланишини осонлаштиради. А. Навоий муаммоларида ҳам тарсеъ санъатидан маҳорат билан фойдаланилган.

*Ҳам қоши била орази хуш эрур,
Ҳам кўзи била қади дилкаш эрур¹.*

Муаммони ечишда “кўзи”, “қади”, “дилкаш” калималари иштирок қилган. Муаммо ечимида иштирок этадиган сўзни бошқа бир сўз билан алмаштирилса, бундай сўз “муродиф” деб аталади. “Кўзи”нинг муродифи “айн”. “Қад”дан мурод “алиф” ҳарфи. Бу икки ҳарф таркиб топса “о” бўлади ва улар “дилкаш” калимасидаги “дил”ни ўзларига тортсалар, “Одил” ҳосил бўлур.

Халқ оғзаки ижоди жанрига хос хусусиятлардан бири вариантлиликдир. Яъни бир нарса – предмет ҳақида бир неча топишмоқлар юзага келиши мумкин. Агар А. Навоий муаммоларини кузатсак, бир хил ном яширинган бир неча муаммолари борлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Муфрадот” асарида келтирилган 1, 2 муаммоларида Одам; 3, 4 муаммода Амин; 7, 92, 121 муаммоларда Малик исмлари яширинган. Бу жиҳати ҳам фольклор ва ёзма адабиёт жанрларининг бир-бирига таъсирини кўрсатиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, халқ топишмоқларидаги “Ўйла, изла, топ” таъмоийли муаммо жанрининг ҳам етакчи хусусияти саналади. Ҳар иккала жанр ҳам инсонни ўйлашга, нарса ва ҳодисаларни қиёслашга ундайди. Шу орқали инсоннинг борлиқни билишига, фикр қилишига ёрдам беради.

¹ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.518.

Раҳмонова ЗУЛАЙҲО,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
(Ўзбекистон)

ИРФОНИЙ АДАБИЁТДА “ЎЛМАСДАН БУРУН ЎЛИНГ” ҲАДИСИ ТАЛҚИНИ

Руҳ тарбиясида муршид муриднинг қалбига сингдирадиган қудсий ҳадислардан яна бири – “*Муту қобла ан тамуту*”, яъни “*Ўлмасдан бурун ўлинг*”¹дир. Тасаввуф манбаларида ҳам, ирфоний-бадий адабиётда ҳам, сўфиёна шеърятда ҳам тез-тез ёдга олинувчи мазкур ҳадиснинг шарҳу изоҳисиз тасаввуф моҳиятини, муршид-мурид муносабатини англаш мушкул. Ушбу ҳадис аксарият ғарб, баъзан шарқ олимларида ҳам муршид ўлимга тайёрловчи, мурид иродасини ўлдирувчи маъноларида янглиш тушунилган ва ғалат изоҳланган. Бироқ тасаввуфда муршид муридига ҳаммиша эслатувчи биргина ўлим бор – бу нафс ўлиmidир. Халқ оғзаки ижоди, илк туркий маърифий дoston “Қутадғу билиг”дан бошлаб, ҳанузгача чинакам адабиёт инсониятга дунёнинг имтиҳон эканлиги, олдинда боқий бир ҳаёт борлигидан огоҳ этади. Муридга дунёнинг ўткинчилиги – Фано ва охират абадийлиги – Бақони англатувчи ва уни Абадиятга чорловчи муршиддир. Шу маънода адабиёт ҳам бир мураббийдир:

*Эй дўстлар, нафс илқидин бўлмайин хор,
Мосиваллоҳ ҳавосидин бўлуб безор,
Қул Убайдий насиҳати будур, зинҳор,
Охиратнинг ишин мунда қилинг, дўстлар.*

Охират озиғи эса кўз очиб юмгунча ўтадиган ва ҳеч қачон қайта берилмайдиган мана шу ҳаётда йиғилади. Адабиёт ҳам фаноликни тилга олар экан, инсониятни ғафлат уйқусидан уйғотишга такрор-такрор интилаворади. “Қутадғу билиг” достонида шуларни ўқиймиз:

*Ўлим боқ кўкси тоғ эрларни топди,
Ерга тиқиб устин тупроқ-ла ёпди.
Кўзи тўқ донишманд не деган, бир боқ,
Бойлик ибтидоси – нафсни ўлдирмоқ².*

Ҳаётда энг муҳими – мана шу. “Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур... (Нисо.4/78)” хитобини англамоқ учун аждодлардан ибрат ола билиш керак. Зеро, пайғамбарлар, Аллоҳга муқарраб валий зотлар ҳам ўлим билан юзлашдилар.

¹Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Ҳадис ва талқин маҳорати // Алишер Навоий ва XXI аср мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: Mashhur-Press, 2020. – Б. 235–238.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 426.

Буларни хотирда тутиб, ўлимни англаб, нафс риёзатини қаттиқ тутиш ўлим ваҳимасига тушиш дегани эмас. Аксинча, пири комил муридига абадий ҳаёт борлигини мушоҳада этиб, хотиржамлик туйиш ва унга муносиб тайёргарлик кўриш учун бир он аввал бел боғлаш кераклигини уқтиради.

Тариқат бир робита, яъни боғланишдир. Мурид, аввало, шайх, сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.), охири Аллоҳ ила робитада бўлади. Бироқ аксарият тариқатларда илк робита *Робитаи мавт*, яъни *Ўлим робитасидир*. Робитаи мавт нафс тарбиясида иккиланишлар гирдобиди қолган ўй-фикрларга қатъийлик, йўл машаққатида зериккан, чарчаган ҳисларга қуввату қанот бўлади. Тасаввуфда муридид назоратида кечадиган бу робита ҳақида ҳатто алоҳида рисолалар яратилган.

Мумтоз адабиётнинг асосий ғояларидан бўлган – нафсни таниш ва унга қарши курашиш “Кутадғу билиг”да ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган. Достондаги донишманд Зоҳид нафсга қул бўлмаслик, ҳамиша ақл-идрок билан иш кўриш, адолатли ва инсофли бўлиш ва ҳоказо қарашларни илгари суради. Аммо унинг эзгуликка ундовчи кўрсатмаларида барини боғлаб турувчи бир ҳалқа мавжуд. Бу – ўлим моҳиятини тўғри англаш ҳикмати. Бу қараш кейинчалик туркий адабиётда муҳим ўрин эгаллади. Аҳмад Яссавий ҳам:

*Қул Хожя Аҳмад дийдор учун жондин кечиб,
“Муту қобла ан тамуту” ўқуб, эриб,
Ҳақ Мустафо ҳадисини маҳкам тутиб,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?!
Андин сўнгра бир мақомга еткурдилар,
Нафсу ҳаво иккисини ўлдирдилар,
Ўлиб эрдим қайта бошдин тиргуздилар,
“Тирик юриб ўл!” – дедилар, ўлмайинму¹?! –*

деган эди. Мазкур ҳикматдан маълум бўлмоқдаки, муриднинг талаби дийдор. Висолга эришиш учун эса Пайғамбар (с.а.в.)нинг юқорида келтирилган ҳадисига биноан нафсга қарши жанг қилмоқ керак. Уни ёмонликлардан қутқазиб, тозалikka олиб чиқиш лозим. Бу эса зоҳир кўзини юмиб, ботин кўзини очиш, нафсу ҳавони ўлдириб, руҳи сафони тиргизишдир. Аҳмад Яссавий ҳазратлари таърифлаган мазкур мақом Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “ёри ғор”га нисбатан айтган баҳоларини ёдга солади: “Ким тириклар орасидаги ўликни кўрмоқ истаса, Абу Бакрга қарасин. Унинг вужуди тирик, нафси ўликдир”². Аслида шу мақомга соҳибларгина муридид бўла олади:

*Қаю қулнинг сири бўлса Ҳаққа аён,
Бевосита қилур ани шайхи замон,
Сухбатидан баҳра олур халқи жаҳон,
Билинг они ўлмас бурун ўлгон киши³, –*

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 195.

² Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – Б. 47.

³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 233.

дейлади “Девони Ҳикмат”да. Тариқат асосчиси сифатида Аҳмад Яссавий “Ким муршид бўла олади?” – саволига қисқа ва лўнда қилиб “Ўлмасдан бурун ўлган киши”, – дея жавоб беради. Яссавий ҳикматидаги фикрнинг илмий асосини “Мифтоҳ ул-қулуб”да ўқиймиз: “Нафси марзия мақомидаги зот Аллоҳнинг хос аскардир. У ё иршод вазифасини бажаради ёки мамлакатларни бошқаради. Комил саналган Аллоҳнинг валий қулларидан барчаси нафси марзия мақомидадир. Унинг кўзлари ухлар, қалби ухлмас. У ҳар доим, ҳар ҳолда уйғоқ. Ҳар он, ҳар нафасда мушоҳада этар ва сўзлашар. Мушоҳада мартабаси фано ичинда бақодир. “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси шарифига мазҳар бўлиб, Адам оламида фанога эришган”¹.

Дарҳақиқат, муршид алал оқибатда комила нафсга эришган шахсдир. Нафснинг таҳликали йўлларини Ҳақ мададида босиб ўтган валий зотдир. Вужуд эҳтиёжларини тариқат ўлдир, демайди, балки унинг тириклик эҳтиёжи ҳамиша назарда тугилади. Чунки у ўзининг ҳалол, шаръий ҳақини олмаса, исён қилади, хасталанади, бу, табиийки, руҳга таъсир ўтказади. Бундай “ҳақсизлик” оқибатлари ҳақида Имом Ғаззолий шундай деган эди: “... Ушбу хато мужоҳададан кўзланган мақсад ушбу (ҳайвоний) сифатларнинг барчасини йўқ қилиб юборишдир”, – деган тоифадан содир бўлган. Асло тўғри эмас! Зотан, шаҳват ҳам фойда учун яратилган. У асл табиатдаги заруратдир. Агар таом шаҳвати кесилса, одам ҳалок бўлади. Агар жинсий шаҳват кесилса, насл кесилади. Агар ғазаб бутунлай йўқолса, инсон ўзини ҳалок этувчи нарсадан ҳимоя эта олмайди ва ҳалок бўлади... Бу борада талаб қилинган нарса уларни бутунлай супуриб ташлаш, йўқотиб юбориш эмас. Балки уларни мўътадил равишда тутиб туришдир”². Демак, мўътадиллик, аввало, шариятга мувофиқ равишда вужуднинг ҳақини бериш ҳисобланади. Мана шу нуқтада ғарб ва шарқ, тасаввуф ва бошқа диний-илоҳий таълимотларнинг фарқи юзага чиқади. Тариқатда руҳ истакларига берилиб, вужудни хорлаш, уни шаръий ҳаққидан мосуво қилиш йўқ. Бу мақом эгалари учун ўлим – “марҳум”нинг ҳаётни янги бир масканда давом эттиришидир. Шу боис халқ дostonларида, маноқиб ва тазкираларда Ҳақ йўлчиларининг қабристонда тунаб қолишлари, қабр аҳли билан ҳам бемалол мулоқотга киришишлари ўлимни интиҳо деб билмасликларидан далолат беради.

Ўлим билан кўрқитиш иблиси лаиннинг сигналган ҳийлаларидандир. Унинг илқалдови, биринчи тузоғи Одам атога нисбатан бўлди. Шайтон Момо Ҳавони абадий ҳаёт орзуси билан йўлдан оздирди. Авлодларга оталарининг азалий душманини танитиш мақсадида Рабғузий ҳам бу воқеани келтиради: “Ҳеч билурмисен, бу буғдой йиғочиндин сизни Тенгри не учун йиғди?” Ҳаво айди: “Билмазман”. Иблис айди: “Анинг учун йиғди ким ул йиғочдин еса ужмоҳда мангу қолур, ўлум кўрмаз тақи ужмоҳ мулкиндин арзилмас теб... ((Эй Одам), сенга мевасини еса абадий боқий қоладурган дарахтни ва фоний бўлмайдурган подшоҳликни кўрсатайми?)”³. Шайтон ҳийла-ю найранглари яхши англаган комил муршид бу фожиани Одам ўғлига эслатади, уни

¹ Muhammed Nuri Юemseddin Накюibendi. Miftah’ul Kulub. Ёstanbul. Huzur yayъnevi, – S.149.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Хислатли хикматлар шарҳи. 4-жуз. Тошкент. “Hilol-nashr”, 2015. – Б. 373.

³ Рабғузий Н. Қиссаси Рабғузий. Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 24.

такрор макр тузоғига тушишдан огоҳ этади. “... Ҳар бир жон ўлимни тотажак-дир” оятига кўра, бу ҳодиса, албатта, муқаррар эканлигини уқтиради, фақат унга имон саломатлиги билан тик қарай олиш жасоратини пайдо қилади. Иблисга қуллик фожиасининг хўрликларини азобларини танитади.

Алишер Навоий асарларида ҳам “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси бир неча бора қўлланилади. Навоийнинг лирик баёнидаги рамз, ишоратлар шоирнинг ҳоли каби сирли ва юксак. “Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос” матлали ғазалида:

*Десанг бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур,
Ки ишқ шаръида гўё бу нав келди қисас¹, –*

дейди. Фано ҳаримиға лойиқ мавтга эришмоқ учун аввал нафсни ислоҳ қилиш кераклиги барча мутасаввифлар томонидан айтилган ҳақиқат. Лекин Навоийнинг фикрича, нафсни енгиш – Ишқ шариатининг ҳукмидир. Нафсни енгиш, ундан мардона воз кечиш ва бу айрилиқдан ҳузур топиш шу қадар машаққатли риёзат бўлмаганда “Жиҳоди акбар” дея аталмасди. Нафс ўлимига рози бўлиш, уни ҳузур ила қаршилаш учун ирфон ва ишқ зарур. Инсонда ўзини ва Яратувчини таниш қанчалар кенг бўлса, унинг аҳдига сидқу садоқати, Холиқиға муҳаббати шу қадар юқори бўлади. Унда севгилисининг амри фармониға ризоликдан ўзга нарса қолмайди. Фақат Боқий зотга бўлган муҳаббатгина ўлмасдан бурун ўлиш мақомиға кўтаралади. Аҳли дил “Аллоҳға элтувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб” эканлиги, ҳар бир жоннинг Ҳаққа борувчи ўз йўли борлигини эътироф этишса-да, уларни уч турда бирлаштиришган. Илк – намоз, рўза, Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар бирламчи ҳисобланган йўл – Тариқи ахёрдир. Бу солиҳ амаллар наинки фарз, вожиб, суннат, балки нафл даражасида бўлиб, Фузайл ибн Аёз таъкидлаганидек: “Эй мўъмин! Узоқ вақтдан кейин Ҳаққа етишмоқ қадим уммат ва миллатларга хос бир ҳол эрур, улар уч юз, тўрт юз йиллик умрларини бу йўлга сарф этган ва ғояларига эришган эдилар. Бу вақт мобайнида уларнинг вужудлари ибодат туфайли ўқдек нозиклашиб, ёйга ўхшаб букиларди. Қолбуки, бизга бундай узоқ умр насиб этмаган. Демак, қисқа муддатда вуслатга етишиш лозим. Бу эса қобилият ва сиёсатли муршидга боғлиқ нарсадир. Ушбу икки шарт бажарилгач, Ҳаққа етишмоқ учун камон янглиғ эгилишга ҳожат қолмайди”. Иккинчиси – асосий эътиборни гўзал ахлоққа эга бўлиш, нафсни тазкия, қалбни тасфия, руҳни поклаш, яъни ботинни обод этишга қаратувчи мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли – Тариқи абрордир. Ва ниҳоят, йўлларнинг мумтози, ойдини, яқини саналган ишқ, жазба, муҳаббат соҳибларининг йўли – Тариқи шуттор эрур. Биринчи ва иккинчи йўл вакилларининг озчилиги манзилга юриб етсалар, шуттор аҳли кўплари йўл охирига етувчи, учиб борувчилардир². Нажмид-

¹ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 271.

² Изох: Етук таржимон И.Ҳаққул ва куброшунос А.Бектошлар таржимасида нашр эттирилган “Усул ал-ашара”да айни шу масалалардан баҳс юритилади (қаранг: Ўша асар. 32-80-бетлар). Ахёр, аброр йўлчилари кўп йиллар сарфлаб, жуда озчилиги сўнг манзилга етсалар-да, бу йўл ахллари тарикатда ўз ўрни, аҳамиятига эга. Улар ахёр ва аброр лафзи сифатида Ҳақ йўлчиларини билдиришган ва

дин Кубронинг “Усул ал-ашара” рисоласига “Рисола дар баёни тариқати шуттор” номи билан шарҳ ёзган Абдулҗофур Лорий: “Мақсади ақсо – энг сўнгги мақсад ҳамда давомли тарзда тараққий ҳолида бўлганлиги сабабли шуттор йўлидаги сайр асло охирига етмас. Ахёр ва аброр тариқидаги сайр эса мавти табиий билан тўхтади... Ишқ аҳли мавти ихтиёрий, иродий ўлим соҳибларидир”¹, – дейди. Шуттория тариқати тамал қоидаларини ўн асосга жамлаган Нажмиддин Кубро ва издошлари нафс ўлимини шундай изоҳлаган эди: “Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар: “Ўлмасдан бурун ўлинг”, – дея марҳамат қилган эдилар”. Бу ўн усул: *тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мууроқаб, ризо* тариқатларда баъзи фарқлар билангина келади. Масалан, Навоий ижодига назар ташласак, “Маҳбуб ул-қулуб” да ҳамида ахлоққа эришишнинг ўн усулида Узлат ва Мууроқаб ўрнида Тавозеъ ва Ишқни санайди². Сўфиёна адабиётдаги образлар олами, кечинмалар ранг-баранглиги мана шу мақом соҳибларининг ҳоллари билан бевосита боғлиқ. Мазкур ҳолларни ўзида жамлаган ўн усулни тўғри талқин ва таҳлил этиш “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси моҳиятини чуқур англашдир. Солиҳ бандаларнинг ўлим кўрқувини англаш учун Иброҳим (ас)нинг Азроил (ас) билан мулоқоти моҳиятини тушуниш лозим. “Қачон Азроил жон олғалу келди эрса Иброҳим айди: “Тақи вақт бўлмиш йўқ”. Азроил айди: “Вақт бўлмас эрди, манга ёрлиғ келмагай эрди”. Хитоб келди: “Эй Иброҳим, ул соқол урунглиги ўлму элчиси турур”. Иброҳимдин бурун ким эрсанинг соқолинга урунг кириш йўқ эрди. Иброҳим ани билди эрса айди: “Эй Азроил, Хал ра’айти халилан йақбазу руҳа халилихи: Маъниси ул бўлур: Дўст дўстнинг жонин олурму, бўлур”. Ул ҳолда Жаброил келди, айди: “Мавло таоло хитоб қилур: Дўст дўстга уланмоқни унамазму бўлур?”. Иброҳим айди: “Андоғ эрса жоним олғил”³. Маълум бўлдики, мумтоз адабиётда, айниқса, тасаввуф адабиётида жисмоний ўлим фожиасидан эмас, ҳою ҳавас, нафсу ҳавонинг ўлимидан баҳс юритилган. Комил мурид муридани имтиҳон аталган, “халифалик” синови бўлган фоний дунёдан Боқий ҳаёт эшигига йўллайди. Инсон Дўстга боғланишини билгандагина жон таслим этишга рози бўлади. Хуллас, инсон ирфон ила ўлим хотима эмаслигини англайди, ишқ ила унга таслим бўлади.

тасаввуф лугатларида алоҳида эътироф этилган. С.Улудоғ ахёрга шундай таъриф беради: “Хайрсевар ахёр уч авлиё гуруҳининг бири: Абдол Шомда, Нужабо Яманда, Ахёр Ироқда бўлади... Нукабо 300, Нужабо 70, Абдол 40, Ахёр 7, Амад 4, Ғавс 1 донадир” (қаранг: Uludag S. Tasavvuf terimleri suzlygy. Ўстанбул: Marifet yuaynlar, 1995, S. 34). Аброрлар “Иннал аброро яшробуна мин каасин каана миза ажухаа қаафуроон, яъни Албатта, яхшилар (жаннатда) мизожки кофур бўлмиш қадахдан (май) ичурлар (Инсон: 76/5)” оятида келган бахтли инсонлардир. Аброр аҳли мужодаласи, машаққатли риёзатини англамоқ учун Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” достони сюжет чизигини бирлаштириб турувчи яхши кишилар – аброрлар образини таҳлил ва талқин қилиш лозим. Достондаги ҳар бир боб, мақолот ва ҳикоятлар аброрларнинг бир фазилатидир. Уларнинг бари жамланса, комил аброр образи дунёга келади.

¹ Necmiddin Kubro. Tasavvufta on esas. Ўстанбул. Ўнсан уауэнлар, 2010, – S.89.

² Бу ҳақда кенгрок маълумот учун қаранг: З.Раҳмонова “Маҳбуб ул-қулуб” да иршод талқини” // ЎТА. 2019 йил 1-сон. – Б.101-106.

³ Рабзузий. Қисаси Рабзузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.86.

ALISHER NAVOIYNING "LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI NA'T BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI

Annotatsiya: Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" dostonidagi na't bobi nashrlari tahlilga olindi. Tahlilda 1965, 1990, 1992, 2011, 2013-yillardagi nashrlar qiyoslanib chiqildi.

Annotation: Alisher Navoi's epic poem "Laili and Majnun" na't chapter was analyzed. The analysis compares publications from 1965, 1990, 1992, 2011, and 2013.

Аннотация: Были проанализированы редакции эпоса Алишера Навои «Лейли и Меджнун», в ходе анализа были сопоставлены издания 1965, 1990, 2011 и 2013 годов.

Kalit so'z: Layli va Majnun, Alisher Navoiy, na't, nashr, qiyosiy tahlil, payg'ambar.

Keywords: Laili and Majnun, Alisher Navoi, na't, edition, comparative analysis, prophet

Ключевые слова: Лейли и Меджнун, Алишер Навои, (нац na't сузи борку таржимаси чикмади), издание, сравнительный анализ, пророк.

Mustaqilligimizning ilk kunlaridanoq Birinchi Prezidentimiz tashabbuslari bilan noshirlik ishi, matbuot va ommaviy axborotning boshqa vositalarini tubdan isloh etishga alohida e'tibor qaratilgan edi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev yaratgan imkoniyatlar tufayli mamlakatimizda kitobchilik, matbuot barqaror rivojlanish yo'liga o'tdi.

Hozirgi globalashuv davrida Navoiy asarlariga bo'lgan ehtiyoj tobora ortib bormoqda. Ana shu ehtiyoj tufayli shoir asarlarining yangi tabdil variantidagi nusxalari nashr etilmoqda. Nashriy variantlarni ko'zdan kechirsak, tafovutli o'rinlar k o'zga tashlanadi. Farqlarni taqqoslab, asarni muallif qalamiga yaqin variant kabi nashr ettirish matnshunoslar zimmasidagi mas'uliyatli vazifadir.

Demak, nashriy tafovutlarni aniqlash va bartaraf etish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Ana shu nuqtayi nazardan Alisher Navoiy "Xamsa" dostoni tarkibidagi "Layli va Majnun" dostoni na't bobining nashriy tafovutlarini imkon qadar aniqlashga harakat qildik.

"Layli va Majnun" Alisher Navoiyning "Xamsa"si tarkibidagi uchinchi doston hisoblanadi. Shoir ushbu dostonni yozishda boshqa xamsanavis shoirlarning an'analari davom ettirgan holda, g'oya va fikrlarini ham ustozlarining izidan borib, faqat ulardan farqli o'laroq turkiy tilda yaratganini yozib qoldirgan. «Layli va Majnun» dostonining bir qancha q o'lyozma va toshbosma nusxalari yetib kelgan. Shulardan biri 1829-1830-yillarda Muhammad Rajab ibn Abduvali tomonidan ko'chirib yozilgan nusxadir. "Layli va Majnun" dostonining ilmiy-tanqidiy matni P.Shamsiyev tomonidan tuzilgan. Ushbu matn asosida doston bir necha marotaba nashrga tayyorlangan. Asar "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida nashr etilgan kitobda, Mukammal asarlar to'plamining to'qqizinchi tomidan,

To'la asarlar to'plamining esa yettinchi jildidan o'rin olgan. Nashriy tafovutlarni aniqlash maqsadida Navoiyning "Layli va Majnun" dostoni "na't" bobining 1965, 1990, 1992, 2011, 2013 - yillarda nashrdan chiqqan kitoblari tahlilga tortildi. Quyidagi tafovutlarni qayd etish mumkin:

*Bukim sanga charx xoki rahdur,
Me'roj tuni munga guvahdur.*

Ya'ni:

*Bukim sanga dunyo xoki rahdir,
Bunga me'roj tuni guvohdir¹.*

Ushbu bobda Navoiy Muhammad (s.a.v.) madhiga o'tadi. Shoir Muhammad payg'ambar islom dinining asoschisi, Ollohning yerdagi rasuli ekanligi, anbi-yolarning oxiriligiga urg'u berib, uning har bir so'zi musulmonlarga ham qarz, ham farz ekanini ta'kidlab o'tgan. Bundan tashqari shoir Mir Alisher payg'ambarimiz kun o'rtasidagi jazirama quyosh kabi hammani mehri bilan ilitishining ta'rifini mohirona tarzda bayon etgan. Va bunga me'roj tuni guvoh ekanini qayd etgan. Aynan shu misralar "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida nashr etilgan kitob(1990-yil)da, hamda To'la asarlar to'plamining yettinchi jildida quyidagicha keltirilgan:

*Bukim sanga charx xok rahdur,
Me'roj tuni munga guvahdur.*

Navoiy buyuk ijodkor sifatida payg'ambarimiz sifatlarini juda mohirlik bilan ta'riflaydi. Yuqorida keltirilgan misralarda "xok", hamda "xoki" so'zlari nashrlar o'rtasida farqlarni yuzaga keltirgan. Ushbu misralarda mazmun deyarli farqlanmaydi. "Xok" so'zidagi "i" tovushi egalik qo'shimchasi sanaladi. Odatda arab tilida qisqa unli harflar faqat belgilar orqali belgilangan. Qisqa unlining tushib qolishi misralardagi hijolar sonining kamayishiga sabab bo'lgan, ammo mazmundan o'zgarish sodir bo'lmagan. Na't bobini tahlil qilish jarayonida nashrlardagi farqlanishlar mazmunning o'zgarishiga ham sabab bo'lganining guvohi bo'ldik. Masalan:

*Olamda risolating navidi,
Odamg'a shafloating umidi.²*

Ya'ni:

*Yangi olamda payg'ambarliging
Odamlarga himoyang umidini beradi.*

Ushbu misralar boshqa bir nashrda tubdan o'zgartirgan. Vahob Rahmonov va Naim Karimov rahbarligida chop etilgan "O'zbek adabiyoti bo'stoni" kitobida yuqoridagi misralar quyidagicha keltirilgan:

¹ Navoiy A. Mukammal asarlar to'plami To'qqizinchi tom. – 1992. – B.17.

² Navoiy A. Mukammal asarlar to'plami. – 1992. – B.17.

*Olamda risolatning navidi,
Odamg'a shafloating umidi.*

Ya'ni:

*Yangi olamda payg'ambarlikning,
Odamlarga himoyang umidini beradi.*

Yuqoridagi baytda turli xillikni yuzaga keltirgan so'zlar "risolating" va "risolatning"dir. Darhaqiqat, Navoiy "risolating" deya payg'ambarimizning o'ziga nisbat bergan. "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasidagi kitobda esa "risolatning", ya'ni "payg'ambarlikning" deya payg'ambarlikka nisbat berib o'tilgan.

Misralar mazmunini to'laroq tahlil qilish maqsadida farqlanish bo'layotgan misralardan oldingi baytlarni ham nazardan o'tkazamiz:

*Ey rif'ating olida falak past,
Ummatlaring anbiyog'a hamdast.*

Ko'rib turganimizdek, yuqoridagi misralarda ham aynan payg'ambarimizning o'zlariga sifat berilganining guvohi bo'lamiz. Na't bobi faqatgina payg'ambarimiz Muhammad(s.a.v.)ga bag'ishlanganini hisobga oladigan bo'lsak, Mukammal asarlar to'plamidagi misralar xatosiz keltirilgan. Payg'ambarimizning sifatlari sanab o'tilganini hisobga olgan holda "risolating" degan jumla mazmunan to'g'ri ekanligi anglashilmoqda. Ushbu har xillik keyingi nashrlarda bartaraf etilgan. Xususan, 2013-yilda nashrdan chiqqan 10 jildlik Alisher Navoiy "To'la asarlar to'plami"ning 7-jildida yuqoridagi misralar aynan "Mukammal asarlar to'plami" kabi berilgan.

Navoiy Muhammad (s.a.v.) madhini ta'sirchan va o'ziga xos tarzda tasvirlagan.

*Xotam dema oni, mushki tar de,
Yo'q mushkki, munxasifkamar de.
Ruxsoriki keldi qursi xurshed,
Ul mehr qamarvash o'ldi jovid².*

Ushbu misrada berilgan "Qurs" so'zi "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan kitobda "Kursi" tarzda berilgan.

*Xotam dema oni, mushki tar de,
Yo'q mushkki, munxafisqamar de.
Ruxsoriki, keldi kursi xurshid,
Ul mehr qamarvash o'ldi jovid.*

Navoiy asarlar lug'atiga "qursi" "kulcha", "kursi" esa, "taxt" degan ma'nolarga egaligi k o'rsatilgan. Misralar mazmuniga e'tibor qaratadigan bo'lsak, quyoshning yumaloqligi, kulchaga o'xshatilishi nazarda tutilgan. "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan kitobda esa "Kursi" so'zining ma'nosi "taxt" degan ma'noni anglatgan. Ya'ni "Quyosh taxti" degan ma'no anglashiladi. Aslida, quyoshning kulchaga o'xshash sifati bayon etilgan. Ushbu misralar To'la asarlar to'plamida qayta chop etilib, "Qurs" tarzda keltirilgan. To'la asarlar to'plamida aynan Mukammal asarlar to'plamidagi kabi qayd etilgan.

Navoiy bizga juda boy adabiy meros qoldirdi. Uning ruboiy, g'azal kabi asarlarida inson, uning orzu-umidlari tarannum etiladi. Birinchi Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "Agar bu zotni avliyo desak, avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirlarning sultonidir". Darhaqiqat, Navoiy o'z zamonasining buyuk shaxsi, bugungi kunning esa beqiyos siymosi sanaladi. Uning barcha asarlarida turfa mavzular tarannum qilingan. Biz yosh avlod buyuk bobokalonimiz merosini ko'z qorachig'idek asrab-avaylashimiz ham farz, ham qarzdir.

Ғайипов ДИЛШОД,
Филология фанлари номзоди, доцент.
УрДУ ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси доценти.
(Ўзбекистон)

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР ШОИР БАДИЙ МАҲОРАТИНИНГ ИФОДАЧИСИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада шеърий санъатларнинг ижодкор бадий маҳоратини кўрсатишдаги ўрни ёритилган. Бу ҳолат эса Огаҳий шеърлятидаги мисоллар орқали очиб берилган. Шоир қўллаган бир қанча бадий санъатлар таҳлилга тортилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается значение поэтических искусств в проявлении художественного мастерства творца. Данный вопрос раскрывается на материале примеров из поэзии Агахи. Привлекается к анализу несколько художественных тропов, к использованию которых прибегал поэт.

Annotation: This article discusses the role of poetic arts in demonstrating creative artistic skill. This situation is explained by examples in Ogahi's poetry. A number of the arts used by the poet are analyzed.

Калит сўзлар: Огаҳий, шеърий санъат, маҳорат, такрир, мутакаррир, тажохули орифона, ихом, ҳарфий санъат, тажнис, тадриж, тамсил, тафриқ, танофур.

Key words: Agahi, poetic art, skill, repetition, repetition, tajohuli orifona, ihom, literal art, tajnis, tadrij, fable, tafriq, tanofur.

Ключевые слова: Агахи, поэтическое искусство, мастерство, такрир, мутакаррир, таджахули орифона, ихом, буквенное искусство, каламбур, тадридж, тамсил, тафрик, танафур.

Маълумки, илми бадеъда шеърий санъатларнинг ўз ўрни бор. Шеърий санъатлар эса ижодкор бадий маҳоратининг кўзгуси ҳисобланади. Шарқ шеърлятининг улуғ ижодкорларидан бири Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) бадий маҳоратини намоён қилувчи воситалардан бири шеърий санъатлардир.

Огаҳий кўп қўллаган шеърий санъатлардан бири **такрир**дир. Такрир – мазмунан “такрор” бўлган бу сўз атама сифатида лафзий санъатлар доирасига дахлдор. Бирор сўзни шеърий мисра ёки насрий матнда муайян

мақсад учун такрорлаш натижасида мазкур санъат юзага келади¹. Огаҳий ижодида бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

*Қачонким, ул пари кўздан **ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,**
Ишим Мажнун киби оху **фигон ўлди, фигон ўлди.**
Чиқ истиқболиға, эй дил, нисори айла жон нақдин,
Ки, дерлар бу тараф ул **шаҳравон ўлди, равон ўлди**².*

Юқоридаги байтларда қофиядош сўзлар тақрирни вужудга келтирган. Қуйидаги байтда эса “сарви” сўзи бир мисрада икки ўринда қўлланган:

*Чекар эрди наво қумри бу зору нотавонингча,
Агар бўлса эди **сарви** сиҳи **сарви** равонингча (259-бет).*

Бу ўринда шоир мисра тағматнидаги ғояни алоҳида таъкидламоқда, ифодага таъсирчанлик бахш этмоқда.

Огаҳий шеъриятида **мутақаррир** санъатидан ҳам фойдаланилган. Маълумки, тақрир ва мутақаррир такрорга асосланган. Мутақаррир байт мисраларида такрорланувчи такрор ва жуфт сўзлар қўллаш санъатидир. Бу санъат байтнинг оҳангдорлигини оширган, жозибadorлигини кучайтирган. Қуйидаги байтларда мутақаррир байтлар охирида қўлланган:

*Латофат гулистонида кўзларинг
Ики шўхи чобук **ғизолу ғизол.**
Кўнгил гулшанида хаёли қадинг,
Кўкарган дилоро **ниҳолу ниҳол** (221-бет).*

Бу байтларда такрор қўлланган ғизолу ғизол, ниҳолу ниҳол сўзлари ғазалнинг ўзига хослигини оширган. Қуйидаги байтларда эса биринчи мисра охирида такрор сўз қўлланган бўлса, кейинги байтда байт бошида такрор сўз мутақаррирни юзага келтирган:

*Истабон ул юз томошосини кўздин **дам-бадам,**
Қон тўқарсан, чашми гирёнинг керакмасму санга(48-бет).*

Ёки:

*Тузубдур қасдима ранжу машаққат лашкарин **саф-саф,**
Мадад май хайлидин этмай манга бермас амон рўза (265-бет).
Лаҳза-лаҳза маст ўлуб чирмашсалар бир-бирига,
Гулшан ичра сарв била ишқи бежонвор субҳ,
Тақрир мисра ўртасида ҳам қўлланилади. Масалан:
Сўз эшитиб лабларингдин **тоза-тоза** жон топай,
Қилма, жоно, нуктадин лаъли шакар борингни банд(26-бет).*

¹ Исоҳов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014. – Б.197.

² Огаҳий. Таъвизу-л-ошикин. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б.226. Бундан кейинги шеърый парчалар ушбу китобдан олинади ва қавс ичида саҳифаси кўрсатилди.

Огаҳий шеърлятида бундай мисоллар ўнлаб топилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир байтнинг бошида сўз ёки жумлалар такрорланиб, тақрир ҳосил қилинган ўринлар учрайди. Бундай шеърлар эса юксак маҳорат маҳсулидир. Жумладан:

Бировким топса ёдек тийнати кажлик била тахмир,
Бўлур коми ўқи дойим мурод оможига мақрун.
Бировким бўлса хиссат пешаси ҳукмин суриб элга,
Жаҳон амволини йиғар уйига ўйлаким Қорун.
Бировким оғзидин чиқғай дамодам фаҳш ила дашном,
Эрур маскан онга айвони олий қасри гуногун(247-бет).

“Бировким” сўзи саккиз байтнинг бошида қўлланиб, ифода таъсирчанлигини оширган, ғазалнинг бадииятида муҳим ўрин тутган. О г а ҳ и й шеърлятида шундай ғазаллар борки, ҳар бир байтнинг иккинчи мисрасида бир сўз айнан такрорланади. Қуйида уларнинг матлаълари келтирилади:

*Нозанинлар санга, эй сарвиноз,
Ишқибозу, ишқибозу, ишқибоз (134-бет).
Жоним олур, эй пари, ҳолимга боқ,
Иштиёқу, иштиёқу, иштиёқ(187-бет).
Санга мандин, эй дилбари хуш хиром,
Салому салому салому салом(232-бет).*

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов бундай такрорланишларни тақрирнинг бир тури деб изоҳлайди. Бадеъшунос А. Ҳожиаҳмедов эса мутақаррир қофияга мисол сифатида келтиради. Бизнингча, ҳар бир байтнинг иккинчи мисрасида бир сўз айнан такрорланиб, кейинги байтларда унга қофиядош сўзлар яна бир нечта ўринда қайта-қайта такрорлангани учун ҳам мутақаррир қофия деб аташ тўғри ҳисобланади.

Огаҳий **тажоҳули орифона** санъатидан жуда кўп ўринларда фойдаланган. “Тажоҳулу-л-ориф андин ибораттурким, сўзлагувчи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур”¹. Дарҳақиқат, билиб билмасликка олиш маъносини англагувчи бу санъат қадимдан шеърлятимизда қўлланилиб келинган. Огаҳий бу санъатнинг гўзал намуналарини яратган. Шундай ғазаллар борки, тўлиғича шу санъат асосида ёзилган. Дарҳақиқат, “Экан оё” радифли ўнга яқин ғазални ана шундай шеърлар дейиш мумкин. Шоир ёзади:

*Ул гул юзи саҳбодин гул гулму экан оё,
Кўнглум анга зор ўлған булбулму экан оё.*

¹ Шарқ мумтоз поэтикаси (Ҳамидулла Болтабоев талқинида) //Атоуллох Ҳусайний. Бадойиёу-санойиё. – Тошкент: Ўзбекистон илмий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.268.

*Холиму зиёд эткан ширин лабиға лаззат,
Ё хони малоҳатда фулфулму экан оё
Кўнглумда ҳужум эткан фикри лаби эрканму,
Соғар аро ё рангин мулмулму экан оё (49-бет).*

Оғаҳий ёрнинг юзи, холи, лабини тажохули орифона санъати орқали гўзал тасвирлаган ва ажойиб бадий лавҳа ярата олган. Бу санъат орқали шоир ифодада бир-биридан чиройли, бир-биридан устун тасвирлар яратади. Олдинги айтилган фикрдан кейингисида яна ҳам гўзалроқ ифода яратишга ҳаракат қилади. Натижада кейинги фикр олдингисидан яна ҳам таъсирироқ чиқади. Оғаҳий ёзади:

*Юзи узра паришон икки гисуйи муанбарму?
Гулиаҳмар уза ёхуд ду даста сунбули тарму?
Ики қотил кўзиму жон олурға қасд кўргузган,
Ва ё дин нақдини ғорат қилурға икки кофирму?
Ики лаълиму эркан оташин рухсори устида,
Ва ёхуд ўт уза тушкан ики ёқуту аҳмарму? (254-бет)*

Шоир биринчи байтда юзи узра ёйилган икки хуш исли сочимни ёки қизил гул устидаги икки даста сунбулми, дея гўзал тасвир яратган. Иккинчи байтда кўз тасвирига ўтилади. Кўзлар жон олишга қасдланган қотилми ёки дин нақдини қирғин қилувчи икки кофирми, дея ифодани ривожлантирган. Шоирнинг ёр лаблари ҳақидаги тасвири жуда ҳайратланарли чиққан. Тўғри, лаб лаълга қиёсланиши мумтоз адабиётимизда бор тасвир. Лекин уни олов юз устидами ёки ўт устига тушган икки қизил ёқутми, дея тасвирлаш янгиликдир. Дарҳақиқат, Оғаҳий тажохули орифона санъати орқали ҳам бадий маҳоратини намоён қилган ижодкордир.

Оғаҳий шеъриятида **иҳом** санъатига ҳам мурожаат қилинган ўринлар учрайди. Иҳом – форсча “ўйлашга мажбурламоқ” маъносини англатади. Уни таҳйил деб ҳам айтадилар. Бунда шоир ёки дабир наср ёки назмда икки маъно англатувчи сўзни қўллайдики, улардан бири одатдаги ва иккинчиси камёб маънода бўлсин¹. Анча мураккаб бўлган бу санъатда Оғаҳий ўз маҳоратини намоён қилган. Жумладан:

*Шоми ҳажринг зулматида қолдим, ондин бер менга,
Кўргузуб ики юзинг **меҳрин**, нажот узра нажот (73-бет).*

Бу байтда “меҳр” сўзи икки маънода қўлланган. Биринчисида икки юзинг қуёшини, иккинчиси икки юзинг меҳр-муҳаббати маъноларида келган. Дастлабки ишора мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳажр кечаси зулматини қуёш ёритиши ифодаланган. Икки юз меҳр-муҳаббати ошиққа нажот бағишлаши “меҳр” сўзининг иккинчи маъносига ишора. Шоир ёзади:

¹ Шарқ мумтоз поэтикаси (Ҳамидулла Болтабоев талқинида) // Рашиддин Ватвот. Ҳадойику-с-сехр фи дақойику-ш-шеър. – Тошкент: Ўзбекистон илмий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.253.

*Гоҳи Ироқу, гоҳ Ҳижоз оҳангини **соз** айлабон,
Қил сарфароз Ушшоқни лаҳни фалак торинг била (262-бет).*

Бу байтда “соз” сўзи иҳомга мисол бўла олади. Биринчи бўлиб гоҳ Ироқ, гоҳ Ҳижоз чертиб деган маънони англатса, иккинчидан гоҳ Ироқ, гоҳ Ҳижоз оҳангини тайёр этиб деган маъноларни англатади. Кўринадики, анча мураккаб бўлган бу санъатни ишлата билиш ҳам шоирдан катта малака ва юксак маҳорат талаб этади. Шунингдек, бу ўринда таносуб санъати ҳам қўлланган.

Огаҳий **ҳарфий санъат**дан ҳам моҳирлик билан фойдаланган. Маълумки, мумтоз адабиётимизда араб ёзувидаги “алиф” ҳарфи маъшуқанинг тик қоматини, “лом” ҳарфи – сочини, “мим” – оғзини, “сод” – кўзини, “син” – тишини, “дол” – ошиқнинг эгик қаддини ифодалаган. Огаҳий бу ҳарфлар кўриниши, баъзан улар орқали ҳосил қилинадиган сўзлар маъно-моҳиятидан келиб чиқиб, гўзал мисоллар яратган. Жумладан:

*Бировким бўлса сидқу ростлиғ ичра алиф янглиғ,
Қади бори меҳан остида бўлғай ул сифатким нун (247-бет).*

Юқорида ҳам таъкидлаганимиз каби, одатда, маъшуқанинг тик қомати “алиф”га қиёсланган. Огаҳий бу борада ҳам янгилик яратган. У сидқ, ростлиғ ичидаги кишиларнинг ҳам қаддини “алиф”га қиёслайди. Бу тоифа кишиларнинг ҳам қади меҳнат, зулм юки остида “нун” каби эгилади, дейди шоир. Огаҳий шеъриятида ижтимоий мавзу ўзининг бетакрорлиги, умумбашарийлиги билан ажралиб туради. Юқоридаги мисолдан ҳам кўринадики, Огаҳий анъанавий тимсол ва ифодаларни ўзгартира олган. Уларга янги мазмун ва шакл беришда санъаткорлик намуналарини кўрсатган улуғ ижодкор ҳисобланади.

Огаҳий **тажнис** санъатидан моҳирлик билан фойдаланган. Маълумки, тажнис турли маъноли сўзлар шаклдошлиги ва ҳамоҳанглигидир. Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний ёзади: “Ани жинос ҳам дерлар. Луғатта бир нарса била ўхшаш бўлмоқдур, жинос эса ҳамжинс маъносиндадур. Истилоҳта – икки ёки андин ортиқ лафзнинг навъу турлари баён этилган кўринишлардан бирида бир-бирига ўхшатмоғидин ибораттур”¹.

Шайх Аҳмад Тарозий: “Тажнис ул бўлурким, шоир байт ичинда калима келтурурким, бири-бирининг жинси бўлғай бир важҳдин,”² – деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Огаҳий шеъриятида тажнис ва унинг турлари жуда кўп ўринларда учрайди. Шоир ёзади:

*Жон фидо лабинг узра айламиш макон, эй шўх,
Айлаган каби маскан Хизр обиҳайвон хат...
Огаҳий абад умри муждасидин ортуқдур,
Ваъдаи висол айлаб гар юборса жонон хат (78-бет).*

¹ Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (форсчадан А.Рустамов таржимаси) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.– Б.38.

² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-л-балоға. – Б.85.

Огаҳийнинг “Хат” радифли ғазалида **хат** сўзи тажнисни юзага келтирган. Юқорида келтирганимиз биринчи байтда хат сўзи маъшуқа лаби устидаги майда тукни ифодаласа, иккинчи байтда мактуб маъносини билдирмоқда. “Хат” радифли ғазалнинг бир нечта байтида бу сўзнинг ҳар иккала маъноси ўрни-ўрни билан қўлланади.

Огаҳий бадий маҳорати юксак ижодкор эдики, бу ҳолат унинг тажнис шеърий санъатини қўллашдаги санъаткорлигида ҳам намоён бўлади. Шоир бир шеърнинг бир нечта ўрнида тажнислардан фойдаланади, уларнинг турли маъноларини асар мантиғига ўзига хос тарзда жойлайдики, натижада ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан гўзал шеърий асар юзага келади. Жумладан:

***Юзинг** очким, куёш садқанг бўлуб, бошингдин айлансун,
Янги ой юз тавозеъ кўргузуб, қошингдин айлансун.
Агарчи лаълу ёқут эл замириға муфарриҳдур,
Қаёт афзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлансун (245-бет).*

Шоир биринчи байтда юз сўзини чехра, ораз маъносида, илк байтнинг иккинчи мисрасида юз сони маъносида қўллаган. Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида эса лаъл қимматбаҳо тош маъносида келган. Шу ўринда Огаҳий ижтимоий муаммони ҳам қаламга олади, яъни эл ёқуту лаълга ўч бўлишини ишқий мавзудаги ғазал қатига сингдириб юборган. Иккинчи мисрада эса лаъл истиоравий йўл билан ёрнинг лаби маъносида қўлланган. Кўринадики, Огаҳий сўз қўллашда санъаткорлик билан ёндашган.

Маълумки, тажнис санъати ранг-баранг кўринишларга эга. Адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг айтишича, тажнис санъатининг йигирма икки хили бор. Аммо тажнис санъати таърифи ва тавсифи масаласида олимлар бир хилликка эриша олмаганлар.

Биз куйида тажнис турларининг энг асосийлари Огаҳий шеъриятида қай тарзда ифодаланганига эътибор қаратамиз:

1.Тажниси томм (мутлақ тажнис). Бу тажниси тасриҳ деб ҳам юритилади. Тажниси томмда турли маъноли сўзлар талаффуз жиҳатидан тўлиқ моқ келади. Бу хил тажнислар Огаҳий шеъриятида анчагина. Масалан:

*Огаҳий, армон эди кўнглумға бир кўрмак юзин,
Қолмади, юз шукрим кўнглимда армоним буқун (244-бет).*

Бу байтда ҳам юз сўзи тажнис бўлиб келган. Биринчи мисрада ёрнинг юзи, иккинчисида эса юз сони маъносида келган.

2.Тажнис-и ноқис (нуқсони тажнис).

Атоуллоҳ Хусайнийнинг ёзишича, “ул лафзларнинг ҳарфлар сони, тури ва тартибида мувофиқ бўлиб, ҳаракоту суқунот, ташдиду тахфиф... турлича бўлмоғидин ибораттур”. Огаҳий ёзади:

*Боқиб улус юзиға ҳашв сўз эшитмакдин,
Ҳамиша кўру кар этгил кўзу қулоғ манга (39-бет).*

Ушбу байтда “кўр”, “кар” сўзлари тажниси ноқисни юзага келтирган.

3.Тажнис-и музориъ.

Бу хил тажнисларда бир ҳарф билан фарқланиб, тўғрироғи, талаффуз-дош сўзлар ёрдамида шаклдошлик юзага келади:

Сухбатининг ҳоли таъсир етгусидир бегумон,

Ҳар киши гар **хар** сифат одам билан масҳуб эрур (49-бет).

4.Тажнис-и мафруқ (ажратилган тажнис).

Тажнисланувчи сўзларнинг бири ёзувда ажралиб туради. Огаҳий ёзади:

Ғам юки то қоматим ё қилмади,

Оҳим ўтига фалак ёқилмади.

Қилмади раҳме манга, худ ўзгага

Билмадимким, қилдиму ё қилмади (147-бет).

Тажнис-и мафруқ Огаҳий туюқларида бир нечта ўринларда учрайди.

Хуллас, Огаҳий тажнис турларидан ўз шеъриятида унумли фойдаланган.

Огаҳий шеъриятида **тамсил** санъатининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу санъат ҳаётий воқелик, баъзан афсоналар, тарихий ҳодисаларни эслатиш воситасида китобхонда ёрқин тасаввур ҳосил этишни назарда тутади. Шоир ўз шеъриятида фикрини ҳаётий воқеа ва ҳодисалар орқали шундай далиллайдики, ифодаланаётган фикр ҳаётий воқеа орқали манتيқий исботини топади. Огаҳий ёзади:

Оқил эрсанг бўлмағил ғарра жаҳон лаззатиға,

Ул сифатким, тифллар кўрса бўлур хурсанд қанд (94-бет).

Огаҳий ғоятда файласуф, донишманд шоирки, оддий ҳаётий воқеа орқали оқилларга хос фикр айтади. Сен оқил бўлсанг, жаҳон лаззатиға кўнгул қўйма, ёш болалар қанд кўрса хурсанд бўлгани каби, дейди шоир. Огаҳий бу дунё лаззатиға кўнгул бермасликка чорловчи донишмандона фикрни шунчаки айтиб қўймайди. Ифодада ўзига хослик яратиб тамсил санъати орқали фикрини чиройли далиллайди ҳамда байтга ҳажвий оҳанг ҳам бағишлайди. Огаҳий шеъриятида бундай мисоллар ўнлаб топилади.

Тадриж санъати ҳам Огаҳий шеъриятида кўп ўринларда учрайди. Маълумки, тадриж санъатида ғазалнинг асосига битта тимсол (кенг маънода) қўйилади. Шу тимсолнинг барча хусусиятлари ғазалнинг охирига қадар тадрижий равишда очила боради, яъни ғазалдаги ҳар бир байт олдинги байтда ифодаланган фикрни давом эттиради, ривожлантиради. Огаҳийнинг “Совуқ” радифли ғазалида ҳам худди шу ҳолатни кўриш мумкин. Шоир ёзади:

Зоҳир этти ушбу қиш ичра ажаб туғён совуқ –

Ким, улусни қилди шохи беддек ларзон совуқ.

*Дилраболарнинг қуёшдек оташин рухсорини
Қилди шиддатдин булутдек жайбаро пинҳон совуқ.*

*Кўзлар ашкин оқизиб, то ерга тушгунча қилур,
Жола янглиғ тўнғадуруб юз сориға ғалтон совуқ (186-бет).*

Юқоридаги байтларда қиш келиб совуқ авжига чиққани, халқни қуруқ ёғочдек ларзага солгани, гўзалларнинг қуёшдек оловли юзини совуқ шиддати булут офтобни яширгани сингари пинҳон этгани, кўз ёшлар ерга тушгунча қотиб қолгани тасвирланади. Кейинги байтларда тасвир яна ривожлантирилади. Ҳатто оташдон ичини совуқ муздонга айлантиргани, бир томондан қор совуқ билан қўшилиб элни ҳайрон этгани ёзилади. Шоир шу ўринда гадолар ҳолига раҳм этишни бойлардан сўрайди. Гадоларнинг уй-қусини совуқ қочириб, кўзларини гирён этганидан зорланади Огаҳий. Ғазал сўнгида:

*Огаҳий шеъри агар ноқис эса эрмас ажаб –
Ким, онинг таъбиға еткурмишдурур нуқсон совуқ (186-бет).*

Дарҳақиқат, шоир шеър мақтаъсида Огаҳийнинг шеъри ноқис бўлиши ажаб эмас, чунки унинг таъбиға совуқ нуқсон етказганини ёзади. Бу билан Огаҳий совуқнинг халқнинг бир вакили бўлган шоирга, элга етказувчи озорини қаламга олади. Таниқли бадеъшунос Ё.Исҳоқов тадриж асосига қурилган ғазалларда тезис, тасвирланаётган тимсолнинг хусусиятлари, хулоса бўлиши лозимлигини қайд этган. Биз Огаҳийнинг “Совуқ” радифли ғазалида ҳам шу қисмлар борлигини кузатдик:

1. Тезис: совуқ шиддатидан изтироб чекиш.

2. Совуқнинг улусга, дилрабога, гадолар аҳволига таъсири, совуқнинг хусусиятлари.

3. Хулоса: улус, халқ турмуш тарзини совуқ қийин аҳволга солиб, Огаҳий каби шоирларнинг истеъдодига путур етказди.

Юқоридагилардан кўринадики, воқеалар тадрижий тарзда ривожланиб боради.

Огаҳийнинг “Қиш”, “Ёлғуз” “Кўринг”, “Чой”, “Наврўз” радифли ғазалларини ҳам тадриж санъати асосида яратилган дейиш мумкин.

Огаҳий шеъриятида **тафриқ** санъати ҳам учрайди. Маълумки, тафриқ шеърий санъатида байтда тасвирланаётган икки нарсани маълум нуқтаи назардан фарқлаш асос қилиб олинади. Огаҳий бу шеърий санъат орқали гўзал тасвирлар яратган. Шоир ёзади:

*Юзу зулфиға то қилди назар девоналиғ айлаб,
Гули аҳмар яқо чоку паришон сунбули тардур (114-бет).*

Бу байтда биринчи мисрада ёрнинг юзи, зулфи ҳақида сўз боради. Иккинчи мисрада юз – яқоси чок қизил гул; соч – ёйилган сунбул сифатида фарқланади.

Яна шоир ёзади:

*Жаннату тўбию ҳам кавсарға боқмон, негаким,
Ёрға жаннат руху қад, тўбию кавсар ҳадис (79-бет).*

Дастлабки мисрада жаннат, тўби, кавсар сўзлари келтирилади ва иккинчи мисрада эса ёрнинг руху қад, тўби – жаннат, кавсар – сўзи, дея фарқлайди шоир. Бу байтда таносуб санъатидан ҳам унумли фойдаланилган.

Тафриқ санъатида тасвирланаётган нарсалар жуда очик-ойдин ифодаланади.

Жумладан:

*Кўзларим ёшин ишқинг ичра оқизиб ҳар ён,
Бирни айлабон Жайхун, бирни қил Арас, ё Раб (58-бет).*

Бу байтда икки кўз биринчи мисрада тасвирланиб, иккинчисида эса бири Жайхун, бири Арас сифатида фарқланади. Шу ўринда Огаҳийнинг юксак иқтидорини эътироф этиш керак. Шоир ё Раб деб Оллоҳга мурожаат қилиш орқали нидо, Жайхун, Арас номларини келтириш билан талмех, кўзлар ёшин дарё мисол оқизиш орқали муболаға, юқорида таҳлил этганимиз тафриқ шеърий санъатларидан фойдаланган.

Тафриқ кўп ҳолларда жамъ санъати билан бирга келиб **жамъу тафриқ** санъатини юзага келтиради. Бу хил байтларнинг илк мисраларида маъно жиҳатидан ўзаро яқин бўлган икки наrsa, икки тушунча тилга олиниб, иккинчи мисраларда улар фарқланиб келади. Огаҳий шеъриятида жамъу тафриқ санъатида мурожаат қилинган ўринлар анчагина. Масалан:

*Сарв ила лолаға назар айламасак ажаб эмас –
Ким юзу қаддингиз дурур сарв ила лолозоримиз.*

Ёки:

*Орази олингиз уза зулфи сиёҳингиз эрур,
Боғи муродимиз аро сунбули мушкборимиз (135-бет).*

Биринчи байтнинг дастлабки мисрасида ўзаро маънодош бўлган сарв ва лола сўзлари келтирилади. Иккинчи мисрада ёрнинг қадди сарвга, юзи лолозорга ўхшатиб фарқланади.

Юқорида келтирилган иккинчи байтда эса ёрнинг қизил юзи устида қора сочи ётганлиги тасвирланиб, маъшуқанинг юзи ошиқнинг мурод боғига, сочи мушк таралиб турган сунбулга ўхшатилиб фарқланади. Тафриқ ва жамъу тафриқ шеърий санъатларида муболағага асосий урғу қаратилишини ҳам ёдда тутиш лозим. Огаҳий шеърий санъатларнинг бу турида ҳам ўз маҳоратини намоён қилган.

Огаҳий ўз шеъриятида **танофур** санъатига ҳам мурожаат этган. Танофур байтларда ҳарфлар ёки сўзларнинг ҳамоҳанглигига асосланувчи шеърий санъатдир. Бу санъат шеърнинг оҳангдошлигини оширувчи, гўзал

ифода бахш этувчи усул ҳисобланади. Маълумки танофурда икки хил усул мавжуд:

1. Танофури ҳуруф, яъни ҳарфлар оҳангдошлиги.
2. Танофури калимот, яъни сўзлар оҳангдошлиги.

Огаҳий бу шеърӣи санъатнинг икки хил туридан ҳам фойдаланган. Шоир ёзади:

*Ул шўх пари узоридур гул,
Мушкин сочи ул гул узра сунбул (214-бет).*

Ёки:

*Давлати ҳуснинг камолин истасанг, эй меҳр, чеҳр,
Зарраи сарришталарға қил шиоғи меҳр фош (148-бет).*

Бу байтларда **танофури ҳуруф** қўлланган. Биринчи байтда “ул”, “гул” сўзларида бир ҳарф фарқи билан оҳангдошлик вужудга келган. Иккинчи байтда эса “меҳр”, “чеҳр” сўзларида ҳам “м”, “ч” ҳарфлари фарқи билан оҳангдошлик юзага келиб, танофурни ҳосил этган.

Огаҳий шеърӣиятида **танофури калимот** кўп ўринларда учрайди. Жумладан:

*Дард ила ғам ҳамдамим, туъмам эрур хуни жигар,
Раҳм қилким, ҳажр аро дойим манга будур маош (149-бет).*

Ёки:

*Борур афтону хезон жону кўнглум,
Изидин сурса гар ҳар сори абраш (153-бет).
Тангри таваккул аҳлиға бўлғай тараф бўлса қачон,
Ҳайли тамаввул бир тараф, аҳли таваккул бир тараф (180-бет).*

Ёки:

*Эй ҳазин кўнгул, эмди ҳиммат ила ғайрат қил,
Базми қурб аро ўзни маст жоми ваҳдат қил (218-бет).*

Юқоридаги байтларда “ғам”, “ҳамдам”; “туъмам”, “афтон”; “хезон”, “жон”; “гар”, “ҳар”; “таваккул”, “тамаввул”; “ҳиммат”, “ғайрат” сўзлари танофури калимотни вужудга келтирган.

Огаҳий шеърӣиятида кўп қўлланган санъатлардан бири **тажрид** ҳисобланади. Тажрид “ажратиш, яккалаш” деган маънони англатиб, шеърда шоирнинг ўз-ўзига ёки кўнгил, дил сўзлари воситасида мурожаат, хитоб қилиниши ёки ўз номини, таҳаллусини бошқа бир кишидек ифодаланишини назарда тутлади. Жумладан:

*Қилибсан, Огаҳий, ташбиҳ ул ой рухсорини кунга,
Ғалат эркан сани ман усру донишвар хаёл эттим (225-бет).*

*Юз қўйса не тонг қулиқима, Огаҳий, шаҳлар –
Ким, қуллуқ этиб дарғаҳи султонима етдим (226-бет).*

Биринчи байтда Огаҳий ўз тахаллусини бошқа бир шахсдек ифодаламоқда. Кейинги байтда эса ўз-ўзига мурожаат этмоқда.

Шоир шеъриятида ўзини ўзга кишидек ифодалаган ўринлар жуда кўп. Бу эса шеърнинг таъсирчанлигини, ғоявий мазмун-мундарижасини оширган. Масалан:

*Олғуси Огаҳийнинг жонини интизоринг,
Бу янглиғ они қўйма қўб интизор, келгил (218-бет).*

Ёки:

*Огаҳийнинг комидур ичмак висолинг жомини,
Қилғали ҳосил анга бу тун муроду ком, кел (216-бет).*

Ёхуд:

*Икки даҳр аро қилмай Огаҳийни дармонда,
Бир қарам била, ё Раб, ишларин кифоят қил (206-бет).*

Бу ғазаллардаги мақтаълар бўлиб, улар **тажриди ғайри хитоби** деб юритилади.

Шоир кўнгул, дил ва бошқа сўзлар орқали ўз-ўзига мурожаат этса, тажриди хитоб ҳисобланади. Жумладан:

*Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонға сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз (139-бет).*

Ёки:

*Эй кўнгул, толиб эсанг мақсад майи ошомиға,
Кир фано дайриғау қўл сун тажарруд жомиға (259-бет).*

Юқоридагилардан ҳам кўринадики, Огаҳий тажрид шеърини санъатидан унумли фойдаланган.

Огаҳий илми бадеъни мукаммал билган ижодкор ҳисобланади. У Шарқ шеъриятидаги бадийят илми билимдонидир. Огаҳий шеърини санъатлар орқали турли хил тимсоллар, лавҳалар, манзаралар яратган. Сўз қўллашда жозибадор каломлардан фойдаланган. Шеърятда умумбашарий ғоялар, бетакрор ҳикматларни бадийий сўз воситасида ўқувчига манзур қила олди. У шеърини санъатларнинг бадийий тасвир имкониятларини кенгайтирди. Шоир шеърини санъатларнинг **эллиқдан ортиқ** турларини маҳорат билан қўллай олди. Бадийий санъатлар ифодасида огаҳиёна мактаб яратди.

Ҳайитов ШАВКАТ,
филология фанлари доктори
Аҳмадова МАҲБУБА,
БухДУ санъатшунослик факультети
3-босқич талабаси
(Ўзбекистон)

ИЛМ ҲАҚИҚАТИ

Алишер Навоий талқинича, инсон табиатидаги ақлий камолот ва ахлоқий баркамолликнинг таянч омилларидан бири – илмга эътибордир. Бундай инсоний камолотнинг негизи ёшлиқдан шаклланади. Алишер Навоий «Хамса»сида Фарҳод, Қайс, Искандар, Моний, Фаррух, Жуна каби ўнлаб образлар мисолида илм эгаллаш шахс камолотининг муҳим шарти сифатида тасвирланган. **Илмга ташналик**, фавқулудда истеъдод ва қобилият бу тимсолларда болалиқдан оқ ўзидан хабар беради. Фарҳоднинг ўн ёшидаёқ ўз замонасидаги барча фан асосларини ўрганиб олиши, ундаги илм ҳақиқатига беҳад интилишнинг самараси сифатида талқин қилинади. Мажнун тимсолида ҳам айна хусусият намоёндыр:

***Оз вақтда айлади замона
Они бори илм аро ягона [3, 69].***

Тили чиқиб, нутқи равонлашган даврдан бошлаб ўткир фикри билан фалакнинг бутун сирларини очишга қодир аллома Нақумоҳисдан таълим олган Искандар «бори илм аро соҳиб камол» бўлиб етишади.

Илмга шахс камолотининг муҳим белгиси сифатида қараш Алишер Навоийнинг насрий асарларида ҳам кузатилади. Шуниси муҳимки, насрий асар қаҳрамонларида ҳам илмга чанқоқлик табиий эҳтиёж сифатида ёшлиқнинг тоза ниҳолида куртак отади. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»дан ўқиймиз: «Чун алар кичик ёшдин фазойилу камолот иктисобиға авқотларин сарф қилур эрмишлар»[5,89]. Улуғ адиб наздида, ёшлиқда олинган билим дунёни англаш, Ҳақ ва ҳақиқат сирига етиш сари ташланган илк қадамдыр. Инсоний баркамолликнинг дебочаси ҳам ўша қадамдан бошланади. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий талқинидаги баркамол инсонлар хоҳ тарихий шахс, хоҳ орзу-мушоҳада асосида яратилган тахайюлий образ бўлсин зукколиги, илм бобидаги нодир истеъдоди билан ўз тенгқурларидан ажралиб туради. Улардаги бундай олижаноб туйғулар ўша қаҳрамон униб-ўсаётган муҳитнинг закий кишилари томонидан тез илғаниб, эътироф этилади, асраб-авайланади. Мана, Навфалнинг Мажнун таърифида Лайлининг отасига ёзган мактубидан бир байт:

***Хайлинг аро касби илм қилмиш,
Оламда неки илм бор – билмиш[3,159].***

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да ҳам мавзунинг айна қирраси қайноқ меҳр ва қалб ҳарорати билан қаламга олинган: «Бот абнойи жинсдин ҳар билик бобида мумтоз, балки кўпрак замоннинг табъ ва фазл аҳлига фойиқ ва сарафроз бўлубдурлар»[5, 89]. Алишер Навоий Саййид Ҳасан ўрганган фанларни бирма-бир рақам қилади: сарф ва наҳв (грамматикага оид илмлар), луғат ва арабият, мантиқ ва калом, фиқҳ ва ҳадис, тафсир, шеър ва муаммо, таърих, нужум ва адвор...[5, 90]. Замонасининг йигирмага яқин фанлари бўйича оз вақтда камолот касб этиш учун зўр ҳавас, кучли иштиёқ зарур эди. Эҳтимол, мажбурият ортида икки-уч фанни ўрганиш мумкиндир. Аммо ўндан ортиқ илмни мукамал билиш учун илоҳий истеъдо ва катта қунту меҳнат талаб қилинади. Илм талабгорининг бундай саъю ҳаракатини Илоҳни билиш, унга етиш мақсадида жону дили билан ҳаракат қилаётган, кўзу кўнгли билан Ҳаққа юзланган солиқ ҳолатига ҳам қиёслаш мумкин. Ана шундай таважжуҳ оқибатидагина илм камол топади. Қадамини тариқат водийсига барқарор қўйган дарвешнинг вужуди машаққат саҳросида роҳатланганидек, бундай илм соҳибининг юраги илм ўрганишу ўргатишдан ҳаловат туяди. Саййид Ҳасан дунёвий илмлар бобида шундай мақомга етган: «Алар зоҳир улуми иштиғолидин фароғат топибдурлар»[5,90].

Аммо одам фақат илмий истеъдоди билан улуғлар назарида аржуманд бўлмайди. Аксинча, илм ўрганишдан мақсад обрў орттириш, элга танилиш бўлса, бундай илм соҳиби икки дунёсини куйдиради. Бу хусусда Расули акрам (САВ) шундай деганлар: «Кимки илмни уламолар олдида фахрланиш, нодонлар билан баҳслашиш ёки одамларнинг диққатини ўзига тортиш мақсадида ўрганса, унинг жойи жаҳаннамдир»[1].

Чунки бундай илм олишнинг замирида риёкорлик ва манманлик ётади. Риёкорлик – яхшилик ниқобига ўралган ёвузлик. Манманлик эса барча разилликларнинг ибтидосидир. Шунинг учун ҳам машҳур донишманд Абу Ҳошим Сўфий: «Юракдан кибр разолатини ювишдан кўра, тоғни игна учи билан кўпориш осон», – дейди[2, 5].

Худпарастлик шундай бедаво дардки, худбин кимса ўз нафси, ўз кўнгли, ўз зоти, ўз сўзини барчадан азиз санайди. Унинг ҳар қандай номаъқул иши ўзига хуш, ёқимли ва чиройли кўринади. У ўз табиатидаги қусурларни мутлақо кўришни истамайди. Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг қуйидаги байти бу хусусда ёрқин тасаввур пайдо қилади:

***Кибрсизлик лофин урма уни кўрмоқдан кўра,
Қоронғу тун чумолининг узин кўрмак осонроқ [2,5].***

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб»ининг ўнга яқин танбиҳида худпарастлик ва унинг инсоният маънавий оламига етказадиган зарари ҳақида фикр юритилади. Танбиҳларни мутолаа қилар эканмиз, манманликка берилган кимсалардан улуғ жафолар кўрган, бошдан оёқ жабру ситамлар алангасида ёнган олижаноб қалб соҳибининг руҳий оғриқларини аниқ ҳис қиламиз. Улуғ мутафаккир мутакаббир кимсаларнинг «кўпиға» бу фақи-

ри мазлум номақдур риюятлар еткурубдур ва муқобалада номаҳсур зулм ва тааддиларни кўрубдур ва кўрмасга солиб кечурубдур...», – дея таассуф билан ёзар экан, Аллоҳга муножот қилиб такаббур одамларни «инсоф ҳарамига хос қилишни»ни, ўзини ва бошқа мазлумларни уларнинг жабридан халос этишини ўтиниб сўрайди[4, 75]. Бешинчи танбиҳ ниҳоясида берилган қитъада эса зотида юз хил кибру иллатлар мавжуд бундай кимсалар дардига «фано кўрасининг ўти»гина даво бўлишини қатъий таъкидлайди. Алишер Навоий таъкидича, фақат фақр тарийқи, фано кўрасининг ўтигина кибр томирларини қуритишга қодирдир. Шунинг учун улуғ адиб «фақирри зотий ва фонии жибилий» Саййид Ҳасан шахсидаги туғма хоксорликни, тавозуъ ва ҳаёни кибрга мубтало бўлганларга ибрат қилиб кўрсатади. Юқоридан номлари келтирилган фанларни кўпчиликдан яхшироқ билган Саййид Ҳасан «...ҳаё ва адаб жиҳатидан, ҳам бировга илзому хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар»[5,90]. Мазкур жумла мантиқи кўчирганимиз ҳадис мазмунига тескари (зид) қиёслаш оқибатида уйғунлашади.

Нега, Саййид Ҳасанни болалик давриданоқ Бойсунғур Мирзодан тортиб шаҳарнинг жами алломаларига қадар тенгқурларидан устун қўядилар, қадр-қимматини баланд тутадилар? Чунки одобли ёшнинг муомала-муносабатида эл-улус улуғворлик кўради. Тавозуъ ўз соҳибини халқ назарига салобатли қилиб кўрсатади. Ана ўша олижаноб фазилатлари туфайли замонасининг маърифатли инсонлари, юртнинг улуғлари қалбида истиқболли ёшга нисбатан самимий муҳаббат уйғонади ва бундай меҳр кўнгиллар мулкида мангу ўрнашади. Алишер Навоий таъкидича, бундай гўзал одобу тавозуъ Саййид Ҳасаннинг «зотида ғолиб», аслу насабида бор. Шайх Муслиҳиддин Саъдий таъбири билан айтганда, булут ҳаёт ёмғирини қуйгани билан тол дарахтида мева пишмайди. Бўйра тўқишга ярайдиган қамишдан минг уринган билан шакар олиб бўлмайди. Шўрхок ерда гул унмайди, лолаю гул боғда, ширин заминда кўкаради [7, 14,16].

Саййид Ҳасанни ёшлигиданоқ барчага суюкли қилган яна бир аслий (зотий) фазилати бор. Бу – ҳаё. Алишер Навоий талқинича, ҳаё мавжуд бўлган вужудда вафо ҳам бор. Вафо билан ҳаё икки эгизак фарзанд кабирдир. Улар бир булоқнинг икки кўзи, бир нақшин олманинг икки палласи янглиғ пайванд, ажралмасдир. Қайси инсон табиатидаки ҳаё бўлса, унда вафо ҳам барқарордир. Аммо ҳаё билан пайваста вафо шундай пок хилқатли маҳбубаки, у аслу насаби тоза, табиати беғубор бўлмаган кимсага ром бўлмайди. «Бу икки ҳамзод фарзанд» табиатида шубҳа, гумон, қизғанчиқлик, гина-қудурат, ҳасаддан асар бўлмаган кишиларнинг вужудидан макон тутати. Шунинг учун ҳам вафо ила пайваста ҳаё гулини давр чаманидан топиш маҳолдир. Баъзида жаҳон гулшани вафо зийнатидан бўшаб қолгандек, инсоният боғида ҳаё гулининг муаттар ҳидлари таралмаётгандек, замон вафосизлар кўнгли билан сирлашаётгандек таассурот қолдиради. Аммо кишилик дунёсининг сардафтари – комил инсонларнинг вафо ила пайваста ҳаё қуёши мангуга дунё зимистонини ёритиб туради. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий: «Ҳар кимда бу икки йўқ – андин одаимийлик келмак имкон йўқ... Комиллар – аҳли ҳаё ва ноқислар – беҳаё», – дея битади [6, 114].

Адабиётлар

1. Баҳром Ҳ. Яхши ният – барака калити. //Ислом нури, 2003,1-сон.
2. Жомий А. Баҳористон. –Тошкент: “Ёзувчи”, 1997, 112 бет.
3. Навоий А. Лайли ва Мажнун. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 9-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1992, 356 бет.
4. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1998. – 304бет.
5. Навоий А. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1999, 236 бет.
6. Навоий А. Маҳбул-қулуб. Қиёсий матн. Москва – Ленинград: изд. АН СССР, 1948, – 174 бет.
7. Саъдий Шерозий. Гулистон. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мектеби нашриёти, 1993. –101 бетлар.

Қобилова З.,
Қўқон ДПИ доценти
Тешабоева З.,
ТДТУ катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

АМИРИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ТАЪСИР КЎЛАМИ

Аннотация. Мақолада Қўқон адабий муҳитининг асосчиси ва истеъдодли шоир Амирийнинг бадиий-эстетик таъсир доираси Қўқон ва Хоразм шоирлари ижоди мисолида ёритиб берилган.

Аннотация. В статье на примере произведений кокандских и хорезмских поэтов проиллюстрирован масштаб творческого и эстетического влияния основоположника кокандской литературной среды и талантливого поэта Амирии.

Annotation. The article describes the scope of creative and aesthetic influence of the founder of the literary environment of Kokand and the talented poet Amiri on the example of the works of poets of Kokand and Khorezm.

Калит сўзлар: адабиётшунослик, адабий танқид, адабий муҳит, Амирий ижоди, бадиий-эстетик таъсир, Хоразм шоирлари.

Ключевые слова: литературоведение, литературная критика, литературная атмосфера, творчество Амирия, художественно-эстетическое влияние, поэты Хорезма.

Key words: literary criticism, literary criticism, literary atmosphere, creativity of Amiri, artistic and aesthetic influence, poets of Khorezm.

Қўқон адабий муҳитининг асосчиси ва етакчиси Амирий Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Соиб Табризий, Мирзо Бедил каби Шарқ мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндлари мактабида таҳсил олиб, маҳоратини камолга етказган ва ўзидан кейинги шоирлар учун чин маънодаги ижодий раҳнамога айланган ўзига хос ва бетакрор истеъдод соҳибидир. Айниқса, туркий ва форсий шеърятнинг Навоий ва Бедил каби муаззам сиймолари “панжасига панжа” ургани –

уларнинг машхур ғазалларига бадий баркамол тахмислар боғлагани унинг икки тилда ҳам маҳорат билан қалам тебратиш салоҳиятига эга зуллисонан ижодкор эканлигидан шаҳодат беради.

Шарқ мумтоз шеъриятининг улкан сўз усталари таъсирида балоғат илми ва фосоҳат сирларини эгаллаган Амирийнинг ўзи ҳам санъаткорона ҳассос ғазаллари билан нафақат Қўқон адабий муҳити, балки Хива адабий муҳитида яшаб ижод қилган шоирларга, умуман ўзидан кейинги ўзбек қалам аҳлига кучли таъсир кўрсатгани маълум. Бу таъсир изларини биз Нодира, Увайсий, Фазлий, Адо, Махмур, Гулханий, Ҳозиқ, Равнақ каби ўз даври шоирларидан тортиб то Огаҳий, Комил, Табибий, Баёний, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз, Ниёзий, Ҳамзагача кўрамир. Қалам аҳли ўз ҳомийлари ва устозлари асарларини ҳар томонлама кенг ва чуқур мутолаа қилиб, ундан маҳорат сирларини ўрганганлар, ғазалларига татаббулар қилганлар, тахмислар боғлаганлар, Амирий таъсирида байту ғазаллар ижод этганлар. Хусусан, давр шоирлари орасида Амирий ғазалларига татаббулар қилиш ижодий мусобақа даражасига кўтарилган. Бу татаббуларда шоирлар Амирий ғазалидаги фикрларни давом эттириб, янги қирраларини очишга, тимсолу ташбеҳлар силсиласини янгидан-янги бадий кашфиётлари билан бойитишга интилганлар. Фазлий Намангоний ўзи тузган “Мажмуаи шоирон” таъкирасини Қўқон адабий муҳити шоирларининг ана шундай татаббулари асосида тузгани маълум.

Таъкира муқаддимасида Фазлий Адо, Ошиқ, Вазир, Нола, Маъюс, Мужрим, Рамзий, Афсус, Мирий, Равнақ, Акмал, Ҳозий, Фазлий, Макнун, Дабир, Мушриф, Хотиф, Хижлат каби бир неча ўнлаб Қўқон адабий муҳити пешқадам шоирлари ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтади¹. Бир неча байт атрофидаги бу маълумотларда шоирнинг кимлиги, таҳаллуси, қаерданлиги, шеъриятдаги мақоми ва саройга қанчалик яқинлиги хусусида тўхталади.

Маълумки, “Мажмуаи шоирон” икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми замон шоирларининг Умархонга бағишланган қасидаларини ўз ичига олади. Иккинчи қисмида эса Амирий ғазалларига замондошларининг татаббуъ ва мухаммаслари келтирилади. Чунончи, “кўринг” радифли ғазалига 15 та, “эй тўти” радифли ғазалига эса 22 та татаббуъ қилинган². Бунда аввал шоҳнинг муайян бир ғазали келтирилиб, кейин унга татаббуъ ёзган шоир ҳақида бир неча байт ҳажмидаги маълумот ва таъриф, сўнг унинг татаббуси бериб кетилади.

Маърифатли ва истеъдодли ҳукмдор сифатида илму адаб аҳлини қўллаб-қувватлагани, уларнинг хотиржам ижод қилишларига шароит яратиб бериб, моддий жаҳатдан ҳомийлик қилгани, хонлиқда нисбатан тинчлик ўрнатганидан халқ ҳам эркин нафас олиб, иқтисодий ҳаёт ўнлангани, одамларнинг турмуши яхшилангани учун ҳам шоирлар татаббуъ баҳона

¹ Мажмуаи шоирон. Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний. – Т.: Фан, 2018. – Б.20-53 (Кейинги ўринларда мажмуадан мисол олинганида саҳифаси кавс ичида берилди).

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги (Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 226.

Ўз валинеъматларини таъриф-тавсиф этганлари бежиз эмас. Айни пайтда, Умархон ҳокимият эгаси сифатида қалам аҳлининг ҳомийси бўлибгина қолмай, ўз даври шеъриятининг карвонбошиси ҳам эди. Шоҳ-шоир ғазаллари қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган ва замон ижодкорларига илҳом бағишлаган.

Татаббуларнинг Амирийнинг шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий жиҳатдан баркамол ғазалларига ёзилгани ҳам шоирларнинг хушомад ва лаганбардорлик йўлини тутмай, куруқ тақлид ва мақтов билан чекланмай, муҳит ҳомийси ва пешвосининг чиндан ҳам ўзларини таъсирлантирган ва илҳомларини жўштирган ғазалларига издошлик қилганликларини кўрсатади. Айни пайтда, татаббулар ҳам бетакрор тимсолу ташбеҳлари, чуқур маъноли фикрларга бойлиги, гўзал ва таъсирчанлиги билан ажралаиб туради. Амирий етук ғазалларига татаббуъ қилар экан, улар ҳам ўзларининг истеъдод қирраларини кўрсатишга, шоирлик иқтидорларини намоён этишга интилганлар, шоҳ-шоир “панжасига панжа” ура олганлар. Чунончи, Файзийнинг қуйидаги байти ҳикмат даражасига кўтарилганлиги билан эътиборни тортади:

*Фалак кажравлиғидин шиквалар қилсам тонг эрмаским,
Ҳумоға устухон ташлаб, чибинға туъма қанд этти (302).*

Шоҳбайт даражасида бу байтда шоир чексиз алам ва изтироб билан: “Иркит чивинга қандни қисмат қилиб, давлат куши бўлмиш ҳумоға эса сукяки раво кўрган бу ҳамиша тескари айланадиган золим фалакнинг дастидан ҳар қанча шикоят қилсам, сира ажабланадиган жойи йўқ”, – деб ёзадики, унинг бу фикрлари ҳаётий ҳақиқат бўлганлиги учун ҳам ўқувчи эътиборини ярқ этиб ўзига тортади. “Бадий маҳорат – катта ҳаёт ҳақиқатини жонли шаклда ифодалаш санъати”¹. Айни пайтда, шу биргина баркамол байти орқали биз Файзий деган ўзига хос шоирни кашф этамизки, агарда унинг девони топилса, ўзбек адабиёти бадий юксак шеърлар ҳисобига янада бойиган бўлар эди.

Фоний деган шоир эса Амирийнинг “устина” радифли ғазалига қилган татаббусида маҳбубанинг лаъл каби қизил лаблари устидаги майсадай майин хати – нафис тукларини оби ҳаёт чашмаси устида ибодат қилаётган Хизр алайҳиссаломга ташбеҳ этади:

*Сабзаи хатдур дема лаъли Бадахшон устина,
Хизрдурким, тоат айлар обиҳайвон устина (267).*

Бу ерда ёр лаблари оби ҳаёт чашмасига, унинг устидаги туклар эса оби ҳаёт теграсини тутган яшил майсаларга қиёс этилмоқда. Байтда бетакрор ташбеҳ санъати билан бирга талмеҳлар шодасини ҳам кўрамыз: санамнинг чўғдай қизил лаблари Бадахшон тоғида ҳосил бўладиган энг навли лаълга, жонбахш лаби оби ҳаёт чашмасига, хати эса Хизр алайҳиссаломга нисбат

¹ Ҳаққул И. Шеърият – руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 192.

берилмоқда. Маъшуқа хатининг Хизрга, лабининг лаълга ва оби ҳаётга нисбати борлигида эса лафф ва нашр санъатининг гўзал намунасини кўра-миз. Юксак бадийят намунаси бўлган мазкур байт Фонийнинг ҳам қалами ўткир шоир бўлганлигидан далолат беради.

Фазлийнинг айна ғазалга татаббусида эса ташхис санъатининг гўзал намунаси кўзга ташланади:

*Икки золим қошларинг бош индируб қатлим учун,
Рўбару ўлтурдилар бир-бирга кенгош устина (258).*

Қошларнинг ёнма-ён жойлашлаганидан шоир ўз бадий мақсади йўлида маҳорат билан фойдаланиб, улар юзма-юз ўтириб, ошиқни қандай қатл этиш устида ўзаро маслаҳатлашяптилар деб лутф этади.

Мир номли шоир татаббуси эса барчасидан ўтиб тушади: у эй пари, мен сари ташриф буюрки, кўнгил юз орзу билан кўз пардасини пояндоз этиб, сени жон устига ўтирғизишни тилайди дейди муболағали тасвирни ҳадди аълосига етказиб:

*Юз таманно бирла пояндоз этиб кўз пардасин,
Кел пари, ўтқузмоқ истайдур кўнгул жон устина (246).*

Келтирилган мисоллар таҳлили таниқли адабиётшунос Олим Шарафиддиновнинг шўро мафкураси таъсирида Умархон даври шоирлари ижодида назирачилик “кўпроқ оддий ўйинга айланиб қолган. Бу шоирларнинг кўпчилиги асрлардан бери ишлатилиб шаблонлашган, чайналган таъбир, ифодалар, образлар, оддий сўз ўйинларига ўралиб қолдилар. Бир-бирларини тақлид қилдилар. 30-40 шоир бир хил қофия, бир турли ўхшатиш ва метафораларни қайтара берса, шеърнинг маъноси қочади, санъат тушунчасидан узоқлашади. Мана шу назирачилик Фазлий, Ғозий, Хижлат, Ҳозик каби таланти ёзувчиларга ҳам ўзининг ёмон таъсирини кўрсатди. Натижада бу замонда ҳукм сурган назирачилик адабиётнинг тор сўз ўйини бўлиб қолишига сабабчи бўлди. Уни янги идеялар билан бойитишга, юқори кўтаришга тўсқинлик қилди”¹, – деб ёзган фикрлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатади.

Амирий ижоди Хива адабий муҳитида ҳам машҳур бўлган. “XIX асрда Қўқонда бевосита Амир Умархон – Амирий, Хивада Муҳаммад Раҳимхон – Феруз ташаббуси билан маданий-маърифий, адабий муҳит юзага келди ва бу жараён бошқа ҳукмдорларга ибрат бўлгудек даражада из қолдирди. Тарих ва архив ҳақиқати XIX аср Хива ва Қўқон хонлигида нисбатан прогрессивроқ маданий ва адабий ҳаёт ҳукм сургани, натижада бир қанча иқтидорли шоиру уламолар етишиб чиққани, халқимизга бебаҳо маънавий мерос қолдирилганлигини кўрсатади”².

¹ Шарафиддинов О. Умархон давридаги Фарғона шоирлари // Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II жилд. XV–XIX асрлар. Олий педагогик ўқув юртлари учун (Тузувчи О.Шарафиддинов). – Т.: Ўздавнашр, 1945. – Б. 192.

² Халлиева Г. Амирий ва XIX аср Хоразм адабий муҳити асосчиси // “Амирий ва Қўқон адабий

Хоразмлик шоирлар Огаҳий, Феруз, Мунис, Аваз, Баёний, Ниёзийлар ижодда Амирийга издошлик қилдилар. Хоразм адабий муҳитида Амирийнинг “қил”, “эваз”, “муборак”, “салламно”, “айлансун” радифли ғазалларига татаббуъ ва тахмислар боғланган.

Амирий ўзигача яратилган форс-тожик сўз санъати дурдона асарларидан, ўтмиш форсий адабиётнинг забардаст намояндалари ижодидан қанчалик самарали фойдаланган бўлса, ўз даври ва ўздан кейинги форсий шеъриятга ҳам шунчалик таъсир кўрсатди. Бу – шоҳ-шоир ижодининг форс-тожик шеърияти билан боғлиқ жиҳатининг иккинчи йўналиши дейиш мумкин. Биз бу таъсирнинг айрим қирраларини атоқли адиб ва нуктадон олим Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасида келтирилган ва баҳоланган Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод этган зуллисонайн шоирлар мисолида мухтасар шаклда кўриб чиқамиз. Зеро, бу шоирлар ўзларининг икки тилдаги бетакрор ижодлари билан ҳар икки адабиёт ривожига ҳисса қўшганлар ва ҳақли равишда ҳар икки адабиётга дахлдор ҳисобланадилар.

Қўқон адабий муҳити намояндалари, асосан, зуллисонайн шоирлар бўлиб, улар Амирийнинг фақат ўзбекча эмас, балки тожикча ғазалларига ҳам қатор татаббулар қилганлар. Садриддин Айний 1925 йилда тузиб, 1926 йилда Москвада босилиб чиққан “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасининг иккинчи қисмини, асосан, Қўқон ва Бухоро адабий муҳити намояндаларига бағишлаб, жумладан, 14 нафар Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирлар ҳақида маълумот беради. Улар: Амирий, Адо, Акмал, Беҳжат, Хижлат, Ҳозиқ, Хотифий, Хоиф, Касрат, Рамзий, Риндий, Фазлий, Гулханий, Нола. Бу шоирлар ҳақида маълумот беришда тазкира тузувчи уч хил йўл тутди: қўлида маълумот бор-йўқлигига қараб, баъзиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот беради (Амирий, Адо, Ҳозиқ, Хотиф, Накҳат), баъзиларнинг Амирий саройига мансублиги, таваллуд ёки вафот санасини қайд этиб ўтади (Беҳжат, Касрат, Гулханий, Нола, Фазлий), баъзиларининг фақат ижодидан намуна келтиради (Акмал, Хижлат, Рамзий, Риндий). Чунки тазкира тузилган пайтда бу шоирларнинг девонлари маълум бўлмай, Айний турли тазкираларда келтирилган маълумотларга таянади. Унинг кириш сўзида қайд этишича, тазкиранавислар шоирларнинг таржимаи ҳолларига аҳамият қаратмаганлар, фақат уларнинг Амирий саройига яқинлигига ишора қилиб ўтганлар, холос¹.

С.Айний Беҳжатнинг Умархон муҳитига мансуб шоирлигинигина қайд этиб, унинг Амирийга татаббуъ сифатида битган “ангушт”, шунингдек, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг “Тухфат ул-аҳбоб” тазкирасидан олган “ояд бурун” (“чиқади”) радифли ғазалларини келтиради². Улар Беҳжатнинг шоирлик салоҳияти анча баланд бўлганлигини кўрсатади:

муҳити” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т.: Tamaddun, 2017. – Б.117.

¹ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Д., 2010. – С.120. Бундан кейин мазкур тазкирага мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

² Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Д., 2010. – С.139.

*Гар чакиди гоҳи хуфтан аз гули рӯяш арақ,
То қиёмат хоҳад аз он жо гулоб ояд бурун¹.*

“Агар уйқусида (гўзал маҳбубанинг) юзидан тер оқса, ўша ердан қиёматгача гулоб қайнаб чиқади”.

Хотиф Хўжандийнинг Умархон саройи шоирларидан эканлиги ва 1258 ҳижрий йилда вафот этганлиги айтилиб, таъби назмидан намуна ўлароқ “Радойиф ул-ашъор”дан Амирий ғазалига татаббуъ сифатида битилган “ангушт” ва “Тухфат ул-аҳбоб”дан “офтоб” радифли ғазаллари ва бир фарди келтирилади². Шуларнинг ўзидан унинг истеъдод даражаси хусусида муайян хулосага келиш мумкин. Чунончи:

*То ба кай аз дур лофад бо ту андар дилбари,
Гў, биё аз хужжати даъво ба майдон, офтоб!³*

“Кўёш қачонгача узоқдан туриб сен билан гўзаллик талашади, унга агарда даъвонг асосли бўлса, қани, кел, майдонга чиқ деб айт”.

Хўжанд шоирлари тазкираси”да ҳам Хотифнинг Умархонга бағишланган форсий қасидалари ва ғазалларига қилган татаббулари келтирилади. Жумладан, қасидаларидан бирида “Ҳазра Умар Султон чехрасининг шуъласи жаҳон жисмига тандаги жондай эди”, – муболаға қилади:

*Ҳазрати султон Умар он, ки фуруғи рушаи,
Буд ба жисми жаҳон будани жсон дар бадан⁴.*

Амирий ўттиз беш йиллик қисқагина умрида давлатни бошқариш ташвишларидан ортиб, ўзидан бой адабий мерос ҳам қолдирди. Алишер Навоийдан кейин Туркистонда ривожланишдан тўхтаган туркий шеърят айна Амир Умархон даврида иккинчи марта тараққиёт чўққисига чиқди. Форсий тилда ҳам ўз қудратини намоиш эта олди⁵.

¹ Ўша манбаа. – Б.139.

² Ўша манбаа. – С.168-169.

³ Ўша манбаа. – С.169.

⁴ Қаранг: Хужандий А.Н. Тазкираи шуарои Хўжанд. – Хўжанд: Ношир, 2015. – С. 321-338.

⁵ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Д., 2010. – С.121–122.

Қуролова ИНОБАТ,
Наманган вилояти Поп тумани
23-сонли умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

МУМТОЗ МАТН ВА ЛУҒАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Аннотация: Мақолада умумтаълим мактабларининг она тили дарсларида Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарини ўрганиш, шеърини парчаларни таҳлил қилишда инновацион методлардан фойдаланиш усуллари тақдим этилди.

Annotation: In this article the using ways of innovative methods were presented in learning «Lison ut-tayr» by Alisher Navoi and analyzing its poetic pieces in public schools.

Аннотация: В статье рекомендуется изучение произведения А. Навои «Лисон ут-тайр», анализировать стихотворные отрывки путём инновационных методов педагогической технологии в средних общеобразовательных школах.

Калит сўзлар: она тили дарси, «Лисон ут-тайр» асари, луғат сўзлар.

Key words: mother tongue, «Lison ut-tayr», vocabulary words.

Ключевые слова: урок родного языка, произведение «Лисон ут-тайр», новые слова.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Анъанавий таълимда ўқувчилар тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса уларга эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Бу жараёнда ўқитувчи шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан биргаликда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Умумтаълим мактабларининг она тили дарсларида мумтоз матнларни ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўқувчининг эгаллаган билимини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради. 8-синф она тили дарслигида мумтоз матнлар, жумладан, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асаридан берилган бобларни ўрганиш тавсия этилган.

Мустаҳкамлаш дарсларида 25-26-дарсни ўрганишдан олдин ўқувчилар билан А.Навоий ижоди ва унинг асарлари ҳақида суҳбатлашилади.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» асарини 1499-йилда ёзиб тугаллади. Бу асар Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарига жавобан ёзилган. Навоий «Мантиқ ут-тайр» («Қуш нутқи») асарини севиб ўқиган ва ёд олган. «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») асарини туркий тилда ёзган бўлса-да, шоир унда «Фоний» тахаллусини қўллаган.

«Лисон ут-тайр» қушларнинг суҳбатга тўпланишидан ҳамда адолатли подшоҳни излаш қарори билан бошланади. Худҳуд қушларни Семурғни излашга ундайди, уни таърифлаб: «Семурғ бир кеча дунёни айланиб, учиб

юрар экан, ногоҳ йўли Чин шаҳридан ўтиб қолди. Убир силкинганда мамлакат нурга ғарк бўлди. Патидан биттаси тушиб қолган экан, огоҳ бўлганлар ақл-у шуурини йўқотдилар», – деб ҳикоя қилади. Қушлар йўлга отланишиб, «талаб», «ишқ», «маърифат», «истиғно», «тавҳид», «ҳайрат», «фано» номли 7 водийни кезадилар ва маърифат водийсида ўзларининг **Семурғ** эканлигини англаб етадилар»¹.

Дарс жараёнида «Талаб водийси» боби ўрганилади. Дарсликдаги 65-машқ шартига биноан шеърий парча ифодали ўқилади. Бунда ўқувчиларнинг ўқиш техникаси устида ишланади, яъни аруз вазни қоидалари асосида шеър ўқилади. 66-машқ бўйича ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноси аниқланади. Бу ўринда янги сўзларни ўрганишда «Ким чаққон?» ўйинидан фойдаланиш мумкин.

Луғат сўзлар

Малолат – озор, ранж, ғам-андух, хафачилик²; малол келиш, оғриниш³

Саъб – қийин, оғир, мушкул

Афгор – фиғон, нола, фарёд; хор бўлиш, эзгин ҳолатга тушиш

Миъоди – муддат, ижро вақти

Кушиш – уруш, жанг, уруш ҳаракати

Неш – ниш, тиф

Реш – яра, жароҳат

Солик – комиллик сари ҳаракат қилаётган киши

Такбири фано – ўткинчи дунё учун ҳакни улуғлаш

Луғат сўзларнинг маъноларини аниқлагандан сўнг 67-машқ шартига кўра шеърий парчаларни насрий баён қилишга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда «Тафаккур ўйини» ёки гуруҳларда «Зинама-зина» таълимий ўйинларидан фойдаланиш мумкин.

Асардан берилган боблар байтма-байт ўқиб, насрий баён қилинади.

*Чун талаб водийсига қўйсанг қадам,
Оллингга ҳар дам келур юз минг алам.*

Талаб водийсига қадам қўйсанг, олдингга ҳар дам юз минг дарду алам дуч келади.

*Ҳар дам анда юз малолат юзланур,
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.*

Ҳар дам унда юз малоллик (ғам-андух, хафачилик), ҳар нафас минг ўзга мушкул ҳолатга юзланади.

*Истамак ранжи кўнгилни зор этар,
Топмомоғлик руҳни афгор этар.*

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил.

² Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.

³ Она тили. 8-синф учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Тошкент, 2019.

Истамоқлик азоби кўнгилни зор этади, лекин топа олмаслик руҳни афгор этади, яъни кўнгилни ғамга ботиради. Кўнгил фарёд қилади.

*Жонни куйдурмак бўлиб маҳрумлик,
Васлининг миъоди номаълумлик.*

Бунда жонни куйдириш маҳрумлик (бор нарсдан айрилиш), васлга эришиш номаълумлик бўлади, яъни васлга эришиш вақти номаълум.

*Ранжу кўшиш санчибон жисмингга неш,
Дарди ноёб айлабон жонингни реш.*

Машаққат ва кулфатлар жисмингга ниш уриб, беҳад улкан дард жисмингни пора-пора қилади. Яра, жароҳатлар пайдо бўлади.

*Истабон топмай дури ноёбни,
Мундадур тарк айламак асбобни.*

Сен ноёб дурни қўлга киритишни хоҳлайсан, аммо уни топа олмайсан. Бунинг учун дунё асбобларини тарк этмоқ зарурдир.

*Молу мулку ҳар недир соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд.*

Солик ўз йўлида ғов бўладиган мол-у мулк ва бошқа нарсалардан воз кечиб, фонийликнинг тўрт йўлини баланд овозда улуғламоғи керак.

Gulhayo AMRULLOYEVA,
Toshkent shahar 205-maktab o'qituvchisi

«O'QISH» KITOBLARIDA BUYUK MUTAFAKKIRLAR HAQIDAGI RIVOYATLAR HAMDA ULAR AFORIZMLARINING YORITILISHI

O'rta asr mutafakkirlari orasida Abu Rayhon Beruniyning alohida o'rni bor. U 973-1051 yillarda Xorazmda yashab, ijod etgan. Afsonalarga ko'ra, u Navro'z (21 mart) hamda Mehrjon (21 sentyabr) bayramlaridan boshqa har kuni ilm bilan mashg'ul bo'lgan. Beruniyning etnografiya, tarix, geografiya, mineralogiya-ma'dansunoslik, astronomiya, kimyo va boshqa ko'plab fan sohalaridagi kashfiyotlari dunyo ilm-faniga bebaho hissa bo'lib qo'shilgan. Olimning "Al-osor ul-boqiya an al-qurun ul-holiya" ("Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asari taqvim va yil hisobi, juda ko'p xalqlarning urf-odatleri va bayramleri to'g'risida qimmatli ma'lumotlarni jamlaganligi bilan ahamiyatlidir. Shunga ko'ra u O'rta Osiyo va butun Sharq xalqlari uchun muhim tarixiy manba sanaladi.

Sulton Mahmud G'aznaviy Xorazmni zabt etgach, Beruniyini o'zi bilan G'aznaga olib ketadi. U Mahmudning yurishlarida ishtirok etadi. Hindiston safarida esa sanskrit tilini o'rganib, Hindiston tarixiga oid yirik asar yozadi.

To'rtinchi sinfda o'quvchilar Nizomiy Aruziy Samarqandiyning Sulton Mahmud va Beruniy haqidagi hikoyasi bilan tanishtiriladi. (B.195-196). Unda hikoya qilinishicha, bir kuni Sulton Mahmud G'aznada Ming chinor bog'idagi qasrining boloxonasida vazirlar, olimlar, shoirlar bilan o'tirib, birdan Abu Rayhon Beruniyga nazari tushibdi va uni imtihon qilmoqchi bo'libdi. "Qani ayt-chi, munajjim, men shu boloxona to'rt eshigining qaysi biri orqali tashqariga chiqishim mumkin? Fikringni qog'ozga yoz va shu yerdagilardan birontasiga, hatto o'zimga ham ko'rsatmay, men o'tirgan ko'rpachaning qatiga qistirib qo'y!" – debdi u Abu Rayhonga murojaat qilib.

Abu Rayhon usturlobni qo'lga olibdi, bo'r va taxtacha keltirishlarini buyuribdi. So'ng oftobning balandligini o'lchabdi, jadval tuzibdi, biroz o'ylanib turib bir parcha qog'ozga allanimalarni yozibdi va uni to'rt buklab sulton aytgan joyga yashiribdi. "Topdingmi?" – deb so'rabdi sulton. "Topdim", – debdi Abu Rayhon qo'l qovushtirib. Sulton qog'ozga tegmabdi, ustalarni chaqirtirib, boloxonaning kunchiqar tarafidagi devoridan eshik ochishlarini buyuribdi. So'ng o'sha eshikdan tashqariga chiqibdi, hayal o'tmay qaytib kiribdi. O'rniga o'tirgandan keyin ko'rpacha qatidagi qog'ozni olib o'qibdi. Unda "To'rt eshikning birontasidan ham tashqariga chiqmaydilar, balki kunchiqar tarafdagi devordan yangi eshik ochtirib, o'shandan chiqadilar" degan so'zlar yozilgan ekan. Sulton xunibiyron bo'lib, g'ulomini chaqirtirdi-da: "Abu Rayhonni qasr tomiga olib chiqib, yerga uloqtiringlar!" – deb amr qilibdi. Buyruq bajo etilibdi. Lekin u shu voqeadan sal ilgari sultonning ko'rsatmasi bilan tortib qo'yilgan soyabon ustiga tushibdi. Shuning uchun ham biron yeri lat yemabdi. Sultonning amri bilan uni yana boloxonaga olib chiqdilar. Sulton unga mug'ambirona boqib: "Ey, Abu Rayhon! Buni ham oldindan bilganmidim?" – debdi. "Ha, bilgan edim, sultonim", – deb javob qilibdi Abu Rayhon. "Buni nima bilan isbotlaysan?" deb Sulton unga o'qday tikilibdi. Abu Rayhon g'ulomini chaqirtirdi. U xojasining daftarini keltirib beribdi. Olim uning orasidan bir varaqni yirtib olib, sultonga tutibdi. Sulton qog'ozni o'qib ko'rib hayron bo'libdi va boshini quyi solib sukutga ketibdi. O'sha varaqda: "Meni falon kuni, falon joyda balandlikdan yerga uloqtirib yuboradilar. Lekin biron yerim lat yemay, sog'-u salomat qolaman", degan gaplar yozilgan ekan.

Bu rivoyatda Beruniyning nihoyatda bilimdon, zukko, topqirligi hayotiy uydirma asosida talqin qilinmoqda. Boshqa bir rivoyatda esa Beruniyning nega "Abu Rayhon" laqabini olganligi haqida hikoya qilingan. Aytishlaricha, uning zehni juda o'tkir ekan. Buni sezgan olim Abu Nasr uni o'ziga shogird qilib olibdi. Shunda Beruniy: "Biz kambag'al odamlarmiz. O'qish haqini to'lay olmaymiz. Onam bilan tirikchiligimiz zo'rg'a o'tadi. Men cho'lga qatnab, shaharga saksovul, cho'ldagi har xil giyoh o'tlar va ularning urug'ini olib keiib sotaman", – debdi. Olim esa: "Sendan haq olib boyib ketarmidim. Bepul o'qitaman. Seni voyaga yetkazaman. Qorningni to'ydirib, ust-boshingga qarab turaman. Sen yaxshi o'qisang, shuning o'zi kifoya. Ertaga shahardagi hovlimga onang bilan birga kel, gaplashib olurman", – debdi. Yigitcha quvonib ketibdi. Onasi esa Abu Nasrdek mo'tabar zotga bolasini jon deb topshiribdi.

Beruniy ustozidan hisob va handiasadan saboq olibdi. Yana bir yosh olim Abu Sahlidan arab tili va tibbiyotni o'rgana boshlabdi.

Bir kuni Abu Nasr Beruniyning bir dasta o't-o'lan ko'tarib kelayotganini ko'rib qolibdi va undan giyohlarning nomini so'rabdi. Shunda yigitcha: "Bu – olabo'ta. Yunoncha "ram-ram". Bunisi – za'far. Yunoncha "anixus", – debdi.

Xullas, Beruniy bolaligidan boshlab turli giyohlar va ularning xosiyatlarini bilishga qiziqqani uchun ustoziga unga "Abu Rayhon" laqabini bergan ekan.

Bu hikoya orqali o'quvchilar inson kamolotida ustozning o'rni beqiyos ekanligini his etadilar. Ustoz to'g'ri yo'lga soluvchi, otaday mehribon bo'lishini ang-laydilar.

Ma'lumki, Sulton Mahmud G'aznaviy juda ko'p olimlarni o'z saroyiga taklif qilgan. Ulardan biri buxorolik olim Abu Ali al-Husayn ibn Abdulloh ibn al-Hasan ibn Ali ibn Sinodir. U 980 yilda Afshonada tug'ilgan. Ibn Sino o'tkir qobiliyat egasi bo'lgan. uning falsafa, tibbiyot, astronomiya, zoologiya, botanika, geologiya, psixologiya, musiqa, axloq, mantiq, tilshunoslik va adabiyotshunoslikka oid qator asarlari mavjud. Ibn Sino badiiy ijod bilan ham shug'ullangan. Shuning uchun uni qomusiy olim deb aytishadi. Lekin Ibn Sino ko'proq tabobat ilmi bilan shug'ullangani bois shu sohada shuhrati ortiq bo'lgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga u haqda sodda uslubda shunday ma'lumot beriladi: "Abu Ali ibn Sino dunyoga mashhur hakim va olimdir. Asli ismlari Husayn bo'lgan. Yoshligidan ilmga, tabobatga qiziqqan bobomiz o'z kitoblari bilan dunyo tibbiyot ilmiga asos solgan.

Darhaqiqat, Buxoro amiri Nuh ibn Mansurni davolashda ishtirok etishi yosh tabibning dovrug'ini oshirib yuboradi. Bu paytda u 16-17 yoshlar chamasi bo'lgan. Buning evaziga u eng boy hisoblangan saroy kutubxonasidan foydalanish huquqini qo'lga kiritgan. Shu voqea haqida o'quvchilarga Mirkarim Osimning "Yosh hakim" hikoyasi orqali ma'lumot beriladi.

Husaynga ota-onasi yoshligidan yaxshi ta'lim-tarbiya berishgan. Uni muallim yollab o'qitgan edilar. Otasi o'lgandan keyin u tabiblik qilib kun kechira boshlaydi. Bir kuni vazirlarining maslahati bilan bemor amir Mansur Ibn Sinoni saroyiga chaqirtiribdi. Yosh hakim amirning tomirini ushlab ko'rib, tilini ko'zdan kechirib, uning kasalini aniqlabdi. Shu-shu amir tuzalibdi va yosh hakimga oltin bermoqchi bo'libdi. Lekin Ibn Sino oltinlarni rad etib, o'rniga saroy kutubxonasidan foydalanish uchun ruxsat so'rabdi. Amir ruxsat beribdi.

Ibn Sinoning kitobga mehri va ixlosli bo'lgani, hamisha ilm olishga, o'z bilimini oshirib borishga intilgani juda ko'p rivoyatlarda bayon etilgan. Shunday rivoyatlarga tayanib taniqli adib Mirkarim Osim u haqda "Kitobga mehr" va "Kitobga ixlos" hikoyalarini yozgan. (29).

"Kitobga mehr" hikoyasida bayon qilinishicha, Husayn ertalab bozorni aylanib yurgan ekan, ko'zi kitob ushlab turgan bir kampirga tushibdi. "Onajon, kitobingizni soturmisiz?" – debdi Husayn. "Ha, juda yaxshi kitob", – debdi keksa ayol. Yigitcha bor puliga kitobni sotib olibdi. Uni varaqlay boshlabdi. Bu kitobda Husaynni qiziqtirgan savollarga javob bor edi. Husayn bu kitobni kechasi bilan uxlamay o'qib chiqadi.

Rivoyatlarga qaraganda, Ibn Sino mashhur yunon faylasufi Aristotelning "Metafizika" kitobini o'zi o'qiganida tushunolmagan ekan. Bir kuni bozorga bor-

ganida, tasodifan keksa ayol qo'lida Forobiyning "Metafizika"ga yozilgan sharh kitobini ko'rib qolibdi va sotib olibdi. Shundan so'ng u Aristotelni uqibdi. Demak, Mirkarim Osim shu rivoyat syujetini qayta badiiy ishlagan holda Ibn Sino haqidagi mazkur hikoyalarini yozgan.

Mirkarim Osimning "Kitobga ixlos" hikoyasida "Kitobga mehr" hikoyasidagi voqealar biroz boshqacha yo'nalishda talqin etiladi. U tafsilotlarga ham boy. Bu hikoyada voqelikka kirish sifatida urushlar oqibatida qo'shinidan ajrab, zaiflashib qolgan Buxoroning son-sanoqsiz ko'chmanchilar tomonidan bosib olinishi, talon-taroj qilinishi tasvirlangan.

Ibn Sino esa bu vaqtda bor alamini kitobdan olar, yarim tungacha o'tirib mutolaa qilar, yozar edi. Bir kuni kechasi uyqusi kelib, ko'ziga qum tiqila boshlaganda, uyqu qochadigan dorisini ichib, hovliga tushadi. Odati bo'yicha osmonga qarab, Hulkar yulduzi qayerga kelganini bilmocchi bo'ladi. Lekin shu payt Registon tomon qizarib, osmonga uchqunlar sachrab turganini sezadi. O'qtin-o'qtin olovning qip-qizil tillari qorong'i osmonni yalar, uzoqdan qiy-chuv ovozlar eshiltardi. Yosh hakimning yuragi bir ofatni sezgandek dukullab urib ketibdi. Darrov kavush-mahsisini, choponini kiyib, onasini uyg'otibdi. "Onajon, Registon maydoni yaqinida bir uyga o't tushganga o'xshaydur, borib bilib kelay, qo'limdan kelgancha o't o'chirishga yordam beray", - deydi u. Onasi: "E, qo'ysang-chi, o'g'lim. Sensiz ham o't o'chiruvchilar topilib qolar" deyishiga qaramay, Ibn Sino "Yo'q, bormasam bo'lmaydur" degancha ketadi. Yosh yigit ko'ngliga kelgan shubhani onasiga aytishdan ham qo'rqardi. "Bordi-yu, agar... yo'q, yo'q, bu mumkin emas. Necha yuz yillab to'plangan ilm-fan xazinasining kuli ko'kka sovrulishi mumkin emas".

Ibn Sino halloslab Registon maydoniga etib keladi. Ko'rsaki, haqiqatan ham, unga qadrdon va aziz bo'lgan yirik va muhtasham kutubxonaga qaysidir g'alamis va gumroh o't qo'ygan ekan. Yigit ko'nglini ezayotgan shubha haqiqat bo'lib chiqqanini angelaydi. Yuzlab kishilar qo'lma-qo'l chelak uzatib, maydon o'rtasidagi hovuzdan suv bilan kitobxonaga tushgan o'tni o'chirishga urinar edilar. Madrasa talabalarining, tevarak-atrofdagi mahalla ahlining jonbozligiga qaramay, yong'in borgan sari kuchayar, qimmatli kitoblarni ajdarhodek yutayotgan alanga quturib, hujra eshigidan tutun aralash chiqib turar edi.

Chelaklab sepilgan suv unga kor qilmas, aksincha, moydek ta'sir qilayotgandek edi. Ibn Sino boshida chelaklab suv tashib o't o'chirayotganlarga qarashib turibdi. Keyin ko'pchilikning hafsalasi pir bo'lganini ko'rib, g'azabiga chidolmay, olov chiqib turgan bir hujraga o'zini uribdi. Bunda tibga doir kitoblar saqlanardi. Odamlar Ibn Sinoni tutib qololmabdilar. Bir necha daqiqadan keyin etagining yonayotganiga ham parvo qilmay, u bir necha kitobni quchoqlab chiqibdi va "Bu qanday falokat, qanday mudhish falokat!" - debdi Ibn Sino yig'lamoqdan beri bo'lib. Shunda bir chol xo'rsinib: "Ha, baxtsizlik, ammo bilib qo'yingki, dunyoviy ilm dushmanlari ma'rifat chirog'ini o'chirolmaydilar".

Shuncha urinib yong'inni so'ndira olmagan odamlar birin-ketin uy-uylariga tarqalishibdi. Ibn Sino xuddi yaqin bir kishisini ko'mib, qabristondan qaytgan kishidek boshini quyi solib, yarim-yorti kuygan bir necha kitobni qo'tliqlagan holda uyiga jo'nabdi...

Buxoro ko'chmanchilar qo'liga o'tgandan keyin ilm-fan ahllari quvg'in ostiga tushibdi. Ibn Sino qora quzg'unlar uyasiga aylangan shaharni tark etishga majbur bo'libdi. "Men erkin o'ylab, erkin yashashga o'rganib qolganman" deb, u Buxorodan chiqib, Gurganj tomonga, Sulton Mahmud G'aznaviy saroyiga yo'l olibdi.

"Ibn Sinoning shogirdlari" rivoyatida aytilishicha, tabiblarning tabibi Ibn Sino kunlardan bir kuni qattiq og'rib, ko'rpa-to'shak qilib yotib qolibdi. Ibn Sinoning shogirdlari, eng yaqin do'st-birodarlari yig'ilishibdi. Ular yaxshi so'z aytib, ulug' tabibning ko'nglini ko'tarishga harakat qilishibdi. Shogirdlari ustozlarini dori-darmonlar bilan davolashga kirishibdilar. Lekin Ibn Sino umri nihoyalab qolganini aytib, shogirdlariga shunday vasiyat qilibdi: "O'rnimga besh zo'r tabibni qoldirib ketyapman. Bular: tozalik, parhez, badantarbiya va ikki mijoz tarbiyasidir. Doimo pokiza, ozoda bo'lishni unutmang. Ko'ringan ovqatni eyavermaslik, apil-tapil ovqatlanmaslik, ovqatlanishda parhez me'yorini bilishlik lozim. Badan a'zolarini harakatsiz qoldirmaslik, mijozni unutmazlik, kayfiyatni yaxshi tutishga harakat qilish kerak. Mana shularga amal qilinsa, kasallanish u yoqda tursin, bevaqt o'lim ham orqaga chekinadi", - debdi. Yana Abu Ali ibn Sino davolayotgan kasallariga shunday der ekan: "Biz uch tarafimiz - men, sen va kasallik. Agar sen men tarafga o'tib olsang, u yengiladi. Agar u tomonga o'tib olsang, ikkalangni yengishim qiyin".

Ko'rinadiki, mashhur tabib insonlarga salomatlikni asrash borasida juda ko'p o'gitlar aytib qoldirgan. Ularni o'qigan o'quvchi, albatta, tabiblar ustozining o'gitlariga amal qilishga chog'lanishi tabiiy. Shuni inobatga olib, taniqli bolalar shoiri Po'lat Mo'min "Ibn Shifo bobo - ulashar davo" sarlavhali o'gitlardan iborat to'rtliklarini yozib, o'quvchilar e'tiboriga havola qilar ekan, unda bevosita ulug' hakimning yuqoridagi o'gitlarini asos qilib olgani seziladi:

*Xom suvni ichma,
Sog'liqdan kechma.
Badantarbiya -
Kuch etar hadya.
Yo'lda yeyish non,
Yomondan yomon.
Yeb bo'lib ovqat,
Yugurma faqat.
Yurmoqlik iflos,
Kasalga asos.
Eng vaqtichog'lik,
Sog'liq va sog'liq.
Oshni taklifsiz -
Boshlar tartibsiz.
Toza kiyinish -
Emas qiyin ish.
Ustingda engil
Bo'lsin u yengil.*

*Pashshadan kasal –
Tarqar har mahal.
Pasta, tish cho'tka
Chiqmasin chetga.
Og'rimay desang,
Chay, meva yesang.
Ozoda hovli –
Kasaldan xoli.
Dardning og'iri,
U – tish og'rig'i
Ko'p dardga asos
Shamollash, xolos.
Emlashdan qo'rqish
Dardga yo'liqish.
Hadeb voy-voylash,
Yomonlik poylash.
Kim harakatda,
Sog'lom, albatta.*

Boshlang'ich sinf o'quvchilari e'tiboriga qarata Mirzo Ulug'bek haqida bunday deyiladi: “Ulug'bek bobomiz osmondagi yulduzlarni sanagan. Har bir yulduzning joyini aniqlagan.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari Mirzo Ulug'bek haqida “Buyuk munajjim” (30-bet) hikoyasi orqali tanishadilar. Unda shunday deyiladi: “Mirzo Ulug'bek ham podshoh, ham olim edi. U kishi Amir Temurning nevarasi bo'lgan. Mirzo Ulug'bek o'n besh yoshidan boshlab podshohlik qilgan. Qirq yillik podshohlik davrida ko'p savob ishlarni amalga oshirgan. Samarqandda rasadxona qurdirgan. Rasadxonada osmon, oy, yulduzlar kuzatilgan. Shuning uchun u kishini buyuk munajjim, olim va shoh deyishadi.

Yana boshlang'ich sinf o'quvchilari Po'lat Mo'minning “Ulug'bek bobom” she'ri (104-bet)ni ham yod olib, o'rganishlari ko'zda tutilgan:

*Osmonlarda nur ko'zlaringiz,
Charaqlaydi yulduzlaringiz.
Amir Temur ruhi bo'lib yor,
Yashnamoqda bu ozod diyor.
Samarqandda bordaysiz mudom,
Ey munajjim, Ulug'bek bobom.
Fan ko'ksida yashaysiz hamon,
Ardoqlaydi jahon-u zamon.
O'chmagaydir hech izlaringiz,
Biz – erdagi yulduzlaringiz.*

Ikkinchi sinflar uchun tuzilgan “O'qish kitobi”ning “Ma'naviyat qalb quyoshi” bo'limida (26-bet) Husayn Voiz Koshifiyning “Salomlashish odobi” xususidagi

suhbati keltirilgan. Unda shunday deyiladi: “Salom – salomatlik ma’nosini ifodalaydi. Agar sendan necha mavridda salomlashish kerak, deb so’rasalar, yetti holatda, deb javob bergin. Avvalo: yor-u do’stlarni, aka-ukalarni ko’rganda salomlashish kerak. Ikkinchi: jamoat joylariga borganingda salom berishing lozim. Uchinchi: biror xonadonga borsang, u yerga salom berib kirgin. To’rtinchi: bir yerda jam bo’lib o’tirgan kishilar davrasiga kirsang, salomlashgin. Beshinchi: kishilar huzuridan turayotganingda ham salomlashishni unutma, uni vidolashish (xayr-u xo’sh) salomi deyiladi. Oltinchi: maqbaraga, qabristonga borsang, salom ber. Yettinchi: o’z xonadoningga kirganingda ham oila a’zolaringga salom berishni kanda qilma.

Hammomda salom berilmaydi. Qazoyi hojatlardagi kishilarga, baland ovoz bilan qiroat qilayotgan odamlarga salom bermaydilar. Otliq piyodaga, turgan odam o’tirganlarga salom berishi lozim. Kichiklar kattalarga, yolg’iz odam jamoat bo’lib turganlarga salom beradi. Salom berayotgan kishi ochiq chehrali bo’lishi darkor. Imo-ishora bilan emas, ovoz chiqarib salomlashish kerak. (260-bet)

Ko’rinyaptiki, bu suhbatda bolalarga qaysi holatlarda salomlashish kerakligi, qanday holatlarda salom berilmasligi xususida o’git berilmoqda.

Umuman aytganda, dono bobolarimiz hikmatlari ko’chma ma’noda tuganmas xazinadir. Haqiqiy xazinadagi tilla-kumush kamayadi, hatto tugashi mumkin. Lekin bobokalonlarimizning aql-zakovati bilan yaratilgan asarlarni, ulardagi hikmatlarni o’qigan odam tuganmas xazinaga ega bo’ladi, aqli boyiydi. Aqli boy odam hatto o’limni ham engishi mumkin.

III БОБ
XX-XXI АСР ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ ТАДҚИҚИ
ВА ТАЛҚИНИ



Бахтиёр Назаров,
академик, филология фанлари доктори,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
(Ўзбекистон)

ЗАМОН ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ

Замон ва Абдулла Орипов шеърияти деган мавзу хусусида мулоҳаза юритиш бу – биз яшаётган замондаги улкан ҳодисаларнинг шоир ижодида қолдирган изларини эътироф этиш ёхуд шоир дунёқарashi ва асарларида замондаги муҳим жараёнлар ёритишдангина иборат бўлмай, ана шуларнинг таъсири натижасида Инсон қалби ва тафаккурида рўй берган силжиш, ўзгариш ва янгиланишлар, қувонч, азоб ва идеалларнинг қай даражада бадий гавдалантирилгани ҳамда акс таъсир тарзида жамият, замондошлар қалби ва шуури қай даражада таъсир ўтказганини аниқлашга ҳаракат қилишдан иборатдир.

Жаҳон фалсафасида замонга: ҳодисалар, жараёнларнинг кетма-кет ва давомийликда содир бўлиши, деб таъриф берилади. Бадий адабиёт нуқтаи назаридан эса замон деган тушунчага бирмунча бошқачароқ ёндашамиз. Энди замоннинг асосий хусусиятини ҳодиса жараёнларнинг ўзигина эмас, шу ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқарган ва, ўз навбатида. Уларга таъсир этган инсон, унинг тафаккури ва қалби ташкил этади. Бадий адабиётда, дейлик, шеъриятда **замон** инсон тафаккури ва қалби; тузум, жамият, мамлакат, кенгроқ олганда, инсоният ҳаётининг муайян тарихий босқичидаги яшаш тарзи ва дунёқарашда салбий ёки ижобий ўзгаришлар ясаётган, эврилишлар пайдо қилаётган замон ҳодисаларига шоир муносабати ҳамда шу муносабатнинг акс садоси тарзида намоён бўлаётган бадий дунё сифатида зухур топади.

Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига XX асрнинг 60-йилларида кириб келди. Унинг асарлари билан ўзбек шеъриятига мураккаб инсон, унинг қалби ва идеаллари билан алоқадор мураккаб муаммолар кириб келди. Тўғри, бу босқич ўзбек шеъриятида, дейлик, Е.Евтушенко асарларидаги Чехословакияга қўшин киритилиши муносабати билан умуман шўро қиёфасидаги босқинчилик кескин фош этилган: “Танки топгай Прагу, Танки топгай “Правду” каби очик, исёнкор руҳ сезилмаса-да, ўзбек шеърияти, хусусан, Абдулла Орипов учун ҳам замоннинг энг долзарб муаммоларини бадий талқин этиш, талқин этганда ҳам, янгича бадий оҳорларда кўтариб чиқиш муҳим саналади.

Замон шеърияти, шўро поэзияси Инсоният бошига катта фалокатлар келтирувчи урушни аюҳаннос солганча қоралаб, ёмонлаб турган бир вақтда, А.Орипов бу ғоянинг янгича бир бадий талқинини топа олди.

*Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,
Юлдуз қилиб отдинг осмонга ўзни.*

*Кўзғата олмадинг ўрнидан бироқ,
Аскар елкасида турган юлдузни, –*

деб ёзди шоир улкан бир ижтимоий маънони лирик оҳангда бундан деярли 45 йил аввал (1965).

А.Орипов учун замоннинг ана шундай – бани инсоният учун муҳим муаммоларини куйлаш, “она сайёра”, “Генетика” каби башарий шеърлари ҳам хос бўлса-да, унинг ижодига ўз халқи, ўз Ватанининг замон бағрида нола чекиб ётган дардларини куйлаш ва бадий акс эттириш муҳимроқ ўрин тутишини кузатамиз.

Бундан 50 йил аввал ёзилган (1962) “Куз хаёллари”даги

*Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен:
“Яшагин-у бироқ япроқ бўлма сен”, –*

дейилган мисралардаги дард, табиат манзарасидан кўра ўз халқининг ўзгалар оёғи остида хазондек эзилмаслигини ишташ замиридан чиққан нолалар эди.

А.Ориповнинг шўро даврида ёзган кўплаб шеърларида коммунизм улуғланганини, коммунист қиёфаси кўкларга кўтарилганини, Ленинга жуда катта эҳтиромлар кўрсатилганини кўрмаслик мумкин эмас. Лекин бундай замонасоозлик фақат А.Орипов эмас, умуман тузум ва шўро адабиётининг касали эди.

Лекин шоир ижоди тарихи шуни кўрсатадики, ҳатто шўро мафқураси энг авж олган паллаларда ҳам бу масалага у кўр-кўрона ёндашган эмас. Улуғ, буюк деб кўкларга кўтарилган ғояларга иштибоҳ шоир ижодининг деярли барча босқичлари учун хосдир. Мана биргина “Чол ва коммунизм қиссаси” (1965) шеърига назар ташлайлик. Кимдир шеърда коммунизмга чексиз садоқат куйланган, дейиши мумкин. Мен эса, шахсан, асарда бунинг аксини кўраман. Ёдингизда бўлса, асарнинг қайси бир лавҳасида чол хаёлидаги коммунизмни куриб бўлай, деганда, нос кургур хумор қилиб қолади. Шоир ёзади:

*Алам қилмайдим, бир отим нос деб,
Қайтиб келсанг, ахир коммунизмдан.*

Кўп ўтмай чолнинг тилидан айтилган яна ушбу гапларни ўқиймиз:

*“Отимни бошқатдан қўйганим бўлсин,
Ўша коммунани қурмасам агар”.*

Шеър ниҳоясида, яқинда чол томонидан “умумдастурхонда умумзиёфат” берилгани айтилади. Бу хабар ҳам, ҳарқалай, шоир идеалидаги коммунизм ҳақидаги тушунчанинг ҳаётдаги реал асослари анча заиф бўлганига ишора қилмаяптими, деган таассурот қолдиради.

Шоирнинг коммунистларни улуғлаган шеърлари оз эмас, дедик. Тўғри. Лекин унинг “Сафлар поклиги деб” номли шеърида қуйидаги каби мисралар ҳам бор.

*Коммунист, оҳ, менинг жафокаш иним,
Жаҳоний ғам билан машғул бир инсон.
Афсус, сафингда бор қанча беқўним,
Афсус, сафингда бор қанчалаб нодон.*

Шўро сиёсати, мафкураси от устида ўтирган бир пайтда бундай мисралар, бундай шеърларнинг ёзилиши Абдулла Ориповни XX асрнинг улкан жасоратли ва журъатли ижодкорлари қаторида туришга ҳуқуқ беради.

Замон ва Абдулла Орипов шеърляти деган мавзуда сўз борар экан, шоирнинг баъзан ғайрихитиёрий равишдаги башоратлари, беихтиёр равишда “онг оқими” тарзида тушган мисраларига: ҳам қойил, ҳам ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ. Шоирнинг Ленин 100 йиллигига бағишлаб ёзилган юксак пафосли, ҳис-ҳаяжон билан тўлиб тошган бир шеъри бор. Уни шоир ихлосмандлари яхши биладилар. Унда шўролар ҳокимиятининг асосчиси ва пролетариат доҳийси юксак мақомларда улуғланган, албатта. Зотан, шеър 1969 йил ёзилган. Лекин асарнинг ҳайрон қоладиган жойи шуки, шеърни ўқиш давомида, асар ёзилган замон Ленин 100 йиллиги арафаларигина эмас, худди, айнан ҳозирги кунларимиз, яъни асар ёзилганидан салкам ярим аср кейинги ҳолатлар ҳам ўзининг реалистик ифодасини топгандек таассурот қолдиради. Мана эшитинг:

*Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан ҳатто,
Қай бир ёвуз кимсани яхши дерлар эрта кун.
Наҳот, дейман, дунёда, собит нарса йўқ асло,
Наҳотки етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун.
Дейдилар, ҳар замоннинг бордир ўз тарозиси,
Оҳ, нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат,
Мангулик салтанатнинг қанча-қанча кўзгуси,
Офтоб олдида шамдай ялтираб қолди фақат.*

...

*Ҳа, садақа кам эрур мангулик халтасида
Пайҳон бўлур саройлар, қанча юксак қабрлар,
Гоҳ оддий тасодифнинг оддий бир ҳамласида
Капалак қанотидай учиб кетар қасрлар...
Балки замонлар ўтиб, даврлар шамолида,
Совурилар қанча зот, яна қанча буюклик,
Ўйлайман мангуликнинг ойнаи жамолида,
Ким қоларкан севгидай абадий ва суюклик*

Шоир бу мисраларни Ленингача бўлган тожу-тахтлар ҳақида ёзипти, сўнграқ бориб, асар ниҳоясида Ленин ана шундай абадиятга дахлдор, демокчи бўлади. Лекин тарих кўрсатдики, Лениннинг ўзи ҳам худди юқоридаги мисраларда айтилганидек, абадиятга номуносиб бўлиб чиқди.

Абдулла Орипов замондаги воқеа-ҳодисаларни эмас, шу воқеа-ҳодисаларнинг замондошлар қалбида қолдирган изларини тасвирлайди ва ўз

ниятларини абадийликка дахлдор маънавий муаммолар билан узвий яхлитликда ёритади.

XX асрни космик аср дедик. Бу тараққиёт улуғланган не-не асарлар яратилмади. Абдулла Орипов эса ҳазил-мутойиба тарзидаги “Култ-култ” асари билан бу масаланинг ўзига хос инсоний қирраларини очди.

Ўзга планеталиклар билан алоқа, учар тарелкалар ҳақида не-не асарлар юзага келмади. Абдулла Орипов “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” асарида бу масаланинг ўзига хос равишда ёритилган асар намунасини берди. Меҳр ва фақат меҳргина, наинки планетамиздаги инсонлар аро, балки ўзга сайёрадагилар билан ҳам ўзаро яқинлашувнинг бирдан-бир мезонидир деган ғояни илгари сурди шоир ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ниҳоятда халқона бўлган бу асарида.

XX аср илмий-техника тараққиёти асри дейилди. Уни улуғлаган турли йўналишдаги чексиз асарлар ёзилди. Бу масалада ҳам Абдулла Орипов ўз овози, ўз созини намойиш эта олди. “Темир одам” шеърида роботлар яратишгагина берилмай, атрофимиздаги на меҳри, на муҳаббати, на қалби, на севинчи сезилмайдиган “жонли темирлар” ҳақида кўпроқ ўйласак бўлмай-дими, деб чиқди. “Кўриқхона” шеърида эса йўқолиб кетаётган жониворларни асраш учун кўриқхоналару, қизил китобларнинг ташкил этилиши маъқул, бироқ, имон, виждон, садоқат, жасорат, фидоийлик каби ноёб инсоний хислатларни эҳтиёт қилиш, асраш замоннинг энг муҳим муаммоси эмасми деган масалани ўртага ташлади. Абдулла Ориповнинг бу бадиий концепцияси XX асрнинг 2-ярмидаги собиқ Шўролар Иттифоқи мамлакатларидаги ичидаги энг илгор концепциялардан бирига айланди.

А.Орипов шеърлари замон билан кучли алоқада бўлиб, унинг талабларини ўзида акс эттиради, тўғри, лекин бу шеъриятни фақат замон билангина боғлаб қўйиш мумкин эмас. Замон Абдулла Орипов шеъриятида поэтик эврилишлар асносида абадиятга дахлдор муаммоларни кўтариб чиқиш ва акс эттириш даражасига кўтарилади дейиш мумкин.

А.Орипов нималар ҳақида ёзмасин замоннинг энг муҳим дарди, деб ўз халқи билан алоқадор муаммоларга қаратади. Пахта яккаҳоқимлиги билан алоқадор муаммоларга катта аҳамият берди, Ватан тақдири, бугуни, келажаги билан алоқадор масалалар шоир учун замоннинг энг долзарб муаммолари бўлиб қолди. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Ўзбекистон” сингари асарларда шоир шу маънода ўз қалби ва замон, абадият нуқтаи назаридан қаралувчи муаммоларини ёритди.

Абдулла Орипов 1966 йил “Жаннат” деган шеър ёзди. Бир қараганда шеър ҳазил-мутойибага бағишлангандек. Бироқ унинг замирига замоннинг, тузумнинг жуда катта дарди яширинган эди:

*Жаннат деб кўрсатдим боғчани андак.
Майли, болага бу ўйин бўлади.
Лекин катталарга сўйламанг эртак,
Улардан қутулиш қийин бўлади.*

Бу ўша вақтдаги бутун инсониятни ишонтиришга интилиш бўлаётган “коммунизм” эртаги ҳақида ўзбек шоирининг замон устидан чиқарилган ўзига хос бир поэтик ҳукми эди.

Замон дардини, миллат дардини, халқ орзу-умидини кўтариб чиқиш учун, халқни уйғотиш учун, унинг кўзини очиш учун ва бу йўлда цензуранинг даҳшатли ойболтасига тўғри келиб қолмаслик учун Абдулла Орипов шартлилик, рамзийлик, кўпқатламлилиқ, мажозийлик, тағзаминлилиқнинг турли-туман шаклларини бадий муомалага киритишга интилди.

Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат.

Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан.

Яшаб қолармикан шеърим оқибат?

Озод бўлармикан нотавон Ватан?

Наҳотки, шоир 1971 йилда шу қадар очиқ-ойдин истиқлол, озодлик ғоясини илгари суролган бўлса, деган иштибоҳ ҳар биримизнинг қалбимизда уйғониши шубҳасиз. Ҳа, Абдулла Ориповнинг усталиги, маҳорати ҳам шундаки, бундан 40 йил аввал худди шу фикрларини матбуотда эълон қилолган эди. Бу юксак ғояли бадий фикрларни шоир Некрасов тилидан айта олган, шеър ҳам “Некрасов ҳасрати” деб аталган эди.

Ёки, мана унинг яна бир шеъри: “Авлодларга мактуб”. Агар ёдингизда бўлса, Р.Рождественскийнинг “Письмо в тридцатый век” номли достони ҳам шу вақтларда битилган эди. 1963 йилда ёзилиб, 1965 йилда китоб ҳолида чоп этилганди. А.Ориповнинг “Авлодларга мактуб”и Тошкент зизиласи муносабати билан 1966 йилда ёзилган (юқорида айтилган “Жаннат” шеъри ҳам шу йил ёзилган).

Замон ва Абдулла Орипов шеърияти деган муаммо хусусида гап борар экан, бу асарга алоҳида тўхташга тўғри келади. Зилзила офатларини бар-тараф этишда, маълумки, мислсиз жасоратлар кўрсатилди. Ўзаро ёрдам, биродарлик, бунёдкорлик масалалари, шу маънода, асарда, ўзининг гўзал поэтик ифодасини топди. Бироқ асарнинг туб моҳияти, қиммати бунда эмас, бошқа нарсада.

Аммо қолмай дерман шеър гуноҳида,

То виждон қошида чўкмагайман тиз.

Дўстлар, жасоратни гоҳи-гоҳида

Бироз кўпиртириб ёзар эдик биз.

Эътибор беринг-а! Кўпиртириб ёзишлар ҳақида шоир элни-юртни бу дард кенг ошкор бўлишидан, деярли 20 йил аввал огоҳлантиряпти. Бу ҳам, майли. Шеър ниҳоясида муаллифнинг, асар лирик қаҳрамонининг набира-ларга йўллаган бир нидоси бор. Бундай фожиа, яъни зилзила юз йилда бир қайтарилиши мумкин. Ҳар қандай фожианинг чорасини топиш мумкин. Лекин чорасин топиш мушкул шундай фожиалар ҳам борки, улардан худо асрасин:

*Тупроқ кўзғолмасдан ўрнидан бадтар,
Солмасидан аввал даҳшат, қатағон.
Ер ости тинч турсин десангиз агар,
Сизлар ер устида сўзламанг ёлғон!*

Шоир идеалида инкор этилаётган бу ёлғон одамларнинг бир-бирига гапирилувчи шунчаки ёлғон-яшиқ гаплари эмас эди, албатта. Гап бу ерда жуда катта ижтимоий-сиёсий ёлғонлар, ваъдалар, алдовлар, ҳар бир халқ ўз миллий эркинлигига эга бўлиши мумкин деб айтилган юзсизликлари, хўжакўрсин учунгина қабул қилинган конституция-ю эркинлик-озодликлар ҳақида бораётганини хушёр шеърхон илғаб ола билади, албатта. Шоир 1966 йилги зилзила баҳонасида, унга бағишланган шеър баҳонасида шу замонда кечган уй-жойлардаги вайронагарчиликка муносабат билдириш билан чекланиб қолаётгани йўқ, замондаги бу вайронагарчиликдан ҳам қудратлироқ ва муҳимроқ бўлган руҳий ва маънавий фожиага ўқувчи эътиборини қаратяпти. Асарнинг асосий қиммати шунда.

Юқориди айтганимиздек, шоир ўзининг улкан мақсадларини барча шакллардаги шеърларида ишга солишга интилди. 1968 йилда ёзилган “Бу кун” шеъри:

*Чархи кажрафторнинг шеваси доим шул экан,
Васл уйида ғайр эли айлаб юрар ялло бу кун.*

Шеърда гап гўё анъанавий ошиқ-маъшуқ, ишқ-муҳаббат ҳақида бораётгандек, лекин аслида эса шоир шу йўналишдаги шеърда ҳам, бундан салкам 45 йил аввал Истиқлол ғояларини тараннум этишга муваффақ бўлади.

Бадий адабиёт учун замоннинг метрик-микдорий хусусияти эмас, сифатли-муаммоли, дардли-орзули, идеалга бевосита алоқадор хусусиятлари, айниқса, инсоннинг қалби, руҳи, маънавияти ва тафаккурида ўзгаришлар, янгиланишлар ясовчи жиҳатлари муҳимдир. Бу ўзгаришлар эса пировардида ҳаётни, жамиятнинг яшаш тарзини ўзгартиришга бевосита ёки билвосита таъсир эта олувчи кучи билан қимматлидир.

Замон Абдулла Орипов шеъриятида моҳият эмас, восита; шунга кўра, мақсад ҳам замонавийлик эмас, абадиятдир. Шоирнинг абадият ҳақидаги мотивлари унинг идеалидан сув ичади. Идеал эса яна бора-бора абадиятга боғланади. Абадиятнинг эса биз билган дунёвий ўлчови йўқ. Унинг мезонлари ва ўлчовлари бошқа. А.Орипов шеъриятининг икки қирғоғи бор: бири реаллик, иккинчиси орзу-идеал. Шоир шеърияти, унинг лирик қаҳрамонлари бошини дам у қирғоққа, дам бу қирғоққа уриб оққани оққан. Бу дарё ўқувчиларнинг чанқоқ қалбига доимо оби ҳаёт олиб киради. Даврнинг, замоннинг инсон қалбидаги миллат дардидаги долзарб муаммолари акс эттирилар экан, А.Орипов шеъриятида баъзан, фавқулодда, ислом фалсафаси, ислом маданияти нуқтаи назаридан қараганда эса ғоят фавқулодда, кутилмаган образларга дуч келамиз.

*Сен шеърга қўлинг чўзмагин, эй жоҳили нокас,
Бўлсанг-да худо, номингни шайтон ёзажакман, –*
дейди шоир (1967) ғазалларидан бирида. Шеър ёзилган вақтда – бундан, чамаси 45 йил аввал бу ўринда ношуд шоирга муносабат билдирилмоқда, деган фикрлар айтилди. Ҳозир, чуқурроқ ўйлаб қарасак, ундай эмас экан. Бу ўриндаги нокас жоҳил – ношуд шоир эмас, балки шоир шеърлари, шоир қалби, миллат қалби устидан ҳукмронлик қилишни мақсад қилиб қўйган, ҳатто ҳукмронликда салкам худолик даъво қилувчи босқинчи куч назарда тутилмоқда. “Бўлсанг-да худо, номингни шайтон ёзажакман”, – дейилишининг боиси шундан. Шу маънода бу мисранинг даҳрийликка, атеистликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шеърдаги “қўлни чўзиш” иборасида эса босқинчилик, ўзганинг насибасини (ҳам моддий, ҳам маънавий) ғорат қилиш, деган маънони англаш қийин эмас. Зотан, “қўл чўзиш”, “қўл узатиш”, “қўл тегишиш” ибораси ва унга юклатилган кўчма маъно шоирнинг бу шеъри ёзилишидан беш-олти йил аввал битилган бошқа бир кичкинагина шеърда ҳам учраган эди:

*Нега қўл текиздинг
Камбағалнинг
Ўғрилардан қолган молига, –*
деб ёзган эди ўшанда шоир.
Абдулла Орипов шеърятининг замон билан чамбарчас алоқадорлиги улкан ижтимоий-сиёсий муаммоларгина эмас, муҳим руҳий, маданий, ахлоқий-маънавий масалаларга муносабатда, айниқса, ўзининг ёрқин ифодасини топади.

*Сен бизни кечиргил, эй, наврўзимиз,
Ғафлатда чалғидик ул кун ўзимиз,
Юзингга шапалоқ тортиб юбордик,
Шўрпахта босамиз бугун ўзимиз.*

Бу тўртликдаги катта ва чуқур маънони англаш, тўғри ҳис ва идрок этиш учун унинг ёзилиш тарихини ва шунга монанд асарнинг маъно-моҳиятини билиш керак бўлади. Тўртлик шўро даври сиёсати ва мафқурасидаги ваҳшийликлардан бирини, миллат қалби ва маънавиятига қарши салб юришлардан бирини ва шу сиёсатга қарши боролмаганликнинг ўкинч ва афсусларга тўла бир манзарасини акс эттиради. Шўро сиёсати яқин-яқинларда мўътабар Наврўзимизни йўқ қилишга қилич яланғочлаган эди. Наврўз миллий, умумбашарий байрам эмас, диний ақидадир, ундан воз кечиш керак, дегувчи шўровий чақириқларга, айрим арбобларимиз мажбуран лаббай деб чиққан эдилар. Тўртлик замоннинг ана шундай бадиий муҳридир.

Замоннинг қатор маънавий-ахлоқий муаммоларини ёритиш А.Орипов ижодида, айниқса, Истиқлол даврига келиб кучайди. Бунга шоирнинг “Ҳикмат садолари”, “Ҳаж дафтари” шеърдаги туркум шеърлар далил бўла олади.

Гап бу ерда шеърятимизда, А.Орипов ижодида диний мотивларнинг, ислом маданияти ва фалсафаси тароналарининг кучаювидагина эмас. Аксар тадқиқотчиларимиз ушбу масалага, кўпроқ шу нуқтаи назардан эътибор берадилар. Бу – тўғри. Бироқ А.Орипов шеърятда бу масаланинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳам бор. А.Орипов бу йўналишдаги шеърларида исломий фалсафа ва маданиятни, закийлигини улуғлаш билангина кифояланиб қолмади. Унинг воситасида, айни вақтда, абадиятга дахлдор инсоний муносабатларни, бу муносабатлардаги мураккабликларни бадиий гавдалантирди.

Ҳожилар маънавий жиҳатдан баркамоллик йўналишидаги кишилар эканини биламиз. Бироқ инсон зоти шундай бир мураккаб хилқат эканки, ҳожиликнинг ўзиёқ унинг покдомонлиги учун кафил бўлолмас экан. Шеърларидан бирида шоир айтишича, Шайтон оралаб, бир ҳожи иккинчисининг ҳамёини уриб қўяди. Ҳатто қаерда денг, Маккада, ҳаж пайтида (бу тарихий, аниқ факт, сафарда шундай воқеа рўй берганининг гувоҳимиз, шоир ҳам, мен ҳам).

Шоир ёзади:

*Ўғри ҳожи эса мамнун ишидан,
Тинмайин саждага эгилар боши.
Нобакор банданинг бу қилмишидан,
Бадтарроқ қорайди Каъбанинг тоши.*

Ёки, мана яна бир мисол:

*Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,
Шайтон қолди дея чуқурда-чоҳда.
Манзилга қайтгандик, шайтон, во ажаб,
Бизни қутиб олди тайёрагоҳда.*

Шеър ҳазил-мутойиба тусини олган эса-да, унинг замирида ҳаётий муносабатлар, инсоний муносабатлараро доимо ҳукм сургувчи ва ҳеч қачон абас бўлмовчи мураккабликлар бизнинг ўзимиздадир, бизнинг бағримиздадир, шайтон ҳам, раҳмон ҳам ўзимизда, бу жараён ҳаётда узвий ва ажралмас бир бутунликда, дейилган поэтик фалсафа ётади.

Абдулла Орипов ижодида замон образининг ўзига хос тараннуми, айниқса, Истиқлол даврига келиб янада чуқурлашди. Мустақиллигимиз шарафини улуғлашда халқона руҳ янада кучайди. Бунга унинг “Ўзбекистон давлати”, “Ўзбекистон байроғи”, “Туркистон болаларига”, “Халқни асранг”, “Ватан”, “Ўзбекистон асри” каби ўнлаб шеърлари мисол бўла олади. Абдулла Ориповнинг бу босқич шеърят бадииятдаги баркамоллик жиҳатидан аввалги босқичлардаги шеърлари даражасида бўлмаса-да, замон талабидаги ўқтамликнинг, ижтимоий пафосга дахлдорликнинг ўзига хос талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу босқичда Абдулла Орипов шеърларининг салмоғи ва аҳамияти аввалги босқичлардагидан кам эмас.

*Фотиҳага қўл оч энди, бут бўлсин қаср,
Ўзбекистон асри бўлгай шаксиз бу аср,*
деб орзу қилади шоир XXI асрни.

Шоирнинг Мустақиллик даври шеърляти қалбидаги конфликтларни, ҳаётдаги зиддиятларни, мураккабликларни тасвирлашда бир мунча суст-кашлик қилаётгандек тасаввур қолдиради. Лекин, диққат билан қарасак, бадиият учун, бадий асар учун зарур бўлган бу унсурлар Абдулла Орипов шеърларига бегона эмаслигини кўрамиз. Шоир Мустақиллигимизни улуғлайди, шарафлайди, уни кўз қорачиғидек асрашга чақиради, лекин доим ҳам мадҳиябозликка берилавермайди. Олдимизда маъно моҳиятига муносиб равишда мураккабликлар, зиддиятлар мавжуд эканига эътибор қаратишни унутмайди. Мана унинг “Адолат офтоби” шеърдан мисол:

*Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали ётлар,
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо, не зотлар,
Шоҳ сурибсан, инжима, ғингшиса, агар мотлар.
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

Зотан, давр мураккаблиги, замон зиддиятларига эътибор беришгина эмас, уларнинг моҳиятини бадий таҳлил этиб, ўзининг мустақил поэтик кузатувлари ва хулосаларини кенг китобхонлар оммасига ҳавола этиш Абдулла Орипов ижодининг барча босқичлар учун хос бўлган хусусиятларидан биридир. Қайта қуриш даврларининг мислсиз талотўплари шу тариқа унинг “Ранжкўм” достонида бадий муҳрланди. Қайта қуриш, шўро тузуми ва у яратган идеалларнинг парчаланиб кетиши, бозор иқтисодиётига ўтиш билан алоқадор инсон руҳиятидаги ўта чуқур ва зиддиятли мураккабликлар унинг “Ишонч кўприклари”, “Фожиа” сингари теран ва чуқур шеърларида ўз ифодасини топди.

*Юздан парда кетса
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса,
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишонч кўприклари бузилса.*

*Болалар руҳига ҳаёт деган дарс,
Манманлик уруғин жойласа.
Ошиқлар кўчада маъшуқасин эмас,
Кимнингдир қадамин пойласа.*

*Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби
Бир-бирларин ғажиб есалар.
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,
Андишани кўрқоқ десалар...*

*Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа.*

*Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.*

Бу замонамиз кишиларини, замондошларимизни, шу жумладан, юртдошларимизни аста-секин содир бўлиб келаётган XX асрнинг саксонинчи йиллар охиридаги даҳшатли салбий руҳий эврилишлардан огоҳлантириш эди.

Абдулла Орипов идеалист эмас. Лекин айрим ўткир руҳий шеърларининг замирига назар ташласак, зилзила-ю, дарёларнинг қуриши каби табиат вайронагарчилиги сабаби табиатдан кўра, ўзимиздаги норасоликларга, номардликларга боғлиқ деган ғояни зимдан илғаш қийин эмас.

Ёки мана унинг яна бир шеъри. 1991 йил ёзилган бу шеър “Фожиа” деб аталади. Катта бир мамлакат, унинг турли миллатларга мансуб миллионлаб кишилари, халқлар таназзулга, заволга учради. Энг асосийси, не-не авлодлар, асл, мард кишилар жонини фидо қилган идеаллар яксон бўлди. Бу чиндан ҳам тарихда мисли кўрилмаган фожиа эди. А.Ориповнинг шеъри ҳам “Фожиа” деб аталади:

*Бахтлидир, ўз даврин заволин кўрмай,
Йўқликка равона бўлган инсон.
Бахтлидир, янглишиб, экканин ўрмай,
Шудгорин қайтадан бошлаган деҳқон.
Авлиё дегани ёвуз жодугар,
Доҳий деганлари каллакесар зот.
Набиранг ўзинга оғу тутса гар.
Дардингни кимга ҳам дегайсан, ҳайҳот.
Шаҳид кетмасмиди ўша жанг чоғи,
Фидойи бир аскар номини олиб.
Бугун на қалқон бор, на бор яроғи,
Мағлубдан садақа сўрайди ғолиб.
Оламда фожиа кўп эрур, бироқ,
Бунисин алами ҳаддан зиёда.
Оҳ, нечоғ даҳшатдир, тирик турган чоқ.
Умринг оёқ ости бўлса дунёда.*

Миллионлаб кишилар деярли сиғинган, не-не авлодлар умрини тиккан тузум, жамият, законнинг барбод бўлишига, юксак идеалларнинг юзтубан кетишига бағишлаб ёзилган асарлар юз-юзлаб экани шубҳасиз. Лекин улар ичида ўзбек шоирининг ёзган ушбу “Фожиа” шеъри ўзининг бадиий теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарда тарих ҳам, замон ҳам қораланаётгани йўқ. Унда тарих ва замон таҳлил этиляпти. Шоир юрагидан отилиб чиққан мустақил поэтик нидо эса бирорта ўқувчини безътибор қолдирмайди. Чунки бу шеър ичида жонли тарих ва жонли замондан ташқари, унинг вужудида ажралмас таркиб бўлиб яшаган жонли инсон, дардманд шоир бор. Дардманд шоир томонидан ёзилган дардли шеър эса, абадиятга дахлдордир.

БЕДОР ЮРАК ИҚБОЛИ

*Бедор бўл, бедор бўл, бедорларга ёр бўл...
(Ҳожа)*

Аннотация: Мақолада талантили шоир, таниқли таржимон, муҳаррир Усмон Қўчқор ижоди ўрганилган.

Аннотация: В статье изучается творчество талантливого поэта, переводчика, редактора Усмана Кучкара.

Abstract: The article examines the work of a talented poet, translator, editor Usman Kuchkar.

Калит сўзлар: Усмон Қўчқор, шеър, шоир, рубоий, илм, Бухоро, Султон Аҳмад Ҳазиний.

Ключевые слова: Усман Кучкар, стих, поэт, рубаи, наука, Бухара, Султон Ахмад Хазиний.

Key words: Usman Kuchkar, verse, poet, rubai, science, Bukhara, Sulton Ahmad Khaziniy.

Агар шарт-шароит, қандайдир бир муҳит ва издошлик бўлмаса, ҳеч бир ўлка, вилоят ёки тумандан олиму ижодкорлар етишиб чиқиб танилавермайди. Истеъдодли шоир ва яссавийшунос олим Султон Аҳмад Ҳазиний:

*Гар Самарқанд ганжи имон аст,
Вар Бухоро баҳри ирфон аст –*

агар Самарқанд имон хазинаси бўлса, Бухоро маърифат денгизидир дейди. Албатта, имон-эътиқодни қувватлантириб камол топтирадиган куч ва зиё манбаи илму маърифатдир. Илм ва ирфон ўчоғи, олимлар юрти сифатида Шофиркон наинки Бухорода, бутун Ўзбекистонда маълум ва машҳур. Жаҳонда Ҳожа Ориф Моҳитобоннинг номларини эшитганлар Шофирконни, албатта, билишади. Бу қадим заминда ўнлаб салоҳиятли олимлар билан изма-из ёки олдинма-кетин шоир ва адиблар ҳам туғилиб довруғ таратишган. Шулардан бири талантили шоир, серғайрат таржимон, толмас муҳаррир, таниқли жамоат арбоби Усмон Қўчқордир. У бутун борлиғи билан адабиёт одами, шеърият дилбанди, ҳақиқат ва тўғрилиқнинг содиқ бир навқари эди. Дунёни у кенг ва теран англади, ҳаётнинг ҳар бир воқеа-ҳодисасига мустақил, эркин нигоҳ ташлай биларди. Унинг шоирлигида ўзгача руҳий вазминлик, идрок меҳнати ва виқор бор эди. Тақдир Усмонни анча оғир, жудолик, мусибатли синовлардан ўтказди:

*Мен Ҳақ йўлини йитирдим, ўғлим,
Қоришганда ёлғон билан рост –
Боболардан мерос бу ўлим
Бўлар экан фарзанддан мерос.*

Бироқ инсонлик сабр-бардоши, шоирлик иродасига у содиқ қола билди. Балки шундан бўлса керак, гуё у шеърга эмас, шеър унга муҳтожга ўхшаб ҳам туюларди.

*Сўзлар шарҳ этолмас ҳолимни маним,
Сўзларнинг қурби йўқ, йўқдир мадори.
Менинг бу ёнганим, менинг куйганим –
Ёндим – куйдимлардан жуда юқори...*

Ҳақиқатда ҳам Усмон шодлик ва қайғу, умид ва умидсизлик кечинмаларини бошқача тарзда акс эттириб, такрорга ён бермасликка жаҳд қилган.

Бадий ижодда анъанага таяниш керак, ҳатто зарур. Аммо адабий анъана таъсири ва илҳом доирасидан четга чиқолмаслик эса қафасдаги булбулникадай ҳолга кўникаш билан қарийб тенгдир. Зоҳирий мусобақа ва зафарларга ўч қаламкаш буни тушунмайди, тушунса-да, тан ололмайди. Оқибатда очиқ ва ёниқ “менлик”дан маҳрум иддаочига айланиб қолади. Бевосита дид ва савияга таяниладиган бу нозик масалани Усмон бехато ҳал қила олганлиги туфайли ҳам шеърятда ўз йўли ва ўрнини топди. Изланиш ва илҳом унда яратиш ва янгиланиш завқини юксалтириб борди. Кўп қаламкашлар руҳий ўсиб-улғайиш нималигини фаҳмлолмай туриб – ботинан тўхтаб, турғунлашиб қолишгач, ўзларини “ватансеварлик бозори”га уришдан бўлак чора топишолмайди. Усмон бундай бозорчиликдан тийилган шоирларимиздандир.

Шу ўринда яна бир долзарб ҳақиқатни шарҳлаб ўтиш зарурга ўхшайди. Бугунги шоир, ёзувчи, хусусан, санъат соҳасига даҳлдор кишиларнинг нафс, қалб, руҳ борасидаги фикр-қарашлари ё мустаҳкам асосдан йироқ ёки умуман тахминийдир. Яқин ўтмишда ҳам нафс таврини қалбиникидан фарқлаш, нафс ва қалбнинг руҳ билан алоқасини имкон қадар аниқ тасаввур этиш, шунга қараб маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафс табиатиға хос хусусият ва ҳиссий ғалаёнлар билан жиддий қизиқмай, кўнгил ҳаёти ва ҳолатларидан сўз юритиш бесамар уринишдир. Айниқса, ҳавойи ва ҳаяжонпараст шоиру шоирларнинг юрак, дил, қалб, кўнгилга нисбат берган ҳис-туйғу, эҳтирос ва иштиёқлари Кўнгил орзу аъмолиға тамоман бегона бўлиб, улар нафсоний (кўпроқ жисмоний) ҳавас, ҳирс ва тасаввурларнинг тазаҳҳуридир. Олий истак, соф ҳиссиётни шаҳватдан ажратолмаслик эркакни ҳам, аёлни ҳам ичдан чалғитиб, тўғри йўлдан адаштиради. Шунини назарда тутиб, шу офатдан огоҳлантириб Мавлоно Румий бир рубойида ўз шаҳватинг, яъни чиркин ҳис, нопок ҳавасингни ишқ деб атама, чунки шаҳват билан ишқ орасидаги масофа бағоят йироқдир деган эди:

*Ту шаҳвати хешро лақаб ишқ ниҳй,
Аз шаҳват то ишқ роҳи бисёр аст.*

Бу зиддият, маънавий-руҳий тафовут моҳиятини англамасдан муҳаббат ва садоқат, гўзаллик ва латофат, поклик ва етуклик хусусида айтил-

ган шоирона гапларни вақт шамоли сомондай созуриб ташлайди. Сўнги қарийб бир аср мобайнида ўзбек шеърлятида севги-муҳаббат мавзусида ёзилган шеърлардан кўпчилигининг қалб ва шуурни сайқаллаш таъсирига қодир бўлолмаганининг бош сабаби мана шу. Усмон Қўчқор ошиқликни огоҳлик ва ўзни англашдан ажратганидек, ишқ жозибасини ҳирсу ҳавасдан фарқлайди:

*Кўнглим, не бўлибди Нух тўфонидек,
Чўққидан ишқ деган уммонга чўқсак.
Биз андоқ бир буюк ишқни танладик –
Ким, авом ишқидан минг бора юсак.*

Ақл ва тафаккурнинг ҳис-туйғуларга ҳоким бўлишига яқин-яқинларга-ча ҳам ахлоқий саодат деб қаралган. Нафсоний тушунчаси туйғудан ғолиб чиққан киши хотиржам ва бахтиёр бўлади. Ақлли, закий, билағон зотлар ва миллатлар эса эҳтироси тозаланмаган, ҳиссиётга берилувчан кимсалар ва элатлардан доимо устунликка эришиб, улар устидан ҳукм юритиб келишган. Зеро, бу дунёда чинакам куч-қувват ақл, фикр ва маърифатдадир. Йиллар ўтиб, ёши улғайган сайин Усмон Қўчқор орифона бу ҳақиқатга юракдан иқрор бўлиб ижод қилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Унингча, “ишқ муборак жунун” эди.

Усмон Қўчқорнинг “Ҳаяжонга кўмилган дунё” (1982), “Аксиз садо” (1986), “Уйқудаги минора” (1987), “Оғир карвон” (1991), “Чамангул” (1996), “Широқ” (2007) каби номлар билан чоп қилинган тўпламларидаги шеърларни ўқиган шеърхон кўз ўнгида нафаси тоза, нигоҳи ўткир, ўзига ишончи баланд, ҳалол ва самимий бир шоир қиёфаси гавдаланади. Маҳоратини йирикроқ жанрларда синаган Усмон Қўчқор “Қувғин” номли дoston, дунёга машҳур муҳаддис бобомиз Имом Бухорийга бағишлаб шеърлий драма яратди. Бу асарлар бир томондан ижодий уфқ ва шоир имкониятининг кенглигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан мухлислар сонини орттирди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳаминша ўз ўқувчисига эга бўладиган умри узоқ асарлардир.

Усмон Қўчқор шеърляти билан пухта танишсангиз, ўзбек шеърлятининг юсак адабий-эстетик анъаналари ва гўзал тажрибаларини давом эттиришга астойдил киришган ижодий шахсият билан юзлашасиз.

Шоир маҳоратига диққат қилинса, яратилажак шеърнинг маъно, тил, услуб “майдон”идан оҳанг, ранг, ҳол, тимсол сувратга томон ҳаракатланиши кузатилади. Ва ўзбекнинг ҳақпараст, инонч-этиқодига содиқ бир заҳматкаш шоири ўзига ўзи ҳайкал тиклаб кетганига инонализ. Дард чекиб, исён оловида ёниб, курашдан толиқмай яшашнинг якуний мукофоти аслида шу.

Усмон Қўчқорнинг адабий мероси билан қизиқсангиз, шоир ва муҳаррирлигидан гўё таржимонлигини илдамлатган мутаржимнинг ғайрат ва ҳимматига қойил қоласиз. Туркий халқлар адабиётининг айтарли ҳаммасини Усмон яхши биларди. Аммо унинг Насимий, Фузулий, Воқифу Ҳусайн

Жовидлар даҳосини жаҳонга танитган Озарбайжон халқи ва адабиётига муҳиблиги баланд эди. У Хусайн Жовиднинг икки драмаси – “Амир Темур”, “Шайх Санъон”, Юсуф Самад ўғли, Собир Рустамхонли, Анор, Юнус Ўғуз каби адибларнинг романларини ўзбекчалаштириб, таржима адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Усмон миллат ва маслак шоири бўлгани учун таржимада ҳам халқнинг ўзлигини англаш, асрий қуллик, мутелик ва маънавий ночорликдан қутулишга таъсир ўтказадиган ижод намуналарини танларди. У бежиз “Халқим, сени таниш, сени англашим – ўзимни англашдан бошланди”, – демаган эди.

Барча шоирлар каби Усмон ҳам табиат ҳақида, йил фасллари – қиш, баҳор, ёз, кузга бағишлаб кўп шеърлар ёзган. Бироқ улардаги мақсад, поэтик маъно, манзара, ҳар турли руҳий ҳолат тасвирлари бири олдингисини такрорламаганидек, ўзгаларникига ҳам ўхшамайди. Шундай фикрни шоирнинг тарихшунослиги ва тарихий мавзуда яратилган шеърлари хусусида ҳам айтиш керак.

*Ҳар гал Бухорони кезганда чандон,
Ваҳмага тушаман тошларга боқиб.
Манови – минора, манови – зиндон
Ва руҳлар ортимдан қилади таъқиб.*

Бухоро тарихини сиртдан эмас, ичкаридан билмоқчи бўлсангиз, тошлар, деворлар, меъморий обидалардан аввал ҳақгўй Дониш, донишманд Айнийга ўхшаб қум ва тупроқдан-да тарих тинглаш лозим.

Қадим Вардонхудоатлар салтанатининг пойтахти бўлган Вардонзе – Шопурқом давр ва замоннинг ақл бовар этмас фожиаларини бошдан ўтказган. Устоз Айний хотирасига бағишланиб, “Вардонзени босди қум, Истамзени босди қум” деб бошланувчи шеър шундай сўзлар билан тугатилади:

*Қочиб кетди нокаслар,
Ботир қолди, мард қолди.
Юракда ватан деган
Шодлик қолди, дард қолди.*

Сув балосимас, ўт офати ёки босқин кулфатимас, шофирконликларнинг ватанпарлик саботини синовдан ўтказган ўша қум тўфони бутун бошли шаҳар ва атрофдаги кентларни кўмиб ташлаган. Шофирконда баланд тоғ, азим дарё, мухташам ўрмон йўқ. Лекин бепоеън чўл ва саҳро этагида кун кечириб келган зиёли шофирконликлар кўнглидаги саҳройи бир кенглик, заминдай вазминликни Усмон шеърларида ҳассослик билан акс эттириб берганки, унинг **“Рангларга қўшилиб йиғладим ғамда // Рангларга қўшилиб шодмон юрдим мен”** деган эътирофига мен ҳеч шубҳаланмайман.

Бир жой, бир тупроқ фарзанди ўлароқ Усмон билан ўртада ботиний бир яқинлик, фикрдошлик ва ишонч бўлса-да, биз тез-тез учрашиб, узоқ-узоқ гурунглашмаганмиз. Лекин унинг маънавий-ижодий аҳволи билан қи-

зиқиб, дунёнинг ўткинчи ташвишлари илинжида ўзини ўтга-чўққа урмай, турланиб-тусланишлардан тийилиши мени доимо хурсанд этган. Унда камдан-кам шоиру адибларга насиб бўладиган маърифат завқи ва мукошафа илҳоми бор эди. Шарқ мумтоз адабиёти сир-асрорини у олимдан кам билмасди. Билганда ҳам, мустақил фикр ва зукколиқ шавқи билан биларди. Айрим китобларимга муҳаррирлик қилганида, бунга менда иштибоҳ қолмаган. Маълум бир пайтда унинг тасаввуф ва тасаввуфий адабиётга қизиққанидан ҳам хабарим бор.

Охирги марта Усмон билан улуғ озар шоири Низомий Ганжавийнинг Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасидаги “Махзан ул-асрор” достонининг тақдимот йиғинида учрашгандик. Мажлисда мендан кейин минбарга Усмон чиқди. Одатдагидай баъмани гапирди.

Эсимда, хайрлашиш олди у билан айрим озар шоир ва олим дўстларимиз ҳақида сўзлашдик. Озарбайжон халқининг баётий деб номланган бир шеърини унга айтдим:

*Озарни айирдилар,
Қўлини қайирдилар.
Мен сендан айрилмасдим
Зўр билан айирдилар.*

– Э, зўр экан... Буни бирор бир мақолада ишлатинг, – деди Усмон.

Ўша дийдорлашувдан кейин унинг сўзини ҳам, овозини ҳам мен бошқа эшитмадим. Кўп вақт ўтмай Усмон вафот этди. Бундай бўлишини ким ўйлабди, дейсиз? Ёки юқоридagi тўртликни унга бағишланган мақолада хотирланишини ким ҳам башорат эта оларди? Инсон умри ва толеи мавҳум, тасодифий, гоҳо мутлақо кутилмаган воқеа-ҳодисалар ҳамласидан иборатлигини ҳам унутмаслик лозим. Шунда ҳамиша хотирланадиган ва унутилишдан сақлайдиган ишларга кўп вақт, кўп куч сарфлайдиган Усмондай зотларнинг сафи, албатта, кенгайди. У дастлабки шеърларидан бирида она юртига қарата:

*Тириклигим ўзинг-ку, зотан,
Ўлимим ҳам сенга аталган.
Мен бетимсол муҳаббат билан
Айланаман бир кун Ватанга, -*

деган эди. Бу ишонч ва идеал тамалини бирини иккинчисидан ажратиб бўлмас туйғу ва тушунча ташкил этади. Бири эл ва юрт тақдири, шахс ва Ватан аҳволини ҳаққоний ёритиш изтироби:

*Бу ерларда бемалол ғамнинг
Дийдорига тўймоқлик мумкин.
Ярасига ҳар бир одамнинг
Қирқ пуд пахта қўймоқлик мумкин.
Бу ер ростдан ҳам Ватан бўлса,
Ажратолмай ёлғондан ҳақни,*

*Гар қирилик кетмаган бўлса,
Севмоқ мумкин бу ерда халқни.*

Иккинчиси, ҳар орзу-ю уриниш, ҳар қанақа алдамчи истак-иддаолардан инсон эрки, миллат озодлигини баланд қўйиш:

*Эрк – дунёда энг муқаддас дин,
Ҳурлик – дунёдаги олий мазҳабдир.
Ким агар ҳур бўлса – тавофга лойиқ,
Эркини англаган киши даҳодир.*

Чунки илоҳий ишқ ҳам, башарий муҳаббат ҳам фақат ҳурликда – фақат эркин одам кўнглида томир ёзади: **“Эрк талаб қилганда қул ҳақ эди, қул // Хожаси ҳақ эмас, ул ҳақ эди, ул”**.

Усмон “Курашлардан қочган шеърият” га қарши қаҳри қаттиқ шоирлардан. Унинг руҳида, ирода ва исёнкор шеърида кураш туйғуси етакчилик қилган:

*Барча сўзлар қўл қовуштириб –
Қўл беришар
КУРАШ отли
Қутлуғ каломга.
КУРАШ сўзи сўзликдан чиқиб
Айланиб кетади
Ватанга, нонга.*

Курашчан аждодлар, жасур ва ёвқур боболар бу эврилишни қон тўкиб, жон бериб, жон олиб, қайта-қайта исботлаб кетишган. Худди шу тарихий тажриба миллат қалби ва хотирасининг боқий бир қувватидир. Бу меросий қудратдан оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан айри этувчи мана бундай саволларга йўл очилади:

*Ким улар – мозийни минг рангга бўяб,
Нопок оёғи-ла тўрға чиққанлар?
Ким улар – минг йиллик қабрни ковлаб
Қуруқ устихонни дорга осганлар?*

Бундай ваҳшат ва ёвузлик тажрибаси нечоғлик йироқларга қолмасин, унинг дард-у алами курашчан зотларнинг дилида оғриқ кўзғаб, тўхтовсиз огоҳликка чорлайверади, албатта.

Усмон Қўчқор бирданига шоир бўлиб шаклланигани йўқ. Унинг ижод йўлида ҳам пасту баландлик, муваффақиятсизлиги муваффақият ўрин алмашиб турган. Бир шеърида у **“Оҳ, буюк замонга интилган эдим, Ё мен кечикдим, ё замон кечикди”** деб ёзганидек, ижодкорлик жабҳасида ҳам кечикиш, узилиш, гоҳо тўхташ, шеър меҳнатида сустлик ё саёзликлар бўл-

ган. Шоир дафъатан *“Ўзлигин топмоққа интилади шеър // Ҳали шеърнинг ҳамду саноси кўндир”* деган қарорга ҳам келмаган. Бироқ у умрининг сўнгги нафасигача юрак бедорлиги ва руҳоний огоҳликни бой бермаган. Шунинг учун ҳам улкан ёлғон ва ёлғончиликка қарши:

*Ўз қавминга бир умр магар
Сен-қу ёлғон сўйлаб толмассан.
Пиру муршид бўлсанг ҳам агар –
Фақат мени алдай олмассан, –*

деган эди. Маккор ва доғули дунёда бировни алдамай, бировга алданмай яшашдан зиёд таҳаммул, иқтидор ва ҳушёрлик бўладими?

Тириклигида Усмон Қўчқорнинг тузукроқ бирор китоби чиқарилмади. Ваҳоланки, шоирликда унга яқин йўлай олмайдиган қофиябозларнинг асарлари сифатли қоғоз, чиройли муқоваларда жилд-жилд қилиб нашр этилди. Бу ғирромликни ўшалар манфаати юзасидан изоҳловчилар ҳам топилади. Бироқ бизнинг мулоҳазаларимиз талантни кутиб олишни ҳам, охирагга уни кузатишни ҳам билиш хусусидадир. Ҳаммани ва ҳамма нарсани Усмон ташлаб кетди. Қалинроқ бир мажмуасини ҳаётлигида қўлга олиб варақлаганида, ҳар қалай кўнгли кўтариларди, албатта...

У шеърларидан бирида:

*Кўзи очиқ кетган оталар ҳақи
Болалар туғилгай кўзларин очиб,*

деган эди, илоҳо, шундай бўлгай. Илоҳо, Ўзбекистон Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Рауф Парфилар орзу қилган кўзи очиқ, руҳи уйғоқ замон ва ҳаёт саҳнасида ўзини кўрсатаётган эркин миллат ватанига айлангай. Ахир, Усмон ҳам:

*Ғаним хотирамни айлади ғорат
Ва етти пуштимни қилди ҳақорат.
Менинг қолган умрим – ўчдан иборат,
Ҳали олинмаган хунларим қолди,*

деганда она халқ, жонажон Ватан бошига Эрк ва Иқбол қуши қўнишини умид қилмаганмиди?! Акс тарзда замон замонасозлиги, давр маддоҳлиги учун унга марҳамат кўрсатиб, унинг бошини силарди...

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор (Ўзбекистон)

ВАДУД МАҲМУД ВА ФИТРАТ

Аннотация: Мақолада Вадуд Маҳмуд ва Абдурауф Фитрат ижодий йўллари хусусида гап юритилади.

Аннотация: В статье ведутся рассуждения о творческих путях Вадуда Махмуда и Абдурауфа Фитрата.

Abstract: The article discusses the creative paths of Wadud Mahmud and Abdurauf Fitrat.

Калит сўзлар: Вадуд Маҳмуд, Абдурауф Фитрат, мунаққид, театр, Чўлпон, асар, Вадуд Шакурий, газета, танқид, адабий жараён.

Ключевые слова: Вадуд Махмуд, Абдурауф Фитрат, критик, театр, Чулпон, произведение, Вадуд Шакурий, газета, критика, литературный процесс.

Key words: Wadud Mahmud, Abdurauf Fitrat, critic, theater, Chulpon, work, Wadud Shakuriy, newspaper, criticism, literary process.

Ўз даврида шоир Абдулҳамид Чўлпондан ғойибона “зукко мунаққид” баҳосини олган Вадуд Маҳмуд Абдурауф Фитрат ижоди хусусида 20-йиллар адабий жараёни ва адабий танқидчилиги, Фитрат ижодининг дастлабки босқичи тадқиқоти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча мақола ёзади.

Вадуд Маҳмуднинг фахр билан эслашича, (“Муаллим Шакурий” хотира-қисса), унинг Фитрат асарлари билан дастлабки танишувига муаллим Абдуқодир Шакурий сабабчи бўлади. Муаллим газеталарнинг бирида Туркиянинг таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлари хабарини топгач, 1912 йили сафарга отланди. Сафар жараёнида Истамбулда бўлади ва у ерда қўқонлик, тошкентлик талабалар қаторида таълим олаётган бухоролик Фитрат билан яқиндан танишади. Фитрат бу даврга келиб, зиёлилар оммаси ва талабалар орасида анча машхур эди. Унинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи” номли асарлари ва “Сайҳа” деб аталган биринчи шеърлар тўплами чоп этилган бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб ўта чанқоқлик билан мутолаа қилинар эди. Айниқса, “Сайҳа”си босқинчилар зулми остида эзилаётган халқни курашга, ватан озодлигига чорловчи кескин-исёнкор шеърларидан таркиб топгани учун унинг Туркистонда оммавийлашишини чор Россияси таъқиқлаб қўяди. Ўша пайтларда “Сайҳа”ни тарқатиб, тарғиб қилган киши сал бўлмаса қаҳрамонлик кўрсатган ҳисобланарди. Муаллим Истамбулдан юртига қайтар экан, Фитрат асарларидан эллик донасини ўзи билан олади ва яширин сувратда чегарадан ўтказади; сўнгра уларни Бухоро, Самарқанд зиёли ва талабалари орасида тарқатади. Шундай қилиб, муаллимнинг энг яқин ёрдамчиси ўспирин Вадуд Шакурий домланинг ижтиҳоди туфайли Фитрат асарлари билан ошна тутинади. Шу тарзда бўлажак адабиётшунос – мунаққид Фитрат ижодига қизиқади ва имкони бориचा унинг асарларини ўқиб боришга ҳаракат қилади.

XIX аср охири XX аср биринчи чорагидаги адабиётимиз тарихи билан жиддий шуғулланган мутахассислар 20-йиллар адабий жараёнида театр асарлари ва сахнанинг ўзига бағишлаб ёзилган мақолалар салмоқли ўрин эгаллашини, адабий танқиднинг янгича шакли ҳам умуман сахна асарларига тақриз ва танқид ёзиш билан бошланганини таъкидлайдилар. Ўша даврнинг маърифатли зиёлиларидан бири Неймат Ҳакимнинг “Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар” номли мақоласидаги реал тарихий заминда туриб, “19-20-йилларда ёзилган танқидий мақолаларнинг деярлик ҳаммаси театр ва мусиқа ҳақидадир”¹ деган мулоҳазаси муайян далилларга таянган асосли фикрдир. Қолаверса, мавзуимизнинг эгаси бўлган Вадуд Маҳмуднинг ҳам адабий танқид соҳасидаги фаолияти сахна асарларига, хусусан, Фитрат асарларига тақриз ва танқид ёзиш билан бошланган эди. Унинг ўша йўналишдаги нишона мақоласи “Чин севиш”нинг сахнага қўйилиши муносабати билан ёзилган бўлиб, 1921 йили “Қизил байроқ” газетасида босилиб чиқади; “Ҳинд ихтилолчилари”га тааллуқли ҳажман каттагина танқидий мақоласи эса сал кейинроқ “Туркистон” газетасида эълон этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 20-йилларда нафақат шоир, балки иқтидорли драматург сифатида ҳам танилган Фитратнинг “Абомуслим”, “Темур сағанаси”, “Ўғизхон” сингари қатор тарихий мавзудаги асарлари дунё юзини кўради ва театрларда намойиш қилинади. Улар ўша давр адабий-илмий жамоатчилигининг таҳсинидан ҳам, танқидидан ҳам бебаҳра қолгани йўқ; уларнинг ғоявий-бадиий қиммати, адабиётда, сахнада тутган ўрни тўғрисида турли фикрлар айтилди. Айниқса, мавзу жиҳатидан муштарак “Чин севиш” ва “Ҳинд ихтилолчилари” борасида анча-мунча мақолалар ёзилди. 20-йиллардаги ўша мақолалар ва айнан асарларининг ўзи Фитратни элга танитиб, қанчалик тез шон-шухрат келтирган бўлса, 30-йиллар талвасасида “Фитрат “Чин севиш” ва “Ҳинд ихтилолчилари”ни ёзиш билан миллатчилик ҳаракатини ривожлантириш; миллатчилик мафкурасини кенг ёйишни кўзда тутган”² каби сиёсий айбномаларнинг шунчалик тез урчишига сабабчи ҳам бўлди.

Фитратнинг адабий фаолиятини шарафлаган, пьесаларини қадрлаган шахслар 20-йиллар адабий жараёнида оз эмас эди. Ўша йиллари Туркистонда кезинган В.Ян ва Б.Пестовскийга ўхшаш мусташирлар ҳар иккала пьесага ижобий муносабатда бўлганлар. Яна, “Чин севиш” ҳақида шоир Чўлпон “Иштирокиюн” газетасида: “Яқинда ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша (пьеса) кўрди”³, – деган гапни ёзади. Унинг зиммасига асарнинг “ўзи ҳамда йўналиши” хусусида танқид ёзиш вазифаси юклатилган эди. Шунга кўра, Чўлпон даставвал “Чин севиш”нинг воқеалари юз берадиган макони, қаҳрамонлари, умуман, сюжети билан қисқача таништиради. Сахнага чиққан артистларнинг маҳорати ва камчиликларини кўрсатади. Руҳсиз чиққан пардаларни танқид қилади; тузукла-

¹ Ҳаким Н. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар // “Туркистон” газетаси, 1924. 25 июнь.

² Олимжон Ҳ. “Фитратнинг адабий ижоди ҳақида” / Танланган асарлар, 5 жилдлик 5-жилд. – Тошкент: 1972. – Б.115-116.

³ Чўлпон. “Чин севиш” // “Иштирокиюн” газетаси, 1920. 25 ноябрь.

рини олқишлайди. Чўлпон ёш ўзбек театрининг камчиликлари келажакда тузалиб кетишига умид боғлайди, ишонади. Аммо умид ва ишончга зид ўлароқ; орадан бир йил ўтгач, ўзбек театрининг аҳволи ҳақида Вадуд Маҳмуд: “Бошланғич ишнинг кун-кундан тузалиб, яхшиланиб бориши қонун каби бўлса-да, бизнинг ҳамма ишларимиз кун-кундан бузилиб, ёмон йўлга кириб боради. Шу каби театру ишларимизнинг ҳам анча ортга чекилгани бу кун (1921 йил 17 сентябрь куни “Турон” театри саҳнасида ўзбек давлат труппаси томонидан – Б.К) ўйналғон “Чин севиш”даги ҳоллар очиқ кўрсатади”¹, – деб ёзади. В.Маҳмуднинг пайқашича, театр томашабинга тўлмайди, томашачилар пьесанинг охиригача ўтиришга тоқат қилолмай залдан чиқиб кетади; театрда маданий ҳордиқ чиқариш учун шарт-шароит қониқарли даражада эмас, келган киши ундан асабий, жиғибийрон, кайфияти тушкун бўлиб чиқиб кетади, кейинги пайтларда тамошага фақатгина “қилай деса иши йўқ, ётай деса касали йўқ” бекорчиларгина келадиган бўлибди. Хўш,бунга “Чин севиш” айбодорми? Йўқ! Уни кучсиз пьеса деб бўладими? Йўқ! Ундай бўлса гап нимада? Сабаби не? Ҳамма гап – тизгинни ўз қўлларидатутиб қолган келгинди бошқарувчиларнинг маҳаллий халқ маданий турмушига ола қарашида, ҳукумат томонидан зарур миқдордаги маблағ ва асбоб-ускуналар билан яхши таъминланмаган театрнинг танг аҳволида. Яна бир сабаб – кун-кундан моддий жиҳатдан қийналаётган, баъзида санъат йўлидан воз кечиб тирикчилик ғамида бошқа иш қилишга мажбур бўлаётган артистларнинг ролларига масъулиятсиз ўйнаш ҳам сабабдир. Бундай “олий пьесаларни” бузиб, масъулиятсиз ўйнаш натижа-сида унинг қиймати тушиб, обрўсига путур етиши мумкин. Мақоласининг бошланишидаёқ пьесага: “Ўзбек саҳнасида шу кунгача ўйнаб келинган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги ўткир ёзувчимиз Фитратнинг Ҳинд турмушидан олиб ёзган “Чин севиш” пьесаси эканлигини ҳамма иқроор этса керак”², – деб баҳо берган Вадуд Маҳмуд асарнинг обрўси тушиб кетишини сира-сира хоҳламайди, театрдаги саҳналаштириш билан боғлиқ ўша нуқсонларнинг тузалиб кетишини эса дил-дилдан истайди.

Фитратнинг бу драматик асари театрларда намоиш этилаётган бир пайтда драматургнинг худди шу мавзуда, “Чин севиш”нинг давоми дейилса бўлатурғон “Ҳинд ихтилолчилари”ни ёзиб битирган”лигининг³ хабари санъат-театр муҳиблари орасида шов-шув бўлиб кетади. Пьеса 1923 йилда Берлинда чоп этилиб, хабарнинг ростлиги тасдиқланган ҳам.

Юқорида эслатилганидек, худди шу йили Вадуд Маҳмуднинг “Туркистон” газетасида “Ҳинд ихтилолчилари (театр китоби, А.Фитрат асари)” сарлавҳали мақоласи босилади. Илмий асарлар илмий, таълим-тарбия асарлари ахлоқий, адабий асарлар санъат нуқтаи назаридан текширилиши лозим. Бу иши адабиётшунослик, яъни “интиқод-танқид” амалга оширади. “Танқид – дудама, ўткир бир ханжар бўлмоғи керак, – деб ҳисоблайди татар адиби Олимжон Иброҳимов. – Бу ханжарнинг бир ёғи асарнинг ичи-

¹ Маҳмуд В. “Чин севиш” // “Қизил байроқ” газетаси, 1921. 22 сентябрь.

² Маҳмуд В. “Чин севиш” // “Қизил байроқ” газетаси, 1921. 22 сентябрь.

³ Ўша китоб.

даги жавоҳиротини қазиб чиқарса, иккинчи ёғи унинг пуч ва чирикларини топиб кўрсатадир”. В.Маҳмуднинг адабий танқидга қарашлари татар маърифатчисининг ушбу образли мулоҳазаларига яқин келади. Унинг фикрича, “интиқод-танқид камчиликларни тўлдирмоқ тузукларини билмоқ-танимоқ учун бир қуролдир”.

Мунаққид “Ҳинд ихтилолчилари” танқидига ана шу қуролни ишга солиш ниятида қўл уради. Хўш, у ўз олдига қўйган мақсадини адо этишда асосий текширув мезони қилиб нимани олади? Синфийликми, партия қарорларими ёки коммунистик ғоя тарғиботими? Хайриятки, йўқ! Бундай жарроҳлик қуроллари келажакда ишга тушади, уларнинг адабиёт майдонига гегемонлик қилиш кунлари ҳали олдинда. Ҳозирча Неъмат Ҳаким айтганидек “нафис асарларни танқид этишда уларни ижтимоият, руҳият, нафосат томонларига қараб текшириш” ҳам мумкин. В.Маҳмуднинг драмага ёндашувида ана шу мезонлар бегона эмас. У асарга олим ва санъаткор кўзи билан қарайди. “Ҳинд ихтилолчилари”даги бадий ҳақиқат, образлар ва воқеалар мантиқийлиги, тил ва ҳарактер масалаларини текширади. Мунаққид пьесанинг ютуғи тарзида “зарбулмасал ўрнига ишлатмак мумкин бўлгон” қўйидаги ҳикматли гапларни келтиради: “Юрак – юрак экан, севмак – севилмак истар”, “Севгисиз қолгон юрак сувсиз қолгон балиқ кабидир”, “Қулай ишдан буюк унум чиқмас, буюк унумли ишлар қулай бўлмас”; “Бир ёвни юртдан ҳайдамоқ, бир юртни ёв қўлида кўрмоқдан қийин эмасдир”; “Шу Куръон бетиға ҳайвон оёғи тегмак на эрса, Ҳинд қизининг юзига инглиз кўзи тушмак ҳам шудир”. Бу каби файласофий фикрлар “Ҳинд ихтилолчилари”ни таҳлил этган бошқа олимлар диққатини ҳам ўзига жалб этди. Драманинг ўша нафис ва гўзал, серҳикмат ва ёрқин ўринларини назарда тутган В.Маҳмуд “Фитрат асарларининг бир ортиқлиги унинг энг юксак ва энг мукамал ташбеҳ, муболаға ва истиораларга эга бўлишидир”¹, – деган хулосани ёзади. Биринчи пардадаги камчилик қилиб Лолаҳардиёлнинг Раҳимбахш ва Дилнавозлар суҳбати устига тасодифан келиб қолиши ҳамда оддий бир камбағал ҳинд деҳқонининг ўз дунёқарашига мувофиқ келмайдиган инқилобий тушунчаларни айтиши мантиқан асоссиз эканини кўрсатади. Ҳақиқатан, Фитрат оддий бир Ҳинд деҳқонига “шу кетмон билан инглиз бошини эзмасақ, ҳеч ким ташқаридан келиб бизни қутқармас” қабилидаги олий тушунчаларни сўзлатиши деҳқоннинг турмуш тарзига ҳам, ўй-хаёлига ҳам, ҳаёт ҳақиқатига ҳам тўғри келмайди. Чунки бу ҳақиқатни ҳалигача миллатнинг зиёли катлами англаб етганича йўқ, ҳалигача улар мудроқ уйқуда экан, хўш, қандай қилиб содда бир деҳқон англасин уни? В.Маҳмуд ўз танқидий қарашларини мантиқан шундай далиллайди. У пьесадаги мулла-мударрис образини энг яхши тип ҳисобласа-да, характерида содир бўлган ўзгаришларнинг руҳий-психологик жиҳатдан асоссиз эканини танқид этади. Оддий ихтилолчилардан бири Абдусуббуҳ томонидан Мавлоно Нўъмонга қаттиқ танбеҳ берилади: “Сиз муллалар туташ шундай қиласиз. Ҳиндистонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан тўлдирдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқа-

¹ Маҳмуд В. “Ҳинд ихтилолчилари”// “Туркистон” газетаси. 1923. 19 октябрь.

ларга ёв этдингиз. Ўлкамизни ички жанжаллар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб англизни бошимизга келтирдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни кутқармоқ учун бош кўтардик, бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз, эркимизга тирноқ урмоқчи бўлганларга қарши чиқурмиз. Қўлга-қўл бериб курашурмиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, дин-да қайтара олмас¹.

Абдусуббуҳнинг бу гапларидан Мавлоно ҳеч таъсирланмайди. Аниқроғи, муаллиф уни жим кўяди, ҳеч бир баҳс-мунозара, конфликтни юзага чиқармайди, шариат доирасидаги фикрларни ҳам анча юмшоқ ялинчоқ оҳангда айтгизади. Мунаққиднинг кузатишича, шундай ўринларда Фитрат “табиийликдан чиққан”дир.

Фитрат ўз асарларида ғоявий мақсадни тезроқ ифодалаш орзусида инглиз ҳарбийларини бепарво, лоқайд, анқов кишилар қилиб тасвирлашини ҳам В.Маҳмуд хуш кўрмайди. Драматик асарларда образлар ҳаракатидан унинг табиатидаги яхши-ёмон қирралари намоён бўлади. Пьесада оғир, вазмин ҳаракат қилишлари лозим бўлган мустамлакачи инглиз ҳарбийлари “хўш” деб ўриндиғини илгари суриб, оддий ҳаракат кўрсатади. Уларнинг содда суҳбатлари, енгил-елпи ҳаракатлари мунаққиднинг дидига маъқул келмайди. Умуман олганда, Вадуд Маҳмуд пьесанинг ҳар бир пардасидаги ютуқ ва камчиликларни эринмасдан бирма-бир таҳлил этиб чиқади. Асар тилига диққатини қаратиб, унинг оғир ўқилишини танқид қилади, муаллифнинг камчилиги ҳисоблайди. “Шундай бўлса ҳам, Фитрат ўзбекчани иккинчи марта тиргизди... Қўб сўз ва истилоҳларни умумлаштирди”². Замондошлари унга эргашди, ўрناق олди.

Мунаққид ўз мақоласининг охирида эса шундай ёзади: “Хулоса: “Ҳинд ихтилолчилари” бизнинг адабиётимизда биринчи ўрунни тутадурғон асарлардандур. Мукамал тасвирларга, истиораларга, муболагаларга, бой асардир. Фитрат адабиётимизда ишқ ҳаяжонларини яхши тасвир эта-турғон бир муҳаррирдир. Унинг ҳар асарида шу ишқ ўрунлари юксак маъноларга бойдир. Турлик хушмаънолар, энг яхши ўрунларга келтирилган лутфлар кўбдир. “Мен учун эзгулик тушда” ва “биз Оврупадан эм истаганлардан эмасмиз” кабилар шулар жумласидандир. Асарнинг 4-нчи пардасининг бошидан 3 бети олинса бошқа ҳаммаси фақат шу воқеани майдонга келтирмак учун бир ерга тўпланғон кишиларга ўхшайдир. Яъни воқеа атрофлича бир оз маишатга яқин ёзилғон эмас. Агар шу камчилик тўлдирилса, ҳам пардаларнинг қисқалиги етган бўлса ҳам ҳақиқатан ўйнашга энг мувофиқ ва фойдалиқ бир асар чиқар”³.

Вадуд Маҳмуднинг бу мақоласи Фитрат ижоди таҳлилининг дастлабки босқичи – 20-йилларда “Ҳинд ихтилолчилар” драмасини энг тўғри баҳолаган асар сифатида қадрлидир. Унда шахсий манфаатларга ён бериш кайфияти йўқ. Асарнинг мақтовга лойиқ жиҳатларига урғу берилади, камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

¹ Фитрат. “Ҳинд ихтилолчилари” // “Шарқ юлдузи” журнали. 1990. 4-сон.

² Маҳмуд В. “Ҳинд ихтилолчилари” // “Туркистон” газетаси. 1923. 19 октябрь.

³ Ўша мақола.

Балки мунаққиднинг ана шу мувозанатни сақлай билиш фазилати бу кун айрим тадқиқотчиларга ибрат бўлар. Негаки, бугунги кунда адабиёт-шунос ва мунаққидларнинг аксарияти Фитрат асарларига санъат намунаси тарзида қарамай, бадиий ва умуминсоний нафис мезонлар билан ёндашиб, конкрет тарихий шарт-шароит ва ҳозирги юксак адабий-эстетик талаблар нуқтаи назаридан туриб холис илмий баҳо бериш ўрнига ҳамдардлик билдириш ёки унга мақтов айтиш тарафига ўтиб олгандек таассурот қолдиради. Фитрат ижоди ғайритабиий ҳомийликка муҳтож бўлмаганидек сунъий мақтовларга ҳам эҳтиёжманд эмас. Шубҳа йўқки, бундай йўллар ўзини оқламайди, негаки, ҳақиқат бирёқлама талқинларга ёт тушунча саналади.

Муродов ҒАЙРАТ
филология фанлари доктори,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси
профессори (Ўзбекистон)

БОЛАЛАР ШОИРИ

Аннотация: Мақолада миллий Мустақиллик даврида Бухоро адабий муҳитига мансуб бир қанча болалар шоирлари ижоди масаласи ёритилган.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы творчества нескольких детских поэтов времён Независимости принадлежащих Бухарскому литературному обществу.

Abstract: The article deals with the issues of creativity of several children's poets of the times of Independence belonging to the Bukhara Literary Society.

Калит сўзлар: Сафар Барноев, Дилшод Ражаб, Дилмурод Жаббор, Вали Бобомурод, Бобур Ҳамроев, болалар шоири, шоир, Бухоро.

Ключевые слова: Сафар Барноев, Дилшод Ражаб, Дилмурод Жаббор, Вали Бобомурод, Бобур Ҳамроев, детский поэт, поэт, Бухара.

Key words: Safar Barnoev, Dilshod Rajab, Dilmurod Zhabbor, Vali Bobomurod, Bobur Khamroev, children's poet, poet, Bukhara.

Йигирманчи аср, хусусан, миллий Мустақиллик даврида замонавий Бухоро адабий муҳитига мансуб ижодкорлар орасидан бир қанча болалар шоирлари етишиб чиқди. Булар Сафар Барноев, Дилшод Ражаб, Дилмурод Жаббор, Вали Бобомурод, Бобур Ҳамроев ва бошқалардир.

Мана шу гуруҳга ҳақли равишда шоир Ғулом Шомурод номини ҳам қўша оламиз.

1989 йил – Истиқлол арафасида республикаимиздаги ёшлар нашриёти учта ижодкор – Қутби Носирова (“Нон ҳақида қўшиқ”), Ғулом Шомурод (“Чақмоқ”), Дилшод Ражаб (“Қорқиз совға келтирди”) болаларга бағишланган шеърларини битта китобга бирлаштириб каттагина ададда чоп этди.

Мустақиллик даврида Ғулом Шомуроднинг кичкинтойларга атаб ёзилган учта шеърини тўплами – “Кўклам қўшиғи”, “Бобо шаҳрим” ҳамда “Ватаним – кенг жаҳоним” бирин-кетин дунё юзини кўрди.

Булар орасида “Бухоро” нашриёти томонидан нашр этилган “Бобо шахрим” мажмуаси нисбатан мукамаллиги билан ажралиб туради. Тўпламга элликта лирик шеър ва бешта дostonу шеърый эртак киритилган. Таниқли шоир ва маърифатпарвар Садриддин Салим Бухорий муҳаррирлигида чоп қилинган ушбу китоб муаллифнинг болалар шоири сифатида танилишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлди.

2011 йили Ватанимиз пойтахти – Тошкентда фаолият кўрсатаётган “Шарқ” нашриёт-матбуот акционерлик компанияси бош таҳририяти чоп этган “Ватаним – кенг жаҳоним” (мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун) шеърый тўплами ажойиб дизайни ва кўркамлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Тўпламга истеъдодли мусаввир Лайло Башарова ажойиб расмлар ишлаган. Китоб муқовасида Бухоро арки, Чорминор, Минораи калон, Исмоил Сомоний мақбараси, Девонбеги мадрасасининг олд кўриниши, шунингдек, қўлига нур сочаётган юлдузни ушлаб ҳилол – янги ойга чиқиб олган ҳамда улкан дарахт шоҳига осилган арғимчоқ учаётган болалар тасвири акс этган. Саҳифаларга Ватанимиз байроғидаги рангга монанд кўкиш фон берилган. Тўпламдаги шеър ва дoston-эртакларнинг мазмуни ва сюжетига мос ранго-ранг суратлар чизилган. Бадий мазмун ва ўзига хос дизайн ўзаро уйғунлашиб ёш китобхон дилига завқ бериб турибди.

Юқорида қайд этилган тўпламлардан ташқари, шоирнинг “Болажонлар байрами” деб номланган янги китоби “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилиш арафасида. Ушбу мажмуалар Ғулом Шомуроднинг болалар шоири сифатида аллақачон шаклланиб бўлгани, бу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини яхши ўзлаштирганини очиқ кўрсатиб турибди. Бундай фикр-қарашга келишимизга асосий сабаб шундаки, ижодкорнинг болаларбоп лирик шеър ва манзумалари жажживойлар дили, тилига мос иншо этилган, ўқилиши ва ёдланиши осон, тасвир ва манзаралар табиий ҳамда ҳаётийдир.

Табиийки, бунинг боиси нимада деган савол юзага келади. Мазкур саволга имкониятимиз даражасига қараб жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Болалар ижодкори бўлиш учун биринчи галда туғма-табиий истеъдодга эга бўлиш лозим. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо барча истеъдодли қаламкашлар ҳам болалар шоири бўлавермайди. Истак, яъни болалар учун ёзиш нияти керак бўлади. Бироқ фақат иқтидор, боз устига, ниятнинг ўзи ҳам етарли эмас. Бу ерда энг муҳим нарса ниятни кўнгилга туккан ижодкор ўзининг болалиги, болалик олаmidан узоқлашмаслиги зарур бўлади. Одатда аксарият катталар, ҳатто ижодкорлар улғайиб, болалик дунёсидан олис кетадилар. Бундай ҳолда бола маънавий- руҳий жараёнини тўла-тўқис тасвирлай олмайдилар. Болалар шоири эса навниҳолик оламида яшайди. Шу боисдан бола дилини, мақсад-интилишларини яхши тушунади ва табиийки яхши тасвирлай олади.

Демак, шоирнинг бола қалбини ўзига торта оладиган мароқли асарлар яратиши юқорида баён этилган омиллар билан чамбарчас боғлиқ экан.

Ғулом Шомуроднинг болалар шоири сифатида фаолият кўрсатишини юқоридаги омиллар изоҳлаб беради, деб ўйлаймиз.

Юртимиз – Ўзбекистон фақатгина улкан тарихий шахслари билан эмас, улар яратган осори атиқа – муқаддас ва ажойиб гўшаю масканлари билан ҳам маълум ва машҳурдир.

Ғулум Шомуроднинг болаларга ёзилган шеър ва дoston, шеърӣй ривоятда ана шундай жойлар, уларнинг ҳикмати, хислатлари тасвир қилинган. «Бобо шахрим Бухоро», «Афсона», «Қоровулбозор», «Шариф Нурхон боғи» шеърлари, «Арқ ҳақида ривоят», «Ойтуғди афсонаси» фикримизга далил бўла олади. Айниқса, «Бобо шахрим Бухоро», «Шариф Нурхон боғи» лирик асарлари бадий-поэтик фазилатлари, болалар маънавий дунёсини ёрқин акс эттириши, тасвирнинг аниқлиги ҳамда бетакрорлиги билан ёш китобхон меҳрини қозона олади. «Бобо шахрим Бухоро» шеърӣ тўртлик шаклидаги беш банддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мисра етти ҳижони ўз ичига олган. Бундай бадий-поэтик тизим, айниқса, мисралардаги етти ҳижо мазкур шеърӣй асарни ўқиш ва ёдлашни қулайлаштирган. Хусусан, ундаги учинчи банд гўзал тасвир воситаларининг табиӣй ва ўринли қўлланилгани билан алоҳида эътиборга молик:

*Минора, гумбазларнинг
Бошини силар само.
Овоз берсанг, улардан
Келар минг йиллик садо.*

Банддаги таъдид(уюшиқ отларни қўллаш) ва ташхис(жонсиз нарсаларни инсон каби ҳаракатлантириш) шеърға ҳусн ва жозиба бахш этиб турибди.

«Шариф Нурхон боғи»да бухоролик машҳур шоир ва боғбон Шариф Нурхон томонидан барпо этилган боғ тасвир этилган. Айтишларича, бу миришкор инсон умри давомида юз мингта ниҳолни данакдан кўкартириб элга тарқатган экан. Бу ниҳоллар ўсиб-улғайиб бақувват дарахт бўлиб, кўплари ҳали- ҳануз юртимиз чорбоғларига кўрк бахш этиб турибди. Шоир-боғбон вафот этган бўлса-да, у асос солган боғ яшамоқда. У жонли табиат музейи сифатида муҳлис ва сайёҳларнинг ўзига хос зиёратгоҳига айланган.

“Камалак” дея аталган мўъжазгина шеър маснавий тарзида қофияланган, тўрт байтдан иборат. Лирик асар қуйидаги байт билан бошланган:

*Кўкка қарасам,
Шоҳи беқасам.*

“Шоҳи беқасам” дейилганда, камалак назарда тутилмоқда. Юзаки қараганда, ижодкор бу шеърӣй парчада ташбиҳ санъатини қўллагандек туюлади. Аслида эса байтда Ғулум Шомурод лирик ижодида кам учрайдиган истиора истифода этилган. Камалак ўрнида “шоҳи беқасам” бирикмасининг келтирилиши шеър бадийлигини оширган ва тасвирнинг рангинлигини юзага келтиришга хизмат қилган. Маълумки, беқасам йўл-йўл

мато, унда турли ранглар бўлади. Камалак ҳам, маълумки, ўзида бир неча ёрқин рангларни жамлаган. Шеър лирик қаҳрамонининг фикрича, қайсидир “моҳир қўл» усталик билан беқасамдан поёндоз тўқиб, уни осмонга тўшаган. Яхши биламизки, кичик ёшдаги болакайлар табиат ҳодисалари сабабини ҳали яхши билмайдилар. Шу боисдан ҳам уларнинг камалакни рангдор поёндоз деб билишлари китобхонга эриш туюлмади. Аксинча, бундай менгзаш унга қизиқарли ва ҳаётий бўлиб туюлади.

“Камалак билан суҳбат” аввалги шеърдан фарқли равишда ҳажман анча катта. 2003 йилги нашрда “Бобо шаҳрим” тўпламининг икки саҳифасини ишғол қилган. Шеър бандларга бўлинмаган, мисралардаги ҳижолақ миқдори ўзгача: тўрт ҳижолақ тизимда ёзилган. Бармоқнинг кам учрайдиган тармоғида иншо этилганки, бу тажриба шеър оҳангининг шошқинлиги ва мазмуннинг содда ифода тарзини юзага келтирган. Аниқроқ қилиб айтганда, жуда болаларбоп, боғча ёшидаги жажживойлар бемалол тушуна олади. Асар бошдан охир саволу-жавоб санъати асосида юзага келтирилган. Табиат гўзаллигидан завқ олувчи болакай рангин камалакни томоша қила туриб, қалбидаги ҳаяжони ошиб-тошиб кетади ва ўз туйғуларини баён этишга киришади. Камалақдан шошмай туришини, унинг сувратини альбомига чизишга улгуриш учун фурсат беришни илтимос қилади. Камалак ҳам бадий адабиётдаги интоқ санъати ёрдамида тилга кириб, болага ўз дил сўзларини анча батафсил изҳор этади. Кўриняптики, бундай бадий усуллар шеърнинг поэтик жозибасини ошириши билан бир қаторда ўзига хос маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. У навқирон авлодни табиатни севиш ва ардоқлашга ундайди.

Мазкур туркумнинг биринчисида камалак осмонга поёндоз этиб ёйилган беқасамга қиёсланган бўлса, учинчи шеърда само байроғига ўхшатирилган. Маълумки, байроқ матоси, албатта, дастага ўрнатилади. Кўкдаги камалакни дастасиз қандай қилиб байроқ деб тасаввур этиш мумкин?

Инсон бу дунёда яшар экан, ҳамиша Юксалик орзуси билан яшайди. Бу, биринчи навбатда, маънавий-ахлоқий юксалиш ниятидир. Ёш болаларнинг аргимчоқ учини ана шундай чўққига интилишнинг дастлабки аломатларидан бири бўлиб ҳисобланади. «Аргимчоқ» шеърида ана шундай бадий-фалсафий қараш ифодаланган.

Юқоридаги таҳлил-талқинлар шу нарсадан далолат берадики, заҳматкаш шоир болалар ижодкори сифатида кўп йиллар давомида анча самарали меҳнат қилган. Унинг шу пайтгача чоп этилган ўн еттита шеърий китобидан тўрттаси болаларга аталган.

Раҳматулла БАРАКАЕВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзР Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институту бўлим мудир
(Ўзбекистон)

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ ИЖОДИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

«Шеърый шаклнинг ўзига хослигини, яъни унинг музикавийлигини юзага келтирувчи факторлардан учтаси жуда муҳимдир: ритм (зарб), қофия ва банд», – дейди академик Иззат Султон¹.

Шеърый шаклнинг дастлабки ўзига хослиги ҳисобланадиган ритм шеърнинг маълум ўлчовли нутқ эканлигини белгилайди, яъни бўғинлар миқдорининг муттасил такрори муайян мусиқийликни, ритмни юзага келтиради.

Шеърый нутқнинг асосий қоидаси ҳисобланадиган бўғинлар миқдорининг бир хиллиги, яъни бармоқ тизими етакчи ўрин тутадиган XX аср ўзбек шеърининг намояндаларининг, жумладан, Т.Адашбоев шеърларининг ўзига хосликларини белгилайдиган қирралардан бири ҳам, аввало, ритмик мусиқийликда акс этади.

«Ҳакка» шеърда ушбу ҳол яққол намоён бўлади:

Олаҳакка (4)
Қўниминг йўқ. (4)
Ишинг чакки (4)
Унуминг йўқ. (4)
Шохдан-шоҳга (4)
Сакраб шу тоб, (4)
Олиб қочдинг (4)
Ёнғоқ, қуртоб. (4)
Қўйганинг йўқ (4)
Томда ўрик. (4)
Холам хафа (4)
Буни кўриб. (4)
Ҳаддан ошиб (4)
Кетма дейман. (4)
Ўз бошингга (4)
Етма дейман² (4) (1969).

Саккиз бўғинли ушбу шеърда мусиқийлик, биринчидан, бўғинлар миқдорининг бир хил такрори (мутаносиблиги) натижасида юзага келса, ик-

¹ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 290.

² Адашбоев Т. Олатоғ – лолатоғ. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – Б. 61.

кинчидан эса, бўғинларнинг бир хил тартибда гуруҳланиб келиши билан янада кучаяди. Шоир бўғинларнинг бир хил тартибда гуруҳланиб келиши (туроқланиши)ни моҳирона қўллаб, мисраларнинг ўзини ҳам туроқлар бўйича иккига ажратади. Бу эса болалар шеърятининг ўзига хослигини белгилайди. Чунки кичик мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган шеърда мисралар қанчалик кичик бўлса, бир нафасда ўқилиш имконияти ҳам шунчалар катта бўлади, ёш китобхон шеърни қийналмай ўқий олади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Т.Адашбоев шеърларининг асосий қисми шу сингари содда вазнда, яъни бир туркумга кирувчи бўғинлар гуруҳидан иборат бўлиб, асосан, 7-8 бўғинли мисралардан ташкил топган.

Бироқ унинг шеърлари орасида узун мисралилари ҳам анча-мунча учрайди. «Қариб қолибди» шеърида шундай манзарага дуч келамиз:

Дўнг тепага Розик ота (8)
Макка экувди. (5)
Эгатини тор қаторлаб (8)
Якка экувди. (5)
Пешона тер натижаси, (8)
Дарҳол сезилиб. (5)
Ёш ниҳоллар маржондайин (8)
Чиқди тизилиб. (5)
Йиғилгунча арпазорнинг (8)
Сомон, похоли. (5)
Макка қариб, қўкси узра (8)
Тушмиш соқоли¹ (5) (1975).

Шоир 13 бўғиндан иборат узун мисрали шеър ўқилиши осонлашувини таъминлаш учун 3 туроқли (4+4+5) шеър мисраларини бош туроқдан иккига ажратиб (синдириб), қўшма вазн пайдо қилади, бу билан шеър ўзгача муסיқавийлик касб этади, янгича оҳангдошлик майдонга келади.

«Уч паҳлавон» шеърида қўшма вазннинг янада бошқача турига дуч келамиз:

Уч паҳлавон, (4)
Уч қаҳрамон, (4)
Жанг-жадалга (4)
Солиб нўхта, (4)
Ўш тоғида (4)
Барокўҳда (4)
Харсангларни (4)
Қўйиб бошга, (4)
Айланишиб (4)
Тилсим-тошга, (4)
Ухлаб ётар (4)

¹ Адашбоев Т. Олатоғ – лолатоғ. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – Б. 49.

Донг қотишиб. (4)
Болакайлар, (4)
Шовқин солиб, (4)
Юборманглар (4)
Уйғотишиб...¹ (4) (1984).

Шоир 16 бўғинли мисралардан таркиб топган шеърни туроқлар бўйича алоҳида сатрларга ажратиб (4+4+4+4), шеър вазнини янада соддалаштиради, ўқилишини янада осонлаштиради, мисралардаги сатрлараро ички оҳангдошликни янада кучайтиради ва буларнинг барчаси биргалашиб, ритмик муסיқийликнинг барқарорлигини таъминлайди.

Т.Адашбоев ижодининг уч даврида (1969, 1975, 1984 йилларда) яратилган уч шеър вазнини кузатиш, муайян маънода, ижодкор эволюциясидан далолат беради, унинг шаклдаги такомиллашувини тасдиқлайди.

«Адабиёт назарияси»да таъкидланган, шеърый шакл муסיқийлигини юзага келтирувчи иккинчи фактор қофиядир. Қофия ритмик жиҳатдан уюшган нутқда сўзларнинг муайян оҳангдошликда тизилиб келиши бўлиб, чуқур маънони ифодалашга хизмат қилади, муҳим мазмунни эслаб қолишга ёрдам беради, ундан ташқари эса, эстетик завқ бахш этади. У шеърятда ҳам фонетик, ҳам метрик аҳамиятга эга бўлиб, шеърый парчанинг чегараларини тайин этади ва биринчи мисрада белгиланган фикрни тугаллайди².

Қофия юқорида қайд этилган барча жиҳатлари билан ўзбек болалар шеърятда алоҳида ўрин тутади. Т.Адашбоев шеърларини мазкур жиҳатдан ўрганиш шоир ижодида шеърятнинг ушбу қонуниятига қатъий амал қилиш устувор мавқеъ касб этишидан далолат беради. Фикр далили учун «Овда» шеърини кўздан кечирайлик:

Овга чиқдик този билан,
Боққан эдик ёзи билан.
Оқ либосда дала, адир,
Таёқ ушлаб юрар қодир.
- Ол, кетди деб қолди бирдан,
Итим чопиб ўтди қирдан.
Менга сапчиб хурар този,
«Ўлжа» билан турар този.
Бориб кўрсак яқинига,
Эски пўстак тақимида... («Олатоғ – лолатоғ», 58)

Беш мисрали ушбу кичик шеърда қофиянинг уч кўриниши қўлланган:

а) този билан – ёзи билан; бирдан – қирдан, хурар този – турар този. Биринчидан, мазкур қофиялар тўла оҳангдошликка эга бўлган тўқ (тўлиқ) қофия, ҳар бир сўзда иккитадан бўғин қофияланиб келаяпти: *то-зи – йо-*

¹ Адашбоев Т. Арслонбоб афсонаси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б. 14.

² Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Б. 332-33.

зи; бир-дан – қир-дан; ху-рар – ту-рар. Иккинчидан, този – ёзи қофиядош сўзларида тиргак унлидан кейин икки товуш (зи), хурар – турар қофиядош сўзларида тиргак унлидан кейин уч товуш (рар), бирдан – қирдан қофиядош сўзларида тиргак унлидан кейин тўрт товуш (рдан) тўла сақланган. Учинчидан эса, дастлабки мисрада билан сўзи, кейингисида този сўзи тақрорланиб келаяпти. Алал-оқибат, буларнинг барчаси биргаллашиб, шеър оҳангдорлигини, мусиқийлигини бениҳоя оширишга хизмат қилади;

б) шеърдаги қофиянинг иккинчи кўриниши адир – Қодир қофиядошлигида намоён бўлади. Бу ўринда тиргак унли а-о бўлиб, а-о алмашинуви табиий ҳол, яъни улар оҳангдош тиргак унлилар ҳисобланади¹. Бу мисрада тиргак унлидан кейин уч товуш (дир) тўла сақланган. Демак, бу ҳам тўқ (тўлиқ) қофия бўла олади;

в) шеърда қўлланган қофиянинг учинчи кўриниши яқинига – тақимида қофиядошлигида акс этади. Бу оч, яъни чала қофия бўлиб, тиргак унлидан кейин н-м, г-д товушлари алмашинуви содир бўлган. Шеърнинг умумий қофияланиш тартиби маснавий кўринишида бўлиб, а-а, б-б, в-в, г-г, д-д тарзида қофияланган.

Т.Адашбоев шеърларида ижодий изланиш маҳсули бўлмиш қофияланиш тартибининг турфа кўринишларини учратиш мумкин. «Онажоним» шеъри шу жиҳатдан эътиборга сазовор:

Маъно тўла гапида,
Ўнг қўлида рапида,
Онажоним нон ёпар.

Чопар эдим боғ ора,
Қўлда сингги зоғора,
Жонажоним нон ёпар.

Жанг борарди ўлкада,
Юрт ташвиши елкада,
Чароғбоним нон ёпар.

Отам тишлаган патир,
Ҳамон миҳда турадир...
Нур жаҳоним нон ёпар.

Ўша тўқочга мослаб,
Зувала уриб, ростлаб,
Меҳрибоним нон ёпар («Олатоғ – лолатоғ», 17).

Шеърнинг қофияланиш тартиби а-а-е, б-б-е, в-в-е, г-г-е, д-д-е тарзида (ҳар мисрадаги гапида – рапида; боғ ора – зоғора; ўлкада – елкада; патир – турадир; мослаб – ростлаб сўзлари ўзаро қофиядош бўлса, мисралар охи-

¹ Қаранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Б. 344.

ридаги онажоним – чароғбоним – нур жаҳоним – меҳрибоним сўзлари ўзаро қофиядош бўлиб, дастлабкидари бир вақтда ички қофия вазифасини ҳам ўтайди ва оҳангдошликни янада оширишга хизмат қилади).

«Баҳор келгач» шеърда янада ўзгача қофияланиш тартиби қўлланган:

Қиш қорини супурди,
Қуёш нурын уфурди,
Ялпиз ҳиди гупурди,
Баҳор келгач.
Чақмоқ кўкда ёнғоқ чақди,
Қизғалдоқлар селда оқди,
Қуёш яна кулиб боқди,
Баҳор келгач.
Қўзиқорин тердик тоғда,
Одил бормай қолди доғда,
Сўнг қовуриб едик ёғда,
Баҳор келгач.
Ялағоёқ қирда чопдик,
Сават-сават жағжағ топдик,
Икки тандир сомса ёпдик,
Баҳор келгач (Олатоғ – лолатоғ», 19).

Шеърнинг қофияланиш тартиби *а-а-а-с*, *б-б-б-с*, *в-в-в-с*, *г-г-г-с*. Барча қофиялар тўқ (тўла) қофия. Ҳар тўртлик охирида такрорланувчи «Баҳор келгач» мисраси ўзига хос радиф (ёхуд нақарот) вазифасини бажарган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, шеърда мусиқийлик, оҳангдошликнинг бениҳоя ошишига хизмат қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Т.Адашбоев ижодининг дастлабки пайтларидан ҳозиргача қофияга жуда талабчан. Унинг кўплаб шеърларида қофиялар табиий, тўқ ва тўла. Шу боисдан ҳам ижодкор шеърлари ёш китобхонларга доимо манзур. Бироқ, шолининг орасида курмак бўлганидек, Т.Адашбоев шеърларида ҳам баъзан сунъий, «қулоғидан тортиб келтирилган» қофиялар учраб туради. Жумладан, «Ғишт қуямиз» шеърда

*Сергиб қолар асталаб,
Уни териб дасталаб («Олатоғ – лолатоғ», 25)*

мисраларидаги «дасталаб» сўзига қофиядош «асталаб» сунъий. Чунки «аста (секин)» сўзининг адабий тилда «асталаб» тарзида ишлатилиши қузатилмайди.

Ва ниҳоят, шеър оҳангдошлиги, мусиқийлигининг муаммаллигини таъминловчи учинчи фактор банддир. Маълумки, мисраларнинг муайян бир ритм асосида (қофияланувчи шеърларда эса ритмдан ташқари яна маълум қофия тартиби асосида) жамланиб, бир гуруҳни ташкил этиши банд дейилади¹. Ўзбек мумтоз шеърлятида ва адабиёт назариясида банд икки мис-

¹ Қаранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Б. 343.

радан (байтдан) ўн мисрагача бўлиши мумкин деб ҳисобланади ҳамда ҳар бири алоҳида атама (термин) билан номланади¹.

Т.Адашбоев ўз шеърларида банднинг турли кўринишларини қўлла-са-да, унинг ижодида маснавий (иккилик), мусаддас (учлик), мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик) тарзидаги банд тузилишлари кўпроқ уч-райди.

Иккилик кўринишидаги бандлар:

Ҳадемай қиш бўлди,
Жуда соз иш бўлди.
Завқланиб янада,
Сирғандик чанада.
Булутлар сим элак,
Бўғотда сумалак.
Ўйнадик ҳовлида,
Қор отар Мавлуда.
Ҳаво соф, тозадир,
Губорни ёзади.
Қиш тўни сўкилиб,
Қировлар тўкилиб,
Кун кулиб боқар-да,
Жой берар баҳорга
(«Олатоғ – лолатоғ», 12).

Учлик кўринишидаги бандлар:

Деманг бизни олифта,
Тўрт хонали қолипда
Ғишт қуямиз.
Қум сепади Комилжон,
Дилшод, Беҳзод жамул-жам,
Ғишт қуямиз.
Лойни бир оз тиндириб,
Сув захрини синдириб
Ғишт қуямиз.
Сергиб қолар асталаб,
Уни териб – дасталаб,
Ғишт қуямиз.
Уй тикланар орада,
Ишлар қизгин боради,
Ғишт қуямиз.
Завқли ўтар ёзги таътил,
Пешона тер ҳалол татир
Ғишт қуямиз
(«Олатоғ - лолатоғ», 25).

¹ Қаранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Б. 343.

Тўртлик кўринишидаги бандлар:

Яна хазонрезгилик,
Боғлар ранги синиқди.
Дилда ҳоким эзгулик,
Анҳорда сув тиниқди.
Оқ яктакли қайинлар,
Тақди яна зар балдоқ,
Қушларга гап тайинлаб
Чақ-чақлайди зарғалдоқ.
Уфқ эса лолагун,
Дарахтлардан ранг олар.
Хайрлашиб куз бугун,
Сочар олтин тангалар...
(«Арслонбоб афсонаси», 49).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Т.Адашбоев ижодида шеър техникасига қатъий риоя қилиш шаклий мукамалликни таъминлашгагина эмас, балки шакл ва мазмун уйғунлиги, яъни, аслида, шеър бадииятини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Абдуллоев ОЛИМЖОН

Академик Бобожон Ғафуров номидаги ХДУ ДТМ
ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
(Тожикистон)

ШОИРА МУНАВВАРА ОЙМАТОВАНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ (ИШҚ МАВЗУИДАГИ АЙРИМ ШЕЪРЛАРИ МИСОЛИДА)

Аннотация: Ҳар бир ижодкор бадиий маҳоратни эгаллаш йўлида мураккаб ва машаққатли ижодий такомил жараёнини бошидан кечиради. Улар воқеликни ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида ҳаётий ҳодисалар мантиғи ва иқболини чуқур ҳис қилиб, уни бадиий ифодадай билгандагина бу машаққатли меҳнат самара беради. Бу эса ижодкорнинг салоҳиятини яққол намоён этади.

Мақола Тожикистон ўзбек адабиётининг етук ижодкорларидан бири Мунаввара Ойматованинг ижодий салоҳиятини ва бадиий маҳоратини ёритишга бағишланган. Мақола муаллифи ижодкорнинг мажозий ишқ ва ирфоний ишқ мавзусидаги айрим шеърларини таҳлилга тортган ҳамда шоира ижодидан намуна сифатида келтирилган шеърларида қўлланган бадиий санъатларга ҳам алоҳида тўхталган ҳолда Мунаввара Ойматованинг бадиий маҳоратини кўрсатиб берган. Мақола якунида алоҳида бандларда хулосалар берилган.

Annatation: Every poet goes through a hard path of artistic development process in gaining professional skills. All of the hard labor will give its fruits not sooner than a poet learns the reality, feels a deep logical insight of daily life. These qualities determine the professional competence of a poet.

The given article throws light upon the professional skills of a mature Uzbek poetess of Tajikistan, Munavvara Oymatova. The author of the article has analyzed the poetess's artistic tastes in the description of true and false love in her poems and has pointed out Munavvara Oymatova's artistic skills. At the end of the article there are conclusions on certain points.

Аннотация: Каждый творец проходит сложный и трудный процесс творческого совершенствования на пути к овладению художественными навыками. Эта кропотливая работа эффективна только тогда, когда они глубоко чувствуют логику и судьбу жизненных событий в процессе изучения и освоения действительности и умеют ее художественно выразить. Это наглядно демонстрирует потенциал создателя.

Статья посвящена творческому потенциалу и художественному мастерству Мунаввары Ойматовой, одного из ведущих писателей узбекской литературы в Таджикистане. Автор статьи анализирует некоторые стихотворения поэта на тему разной любви и мистической любви, выделяет художественные способности Мунаввары Ойматовой с особым акцентом на искусство, использованное в ее стихах, как на примере творчества поэта. В конце статьи выводы приведены в отдельных абзацах.

Калит сўз: Мунаввара Ойматова, шоира, ижодкор, шеър, бадий маҳорат, ишқ, муҳаббат, бадий санъатлар.

Key words: Munavvara Oymatova, poetess, artist, poem, artistic skill, love, affection, arts.

Ключевые слова: Мунаввара Ойматова, поэтесса, творец, стихотворение, художественное мастерство, любовь, художественное искусство.

Бадий маҳорат тадқиқотчилар назаридаги энг мунозарали ва айни пайтда, энг долзарб масалалардан бири саналади. Ҳар бир сўз санъаткорининг маҳорати ўрганилар экан, ўша ижодкорнинг илк ижодидан бошлаб, унинг юксакликка эришгангача бўлган даврини поғонама-поғона тадқиқ этиш, изчил ўрганиш, яхлит текширишга ҳаракат қилинади. Шу билан биргаликда, ижодкорлар маҳоратининг ўзига хос томонларини, поэтик услубларини кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Поэтик маҳоратни тадқиқ этиш ижодкор асарлари бадииятини кашф этиш, ундан адабиётнинг ривожини учун сабоқлар чиқаришнинг бош омилidir.

Дарвоқе, «санъаткорлар маҳорати адабиётнинг тасвирий воситаларини мукамал эгаллаш билан бирга ҳаётни тўғри ва ўткир кўз билан кўришни англатади. Бинобарин, сўз санъатининг ички қонуниятларини ва унинг техникасини эгаллаш, тилнинг бой имкониятларидан фойдалана олиш ҳамда адабиёт тарихи эришган ютуқларни ўзлаштиришнинг ўзи ҳали маҳорат эмас. Маҳорат, аввало, ҳаётни ва ундаги янгиликни кўра олиш, бу янгиликни туғилиш жараёнида, улғайиш мавсумида ва бутун тараққиёт тенденцияларида ўрганиш, уни қайтарилмас бадий шаклда акс эттириш ва тасдиқлашда намоён бўлади. Ҳаётдаги янгиликни акс этти-

ришга бўлган уриниш янги шакл, янги образ ва янги сўз излаш масалалари билан бевосита боғланади»¹.

Ижодкорларнинг ижодий маҳоратини чуқур ва атрофлича тадқиқ қилиш адабиётшунослигимиз олдидаги муҳим масалалардан бири бўлиб, тожикистонлик ўзбек адабиётшунослари ҳам бу муаммога алоҳида аҳамият беришмоқда. Жумладан, А.Абдуқодиров², Ю.Шоназаров³ ва бошқаларнинг қатор асарларида бадиий маҳоратнинг турли қирралари тадқиқ этилган.

XX аср ўзбек адабиётида Зулфия, Саида Зуннунова, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева ва бошқа бир қанча ўтмиш шоирларнинг издошлари камолга етди ва кўплаб шогирдларни тарбиялашди. Бугунги ўзбек адабиётида маҳоратли шоирлар анчагина. Зебо Мирзо, Ҳалима Аҳмедова, Гулжамол Асқарова, Қутлибека Раҳимбоева, Фарида Афрўз ва ҳоказо. Ҳар бир шоиранинг ижоди ўзига хос. Айни шу шоирлар қаторида яна бир шоира борки, у гарчи тожикистонлик бўлса-да, яъни асосий ўзбек адабий муҳитидан йироқда бўлса-да, ўзининг интилишлари, изланишлари, истеъдоди билан замонавий ўзбек адабиётида ўз ўрнига, ўз ижодига, ўзининг оригинал ва такрорланмас овозига эга бўла олди. У нафақат назмда, балки наср, адабиётшунослик, таржима ва публицистика соҳасида ҳам самарали қалам тебратиб келмоқда. Бу истеъдодли шоира Мунаввара Ойматовадир. Мунаввара Ойматова ижодини ҳар тарафлама ўрганиш ва унинг ижодий маҳоратини ёритиш бугунги кун адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан биридир.

Истиқлол шарофати билан миллий, маданий, адабий қадриятларимиз тикланаётган экан, ўсиб келаётган янги авлоднинг маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб шаклланишида Мунаввара Ойматова ижодини чуқурроқ ва кўпроқ ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида ўзининг ёрқин ижоди билан ўзбек адабиётига кириб келган Мунаввара Ойматова шу пайтгача бўлган ўзининг ижодий фаолияти мобайнида шеърят, наср, танқидчилик ва публицистика соҳасида самарали ижод қилди. Унинг шеъряти, мақолалари халқимизнинг миллий ғурурини, ўз қадриятлари, анъаналари, тили ҳамда маданиятига муҳаббат ва ҳурмат руҳини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ушбу шоира ижоди бир қатор адабиётшунослар ва шоирлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Бу борада айрим кичик тадқиқотлар амалга оширилган. Тожикистон ўзбек танқидчилигининг машҳур мунаққиди, адабиётшунос олим доцент Юсуфали Шоназаров⁴, шоир Авлиёхон Эшон⁵, адабиётшунос олим, доцент О.Абдуллоев⁶ ва шоира Дилфуза Бозорова⁷нинг айрим тадқиқотларида Мунаввара Ойматова ижодининг айрим жиҳатлари

¹ Қаримов Н. Намид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Тошкент: Фан, 1964. – Б.6.

² Абдуқодиров А. Ўзбек шеърятини анъана, янгилик ва маҳорат масалалари. – Хўжанд, 2011.

³ Шоназаров Ю. Адабий танқид масъулияти. – Хўжанд, 2010.

⁴ Шоназаров Ю. Адабий жараённинг баланд-пастликлари // Тонг, 02.07.08 – 09.07.08-16.07.08.

⁵ Авлиёхон Э. Маънос табассумлар // Ленинобод ҳақиқати, 28.04.2004. №34.

⁶ Абдуллоев О. Бир шеър мутолааси // Ленинобод ҳақиқати, 15.03.2006. № 21 (1219).

⁷ Бозорова Д. Адабиёт яшаса, миллат яшайди // Қадрият, 2020, №1-2 (582).

муносиб баҳоланди, унинг ҳассос ижодкорлик маҳорати, адабиётимиз тараққиётидаги хизматлари таъкидланди.

Мунаввара Ойматова 1970 йилнинг 9 февралда Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида таваллуд топди.

Болалик ва ўқувчилик йиллари Деваштич ноҳиясининг Қизили қишлоғида ўтди. Шу қишлоқдаги № 3 мактабда таҳсил олди. Адабиётга қалбида ҳавас уйғонган Мунаввара Ойматова ўқувчилик йилларидаёқ китобга ҳавас қўйди, шеър ёзишни машқ қила бошлади. У мактабни тугатганидан сўнг 1990 йилда С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Мунаввара Ойматованинг бир қатор ижод намуналари айни талабалик йилларида нашр қилинди. Унинг илк шеърлари “Халқ овози”, “Сўғд ҳақиқати”, “Қадрият” рўзномаларида чоп қилинди.

Шоира Мунаввара Ойматованинг шу кунга қадар, “Мозаика” (Хўжанд, 2010)¹, “Ғусса марсияси” (Хўжанд, 2012)², “Соҳилдаги битиклар” (Хўжанд, 2012)³ каби шеърӣ китоблари нашр этилган ва ўқувчиларнинг қўлига етиб борган. Бугунги кун шеърхонлари шоиранинг ушбу китобларидаги дуру марваридга қиёслашга арзийдиган шеърларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Шоира китобларига китобдаги шеърлар руҳиятини акс эттира оладиган ном ва китоб муқоваси учун ўша мавзуга мос пейзаж топа олади. Унинг “Ғусса марсияси”, “Соҳилдаги битиклар” ва “Мозаика” номли шеърӣ китоблари муқоваларидаги пейзажлар фикримизнинг яққол далилидир.

Шоиранинг кўпгина шеърлари муҳаббат мавзусида ёзилган бўлиб, ишқ борасидаги ҳис-туйғуларини мазкур шеърлар қатига сингдириб юборади. Уларда шоиранинг руҳий туғёнлари, қалб эҳтирослари ҳамда уларни изҳор қилишдаги маҳорати акс этади:

*Ишққа тўлсин қадаҳлар бари,
Ишққа тўлсин сўнги вулқонлар.
Ким кимларга интилсин, майли,
Ишққа тўйсин ишқсиз у қонлар.*

*Юрак чалсин “Чоргоҳ”, “Дугоҳ”ни,
Юрак айтсин ишқли “Сегоҳ”ни.
Юрак туйсин, майли, борича
Ишқ, ишқ дея куйган у оҳни.*

*Тўрт фаслдан кечсин дунёлар,
Тўрт фаслдай кечсин рўёлар.
Ишқдан тумор қилинг юракка,
Юрак ёнсин, ёқсин зиёлар. ...*

¹ Ойматова М. Мозаика. – Хўжанд: “Хуросон”, 2010.

² Ойматова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012.

³ Ойматова М. Соҳилдаги битиклар. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012.

*...Ай, дардимдан сўнилган шароб,
Ай, дард каби эй кўнгли хароб.
Ишққа тўлди олам, бир ишққа,
Қадаҳларда ишқ айшу тараб ...¹*

Нозик шеър таъбига эга бўлган шоира Жалололдин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Бедил, Муҳаммад Иқбол, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Лойиқ Шерали, Рауф Парфи, Фуруғ Фаррухзод, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Анна Ахматова, Марина Цветаева, Шарль Бодлер, Г.Г.Лорка ижодидан баҳра олган ва ҳар бир инсон каби ишқ неъматидан баҳраманд бўлган экан, айтиш мумкинки, у ишқ мавзусини четлаб ўта олмас эмас эди. Шунинг учун, шоиранинг шеърларида ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий ишқ тараннумини кузатиш мумкин. Бундай шеърларида у Аллоҳга мурожаат этади ва ундан мадад сўрайди:

*Етимлар йўқласа йўлин бер, Худо,
Парилар йўқласа кўлин бер, Худо,
Соқовлар йўқласа тилин бер, Худо,
Менга соғинч бер ...*

*Чўлда чўллаганга сувни бер, Худо,
Дили гуллаганга ҳурни бер, Худо,
Қорун бўлмаганга дурни бер, Худо,
Менга соғинч бер...*

*Обидлар ор этган ишқлар ор эмас,
Зоҳидлар дор деган ишрат дор эмас,
Ишқсиз ул бандаки менга ёр эмас,
Менга соғинч бер...²*

Шоиранинг “Тариқат шевалари” номли туркум шеърларининг айримларига, “Мен кетарман...” шеърига ва уларда ифодаланган фикрларга тўхталиб ўтган ҳолда унинг бадий маҳоратини кузатишни давом эттирсак:

*Жисмимда қон оқмас, қувонманг,
Оқса НУР оқади жисмимда.
Ҳарфларда мен Ҳақни кўролдим,
Насим бўб нур оқар (ҳар) қисмимда³.*

Ушбу мисраларда илоҳий ишқ соҳиби бўлган Насимий эргашган тариқат – ҳуруфия тариқатига ишора бор. Мисраларда ҳақиқий ишқ соҳибла-

¹ Оймагова М. Ғусса марсияси, – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б.70.

² Оймагова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б.34-35.

³ Оймагова М. Мозаика. Хўжанд: “Хуросон”, 2010. – Б.37.

рининг жисмларидаги қон томирларида одатдагидай қон эмас, балки нур оқиши, ҳар бир ҳарфда ҳам Аллоҳни, унинг қудратини кўра олиш мумкинлиги ўз ифодасини топган.

*Суягим қуйлайди, Ё Аллоҳ,
Етмиш минг томирда номинг бор.
Бир МАНЗИЛ бор икки дунёда,
Васлингга етказгин Биру Бор!¹*

Ушбу мисраларда машҳур сўфийлардан бири Боязид Бистомийга ишора бор. Ривоятларга кўра, Боязид Бистомий ибодат қилганида, унинг ичидаги суяклар ҳам овоз чиқариб Аллоҳнинг номини такрорлар экан. У бутун вужуди билан ҳақиқий ишқ соҳибига айланган, кўзлаган ягона МАНЗИЛ номи Бир ва Бор бўлган Аллоҳнинг васли экан.

Шоиранинг “Мен кетарман...” шеърини ўқиганда ҳар бир одам ўзини бошқа бир оламга – туйғулар оламига кириб қолгандай ҳис этади. Мисралар ўқувчининг қўлларидан етаклаб, соғинч мамлақати сари бошлаб кетаётгандай бўлади, гўё. Бу мамлакат ажиб бир дунё. Бу дунё ўзининг бир-бирига ишқ, муҳаббат риштаси ила боғланган Соғинч, Изтироб, Ҳижрон, Висол номли салтанатларига, Мен, Сен, Дил, Дўст, Ошиқ, Маъшуқа деб аталмиш доимий фуқароларига эга. Бу шеърни ўқир экансиз, беихтиёр шу фуқаролар билан суҳбатлашасиз, улар билан сайр қиласиз ва Соғинч уммонида суза бошлайсиз.

*Мен кетарман ўзимни олиб,
Васлсизлик ҳукмига кўниб,
Юзларини юлиб йиғлаган
Сочи тўзган АЁЛга дўниб
Йўллар сени соғинса, нетай?²*

Ўзликни унутмоқ – ўзни унутмоқ. Ўздан кечмоқлик – Ўзликдан кечмоқ. Шоир ўзлигидан ҳам, ўзидан ҳам кечмайди, гарчанд васлсизлик ҳукмига кўнса-да. Бироқ Соғинч мамлақати Соғинчсиз бўлармиди. Сочи тўзғин, юзларини юлиб йиғлаётган АЁЛга дўнган йўл – АЁЛ кетаётган йўл Соғинчга айланади. Йўл уни эслатади. ЙЎЛ – АЁЛ Уни соғинади.

*Паймонаси тўлган Сабримни
Тобут кутар ясатилганча.
Қабристоннинг қаҳрин келтириб
Очиқ зўрдан узатилганча
Қўллар сени соғинса, нетай?!³*

¹ Ойматова М. Мозаика. - Хўжанд: “Хуросон”, 2010. – Б.37.

² Ойматова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б.14.

³ Ойматова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б. 53.

Паймонаси тўлган Сабр – АЁЛ. Ўзини олиб ясатилган тобут сари кетаётган АЁЛ. Паймонаси тўлган Сабр – Муҳаббат. Мангуликка дахлдор Муҳаббат марҳумлар диёри – қабристонда ҳам Уни соғинади. Соғинч борми, демак, Умид бор. Умид борми, демак, Келажак бор. Келажак борми, демак, Мангулик бор. Мангу Соғинч, Мангу Ишқ бор.

*Карвонимни итлар талади,
Туяларнинг жараси тинди.
Гармселнинг нафасларидан
Кўнглим тўрғай куйган чўл энди,
Чўллар сени соғинса, нетай?!¹*

Кўнгил итга таланган, Ўтга яланган. Саҳройи Кабирдай чўлга айланган. Бироқ ҳеч нарса сиз қолган шу чўл – шу Кўнгил уни соғинади. Унга интизор, демакки, олдинда ҳали ҲАЁТ бор.

*Ўрмонлари шовуллаб ётган –
Қайғум салтанати сўлимдир.
Парилари жодугар бўлган
Чашмим – лим-лим тўлган кўлимдир,
Кўллар сени соғинса, нетай?!²*

Соғинч мамлакатигади васлсизлик қайғу салтанатига йўл очади. Бироқ қайғу салтанати сўлим, дилрабо, чунки унда Соғинч яшайди. Шодлик юртидаги шўхчан парилар Қайғулар юртида бўлди жодугар. Жодуларнинг маконининг оҳ лим-лим тўлган кўл янглиғ, э-воҳ! Кўллар тошиб чиқмоққа тайёр, кўзлар ёшин тўкмоққа тайёр. “Соғинч фарзандлари кўзёшлар Соғинч мамлакатига бошлар”. Шундай ҳисларни кўнглидан кечираётган шоиранинг энг қадрли туйғулардан бири бўлган Соғинч туйғуси билан нафас олаётганлигига, яшаётганлигига ишонасиз. Ушбу шеър соғинч ҳисси билан яшаётган ҳар бир ошиқ аёл қалбидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

Ижодкорнинг «*абодият оралаб*»³ мангуликка дахлдор бўлишига унинг томонидан яратилган ижод намуналари сабабчи бўлади. Шоиранинг шеърларини кўздан кечирар эканмиз, унинг юксак бадий савияда яратилганлигининг, бадий санъатлардан унумли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида келтирилган мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда ошкора ва яширин талмиҳ (“Қорун”, “Ҳарфларда мен Ҳақни кўролдим”, “Суягим куйлайди, ё Аллоҳ”), ташхис (“Йўллар сени соғинса”, “Паймонаси тўлган Сабр”, “Тобут кутар”, “Қабристоннинг қаҳри”, “Кўллар сени соғинса”, “Гармселнинг нафаслари”, “Чўллар сени соғинса”, “Кўллар сени соғинса”), ташбиҳ (“Кўнглим тўрғай куйган чўл”, “Чашмим – лим-лим тўлган кўлимдир”, йўл-

¹ Оймагова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б.53.

² Оймагова М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: “Хуросон”, 2012. – Б.53.

³ Шавкат Раҳмон сўзи.

нинг сочи тўзиган аёлга ўхшатилиши), аллегория (“*Карвонимни итлар таллади, Туяларнинг жараси тинди*”) кабиларни кузатишимиз мумкин.

Шу билан биргаликда, одатда, адабиётда “очиқ қўл” ибораси ишлатилганда, Искандарнинг очиқ кетган қўллари тушунилади. Яъни бу ибора шоҳ Искандарнинг етти иқлимнинг подшоҳи бўлган бўлса-да, шунча бойлиги бўлатуриб, ўзи билан нариги дунёга ҳеч нарса олиб кета олмаганлиги боис, бошқалар учун ибрат маъносида қўлларини қабрдан ташқарида очиқ ҳолда қолдириб кўмишларини васият қилганлигига ишора (талмиҳ) сифатида қўлланилади. Аммо Шоира Мунаввара Ойматованинг шеъридаги “очиқ гўрдан узатилиб турган қўл” тамоман бошқа маънони, яъни Ишқ ва ўша Ишқ туфайли вужудга келган Соғинч, интизорлик маъноларини ифодаламоқда ҳамда машҳур адабиётшунос олим Наим Каримов таъкидлаганидай “янги шакл, янги образ ва янги сўз излаш” масалалари билан бевосита боғланмоқда.

Хулосалар

1. Мунаввара Ойматова Шарқ шеърияти ва тарихидан чуқур хабардор. Буни унинг шеърларида келтирилган талмиҳлардан англаш мумкин.

2. Шоиранинг ишқий шеърлари ҳам мажозий, ҳам ирфоний мазмунда ёзилган.

3. Шоира шеърлари бадий жиҳатдан мукамал. Уларда талмиҳ, ташхис, ташбиҳ ва бошқа бадий санъатлардан, аллегорик ифодалардан самарали фойдаланилган.

4. Шоира шеърлари унинг маҳоратли шоира эканлиги ҳамда ижоди ўрганишга лойиқлигидан далолат беради.

Улуғов АБДУЛЛА

Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди (Ўзбекистон)

ҲАЁТГА МАФТУН АДИБ

Аннотация: Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) (1920-2007) замонавий ўзбек адабиётининг ёрқин вакиллари билан биридир. Унинг ҳикоя, қисса, роман, драмалари, хотира-ёдномалари ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутди. Адибнинг асарлари мактаб, олий ўқув юртлири дарсликларига киритилган. Саид Аҳмад шўро тузумининг зулм, зўрликка асосланган мудҳиш сиёсати азобларини тортган. У ўтган аср 50-йилларида шўро тузумига қарши миллатчилар гуруҳи аъзоси, совет давлатига қарши зарарли ғоялар тарғиботчиси сифатида айбланиб, қамоққа олинган ва Қозоғистоннинг Қарағанда вилояти Жезқазған лагериде қамоқхона азобларини тортган. Лекин у озодликка чиққанидан кейин ҳам тухматга учраб, қамоққа олингани, у ерда бошидан кечирганларини қаламга олмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ёзган “Қора кўз мажнун” ҳикоялар тўплами (2002), “Йўқотганларим ва топганларим”, “Киприқдаги

тонг” китобларида бу ҳақда фикр билдирган. Яъни ёзувчи орадан қирқ йил ўтгандан кейингина бошидан кечирган азоб-уқубатларини маълум қилишга журъат этган. Адибнинг 90-йилларгача чоп қилган асарларида эса ўзи яшаган давр воқелиги лирик оҳангда шоирона публицистик услубда гавдалантирилган. Мазкур мақолада шу хусусда фикр билдирилади.

Аннотация: Герой Узбекистана, Народный писатель Узбекистана Саид Ахмад (Хусанхужаев) (1920 – 2007) один из видных писателей современной узбекской литературы. Его повести, рассказы, романы, драмы, мемуары имеют отдельное место в узбекской литературе. Произведения автора внесены в школьные учебники и пособия высшеобразовательных заведений. Саид Ахмад испытал угнетение советской политики основанной на жестокости. В 50-ых годах прошлого века он был обвинён в том что он был членом группы националистов, пропагандистом вредных идей для социалистического строя, был арестован и посажен в Казакстане, Карагадийской области в лагере Жезказган. Но после освобождения он также был оклеветан и опять арестован и там уже не описывал свои страдания и пытки. После независимости Узбекистана в своём в сборнике рассказов “Қора кўз мажнун” (2002) и книгах под названием “Йўқотганларим ва топганларим”, “Киприкдаги тонг” писатель затрагивает эту тему. То есть автор только сорок лет спустя отваживается описать свои страдания. В своих публикациях до 90-ых годов поэт выражает события жизни публицистическом стиле в поэтическом звучании. Об этом и ведётся суждение в данной статье.

Abstract: Hero of Uzbekistan, People’s Writer of Uzbekistan Said Akhmad (Khusankhuzhaev) (1920-2007) is one of the prominent writers of modern Uzbek literature. His stories, novels, dramas, memoirs have a separate place in Uzbek literature. The author’s works are included in school textbooks and manuals of higher education institutions. Said Akhmad experienced the oppression of Soviet policies based on brutality. In the 50s of the last century, he was accused of being a member of a group of nationalists, a propagandist of harmful ideas for the socialist system, was arrested and imprisoned in Kazakstan, Karagadi region in the Zhezkazgan camp. But after his release, he would also be slandered and arrested again, and there he would no longer describe his suffering and torture. After the independence of Uzbekistan, in his collection of stories “Kora kuz majnun” (2002) and books titled “Yotganlarim va topganlarim”, “Kiprikdagi tong” the writer touches upon this topic. That is, the author only forty years later dares to describe his suffering. In his publications up to the 90s, the poet expresses the events of life in a publicistic style in a poetic sound. This is what the discussion is about in this article.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳаёт, адабиёт, шўро тузуми, миллий турмуш, ҳикоя, қисса, роман, сюжет, баён, таҳлил.

Ключевые слова: социальная жизнь, литература, советский строй, национальная жизнь, рассказ, повесть, роман, сюжет, изложение, анализ.

Key words: social life, literature, Soviet system, national life, story, story, novel, plot, presentation, analysis.

Ҳар бир ижодкорнинг дунёқарашида, ёзган асарида у яшаган даврга ҳос кўпгина хусусиятлар акс этади ва бунга табиий ҳол сифатида қаралади. Чунки барча одамлар каби шоир, ёзувчи, драматург, рассом, адабиётшунос ҳам ўзи яшаган муҳитдан нафас олади, шу шароитнинг мезонларига мувофиқ иш тутади. Мутафаккирлар, даҳолар ҳам ўз замонаси андозаларига асосланиб, ундаги вазият, талаблар билан ҳисоблашиб яшайди. Негаки улар ҳам қанчалик ақлли, зукко бўлмасин, шу жамиятнинг фуқароси сана-

лади. Саид Аҳмад ҳикоя, қисса, романлари, драмаларида ҳам даврнинг муҳри яққол сезилади. Саид Аҳмад ва унинг тенгқурлари Асқад Мухтор, Шукрулло, Ҳамид Ғулом асарлари XX аср ўзбек адабиёти тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Уларнинг асарлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорлар авлоди билан Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар авлоди асарлари оралиғида туради. Саид Аҳмаднинг қурдошлари асарларида кўпроқ XX аср ўттизинчи йиллари охири, уруш даври ва ундан кейинги замон ҳодисалари қаламга олинади ҳамда воқеликка шўро мафқураси белгилаб берган социалистик реализм методи талаблари асосида ёндашилади. Саид Аҳмад ҳикоя, қисса, романларида ҳаёт ҳодисалари, унинг ичидаги одамларнинг ҳолати, кечинмалари таҳлил қилинмайди. У табиат манзаралари, воқеалар кечадиган манзил-масканларни, персонажларнинг портрети, хатти-ҳаракатини ҳаётга мафтун бўлиб қараган ҳолда, мароқланиб баён қилади. Шу боис у “прозанинг шоири” деб таърифланади. Воқеликка мафтун бўлиб қараш бу ёзувчининг ва унга тенгдош қаламкашларнинг ижодига хос хусусият экани аниқ билиниб туради. Ҳаётга мафтунлик ҳисси Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи, “Қадрдон далалар”, “Ҳукм” қиссалари ва ҳикоялари саҳифаларида алоҳида бўртиб туради. Саид Аҳмад ўз асарларида Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ёки Асқад Мухтордан фарқли ҳолда, воқеаларнинг таҳлилчиси эмас, балки баёнчиси сифатида кўринади ва у ҳодисаларнинг ижобий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратади. Воқеаларни баён этиш эса ўзбек адабиётида кенг ўрин тутади ва уни Ғарб адабиётидан ажратиб кўрсатадиган хусусиятлар сирасига кирди. Саид Аҳмаднинг ҳикоялари ҳам, бошқа асарлари ҳам ким биландир самимий суҳбатлашиш ниятида ёзилган бир нарсага ўхшайди. Унинг роман, қисса, ҳикояларида суҳбатлашишни ўрнига қўядиган, ҳаётга мафтун бўлиб қарайдиган кишиларга хос қараш, нигоҳ кўринади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун адибнинг “От билан суҳбат” ҳикояси матнига эътибор қаратиш kifоя қилади. Унда, жумладан: “Йигит ёшим барқ урган, уйланиб, ҳаёт нашъасини сураётган, ёниб ижод қилаётган пайтимда мени зиндонга ташладилар. Ёруғ тушмайдиган, ташқаридан “тиқ” этган товуш келмайдиган якка зимистон хонада (одиначкада) ётганимда худди шу отга ўхшаб кўрган-кечирганларимни эслаб ўтирдим. Қизиқ, негадир фақат баҳор пайтларини эслардим. Ўрик гуллаган, шаббода шафтоли гулларини тўзғитарди. Мажнунтолларнинг узун яшил сочлари янги уйғонган майсаларнинг бошларини силарди. Жаннатга бермагулик ўзбек боғларида баҳор бир неча ҳафталик меҳмон эди. Йигитлик ҳам шундай меҳмон. Шу ғанимат, кейин ҳеч қачон қайтиб келмас дамларни қоронғи зиндонда ўтказиш нақадар аянчли, нақадар армонли”¹, – дейилади. Ушбу иқтибосдаги: “Қизиқ, негадир фақат баҳор пайтларини эслардим”, – деган жумла ҳам “Саид Аҳмад – ҳаётга мафтун бўлиб қараган ижодкор” дейишимизга, у кўриб-кечирганлари, ўйларини завқланиб нақл қиладиган қаламкаш эканига исбот-далил бўла олади. Ҳаётга мафтун бўлиб қарамаган, ундаги гўзалликлардан завқ туймаган ижодкор бошига тушган фожиаларни “От билан суҳбат” му-

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2020 йил 12 июнь.

аллифи сингари худди ким биландир суҳбатлашаётгандай тарзда, беозор, ҳазин оҳангда гапириб беролмайди. Ҳаётга мафтун бўлиб қарамаган, унинг гўзалликларидан завқланмаган кишига турманинг, ёруғлик тушмайдиган, ташқаридан “тиқ” этган товуш эшитилмайдиган тангу-тор хонасида якка қолган пайтда ҳаёт зулмат, зимистон бўлиб кўринади. Маҳбусликда кечган ўша мудҳиш кунларни кейинчалик эслаш ҳам юракда қаттиқ оғриқ кўзғаб, бутун вужудни титроққа солади. Саид Аҳмад эса ҳаётга мафтун бўлиб қарагани, қалбда ҳаётсеварлик ҳисси кучли бўлгани учун умрининг уқубатли дамларини “Илгари бошимга қора кунлар ёғилганда Жезқозғон мис конлари шахталарида ишлаганман”¹, – дея шунчаки эслаб ўтади ёки у алам-изтиробларини, норозилиklarини, кўнглидаги азобли кечинмаларини Ҳерман Ҳессе сингари ифода қилолмайди. Бу немис адиби ўзининг руҳий кечинмаларини: “Мен ундан чинакамига нафратланардим, бу – иши юришмаган майда дўкандор насронийнинг яҳудийларга адовати сингари ашаддий, қўпол ва аҳмоқона, камина ҳамиша бошқаларга қоралаб келадиган ўша бемаъни, ҳайвоний, беҳуда ҳамда моҳиятан нафратнинг қўрқоқ ва ҳасадгўй бир тури, сиёсатни, амалий ва ижтимоий ҳаётни заҳарлайдиган, ўзимни асло бунга қодир деб билмаган нафрат эди. Мен унинг нафақат йўталишидан, овозидан, балки унинг ўзидан, бутун бир одамдан нафратланардим, у эса қувноқ, ҳеч нарсадан шубҳаланмас, мабодо кундузи рўпара келиб қолгудек бўлса, бу мен учун ғирт душман ва ярамас одам билан учрашувга айланар, бор фалсафам ҳис-туйғуларимга эрк бермасликкагина етарди, холос. Унинг сип-силлиқ, мулойим жилмайиб турган башараси, салқиган қовоқлари, табассум жилва қилган дўрдоқ лаблари, урф бўлган таранг нимчаси остидаги семиз қорни, қадам ташлашлари, ўзини тута билиши, боринги, барчаси бир бўлиб, нафратимни кўзғатар, ҳаммасидан ҳам кўра, унинг куч-қуввати, саломатлиги ҳамда собитлигидан гувоҳлик берувчи сон-саноксиз далилларни, унинг кулгисини, мулойимлигини, серғайрат ҳаракатларини, эринчоқликка мойил нигоҳини, унинг биологик ва ижтимоий устунлигидан далолат берувчи мана шу барча аломат-белгиларни кўргани кўзим йўқ эди”², – тарзида тасвирлайди. “От билан суҳбат” билан “Курортчи” матнидан олинган иқтибос қийёсланса, ўзбек ёзувчисининг ҳикояси ҳаёт воқелигини жўн баён этишга, немис адиби асари эса инсон руҳий кечинмаларини теран таҳлил қилишга асослангани яққол ойдинлашади. Немис адиби асаридан олинган кўчирмага синчиклаб қаралса, нима учун у “XX аср жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан бири” деб таърифланиши, Ҳерман Ҳессе (1877-1962)нинг халқаро Нобель мукофоти совриндори экани сабаби ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади. “Жаҳон адабиёти намояндаси” деб эътироф қилинадиган адиблар асарларининг ажойиблиги ва афзаллиги шундаки, улар ҳаёт ҳодисаларини таҳлил этиш орқали инсоннинг мураккаб табиати, ижтимоий ҳаёт зиддиятларга тўлалигини очиб кўрсатишади, улар билан боғлиқ янгиликларни тақдим қилишади. Ҳаёт ҳодисалари жўнгина баён қилинган ҳикоя, қисса, романларни

¹ Шу манба.

² “Жаҳон адабиёти” журнали, 2019 йил, 12-сон. – Б.30-93.

ўқиганда эса барчага маълум ҳақиқатлар нақл этилгани аниқ билинади. Инсон эса янгиликни хуш кўради, доим янгиликка интилади. Чунки у табиатан шундай яратилган. Масалан, “Курортчи” қиссидаги: “Сиёсий иқтисодчилар томонидан ўртага ташланаётган, рулеткага қарши билдирилаётган қизгин ва насиҳатнамо эътирозлар, менинг назаримда, бутунлай асоссиздир. Қиморбозда осонгина бойиб кетиш имконияти мавжуд, шу боис унда меҳнатга ҳар қандай ҳурмат йўқолиши мумкин, бошқа тарафдан эса унга ўзининг бутун бойлигини бир зумда бой бериш хавфи ҳам таҳдид солиб турибди, учинчидан, шарчалар ва тангаларнинг шириллаб айланишини кузата туриб, у, ҳатто, бутун буржуазия иқтисодий ахлоқ асосларидан, яъни пулга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиромдан ҳам маҳрум бўлиши мумкин. Майли, буни одилона ҳам дейлик, аммо мен мана шу барча хавф-хатарларни шу қадар жиддий дея олмайман. Камина психолог сифатида жуда кўплаб руҳий хаста одамлар учун бутун бойлигидан бир дамда маҳрум бўлиш, шу тариқа пулга бўлган ишончни ҳам йўқотиш улар учун зинҳор бахтсизлик эмас, балки тўғрироғи, ҳатто, бирдан-бир, ягона нажот бўлиб туюлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайман, шахсан ўзимга ҳам худди шундай туюлади, яъни бугунги ҳаётимизда иш билан пулга бўлган фавкулдда сиғинишга қарама-қарши ўлароқ, тасодифни қабул қилиш, тақдир-қисматнинг инжиқликлари-ю, бевафоликларига ишонч билан қараш, менимча, ғоят мақбул иш бўлур эди, айнан мана шу нарса бугунги кунда барчамизга жуда зарур ва керак, деб ўйлайман”¹ каби ўринлар мушоҳадага ундовчи янги фикр сифатида дарҳол диққатни жалб этади. Немис адибининг бугунги кун одамлари феъл-атвори, турмуш тарзи, дунёқарashi тўғрисидаги қарашлари чуқур асосга эга экани ҳар бир замондошимизнинг кўнглидан ўтади ва албатта, унда қарама-қарши фикрлар уйғотади. Бадий асарлар ҳаёт ҳодисаларининг оддийгина баёни, жўнгина нақли бўлиши эмас, балки кишиларнинг кўнглида эзгу туйғу уйғотиши, уларнинг қалбида ҳақиқатга ишонч ҳиссини сингдириши, ёшларни адолатга муҳаббат руҳида тарбиялаши, ҳаётнинг мазмун-моҳияти тўғрисида муттасил фикр юритишга ундаши зарур. Чунки оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари кишиларга янги хабарлар, янги маълумотларни етарлича етказиб турибди. Улар ривожлангани сари одамлар “ахборот бўрони” ичидан қолиб кетяпти. Халқаро Нобель совриндори асарида ўзининг ҳолат, кечинмаларини таҳлил қилиш орқали бугунги кунда барчамизга нима жуда ҳам зарур ва керак экани тўғрисида мулоҳаза билдиради. Бундай фикр-мулоҳазалар ҳодисаларнинг оддий баёнидан иборат асарлардан кўра кўпроқ ҳақиқатларни англашга, идрок этишга туртки беради. “Курортчи” қиссидаги каби инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмаларини теран таҳлил этиш асосида ҳаёт ҳодисаларига турли томондан ёндашиш кишиларнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларнинг фикрлаш даражасини ўстиради. Ҳар бир асарнинг қадри, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти эса худди шу билан белгиланади. Ҳерман Ҳессенинг “Бугунги ҳаётимизда иш билан пулга бўлган фавкулдда сиғинишга қарама-қарши ўлароқ, тасодифни қа-

¹ Ўша манба. – Б.75.

бул қилиш, тақдир-қисматнинг инжиқликлари-ю, бевофоликларига ишонч билан қараш, менимча, ғоят мақбул иш бўлур эди”, – деган мулоҳазалари дунёдаги барча илохий динларда илгари сурилган ақидаларга ҳар жиҳатдан мос, мувофиқ келади.

1940 йилда, Саид Аҳмад йигирма ёшга кирганида унинг “Тортиқ” деб номланган ҳикоялар тўплами босилиб чиққан. “Ўздавнашр”да чоп қилинган ушбу китобга ўша пайтнинг ўзида Абдулла Қаҳҳор муносабати билдирган. “Сароб” муаллифи ёш қаламкашнинг бу илк китоби тўғрисидаги мулоҳазаларини: “Тортиқ” тўпламидаги кўп ҳикоялар ҳожати йўқ “илмий” асарга ўхшайди” деб бошлаган ва бу фикрини тўпلامдаги “Севинч”, “Тез ёрдам”, “Безовта”, “Дайди ошиқ” ҳикояларини таҳлил қилиш асосида кўрсатиб берган. Абдулла Қаҳҳор “Тортиқ” тўпламидаги ҳикояларда ҳеч қандай маъно йўқлиги, шу боис улар ҳеч қандай қимматга эга эмаслиги, бунинг сабаби – муаллиф бу ёзганларида нима демоқчи эканини ўзи ҳам билмаслиги билан боғлиқлигини аниқ ва ишонарли қилиб исботлаган¹. Орадан 25 йил ўтиб, “Уфқ” трилогияси чоп этилгач, Абдулла Қаҳҳор Саид Аҳмаднинг бу асари тўғрисида ҳам тақриз ёзган. “Ўғри”, “Анор”, “Бемор” каби машҳур ҳикоялар муаллифи ушбу тақризига “Илҳом ва маҳорат самараси” деб сарлавҳа қўйган ва уни: “Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг “Уфқ” китоби бошқа анча романлар орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерида туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади”², – деган илиқ фикрлар билан бошлаган. Ҳақиқатан, Саид Аҳмаднинг ҳикоя, қисса, романлари “ҳеч қаерида туртинмасдан” ўқиладиган асарлар сирасига киради. Чунки уларда ҳаёт ҳодисалари, юқорида қайд этилганидек, оддийгина баён қилиниб, эътибор қаратилаётган воқеаларнинг тўғрисида барчага маълум жиҳатлар қаламга олинади. Мисол сифатида келтирилган “Курортчи”га ўхшаган жаҳон адабиёти намуналарида эса воқеаларнинг ички қатламларига кириб борилиб, уларнинг дабдурустдан кўринмайдиган мураккаб жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади. Ҳаёт ҳодисалари эса кўп қиррали бўлгани боис ундаги оддий воқеаларнинг бағрида ҳам маънолар қатлам-қатлам бўлиб ётади ва уларга кутилмаган томондан ёндашилганида, мушоҳада қилиб, таҳлил этилганида барча кўриб кузатиб келаётган ҳодисаларнинг шу пайтгача пинҳон бўлиб келган янги қирралари намоён бўлаверади. Истеъдодли ижодкорлар барчага маълум ҳодисаларнинг янги маъноларини очишади.

Саид Аҳмаднинг ёзганларида ўтган аср ўттизинчи йиллари охиридан тўқсончи йиллар бошигача бўлган давр ҳодисалари қаламга олинади. Ёзувчининг ҳикоя, қисса, роман, драмалари сюжети шу давр воқелигига асосланади. Саид Аҳмад кундалик турмушдаги оддий воқеаларни майин, мулойим оҳангда, лирик услубда баён қилади. Шунинг учун уларни ўқувчи, Абдулла Қаҳҳор қайд қилганидек “бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади”.

¹ Қаҳҳор А. Асарлар: Беш жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.24-26.

² Ўша манба. – Б.216.

Ҳолат, кечинмалар таҳлилига асосланган, ҳаёт ҳодисаларининг ички мураккабликлари тўғрисида янгича фикр, қарашларни тақдим қиладиган ва ўйлашга ундаб мушоҳада юритишга мажбур этадиган “Курортчи”га ўхшаган асарлар ҳам, Саид Аҳмадга ўхшаган адибларнинг “бошдан-оёқ шавқ билан ўқиладиган” асарлари ҳам адабиётда ўз ўрнига эга. Чунки ҳар икки турдаги асарларнинг ўз ўқувчилари бор. Саид Аҳмад асарлари шўро замони қишлоқ турмуши, ундаги одамларнинг шўро мафқураси асосида шаклланган дунёқарашини ифодалаш билан диққатни жалб этади. Ёзувчи “Уфқ” трилогиясида ҳам, ҳикояларида ҳам, драмаларида ҳам воқеликни ўз даври талаблари, санъат ва адабиётда ҳукм сурган социалистик реализм методи мезонларига мувофиқ талқин қилади. Саид Аҳмаднинг ҳикояларида ҳам, унинг XX аср ўзбек романчилигининг энг яхши намуналари қаторида қайд қилинадиган “Уфқ” трилогиясида ҳам муаллифнинг ҳаёт воқелигига мафтун бўлиб қараши, ундаги гўзалликларга алоҳида эътибор бериши яққол сезилади. Ёзувчининг “Турналар”, “Ўрик домла”, “Лочин” сингари ҳикоялари, “Уфқ” трилогиясидаги табиат манзараси тасвири ёки “Қирқ беш” романида Азизхон образининг романтик бўёқларда гавдалантирилиши бунинг исботи бўлади олади.

Файзуллоев БАХТИЁР,

академик Бобожон Ғафуров номидаги
ХўжандДУ ўзбек филологияси факультети
ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
(Тожикистон)

ТУРКИГУЙ ШОИРЛАР УСТОЗ АЙНИЙ НИГОҲИДА

Аннотация: Мақолада устод Айнийнинг “Тоҷик адабиёти намуналари” тазкирасидан жой олган ўзбек мумтоз шоирлари ҳаёти ва ижодининг айрим томонлари илмий таҳлил қилинган.

Annotation: The article analyzes the life and work of Uzbek classical poets, which are included in the commentary “The samples of Tajik Literature” of Ayni.

Аннотация: В статье научно анализируется жизнь и творчество узбекских классических поэтов, которые включены в тазкирку «Образцы таджикской литературы» устода Айни.

Калит сўзлар: Айний, Султон Халил, Бобур, Амирий, ғазал, рубоий, қасида.

Key words: Ayni, Navoi, Sultan Khalil, Babir, Amiri, gazelle, quatrain, kasida

Ключевые слова: Айни, Навои, Султон Халил, Бабур, Амири, газель, рубаи, қасида.

Устоз Садриддин Айний ўзбек ва тоҷик адабиётининг XX асрдаги тақдорланмас йирик вакилидир. У фақат ёзувчи ва шоир бўлиб қолмасдан балки забардаст адабиётшунос ҳам эди. Шу жиҳатдан Айний буюк олим

сифатида ҳам ўзбек адабиётшунослигини бошлаб берган алломалар қаторида туради. Унинг бу борадаги фундаментал ишлари ҳозирга қадар ҳам ўз илмий қимматини йўқотгани йўқ. Буни “Тожик адабиёти намуналари” дан жой олган ўзбек мумтоз шоирлари ҳаёти ва ижодига доир кузатишлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Унда ўндан ортиқ икки тилида асарлар яратган туркигўй шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар берилганлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, устод Айнийнинг фаолиятида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тадқиқ доимо биринчи ўринда бўлганлигини таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов ўз кузатишларида ўринли қайд этган эди¹.

Тазкирадаги туркигўй шоирлар – Султонхалил ибни Мироншоҳ ибни Амир Темур, Абулқосим Бобурмирзо ибни Бойсунқур, Низомиддин Алишери Навоий, Абдуллоҳон-волии Бухоро, Имомқулиҳон-волии Бухоро, Қосимхон ибни Хусравхон, Абдулазизхон-волии Бухоро, Субҳонқулиҳон-волии Бухоро, Бобораҳим Машраби Намангоний, Сўфий Аллоҳери Каттакўрғоний, Нодираи Андижоний, Амир Умархон-волии Фарғона, Мирзоостонақул Дабири Каттакўрғоний, Муҳаммадияқуб ибни Амир Дониёл ибни Манғит кабилар ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

“Тожик адабиёти намуналари” асарининг биринчи қисмида ўз даври адабиёти ва санъати ривожини учун арзирли ҳисса қўшган темурий шоҳзодаларидан Халил Султон ва Абулқосим Бобурга алоҳида ўрин ажратилган². Уларнинг форсий забонда битилган асарларидан намуналар тақдим қилинганлигини кўриш мумкин. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) тазкирасининг еттинчи мажлисида шеърятимиз тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган, шеърини иқтидорга эга бўлган 22 та темурий ҳукмдорлар ҳақида маълумот берилган³.

Устоз Айний эътибор қаратган Халил Султон ҳам шу рўйхатда мавжуд. “Тожик адабиёти намуналари”да Халил Султон ҳақида тўхталиб, унинг форсий тилда ёзилган бир рубойиси ва етти байтдан иборат ғазалини келтириб, уни Давлатшоҳ тазкирасидан олинганлигига ишора қилинган. Шунингдек, тазкирада Халил Султоннинг вафот этган санаси хусусида ҳам мухтасар маълумот мавжуд. Бу шоҳзоданинг ҳукмронлик даври қисқа бўлиб, 28 ёшида вафот этади. Ўз амирлари томонидан зиндонга ташланади. Унинг шу даврдаги руҳий изтиробини ифодаланган ғазалини зиндондалик вақтида Шоҳрухга юборилганлигига устод Айний эътибор қаратиб, 7 байтдан иборат тожикча ғазалини тазкирасида келтириб ўтади.

“Тожик адабиёти намуналари”да Абулқосим Бобур мирзо ҳақида ҳам қимматли маълумот берилган бўлиб, унинг 741(1457) ҳижрий йилда Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот этганлиги қайд этилиб, сўнг беш байтдан иборат форс-тожик тилида ёзилган ғазали берилган.

А.Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Абулқосим Бобур ҳақида ҳам тўхталиб, уни “дарवेशваш ва фонийсифат” киши эканлиги билан

¹ Ҳайитметов А. Забардаст навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. 5-сон. – Б.18-21.

² Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Адиб, 2010. – С.72-76.

³ Навоий А. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами). 20 томлик. 13-том. Тошкент: Фан, 1997. – Б.79-139.

бирга, унинг тасаввуф илмига ҳам рағбати бўлиб, шеърый истеъдоди ҳам борлиги махсус таъкидлаган. Тазкирада унинг форсийда битилган битта рубойисини келтиради. Айнан шу рубойи ҳам устоз Айнийнинг назаридан четда қолмасдан у ҳам “Тожиқ адабиёти намуналари”дан жой олган. Тазкирадаги муҳим маълумотлардан яна бири Алишер Навоий ижоди билан боғлиқдир. Унда А.Навоий туғилган ва вафот этган саналари ҳижрий (844-906) йил ҳисобида кўрсатилиб, сўнг шоирнинг машҳур қасидаларидан бири “Тухфат ул афкор” (“Фикрлар тухфаси”)дан 13 байт келтирилган. Уни Давлатшоҳ асаридан олинганлиги қайд қилинган.

Устоз Айний Навоийнинг форсий тилда ёзилган “Тухфат ул- афкор” (“Фикрлар тухфаси”) қасидасига эътибор берганлиги бежиз эмас эди. Мазкур қасида Навоий ижодида муҳим адабий-эстетик қимматга эга бўлиб, у устози Абдураҳмон Жомийга бағишланган етук ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Жомийнинг “Луччат ул асрор” (“Сирлар денгизининг туби”) қасидасига татаббуъ сифатида яратилган эди. Янада аниқроқ айтганда, ушбу қасида Амир Хусрав (1253-1325) нинг “Дарёи аброр” (“Яхши кишилар дарёси”) ва Жомийнинг юқорида тилга олинган қасидасига татаббуъ эканлиги навоийшуносликда қайд этилган.

Тазкирада Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асаридан олинган учта рубойи ҳам берилган бўлиб, улардан биринчиси устози Жомийнинг ҳаж сафарида қайтиши муносабати билан ёзилган бўлиб, у Навоийнинг табрик мактубидан олинган бўлса, иккинчиси эса унинг бошқа бир мактубидан олинганлигига ишора қилинган. Давомида эса Навоийнинг яна форсий тилда ёзилган бир байти келтирилади ва шоир мактубига диққат қаратади. Шу далиллар Айнийнинг Навоий ижодий меросини атрофлича ўрганганлигини тасдиқлайди.

“Тожиқ адабиёти намуналари” тазкирасининг иккинчи қисми ўзбек шоири, Қўқон хони Амир Умархон Амирий ҳақидаги маълумот билан бошланади. Унинг тожиқ тилидаги икки ғазали ҳам тазкирадан жой олган. Сўнг Амирийнинг фаолиятига тўхталиб, Қўқон адабий муҳитини ташкил этишдаги ролига ижобий баҳо беради. Чунончи, *“шуро ва фузалонинг мураббийси эди, бу даврнинг машҳур шоири унинг тарбияси ва ҳомийлигида камол топди”*, – дея ёзади. Устоз Айнийнинг таъкидлашича, Амирий ўзининг қисқа умрида адабиёт равнақи учун кўп ишларни амалга оширди. Биргина Фазлий тазкирасининг яратилишидаги бевосита раҳнамолигини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Умархон Амирий Навоийдан кейин Туркистонда ривож топмаган туркий шеърят Амирий даврида иккинчи марта юқори мавқега кўтарилганлигини, алоҳида қайд этадики, бу фикрлар ўзбек мумтоз адабиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган хулосалардан ҳисобланади. Юқоридаги кузатишлар асосида шундай дастлабки хулосага келиш мумкин.

Биринчидан, Садриддин Айний форс-тожиқ адабиётининг зукко билимдони бўлиши билан бирга, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган зуллисонайн ижодкор эди.

Иккинчидан, ўтган асримизнинг йигирманчи йиллари адабий ҳаётида *“сарой адабиёти”*, *“сарой шоири”*, *“сўфий шоирлар”* биз учун керакми ёки

керак эмасми? деган мазмунда баҳсу мунозаралар бораётган бир пайтда устоз Айний “Тожик адабиёти намуналари” тазкираси билан юқоридаги мантиқсиз ҳамда зарарли бир қарашга амалий жавоб бера олиши бу унинг жасоратли олим ҳам эканлигидан гувоҳлик беради.

Учинчидан, дунёга машхур, бугунга келиб қирғиз адабиётининг феноменига айланган Чингиз Айтматов бундан ярим аср муқаддам “Икки санъаткор” мақоласида шундай ёзган эди: “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам нодир ҳодисадир”. Бугун бу фикрларнинг қанчалар даражада тўғри эканлиги аллома адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида ўзининг исботини топди.

Тўртинчидан, кузатишимизда тазкирадаги айрим туркигўй шоирлар ижоди хусусида қисқача фикрлар билдирилди. Галдаги вазифа эса тазкирада номлари зикр қилинган бошқа туркигўй зуллисонайн шоирлар ижоди ва уларга устоз Айнийнинг муносабатини кенгроқ режада тадқиқ этиб, янги илмий хулосаларга келиш замонавий айнийшуносликнинг галдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Давронова ШОҶСАНАМ,

Бухоро давлат университети
ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)

НАЗАР ЭШОНҚУЛ “ШАМОЛНИ ТУТИБ БЎЛМАЙДИ” ҲИКОЯСИНING ПОЭТИК ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада ёзувчи Назар Эшонқул “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясининг поэтик тили масаласи ўрганилган.

Annotation: The article examines the poetic language of the story of “Shamolni tutib bulmaydi” by Nazar Eshankul.

Аннотация: В статье рассматриваются поэтический язык рассказа писателя Назара Эшанкула “Шамолни тутиб бўлмайди”.

Калит сўз: ҳикоя, поэтик тил, бадий матн, Назар Эшонқул ижоди, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси.

Key words: story, poetic language, literary text, the work of Nazar Eshankul, the story of «Shamolni tutib bulmaydi».

Ключевые слова: рассказ, поэтический язык, художественный текст, произведение Назара Эшанкула, рассказ “Шамолни тутиб бўлмайди”.

Бадий ниятни юзага чиқаришда ҳар қандай ижодкор ўзига хос ифода йўсинини ишга солади. Бошқача айтганда, муаллиф қарашларининг китобхонга нечоғли теран, тушунарли ва таъсирчан тарзда етиб бориши унинг бадий тил унсурларидан қай даражада самарали ва ўз ўрнида фой-

даланишига боғлиқ. Қолаверса, сўз қўллаш, жумла тузиш ҳамда поэтик тил воситаларидан фойдаланишда намоён бўлган ўзига хослиги ижодкорнинг индивидуал услубга эғалигини кўрсатувчи асослардан биридир. Чунончи, услуб ҳар қандай ижодкорнинг ўзига хос ифода йўсини, поэтик тил имкониятлари ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиши асосида юзага чиқадиган маҳорат қирраларида акс этади. “Зотан ҳар бир ёзувчи ўз ғоя ва образларини равшан, ҳам таъсирчан гавдалантиришнинг оригинал йўллари, воситаларини излайди. Шу йўсинда унинг ўз услуби яратилади, асарлари оша услуби мукаммаллаша боради”¹.

Ёзувчи Назар Эшонқул асарлари тил хусусиятлари билан ўқувчининг диққатини тортади. Адиб асарларида поэтик тил унсурлари хилма-хил ва бетакрор жозибаси билан намоён бўлиб, китобхонга эстетик таъсир кўрсатиши қаторида, унинг бадиий дидини ўстиришга ҳам хизмат қилади. Айни пайтда, ижодкор тасвир этаётган манзаранинг ёрқин тасвири юзага келади, шунингдек, муаллиф ифодаламоқчи бўлган ғоявий мақсаднинг ўқувчи қалбига аниқ етиб бориши, исталган даражада ўрнашиши, таъсир қилишига ёрдам беради.

Ижодкор асарлари тилига хос характерли бўлган хусусиятлар тўғрисида “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси мисолида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Сабаби ушбу асар ёзувчининг ифода услубига хос ажралиб турадиган жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлган ва индивидуал маҳорати юксак даражада юзага чиққан намуналардандир.

Асарнинг етакчи қаҳрамони Байна момо – даврнинг оғир юкини елкасига олишга маҳқум бўлган, кўнгли тўла ўкинч ва армон билан яшаб ўтган бир жабрдийда. Турмуш ўртоғи ва ўғлининг фожеий тарзда ўлдирилиши унинг қалбида бир умрлик, ўчмас ғазаб, нафрат, алам, исён каби хилма-хил ҳисларни пайдо қилган. Ёзувчи унинг ана шундай оғир кечган тақдири тўғрисида ҳикоя қилар экан, поэтик тилнинг энг нозик қатламларидан фойдаланади.

Байна момо тасвири учун ишлатилган ифодалар орқали қаҳрамоннинг ёрқин қиёфаси ва ҳолати кўз олдимизда бутун мураккаблиги ва фожиаси билан намоён бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш мумкинки, асарнинг деярли бирор бир ўрнида Байна момонинг психологик ҳолати ифодаси учун таърифлар ишлатилганига гувоҳ бўлмаймиз. Балки унинг қиёфаси тасвири орқали китобхон қаҳрамон қалбидаги кучли нафрат ҳиссини тасаввур қила олади. Байна момо ва унинг атрофидаги нарса-ҳодисалар ҳақидаги тавсифларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Масалан, Байна момонинг уйи “замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган”², – дея тасвирланади.

Момо яшайдиган қишлоқни “энди минораси кулаган шаҳардек ғариб ва нотавон кўринарди” (2,253), – деб ёзади ёзувчи.

¹ Носиров У. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Т.: Фан, 1981. – Б. 101.

² Эшонқул Н. Шамолни тутиб бўлмайди. / Эшонқул Н. Ялпиз хиди. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 251. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. – Ш.Д.

Қахрамоннинг ҳаёти “гўё ҳаёти ҳеч қиё боқа олмайдиган дахлсиз салтанатдек у ёққа бирон кишини, ҳатто сўзи билан ҳам киришга йўл қўймасди” (2,254) ёки “Ниҳоят бу кампирнинг ҳам ситамгар китоби ўқиб бўлинди” (2,260) тарзида таъриф этилади.

Байна момонинг келинлик тўшаги тасвирини кузатайлик: “ёғоч ва кўп йиллик андуҳлар ҳиди ўтириб қолган, содиқ қўшиндай эллик йилнинг бирон куни ҳам тарк этилмаган ғамнок ва аламли салтанати – келинлик тўшагида жимгина жони узилди” (2,260).

Диққатни тортадиган яна бир энг муҳим тасвир – бу Байна момонинг портрети тасвириди: “Бироқ улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган, ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб турган кампирни кўришгач, негадир ботинишолмади” (2,259). Кўриниб турибдики, ўхшатиш, сифатлаш, зидлаш, муболаға каби воситалар билан зийнатланган ушбу тасвирлар салбий ҳолат ва тушқунлик руҳининг теран тарзда ёритилишига ёрдам берган.

Ёки Байна момо портрети акс эттирилган яна бир парчага диққат қилайлик: “Шундай дея Байна момо мусибат ва ғам адо қилган бу аёлнинг йилдан-йилга кичрайиб, қариб бораётганидан ва юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишга келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги билан юзини аёллардан тўсиб олди, шу билан у терсоталиклар ва одамлар билан ўрнатилажак барча мулоқотлар эшигини тақа-тақ ёпди ва фақат ўзигагина маълум, бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёсига кириб кетди” (2,257). Ушбу биргина парчанинг ўзида хусни таълил (“юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишга келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги”), ўхшатиш (худди бекаси каби тузсиз, рангсиз кўриниш), муболаға (“бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёси”), жонлантириш (юзларини тилим-тилим илиб ташлаган ажинларидан уялган желаг, мулоқотлар эшиги) каби бир қанча поэтик воситалардан моҳирлик билан фойдаланилганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, бадий тасвир воситалари адабиётда аксарият ҳолларда ёрқин ва гўзал ҳолатлар тасвири учун хизмат қилиб келган. Бироқ ушбу асарда улар ижодкорнинг индивидуал маҳорати ўлароқ, қайғули манзара ифодаси учун қўлланилади. Ушбу воситалар образлиги, бўёқдорлиги ва эмонционал таъсир кучига эгалиги билан бадий насрда поэтик манзаранинг теранлиги учун хизмат қилган.

Асарда диққатни тортадиган яна бир усул параллел ва контраст асосида тасвирлашдир. Ижодкор шахс, нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг ёрқин тасвирини яратиш учун шундай ифода тарзидан унумли фойдаланига ҳаракат қилади. Масалан: “Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғ-

лини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди” (2,255). Қишлоқда ўз мусибати билан ёлғиз қолиб кетган Байна момо серташвиш қишлоқдошлари билан қиёсланар экан, ушбу тасвирлар замирида ёзувчининг аёл матонати, мустақкам иродаси ва бардошлилигини таъкидлаш мақсади ётади. Ёки бошқа бир тасвирни диққат қаратайлик: “Улар навқирон ва гўзал эдилар, уйдан ва Байна момодан чиркинлик ва мусибат ҳиди келар, навқиронлик олдида бирдан уй ҳам, Байна момо ҳам кексайиб қолгандай эди” (2,258). Бунда талаба қизларга хос шўх-шаддодлик Байна момо ҳаётидаги сукунатга зид қўйилади ва унинг орқали қаҳрамон фожиасини янада кучайтириб ифодалашга эришилади. Яна бир мисол: “Улар бу уйга ўрнашиб қолган ёлғизлик ва мусибатни чўчитиб, сўнг қувиб юбормоқчидай тинмай хоҳолашардилар” (2,258). Бунда ёлғизлик ва мусибатнинг маҳобатини кулгининг юқори даражаси, яъни “хоҳолаш” тасвири орқали кучайтирилади. Бошқа бир парчани кузатайлик: “Унинг қаҳр тўла товуши кўпдан буён одам қадами етмаган хужралар ичига сингиб кетди: у ердан йигирма уч йиллик чангу ғубор гўё зардали овоздан қалтираб кетгандек жойларидан бир қимиллаб қўйди, сўнг яна хужраларга бу хонадон бошига тушган ғам-андухдай абадий чўкди” (2,256). Бундаги қаҳр тўла товуш ва йигирма уч йиллик чангу ғуборнинг параллел тасвири хонадон бошига тушган ғам-андухнинг нақадар кучлилигини англатишга ёрдам беради.

Шунингдек, ҳикояда қўлланилган метафорик ифодалар ҳам асар тилининг бадий жозибасини таъминлашга хизмат қилиши қаторида асарда акс этган поэтик манзаранинг қуюқлашган тасвирини юзага келтиради: “фақат деразаларга тортилган қора пардалар бу мудҳиш жиноятга лоқайд ва бефарқ боқиб турарди” (2,253), “зулматга чўккан туйнуклар бу мисли кўрилмаган қотилликни жимгина томоша қилиб турарди” (2,253) ва ҳоказо. Бунда Байна момо фожиасининг лоқайд ва бефарқ кузатувчилари “деразаларга тортилган қора пардалар”, “зулматга чўккан туйнуклар” тимсолида мужассамланади.

Асар матнидан “хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб...” (2,252), “ёлғизликнинг кўр мусибати” (2,255), “Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди” (2,255), “унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди” (2,256), “жасаднинг шу туриши аввал ўзи, кейин тепаси кулаб тушган улкан минорни эслатарди...” (2,259), “йиллар ғижимлаб ташланган юзида бир жунунваш ифода қотиб қолган ҳолда терсоталиклар ҳаётига йигирма уч йил соя солган тош ҳайкал каби қилт этмасдан ўтирарди” (2,260) каби ёзувчининг ўзига хос тасвирлаш маҳоратини яққол намоён этиб турадиган поэтик ифодалар жуда кўплаб топилади ва улар китобхонга бадий тилнинг рангин жозибасини хилма-хил товланишларда намоён этиб туради.

Асарнинг бетакрор тили ёзувчининг ўтмиш давр фожиалари, жамият ва шахс муносабатларига оид бўлган ғоявий қарашларини теран, таъсирчан гавдалантиришда муҳим воситалардан бирига айланган.

Умуман олганда, Назар Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмайти” ҳикояси тили ўзига хослиги билан диққатни тортади.

ERKIN VOHIDOV IJODIDA MILLIY – O'ZLIK RUHINING AKS ETISHI

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidov asarlarida milliy ruhning aks etishi hamda shoir poetik badiiy mahoratining namoyon bo'lishi haqida fikr yuritiladi. Maqolada shoirning so'z qo'llash bilan bog'liq o'ziga xosliklari, falsafiy mushohadalari to'g'risida ham alohida to'xtaladi.

Аннотация: В статье рассматривается отражение национального духа в творчестве Героя Узбекистана, народного поэта Эркина Вахидова и проявление поэтического художественного мастерства. В статье также рассматриваются особенности поэта и философские наблюдения, связанные с употреблением слов.

Annotation: This article discusses the reflection of the national spirit in the works of the Hero of Uzbekistan, People's Poet Erkin Vahidov, as well as the manifestation of the poet's poetic artistic skills. The article also focuses on the poet's peculiarities and philosophical observations related to the use of words.

Kalit so'zlar: milliy ruh, til hodisalari, so'zning rang-barang jilolari, hayotiy haqiqat, xalq dardi, azaliy qadriyatlar, insoniy haqiqatlar.

Ключевые слова: национальный дух, языковые явления, колоритные оттенки слова, жизненная правда, человеческая боль, древние ценности, человеческие реальности.

Key words: national spirit, language phenomena, colorful nuances of the word, realities of life, people's pain, ancient values, human realities.

XX asr o'zbek adabiyotining yirik vakillaridan biri, O'zbekiston Qahramoni, elimizning ardoqli ijodkori, hassos shoir Erkin Vohidov ijodi o'ziga xosligi va ko'p qirraligi bilan adabiyotimiz tarixida alohida ahamiyat kasb etadi. U xalqning dilidagini she'rga solib, asarlari mag'ziga millat ruhini singdirgan, til hodisalarining rango-rang jilolarini kashf etib, so'zning olmosdek tovlanishlarini namoyon eta olgan inson qalbining me'moridir. Uning butun ijod mahsullarida ko'zga tashlanib turadigan milliylik, odamiylik, falsafiylik, tarixiylik kabi ezgu g'oyalar kitobxonni aslo befarq qoldirmaydi, balki poetik mushohadaga chorlaydi:

*El – ustozim, men esa tolib,
So'z durlarin termoqdir ishim.
Odamlarning o'zidan olib,
Odamlarga bermoqdir ishim [4,49].*

Haqiqatan ham, shoirning hassos qalbi hamisha uni e'zozlagan. Ona xalqi bilan birga bo'ldi, u xalq kechmishlarini qalban his etdi, uning dardlari bilan yondi va ularni samimiy satrlarga to'kdi:

*Mayli, umrim abadiy emas,
Mayli, yashay faqat bir nafas,
Lekin meni oyga qilib teng,
Shu'lalardan yasab koshona.
Quyosh sari uzatgan xalqning
Boshi uzra bo'lay parvona [4,20].*

Erkin Vohidov ijodida soʻzning beqiyos tovlanishlari va jozibasi namoyon boʻladi, uning olmosdek rango-rang jilolari orqali shoir xalq qalbiga kirib boradi. Oʻzbekiston xalq shoiri A. Oripov shoir ijodini shunday eʼtirof etadi: “Mana, bir necha oʻn yillardirki, biz dilbar bir sheʼriyatning muattar havosidan bahramand boʻlib kelayotirmiz. Bu Erkin Vohidov sheʼriyatidir. Ona tilimizning ipakdek mayin, kamalakdek rang-barang shamoyili gʻoyat nozik lutf, beozor qochirimlar, goh hazin, goh samimiy tabassum uygʻotuvchi tashbehlar, oʻtkir xulosalar – bular bari ulkan shoirimizning qalamiga mansub betakror fazilatlaridir...”

Xalqimiz keyingi davrlar mobaynida bosib oʻtgan va oʻtayotgan goh mashaqqatli, goh armonli, goh tugʻyonli, goh iftixorli yoʻllarning manzara va ohanglari, sadolari Erkin Vohidov sheʼriyatida toʻla mujassamdir” [5,4-5].

Boʻlajak shoir tarjimayi holiga nazar tashlaydigan boʻlsak, uning hayoti oson kechmaganini koʻrishimiz mumkin. Shoir 1936-yil 28-dekabrda soʻlim Fargʻonaning Oltiariq tumanida, qishloq oʻqituvchisi oilasida dunyoga kelgan. Uning otasi Choʻyanboy, onasi Roziyaxonlar oʻsha davrning maʼrifatli kishilaridan boʻlishgan. Erkin Vohidov bolaligini oʻsha davrning koʻpchilik kishilari qatori mahzunlik bilan yodga oladi. Otasi tarix muallimi boʻlib, soʻng davlat tashkilotlarida ham faoliyat olib borgan. U urushning dastlabki yillaridanoq frontga ketib, 1945-yilda jarohatlanib qaytadi va oʻttiz uch yoshida vafot etadi. Bir yildan soʻng onasidan ham ayrilib qolgan yosh Erkin Toshkentda yashaydigan togʻasining qoʻlida tarbiya topadi. “Oʻylab qaragam, bolalik xotiralarning koʻpchiligi sheʼrlarga, dostonlarga koʻchgan ekan. “Nido”, “Quyosh maskani” poemalari, “Bolalik”, “Oqsoqol”, “Bolalik ekan-da” sheʼrlari oʻsha murgʻak tasavvur, ilk xotiralarning mevasi boʻlgan.

Toshkentda kechgan bolalik va oʻsmirlik yillarimdan qolgan eng yorqin esdaliklar Ostrovskiy nomli pionerlar saroyidagi shoir Gʻayratiy toʻgaragi va togʻamning xonadonida boʻlib turadigan adabiy suhbatlar bilan bogʻliq”, – deb eslaydi shoir [3,7-8].

Shoirning ijodiy faoliyati davomida son-sanoqsiz asarlari kitobxonlar qoʻliga yetib bordi. Otashqalb shoirning beqiyos ijod mahsullari xalqning qalbiga, ruhiga singib, uning chinakam maʼnaviy xazinasiga aylandi.

Erkin Vohidov har bir obrazni ulkan falsafiy, mazmundor maqsad asosida yaratdi. Ularga teran hikmatlarni joyladi. Uning asarlarida inson oʻzining butun murakkabligi, soddaligi, donoligi, shodligi va gʻussalari bilan namoyon boʻldi. U hayotni, tarixiy ildizlarni boricha aks ettirishga harakat qildi, soʻzni olmos bilib, uning rango-rang jilolarini kashf etdi. Tilni xalqning maʼnaviy mulki sanab, uni asl ildizidan ayro tasavvur etolmadi. Asarlarida til hodisalarini, millat ruhini

namoyon etuvchi, dardini kuylovchi, unga malham bo'luvchi o'tkir qurol deb bildi, shu orqali xalqning – muxlislarining qalbidan chuqur joy egalladi. Shoir asarlari o'zbek xonadonlariga birin-ketin kirib borib, o'z muxlislarini topdi. Shoir aytganidek: “Bunday qaraganda bitta shoir qilishi mumkin bo'lgan ishni qilib qo'ygandekman. Lekin hech qachon o'z qilgan ishimdan ko'nglim to'lgan emas. Hamisha yozganimdan yozadiganim muhimroq va azizroq tuyuladi. Men ijodiy mehnatni faol jamoat ishlari bilan qo'shib olib borishdek sharafli vazifa yukini doimo yelkamda his qilganman. Odamlarga faqat she'ring emas, o'zing ham kerakligingni his qilish – bu katta baxt. Shuning uchun ham jamoat mehnatidan hech qachon o'zimni olib qochgan emasman. Qaynoq hayot ichida yashab, ishlab o'rganganman, go'shanishlik tabiatimga begona” [2,16-20].

Erkin Vohidov ijodiga xos bo'lgan eng muhim jihat shundaki, unda zamon-doshlarining ziddiyatga to'la, sertashvish, mashaqqatli hayoti haqidagi haqiqat mujassam etilgan. U inson deb atalmish jumboqning intim kechinmalari-kech-mishlarini teran anglaydi, ularni falsafiy qarashlari bilan boyitadi, kashfiyotlar qiladi. Va bularning barini yuksak e'tirof, chuqur samimiyat bilan ifoda etadiki, beixtiyor inson ko'z o'ngida haqiqiy hayot jonlangandek bo'ladi, insoniy joziba va samimiyatni his etadi. Masalan, shoir “O'zbekim” qasidasida hayotiy haqiqatni tarixning teran ildizlari bilan bog'laydi, shu orqali xalqimizning shonli o'tmishi kinoxronikasini yaratadi. Ijod maydoniga haqiqat jarchisi, millatning mard o'g'loni bo'lib otiladi. Zero, qasida yozilgan 60-yillarda milliylik ruhining bo'rtiq ranglarda aks etishi, xalq dardining kuylanishi ijodkordan buyuk bir jasoratni talab etar edi:

*Ilm-u she'rd a shoh-u sulton,
Lek taqdiriga qul,
O'z elida chekdi g'urbat,
Zor-u nolon, o'zbekim.
Qayga bormay, boshda do'ppim,
G'oz yurarman gerdayib,
Olam uzra nomi ketgan
O'zbekiston, o'zbekim [4,334-335].*

Shoir dostonlari ham o'zining g'oyaviyligi, syujetining rang-barangligi, aktu-alligi, milliy ruhning yorqinligi bilan alohida ahamiyat kasb etib turadi. Muallif ularda mashaqqatli hayot kartinalarini yaratar ekan, obrazlarning ruhiy holati, kechmishlari, taqdirini reallikning chuqur ildizlari bilan bevosita bog'liqlikda aks ettiradi. “Nido” – yoshlik yillarining romantikasi ta'sirida yozilgan asar. Bevosita tarjimai hol dostoni desa ham bo'ladi. O'z boshimdan kechirganlarim, bolalik alamlarim aks etgan misralarni dostonning har bir sahifasida uchratish mumkin”, – deb eslaydi shoir o'z xotiralarida [2,16-20].

Dostonda XX asrning ulkan fojiasi bo'lmish ikkinchi jahon urushining insoniyat boshiga, ayniqsa, begunoh bolalar boshiga solgan mislsiz fojialari, qayg'u-alamlari yuksak badiiy mahorat bilan tasvirlanadi. Unda shafqatsiz urush tufayli qayg'u-hasratda qovrilgan onalar, ayollar, otasiz jovrab qolgan bolalarning oh-u faryodi, sog'inch-iztiroblari kitobxonni beixtiyor o'sha davr

iztiroblarini bir dam bo'lsa-da kechirishga undaydi. Ushbu asar nafaqat lirik qahramonning ota sog'inchida o'rtanishi, balki otasini sog'inib, iztirob-urmonlarda yonayotgan son-sanoqsiz bolalarning nidosi – urushga nafrati bo'lib yangraydi. Dostonda sog'inch hislari jo'sh urgan obrazli o'rinlar o'zining butun bir badiiy jozibasini, tasvir kuchi bilan kitobxon ruhiyatiga singib boradi. Ayniqsa, shoir millatimiz shuuriga singib ketgan ota-onaga hurmat, muhabbat, mehr-oqibat kabi insoniy qadriyatlarni endigina yigirma yoshga to'lgan o'spirin tilidan bayon etgandek bo'ladi go'yo:

Otajon!
Men axir qutlug' bu so'zni
Yigirma yil olmadim tilga,
Yigirma yil saqladim dilda.
Armonli o'g'lingiz tinglaydi sizni,
So'ylang, eshitaman.
Vujudim tilka,
Yuragimni yoqar o'tli iztirob,
Ammo ko'zlarimda bir tomchi yosh yo'q [1,27].

Hayotning eng og'ir damlarida ham yonimizda turguvchi vafodor do'stimiz, eng yaqin sirdoshimiz, g'amxo'rimiz munis va mushfiq onalarimizdir. Dostonda o'zi ham hayotning, ayriliqning so'ngsiz azob-uqubatlarini boshidan kechira turib ham farzandiga cheksiz mehr-muhabbat, dalda bera olishga o'zida kuch topa olgan metin iroda sohibi o'zbek ayolining – onaning ruhiy holati “Mehribon qo'llari otash boshimda”, “Orom ol, men senga allalar aytay”, “Tongda peshonangdan o'pib uyg'otay” kabi o'ziga xos sintaktik birliklar orqali ifoda etiladi:

Cho'chib uyg'onaman, onam qoshimda,
Mehribon qo'llari otash boshimda.
Nega yig'layapsan, yolg'izim, qo'zim?
Tun uzoq, uxlay qol, ko'zlaringni yum.
Orom ol, men senga allalar aytay,
Tongda peshonangdan o'pib uyg'otay [1,29].

Xalqimiz azaldan vatanparvarligi, tinchliksevarligi, kelajakka umidbaxshligi bilan boshqa millat vakillaridan ajralib turadi. Asar davomida shoir lirik qahramon ko'nglida gupurib turgan sog'inch hissining oddiy his-tuyg'ularga o'xshamasligi, otasining esa oddiy yumush bilan emas, Vatan himoyasi uchun ketganini erta anglab yetgan murg'ak qalb iztiroblari orqali kattalarni Tinchlik degan ulug' ne'matning qadriga yetishga, uni saqlab qolishga chorlayotgandek bo'ladi go'yo:

Bu kunlar albatta
O'tib ketadi.

Bashar jarohati
Bitib ketadi.
Ona yer qaytadan
Yasharar bir kun,
Olam nur qo'ynida
Yashnar lolagun.
Jang-u jadallarga
Kelur intiho,
Bizning dunyo bo'lur
Urushsiz dunyo [1,31].

Dostonning davomida shoir milliy ruhni xalqimizning ma'naviy durdonasi bo'lmish maqollar asosida ham singdiradi:

Bobolarning hikmati
Hayotga yorug' yo'ldir.
Otang bolasi bo'lma,
Odami bolasi bo'l, – *der [1,38].*

O'tganlar ruhini shod qilish, ularning xotirasiga hurmat bajo etish ham millatimizga xos eng ulug' qadriyatga aylangan. Shoir doston satrlariga milliy ruhni, bebaho qadriyatlarni shu qadar mahorat bilan joylaydiki, lirik qahramon qalbida kechayotgan tug'yonlar beixtiyor kitobxon qalbiga ko'chgandek bo'ladi. Bu manzarani tasvirlash uchun shoir o'ziga xos til birliklarini qo'llaydi: “fidolar”, “gullarga ko'maylik”, “yuraklar hur bo'lsin”, “hushyor boq”, “qora tun zulmati”, “quchmasin alanga”...

Bu yerda yotibdi fidolar,
Kel, uni gullarga ko'maylik.
Bu yerda baxt bo'lsin, nur bo'lsin,
Bo'lmasin qora tun zulmati.
Bu yerda yuraklar hur bo'lsin,
Qaytmasin, u kunlar dahshati... [1,43]

Doston ko tarinki ruh, vatanparvarlik, fidokorlikka undov, chorlovlar bilan yakunlanadi:

Do'stim, oyoqqa tur,
O'ltirma qaytib!
Qaytib o'ltirma hech
Qutlug' bayroqni
Muqaddas manzilga
Eltmaguningcha!
Qaytib o'ltirma hech
Ona tuproqni

Bu dunyo jannati
Etmaguningcha! [1,46]

Inson hamisha hurlikka intilib yashaydi. Biroq hayotda har doim ham inson xohlaganidek bo'la vermaydi, mashaqqatlar girdobiga tushib qolgach, kimdir taqdirga tan bergandek bo'ladi, kimdir esa ruhiyat tug'yonlarida javlon uradi. Erkin Vohidov ijodining gultoji bo'lmish "Ruhlar isyoni" dostoni qahramoni, Hindiston ozodligi yo'lida ne-ne mashaqqatlarni boshidan kechirgan, o'z ijodi bilan elini hurriyatga undagan shoir Nazrul Islom timsoli, uning mashaqqatli hayot yo'li orqali shoir ijod ahlining qullikka bo'yin egmasligini, erk yo'lida o'limdan ham qo'rqmasligini betakror iboralar asosida tasvirlaydi hamda millatimiz ruhiyatiga singib ketgan hurriyat tuyg'usini ulug'laydi. Muallif Nazrul Islomning achchiq qismatida ulug' vatandoshlarimiz – Cho'lpon, A.Qodiriy, Behbudiy, Fitrat, U.Nosir kabi millatimiz erk-u saodati yo'lida kurashgan ijod ahlining ayanchli qismatini ko'radi. Ular haqsizlik qurboniga aylangan bo'lishsa-da, hurriyat jar-chisi, el-u yurtning xaloskori sifatida qalblarda yashayotganiga ishora qiladi:

Nazrul Islom
O'z qalbini
Bayroq qilib ko'tardi.
Yuragida to so'nggi dam
Isyon o'ti so'nmadi.
Haqsizlikka ko'ndi olam,
Lekin shoir ko'nmadi [4,340].

Erkin Vohidov o'zida buyuk jasoratni mujassam eta olgan yangi davr shoiri, xalqning chinakam Qahramonidir. Uning she'rlarida inson o'zining bor murakkabligi, dard-alamlari, shodliklari-yu donoliklari bilan namoyon bo'ladi. U hech bir she'rini shunchaki yozmaydi, balki ularning har birida hayotning muhim masalalarini, inson bilan bog'liq haqiqatning yangi-yangi qirralarini kashf etadi. Uning o'ziga xos milliylik, samimiylik balqib turgan ijodiy kashfiyotlari tilni betakror birliklar, tasviriy ifodalar bilan boyitishga, xalq ma'naviyatini yuksaltirishga xizmat qiladi. Uning ijodiga xos tiniqlik, ohanrabo-lik, falsafiylik va mukammallikdan xalq ruhi ufurib turadi. Shoirning olmosdek serjilo ijod mahsullari bundan keyin ham yoshlarimiz-millatimiz ma'naviyatini yuksaltirish uchun o'zining munosib bahosiga ega muhim manbalardan biri sifatida boqiylikka muhrlanib qolaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vohidov E. Dostonlar. – Toshkent: G.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1973.
2. Vohidov E. Tarjimayi holim. // "Yoshlik", 1992, 10-son.
3. Vohidov E. Qalb sadoqati. 5- jild. – Toshkent: Sharq, 2018.
4. Vohidov E. Muhabbat. – Toshkent: G.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1976.
5. Shukur Qurbon. Ustoz saboqlari. – Toshkent: Sharq, 2016.

ЗИЁВИДДИН МАНСУР ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Анотация: Наманган тупроғида бугун ўнлаб истеъдодли шоиру, олимлар ижод қилиб, истиқлолни тараннум этмоқдалар. Мақолада ана шундай ижодкорлардан бири Зиёвиддин Мансур шеърляти тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Зиёвиддин Мансур, мумтоз адабиёт, жанр, шакл, ташбех, тамсил, образли ифода.

Наманган замини ўнлаб истеъдодли шоиру олимларни вояга етказган, камолотнинг юксак поғоналарига кўтарган тупроқ. Ана шу заминда туғилиб вояга етган ва аждодлар анъаналарини янада юксакроқ тарзда давом эттираётган ижодкорлардан бири Зиёвиддин Мансурдир. У “Қалбим парчалари”, “Ҳайрат салтанати”, “Дилраболар диёри”, “Муҳаббат боғи”, “Ноёб кашфиёт”, “Эзгулик элчилари”, “Тўтиё “каби ўнлаб шеърлий тўпламлар муаллифи. Унинг ижоди жанр ва шакл жиҳатидангина эмас, балки мавзу ранг-баранглиги билан ҳам эътиборга молик. Эзгуликни, ҳаёт ва табиат гўзалликларини куйлаш, севгини улуғлаш, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатни тараннум этиш, истиқлолни мадҳ этиш, инсоний фазилатлар тарғиби, ноинсоний қусурларга қарши кураш, мумтоз адабиётимизга бўлган меҳр-муҳаббат – шоир ижодининг энг асосий қирраларини ташкил этади.

Зиёвиддин Мансурнинг ҳаётий ва чуқур фалсафий мазмун билан йўғрилган жозибадор шеърлари гўзал бадиият билан сайқалланган, яъни шоир шеърларини ажойиб ташбехлар, тамсиллар, қиёслар, образли ифодалар безаб туради. Фикримизни Ватан табиати мавзуидаги шеърлари ҳам тасдиқ этади.

Баҳор – гўзал фасл ва у ҳақда шеър битмаган шоирнинг ўзи йўқ. Зиёвиддин Мансур “Навбаҳор” шеърда яшариш ва янгилианиш фасли – баҳор ташрифини шундай тасвирлайди:

*Борлиқ изғириндан зулматга тўлса,
Ҳатто табиат серқаҳр, қасдлидир.
Қиш гўё ёвуз бир салтанат бўлса,
Баҳор табиатда исён фаслидир.*

*Кўкка даҳшат солиб янғровчи хитоб
Момақалдиқнинг сасими?
Йўқ, йўқ!
У – зулмат душмани бўлган офтоб
Қора булутларга отаётган ўқ[1,67].*

Шоирнинг фикрича, навбаҳор эзгулик рамзи, қиш эса ёвузлик салтанати. Шеърда қиш фасли поёнига етиб, ўлкамизга навбаҳор сепини ёйиши-эзгуликнинг ёвузликка қарши “исёни” сифатида талқин этилган. Баҳор момақалди роғи – исёнинг бошланиши. Чақмоқ чақини – зулмат душмани бўлган офтоб томонидан “қора булутларга отилаётган ўқ”. Жалалар (ёмғир томчилари эмас!) эса эрк йўлларида жон таслим қилган фарзандлар учун “фалакнинг тўкаётган кўз ёши”.

Шоир баҳор фаслидаги табиат ҳодисаларини кузатар экан, чуқур ўйга толади: истиқлолнинг самараси бўлган бугунги тинч ва осойишта ҳаётга назар ташлаб, эрк йўлида қурбон бўлган Ватан фарзандларини ёдга олади. Нафақат инсонлар, ҳатто табиат ҳам юрт фидойилари учун кўз ёш тўкади.

Қишнинг чекинганини сезган “пистирмадаги аскарлар” қўлларида алвон байроқлари билан борлиқни эгаллашга интилади, яъни яшиллик атрофни қоплайди:

*Алвон чечаклардан кўтаришиб туғ,
Қишнинг чекинганин сезгандай шодон.
Пистирмадан чиққан аскарлар янғлиғ,
Яшиллик бостириб келар ҳар ёндан.*

Одатда, пистирмадаги аскарлар тўсатдан ҳаракатга келади ва кўз очиб юмгунча ўз муддаосига эришишни мақсад қилади. Шоир мазкур мисраларда истиора, ташбеҳ, жонлантириш, образли ифодалар воситасида борлиқнинг яшилликка бурканишини кўз ўнгимизда жонли тарзда гавдалантиради.

Навбаҳор – “пистирмада ётган аскарлар” эгаллаган манзиллар – қир-адирларга лолаларини – байроғини қадайди:

*Юксак тоғлар узра бўлиб кўрку зеб
Яшнаганни лола аташар, бироқ
У ушбу чўққи ҳам эгалланди, деб
Навбаҳор қир узра қадаган байроқ.*

Бугун қиш захридан зада турган она замин узра эрта тонгда яшил майсалар ниш урганидан, ер бетини яшиллик қоплаганидан, қир-адирлар алвон чечаклар билан қопланиб, кўзни яшнатганидан, бугун ғунча туккан ўрик тонгда қийғос очилганидан ажабланасиз. Қалбингизда чексиз бир ҳайрат туярканиз, шоирнинг ташбеҳлари, тамсиллари, образли ифодалари нақадар ҳаётий ва ўзига хос эканлигини англайсиз.

Навбаҳорнинг «исён» кўтариб, қир-адирларни, тўрт томонни эгаллаб, оламни яшилликка буркаши – эзгуликнинг ғалабаси. Шеър эзгулик нафақат юртимизни, балки бутун жаҳонни забт этсин, деган тилак билан кўтаринки руҳда яқунланади:

*Майли баҳорники бўлсин тўрт тараф,
Дўстлар!
Олқишлайлик бундай “исён”ни
То баҳор олмоққа бўлсин мушарраф
Қишдан зада бўлган бутун жаҳонни! [1,67].*

Шеър мутолааси маънавиятимиз сарчашмаси бўлган “Авесто”ни ёдга солади. Нафақат баҳорий гўзаллик қалбимизни забт этади, балки эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш, эзгулик йўлида курашнинг қурбонсиз бўлмаслиги, эзгуликнинг доимо ғалаба қилиши билан боғлиқ фалсафий руҳ онгу шууримизни озиқлантиради.

Шоир оддий ҳаётий ҳодисалардан катта фалсафий хулосалар чиқаришга интилади. Маълумки, бодомнинг юмшоқ ва қаттиқ турлари мавжуд. Қаттиқ бодомни, одатда, тошбодом деб атаймиз. Шоир нима учун тошбодом? – деган саволга жавоб изларкан, унинг “бепарволик важдан”, яъни “меҳр топмай” “дийдаси қотиб” тошбодомга айланиб қолганлиги хусусида фикр юритади:

*Ҳаёт экан,
Яшамоқ учун
Ўзи униб-ўсаверди жим,
Оппоқ бўлиб гуллади бир кун,
Афсус, парво қилмади ҳеч ким.
Сўнг...
Ҳолати ўзига ботиб
Тамоман бир бошқа тус олди:
Меҳр топмай
Дийдаси қотиб
Тошбодомга айланди-қолди [2,3].*

Шоир бу ҳолатдан жамиятимиз учун муҳим бўлган меҳр-мурувватли бўлишдек долзарб ғояни илгари суради ва замондошларини ҳам меҳр-мурувватга чорлайди:

*Ҳар ёш кўнгили, ҳар ниҳол борки
Меҳр сўрар,
Мурувват тилар.
Дариғ тутманг қалб кўрин, токи
Тошбодомдек
Қотмасин диллар!*

Умунан, Зиёвиддин Мансур шеъриятида Ватан ва она юрт табиатига бўлган муҳаббат ифодаси ўзига хос тарзда бўй кўрсатган. Шоир табиат ҳодисаларидан ҳам катта фалсафий хулосалар чиқаришга интилади. Бу шоир шеъриятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Зиёвиддин Мансур халқона қочиримларга бой, баъзан ўйноқи, баъзан залворли, самимиятга йўғрилган, инсонни мушоҳадага чорлайдиган шеърлари билан шеърят мухлислари қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Адабиётлар

1. Зиёвиддин Мансур. Тўтиё. –Тошкент: Шарқ, 2008. –160 б.
2. Зиёвиддин Мансур. Эзгулик элчиси. – Наманган: “Наманган”, 2008. – 48 б.
3. Зиёвиддин Мансур. Истиқбол йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –72 б.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. –398 б.

Жамилова Башорат Сатторовна,
филология фанлари номзоди, доцент.
Бухоро давлат университети
(Ўзбекистон)

АВТОБИОГРАФИК ҚИССАЛАРДА НАРРАТОЛОГИЯ – БАЁНЧИЛИК УСЛУБИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада улуғ истеъдод эгалари, ёзувчиларнинг автобиографик қисса, болалик ёдномалари ҳамда хотираларига бағишланган асарларнинг бадиий-композицион хусусиятлари, услубий жиолар ва адабий тадқиқотчилик, болалар китобхонлигидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: автобиографик қисса, ёдном, хотира, болалик, образ, қаҳрамон, нарратология, услуб, жило.

Article: The article has points concerning the features and importance of stories and applications which relate to childhood.

Key words: autobiographical, story, applications, memory, childhood, symbol, hero

Сўз – инсон тафаккурининг маҳсулидир. Ҳар бир инсон нафақат ўзининг нутқи орқали дунёқараши, орзу-интилиш, руҳий-ҳиссий туйғуларини ифода этади, балки муносабатлари билан жамиятда ўз ўрнига ҳам эга бўлади. Сўз халқимиздан қолган маънавий меърос тимсоли. У орқали аждодларимиз ўзларининг урф-одат, анъана ва қадриятларини мерос қолдирган.

Ҳар миллатнинг шон-шавкатини, ўлмас қадриятини белгилаб берадиган мезон ҳам аслида адабиётдир. У дунё халқларига мамлакат, миллат номидан сўзлайди.

Адабиётда яна шундай адабий жанрлар бўладики, улар ўқувчида нафақат бадиий-эстетик завқ уйғотади, балки тарихий давр ҳақида яхлит тасаввур бериш, ўтмиш аждодларимизнинг ҳаёт тарзини жонлантира олишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Инсоннинг руҳий ривожланишидаги ўз-ўзини англаш даври болаликда кашф этилиши турли халқларда турли даврларда кечди. Негаки, болалик инсоннинг ўзидаги бебаҳо ички олам сифатида, катталарни ўзининг чуқур моҳияти ва ажойиботлари билан ўзига ром этувчи давр экани, катталики

эса худди энг самимий ва болаларча беғуборлик тарк этилган давр сифатида англай бошланиши ана шундай асарлар орқали ёрқин намоён бўлади.

Рус адабиётида улуғ адибларнинг ўз болалиги ҳақидаги автобиографик қиссалар XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларидаёқ алоҳида жанр сифатида вужудга келган. Жумладан, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, И.А.Бунин, А.Н.Толстой, А.Гайдар, К.Чуковский, С.Маршак, В.Катаев, В.Распутин, В.Астафьев, Ч.Айтматов каби адибларнинг “болалик”лари энг аввало ўз халқларининг ёш авлоди, замондош китобхонлари учун алоҳида аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Ўзбек болалар адабиётида эса автобиографик хarakterдаги саргузшт қисса ўтган асрнинг 30-йилларидан Гафур Ғулومнинг “Шум бола”си орқали, сўнгра 60-йиллардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳаким Назир ижодида ўзига хос услуб ва жанрда намоён бўлди.

Ойбекнинг “Болалик” асари – “Хотираларим” (1963), А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”и – “Саргузашт қисса”(1979), Ҳ.Назирнинг “Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим” – “Хотира-қисса”(1995), Ч.Айтматовнинг “Болалигим” асари – “қисса”(2017) тарзида нашр этилган бўлса-да, улар моҳиятан бир ҳодиса – адибларнинг ўз болалик хотиралари асосидаги ҳикоялардир.

Ижодкорнинг хотира, кундалик ва ёдномалари бу – оддий қайдлардан иборат эмас, албатта. Бунда анча олис йиллардаги воқеалар, ҳолатлар ижодкорнинг соҳир қалб туғёни билан қайта уйғонади, умр йўлларидан ардоқлаб олиб ўтган, юрагининг энг тубида мудом ўзига ҳамроҳ қилиб юрган кечинмалари қайта “тирилади”, гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган болалик хотиралари муаллиф кўз ўнгида яққол намоён бўлиши жоиз. Ана шундагина ижодкор ўтмиш ёдномаларини маржон шодасидек ипга тизади. Шу сабабли бу асарларда воқеалар болалик хотиралари андозаси янглиғ тасвирланса ҳам, уларда етук истеъдод соҳибларининг нигоҳи сезилиб туради.

Жаҳон ва рус адабиётида ҳам муаллиф ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган воқеалар, ижодкор яшаган давр, у ўсган муҳит, оила аъзолари ва дўстларининг реалистик характери кабилар автобиографик қиссаларнинг бош хусусияти сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга ёзувчининг бадиий ниятига кўра бундай қиссаларнинг услубий жиловларини ўзига хослик сифатида кузатиш мумкин. Зотан, Ойбекнинг “Болалик” ва Ч.Айтматовнинг “Болалигим” қиссаси композицион ва мазмун ифодаси жиҳатдан яқин бўлса, “Ўтмишдан эртақлар” ва “Оқ фотиҳа” қиссалари фаслларга ажратилиб, мустақил сюжетли ҳикоялар тарзида берилиши билан муштарак. Айни пайтда, Ойбек, А.Қаҳҳор ва Ҳаким Назирнинг болалик хотираларидаги қаҳатчилик, оғир турмуш тарзи, ҳар қадамда болаларнинг жеркиб берилиши, катталар ва болаларнинг ўзаро салбий муносабатлари тасвирида ўхшаш лавҳалар кузатилади.

“Болалик” қиссасининг тасвири, баён услуби ҳам қаҳрамон ёшига монанд ўзгариб боради. Асар бошидаги лавҳалар 4 ёшли Муса образига мос тарзда берилса, (масалан: “Тор кўчада, қўшнимизнинг эски шалоқ эшиги олдида менинг чол бобом ўз ўртоғи узун соқолли, йирик жуссали кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўзлашади. Бобом

орик, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган: ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса қўпол, эски сағри кавуш кийган, узун, сертук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда ерга ёнбошлаб ўтирибди... Мен чолларнинг атрофини айланаман. Дам бобомнинг, дам ўртоғининг гаврондай узун ҳассасини “от” қилиб минаман, тупроқда ҳассалар чизган изга қизиқиб қарайман. Кейин бу қуруқ таёқларни тарақлатиб улоқтираман...” каби), қисса ниҳоясида тафаккури анчайин ўсиб, воқеликка муносабати ўсиб бораётгани англонади.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг серқирра ижодида болалар олами алоҳида мавзунини ташкил этади. “Қонли бармоқлар”, “Зафар ва Захро”, “Алишернинг ёшлиги” каби қисса ва дostonларида ҳам турли ёшдаги, мамлакатдаги болалар тимсоллари мавжуд. Шундай тажрибалар асоси янглиғ Ойбек тўрт ёшли Мусавойнинг қилиқларини, бобоси ва унинг ўртоғи, оила аъзолари, яқин қариндошлари портретини, ҳовли ҳамда кўчаларни, воқеалар тафсилотини юксак бадиий маҳорат билан акс эттира олади. Натижада, китобхон қаршисида ўша тарихий давр лавҳалари яққол намоён бўлади.

Муаллифлар ўз болалиги орқали тарихий давр руҳини, айрим бир асарларига “хамиртуруш” бўлган деталларни баён этиши ҳам қиссаларнинг аҳамиятини теранлаштиради. Айтайлик, Ойбекнинг она томонидан бобоси маҳсидўз бўлганидан бу ҳунарнинг барча қиррасини ёш Муса обдон кузатади. “Болалик”нинг бир неча саҳифасида Мусанинг бобосиникига бориши билан устахонадаги асбоб-ускуналар, айниқса, шонлар, қолипларни тарақлатиб, гоҳ у токчага, гоҳ бу токчага териши, тайёр бўлган бачкана маҳсиларни тахлаши, баъзиларини оёқларига ўлчаб кўриши, бобоси пешин намозига кетгач, дарров унинг ўрнида ўтириб, худди бобоси каби жиддият ва кунт қилиб, газан билан чармларни кесиши, ширач билан бир-бирига ёпиштириши, буришган эски чармларни ҳўллаб, кунда устига қўйиб, қўва билан уриб текислашни жуда севишини мароқ билан ҳикоя қилади. Бу эса адибнинг “Қутлуғ қон” романидаги “Меҳнаткаш қиз” бобида Унсиннинг Шокир отага ёрдам бериш учун маҳси тикишда *ип эшиб, мумлаб бериши*, маҳсиларга *шон қоқиши, шондан тушириши, пардозлаши, лок суркаши* каби деталларининг бежиз келтирилмагани аён бўлади.

Адабиётшунос олим А.Расуловнинг бу борадаги эътирофи ҳам шу маънода ўринли. “Ойбек, – деб ёзади у, – даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, ХХ асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдинини белгилаган. Ойбек ижодини ўрганишда биографик методни зинҳор унутмаслик керак”¹.

“Болалигимнинг илк эсдаликларини катта энам Ойимхоннинг ёрқин хотирасини ёдга олиш билан бошламоқ вафо бурчимдир, – деб бошлайди ўз қиссасини Ч.Айтматов. – Раҳматли энам ўзгача бир инсоний сифатлар соҳиби бўлиб, овулда обрў-эътибори, теран ақли заковати билан ажралиб турар, худо у кишини табиатан доно қилиб яратган эди. У кишининг бошларидан ҳеч қачон оппоқ дасторлари тушганини кўрмаганман...”²

¹ Бу ҳақда қаранг. Шарқ юлдузи”, 2014. 3-сон

² Айтматов Ч. Болалигим. Тошкент, 2017. – Б.115

Ҳар икки лавҳа икки буюк ижодкорнинг энг меҳрибон, суюкли инсонлари тасвирига бағишланган бўлса ҳам услубий ўзига хослик англашилиб туради.

Ч.Айтматовнинг 5-6 ёшларидаги хотираларида акс этган чорвадор халқнинг турмуш тарзи, айниқса, яйловга кўчиш воқеаси, қутурган йилқи уюрлари ва қўра-қўра қўйларни ҳайдаб боришида қатнашиб, сўнгра икки ой мобайнида яйловда бўз уйлар тикиб, ана шу табиат ва ҳайвонот оламининг инжа сирларини бола қалбида туйиши улкан санъаткор асарларига асос бўлган дея оламиз. Ёки Жамила ва Дониёр воқеаси айнан қавм-қариндошлари ҳаётдан олинганини эътироф этган муаллиф: “Унда мен ҳам унчалик кўзга ташланмаган, ҳеч ким эътибор бермайдиган кичкина бир бола эдим-да... Бироқ ўзим истамаган ҳолда ўша икки қалб севги-муҳаббатининг шоҳиди бўлиб қолдим. Гоҳида Дониёр Жамилани, гоҳида Жамила Дониёрни кутар эди. Иккови бир юк аравага ўтиришиб, далага қараб кетишарди. Бепоеъ далада иккиси ҳар доим бирга юришарди...”¹

Шу маънода, А.Қаҳҳор ҳикояларининг данаги ҳам адиб болалиги хотираларида илк бор ниш урганини “Ўтмишдан эртактлар”даги Бабар ҳикоясидан Қобилбобо, амакисининг ўғли Ғаффоржондан “Бошсиз одам”даги ўғил, онаси тақдиридаги қийинчиликларни “Бемор”да Сотиболдининг хотини образлари тасдиқлайди.

Ҳақим Назир болалик хотираларидан ҳам ёшларда китобхонликка муҳаббат, ўсмирларнинг касб-хунар эгаллаши каби мавзуларни ўз асарлари учун бош мавзу қилиб олгани бежиз эмаслиги англашилади. Умуман, адиблар хотираларида болаликнинг қоронғу тунларидан ёруғ кунларигача, яъни ўсмир бўлиб ўз келажагини илм-маърифатга, ижодга бағишлаш орзусини рўёбга чиқариш учун ҳаракат бошланган кунларгача ҳикоя қилиниши бир-бирини тўлдириб турувчи асар сифатида эътиборни тортади. Бинобарин, устоз ёзувчиларнинг ўз болаликларига бағишланган хотиралари деярли бир тарихий давр, авлодга хос бўлса ҳам уларнинг услубий жилолари, бадиий-композицион ифодаси турлича. Гарча бу хотира қиссаларда болалик умрнинг энг шодон, бетакрор ва бахтли онлари сифатида юксак пафос билан эмас, чор-ночорликдан дийдираган болакайлар тасвири етакчилик қилса-да, ижодкор бадиий оламини биографик, психологик жиҳатдан теран тадқиқ этишга имкон беради.

Эндиликда, ёднома, бадиа, хотира, кундаликлар ҳам адабий жанр сифатида автобиографик қисса ва автобиографик характердаги асарлар билан синтезлашиб бормоқда. Аммо болаликка бағишланган қиссаларнинг аксарияти, энг аввало, шу халқнинг болалар адабиёти намуналари сифатида ардоқланиб келинган. Шундай экан, автобиографик қиссаларнинг ёднома ва хотира, бадиалардан айрича жанрий-бадиий хусусиятларини ойдинлаштириш, хусусан, қиссачилик тамойилларини тадқиқ этишда нарратология – баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифа. Яна бир нарса: ҳар бир авлоднинг ўз адабиёти, адиблари бўлганидек, янги юз йиллик болалар адабиётида автобиографик

¹Айтматов Ч. Болалигим. – Тошкент, 2017. – Б.202.

ва биографик қиссаларнинг бетакрор намуналари, тасвир ва талқини юз очишига ишониб қоламиз. Улар нафақат болалар ва катталар китобхонлигида, балки адабий тадқиқотчиликда ҳам муҳим манбаа бўла олишини эсда тутиш лозим.

Мунисжон ҲАКИМОВ,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг кичик илмий ходими

ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИДА КЎНГИЛ ТИМСОЛИ

Шарқ адабиётида айни бир мавзу, бир сюжет, бир образдан фойдаланиш анъанага айлангани маълум. Лекин бунини шунчаки такрор ёки ўзлаштирмачилик деб булмайди. Ҳар бир ижодкор бирор мавзуда қалам сураётган экан, унинг истеъдоди, дунёқараши мавзуга такрорланмас руҳ ва тус беради. Шунинг учун ҳам адабиётда, жумладан, шеъриятда бир қатор образлар анъанавий тарзда такрорлансада, сўз санъатининг сеҳргарлари бу анъанавийликни маҳорат билан янгилайдилар. Адабиётшунос М. Юнусов сўзлари билан айтганда эса: “Традиция пассив такрорлаш эмас, бу жараёнда ёзувчи дунёқараши, билиш доираси, ҳаётининг малакаси, фантазияси иштирок этажигини кўрсатади.”¹

Замонавий шеъриятимиз ҳам фақат янги образлар яратиш билан чекланмай, анъанавий образларни янгича ва ўзига хос талқинда ифода этмоқда. Ана шундай образлардан бири кўнгил образидир. Бу образ ёзма адабиётга оғзаки адабиётдан кириб келган. Бу унинг қадимий образ эканлигидан далолатдир. Ўзбек адабиёти ўзининг улкан тарихий жараёнида бу образни асосий образлар даражасига олиб чиқди. Чунки “...шеъриятда инсон руҳияти, ҳис-туйғуси, маънавий олами, ботиний сир-асрорини ёритишда энг фаол поэтик образ даражасигача кўтарилган сўз кўнгилдир.”² Яъни, кўнгил образи шеъриятда жуда кенг қамров касб этиб, кўплаб ижодкорлар унга такрор-такрор мурожат қилишган.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ижодида ҳам кўнгил образи муҳим ўрин эгаллайди. Шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, кўнгил – Оллоҳ мўжизаси. Шундай экан, унинг шеъриятида ҳам бу мўжизавий образ алоҳида аҳамият касб этади, чунки шоир шеър ёзмайди, балки қалбни таржима этади:

*Шоиро, синдир қаламни,
Қўй, керакмас жимжима,
Сен менинг руҳимга кир,
Қалбимни этгил таржима...³*

¹ Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент, 1965. 14-бет.

² Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Тошкент, 2009. 49-бет.

³ Камол Ж. Яна кўнгилда ул ой. – Тошкент, 2010. 149-бет.

Шоир лирик қаҳрамони кўнгил асири, кўнгил қули, шунинг учун лирик қаҳрамон кўнгилни эмас, кўнгил лирик қаҳрамонни бошқаради, унга ҳукм қилади: кўнгил хоҳласа, у ҳаёт, хоҳламаса, ўлимга маҳқум:

*Баъзан сўлди, ғамга тўлди,
Лекин ўлмади кўнглим.
Орсизлар-ла ош-нон бўлди,
Ошно бўлмади кўнглим.*

*Бу дунёда насибам ҳам,
Хазинам ҳам кўнглимдир.
Ҳукм айласа: ҳаёт менга;
Ҳукм айласа: ўлимдир...¹*

Қалбнинг моҳияти ва ҳақиқатини очишда шоир лирик қаҳрамонни турли поэтик образлар билан мулоқотга кириштиради:

*– Тақдир, нега мени инсон яратдинг,
Кўксимда шодлиғу ғамдан юз нишон?
– Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгил деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон.²*

Лирик қаҳрамон шоирлик қисматининг сир-асрорига етиш истагида Тақдирдан кўксида шодлиғу ғамлар туғён уришининг сабабини сўрайди. Бунга сабаб Тақдир лирик қаҳрамонга қалб ва шуур бахш этганлигидир. Чунки қалб ва шуур инсонни ҳайвондан фарқловчи асосий восита. Худди шу зайлда шеърнинг кейинги бандида умрнинг чақмоқдек шиддатли кечиши урғуланади. Ана шу қисқа муддатли умр ишқнинг қалбда зухур топишдан мазмунли бўлади:

*– Тақдир, нега мени меҳмон яратдинг,
«Ярқ» этган чақиндек кечгум бегумон?
– Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгин деб ишқ нима, нимадир инсон...³*

Шоирнинг бошқа бир саккизлигида эса лирик қаҳрамон Она образи билан баҳс юритади:

*Мени келтираркан ёруғ дунёга,
Она, тор келдими ҳимматинг сенинг?..
На зўр ақл бердинг, на зўр ирода,
Фақат юрак бўлди ато этганинг...*

¹ Камол Ж. Сайланма I жилд. – Тошкент, 2007. 151-бет.

² Юкоридаги асар. 148-бет.

³ Юкоридаги асар. 148-бет.

*– Болажон, берганим оламга арзир,
Нима бор ишқ тўла дилдан зиёда?
Олмос каби ақл китоблардадир,
Курашларда яшар нўлат ирода.¹*

Инсонда ишқ тўла дил бўлса, унинг шавқи билан китоблардаги ақлни ҳам, курашлардаги иродани ҳам топиш мумкин демоқчи шоир.

Чиндан ҳам қалб учун бирдан-бир озуқа ишқ. Ишқ эса оловдир. Таъбир жоиз бўлса, ишқ олови қалбни қайта ишлайди – унга дард эшигини очади. Жамол Камолнинг лирик қаҳрамони ана шундай куйик қалб соҳибидир:

*...О, шоир қалби ҳам куйик қозондир,
Раҳм этиб ҳолига боқсангчи бирров...²*

Халқда “Тил – дил калити” деган нақл мавжуд. Яъни, дил – қулф, тил – калит. Қулф бўлмаса калитга эҳтиёж йўқ. Демак, дил бирламчи. Буни шоир шундай изоҳлайди:

*...Табиат, шамширдек тилдан ҳам аввал
Шафқатли дил берсанг бўлмасми раво...³*

Умуман, бир неча шеърларида шоир тил ва дил бирлигидан баҳс юрилади.

Мумтоз адабиётда кўнгилни синиқ, хаста, шикаста каби ҳолатларда кузатиш мумкин:

*Шикаста кўнглума оз ғам бўлубтурур қуллий,
Кесак қаноти синуқ қуш кўзига тош кўрунур.⁴*

Яъни, қаноти синиқ қушнинг кўзига кесак тош бўлиб кўринганидек синиқ кўнгилга оз ғам ҳам кўп бўлиб туюлади, дейди Алишер Навоий.

Жамол Камолда:

*Йўлингда бир синиқ ойна
Кўрсанг, устидан юрма,
Ушалган бу кўнгилнинг
Парчасидир, сен-да синдирма.⁵*

дея кўнгил парчаси синиқ ойнага қиёсланади. Синиқ(шикаста) кўнгилга озор бермасликни сўрайди лирик қаҳрамон. Ушбу шеърда яна ўқиймиз:

¹ Юқоридаги асар. 147-бет.

² Юқоридаги асар. 149-бет.

³ Юқоридаги асар. 154-бет.

⁴ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. I том. – Тошкент, 1987. 167-бет.

⁵ Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент, 2010. 142-бет.

*Аё дунёйи дун, соҳиб кўнгилларга
Мурувват қил,
Магар оқилни қонлар йиғлатиб,
Жоҳилни кулдирма.¹*

Шу ўринда ўқувчида кўнгил соҳиби ким, нега лирик қаҳрамон унга мурувват қилишини сўраб дунё билан чиқиша олмаяпти деган савол пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Гап шундаки, кўнгил соҳиби эзгуликни улуғловчи, кир дунёнинг фисқу фжурларидан, макру ҳийладан ўзини холи тутган шахс. У алдамчи дунёга жоҳиллардек бўйсунини истамайди. Шу сабабдан ундан кўнгил соҳибига озор етади.

Жамол Камол шеърини кўнгилни образлаштириш жараёнида унинг ҳолатларини турли хил усулларда очиб беради. Масалан, кўнгил гапиртирилиши (интоқ) орқали, лирик қаҳрамон фалсафий қарашлари воситасида, лирик қаҳрамоннинг кўнгилга гапириш йўли билан ва ҳоказо.

Шоирнинг шеърларида кўнгил гапиртирилганда инсоннинг, айниқса, шеърят аҳлининг кўнгилга қулоқ солиб яшаш ҳолатига эътибор қаратилади:

*Кўнглим айтар: қилма қайғу,
Аҳли шеъри шуурсан.
Мағрурсанки, маъюсдирсан,
Маъюссанки, мағрурсан.²*

“Тарду акс” санъати асосида тасвирланган мағрурлик ва маъюслик ҳолатлари бевосита кўнгилга алоқадор. Чунки шеърда ушбу фикр кўнгил орқали лирик қаҳрамонга айтилсада, лирик қаҳрамон ҳолатлари шоир қалбининг кашфиёти эканлигини унутмаслик керак.

Жамол Камол кўнгил тасвирида турли ташбеҳлардан ҳам фойдаланади. Масалан, Каъба, ойна, жаҳон, ер, осмон каби. Кўп мумтоз шоирлар кўнгилни Каъбага қиёслашган.

*Жамол Камол ҳам айнан шу ташбеҳни қўллаган:
Кўнгилни Каъбатуллоҳ бил,
Кўнгилга эътимод яхши,
Кишига эътимод айлаб,
Бировга орқанликдан.³*

Дарвоқе, бировга орқанлик қилиб, ишончга берилишдан кўра кўнгилга таяниш зарур. Чунки кўнгил – Каъбатуллоҳ, яъни Оллоҳнинг уйи.

Мумтоз адабиётда кўнгил тасаввуфий фикр ташиши, Жамол Камол мисралари ижтимоий муаммо ҳақида. Бу шоирнинг ташбеҳга янгича ёндашуви.

¹ Юқоридаги асар. 143-бет.

² Камол Ж. Сайланма I жилд. – Тошкент, 2007. 151-бет.

³ Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент, 2010. 135-бет.

Жамол Камолнинг:

*Бу оламда башарни
Кўнгли вайрон этмагил, ё Раб,
Агар бир кўнгли вайрон
Чекса оҳ, вайронадир осмон.¹*

байти ғоя ва мазмун жиҳатидан Алишер Навоийнинг:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.²*

деган фикрларини ёдга келтиради. Аммо унинг ифода услуби ўзига хос, яъни Алишер Навоий “кўнгли бузуғнинг хотирин шод айла”(яхшилик қил) деса, Жамол Камол башар кўнглини вайрон этма(ёмонлик қилма) дейди.

Жамол Камол лирик қаҳрамони кўнгилга “эй кўнгил” тарзида мурожат қиларкан, унинг юракка ниҳоятда яқинлиги намоён бўлади. Шу билан бирга шеърдаги радиф ундаги бош фикрни таъкидлаш, ўқувчи этиборини асосий мақсадга этишга хизмат қилган:

*Бир буюк тилсим магар
Жон ичра жонсен, эй кўнгил,
Эл сени, мўъжаз жаҳон, дейди,
Жаҳонсан, эй кўнгил.³*

Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул бидоя” девонида “эй кўнгил” радифли 5 та(410-, 415-, 429-, 440-, 442-⁴) ғазал мажуд. Уларнинг барчаси тасаввуфий-маърифий йўналишда ва кейинги 4 таси рамал баҳрида. Жамол Камолда ижтимоий-фалсафий мавзу, баҳр эса анъанавий яъни рамал. Қолаверса, ғазал бошдан оёқ тазод санъати асосига қурилганки, бу кўнгилнинг ўқувчи нигоҳида ёрқинроқ гавдаланишини таъминлагандир:

*Денгизинг, тоғинг, қуёшинг,
Юлдузинг, ойинг тайин,
Ҳам ўзинг ерсан, вале
Ҳам осмонсан, эй кўнгил.⁵*

Хуллас, Жамол Камол шеъриятида кўнгил мумтоз ғоявий тушунчаларни сақлаган ҳолда образлаштирилар экан, ифодадаги соддалик, фикрларнинг ижтимоий-фалсафийлиги билан ажралиб туради. Кўнгил инсонга меҳр, виждон, эзгулик каби тушунчаларни урғулантриб туради. Шоир наздида кўнгил инсонга Оллоҳ томонидан берилган буюк тухфа, у – муқаддас. Чунки инсон кўнгил орқали ўзлигини кашф этади, ҳаётнинг моҳиятини англайди.

¹ Камол Ж. Юқоридаги асар. 128-бет.

² Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. V том. – Тошкент, 1990.431-бет.

³ Камол Ж. Юқоридаги асар. 153-бет.

⁴ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. I том. –Тошкент, 1987.

⁵ Камол Ж. Юқоридаги асар. 153-бет.

Жовлиев ЖАВЛОНБЕК,
Ўзбекистон Фанлар Академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи
таянч докторанти (Ўзбекистон)

ЧЎЛПОН ВА ШАЙХЗОДА

Аннотация: Мақолада Мақсуд Шайхзоданинг таҳликали йилларда Чўлпон ижоди ҳамда фаолияти ҳақида олиб борган тадқиқоти ва бу ишнинг оқибатлари ҳақида сўз боради.

Annotation: The article discusses Maqsud Shaykhzoda's research on Cholpon's work and activities during the dangerous years and the consequences of this work.

Аннотация: В статье обсуждаются исследования Мақсуда Шайхзода о работе и деятельности Чолпона в опасные годы и последствиях этой работы.

Калит сўзлар: кўлёмалар, матн, драматургия, ижодкор лабораторияси, хужжат, аслият, кўрсаткич, тасниф, таҳлил, адабиёт, метод, матн, манба, навоийшунослик, табдил.

Keywords: manuscript, text, dramaturgy, creative laboratory, document, originality, index, classification, analysis, literature, method, text, source, Navoi studies, conversion.

Ключевые слова: драматурк, история газета, текст, рукопись, метод, методология научного исследования.

Мақсуд Шайхзоданинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида сақланаётган кўлёмалари билан танишар эканман, мингга яқин манбалардан биронтасида Чўлпонга оид тадқиқот ва қарашлари, ҳатто “Чўлпон” деган сўз учрамайди. Аслида кимгадир буни қидиришнинг ўзи мантиқсизлик туюлиши, ўша давр сиёсатини билмасликка қиёслашга олиб келиниши мумкин. Бизга маълумки, Шайхзода кўлёмалари шоирнинг ўлимидан тўрт йил ўтиб, 1972 йилда хотини Сакина хоним розилиги билан ўша пайтдаги ЎзССР ФАнинг Х. С. Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институти фондга олиб келинган, сўнг шу манбалар асосида институт ходимлари томонидан 1985 йилда “Мақсуд Шайхзода архиви”¹ китоб-кўрсаткич чоп этилган. Ушбу китобда ҳам Чўлпон ҳақидаги биронта жумла йўқ. Албатта, китоб чоп этилган даврга келиб ошкоралик нафаси бутун минтақада кезган бўлса-да, у ҳали Чўлпон ижоди устига тўпланган қора булутларни тўлақонли ҳайдаб юборишга ожизлик қилар, кўркув ва ҳақид омон эди.

Шайхзоданинг Чўлпон ижодига бўлган қизиқишларини билиш учун бироз илгарига, хосатан 20-30 йилларга назар ташламоғимиз ўринлидир. Бунда шоир ижодига биздан кам “қизиқмаган” идора – НКВД архивларида сақланаётган тергов хужжатлари кўмакка келади. Маҳбус (1951 йилдаги тергов) Чўлпон ҳақидаги саволга қуйидагича жавоб берган: “Чўлпон тўғрисида илк бор 1928-1929 йилларда, яъни Тошкентга келганимдан

¹ “Мақсуд Шайхзода кўлёмалари” – Тошкент: ЎзССР ФАнинг Х.С.Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институти, 1985.

кейин эшитдим. Уни катта авлодга мансуб ўзбек шоирлардан бири, деб айтишарди. Мен у билан тахминан 1932 йилда танишдим. Аммо бизнинг танишувимиз қачон ва қандай шароитда рўй берганини ҳозир эслай олмайман. Ҳар ҳолда мен ҳаваскор сифатида бориб юрган Тошкентнинг ўша пайтдаги ёзувчилар ташкилотида ёки газета ва журнал таҳририятларидан бирида кўришган бўлсам ажаб эмас¹. Албатта, бу зулмкор ва совуқ ниятли терговчилар шоирни чиқиб бўлмас туйнукка бошлаб бораётганини билар ва маҳбуснинг ҳамма жавоби эҳтиёткорлик билан берилган ёки умуман сохта, мажбуран қўл кўйдирилган бўлиши мумкинлигини сира эсдан чиқармаслиги мумкин.

Чўлпон ижодидан оммавий кўрқув эрта бошланган. Балки адабиёт ҳақидаги фикрларини эрта билдиргани учундир. Ҳозирги кунда дарсликлар бетида ва телевидения каналларида тез-тез кўринадиган ва кўпчилик шунчаки ёки бўлмаса, гап топилмаганда ишлатадиган ибора “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”, – деган хулосани эрта чиқарганидандир.

Чўлпондан “чўчиш” унинг ҳаётлигидан бошланган бўлиб, то мустақиллик йилларигача давом қилди (ўлимидан сўнг ярим аср). Чўлпон “Кўнгил” номли шеърида (Тошкент, 1922) “На фарёдинг, на додинг бор”, – дея миллатга мурожаат этаркан, халқда улкан кўрқув шаклланиб улгурганини англаб, ҳис қилиб турганини, бунини эрта ич-ичидан англаб етганини кўришимиз мумкин.

Чўлпон ижодига аниқ мезон истибдоддан қутилиш ва миллий ҳурликка эришиш ҳаракати эди. Чўлпон анъанавий шеърият тилини халққа яқинлаштирди ва бармоқ вазидаги шеърларини халқ ўзгача чанқоқлик ва хурмат билан қабул қилди, халқ ўзлари тўла тушунадиган ва дилдан ҳис қиладиган шеъриятдан завқ ола бошлади ва ҳозирги ўзбек тили Чўлпоннинг тили эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Унинг рамзлари ҳам шунга хизмат қиладди. Аммо борган сари куч олиб, мустаҳкамланиб олган қизил империя халқни кўрқитиб қўйди. Халқ кўз олдида қуролланган ҳукуматнинг улкан соясини ҳис қилиб турарди. Бу омил Чўлпон шеъриятини қанчалик севмасин, унинг маслағи нақадар хавфли эканлигини эрта пайқашган ва хушёр тортишган. Бу сергаклик, айниқса, “ижодкор дўстлар”лар орасида кучаяди.

Лекин шундай бўлса-да бу тўсиқ ва ҳайиқишларга қарамай Чўлпон халқнинг биринчи рақамдаги машҳур шоири эди.

Мухторият учун ўтказилган намоишларнинг бирида Чўлпонга сўз берилади ва у Туркистон мухториятининг озодлик мадҳиясини ўқийди ва бутун халқ унга жўр бўлади. Бу ҳақда академик Наим Каримов: “Чўлпон намоиш чоғи оташин нутқ сўзлаб, нутқи орасида “бадиҳа йўли билан “Оллоху акбар” шеърини айтган ва бу шеърнинг ҳар бир сатридан кейин намоиш аҳли “Оллоху акбар!” сўзлари билан шоирга жўрлик қилган... “Озод турк байрами” шеъри варақа шаклида тарқатилиб, Мухториятнинг мадҳияси сифатида халқ орасида ижро этилган”², – деб таъкидлайди. Бундан шоир ва унинг ижодини халқ нақадар қадрлаганини англаш мумкин.

¹ Н. Каримов Н. Максуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Т.: Sharq, 2010. – Б.187.

² Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б.393.

Яна бир мисол, 1922 йил Туркистон ўлкасида тузилган ва миллат ёшларини четда ўқитиш билан шуғилланган “Кўмак” ташкилоти ҳам Чўлпоннинг бу машхурлигидан кўп фойдаланган. Чўлпон қатнашиши айtilган адабий учрашувлардан жой топиш мушкул бўлар ва каттагина маблағ йиғиларди. Ҳатто бир талабага ёрдам бериш ҳақида Чўлпоннинг ўз мақола-ласи бор.

Ўша давр матбуоти ва адабиётини кузатган ҳар қандай қизиқувчи Чўлпон нақадар машхур бўлганлигини англайди. Бунга, албатта, Чўлпоннинг барқ этган истеъдоди ва баракали ишлаши омил бўлади. 20-йилларнинг ўзида “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари” каби тўпламлари чоп этилади, “Ўзбек ёш шоирлари” (1923), “Гўзал ёзғичлар” (1925), “Адабиёт парчалари” сингари тўплам ва мажмуаларда, газета ва журналларда шеърлари ҳамда мақолалари мунтазам бериб борилган. “Ёрқиной” (1921), “Ҳалил фаранг” (1921), “Чўрининг исёни” (1926), “Яна уйланаман” (1926), “Ўртоқ Қаршибоев” (1928), “Хужум” (1928) миллий дард ва фожиалар билан жаид театрлар репертуарларини бойитади.

Тазйиқлар ва чақувлар натижасида 1927 йилнинг 4-5 октябрида бўлиб ўтган ҳукумат раҳбари иштирокидаги маданият ходимларининг II анжуманида Чўлпон ижоди “ғоявий тутириқсиз” деб топилади¹. Бу етилган кўркувнинг натажаси эди. Шундан сўнг кўпчилик очиқча ўзини миллат шоиридан олиб қочади. Чўлпонни қоралашда қатнашган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов ҳатто Чўлпоннинг тузалишига ҳам умид билдирмаслигини айтади. “Шунингдек Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳам баҳсли масала”², – дейди у очиқча. Натижада, 1929 йилнинг ноябр ойида бошланган қама-қамаларнинг хавфли тўлқинидан сўнг унинг асарлари деярли чоп этилмай қўяди. 1932 ва 1935 йилларда у Москвада яшайди ва қатор асарларни рус тилидан таржима қилади (Гоголнинг “Терговчи”, И. Франконинг “Феруза”, Андревнинг “Осилган етти кишининг ҳикояси”). 1935 йилдан то ҳибс қилингунга қадар (14 июл, 1937) у яна сермазмун ижод қилди. “Кеча ва кундуз” романи, “Соз” тўплами ва муваффақиятли чиққан қатор асарлар: “Ҳамлет”, Пушкиннинг “Борис Годонов”, “Дубровцкий”, Горкийнинг “Она” каби асарларини таржимани қилади.

Шайхзода Тошкентга сургун қилинмасидан олдин (1928) Чўлпон ижоди билан танишиб бўлган. Чунки Шайхзода Бокудаги кўзга кўринган адабий давраларда бўлар ва бундай суҳбатларда Чўлпон ижоди ва шахсияти ҳақида гапирилмаслиги мумкин эмас, чунки у Бокудаги туркий халқлар қурултойида мудом қатнашиб келган ва шоир ўлароқ бутун туркий халқлар ўртасида машхур бўлган. Озод Шарафиддинов ёзади: “1920 йилда уни Туркистон вакиллари қаторида Бокуга Шарқ қурултойига юборадилар. Қурултой Чўлпоннинг ғоявий ўсишида муайян роль ўйнайди. Шу қурултойдан кейин унинг шеъриятида мазлум шарқ мавзуси, мустамлакачилик

¹ Y o'ldoshov Q. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablaring 9 sinf uchun darslik. Qayta ishlangan ikkinchi nashri/ Qozoqbo'y Y o'ldoshov, Valijon Qodirov, Jalolbek Y o'ldoshov (Ma'sul mualliflar: V.Rahmonov, N. G'ulomova). – T.: Yangi u o'l polygraph service, 2010. – 146 b.

² Акмал Икромов. Избранные труды. Том. 1. –Т., 1972. – С. 331-332. (таржима Озод Шарафиддинов)

сийосатига қарши кураш мотивлари кучаяди, эркин куйлаш янада теранроқ мазмун касб этади”¹.

1927 йилда 14 февраль куни “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Ўзбек шоири Чўлпон” деган мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи адабиётшунос Олим Шарафиддинов эди. Унда шоир асарлари кескин танқид қилинади. “Чўлпонга бир-биридан даҳшатли айблар қўйди, уни совет тузумининг ошкора душмани деб эълон қилди. Тўғри, мақола муаллифи Чўлпоннинг “баъзи бир хизматларини” тан олишга мажбур: унинг тили содда, ҳар турли фикрларни ифода қилишда ярарли ҳам нуқсонсиздир. Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир. Лекин шунга қарамай, унинг асарлари ғоявий мазмуни бутунлай зарарли ва бизга ётдир: “Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас. У – миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир”, – деб ёзади Олим Шарафиддинов. Аммо бир оздан кейин бу ҳукм ўзига етарли эмасдай кўринади-да, баъзи шеърларини ўта бир томонлама таҳлил қилган ҳолда, “халқни ҳеч қандай қатламга ажратмасдан “халқ учун ёнаман” дейиш “мен миллатчиман” дейишдан иборатдир” деганга ўхшаган ўта тутуриқсиз фикрга асосланиб, узил-кесил ҳукм чиқаради: “Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурачисидир, шуларнинг шоиридир. Шуларнинг иштаҳасини келтиратурғон руҳий озик беради. Асарлари шуларнинг қарашларини, манфаатларини, мафкурасини акс этирган ойнадир. Ўн миллионларча йўқсулни унутади!” Догматик тафаккур асоратига тушиб қолган муаллиф “синфийлик”, “ғоявийлик” тушунчаларини ўта бир томонлама, ғоятда тор кўламда талқин қилгани учун, бутун олам, бутун адабиёт, жаъмики ижодкорлар фақат икки рангга – оқу қорага ажралади, оқи – яхши, қораси – ёмон деб ҳисоблангани учун ҳам Чўлпонга шундай тамғалар босди. У ҳатто мақола сўнггида шундай маслаҳат беришдан ҳам тоймайди: Чўлпоннинг асарлари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли цензурадан ўтказиб, мувофийларини босиши керак”².

Бунга жавобан “Қизил Ўзбекистон” газетасида ёш шоир Ойбекнинг мақоласи чоп этилади. У шоирнинг ўзининг кузатишлари ва фикрича камчиликлардан ҳоли эмаслиги, лекин Олим Шарафиддин келтираётган вазият асоссиз эканлигини таъкидлайди. Мақола 1927 йил 17 май куни “Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?” номи остида эълон қилиниб, унинг ижодини Пушкин билан таққослайди ва Пушкин ижодини қандай пиринциплар асосида текширсак, Чўлпон ижодига ҳам шундай ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 22, 23, ва 27 июнь кунларидаги сонларида Усмонхон Эшонхўжаев Ойбекни кескин танқид қилиб, Чўлпонни қоралаш компаниясига кўшилади.

Ўттиз йиллик азоб ва ўлим. Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг бу азобли даври ҳақида шундай дейди: “Чўлпон ҳаётининг фожиаларга тўла, драмалар, ҳақоратларга, хўрликларга тўла йиллари бошланди. Булар оз эмас,

¹ Чўлпон. “Кеча ва кундуз”: Роман/ (Тўпловчилар: Н. Каримов, Ш. Турдиев; Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи Озод Шарафиддинов; Таҳрир ҳаяти: Э. Воҳидов ва бошқалар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.8.

² Ўша манба. – Б.11.

кўп эмас – ўн йил давом этди. Ўн йил мислсиз руҳий изтироблар шоир жисмини кемирди, асабларини қақшатди. У қанд касалига мубтало бўлди. Унинг асарларини босмай қўйишди, номлари рўйхатлардан ўчирилди, ҳатто ёру дўстлар кўришиб қолганда кўчанинг нариги бетига кетадиган бўлиб қолишди. На совет ёзувчиси деб тан олишган, на буржуа ёзувчиси деб узил-кесил қораланган Чўлпон аросатда қолди, қисматининг ноаниқлиги унга тўхтовсиз азоб берарди. У бугун бўлмаса эртага қамалишини сезиб, муттасил хавотирлик ичида ҳаёт кечира бошлади. Лекин шоирнинг бардошига, асабларининг метинлигига, ирода кучига қойил қолиш керак – ана шундай даҳшатли муҳитда ҳам у меҳнат қилишдан, ижоддан тўхтамади”.

1937 йилда Чўлпонни таъқиб қилиш ҳар қачонгидан ҳам ошади. “Сўнгра машъум 1937 йил яқинлашган сари Чўлпоннинг “фош қилувчи” мақолаларининг сони ҳам ортади, улардаги таҳдид ва пўписа кучаяди. Бу ўринда у мақолаларни таҳлил қилишнинг зарурати йўқ. Ўйлайманки, сарлавҳаларнинг ўзи ҳам уларнинг чиркин мазмуни ҳақида маълумот бера олади: Ёд-горов. “Олақарғалар (Чўлпончилик ҳақида)”, “Ёлқин қора доғлар” (Чўлпоннинг миллатчилик руҳдаги шеърлари ҳақида), Олтой, “Чўлпоннинг миллатчилик руҳдаги шеърлари билан курашайлик”, Тўрақулов “Ҳамлетга” тўх-мат”, “Националистическая агентура в литературе. Редакцион мақола”, Акбаров. “Распутать до конца”, Туйғун, “Разоблачать до конца”, Туйғун. “Душманни битта ҳам қўймай фош қиламиз”, Туйғун. “Жўшқин лирика ниқоби остида зараркунандачилик”, Уйғун. “Поэзияда сиёсий ўткирлик бўлсин”, Ш. А ва Ғ. Ш. “Совет ёзувчилари қаторини душман унсурлардан тозалаймиз”, Шарипов Ж., Акбаров Б. “Аксилинқилобий миллатчиларни охиригача фош қилайлик” каби сиёсий қарашлар кўзланган мақолалар чоп этилди.

Шайхзода деярли яккаланиб қолган ижодкорнинг кўнглига малҳам бўлиш учун Чўлпон ижодини тадқиқ қила бошлайди. Улар орасидаги ришта эса анча қалин бўлиб, доимий алоқада бўлади. Академик Наим Каримов 1933 йилдан бошлаб шоир ва ёзувчилар даврасида бўлган адабиётшунос Насрулло Даврон фикрларини ўзининг “Мақсуд Шайхзода” маърифий-биографик романида қуйидагича ифода қилган: “Шайхзода Чўлпон билан Усмон Носирни, айниқса, ёқтирар, уларнинг ҳам Шайхзодага бўлган ҳурматлари ғоят зиёда экан. “Созим” шеърлар тўплами нашр этилганда, Чўлпон бу тўпламига: “Созини қўлига қайтандан олган шоирлардан – улуғ Навоий ва Ғузулий ватандоши бўлмиш шоир Мақсуд Шайх ўғлига”, – деб ёзиб берган экан. Унинг айтишича, Шайхзода Чўлпон шеърларидаги бадиий нафосатни чуқур ҳис этган ва қадрлаган”¹. Афсуски, бу китоб ҳам Шайхзода кутубхонасида сақланмайди.

Шайхзода Навоий ижодидан сўнг Чўлпон ижодига тўхталиши унинг нақадар кучли танлови, диди ва журъати борлигини ҳам кўрсатади.

Тил ва адабиёт институтининг ўша пайтдаги директори Отажон Ҳошимовнинг 1937 йил 13 августда Шайхзоданинг Чўлпон ҳақида тадқиқот олиб боргани ҳақида қуйидагича кўрсатма беради:

¹ Наим Каримов. Мақсуд Шайхзода / маърифий-биографик роман. –Т.: Sharq, 2010. – Б.183.

“...Шундай қилиб, Шайхзода – Чўлпон, Ойбек – Абдулла Қодирий, Ёқубов эса Ойбек тўғрисида ёзишди”. Бундан ҳам кўриниб турибдики, Шайхзода Чўлпонга бўлган муҳаббатини тадқиқотида кўрсатган. Лекин Отажон Ҳошимовнинг кейинги, яъни 1937 йил 25 сентябрда бўлиб ўтган терговдан ёзиб олинган сўзлари қаттиқ қийноқ эвазига мажбуран имзолаганини билсак бўлади: “Биз Файзулла Хўжаевнинг кекса аксилинқилобчи, миллатчи кадрларни авайлаш тўғрисидаги барча кўрсатмаларини бажардик: ашаддий аксилинқилобчилар: Фитрат, Ғ.О.Юнусов, Элбек, Ғози Юнус, Ойбек, Муҳаммаджонов ва бошқаларни институт теварагида жипслаштирдик...”¹

“Турк бешиги – Туркистон, Ери олтин, тоғлари кон, Болалари қаҳрамон, Ватан учун берур жон. Туркистонлик – шонимиз, Туронлик – унвонимиз,

Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!” – дея мадҳия битган шоирнинг қони Ватанга фидо бўлди.

Бугун Шайхзоданинг Чўлпон ҳақидаги тадқиқоти йўқ. Таҳликали йилларда қўлёзма йўқ қилинган ёки махсус идоралар томонидан олиб кетилган. Катта эҳтимол билан Шайхзода уни бутунлай ёқиб юбормаган, қаергадир яширган бўлиши мумкинлиги олимлар томонидан айтилади. Бу ҳақда устозимиз, академик Наим Каримов тахминий қарашига кўра, Чўлпон ҳақидаги хавфли тадқиқотни у ўз юрти Озарбайжонга олиб бориб яширган бўлиши мумкин. Аммо ўша пайтда барча совет давлатларида хўроз бир хилда қичқираётган эди, буни яхши англаган Шайхзода балки қўлёзмани у ёққа олиб кетмагандир.

Шайхзода ўзининг “Мирзо Улуғбек” трагедиясида шоҳ ва етук олим Мирзо Улуғбек тилидан азиз шогирди Али Кушчига айтган қуйидаги сўзлари муаллифнинг тақдир ипларига нақадар боғлиқ ҳолда янграшига қулоқ тутайлик: “Оҳ, азизим, шу серхатар, йирқич замонда, Сену менга илм-фанга фурсат қаёнда!”² ... Афсуслар бўлсинки, у “серхатар” замон бизни Шайхзоданинг Чўлпон ҳақидаги тадқиқотидан бебаҳра қилди.

Zoyirova G O'ZAL

Buxoro davlat universiteti tadqiqotchisi
(O'zbekiston)

SAMANDAR VOHIDOV SHE'RIYATIDA SHAKL VA MAZMUN UYG'UNLIGI

Annotatsiya: Ushbu maqolada buxorolik iste'dodli shoir Samandar Vohidov she'riyatining o'ziga xos shakliy ifodasi va bu shaklning mazmunga ta'siri masalasi tahlil qilingan.

Annotation: In this article, The question of the specific formative expression of the poem by the talented Bukharian poet Samandar Vohidov and the influence of this form on the content was analyzed.

¹ Ўша манба.

² Максуд Шайхзода. Танланган асарлар. III том. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 – Б.47.

Аннотация: В данной статье проанализирован вопрос об особом формальном выражении поэзии талантливого Бухарского поэта Самандара Вахидова и влиянии этой формы на содержание.

Kalit s o'zlar: barmoq vaznining turlari, erkin shakl, takrorlar, shakl va mazmun uyg'unligi, bandlardagi erkinlik.

Key words: finger system, free form, repetition, harmony of form and content, freedom in paragraphs.

Ключевые слова: Виды пальцевой системы, свободная форма, повторы, сочетание формы и содержания, свобода в пунктах.

XX asr she'riyatida barmoq vazni yetakchilik qilgan b o'lsa-da, shoirlarimiz ijodida bu vaznda ham turli shakliy o'zgarishlar qilganliklarini k o'ramiz. O'tgan asrning istalgan o'n yilliklariga oid she'riy t o'plamlarda shoirlarimizning turli she'riy shakllarda yaratgan namunalarini uchratish mumkin. O'zbek she'riyatidagi bu xususiyatlarni adabiyotshunos olimlarimiz atroflicha tahlil qilishgan, buning o'ziga xos zaruriy ehtiyoj ekanligi borasida ham asosli fikrlar, dalillar keltirishgan. Xususan, Ulug'bek Hamdam bu jarayonni adabiyotning ijtimoiylashuvi bilan bog'laydi. Lirikamizdagi she'riy tizimlar haqida gapirar ekan, Dilmurod Quronov: "Har bir xalq she'riyatidagi «she'riy tizim» o'sha xalq tilining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadi"¹, – deydi. Tilning o'ziga xosligi esa, ijtimoiy hayotdagi o'zgarishlardan xoli b o'la olmaydi. Shunday ekan, she'riyatda ham, she'riy tizimlarda ham o'zgarishlar bo'lishi, tabiiy. XX asr o'zbek she'riyatida aruziy ohanglardan barmoq vazniga o'tish holati kuzatilganligini "Fitrat, Hamza, Ch o'lpon kabi shoirlarning orzusi bilangina o'z-o'zidan va birdaniga ro'yobga chiqib qolgan voqea bo'lmay, jamiyatda yetilib kelgan yangi ijtimoiy-psixologik kayfiyat orqasidan sekin-asta voyaga yetgan adabiy hodisadir"². Ushbu fikrni XX asrning so'nggi choragi va bugungi kun she'riyati uchun ham tatbiq etish mumkin. Asr boshidan jadal qadam tashlab shaxdam odimlab borayotgan barmoq vazni ham ijtimoiy hayotning rivojlanishi natijasida o'zgarib, yuqorilab borayotgan inson tafakkuriga mos ko'rinish ola boshladi. Hatto biz yuqorida nomlarini tilga olgan ijodkorlarimiz ijodida ham, nafaqat vazn, balki, she'riy shakllarning ham turli ko'rinishlarini uchratish mumkin. "Erkin vaznga asoslangan she'r tuzilishi o'zbek adabiyotiga XX asrning 20-yillarida rus tonik she'r tizimi ta'sirida kirib keldi. Biroq bu vazn o'lchov, qofiya, band jihatidan erkin bo'lsa-da, alohida tizim emas, balki barmoq vaznining sodda, qo'shma, aralash, murakkab kabi vazn turlaridan biridir"³.

Shu nuqtayi nazardan e'tibor qaratayotganimiz shoir Samandar Vohidovning ijod namunalaridir. Samandar Vohidov barmoq va aruz vaznlarida sermahsul ijod qila olgan ijodkorlardan biridir. Dastlab barmoq vaznida she'rlar mashq qilgan shoir ijodiy barkamollikka erishishga harakat qilgani sayin, mavzular mazmuni yuksalishi bilan birga vaznda ham bir qadar o'sganligini k o'ramiz. Shoir aruz vaznida ham o'qishga, o'rganishga arzigulik boy meros qoldirdi. Bu vaznlarda yozilgan she'riy asarlar o'z davri mazmun-mohiyatiga mosligi, davr

¹ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. – B.159.

² Hamdamov U. Badiiy tafakkur tadriji. –Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2002. – B.41.

³ www.ziyouz.uz.

kishisining xarakter-xususiyatlarini, o'y-fikrlarini, tafakkur darajasini namoyon qilishda o'ziga xos shakl va mazmun kasb etgani ahamiyatlidir. Ayniqsa, barmoq vaznida yozilgan she'rlar sarbastona shaklda ifodalangani bilan e'tiborni tortadi.



*Umr etagidan sochilgan kunlar,
Yanchilar ikki tosh –
Shom-u tong aro,
Unmi yo
Kepakka aylanar ular,
Ulgurmaymiz bergali baho.*

*Tegirmonchi – hayot bu hosilani,
Insof bilan bir kun tushsa elashga,
Baxtlisan,
Rag'bating qolsa,
Umrning –
Qolgan qismin yashashga¹.*

She'r bir qarashda sarbast vaznida yozilganga o'xshaydi. Biroq ifodadagi ohangdorlikka moyillik va bu ohangni yuzaga keltirayotgan qofiyalarning (kunlar-ular, aro-baho; elashga-yashashga; tushsa-qolsa (ishki qofiya)) mavjudligi, bo'g'inlar miqdori e'tiborga olinganligi she'rni barmoq vaznida yozilganligidan dalolat beradi. Shu bilan birga shoir she'rni an'anaviy to'rtlik shaklida beradi. She'r ikki banddan iborat, dastlabki uch qatori o'n bir bo'g'inli bo'lib, 1-misra to'liq, ya'ni sindirilmagan, 2- va 3-misralari sindirilgan. To'rtinchi qatori esa t o'qqiz bo'g'indan iborat va to'liq misrada yozilgan. Keyingi bandning dastlabki ikki misrasi ham tugal shaklda. Uchinchi qatori esa shakli sindirilgan va bo'g'inlar soni jihatidan ham kam – 8 bo'g'inli bo'lib, ohang mutanosibligidan chetga chiqadi. So'nggi qator ham sindirilgan holda yozilgan va 9 bo'g'indan iborat. Sindirilmagan – tugal misralar she'riy shakl uchun tayanch vazifasini bajarmoqda. Shoir qator undoshli so'zlardan ham bo'g'inlar hosil qilishda samarali foydalanadi. Ya'ni qator undoshli so'zlar orasida talaffuzda paydo bo'ladigan bir unli tovushni ba'zan bo'g'in qatoriga qo'shadi, ba'zan esa yo'q. Birinchi misrada "Um(u)r" tarzida (ikki b o'g'in), so'nggi misrada "Umrning" (ikki bo'g'in) deya she'rdagi bo'g'inlar hosil qilgan ohangga moslashtiradi (Bu holat shoirning ko'plab she'rlarida uchraydi).

Endi she'rga kiydirilgan libos – shaklning muallif aytmoqchi bo'lgan mazmun-mohiyatga mosligi va ta'siri masalasiga diqqatni qaratsak. Avvalo, ta'kidlash joizki, sindirilgan misralar she'rning o'qish tezligiga, tembriga, gap urg'usiga jiddiy o'zgarish olib kira olgan. Va bu ustsegmentlar she'rning ta'sir kuchini oshirgan va mazmunni tez anglab olishga xizmat qilgan. Butunning keyingi qatorga k o'chgan qismi yana-da kuchli ta'kid bilan uqtirilayotgandek diqqatni oshiradi. She'rning ma'no strukturasi quyidagicha hosil qilish mumkin:

¹ Vohidov S. Orzuning osmoni keng. Saylanma. III. – Buxoro: "Buxoro" nashriyoti, 2006. – B.100.



She'ring barcha misralari tiklab chiqilsa, turoqlanishda ham turlichaliklar ko'zga tashlanadi:

6+3+2

3+3+5

3+3+5

4+5

4+2+5

4+2+5

3+5

2+4+3

Bundan shuni xulosa qilish mumkinki, misralar oxirida besh bo'g'inli tovushlarning umumiy takrori she'ring tayanch ohangini ta'minlagan va mazmunning maqsaddan chekinmagan holda ifodalanishiga asos yaratgan. Turoqlanishdagi turlichaliklarning she'ring ritmik intonatsion jihatiga ta'sir etganini sezish qiyin emas. Ayni shu holat o'quvchning mazmunni anglashga bo'lgan e'tiborini kuchaytiradi.

Bunday shakliy ifodada berish 70-80 – yillar ijodkorlarining ko'pchiligidan uchraydi. Va bugungi kun she'riyatiga qadar davom etib kelmoqda. Ammo ba'zi shoirlarning "...ko'plab she'rlarida so'zga zeb berish, chiroyli va ohangdosh kalimalarni qaldirg'och bolalaridek tizib qo'yishga intilish natijasida she'ring tug'ilishiga sabab bo'lgan ilk tuyg'u – darddan uzoqlashish bor. Shu bois bo'lsa kerak, ba'zi she'rlar zo'rma-zo'raki, jiddiy bir yuksiz, faqat she'r yasash-u mahoratni namoyish qilish uchungina yozilgandek taassurot qoldiradi"¹. Samandar Vohidov ijodida bunday izohga loyiq she'rlarni uchratish qiyin. Chunki uning har bir she'ri falsafiy mushohada bilan t o'yintirilgan, hayotiy haqiqatlar hadya etgan xulosalar bilan badiiy ifodalangan. Uning ko'plab she'rlari odatdagi shakliy ko'rinish olgan bandlar bilan boshlanadi. U tuygan hislar pag'onama-pag'ona yuqorilab boradi. G o'yo kichik bir tirqishdan sizib chiqayotgan edi-yu, jo'shib borayotgan tuyg'ularning zarbidan otilib chiqqa boshlaydi. Ana shu jarayonda hislar she'r shakliga ham o'z ta'siri o'tkazadi. "Shoir dardi va dunyo makri haqida ballada"² nomli she'rida ham ana shunday jarayonni kuzatish mumkin. Aslida to'rtlik bandlardan iborat she'ring ayrim bandlari o'sib borayotgan hislari sabab besh, hatto olti satr holidan ifodalanadi. Shoir bashariyat dardini kuylovchi shoirlarni-da dunyoning makrlari yengib borayotganligidan qattiq iztirob chekadi. O'zining shu mazmundagi dardli fikrlarini ta'kidlash maqsadida sindirilgan bandli misralar she'ring bir necha o'rnida uchrab, mazmundagi kulminatsion nuqta vazifasini bajargan.

Maqtov – aldov:

Silab-siyपालab,

2+2+2+3

¹ Hamdamov U. Badiiy tafakkur tadriji. – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2002. – B.172.

² Vohidov S. Dunyo kami bitmagay. Saylanma. IV. – Buxoro: "Buxoro" nashriyoti, 2014. – B.32.

Suymaganni nochor suydirar. 4+5

MaqtoV – olov:

Cho'g'i isitib, 2+2+5

Alangasi oshsa, kuydirar. 6+3

Shu o'rinda aytish joizki, she'riy asarlarda tinish belgilarining ham ma'no anglatishdagi xizmati nihoyatda katta. Band boshidagi "MaqtoV" so'zining tire bilan ajratilishi uni ikkinchi bir nom bilan, ya'ni "aldov" deb atayotganligini bildiradi. X o'sh, maqtoV va aldov bir narsa bo'lsa, u nimalarga qodir? Muallif "ya'ni" so'zini q o'llab o'tirmaydi, balki ikki nuqta (:) orqali uning nimalar qila olishini bayon qiladi. Bandning keyingi ikki qatorida esa, fikr yana-da kuchaytirilmoqda. O'n sakkiz banddan iborat ushbu she'rning odatiy shakldagi – o'rnidan siljimagani misralari muallifning biroz hovuridan tushgandek, fikrni yana bir bor mulo-haza qilishga kirishayotgandek taassurot uyg'otadi.

Shoirning "Pardalar"¹ she'ri ham vazn nuqtayi nazaridan aralash vaznda yozilgan. She'rning e'tiborli jihati shundaki, unda muallif erkin ifoda usulini tanlagan. She'r ritm, qofiya, bandlar tarkibi jihatidan ham erkin.

Derazaning pardalari –

Tunda xos mahram.

Zim-ziyo k o'chadan yorug' xonaga,

Kirmoq bo'lgan nigohlardan,

Qancha sirni asraydi.

Yo'qsa, sirlar chiqar edi ko'chada daydib.

Sayoq shamol urib olar peshonasini,

To'lg'onar-u shohi quchoqda,

Y o'liqqanday sehrlil tuzoqqa,

Ipakday mayinlashib kirar ichkari,

Go'zal qizga duch kelib,

G'ururi chetda qolib,

Yuvosh tortgan qaysar yigit singari.

Asrar seni xira pashshadan...

Shuncha savob tunda pardadan.

Shuncha savob...

She'rning keyingi – so'nggi o'n yetti qatori esa to'liq bir bandda keltiriladi. Bandlar hajmining turlichaligiga sabab mazmun yuzaga chiqishi uchun zarur bo'lgan y o'lgina bosib o'tilganligida. Har bir bandda pardaning ahamiyati ochilib boraveradi. Birinchi bandda "tunda xos mahram" – ichkariga kirish ruxsatiga ega bo'lgan pardalar ichkarining sirlarini saqlaydi. Ikkinchi bandda parda g o'zal qiz timsolida, shamol oshiq yigit qiyofasida namoyon bo'ladi. Uch satrdan iborat uchinchi bandda yana real tasvir orqali "xira pashshalarga" ishora qilanadi.

¹ Vohidov S. Olamdan rang izlab. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1985. – B.50.

She'riy asarga xos musiqiylikni ta'minlashda qofiya va bandlar bilan bir qatorda takrorning ham ahamiyati katta. Shoir "Shuncha savob..." jumlasini takror qo'llar ekan, ko'p nuqta orqali ifodalangan ohangdan u haqiqatdan ham pardaning savobi ko'pligini ta'kidlamoqdami yoki ikkilanish va ishonchsizlik bilan aytmoqdami, degan haqli fikr paydo bo'ladi. Bu she'rning yana "Shuncha savob" deb boshlanuvchi yakuniy bandida oydinlashadi.

*Shuncha savob yuvolmas, biroq
Uning bir gunohini:*

Demak, "Shuncha savob..." borasidagi bizning ikkinchi taxminimiz to'g'riroq. Takrori mazmun va g'oyaga xizmat qildiradi olish shoirning mahoratini namoyon etar ekan, Samandar Vohidov bu borada o'z san'atkorligini ko'rsata olgan. Pardalar

*Tong to'lqini tun taxtiga solganda titroq,
Boshing silab, erkalab,
Senga yorqin kun tilab,
Yog'du qo'lin ch o'zmoq bo'lgan quyoshning
Tillo kaftin to'sib turar u*

"Tong to'lqini tun taxtiga solganda titroq"... Naqadar go'zal satrlar... She'r shunday kuchli hissiyot bilan yozilganki, beixtiyor so'zlar sehriga oshufta bo'la boshlaydi kishi. Bu hislarni bo'lsa, shoir poetik fikrlarining o'ziga xosligi sabab vujudga kelgan noan'anaviy shakl yuzaga keltirmoqda. She'rni o'qir ekan-siz, go'yo shoirtabiati kishining samimiy suhbatini tinglagandek bo'lasiz. Undagi betakror tashbeh-u tashxislar esa uni shunchaki suhbat emas, badiiylikka yo'g'rilgan ruhiyat ifodasi ekanligini anglatib turadi. Ifoda shaklining o'ziga xosligi, bandlar hajmining turlichaligi, qofiyalarning noan'anaviyligi – barchasi shoirning poetik maqsadi yo'lida xizmat qilgan. Uning butun ruhiy olamining ochilishiga imkon yaratgan.

Yuqorida shoirning, nafaqat barmoqda, balki aruz vaznida ham mahorat bilan ijod qilganligini aytib o'tdik. Ma'lumki, aruz vazni o'zining qat'iy talablarga egaligi bilan e'tirof etiladi. Bu vazn turli bahrlarda yozilgani singari barmoq vazni ham o'zining turli ko'rinishlarini rivojlantirishda davom etmoqda. Ijodkor uchun bu tizimlarning ahamiyati haqida so'z borar ekan, Samandar Vohidov o'z she'riyati haqida shunday deydi: "Yana shuni ham ta'kidlashni istardim: har qanday she'r dastlab o'z shakl-u shamoyili bilan ruhda bo'y ko'rsatadi. Tug'iladigan farzandning qiz yoki o'g'illigini oldindan bilish mumkin bo'lmaganidek, she'rning ham bunisini aruzda, bunisini barmoqda yozaman, deb bo'lmaydi. Boz ustiga unisida erkinman, bunisida tutqun, deb ham ayta olmayman"¹. Shoirning so'zlaridan xulosa qilish mumkinki, u o'z hislariga-da erkinlikni ravo ko'radi. Ko'ngil tubidan otilib chiqayotgan tuy'g'ularini tizginlashga shoshilmaydi. "Yangi shakl, ifoda zo'r berish bilan emas, balki dunyoqarashdagi, olamni idrok etishdagi yangorish bilan, badiiy tafakkur tarzimizdagi, didimizdagi yangilanish bilan,

¹ Safarov O. Buxoro adabiy harakatchiligi tarixidan lavhalar. – Buxoro: "Durdona" nashriyoti, 2015. – B. 452.

demakki, ijtimoiy-tarixiy, ma'naviy-psixologik zamindagi ulkan siljishlar bilan dunyo yuzini k o'radi"¹ Samandar Vohidovning ham 70-yillar oxiri 80-yillar o'rtalariga qadar yozilgan she'rilarida yetakchilik qilgan shakliy erkinlikda uning ruhiy olamidagi, ijodiy shakllanishdagi siljishlarni ko'rish mumkin.

Khudoyberdiev JASUR

Westminster International University in Tashkent
Global Education Department, Senior Lecturer
(Uzbekistan)

THE SCHOLARSHIP OF INTERNATIONAL LITERARY CRITICS ABOUT UZBEK JADID WRITERS

Annotation: The article provides some insights into the international literary critics' view on Uzbek Jadid writers especially on Fitrat's works. The comparison and contrast of the views of Uzbek and American scholars on Jadid writers' thoughts and their depiction in literary masterpieces have been provided. The article argues about the need for further research into this field of literary investigation.

Аннотация: Мақолада халқаро адабиётшуносларнинг Ўзбек Жадид ёзувчиларига, айниқса Фитрат асарларига бўлган қарашлари ҳақида баъзи тушунчалар берилган. Жадид ёзувчиларининг фикрлари ва уларни адабий дурдоналарда тасвирлаш борасида Ўзбек ва Америкалик олимларнинг қарашларини таққослаш ва чоғиштиришларда келтирилган. Мақолада ушбу адабий тадқиқот янада чуқур ва кўп қўламли изланишларни ўтказиш зарурлиги ҳақида баҳс юритилади.

Аннотация: Статья дает представление о взглядах международных литературных критиков на узбекских писателей-джадидов, особенно на произведения Фитрата. Приведено сравнение и противопоставление взглядов узбекских и американских ученых на мысли джадидских писателей и их отражение в литературных шедеврах. В статье аргументируется необходимость дальнейших исследований в этой области литературного исследования.

Key words: Uzbek Literature, Jadids, Literature, Literary critics, Fitrat

Калит сўз: Ўзбек адабиёти, жадидлар, адабиёт, адабиётшунослар, Фитрат

Ключевые слова: Узбекская литература, Джадиды, Литература, Литературоведение, Фитрат

It is widely believed that the history of national literature mixes up with the history of the country it emerges from. The most evident reason lies with the fact that while the nation is being built the issue of having a common language emerges and here the literature plays a non-dispensable role in nation-building as well as in formation of standard language. There has been quite a strong keen interest in exploration of Uzbek literature not only inside the country but also beyond its borders.

¹ Normatov U. Ijod sehri. – Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2007. – B. 254.

After the collapse of the former empire and the emergence of independent nations in Central Asia, a number of countries started to focus on Uzbek literature, culture and history, exploring the widely available data and literary works. American, British, French, Japanese and Turkish scholars commenced the translation of some of the masterpieces of the Uzbek literature into their own languages. Investigations carried out by Allworth, Khalid, Montgomery, Lyons, Micallef are the bright examples of that keen interest taken by American writers who enabled Uzbek literature to be studied in the context of world literature. Take for example Edward Allworth, who successfully studied and translated a number of Uzbek literature pieces. In fact, Allworth was one of the few overseas scholars who devoted all his life to exploration of Uzbek Literature. A prominent Uzbek scholar Zulkhumor Mirzaeva did a tremendous work in studying the translation of Allworth Beybudy's work "Padarkush" - "The Patricide". Mirzayeva's work *"The study of twentieth-century Uzbek literature in America"* has investigated a really nice field in Uzbek and World literature by the study of twentieth-century Uzbek literature in the United States which has never been done before. We can discover quite a lot about Uzbek scholars' ideas, studies, and investigations into Uzbek literature but we did not know much about what overseas literary critics assert about Uzbek literature. The work of Mirzaeva casts some light into it. In her book she provides an interesting survey of Uzbek literature and tells the readers about what the US literary circles argue and say about modern Uzbek literature. There we can see some instances of comparison of American scholars' views with those of Uzbek literary critics and historians of literature.

The part of her work, which is her dissertation¹ on the study of Jadid literature in the US, which is pertinent to our focus is the chapter discussing the core features of American scholarship of Uzbek Jadid Literature. The next segment she drew particular attention is translation of Jadid writers works into English though it does not make up much corpus as there was a limited access to Uzbek literature directly during the political and cultural relationship between the USA and the USSR. Having looked at the peculiarities and distinctive features of the American scholarship on Uzbek Jadid literature, she divides the scholarship into three periods. The first period includes the period ranging from the 1950s to 70s when the scholars took the works of Jadids for identifying political messages contained in them. I think it is really relevant to all Jadid writers' works as they almost always proposed their own political agenda for liberty, independence, political and spiritual freedom for indigenous people in Turkistan, later in Uzbekistan. Then comes the second period including the years from 1970s to 1991, the independence years of Uzbekistan. The dominant focus in this period was "aesthetic-ideological syncretism". Finally, after independence the direct access to Uzbekistan and its literature provided an opportunity to study the Uzbek Jadid literature in its own rights and direct translations started to be carried out by foreign writers, esp American ones. This is the third period in Mirzaeva's work².

¹ Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан. док. дис... (DSc) авт. – Тошкент, 2017.

² Khalid A. XX asr o'zbek adabiyotining Amerikada o'rganilishi [The study of twentieth-century Uzbek literature in America]. *CentralAsianSurvey* 33 (2014): 129 - 130.

Taking into account the interest in Jadid literature by overseas scholars, we can claim the study plays a key role in the monographic study of Uzbek literature abroad.

The next prominent scholar who had produced had produced a tremendous scholarship on Central Asian's intellectuals and cultural history over the last four decades of the 20th century is Edward Allworth¹. In fact he became a forerunner of Central Asian studies in the United States by writing and editing two dozen books and eighty scholarly articles. In his book "*The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist*" Allworth analysis three allegorical dialogues written by a prominent Uzbek Jadid scholar Fitrat (1886-1938) and how these literary works had an impact on post-revolutionary period after 1917 in terms of resistance and fight against Soviet domination in Turkistan. Fitrat's various evasive literary devices such as "allegory, metaphor, satire, and oppositional subtexts"² enabled him to treat the soviet censorship in funny ways. In the works the proclamation of Turkistan's revival through education and innovation can easily be seen, while through his literary devices he implicitly but rather successfully-criticized the soviet policy in the region. One of the common genres that Fitrat employed in his writings was a dialogue. In his "Munozara - the Dispute" Fitrat promoted his ideas about defiance of unjust rulers by challenging the readers. Allworth also notes Fitrat's continuous struggle against unjust despotic rule of the khanates and later communism in the wider Turkistan.

The third researcher in the list is Anita Sengupta. By analyzing the works of Fitrat, she claims Fitrat in his works was the first to attack the backwardness of the emirate in the light of progressed Ottoman Empire and the West and he incited the local Bukharian people to unite and initiate reforms particularly in the area of education which was opposed by conservative Bukharian ulema. While Fitrat was still studying in Istanbul he first published groundbreaking book "*Munazara*" - "*The Dispute*" in which he proposed totally new concepts opposed to the reality on the ground in the emirate. He introduced *Watan* –fatherland and *Millat* – people to the local Bukharians and he asserted that these constitute the fundamental principles for local nation to fight against internal dogmatic sectarianism and external dependence on the Russian Empire³. He could feel that without lifting these two obstacles the nation was doomed. He says "Bukhara is ours and we are Bukhara's" which is the bright example of *wataniyyat* which later became the fundamental ideology of young Bukharians who strived for establishing a constitutional state in the emirate⁴. Fitrat and other jadid scholars imbibed with the ideology of modernisation and reforms. The Turkistani progressive elites conducted their modernization efforts predominantly in three

¹ Allworth E. Uzbek Literary Politics. – The Hague: Mouton and Co., 1964. – P. 208

² Lyons, Shawn T. Edward A. Allworth, Evading Reality: The Devices of Abdalrauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist, Brill's Inner Asian Library (Leiden: E. J. Brill, 2002). Pp. 389. \$127.00. International Journal of Middle East Studies, vol. 36, no. 2, 2004, pp. 297–298, doi:10.1017/S0020743804342066.

³ Sengupta A. Myth and Rhetoric of the Turkish Model. (2014).

⁴ Komatsu I., (2006) "Muslim Intellectuals and Japan: a Pan-Islamist mediator, Abdurreshid Ibrahim," in S.A.Dudoignon, H.Komatsu, and Y.Kosugi eds., Intellectuals in the Modern Islamic World: Transmission, transformation, communication, London-New York: Routledge, 2006: 273-288.

main areas which included writing of prose and poetry, language reforms, and educational reforms. Fitrat in his works mainly focused on arousing the literate nation competent in both languages Uzbek/Turkic and Persian. He encouraged the people to align their interests with modern needs of the 20th century.

Overall, international literary critics have treated the works of Jadids produced in late 19th century and early 20th century in different ways. The given short period time has provided a really flourishing nurturing ground for the emergence of Jadid literature which forms the core part of our literature. Literary critics of Uzbekistan and the world have observed a trend that was reflected in the form, content and the style of expression in the works of the Jadid scholars. It is clear that there is a need for further investigations into this corpus in order to discover new insights in the future.

Mirsharipova SHAHZODA,

Buxoro davlat universiteti

Adabiyotshunoslik yoʻnalishi I bosqich magistranti

(Ўзбекистон)

TARIXNING TAKRORLANISHI

Annotatsiya: Maqolada Pirmqul Qodirovning Qodirovning “Ona lochin vidosi” romani misolida tarixiy haqiqat va badiiy talqin masalasi oʻrganilgan.

Abstract: The article examines the issue of historical truth and artistic interpretation on the example of Pirmkul Kadyrov’s novel “Ona lochin vidosi”.

Аннотация: В статье изучена историческое истенность и художественная интерпретация на примеру роман Пиримкула Кодирова “Она лочин видоси”.

Kalit soʻz: roman, tarixiy roman, Pirmqul Qodirovning “Ona lochin vidosi” romani, badiiy talqin, badiiy obraz, tarixiy obraz, badiiy toʻqima.

Key words: Novel, historical novel, Pirmqul Kadyrov’s novel “Ona lochin vidosi”, artistic interpretation, artistic image, historical image, artistic texture.

Ключевые слова: роман, исторический роман, роман Пиримкула Кадырова «Она лочин видоси», художественная интерпретация, художественный образ, исторический образ, художественная текстура.

Amir Temur va temuriylar tarixi masalasi jahon va oʻzbek adabiyotida talqin etilgan muhim muammolardan biridir. Bunday asarlarda ajdodlarimizning mardligi, bahodirligi, jasorat va vatanparvarligi, oila va axloq masalalari doirasi-dagi munosabatlari keng aks etgan.

Zamonaviy hamda tarixiy mavzularda yozilgan bir qancha roman, qissa va hikoyalari oʻzbek realistik prozasining nodir namunalari qatoridan joy olgan yozuvchi Pirmqul Qodirov oʻzbek adabiyoti maydonida alohida oʻringa ega. Ijodkor asarlarining qahramonlari olijanob insoniy fazilatlar, ulugʻ maqsadlari bilan turfa qarashlar va turli mafkuraviy t oʻlqinlar girdobida yashaydilar. Oʻlmas gʻoyalari, chin eʼtiqod va donishona tafakkurning tantanalari adib ijodiyotida hayotiy haqqoniyati hamda badiiy-estetik jozibasi bilan namoyon boʻladi.

O'tkir qalam sohibi b o'lgan Pirimqul Qodirov tarixiy mavzuda nihoyatda samarali ijod qilgan. Ijodkor tarixiy mavzuda qalam tebratar ekan, k o'p bora temuriylar davri tarixiga e'tiborini qaratgan. Misol tariqasida ijodkor qalamiga mansub b o'lgan "Yulduzli tunlar" ("Bobur"), "Avlodlar dovoni" ("Humoyun va Akbar") va "Ona lochin vidosi" romanlarini k o'rsatishimiz mumkin.

Adib yaratgan tarixiy romanlar orqali temuriylar davlati, temuriy shahzodalar hayotiga doir qiziqarli voqealar, sarguzashtlar, o'tkir dramatik vaziyatlarga guvoh bo'lamiz. Qolaversa, yozuvchi asarlari orqali Amir Temur davridagi madaniy hayot kabi tarixiy ma'lumotlarga ham ega bo'lamiz. Ushbu fikrlar adibning boshqa ko'plab asarlari singari "Ona lochin vidosi" romaniga ham daxldordir.

"Ona lochin vidosi" romanida Amir Temur hukmronligining s o'nggi yillari, Shohruh Mirzo hokimiyatining mustahkamlanish yillari hamda Ulug'bek Mirzo va uning avlodlari hukmronlik qilgan ma'lum bir tarixiy davr yoritib berilgan.

Amir Temur siymosi asarda yoshi ulug', hayotning achchiq-chuchugini totgan qutlig' bir xonadon sohibi sifatida tasvirlanadi: "Salobatli nuroniy otaning "bolam" degan s o'zi haligacha Gavharshodbegimning qulog'iga eshilib turardi"¹. Ayni paytda sohibqiron Amir Temur bir necha bor farzand dog'ini ko'rgan, dilbandlaridan erta ajralgan jabrdiyda ota siymosida ham gavdalanadi.

Asarda sohibqironning dunyoni tark etishi quyidagicha beriladi: "Xitoy yurishi paytida yong'in chiqdi. Yong'in paytida Amir Temur uchun bexatar joyda chodir o'rnatgunlaricha tungi qattiq sovuq va izg'irin shamol unga yomon ta'sir qildi. Isitmasi k o'tarilib, qattiq xastalanib qoldi. Shundan keyin hammaning xayoli Sohibqironni davolash bilan band b o'ldi. Ammo muolaja kor qilmadi"².

Amir Temurning vafoti haqida Hakim Sattoriyning "Hazrat Sohibqiron" asarida sal boshqacha ma'lumot beriladi. Unda aytilishicha, Xitoy safari oldidan buyuk sohibqiron askarlarni ruhlantirish maqsadida qahraton qishda soch-soqolini olib q o'shin qarshisiga chiqadi. Natijada Sohibqironning boshi qattiq shamolaydi. Shu hodisa uning vafotiga sabab b o'ladi³. Aslini olganda, sohibqiron hayot yo'li haqidagi tafsilotlar turli afsona va rivoyatlarga qorishib ketgan. Yuqoridagi talqinlarda ham ana shunday tarixiy va xalqona haqiqatlar asos qilib olingan.

Asarni sinchkovlik bilan o'qigan kitobxon ikki buyuk tarixiy shaxsning hayot y o'llaridagi o'xshashlikni yaqqol sezadi. Biz quyida mana shu ikki shaxs, ya'ni Amir Temur hamda Shohruh Mirzolarning hayot y o'llaridagi o'xshash tarixiy hodisalarni tahlil qilishga harakat qilamiz.

Eng avvalo, shunga diqqat qaratish mumkinki, asarda talqin etilayotgan ikkala qahramon ham tarixiy shaxs sifatida murakkab bir sharoitda yashab, faoliyat ko'rsatgan. Ular ana shunday ziddiyatli ijtimoiy muhit ta'sirida juda ko'plab voqealarni boshdan kechirgani qatorida, tadbirkorligi, zakovati bilan muammolarni yengib o'tishga harakat qilgan. Qolaversa, ular shohlik va insonlik martabasi oralig'ida kuchli ruhiy ziddiyatlar va iztiroblarni boshdan kechirishganki, adib ana shu nuqtalar talqiniga urg'u berish orqali Amir Temur va Shohruh Mirzo shaxsiyatining xarakterli jihatlarini taran talqin etishga erishgan. Pirimqul Qo-

¹ Qodirov P. Ona lochin vidosi. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – B.4.

² Qodirov P. Ona lochin vidosi. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – B.10.

³ Сатторий Х. Ҳазрат Сохибқирон. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2016. – 508 б.

dirov bu ikki buyuk tarixiy shaxslar talqinida el-yurtning hukmdori bo'lsa-da, baribir oddiy inson sifatidagi holatlariga alohida diqqatini qaratgan.

Ota va o'g'il taqdiridagi o'xshashlik ularning yana shunga o'xshash bir qator qirralarida namoyon bo'ladi. Ikki tarixiy shaxs ham t o'rtta o'g'il farzand ko'rgan. Amir Temur (Jahongir, Umarshayx, Mironshoh, Shohrux). Shohrux (Mirzo Ulug'bek, Ibrohim Mirzo, Boysunqur Mirzo, Abulqosim). Asarda ushbu tarixiy fakt ham tilga olinadi.

Diqqatni tortadigan yana bir o'xshashlik, ikkala hukmdorning ham umri davomida t o'plagan mol-mulki keraksiz o'rinlarga sarflanib, havoga sovuirilgan. Masalan, Amir Temur vafotidan s o'ng taxt Xalil sulton q o'lga o'tadi. Xalil sulton va uning Shodimulk degan xotini hokimiyat tepasida o'tirib mamlakat xazinasini behuda ishlarga sarflashadi. Hatto o'sha davr rassomlari Shodimulk sultonning saroy devorlari ustiga chiqib q o'llari bilan oltin sochayotgan holatini rasmlarda tasvirlashgan.

Shohrux Mirzo vafotidan s o'ng taxt Alouddavla q o'lga o'tib, u mamlakat xazinasini amaldorlarni o'z tomoniga og'dirib olish uchun sarflaydi. Ikkala holatda ham boyliklar behudaga sarflanadi. Asardagi mazkur talqinlar mol-mulk va moddiy boylikning barqaror emasligi, insonning ma'naviy olamidagi yuksaklikdan quyida turishi haqidagi xulosalar chiqarishga yordam beradi.

Shu boisdan bo'lsa kerak, adib bu ikki tarixiy shaxsning ma'naviy olamidagi o'ziga xosliklarga ham keng to'xtalishni maqsad qiladi. Taqdiri azal bitigi va oilaviy tarbiya ta'sirida ikkalasining ham xarakterida salobatlilik, kengfe'llilik, bag'rikenglik, mehribonlik, oqillik fazilatlarini jamlangan. Ikkala tarixiy shaxsning ham hayotida oqila ayolning o'rni muhim ekanligi e'tiborni tortadi. Ikkala hukmdor ham farzandlarining tarbiyasini oqila va dona malikalarga topshirishgan. "Yodingizda bormi, Hazrat otam layoqatli nevaralar tarbiyasini kayvoni xotinlari Saroy Mulk xonimga topshirgan edilar. Rahmatlik Bibi xonimni otam "ona lochin" deb ulug'lar edilar. Avlodlarimni lochinday yuksakka parvoz etadigan qilib tarbiyalang" derdilar"¹.

Asardagi talqinga ko'ra yana bir yaqinlik ikkala hukmdor ham yurish vaqtida oqila malikalari q o'lida jon taslim qilganligida ko'rinadi. "Taqdir ekan, – deb Shohrux Mirzo xotiniga tasalli berdi. – Men ham hazrat otamga o'xshab... harbiy yurishda... kayvoni xotinim q o'lida... jon beradiganga o'xshayman... Q o'shinga Afdulatif bosh b o'lsin"².

Ikkala hukmdor ham o'z davlatlariga voris sifatida nevaralarini tayinlashadi. Amir Temur nevarasi Pirmuhammadni, Shohrux Mirzo esa o'z nevarasi Abdulatifni tayinlaydi. Afsuski, ikki voris ham o'z bobolarining mamlakatini parokandalikka olib boradi.

Umuman olganda, tarixiy shaxslar taqdiridagi o'xshash jihatlarining talqin etilishi yozuvchining tarixiy haqiqatlarning ibratli tomonlarini ta'kidlash niyatidan kelib chiqqan.

Pirimqul Qodirovning "Ona lochin vidosi" romani temuriylar davri tarixini mukammal darajada yoritgan asar hisoblanadi. Asar tarixiy voqealarga tayana-

¹ Qodirov P. Ona lochin vidosi. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – B.29.

² Qodirov P. Ona lochin vidosi. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – B.67.

nib yozilgan b o'lib, ijodkor o'tmishimizning ibratli qirralarini badiiy talqin etishga intildi. Amir Temur va Shoxrux Mirzo shaxsining badiiy talqin etilishi orqali adib kitobxonni temuriylar davri madaniyati, turmush tarzi, oila munosabatlari, davlat boshqaruvi q o'shnicilik aloqalari, ota- o'g'il munosabatlari bilan tanishtirib borish maqsadini ko'zda tutgan.

Mo'minova S.
QarshiDU dotsenti
(O'zbekiston)

RUHIY OLAM INKISHOFI

Annotatsiya: Ushbu maqolada shoira Farida Afro'z she'riyatida inson ruhiy olami talqini masalasi yoritilgan.

Аннотации: Статья посвящена интерпретации духовного мира человека в стихах поэтессы ФаридыАфроз.

Abstract: This article deals with the interpretation of the human spiritual world in the poetry of the poet Farida Afroz.

Kalit so'zlar: she'riyat, shoira, ayol, siymo, talqin, mavzu, mohiyat.

Ключевые слова: поэзия, поэтесса, женщина, образ, интерпретация, тема, сущность.

Key words: poetry, poetess, woman, image, interpretation, theme, essence.

Hassos shoira Farida Afro'z o'zining she'rlari bilan milliy she'riyatimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo'shib kelmoqda. Uning she'riyatida inson ruhiyati teran tahlil qilinadi, ayol zotiga xos nozik tuyg'ular o'zgacha idrok etiladi.

Ma'lumki, she'riyat so'z san'atining boshqa turlaridan o'zining nafisligi, his-tuyg'ularga boyligi, obrazlilik, badiiy bo'yoqdorligi bilan alohida ajralib tura-di. Shoiraning ta'biri bilan aytganda: "Ko'klamni sog'ingan ma'sum qushlardek bezovta shoir yuragidagi bir parcha yog'du bu – she'rdir"[1.78]. Har bir she'rning o'z tabiati, o'z kechinmasi, o'z obrazlar jilvasi mavjud. Ayol ruhiy olami talqini esa ma'lum darajada shoira qalbini, umuman, she'riyatni idrok qilishga yordam beradi. Qalbdan kechayotgan ziddiyatlar, bezovtaliklar, murakkabliklar, haq-no-haqliklar, ranj-alamlar Farida Afro'z she'rlarida o'ziga xos tarzda ifodalangan:

*Men o'zi kimman,
Tashlandiq quduq,
Yomg'irlarning esidan chiqqan,
Baliqlari tashna, jon bergan,
Qamishlari o'yib naylangan,
Tashlandiq quduq...*

She'rni o'qir ekanmiz, so'zning buyuk qudratini his qilamiz. Sehrli so'zlar yordamida qalban yolg'iz, hamdardi, hammaslagi, hamfikri yo'q, "tashlandiq quduq"

kabi keraksiz kimsaning iztiroblarini anglaymiz. “Tashlandiq quduq” iborasida yolg‘iz ayol ruhining qiyofasi tasvirini ko‘ramiz. Dunyoda yolg‘izlikning alami juda og‘ir. Inson bu dunyoda yolg‘iz yashay olmaydi. Yolg‘izlik, ayniqsa, ayol qalbini iztiroblarga to‘ldiradi. Inson taqdiri haqida qayg‘urish haqiqiy shoir qalbini hayajonga soladigan darddir. Asl she‘r darddan tug‘iladi. Dardsizlik aslida darddir. Shoir ana shu haqiqatni o‘quvchi qalbiga, ruhiyatiga yetkaza olgan. “Shoirning ko‘ksida boshqa iztirob-armonlari qatorida o‘qilmagan, o‘qilishi shart bo‘lgan kitoblarning dard-u armoni ham butun umri davomida zirqirab og‘rib turmog‘i zarur” [2.176]

Farida Afro‘z she‘r yozganida – u xoh vatan haqida bo‘lsin, xoh ishq haqida bo‘lsin, barchasida shoiraning insonga bo‘lgan mehr-muhabbati yashaydi. Masalan, shoiraning “Mushtipar onam” she‘rini kuzatsak:

*Ko‘z o‘ngimda sarg‘ayib borar,
Bahorim deb tanigan olam.
Ko‘z o‘ngimda kichrayib borar,
Mushdekkina mushtipar onam [1.68].*

Dastlabki satrlarda lirik qahramonning olam haqidagi go‘zal tasavvurlari “sarg‘ayib” borishini sabablarini anglashga urinib ko‘ramiz: inson tug‘ilganida qalbida nur yashiringan bo‘ladi. Hayotni k o‘zlari qanday k o‘rsa, o‘shanday tushunadi. Ammo yillar o‘tgach, yosh ulg‘aygach, borliqni qalb k o‘zi bilan idrok etadi. Asta-sekin uning olam haqidagi pokiza tasavvurlari xiyonat, yolg‘on, munofiqlik, umidsizlik, tushkunlik... natijasida “bahorim” deb anglagan olamning rangi “sarg‘ayib” qolgandek tuyuladi! “Dunyo kajraftor” aylanaveradi, hamma narsa o‘taveradi, o‘zgaraveradi, ammo onaga mehr-muhabbat mangu qolaveradi:

*Mayli, boshdan toj-taxting ko‘chsin,
Vujudingni titroqlar quchsin,
Sen mag‘lub bo‘l, g‘animlar yutsin,
Faqat onang yoningda bo‘lsin[1.29].*

Har bir ijodkor o‘zigaxosiste‘dod sohibidir. U inson ruhiyati manzarasini o‘ziga xos, boshqalarga o‘xshamagan holda kashf etadi. Lirik qahramon ruhiyatidagi kechinmalarning holatlari va jarayonlarini tasvirlash, botiniy sezgilarni qalamga olish Farida Afro‘z badiiyatini muhim xususiyatlaridan sanaladi:

*Ayolni sev,
Ostonasin o‘p,
Qasr qurma, ko‘nglini so‘ra,
Balo kelsa turib beradi.
Ayolni sev,
O‘laman degil,
Ishq yaratgan parvardigordan,
Senga umr so‘rab beradi.*

Shoira ayol ruhiyati botinidagi fidokorlikni, qurbonlikni ana shundan tasvir-laydi. Ayol ishq uchun, sevgilisi uchun ikkilanmay shirin jonini nisor eta oladigan mard. Unga qasr, boylik, shon-shuhrat, dabdabalar emas, ozgina e'tibor, jindakki-na mehr, bir chimdimgina muhabbat bo'lsa bas. Ayol ko'p narsaga muhtoj emas, faqat insoniy mehr, haqiqiy ishq kerak. Shoira aytmoqchi, ayolga mehr bersang, u gullab-yashnaydi, sarxil meva beradi. Dunyoni ezguliklarga to'ldiradi. Ayol ana shunday noyob xilqat. Uning ko'ngli guldan nozik, toshdan qattiq.

*Yolg'iz ayol, qovjirashi rost,
Tomir-tomirlari quriydi beshak.
Ey, sen yolg'on dunyo, qoqshagan og'och,
Qilgan da'volaring go'daksiz beshik.*

Shoira isyoni dilni o'rtaydi: ayol baxtli emas ekan, qolgan barcha-barcha nar-salar – "Go'daksiz beshik". Beshik go'daksizmi, demak, olam ham bo'm-bo'sh. De-mak, odam baxtsiz, olam fayzsiz.

Shoiraning "Nadomat", "Yolg'iz ayolga", "Sog'ina, sog'ina, sog'inmay qo'ydim", "Faridam", "Ketaman" kabi she'rlarida olamning noyob xilqati bo'lmish ayol ruhiy olami inja satrlarda talqin etilganligini ko'rish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, Farida Afro'z she'rlarida tasvirlangan ayol ruhiy olami tasvirlari insonlarni go'zallikni nozik ilg'ashga, his etishga, ardoqlashga, sevishga o'rgatadi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Farida Afro'z. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1999.
2. Sirojiddin Sayyid. Yashasin yomg'irlar. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashri-yot-matbaa ijodiy uyi, 2007.

Нусратова Ҳамида,
Низомий номидаги ТДПУ
Бошланғич таълим методикаси
кафедраси доценти, PhD
(Ўзбекистон)

МАЪРИФАТПАРВАР АДИБ АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ДАРСЛИКЛАРИ МУНДАРИЖАСИ

Аннотация: Абдулла Авлоний ўзининг педагогик, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маданий савиясини бир поғона юксакликка кўтаришга муносиб ҳисса қўшган, у ўз асарларида ўзбек халқининг энг яхши анъаналарини, таълим-тарбияга оид муҳим ҳаётий масалани акс эттирган педагог, олимдир.

Annotation: Abdullah Avloni, with his pedagogical, creative and social activities, made a worthy contribution to raising the cultural level of our people to a new level. He is

a teacher and scientist, reflecting in his works the best traditions of the Uzbek people, an important educational issue.

Аннотация: Абдулла Авлони своей педагогической, творческой и общественной деятельностью внес достойный вклад в поднятие культурного уровня нашего народа на новый уровень. Он педагог и ученый, отражающий в своих произведениях лучшие традиции узбекского народа, важный образовательный вопрос.

Калит сўз: маърифатпарвар, жадид, ислохатчи педагог, миллий уйғониш, миллат, таълим-тарбия, мактаб, маориф, маънавият, баркамол инсон, бола руҳияти, шоир, драматург, журналист.

Key words: educator, jadid, reformer teacher, national awakening, nation, education, school, education, spirituality, harmonious human being, children's psyche, poet, playwright, journalist.

Ключевые слова: просветитель, джадид, педагог-реформатор, национальное пробуждение, нация, образование, школа, образование, духовность, гармоничное человеческое существо, детская психика, поэт, драматург, журналист.

XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машхур вакилларида бири атоқли маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний миллий уйғонишга чорловчи ғояларини илгари сурган жадид ҳаракатчиларидан эди. Абдулла Авлоний миллатнинг маънавий инқирозда бўлишини танқид қилди, барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданият йутиқларни эгаллашга чақирди.

Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг йирик вакили Абдулла Авлоний ижодий фаолиятининг ғоявий йўналиши ва моҳиятини белгилаб берди. Мактаб ва маориф орқали ўзбек халқининг миллий-ижтимоий онгини уйғотишни ўзининг бош мақсади деб билган Авлоний, бошқа маслақдош дўстлари сингари, фаолиятини маърифат соҳасидаги ишлардан бошлади. Ўзбек зиёлилари орасида дастлаб профессор илмий унвонига мушарраф бўлганлардан бири Абдулла Авлоний ўзининг педагогик, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маданий савиясини бир поғона юксакликка кўтаришга муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний педагогик фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, ўз асарларида ўзбек халқининг энг яхши анъаналарини, таълим-тарбияга оид муҳим ҳаётий масалани акс эттирган педагог, олимдир.

Абдулла Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. У 1907 йили “Шуҳрат”, “Осиё” номли газеталар чиқариб, унга муҳаррирлик қилади. Газетанинг биринчи сонидан матбуотнинг роли, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, “Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифок, ҳиммат ғоялари”ни ёювчидир деб, балиқнинг сувсиз яшамоғи мумкин бўлмагани каби инсоннинг ҳам илмсиз яшамоғи мумкин эмаслигини уқтиради¹.

¹ Авлоний Абдулла. Ўссин, миллат! /Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б.Қосимов, Ш.Ризаев. – Т.: Шарқ, 1993. – Б 56 (Истиклол фидойилари).

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида педагогик фикрларнинг ривожига Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний «Усули жаид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» ҳамда «Биринчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913), «Иккинчи муаллим» (1915), «Мактаб гулистони» (1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида ҳамда публицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фани, мактаб ва маорифни улуғлаб, ўз халқини илмли, маданиятли бўлишга чақиради.

XX аср бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида Авлонийнинг «Биринчи муаллим»и ҳам ўзига хос ўринга эга; «Биринчи муаллим» 1917 йил тўнтаришига қадар 4 марта нашр этилган. Авлоний уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал»ига суянади (дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланади).

Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китоби «Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобини хрестоматия деб атасак жоиз бўлар, десак хато бўлмас.

Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

*Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Файрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур хусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
Файрат қилиб ўқинг, ўғлон!*

Бу шеърда Авлоний мактабни инсоннинг нажот йўли, ҳаётнинг гулшани, кишиларни камолот сари сафарбар қилувчи куч, деб мақтайди.

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи» бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур¹», — дейди. Унинг фикрича,

¹ Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи.1992. – Б. 62.

болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага «Педагогия, яъни бола тарбиясининг фанидир», деб таъриф берди. Табиий бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради.

Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. «Тарбиянинг замони». 2. «Бадан тарбияси». 3. «Фикр тарбияси». 4. «Ахлоқ тарбияси» ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

«Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

«Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур» деб уқтиради Авлоний.

Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб.

Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан – уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлигини уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир»¹.

Абдулла Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. Абдулла Авлоний китобда илм тўғрисида бундай дейди: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилмоқ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур...». Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, «Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур»². Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни

¹ Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи.1992. – Б 17.

² Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи.1992. – Б 34.

пўчоғидан ажратиб олиш керак. У илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. А.Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атайтиди.

Абдулла Авлоний ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-хунар эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан қувувчиларни, уларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланаётганини кўриб, улардан нафратланади. Авлонийнинг халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат берувчи мисраларидан бири куйидагидир:

*Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши-ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни¹.*

Абдулла Авлоний ўз она тилини мукамал билиш, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатиш, миллий адабий тилининг тараққийси учун жонкуярлик қилиш зарур, – дейди. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатурғон ойнаи ҳаёти: тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдур.

Хуллас, Авлоний ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифатни эгаллашимиз керак деган шиорни ўртага ташлайди. Абдулла Авлоний болалар учун талайгина шеърлар ва масаллар ҳам ёзган. Шоир бу асарларида мактаб ёшидаги болаларнинг фикр доирасини кенгайтириш, уларда мактаб ва китобга, меҳнатга, табиатга, Ватанга муҳаббат уйғотишни мақсад қилиб қўйган. Унинг барча шеърлари замирида Ватанни севиш ғояси ётади. Авлоний бу шеърларида халқ ҳаётини маърифий-маданий инқилоб орқали ўзгартиришга интилиб, ўзбек шеърлятида маърифатпарварлик ғояларини олиб кирди. У халқни илмга даъват қилибгина қолмай, ота-боболаримизнинг ўтмишда фан ва маданият равнақиға катта ҳисса қўшиб, мактаб ва мадрасалар бунёд қилганлари, илмий, бадиий ва дидактик адабиёт яратганларига ҳам жамият эътиборини қаратишни лозим деб топди.

Шоир болаликка аталган барча шеърлари мавзуларининг ўзида жиддий ижтимоий муаммоларни қамраб олади, ёш китобхонни илм-маърифатли бўлиш билан бирга энг яхши инсоний фазилатларни эгаллаган, эътиқодли, ватанпарвар, курашчан инсон бўлиш руҳида тарбиялайди. У китобхонни ҳали ёш, бу гапларга ақли етмайди, деб ҳисобламайди, балки у билан ёшлик чоғиданоқ энг жиддий ижтимоий муаммолар хусусида ҳам сўзлашиш мумкин, фақат бу гапларни ёш китобхон тушунадиган, қизиқадиган тарзда айтиш керак, деб ҳисоблайди ва шунга амал қилади.

¹ Авлоний Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ибратлар / Тўпл., нашр. тайёрл., ва сўзбоши муаллифи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва лугатни: О.Тўлабоев тузган. – Т.: Маънавият, 1997. – 272 б. (Истиклол қаҳрамонлари).

SADRIDDIN AYNIYNING “ESDALIKLAR”IDA REAL HAYOT TASVIRI

Annotatsiya: Maqolada Sadridin Ayniyning “Esdaliklar” memuar qissasi tahlil qilingan. O'sha davr real hayotini tasvirlashda yozuvchi uslubi va asarning o'ziga xos xususiyatlari yoritilgan.

Аннотация: В статье анализируются мемуары Садриддина Аини «Воспоминания». Описание реальной жизни того периода отражает стиль писателя и особенности произведения.

Abstract: The article analyzes Sadridin Aini's memoir “Memories”. The description of the real life of that period reflects the style of the writer and the peculiarities of the work.

Kalit so'zlar: Sadridin Ayniy, “Esdaliklar”, memuar asar, yozuvchi uslubi, real hayot tasviri, Buxoro tarixi, amir, sarbozlar.

Ключевые слова: Садриддин Аини, «Воспоминания», мемуары, писательский стиль, образ жизни, история Бухары, эмир, солдаты.

Key words: Sadridin Aini, “Memories”, memoir, writer's style, real life image, history of Bukhara, emir, soldiers

Sadridin Ayniy o'zbek va tojik realistik prozasining yirik namoyondalaridan biri. Bunday ta'rif berishimizga sabab uning asarlaridagi badiiy til uslubining konkretlikka asoslanganligi. Shu asarlar jumlasidan bo'lgan “Esdaliklar” ham realistik ruhda yozilgan. Bu asarda personajlar xarakteri oddiy, barcha uchun tushunarli va mavhum tushunchalardan xoli tasvirlangan.

Esdalik yozish yozuvchidan katta mahorat va qobiliyatni talab qiladi. Sadridin Ayniy o'zining ushbu asari to'g'risida shunday deydi: “Malumki, har bir ishda odamning tajribasi umrining so'ngida takomillashadi hamda voyaga yetadi. Umrin yetmishdan oshib, a'zolarim bo'shashib, ish qobiliyatim kamaya borganidan, o'zimcha muhim k o'ringan bu ishning – esdalik yozish ishining vaqti kelgan, deb o'yladim va fursatni g'animat bilib bu ishni bajarishga kirishdim”¹. Pirovardida adib yetmish yillik xotiralarni jonlantirib, kelajak avlodga nodir meros qoldiradi.

Asar ibtidosi to'y tasviri bilan boshlanadi. Xatna to'yi – millatimizning milliy an'anasi, islom dinining qadrlı odati. Asar davomida yozuvchining o'ziga xos uslubini k o'rishimiz mumkin.

Bu memuar asarda boshqa esdaliklardan farqli ravishda yozuvchining oldingi asarlariga ishora ham mavjud. Masalan, agar boylar paxtakashlarning mehnatlariga yarasha haq bersalar, paxtakashlik yomon kasb emas edi. Ammo ochko'z boylar paxtakashlarga beradigan arzi mas ish haqini ham, turli firib-nayranglar chiqarib yanada ozaytirardilar (men Mahallayi Bolodagi soliq yig'ish tartibini

¹ Sadridin Ayniy. Asarlar. V tom. – T.: Toshkent badiiy adabiyot nashriyoti, 1965. – B.7.

“Qullar” romanining ikkinchi qismida va paxtakashlar bilan qal’achi boylar munosabatini mazkur romanning birinchi qismida tasvir qilganman)¹.

Bunday ishora shuni tasdiqlaydiki, yozuvchining asar qahramonlari real hayotda bo’lgan shaxslardan tashkil topgan. Umuman olganda, Ayniy asarlarida yozuvchining qalb xotiralari askarlardek bo’lib safga tiziladi va o’tmishning o’chmas izlarini gavdalantiradi.

Muallif asarlarining g’oyaviy tuzulishida ham o’xshashlik mavjud. Uning “Odina” qissasida chin yetim bo’lgan bolaning Arbob Kamol tomonidan nohaqlikka uchrashi tasvirlangan bo’lsa, “Esdaliklar” tarkibida esa “Dono malay va Firibgar boy” hikoyasi uchraydi. To’taposhshaning tilidan aytilgan bu hikoyada ham Odina singari bir yetimning taqdiri bayon qilingan. Faqatgina “Odina” qissasidan farqi bu hikoyada malayning donoligi sabab baxtga erishishi yozilgan.

Ayniyning bu mavzularda ijod qilishi davrning talabi edi. Bu hikoya asarda bejiz keltirilmagan. “Esdaliklar” bizga jamiyatdagi muhitni ayblashga emas, balki o’quvchini anglashga chorlaydi. Nohaqlik, ijtimoiy tabaqalaninish, qashshoqlik, jabr-zulm – o’sha davr hayoti boricha aks etgan. Unda Lutfillo G o’ppol, qozi Abdulvohid, Habiba, Mahmud qori, Ergash, Ustaxo’ja kabi turli xarakterga ega bo’lgan personajlarni ko’ramiz. Bu kimsalar zamonaning turli tabaqa vakillari edi. Yozuvchining yutug’i ham aynan shunda. Kengqamrovlik, personajlarning k o’pligi, voqealar tizimining rang-barangligi – bu ijodkor mahoratining g’oyat kuchliligidan darak beradi.

“Esdaliklar”da peyzaj tasviri alohida e’tiborga molik. S.Ayniy Buxoro shahrini o’quvchiga ilk bora tasvirlaganda shunday yozadi: “Shahar ichi qop-qorong’u edi, shahar darvozaboni oldida paxta pilik va zig’ir moyi bilan yonadigan bir pils o’z – jinchiroq xira yoruq ham, undan nariroqda u ham yoq edi. Buxoro hovlilarining k o’cha tomonida deraza va darchalari b o’lmaganidan k o’chaga yorug’ tushmasdi. Ikki-uch qavat binolar bilan ikki tomoni o’ralgan torgina k o’chalar, odamga g o’r ichini eslatardi². Ayniy shahar haqida so’zlar ekan, uni zulmatga o’xshatadi. U aslida bu so’zni shaharga nisbatan emas, balki butun buxoroliklarni zulmat ichida yashamoqda, demoqchi bo’ladi. Torlikda, siqqlikda umrguzaronlik qilayotgan xalqni ham shahar bilan birga tasvirlaydi.

Aynan ana shu tasvirning o’zi ham bizga o’sha davrda shahar uylarining qanday qurilishi, k o’chalarning tor va qorong’u b o’lishi haqida xabar bermoqda. Arxitektura masalasi ham bevosita muallif e’tiboriga tushmoqda. Yoki bo’lmasa, u Buxoro madrasalarini pishiq g’ishtdan, ikki qavatli, keng sahnli, baland vamus-tahkam devorga ega, devorlari rang-barang koshinlar bilan bezatilganligini asarning bir necha o’rinlarida aytib o’tadi. Lekin, shunday bo’lsa-da, adib ta’lim bergan shogirdlarining hujralari sovuq, tor, qorong’u bo’lgan. Aynan ana shu hujralarni xususiy mulkga aylantirish masalasi ham asarda tilga olingan.

Ushbu tarixiy-memuar asarda o’sha zamonning kasblari ham mufassal yoritilgan. Tegirmonchilik, duradgorlik, paxtakashlik, qozikalonlik, mardikorlik, ustachilik, chorvachilik, domlachilik, sarbozlik kabi ijtimoiy qatlamning turli tabaqalar hayoti, turmush tarsi, orzu-armonlari o’z aksini topgan. Sarbozlar

¹ Sadridin Ayniy. Asarlar. V tom. –T.: Toshkent badiiy adabiyot nashriyoti, 1965. – B.8.

² Sadridin Ayniy. Asarlar. V tom. –T.: Toshkent badiiy adabiyot nashriyoti, 1965. – B. 118.

haqida t o'xtalib, ularni muntazam askarlar deb ataydi. Ular "Kavkaz otiqlari" deb atalishi va ular boshqa sarbozlardan kiyinishi, oylik maoshi va hayot tarzi-ning yuqoriligi bilan farq qilishini aytadi. O'sha davrda bu guruh sarbozlari amir xavfsizligi uchun mas'ul kishilar b o'lgan. Buxoroda harbiy holat uncha yaxshi bo'lmasa ham, amirning xos askarlari va sarbozlari oliy darajadagi tayyorgarlik- ga ega edi. Amirlikda harbiy salohiyat shulardan iborat bo'lib, tabiiy holki, bun- day tayyorgarlik bilan ham butun boshli Chor Rossiyasiga qarshi kurashishning imkoni topilmasdi.

Sadriddin Ayniyning "Esdaliklar"i shu vaqtgacha yaratilgan ushbu janrdagi asarlardan qahramonlarning va butun boshli hayotning tabiiy va jonli tasviri bi- lan ajralib turadi.

Binobarin, bu asarga berilgan ta'riflarning eng chiroylisi va munosibi shun- day: "Zero, "Esdaliklar" o'zbek nasri tarixida "Boburnoma"dan keyingi tarix- iy-memuar asar sifatida alohida o'rin tutadi¹". Darhaqiqat XIX asr adabiy, ijti- moy, iqtisodiy va albatta, ta'lim sohalariga daxldor mavzular asarda keng qam- rovdan o'z aksini topgan.

Buxoro tarixi borasidagi salmoqli ma'lumotlarni o'zida jamlagan "Estaliklar" asari jahonning k o'plab tillariga tarjima qilingan vaallaqachon o'z o'quvchila- rini topib ulguragan.

Норова НАСИБА,
Бухоро давлат университети
таянч докторанти (Ўзбекистон)

УСМОН ҚЎЧҚОР ҲАЗАЛЛАРИДА АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК

Аннотация: Мақолада ўзбек шеърятининг йирик вакилларида бири Усмон Қўчқор лирикасида халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиётнинг таъсири, шоир асарларида қўлланилган анъанавий жанрларнинг замонавий шеърятимиздаги ўрни, маҳорати тадқиқ этилган ва мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье на основе примеров приведены анализы влияния народ- ного творчества и классической литературы на лирику Усмана Кучкара, место тра- диционного жанра в произведениях поэта и его мастерство в современной поэзии.

Abstract: Based on examples, the article analyzes the influence of folk art and classical literature on the lyrics of Usman Kuchkar, the place of the traditional genre in the poet's works and his skill in modern poetry.

Калит сўзлар: шеърят, жанр, мумтоз адабиёт, халқ оғзаки ижоди, анъана, ян- гилик, маҳорат.

Ключевые слова: поэзия, жанры, классическая литература, народное творче- ство, традиция, новость, мастерство.

Key words: poetry, genres, classical literature, folk art, tradition, news, skill.

¹ Sharipova L. "Esdaliklar"da Buxoro va buxoroliklar tasviri // "Sadriddin Ayniy va o'zbek nasri taraqqiyoti" nomli respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari t o'plami. – 2018-yil, 26-27-aprel. – Buxoro, 2018. – 145-146 b.

Ўзбек шеърлятида шоирларнинг жанрлар ва поэтик шакллардан фойдаланишдаги ижодий индивидуаллиги мумтоз асарларга бўлган муҳаббат ва муносабатнинг таъсиридир. Бу таъсир шоир ва ёзувчиларнинг адабиётга бўлган муносабати, дунёқараши, фикрлаши, ўзига хос услуби, бадий матн – шеърнинг дунёга келишида муҳим роль ўйнайди.

Шеърлятда давр қахрамонлари сиймосини яратиш, ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида фикр билдириш, мозийга назар солиш шоирнинг индивидуал маҳорати билан боғлиқ. Бу маҳорат замонавий ўзбек адабиётининг етакчи вакиллариан бири Усмон Қўчқор ижодида ҳам анъана ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда кўзга ташланади.

Ўзбек адабиёти эскирмаган, замон синовидан ўтган, барҳаёт илғор анъаналарга суянади. Адабий анъана ҳамма вақт новаторликка чорлайди. Бинобарин, анъана ва новаторлик орасида мантиқий алоқа бор. Уларни бир-биридан ажратиш ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Биз учун анъана ҳисобланган кўп ғоя ва майллар ўз вақтида янгилик саналган ва шу асосда мукамал асарлар яратилган.

Бу борада адабиётшунос М. Юнусовнинг¹ тадқиқотлари катта илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларда анъана ва новаторлик масаласи чуқур таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда ушбу йўналишда изланишлар олиб бораётган бир қанча олимларнинг мақола ва монографиялари ҳам яратилганлигини кўрсатиб ўтиш лозим².

Шу билан бирга устоз профессор Т. Қораевнинг таъкидлашича, “Замонавий ўзбек адабиётининг вакиллари мумтоз поэтик шаклларга турли даврларда турлича муносабатда бўлиб, улардан ўз ижодхоналарида ҳар хил тажрибалар қабул қилган бўлсалар ҳам, аммо бу уринишлар, бу соҳадаги индивидуаллик ва новаторлик хусусиятлари ҳали адабиётшунослигимизда етарлича ўрганилган ва умумлаштирилган эмас”³.

Олим замонавий ўзбек шоирларининг мумтоз поэтик шаклларга муносабати масаласида адабиётимизда икки хил тамойил ҳукмронлик қилиб келаётганлиги, уларнинг биринчисида шоир қадимий поэтик шакл саналган маснавий, мухаммас, мусаддас, мусамман, мусаббаъ ва бошқаларни ўтмиш адабиётимизда қандай шаклда бўлса, ўшандай ҳолда қабул қилиши ва шу асосда ижод этиши, бу шеърлятда кенг тарқалган анъанавий йўл саналишини таъкидлайди.

Новаторлик деб аталувчи иккинчи йўлдан боровчи шоирлар учун шакли, аввалдан мавжуд қолиплар тор маънода қабул қилинса ҳам, аммо улар асос эмаслигини, новатор шоирлар қадимги поэтик қурулмаларни замон руҳига мослаштиришни, тўғрироғи, ананавий поэтик тизмлар асосида янги шеърй шакллар яратишини ёзади. Анъана ва ворисийликка бўлган муносабатни шоир Усмон Қўчқор лирикасида ҳам учратишимиз мумкин. Шоирнинг “Ўлиш” радибли ғазалига эътибор қаратайлик:

¹ Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент, 1965.

² Қаранг: Соатова Н. Бадиий адабиётда анъана ва новаторлик. Межнудародная тюркская академия. Материалы III Форума гуманитарных наук. Астана: 2018. – Б. 227-232.

³ Қораев Т. Танланган асарлар. (Пжилд) – Тошкент: Наврўз, 2019. – Б. 225.

Ва-тан ҳас-ра- ти не ҳас-рат, жи-гар-лар лах-та қон ўл-миш.¹

V - - - / V - - - / V - - - / V - - - /

Бу қон го-ҳи а-ён ўл-миш, бағ-ри -да гоҳ ни-ҳон ўл-миш.

V - - - / V - - - / V - - - / V - - - /

Ғазал анъанавий тўққиз байтдан иборат бўлиб, арузнинг ҳазаж баҳри (ҳазажи мусаммани солим)да ёзилган. Воқеабанд ғазаллар сирасига киради. Чунки ҳамма байтлари бир мавзунини ёритишга, бир ғоявий мазмунни илгари суришга қаратилган. Ғазал қон, ниҳон, макон, сомон, жавон, замон, камон, беимон, ёмон, аён тарзда қофияланган.

Юқоридаги мисралар бевосита Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубоийларини ёдга солади. Ватандан йироқда яшаш ҳасрати, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон тўкилган кўз ёш, маънан эзилган кўнгил, буларнинг бари Ватан ҳажри. Демак, бу ўринда, нафақат, шакл ва жанр анъанаси, балки мавзу ва ғоя борасида ҳам мумтоз бадииятга муурожаат қилинганини кўринади.

Муҳожирлар то ўлгунча анинг ҳажрида қон тўкмиш,

Онадек воҳид эрмиш ул, қиёси йўқ макон ўлмиш.

Муҳожир сўзи Ватани бўлмаган кишига нисбатан ишлатилади. Улар ўлгунча ватан соғинчи билан яшайди. Аслида ҳажр, айрилиқ ёрдан айро кўнгилларга нисбатан қўлланилади. Бироқ Ватан соғинчи, Ватан ҳажри ёр васфига етишишдек буюк. Ташбеҳ санъатини қўллаб, шоир юртни онадек яъни воҳид² (ягона, битта) бетакрор, қиёси топилмас гўшага менгзайди.

Ватан қўлдан кетар бўлса, заминни зилзила тутмиш,

Шаҳидлар тик туриб гўрдан, қиёмат бир замон ўлмиш.

Ҳамидуллоҳ Беруний шаҳид ва шаҳидлик нима деган саволга қуйидагича жавоб беради: “Ватан учун бўлган жангу жадалларда, душман билан бўлган урушда, оллоҳнинг калимасини олий қилиш учун ўлганларга нисбатан қўлланилади...”³. Шу ватан, унинг тинчлиги, озодлиги, маърифати, дини, илми, эрки деб қон тўккан шаҳидлар сиймосида Жалолоддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Дукчи Эшон, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларни ёдга олади. Қолаверса, халқ оғзаки ижодига хос “Гўрда тик турмоқ” ибораси ғазалнинг бадииятини оширишга ва таъкидни кучайтиришга хизмат қилган.

Фалакда бир чақин эрмиш, ажойиб кун яқин эрмиш,

Ғофил Усмон тушида шундайин ҳикмат аён ўлмиш.

Ҳали мустақиллик қўлга киритилмасдан илгари ёзилган “Ажойиб кун

¹ Қўчқоров У. Оғир қарвон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 8-9

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти. 2008. – 470-б.

³ Ҳамидуллоҳ Беруний. Шаҳид ва шаҳидлик. <https://ahlisunna.uz>

яқин эрмиш” мисралари озодликка, истиқлолга шоирона башорат бўлган бўлса ажаб эмас. Ушбу ғазални ўқир эканмиз, шоирни динни, тасаввуфни, “Қуръон”ни яхши билишини, мисралардаги бадиият орқали сезишимиз мумкин. Ўзини ғофил дейиши эса, шўро даврида исломдан, муқаддас манбаларда айрилганимиз маънавиятимиз, миллийлигимизнинг оёқ ости қилинганлиги ғофил Усмон бирикмаси орқали очиб берилади.

Шоирнинг “Дунё”, “Дебон”, “Куйди” каби ғазаллари ҳам шаклий ва жанрий анъаналарни муносиб давом эттирилгани билан таҳсинга сазовордир. Шоир барча ғазалларида таҳаллус қўллайди, бу ҳам ўзига хос анъаналарни давом эттираётганидан далолат беради. Шоир мумтоз шеъриятимиздаги шакл ва жанрлардан таъсирланган ҳолда ғазалчилик анъаналарини давом эттириб, лирикасида шу жанрнинг ажойиб намуналарини яратди.

Жаҳон адабиётида ва миллий адабиётда узоқ йиллар давомида шаклланган ижодий-эстетик анъаналар, қонуниятларидан озикланган ҳолда, янгиланиш жараёни шаклий, жанрий ўзгаришларни бошдан кечирган замонавий ўзбек адабиётда ҳам ўзига хос новаторликлар юзага келди. Чиндан ҳам Усмон Қўчқор ижодида анъанавий реализм билан модернистик йўналиш поэтик тасвир майдонида бир-бирини тўлдириб туради.

Райхонова МУХАЙЁ,
Қарши давлат университети
Адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ

Аннотация: Мазкур мақола Абдулла Орипов ижодининг бадиийлик мезонлари, унинг адабиётимиздаги ўзига хос шеъриятини таҳлил этади. Абдулла Ориповнинг индивидуал услуби, у яратган образлар тизими одам ва оламга дахлдор, бир иқтидорли шоирнинг бошидан кечган воқеликни, қалбидаги нозик инсоний туйғуларини ўзига хос услубда ифода қилиш жараёни акс этган. Шоирнинг ҳозирги давр ўзбек шеъриятида инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетакрор куйлаганлиги шарҳланган.

Annotation: This article analyzes the artistic criteria of Abdulla Aripov's work and his unique poetry in our literature. Abdulla Aripov's individual style, the system of images he created, reflected the process of expressing the reality of a talented poet, the subtle human feelings in his heart, in a unique style that concerns man and the world. It is commented that the poet sang in modern Uzbek poetry the complexity, contradictions, injustices, justice, depravity of the human heart in a deep and truthful, especially unique way.

Аннотация: В статье анализируются художественные критерии творчества Абдуллы Арипова и его уникальная поэзия в нашей литературе. Индивидуальный стиль Абдуллы Арипова, созданная им система образов отразили процесс выражения реальности талантливого поэта, тонких человеческих чувств в его сердце уникальным образом, касающимся человека и мира. Комментируется, что поэт вос-

пел в современной узбекской поэзии сложность, противоречия, несправедливость, справедливость, порочность человеческого сердца глубоко и правдиво, особенно уникальным образом.

Калит сўзлар: Глобал, мезон, ўлчов, кечинма, ижод, поэтик тафаккур, миллийлик руҳи, бадий-эстетик пафос.

Keywords: Global, criteria, measurement, experience, creativity, poetic thinking, national spirit, artistic and aesthetic pathos.

Ключевые слова: Глобальность, критерии, измерение, опыт, творчество, поэтическое мышление, национальный дух, художественно-эстетический пафос.

Абдулла Орипов инсон руҳияти билан ижтимоий воқеликни ўзаро боғлиқ бадий талқин этган ижодкорлардан биридир. У шеърларида халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари ва поэтик тасвир усулларида унумли фойдаланган. Ана шу ҳолат унинг шеърлятида халқ оҳанглари ва миллий руҳиятнинг уйғун тарзда намоён бўлишига олиб келган. Шу маънода шоир шеърларида олам ва одам муносабатларининг янги модели, янги концепсиясини илгари сурди. Аслида, Абдулла Орипов шеърлятидаги ўзига хослик ҳам, унинг назмимизга киритган янгилиги ҳам шунда кўринади:

*Ҳа, инсон умрининг кечмиши ажаб,
Гоҳ тўнғар, гоҳо у яшнар қулф уриб...
О, балки қайси бир фидойи сабаб,
Юрибсан сен ҳаёт нашъасин суриб. (2-жилд. 25 бет)*

У ҳозирги давр ўзбек шеърлятида инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетақрор куйлаган ижодкордир.

*Инсон! Сенинг учун ҳақиқат-қуёш,
Ўзингни тириклик шоҳи санайсан.
Афсуски, бошинг ҳам, кўзларингда ёш,
Қачон қуёшингга сен тик қарайсан?(2-жилд. 80-бет)*

Абдулла Орипов ўзбек адабиётида янгича бадий тафаккур йўсинларини олиб кирди. Бирга шаклланиб, вояга етган Ўзбекистоннинг шоир ва ёзувчилари авлоди Абдулла Орипов асарларининг кучли таъсири остида ўсди. Бу таъсир ўзбек адабиётига кириб келаётган ҳар бир янги бўғин вакиллари ижодида яққол сезилди.

Абдулла Ориповнинг ижоди таг-томиригача миллийлик руҳи билан суғорилган. Бу миллийлик маҳдудлик, биқиқлик, фақат ўзинигина ўйлаб, ўзгаларни менсимаслик ёхуд ҳақорат қилиш асосига қурилган эмас. Бу миллийлик замирида ўзбекона бағри кенглик, тантилик, олижаноблик ва инсониятнинг бахт-саодатига, меҳр-муруватига бўлган куюнчаклик ҳиссининг уйғунлиги ётади. Шоир бир мисрасида инсониятни улуғлаб:

*Сен-ку, ёвқур Инсон, соғ ва саломат,
Тоғларни йиқади пурккан нафасинг(2-жилд. 61-бет),*

– дейди, ёки яна бир сатрида, инсон бу дунёнинг ташвишу заҳматларини елкасига ортиб, қийинчиликлардан нолимасдан яшаб келаётгани тўғрисида шундай ёзади:

*– Ҳа, нону туз билан тирикдир инсон,
Эркинлик, истиқлол менинг ҳам жоним (2-жилд. 28-бет).*

Халқ донишмандлиги донолигининг шеърӣ мисралар қатига маҳорат билан сингдирилиши ҳам халқона поэтик тафаккур тамойилларидан саналади. Абдулла Орипов мутафаккир шоир сифатида халқ қалбини, минг йиллар давомида ўзбек халқи ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, маънавий қолиплашган ҳикматлар, мақоллар, маталлар, ҳикоят ва ривоятларни жуда яхши билади. Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага, халқ қалбининг дилтортар оҳангларига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас ватандошлари ва миллатдошлари кўнгли билан боғлайди. Шоир халқининг истиқболи учун қайғуради; ўзининг ҳаёт йўлини, қисмати “халқ йўлига туташ”ган ҳолда баён этади. Сўнгра ўз она халқига бўлган эҳтиромини шундай ёзади:

*Сени, она халқим, севаман жондан,
Сенинг ташвишингни ташвишим дейман.
Нима қилолардим? Фойдам кам гарчанд,
Бироқ, мен ўзимча ғамингни ейман(2-жилд. 64-бет).*

Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқӣ фазилатларини ўз ташвишидек бадий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладики, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади. Ортиқча сўзамоллик, ноўрин ғийбату машмашалар унга ортиқча.

*Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,
Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.
Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,
Қайдадир бир ниҳол экдингми, Инсон (2-жилд, 268-бет).*

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, “эртанинг ташвиши” – шоирнинг бош ташвишидир. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. Халқимиз томонидан қурилган бетакрор обидалардан, яратилган асарлар ва умуман барча маънавий-моддий қадриятлардан баҳраманд бўлиш осон иш. Тайёр ошни ҳамма ейди. Шоир айтмоқчи, дейлик қачонлардир аждодлар томонидан экилган ва

етилган чинор соясида ҳузурланиб ўтириш, боринги, бировга гап ўргатиш, бошқача айтганда, эртақлар сўйлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Бироқ келажак учун, келажакдаги шу улкан йўлдан ўтадиган йўловчилар ташвишини чекиб, эрта бир кун баҳайбат чинор бўлиб етишишини ўйлаган ҳолда “бир ниҳол экдингми”, деган бағоят ўринли ва ҳамма замонлар учун муҳим бир саволни қўяди. Инсон ўйлайди. Зероки, бу тўртликдаги ҳикмат, ҳаётнинг турфа соҳаларига ҳам мос келадиган доно фикр халқ бисотидан олинган.

XX аср ўзбек адабиёти қаҳрамонларининг олами Абдулла Орипов шеърляридаги лирик қаҳрамонлар ҳисобига янада бойиди ва ривож топди. Бу қаҳрамонларда уларни яратган муаллифнинг руҳий-маънавий қиёфаси, тафаккури ва идроки, дунёқараши ва тарбия топган муҳити, орттирган билимлари салмоғи ҳамда ўзига хос алоҳида шахс сифатидаги ўзлиги белгиларининг жамул-жами намоён бўлади.

Бироқ бу Абдулла Орипов шеърляридаги лирик қаҳрамон муаллифнинг ўзидир, деган маънони англамайди. Бу қаҳрамонлар шоир ҳаётда кўрган, билган, эшитган, идеалда кўришни истаган кишиларнинг ўз тафаккури ва қалби орқали ўтган инъикосидир. Шу боис шоир асарлари қаҳрамонларида ҳаётий реаллик билан бир қаторда муаллифнинг ўзи ва идеалидан ўтган сифатлар оз эмас. Айни вақтда, лирик қаҳрамон моҳият эътибори билан, асосан шоирнинг ўзидан иборат бўлган шеърлар ҳам талайгина. Бундай ҳолларда ҳаётда кўпчилиқка хос бўлган ҳис, туйғу, фикр, қараш, хусусият ва бошқалар шоир сиймосида уйғунлашади:

*Азизим, пайт келди, қўнглим ёраман,
Инсонман, сен ҳорсанг, мен ҳам ҳораман.
Отинг қамчилама ўзғирман дея,
Сен борган у жойга мен ҳам бораман(2-жилд, 48-бет).*

“Бадий асар бизнинг кўз олдимизга руҳ ва эрkning олий манфаатларини намоён этиши зарур”¹. Ҳозирги ўзбек адабиётининг улкан намоёндаси Абдулла Ориповнинг бой ижодий мероси ўзининг теран мазмундорлиги, ниҳоятда серқирралиги билан ажралиб туради. Шоир шеърлярида инсон бу дунёнинг гултожи эканлиги куйланади. Унинг “Умр” деб номланган шеърда инсон қадри ҳақида сўз боради:

*Инсон туғилади асли белибос,
Бир парча эт бўлиб келар жаҳонга,
Либосу ҳашамдан бўлгай у халос,
Кетар чоғида ҳам сўнги маконга.
Лекин ўртадаги умрчи-умр...
Ўчмас тамға бўлибқолгай то абад.
Балки ёғар унга раҳмат деган нур,
Балки қўмар уни маломат, нафрат (2-жилд, 120-бет).*

¹ Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Т.ХII. – М., 1938. – С.286.

Абдулла Орипов илк изланишлариданоқ халқ қалбидан ўрин олди, халқимиз назарига тушди; миллий руҳ хусусиятларини, ўзбек халқи дилидаги орзу-армонларни бадиий тасвирлаб, инсон руҳиятини жами мураккабликлари билан ифодалаш йўлидан борди. Абдулла Орипов шеърларида шахс ва жамият руҳияти, олам ва одам ғам-ташвишлари, орзу-умидлари, бахт-саодати куйланади. Шу боисдан ҳам шоир асарларида эзгулик, адолат, гўзаллик сингари умуминсоний қадриятлар талқини асосий ўрин тутди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек шеъриятида фалсафийлик устуворлик қилади. Абдулла Орипов ижоди орқали ўқувчи қалби тарбияланади. Инсон қалби ва унинг инжа туйғулари шоир ижоди орқали камол топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.62.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.62.
3. Островский А. Русские писатели о литературном труде. – Л., 1954. – С.558.
4. Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Т.ХII. – М., 1938. – С.286.
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.168.

Рахматова НИГОРА,

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани
208-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Аннотация: Мақолада Эркин Воҳидовнинг адабиётшунослик фаолияти ўрганилган.

Аннотация: В статье исследуется деятельность Эркина Вохидова в литературоведении.

Abstract: The article examines the activities of Erkin Vokhidov in literary criticism.

Калит сўзлар: адабиётшунослик, адабий танқид, Эркин Воҳидов, мақола, бадиий маҳорат, ижод.

Ключевые слова: литературоведение, литературная критика, Эркин Вохилов, статья, художественное мастерство, творчество.

Key words: literary criticism, literary criticism, Erkin Vokhidov, article, artistic skill, creativity.

Ҳар бир адиб маълум даражада адабиётшунос ҳамдир. Чунки туғма истеъдод соҳиби бўлган ёзувчилар ҳам ўтмиш ва бугунги кун адиблари ижодини билмаса, уларни мушоҳада этиб ўрганмаса, етук адиб бўлиб етишолмайди. Фақат улар бутун ижодий фаолиятларини адабиётни тадқиқ

этишга эмас, уни оригинал тарзда яратишга бағишлаганликлари учун ҳам адабиётшуносликка даъво қилмайдилар.

Халқимизнинг атоқли ва севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ҳам забардаст адиб бўлиш билан бирга адабиётшунос эди. Гап унинг университетнинг филология факультетини битирганида ёки филология фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлаганида эмас, илмий-адабий тафаккурини бутун умри ва ижоди давомида ёрқин намоён эта олганидир.

“Мен адабиётдаги ҳар қандай изланишни қўллаб-қувватлайман – деган эди атоқли шоир бир суҳбатида. – Аммо шарқ мумтоз шеъриятидан узоқлашиб кетаётганимиз мени жуда ташвишга солади. Чунки мен ёшликдан классик адабиёт руҳида тарбияланганман”¹. Шундан кейин шоир ўзининг илк шеърларида ҳам рубоийнавислик, байтнавислик таъсири борлигини эътироф этади. Дарҳақиқат, оддийгина туюлган камтарлик ҳақидаги шеърини олайлик:

*Гарчи шунча мағрур бўлса ҳам, Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун, Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёланинг шунинг-чун инсон Ўпар доим пешонасидан.*

Биз атайлаб мана шу саккиз қаторли шеър шаклини тўрт қаторда – маснавий тарзида келтирдик. Шоирнинг ушбу шеъридаги кичик шеърый жанрга, аниқроғи, рубоийга хос образ топиши ва ундан маъно чиқариши, бу, сизга Хайём ёки Бедил рубоийларини эслатмайдими? Бунга бошқа бир адабиётшунос эмас, Эркин Воҳидовнинг ўзи бундан ўттиз уч йил аввалги (1983 й.) суҳбатида ишора қилганлиги, албатта, биз учун қадрлидир.

Эркин Воҳидов ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб “Гулистон” журналида, “Ўзбекистон маданияти” газетасида пайдо бўлган “Бир ғазал шарҳи” рукни остида Алишер Навоийнинг бир нечта ғазалларини шарҳлаб берди. Кейинчалик бу анъанани адабиётшунос И. Ҳаққулов давом эттирди. Иброҳим Ҳаққуловнинг 1989 йилда нашр этилган “Занжирбанд шер қошида” китобига ёзган сўзбошисида Э. Воҳидов айрим ёшларнинг илм-фан тараққий этган, инсоният олдида оламшумул муаммолар турган ҳозирги замонда Навоийнинг ошиқона байтлари, панду насихатлари бизга керакмикан, деган саволига жавобан шундай дейди: “Дарҳақиқат, илмимиз, техникамизни беш юз йил аввалги ҳолат билан сира қиёслаб бўлмайди. Лекин шеърый маданиятимиз, санъатимиз ҳам ўша даврга нисбатан шу қадар ривожланди, олдинга кетди, десак тўғри бўлармикан?... Алишер Навоий ижодини баланд тоғ деб тасаввур қиладиган бўлсак, бу тоғ бизнинг ортимизда эмас, ҳаммиша қаршимизда, биз интиладиган, чўққиларига ҳавас билан қарайдиган, у сари юксалишни орзу қиладиган тоғ”².

¹ Эркин Воҳидов. Изтироб. – Тошкент, 1992 йил. – Б. 139.

² Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989. – Б. 6.

Шу кичик муқаддимада ҳам шоир ёшларни чуқур билимга даъват этиб, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган бир нечта байтни шарҳлаб беради, масалан:

*“Фалак мушкили ҳал фикратидин,
Фалакка мушкил онинг диққатидин.*

Яъни: ёш Фарҳоднинг фикри фалак илми (астрономия) мушкуллари-ни ҳал қилди. Унинг диққат билан тикилган кўзларидан фалак сирларини яширолмай, мушкул аҳволга тушди.

*Қуёш янглиғ ёруғ райи мунири,
Вале андин ёруғ мофизамири.*

Ёш Фарҳоднинг равшан фикри қуёш каби ёруғ, лекин кўнглидаги рав-шанлик ундан ҳам ортиқ¹.

Албатта, бундай шарҳ ўша пайтдаги мактаб ўқувчисига Навоийни, унинг асарлари тилини тушуниш учун жуда зарур эди. Бу каби шарҳларда, адабий суҳбатларда, тақризлар ёки бирор муносабат билан ёзилган мақо-лаларда биз Эркин Воҳидовнинг адабиётшунос сифатида бағоят нозик-таъб ва билимдон эканлигини кўраемиз.

Ижод масъулияти, шоирлик даъвоси улуғлигини Эркин Воҳидов ҳар доим таъкидлаб келган. Бўлар-бўлмас сатрлар ёзиб, уларни шеър дея эълон қилувчиларга нисбатан муросасиз эди. Яна шоир билан суҳбатдан бир парча келтирамиз:

“Агар ҳар бир сўзи халқнинг, даврнинг нидоси бўлса, у шоир – бахтли. Унинг номини биров билмаса ҳам, бир байтини эл билса, бу яхши гап. Ада-биёт тарихида айтилган шундай байтлар борки, уларни ким ёзганлиги но-маълум. Мана, бир форсий қитъа:

*Дар шеър се кас пайамбаронанд,
Гарчанд “ло набцул баъди”.
Авсофу қасидаву ғазалро
Фирдавсию Анварию Саъдий.*

Яъни Қуръонда Муҳаммаддан кейин бошқа пайғамбар бўлмайди, де-йилган бўлса-да, шеърда уч киши пайғамбардирлар: васфда – Фирдавсий, қасидада – Анварий, ғазалда Саъдий.

Шу байтни айтган шоирнинг номи маълуммас. Бизда шундай шоирлар борки, номини ҳамма билади-ю, чинакам бир сатрини кимса билмайди. Бундан кўра номи ўчиб кетса ҳам бир байти эл орасида қолса аълодир².

Мана шу икки оғиз гапидан Эркин Воҳидовнинг форс тилини яхши би-лиши ва форсий шеърни яхши таҳлил қила олишини, шунингдек, адабиёт

¹ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989. – Б. 7.

² Воҳидов Э. Изтироб. – Тошкент, 1992. – Б.141.

масаласида ҳукм чиқаришда дадиллигини яққол кўрамиз. Унинг Бедил ва Ҳофиз шеърятидан қилган муваффақиятли таржималари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эркин Воҳидов 60-йиллардаги янги ўзбек шеърятисида замонавий ғазалнавис шоир сифатида ном қозонди. Тўғри, адабиётшунослар унинг ғазаллари арузнинг вазн қонуниятлари (рукн, баҳр, ҳижо) га тўғри келмаслиги ҳақида йиллаб баҳс юритишди. Аммо шоир ғазал ёзишдан тўхтамади, унинг замонавий шаклдаги, аниқроғи, бармоқ вазнидаги ғазаллари халқ орасида машҳур бўлиб бораверди, кўшиқ этиб куйланди. Чунки, шоир адабиётшунос сифатида ҳам ўз-ўзига баҳо бера олар, бугунги кун шеърятисини қандай олдинга олиб чиқиш мумкинлигини билар эди. Мумтоз адабиётдан узоқлашиб кетган шеърхонни унга яқинлаштириш учун ҳам шоир шу йўсинда ижод этган бўлиши мумкин. Бу ҳақда профессор Умарали Норматов ёзади: “Гап шундаки, адабиётда вульгар социологизм балоси ҳукмрон бўлган кезлари ҳаммаёқни ижтимоий-сиёсий мавзудаги тумтароқ шеърлар босиб кетган, севги, шахсий-интим кечинмалар шеърятдан бадарға қилинган эди. 60-йилларга келиб аҳвол ўзгара бошлади, анъанавий севги тароналари учун қисман йўл очилди. Шуниси характерлики, поэзиямизда севги мотивларининг қайта ҳаёти анъанавий шакл, айниқса, ғазалнинг жонланишига олиб келди. “Ёшлик” девони шу жараённинг энг жиддий ҳодисаси, шоирнинг улкан ижодий жасоратидир. Шоир Абдулла Орипов ёзганидай, “Мумтоз адабиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади, дея каромат қилишаётганда ёш авлод орасида биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди”. Кўҳна аруз вазнини янги замон шеъри услубига, оҳангига яқинлаштириш учун уринган Чўлпон, Ғафур Ғулом, Усмон Носирлар анъанасини юқори босқичга кўтарди. Эркин Воҳидов ғазаллари шоирнинг ўз арузи, ўз ғазали шаклига айлангани учун ҳам миллий адабиётимиз, шеърятимиз ривожидан ҳодиса бўлди.

Эркин Воҳидов ватанпарвар, халқпарвар, ноёб истеъдодли ўзбек шоири сифатида бир умр Навоийга ҳавас қилиб, унинг ижодидан ўрганиб, Навоий шеърятисини тарғиб қилиб яшади. Забардаст шоиримизни қуёш сари бўй чўзган тоққа қиёслаш мумкин. Тоғлар ҳам қуёш каби мангу туради. Бизнинг вазифамиз эса адабиётимизнинг қуёшу ою юлдузлари, тоғларию чинорлари бўлган барҳаёт сиймолари ижодини ўрганишдан, уларга юксак эҳтиром кўрсатишдан иборатдир.

“TAZARRU BOG'LARI” SHE'RIY TURKUMIDA TABIAT TASVIRI VA LIRIK QAHRAMON RUHIYATI IFODASI

Annotatsiya: Maqolada Usmon Azimning “Tazarru bog'lari” she'riy turkumida tabiat tasviri va lirik qahramon ruhiyatining ifoda etilishi masalasi o'rganilgan.

Annatation: The article examines the image of nature and the expression of the spirit of the lyrical hero in the series of poems “Tazarru bog'lari” by Usmon Azim.

Аннотация: В статье исследуется образ природы и выражение духа лирического героя в серии стихотворений Усмона Азима «Тазарру боғлари».

Калит сўз: she'r, lirika, peyzaj, Usmon Azimning “Tazarru bog'lari” she'riy turkumi, lirik qahramon, tabiat tasviri, ruhiyat talqini.

Key words: poetry, lyrics, paysage, a series of poems “Тазарру боғлари” by Usman Azim, lyrical hero, image of nature, interpretation of the psyche.

Ключевые слова: стихи, тексты песен, пейзаж, цикл стихов Османа Азима «Тазарру боғлари», лирический герой, образ природы, интерпретация психологии.

Shoirning mehr-muhabbati, kechinmalari, o'y-xayollari, dunyoqarashi – barcha-barchasi u yaratgan she'rida namoyon bo'ladi. Faqat kuchli ruhiyat, intellekt egalarigina, bugungi zamonaviy adabiyotimiz talablariga mos, kuchli, hammaga birdek manzur asarlar yarata oladi.

Zamonaviy o'zbek she'riyati haqida so'z borganda, Usmon Azim, Mirza Kenjabek, Sirojiddin Sayyid, Iqbol Mirzo kabilar ko'z o'ngimizda gavdalanadi. Ular she'riyatining o'ziga xosligi, so'z qo'llash mahoratida, borliqni qog'ozda jonlantira olishida namoyon bo'ladi. Zamonaviy o'zbek she'riyatida, ayniqsa, Usmon Azim ijodi alohida ajralib turadi.

Tabiatga murojaat, tabiat tasviri bilan bog'liq masalalar deyarli barcha ijodkorlar ijodida uchraydi. Biroq har qaysi ijodkorning o'ziga xosligi uning tabiatdan olgan taassuroti va borliqning go'zalligini rangin tasvirlar bilan aks ettirishida namoyon bo'ladi. Usmon Azimning “Tazarru bog'lari” she'riy turkumi ham aynan tabiat tasviri bilan bog'liqdir. Ushbu turkumdagi she'rlar bir qarashda tabiat tasviri bilan bog'liq ko'rinsa-da, aslida shoir tuyg'ulari, ruhiyatining lirik qahramonga ko'chirilgan ifodasidir.

“Tazarru bog'lari” she'riy turkumi “Qishki bog'”, “Bahorgi bog'”, “Yozgi bog'”, “Kuzgi bog'(I,II,III)” kabi qismlardan tarkib topgan bo'lib, har birida lirik qahramonning tuyg'ulari, ruhiy kechinmalari yoritib berilgan. “Qishki bog'” turkumida keltirilgan quyidagi parchaga e'tibor qarataylik:

*...Bu qish sensiz yo'qman naqadar!
Nomukammal – chizgi yurakman.
Sog'inch to'la ruhimga qadar
Qorlar tushar olov falakdan...¹*

¹ Азим У. Тазарру боғлари. / Сайланма. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1995. – В.354.

Ushbu parchadan ko‘rinib turibdiki, lirik qahramon qalbini sog‘inch o‘rtamoqda. Hatto usiz (aksariyat hollarda yorsiz) o‘zini “nomukammal – chizgi yurak” dekh qilmoqda. “Chizgi yurak” sifatlashiga e‘tibor qarataylik. Ushbu ifoda soxta, jon-siz yurak ma‘nolarini ifodalaydi. Demak, sh”rning lirik qahramoni qalbini ayriqlik shu darajada o‘rtaganki, o‘zini “shakli bor-u joni yo‘q” yurakni ko‘tarib yurgan-day his qilmoqda. Usiz hayotning, o‘zining nomukammalligini ta’kidlamoqda. Sog‘inch uning ruhiyatini to‘la egallaganligi ayon bo‘ladi.

“Qorlar tushar olov falakdan” ushbu misrada tabiat hodisasiga zid holat tasvirlangan. Hech qachon olovli falakdan, ya‘ni issiq ob-havoda qor yog‘maydi. Ammo shoir qalbidagi sog‘inch olovlangan. Yog‘ayotgan qor ham uni o‘chirilmaydi.

Yuqorida ko‘rganimizdek, tabiat tasviri hamdalirik qahramon qalbidagi kechinmalar ifodasi o‘rtasida uzviy bog‘liqlik va ko‘chimlar mavjud. “Bahorgi bog” turkumida quyidagi satrlar keltirilgan:

*O!.. – Olamdan to‘kildi gunoh!
Oralagan bog‘larga sanmi –
Gullaysanmi shunaqa, Olohd,
Olohd, shunday ko‘karasanmi?
Yomg‘irlaring bir dunyo xitob!
Olam qayta yaraldi – yangi!
Mening qaysi “oh”imga javob
Yig‘laysanmi shunaqa, tangrim?¹*

Ushbu parchada endigina bog‘larga kirib kelgan bahor tasviri keltirilgan. Parchada tangrining mo‘jizalaridan hayratlanish, unga murojaat qilish holati, kayfiyati ustuvor. “Yomg‘irlaring bir dunyo xitob, olam qayta yaraldi – yangi” misralarida yomg‘ir yog‘ishida ham ko‘p hikmat borligi, uning yog‘ishi olamni yangidan yaralishiga sababchi sifatida ko‘rsatiladi. Qolabersa, yomg‘irning yog‘ishini bir xitob sifatida ta’kidlanishi, uning qaysidir bir hikmatdan nishona ekanligini anglatib turadi. Boshqa bir satrlarni kuzataylik:

*Yer yumshadi ona bag‘riday,
Sochil, hayot! –davroning keldi.
O, bahor ham olqish- tangridan-
Ko‘karguvchi zamoning keldi.
Telbalik qil, barq ur, yashildan,
Gulla! – nur-u bo‘yga qorishib².*

Parchada aks etgan tasvirda yerning yumshagani, ya‘ni qorlar erib, yer bag‘riga iliqlik yugurishi ona bag‘riga qiyoslanadi. “Sochil, Hayot!- davroning keldi” misrasida esa ko‘tarinki ruh ustuvor. Shoir bahorni tangrining olqishi, marhamati ekanligini ta’kidlar ekan, uning barq urishi, yashnashi, yashillanishini istaganligini baralla ifoda etadi.

¹ Азим У. Тазарру боғлари. / Сайланма. – Т.: Шарқ НМК, 1995. – Б.361.

² Азим У. Тазарру боғлари. / Сайланма. – Т.: Шарқ НМК, 1995. – Б.362.

Keyingi misralarda ham tabiat hodisalariga betakror tasviriy ifoda vositalar orqali tavsif berilgan.

Quyidagi she'rdan olingan parcha orqali ham ham shoir iste'dodi va mahoratini ilg'ash qiyin emas:

*Mayli, osmon boshimda xira,
Bahorimda chillaning qishi.
Menga muhim chalkashlik ichra
O'z-o'zimni anglamoq ishi¹.*

Shoir ushbu band orqali tuyg'ulari, ruhiyatidagi beqarorlikni yoritib bergan. "Bahorimda chillaning qishi" satlarida aks etgan mazmunga ko'ra, ba'zan bahor ham sovuq kelishi mumkin, ammo ushbu o'rinda bu nazarda tutilmayapti. Balki lirik qahramon o'z xayollaridagi chalkashliklar bilan band. Bahor mehr-muhabbat fasli ekanligini hisobga olgan holda, aytish mumkinki, shoirning lirik qahramonini ayriliq o'ti qiynamoqda.

Tabiat tasviri bilan bog'liq masalalarni yoritishda Usmon Azim turli-tuman usul va tasviriy ifodalardan foydalangan. Shoir ijodida o'zgalarda uchramaydigan original o'xshatish, qiyoslashlarni uchratish mumkin.

Umuman olganda, "Tazarru bog'lari she'riy turkumida shoir Usmon Azim o'ziga xos ifoda va tasviriy usullardan foydalangan holda tabiat va inson munosabatlarining nozik qirralariga daxl qiladi. Bunday o'ziga xosliklar uning lirik qahramon ruhiyatini tabiat va uning tarovati ifodasi bilan uyg'unlikda tasvirlash mahoratida namoyon bo'ladi.

Сафарова ХИЛОЛА
Бухоро давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

САМАНДАР ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИДА ВАТАН МАДҲИ

Аннотация: Мақолада шоир Самандар Воҳидовнинг Ватан мавзуига бағишланган "Дала йўли", "Деҳқон" каби шеърлари таҳлилга тортилган.

Annotation: The article analyzes the poems of the poet Samandar Vahidov on the theme of the homeland, such as «Field Way», «Farmer».

Аннотация: В статье анализируются стихи поэта Самандара Вахидова на тему родины, такие как «Полевой путь», «Дехкан».

Калит сўзлар: Ватан, "Дала йўли", "Деҳқон", шеър, Самандар Воҳидов, "Темурбек авлодлари", "Қуёшсиз кун".

Key words: Homeland, "Field way", "Peasant", poem, Samandar Vohidov, "Generation of Temurbek", "Day without sun".

¹ Азим У. Тазарру боғлари. / Сайланма. – Т.: Шарқ НМК, 1995. – Б.365.

Ключевые слова: Родина, “Полевой путь”, “Крестьянин”, стих, Самандар Вохидов, “Поколение Темуրбека”, “День без солнца”.

Ватан меҳридан айри шеър бўлмайди. Шоир Самандар Воҳидовнинг “Тоғ оқшоми”, “Бир жуфт лочин”, “Тоғ билан суҳбат”, “Мен қишлоқда яшайман”, “Шамоллар манглайн кесмоқда симлар”, “Дарё эди”, “Чўл оралаб оққан дарё”, “Олчазор устида армонда ҳилол”, “Кўпдан йўқотганим – Зарафшонимни”, “Ўзбекистон баҳори”, “Эркак кўз ёши”, “Шаҳарда сўлган лола”, “Темурибек авлодлари”, “Тонг манзараси”, “Қишлоқда қор ёққан кун”, “Шаҳрим, мақталмаган тошинг қолмади”, “Бухорои шарифнинг Тошкенти азимга тўй хати”, “Тоғ йўлларида”, “Чўлда бўрон бошланганда”, “Лабиҳовуз... Чоллар гурунги”, “Қишлоқ аро зилол сув”, “Бу сўлим қишлоқ”, “Қуёшсиз кун”, “Елкангдадир Ватан тақдири”, “Ўзбек тўйи бу”, “Байрам базмидаги ўйлар”, “Тоғ баҳори”, “Шукрона”, “Бугунги Бухоро мухаммаси”, “Дунё оқиб келмоқда”, “Ватан шукронаси”, “Бизни дуо айла, она Бухоро”, “Ҳақ йўлдадир энди бу Ватан” ва яна ўнлаб шеърлари ватанни ранг-баранг жуғрофий нуқталари орқали сувратлантирганлиги билан эътиборни тортади. Бу шеърлар рўйхати беҳудага келтирилмади, уларнинг сарлавҳаларини кўздан кечиринг-чи, нечтасида Ўзбекистон ёки Ватан каби умумлашма сўз учрайди? Асосий кўпчилигининг сарлавҳасида Ватан парчалари ёки атрибутларига урғу қилинган.

Шоирнинг “Қишлоқда қор ёққан кун”, “Дала йўли”, “Қишлоқ аро зилол сув”, “Бу сўлим қишлоқ”, “Оқтерак ҳикояси”, “Қўта бобо чорбоғи”, “Дехқон” каби шеърларида қишлоқларга хос ёрқин манзаралар чизилса “Шаҳарда сўлган лола”, “Шаҳрим, мақталмаган тошинг қолмади”, “Сабаб”, “Бухоронинг оналари”, “Ҳожи Муҳаммад Рафиқ армони”, “Бухорои шарифнинг Тошкенти Азимга тўйхати”, “Лаби ҳовуз... Чоллар гурунги” ва яна ўнлаб шеърларида шаҳар ва шаҳарликлар турмуши манзаралари жонлантирилган. Инчунин, “Дала йўли” ихчамгина шеър бўлиб, манзара ва ҳолат уйғунлигидан иборат. Унга қўшиқларга хос енгил ва равон оҳанг устивор. Бу дастлабки сатрдаёқ “хур-хур шамол, хур-хур шамол” ибораси такрори ва кейинги сатрда унинг “хур қизларнинг нафаси”га мувозий келтирилиши натижасида руҳий ҳолатнинг жонлантирилиши ва сояси сувда ўйнаётган тол бошидаги яшил рўмол” манзараси омухталиги асосида юзага келтирилган. Аслида дала йўлининг ўзи йўқ, у исталган эгатлар ёки челлардан иборат бўлиши мумкин. Мана эгатлар оралиғидан ўтадиган ўша йўл манзараси:

*Эгатларда саф-саф ғўза,
Тақинчоғи – гул, қўсақ.
Ҳар баргида ёғду сизар,
Ҳар барг – нурга беланчак.*

Одатда йўл ҳаракат майдони бўлгани боис – у эгат бўлганида ҳам, чел ёки марза бўлганида ҳам улардаги ҳамма нарса муттасил ҳаракатда

бўлиши табиий. Шунданмикин, ким улардан юрса борми – ўша йўлдагилар ҳам унга қўшилиб юради, чопса-чопади, турса-туради:

*Йўлдан боқсанг, қатор туплар
Болалардай чопағон.
Югуради хув, челдаги
Деҳқон отаси томон.*

Шоир шундай хулоса билан шеърни тугатаркан, деҳқонга бориб, боғланадиган бу йўл – Ватан бойлигини яратиш йўли эканлигига ишора қилади. Шу тариқа деҳқон сиймосида қишлоқ унинг шеърларида ватан манзараларига айлана боради. Деҳқон эса тупроқ билан туташади, ҳа, аслида-ку у тупроқдан яралган, янаям анироғи, қуёш уни ўз оловида тобламоқчи бўлгану, лекин жўравозлик қила олмай, “шу тупроқдан юзини тоблаган.” Шундан бери бу деҳқон

*Яшолмайди тупроқдан айру,
Жон риштаси тупроққа боғлиқ.
Тупроқдан у излайди ёғду,
Орзуси ҳам тупроқдай бўлиқ.
Тупроқ унга мангу эш қўшиқ,
Қош киприкда олиб юради.
Юрагида поён билмас қиш,
Заминни тинч тутиб туради¹.*

1984 йилнинг 19 мартда ёзилган “Деҳқон” шеърдан келтирилган бу парчадан аёнлашаётирки, деҳқон – бу ер одами, ерни севган, ерга ишлов бериб мўл-кўл ҳосил етиштиришни қисмат деб билган, ернинг ҳар бир гардини кўзига суртишни саодат деб англаган фидойи бунёдкор бўлиб, қишлоқ устунига айланган. Шундан бўлса керакки, қишлоқ ва деҳқон сўзлари бир-бирини тўлдирувчи моҳият касб этган: деҳқон деганда – қишлоқни, қишлоқ деганда – деҳқонни тушунамиз. Самандар Воҳидов шеърларида ватан узви саналувчи қишлоқ манзаралари унда яшовчиларнинг бунёдкорлари фонида чизилгани туфайли эътиборни тортади. Айтайлик, “Қўша бобочорбоғи” шеърининг қаҳрамони ҳар қарич ерни жони қадар суйгувчи, исроф бўлишига йўл қўймовчи деҳқон, аниқроғи, қишлоқ одами. Ёши саксонга борганига қарамай, бир парча ташландиқ дўнгликни текислаб, кўчат ўтказишга киришади. Кампири Қамбар буви эса, йиғлабқолган гўдаги бормики, жонини қийнаб, ўзига раҳми келмаяпти бу чол дея ҳар қанча норозилик билдирмасин, ишини давом эттиришдан қайтмайди:

*...Ёзга бориб япроқ ёзди ҳар битта ниҳол,
Ниҳол сўлган фарзандларин солиб хотирга.*

¹ Оламдан ранг излаб (Шеърлар). – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.54.

*Чолу кампир йўқдир бугун...
Ҳовли – бечироқ.
Мушздай қулфга банди эшик боқар мунғайиб.
Келса дилнинг умид рамзи – шу навқирон боғ
Кимларнидир кутар гуллаб,
Кутар сарғайиб¹.*

Шоир айтмоқчи, ҳар бир эзгуликнинг оқибати хайрли бўлади. Қўша бободан қолган чорбоғ ҳам наинки, қишлоқнинг, балки Ватаннинг бир обод гўшаси сифатида уни ёдга солувчи масканга айланиб қолди.

Одатда қишлоқларда қадимдан бери ҳовузлардан сув ичиш анъанага айланган. Шу сабабли қишлоқ аҳли бундай сув иншоотларини айрича эъзозлайди ва айтиш мумкинки, ҳовуз ҳам, қудуқ ҳам қадриятга айланган. Шоирнинг қишлоғида ҳам ана шундай

*...зилол сувли
Ғиштин қудуқ бўларди.
...Қудуқ эмас, ҳаёт жсоми
Деса бўлар аслида
Ким қазгани ноаёндир
(Битилмаган имзоси).
Ким бўлса ҳам пок руҳига
Тинмасди эл дуоси.*

Водариғ, қайси бир бефаросат бугун уни кўмиб юборибди. Асрий қадриятга бундай лоқайд муносабатдан шоир қалби жароҳатланаркан, шеърга шундай якун ясайди:

*Хаёлимда тўлғонарди,
Чашмалар дил эзгудек.
Қудуқ эмас, оҳ чекарди
Қадри поймол эзгулик...*

Шоир ҳар қандай қишлоқ ҳаётини белгиловчи деталлардан бири – оқтирак япроқларининг муттасил титраб туришида ҳам афсоналарга хос маъно топишга интилади.

*Қилт этган шамол йўқ...
Хомуш сукунат.
Терак япроғида лекин йўқ тиним.
Болта теккан каби титрайди фақат,
Зумрад ҳовучида нур ўйнар "жим-жим"...
Тоғлар домидами оҳу шаббода,
Боғдайўқолдими – кетди бедарак?*

¹ Қатраларда нур ёнар (Шеърлар). –Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – Б.42.

*Тутун тебранмаган мудроқҳавода
Титроқдан қолмайди, лекин оқ терак¹.*

Шоир қилт этмаган ҳавода оқ терак япроқлари титраши манзарасини янада жозибали ва кўримли этиб тасвирлашда ҳар бир детални ҳаракатда кўрсатиш учун “хомуш сукунат”, “зумрад ҳовуч”, “мудроқҳаво”, “оқ терак” каби эпитетли иборалар, “болта теккан каби” ўхшатишу риторик мурожаат ва „т“ товуши аллитератсияси (тавзиъ санъати)дан фойдаланиб, ҳаяжонни кучайтирган. Натижада шу манзара таассуроти негизида “нега ҳеч нарса бўлмаган жойда япроқ титроғи тинимсиз?” деган савол туғилишига мантиқий замин тайёрланган. Бу саволга фақат оқ теракнинг ўзигина жавоб бериши мумкин. Шу нуқтада шоир оқ теракни жонлантиради ва антроморфизм санъатидан фойдаланиб, уни одамлардай гапиртиради. Аслини олганда япроқлар учун оқ теракнинг ўзи ҳам она. Она бўлганлигидан бошқа оналарнинг дарду ҳасратларини яхши ҳис қила олади. Шу туйғуси борлиги учун ўзга онанинг урушга бориб қайтмаган уч ўғлиҳажридаги изтиробларини ўз изтиробидай қабул қилган:

*Бизга титроқсолган бир она қалби,
Уч ўғлин берган у уруш комига.
Кузатиб олгану
Кутиб олмаган.
Лаб босиб оғули ҳижрон жомига,
Яшаб яшамаган,
Ўлиб ўлмаган².*

Шунда айрилиқ жабри она қалбига ўқ бўлиб теккан-да, бошида жаҳон чарх айланиб, оқ теракка суяниб ўтириб олган. Ўшанда она қалбидаги ларза оқ терак вужудига сингиб, шундан бери япроқлари шамол бўлса бўлмаса-да, титрайдиган бўлиб қолганмиш. Шоир табиат ва инсон орасида шу хилда боғлиқлик риштасини касб этаркан, унинг воситасида урушни қоралаб туриб, онайизорнинг фарзанди учун нақадар қуйиб-ёнишини ифодалашга эришади. Бу фикр шеър якунида афоризмдек жаранглаган:

*Оналарда нотинч, беором юрак
Фарзанд учун доим титраб тургуси³.*

Шоир ижодида қишлоқ манзараларини тўлдирувчи бундай деталларга бағишланган шеърлар анча, улар ўзаро бирлашиб, муаллифнинг: “Не бахт, менинг илдизларим тупроққа пайваст, Менга насиб кенгликлардан сипқормоқ нафас, Толеимга иқроримни такрор бошлайман: Мен қишлоқда

¹ Оламдан ранг излаб (Шеърлар). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 64.

² Ўша асар. – Б. 65.

³ Ўша асар. – Б. 65.

яшайман!" – дея ифтихор қиладиган гўзал ва яхлит манзарасини гавдалантирган.

Шеър Ватан фарзандларини унинг мустақиллигини муҳофаза қилишга чорлаш билан якунланади:

*"Ватан эрк берди", деб қилма эркалик,
Эркалик бошқа-ю
Эркинлик бошқа.
Бир сўз камлик қилар,
Икки сўз – кўплик,
Таъналар тошидан гангиган бошга.
Ватаннинг кўксида жароҳати кўп,
У бугун маддоҳмас, жарроҳга интиқ,
Сен оқил жарроҳ бўл,
Кўз ёшинг ютиб,
"Дафъи жароҳат", – деб,
Кўлга олгин тиғ¹.*

Хулоса, Самандар Воҳидов поэтик талқинидаги Ватан тоғу чўллар, дарёю кўллар, дала-туз ва боғу роғлар, пахтазорлару мевазорлар, йўл ва сўқмоқлар ҳамда бошқа шунга ўхшаш узвлар бутунлиги ҳосиласи; яхлит ва бир бутун бу тушунча-бўлақларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлган. Шоир ана шу яхлит тушунча моҳиятини англамай, уни "онам" деб эркалик қилгувчи кимсаларнинг сохта садоқатларидан, "Ватан, кулингман!" дегувчи айрим олғирларнинг пайт пойлаб унинг сандиғини ўмаришларидан, "Ватан – отам!" деб туриб, унинг чориғини гаровга қўйишга шай турувчилардан, "Ватан – севгилим" деб оғиз тўлдириб, "маҳбуба" эғнидаги либосини пуллашни кўзлаганлардан огоҳлантиришни бурчи деб билди.

**To'rayeva Mohinur,
BuxDU Adabiyotshunoslik
mutaxassisligi 2-bosqich magistranti
(O'zbekiston)**

SHOYIM BO'TAYEVNING "SHAMOL O'YINI" QISSASIDA XALQ MILLIY RUHIYATI

Аннотация: Maqolada yozuvchi Shoyim Bo'tayev qissalarida milliylik ifodasi masalasi o'rganilgan.

Аннотация. В статье исследуется проблема национального самовыражения в рассказах писателя Шойима Ботаева.

Annotation. The article examines the issue of national expression in the stories of the writer Shoyim Botayev.

¹ Оламдан ранг излаб (Шеърлар). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.77.

Калит сўзлар: qissa, milliylikifodasi, milliy ruh, obraz, badiiy detal, talqin, Shoyim Bo'tayevning "Shamol o'yini" qissasi.

Ключевые слова: повесть, выражение национальности, национальный дух, образ, художественная деталь, интерпретация, повесть Шойима Бутаева "Shamol o'yini".

Key words: story, expression of nationality, national spirit, image, artistic detail, interpretation, Shoyim Butaev's story "Shamol o'yini"

Yangi davr o'zbek adabiyoti o'ziga xos yo'lni bosib o'tdi. U hamon shakllanish va o'sish jarayonida. Ushbu yangilanish va o'zgarishlar o'zbek adabiyoti namoyandalarining har biri ijodiga yangicha bir qirradi bilan namoyon bo'ladi. Bugungi nasrimizning yorqin vakillaridan biri Shoyim B o'tayev ijodi ham shular jumlasiga kiradi.

Shoyim Bo'tayev 1959-yil 20-iyunda Tojikiston Respublikasi O'ratepa tumani, Maydoncha qishlog'ida tug'ilgan. 1982-yilda X o'jand davlat pedagogika institutining tarix-filologiya fakultetini tugatgan.

Uning ilk qissasi "Sirli yulduzlar" 1984-yilda chop etilgan. Shundan so'ng uning "Dunyoning sarhisobi bor", "Kunbotardagi bog'", "Hayot", "Ko'chada qolgan ovoz" kabi qissa va hikoyalardan iborat t o'plamlari nashr etilgan. Ijodkor 2001-yilda "Do'stlik" ordeni bilan taqdirlangan.

Shoyim Bo'tayev o'zining ajoyib uslubiga va betakror tiliga ega bo'lgan yozuvchi ekanligini bugungi kunda uning ko'plab asarlari namoyon etib turadi. O'ziga xos yozuvchi sifatida hozirgi o'zbek milliy prozasini ko'zga k o'ringan vakillaridan biri Shoyim Bo'tayevning kata-kichik hajmli asarlarida juda ko'p betakror obrazlar, tabiat tasvirlari, xalqning yashash tarzi, urf-odatlar bilan birgalikda o'zbeklarga, turkiy xalqlarga xos bo'lgan milliy ruh, milliy his-tuyg'u, milliy so'zlashuv shevalari yorqin aks etib turadi.

Yozuvchi qissalarda bir-biriga o'xshash, milliy dunyoqarashi bilan bir-biriga yaqin obrazlar ham uchraydi. "Shamol o'yini" qissasida Zokir bulbul ismli oshiq yigit haqida so'z boradi. "Qo'rg'onlangan oy" romanida esa Zokir baxshi obrazi kiritilgan. "Shamol o'yini" qissasidagi momouloq tanovvul qilayotgan kampirlar "Kunbotardagi bog'" qissasidagi Ulg'ay momo tanish-bilishlari, teng- to'shlariga o'xshab ketadi. Bu obrazlar tasviri, ularning tili, ruhiy holati, harakatlari shunday beriladiki, unlardan o'zbeklarga xos xususiyatlar, turkiy xalqlardagi milliy shaxsiyatni sezmaslikning iloji yoq, albatta.

Shoyim Bo'tayev qishloq kishilariga xos xususiyatlarni, ularning sodda tabiatini asarda juda mohirlik bilan aks ettiradi. Masalan, sodda, samimiy, oddiy odamlar tabiatida laqab qo'yishga moyillik bo'ladi. Laqablar kishilarning kasb-koriga, nasl-nasabiga, fe'l-atvoriga va tashqi k o'rinishiga ko'ra qo'yiladi. Adib qahramonlariga ism bergan o'rinda ham ismlar oldida millatimizga tegishli, milliy ruh beradigan, shuningdek, kishilarning o'ziga xos fe'l-atvori, xarakter-xususiyatlardan kelib chiqadigan so'zlarni qo'shib kiritadi. Zokir baxshi, Tilak mirishkor, No'mon qirtish, Ergash kalta, Rahim indamas, Vali qassob, Mutal jarchi, Sunnat o'g'ri kabi obrazlari ismiga qo'shib o'yilgan laqablarni aytib o'tishimiz mumkin.

"Shamol o'yini" qissasida milliylik ruhi o'zgacha tasvirlarda berilganligi bilan ahamiyatli. Ayniqsa, qishloq kishilariga xos fe'l-atvor, samimiy va beg'ubor

tuyg'ular nihoyatda g o'zal va shirali tilda, betakror detallarda, oddiy, aniq va ravon tasvirlanadi. Shular ham asarga o'zgacha joziba bag'ishlagan. Qissada keltirilgan momouloq odati yoki o'zbek xalqiga xos bo'lgan udumlar tasviri buning yaqqol namunasi. Momouloqni tashkil qilib o'tkazish tasviri orqali berilgan qishloq kampirlarining gap-soz'lari, qishloqda bo'lgan voqealarga o'zlaricha fikr bildirishlarida ham milliy ruh sezilib turadi. Aslida qaysi millat yozuvchisi b o'lishidan qat'i nazar, ularning asarlarida o'z mentaliteti, madaniyati, tili, xalqidagi fe'l-atvor, ma'naviyati, turmush tarzi sezilib turadi. Biroq bu borada Shoyim B o'tayevning ham o'ziga xos yondashuvi sezilib turadi.

Berkinboyning qora tortib kelgan Yoshiuzoq uchun xalq qishloq ahlini yig'ib, el hashari bilan uy qurib bergan. Bu jarayonda el kishilari tutgan yo'l, ko'rsatgan mehr-oqibatlari, himmat orqali xalq shaxsiyati, millat ruhidagi xususiyatlar yaqqol namoyon bo'ladi. Bundan tashqari, asarda o'z ifodasini topgan xalqning odat tusiga aylangan o'z turmushlarida foydalanib kelinayotgan suvni taqsimlash, miroblarning xalq dehqonchiligida, bog'lari, ekinlari uchun tog' buloqlaridan yig'ilib keladigan suvlarni taqsimlashi, elning miroblarga bo'lgan ishonchi, hurmatida ham milliy ruhiyat yaqqol sezilib turadi.

Shoyim Bo'tayev tepaliklar hayotini, urf-odatini tasvirlankan, dastlab ularning ajdodlari haqida, urf-odatlarining kelib chiqishi, bugungi kundagi kishilarning ota-bobolar ruhiga hurmati, qanday kutilmagan vaziyatlar bo'lishidan qat'i nazar, o'zligini y o'qotmagan el shaxsiyati, sodda, muruvvatli, saxovatli insonlarga hurmatini yorqin ifodalab beradi.

Asar syujeti haqida gapiradigan bo'lsak, qissada Oybuloq qishlog'idagi alg'ov-dalg'ovli holat, Tega qishlog'ida paydo bo'lgan Berkinboy, kampirlarning momouloq bazmi yoki jinlar bazmi tasvirlangan o'rinlarda o'ziga xos bir uyg'unlik mujassamlashadi. Adib Oybuloq bilan Tega qishlog'i odamarini qissa oxirida Qum qiyalikdagi t o'rtta xonadon ahlini o'zaro taqqoslagan holda o'z oldiga q o'ygan g'oyaviy maqsadini amalga oshiradi. Tinch-farovon, birov bilan birovning ishi b o'lmagan, bahamjihat yashayotgan Tepqa qishlog'i ahli orasiga Berkinboy, s o'ngra, shu qahramon vositasida olib kirilgan va asosiy obrazlardan biri sifatida tasvirlangan Yoshiuzoq paydo b o'lgandan keyin vaziyat o'zgaradi. Qishloqdan fayz-baraka ko'tariladi. Turli xil yovuzliklar yuz bera boshlaydi, nopokliklar avj oladi. Demak, yozuvchi poklik, halollik, tog'rilik, inson umri, jamiyat hayoti, oila totuvligi uchun juda muhim degan ulug' bir fikrni asar mohiyatiga singdirib boradi.

Demakki, xalqning axloqi, ruhiyatiga salbiy ta'sir etuvchi kuchlar parokandalikning asosiy sababchilaridan biriga aylanadi. "Shamol o'yini" qissasidagi ikki qahramon Berkinboy va Yoshiuzoqning hatti-harakatlari, odamlarni ahmoq qilishga urinishlari, porax o'rlikka berilishlari, turli xil nopok ishlari, xiyonatlari, kishilarning haqqini yeyishga urinishlari va oqibatida fojeyaviy tarzda halok b o'lishlarini asarda yozuvchi o'ziga xos mahorat bilan talqin etadi. Qishloq ahli ularning kirdikorlariga k o'z yumadi. Insofga kelishlarini kutishadi. Xalqning soddadilligi, ko'r-ko'rona ishonuvchanligidan foydalanuvchilar har doim ham uchrashi mumkin. Yozuvchi kitobxonni ana shu falokatdan ogohlantirishni istaydi, chamamizda. Asar orqali inson o'z haq-huquqini bilishi, ogoh bo'lishi ker-

akligi haqidagi o'g'it anglashilib turadi. Oqibatda asarning nihoyasi o'quvchida ayniqsa o'zgacha taassurot qoldiradi. Ikki qahramonning uylari bir kechada kul tepaga aylanadi. Buni ko'rgan kishilar hayratda qolishadi. Chunki kishilarning haqqiga xiyonat qilgan asar qahramonlarining uylari ming yillardan buyon inson qadami yetmagan xarobaga o'xshab qoladi. Bu uylarni barpo qilgan qishloq ahlining qasosini tabiat ustamonlik bilan, mohirona olgan edi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, Shoyim Bo'tayevning mazkur qissasi xalq milliy ruhiyati, xarakteri, odat va tutumlari haqida yozilgan bo'lib, tarbiyaviy ahamiyati bilan ajralib turadi.

Adabiyotlar

1. Бўтаев Ш. Ҳаёт – Т.: Шарқ, 2000. – 448 б.

2. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 224 b.

Azimova Muhabbat Samadovna,

BDTI akademik litseyi ona tili va adabiyot o'qituvchisi
(O'zbekiston)

Habibova Maftuna Hamid qizi,

BuxDU san'atshunoslik fakulteti 4-boshqich talabasi
(O'zbekiston)

BUXORONING SHE'RIY XARITASI

Annotatsiya: Buxoroyi sharif, asrlardirki, she'riy asarlarda ta'riflab kelinadi. Shoir Sadridin Salim Buxoriy she'riyatida yetakchi mavzulardan biri Buxoro obidalarini madhidir. Maqolada shu haqda fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Buxoro, obida, ko'milgan hovuz, daraxt, Minora, Ark, obraz, tashbeh, istiora, Labi Hovuz.

Abstract: Bukharai sharif has been described in poetry for centuries. One of the leading themes in the poetry of the poet Sadridin Salim Bukhari is the hymn to the monuments of Bukhara. The article discusses this.

Keywords: Bukhara, monument, buried pool, tree, Minara, arch, character, allegory, metaphor, Lyabi Havuz.

Buxoro tarixini atroflicha o'rgangan, sho'ro davrida ham obidalarimiz hi-moyasiga shaylangan, dunyo ko'rgan, aslida tafakkuri ko'magida jahon kezgan, dunyoni tanigan shoir Sadridin Salim Buxoriy ko'plardan farqli o'laroq Buxoroning nafaqat obidalarini, balki har bir daraxtini, past ko'chalarini, ariqlarini, balxi tutini, hatto uni tark etgan laylagi, ko'milgan hovuzlarini yodgorlik, qadriyat, noyob meros deb bildi. Shu sabab u faqat Minora, Ark kabi me'moriy obidalarini emas, sharif shaharning har bir giyohini she'rga soldi, kuyladi. Bu ulug' merosning yo'qolib ketayotganligi shoirni tashvishga soldi. Shu sabab har birining obrazini yaratdi, ta'rif-u tashbehini keltirishdan to'xtamadi:

*Unib chiqsa edi marmar tosh,
Yer bag'ridan maysalar kabi,
Xatomizni etardi-yu fosh,
Biz xijolat chekardik balki.
Marmar toshda bo'lsaydi arvoh,
Etar edi bezovta har kech.
Kun ko'rmasdik loqayd, beparvo,
Tiriklarni ko'marlarmi hech?¹*

“Ko‘milgan hovuzlarga marsiya” she‘ri dard bilan yozilgan. Tug‘ilgan maskanining har bir qarich yerini muqaddas sanagan shoir uchun hovuzlar ham obidadir. Afsuski, hovuzlar ko‘milgan. Shoir ko‘milgan hovuzlarni jonlantirish orqali obrazga aylantirgan. Insonni tiriklayin ko‘mmoq – tasavvurga sig‘mas dahshat, ammo shoir uchun inson tugul hovuzning ko‘milishi ham fojidadir. Tarixdan ma‘lumki, qadimda Buxoro shahrining suv ehtiyoji Zarafshon daryosi hisobidan ta‘minlangan. Har bir mahallada, har bir guzarda hovuzlar bo‘lgan. Shohrud orqali kelgan suv hovuzlarga quyilgan. Suv tingach, undan foydalanganlar. Shaharda Labi hovuz, masjidlar oldidagi hovuzlar singari katta hovuzlar ham bo‘lgan. Ular atrofdagi obialarga hamohang tarzda chiroyli qilib, tosh va marmarlar bilan bezalgan, zinapoyali qilib qurilgan. Sho‘ro davrida hovuzlar va zahkashlar ko‘mib yuborilgan, natijada Buxoro shahri suv masalasida jiddiy zarar ko‘rgan. Ayni damda, sharif shaharning tuprog‘ini zax bosgan. Buni chuqur idrok etgan shoir satrlarni og‘riq bilan, o‘kinib bitadi:

*Ko‘mildi u odamday garchand,
Ko‘milmasa sog‘ qolar edi.
Marmar toshda bo'lsaydi farzand,
So‘zsiz bizdan o‘ch olar edi.*

Shoir Buxoro taqdirida muhim o‘rin tutgan har bir narsani obida sifatida e‘zozlaydi, dedik. Ularni jonlantirar ekan, shaxslantirish orqali tashxis san‘atini yuzaga keltiradi. Jonlantirish san‘ati orqali tarixiy obidalarni obrazga aylantiradi. “Labi Hovuz devonbegida” she‘rida hovuz betidagi ajinlar ajdodlar dardini so‘ylasa, “Sog‘inch” she‘rida Labi Hovuz yonidagi balxi tut laylakning kelmaganligidan sog‘inch yoshlarini to‘kadi:

*Hamon huvullab turar
Salla o‘ragan boshi.
Dona-dona to‘kilar
Hovuzga sog‘inch yoshi².*

Qadimda Labi Hovuz yonidagi balxi tutda gumbazlardagi kabi laylak in quragan. Agar Buxoroda bo‘lib, tutga nazar solsangiz, u xuddi boshiga salla o‘ragan salobatli o‘tmishdoshimizga o‘xshaydi.

¹ Sadridin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. – Toshkent: – B.51.

² Sadridin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. – Toshkent: – B.34.

“Badoyi us-sanoye”da aytilishicha, “Istiora lug’atta, oriyatqa olmoqtur. Lafzni o’z yasog’idin o’zgada ishlatmoq bir nimani oriyatqa olg’an yangilig’ bo’lg’ani uchun ani istiora deb adapturlar”¹. Shoir balxi tut boshiga qurilgan laylak inini sallaga qiyoslab, istiora badiiy san’atining betakror namunasini yaratadi. Shoir uchun salla ham obida. Tarixiy obida yonidagi daraxt ham yodgorlik. Chunki u tarixiy obidaning boshidan kechganlarga guvoh. “Somoniy maqbarasi yonidagi daraxtga” she’ri fikrimizni dalillaydi:

*Yoyday egilibdi qomating, Daraxt,
Shoxlaring o’q kabi otilmoqqa shay.
Shamol-u izz’irin etsa ham karaxt,
Oyoqlaring yerdan hech uzilmagay².*

Daraxtning qomati – yoy, shoxlari – o’q. Shunchaki o’q emas, “otilmoqqa shay”. “Oyoqlaring yerdan hech uzilmagay” satri qulamaslik ma’nosida ham, o’zini yo’qotib qo’ymaslik ma’nosida ham o’zini oqlay olgan. Bir misra orqali bir vaqtning o’zida ikki xil ma’noni berish uchun shoir juda mahoratli bo’lishi zarur, albatta.

*Ul Egamga etayotganday sajda
Egilibdi boshing zaminga qadar.
Yaproqlaring tarixdan so’zlar mujda,
Yaproqlaring tarix tiliga o’xshar.*

Shoir navbatdagi bandda daraxtning egilganidan yangi ma’no hosil qiladi: Daraxt Allohga sajda uchun egilgan, egilganda ham boshi zaminga tekkan. Ilgari bu daraxt shafqatsiz qumdan obidani himoya qilgan bo’lsa, endi qumga ko’milishiga yo’l qo’yib beradi. Chunki endi faqat obidani emas, Buxoroyi sharifni himoya qilish zarur. Negaki, Chingiz “Ismoil Somoniy qurgan maqbara Zabt etilsa, zabt etilar Buxoro!” – deb hisoblab bostirib kelayotir. Shoir daraxt obidaning ko’milishiga yo’l qo’yib bergani sabab shahar g’olib bo’lganini tasvirlaydi. Shu bilan she’rdagi tugun yechim topadi. Ammo Sadriddin Salim Buxoriy she’rni tarixiy voqeilik bilan yakunlamaydi. O’tmish bilan bugunni bog’lab, xulosa chiqaradi. Bu shoirning uslubiga xos jihatlardan biridir:

*Shoxlaring o’q kabi otilmoqqa shay,
Hamisha yurt omon bo’lsin, shu matlab.
Orzuim, sen kabi bearmon yashay,
Yovuzlardan ona-yurtini qo’riqlab.*

Adabiyotshunos G’.Murodov takidlaganlaridek, “Sadriddin Salim Buxoriyning barmoq vaznida yozgan aksariyat she’rlari bandlardan tashkil topgan bo’lib, har bir band 4 misrani tashkil etgan. Qofiya tizimi, ko’pincha, **a-b-a-b**”³. Yuqoridagi

¹ Atoullloh Husayniy. Badoyi us-sanoye. – Toshkent: – B.220.

² Sadriddin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. – Toshkent: – B.38.

³ Murodov G’. Yorug’lik odami. – Buxoro: Durдона, 2016. – B. 42.

she'ning har bir bandi ham a-b-a-b tarzida qofiyalangan. She'rdar daraxt atogli otga aylangan. Bu holat ham shoir uslubiga xos. Shoirning bu taxlit she'rlari bisyor. Uning tarixiy obidalarga bag'ishlangan asarlarini o'rganib turib, she'rlarini bir joyga yig'ib ketma-ketlikda joylashtirilsa, Buxoro haqidagi turkum she'rlar yuzaga keladi desak, fikrimiz oddiylashib qoladi, bizningcha. She'rlar mahorat bilan joylashtirilsa, "Buxoronoma" deb atalgan she'riy to'plam yoki manzuma hosil bo'ladi. Shuningdek, she'rlar orqali sayyohlar uchun qadimiy Buxoro xaritasini chizsa ham bo'ladi. Biz interfaol usul orqali she'rlar ko'magida she'riy xarita yaratishga intildik va maqolani shu chizma bilan xulosaladik.

1. Chor Minorning ostidan
O'tganda b o'l ehtiyot...
2. Labi Hovuz. Balxi Tut-
Ikki b o'lingan jismi...
3. ... Mag'oqi Attori b o'lar guvohi
Tunlarga men hisob berurman faqat.
4. Ey Minora! Salomatmisan?
Kelayapman sahardan y o'qlab...
5. Toqi Zargaronning tagida
Rextagar bor- usta Qodirjon...
6. Shahar ichra shaharsan,
Moziydan bir xabarsan...
7. " Ismoil Samoniy qurgan maqbara
Zabt etilsa, zabt etilar Buxoro!"

8. Qoshing o'smasini oqizdi qa-
yonga Shohrud?

K o'zgu edi qoshingga-yu os-
monga Shohrud...


9. Qoliplarga jo b o'ldi Qal'a,
G'isht quydilar, etdilar yakson...

10. I) Buxoroning past k o'chalari

Adashtirmas sayyohni nogoh..

II) Buxoroning past k o'chalari,
Gumbazlari laylaksiz qoldi..

III) Buxoroning past k o'chalari
Rudakiyini yetkazdi arshga.



ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИ ОБРАЗЛАР ОЛАМИ

Аннотация: XX asrning ikkinchi yarmida yashab ijod etgan yetuk shoir Shavkat Rahmon she'riyatining obrazlar olami keng. Shoir yaratgan obrazlar o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Maqoda shu borada fikr bildirilgan.

Калит so'zlar: Shavkat Rahmon, she'riyat, obraz, lirik qahramon, ramziy obrazlar, g'oya, mavzu, erk.

Abstract: The world of characters of the great poet Shavkat Rahmon, who lived and worked in the second half of the XX century, is wide. The characters created by the poet are unique. The article comments on this.

Keywords: Shavkat Rahmon, poetry, charecter, lyrical hero, symbolic charecters, idea, theme, freedom.

XX asrning 70-80-yillari she'riyati obrazlarga boyligi, uslubi rang-barang shoirlar ijod qilgani bilan boshqa davrlardan farq qiladi. Bu shoirlar orasida Shavkat Rahmon she'riyati alohida ajralib turadi. Adabiyotshunos Bahodir Karim o'z maqolasida Shavkat Rahmon she'riyatiga ta'rif berar ekan, bu she'riyatni shunday izohlaydi: "Shavkat Rahmon qisqa umr ko'rdi. Ammo undan "o'zbekning qorako'z bolalariga" olmosday keskir, tog'dek mustahkam, har biri yuzta umriga yetadigan ezgu, boqiy va o'tkir so'z qoldi"¹. Shoir she'riyati obrazlar olami haqida fikr yuritsak, ijobiy obraz sifatida Vatan, el, erk, tog', daraxt, atirgul kabilarni sanash mumkin. Salbiy obrazlar qatoriga diqqat qiling: soya, qora ayoz, O'lmas Koshchey, yovuz devlar, fitnachi. Ko'rinadiki, shoir ijodidagi aksariyat obrazlar ramziylik kasb etadi. Shavkat Rahmon ijodidagi obrazlarni shartli tarzda uchga bo'lish mumkin:

1. Tarixiy obrazlar.
2. Afsonaviy-mifologik obrazlar.
3. Ramziy obrazlar.

Shoir tarixiy voqealarga ishora qilib, talmeh k o'magida lirik qahramon holatini ifoda etadi. Uning birgina she'rini anglash uchun dunyo tarixining qat-qatlarini anglash kerak bo'ladi. "Venetsiya" she'ri shoirning dunyo tarixini, jahon adabiyotini sinchiklab o'rganganini ko'rsatadi. Uning she'ri shunchaki o'qilmasligi, ham taffakurni, ham ruhiyatni tarbiyat etadigan she'rlar ekanini e'tirof etish lozim. "Venetsiya" she'rida "Troya, tarteslar, atlantidalar", "Mikena" kabi tarixiy, afsonaviy joylar, voqealar, shaxslarga ishoralar bor. Ular orqali shoir dunyoning o'tkinchi ekanini, XX asr tarixga aylanib borayotganini aks ettiradi va insoniyat fojialarini oshkor qiladi. Xulosada shoir o'zining ochiqib borayotgan yuragini emas, muqaddas hislarni, odamzod yuragini o'ylayotganligini oshkor qiladi:

¹ Shavkat Rahmonni xotirlab. – Toshkent: Sharq NMAK, 2012. – B.131 (Keyingi misollar shu kitobdan olinganda qavsda beti beriladi).

*O'tinaman, asr!
Achinma menga,
O'ylagin qismatlar nihoyasini.
Xalos et yillarning g'ubori ko'mgan,
Odamzod qalbining troyasini! (30-bet)*

Shoir g'oyo tinch hayot tasvirini so'z yordamida chizadi. "Bo'lmaganday hech qachon urush", "qoraxat kelmay qo'rgan", baxtli hayot davom etmoqda:

*Kenglikka chiq, boladay yugur,
Hech kim seni tutmaydi o'qqa.
Oshkor yig'la, to'yib xayo sur,
To'yib tikil endi borliqqa...*

Shoir sho'ro davrida yashab turgan o'zbekning, O'zbekistonning erksiz ekani ni anglardi. Shu sabab tinch hayot tasvirini berib turib, uch nuqta qo'yibkutilmagan manzarani keltiradi. Odatda, otning yoliga erkak bosh qo'yib uxlaydi. Bu uning yo'lda ekanini, oilasidan yiroqligini, yo musofir, yo jangchi ekanini anglatadi. Ammo aslo yolg'iz emas. Oti u bilan birga. Shoir yo'l yurgan erkakning, jangchi erkakning holatini Yer obraziga k o'chirgan:

*Shundoqqina yoningda bukun
Qonli yuzin burib tolega,
Qaqshagan Yer olayotir tin,
Boshin qo'yib oyning yoliga...*

G o'yo Yer qonli jangdan bir lahza tin olib mudraydi. Oy uning yoldor oti. Shavkat Rahmon xayolot olamida tug'ilgan musavvirga o'xshaydi. XX asrning 70-yillarida yaratgan aksariyat she'rlari millat dardi sabab yuzaga kelgan esada, mafkura tazyiqi sabab dunyo dardi libosiga o'rab berilgan.

Shavkat Rahmon she'rlarida ijtimoiy masalalarni ham jonsiz tabiat orqali ochib berish kuzatiladi. Shoir bevosita tabiat hodisalari orqali ham insoniyat yuragining tub-tubidagi yaralarni ochib tashlaydi. Shoirning "Nur" deya nomlangan she'rida ham aynan shu holatning guvohi b o'lishimiz mumkin.

*Koinotning sovuq qa'ridan
Kelar bizdan xabar olgani,
Kelar cheksiz borliqda kezgan
So'qir yerda mangu qolgani....*

Haqiqiy nazm nafaqat emotsionallikni, balki keng dunyoqarash va kuchli bilimni ham talab etadi. Aks holda bunday she'riyat mukammallik sifatidan yiroq bo'ladi. Ijodkor o'z tashbehlarining tabiiyligini, hayotiyeligini ta'minlamoqchi bo'lsa, kuzatuvchan, tafakkur doirasi keng b o'lishi lozim. Shundagina u yaratgan misralar yolg'ondan yiroq, o'qiganda o'quvchining ensasini qotirmaydigan

bo'ladi. Shavkat Rahmonning shaxsi va she'rlari bir-biriga monanddir. Bunday hol aslida kamchil.

Hatto tabiatning eng g o'zal manzaralari ilhom lahzalari bilan birga chizil-sa-da, shoir shu tasvirlar orqali ham el dardini ifoda etadi:

*Lazzat bor har qanday og'riqda,
Kechalar og'riqdan ingrab yotaman
Va o'sha og'riqni beg'am, bo'g'riqqan
Og'riqsiz yuzlarga otaman... (175-bet)*

Shoir faqat so'zda keskin, achchiq haqiqatni pardalamay ochiq aytadi va u hayotda ham shunday yashadi, ehtimolki, yuragini ayamagani uchun bor-yo'g'i 46 yil yashagandir. Uning she'riyatida jonsiz narsalar jonlantiriladi. Ammo shaxslar umumdunyoviy darajaga ko'tarilib, manzili Zamin sifatida ifoda etiladi. E'tibor qilsangiz, yuqoridagi satrlarda og'riq obraz darajasiga k o'tarilgan. Lirik qahramon esa – Odam. Bu odamning millati, dini ta'kid etilmagan. Ammo har doim ham shunday emas. Shoir qahramonlari ikki xil: o'zbek va Odam. Keragida shoir lirik qahramonni ochiq-oshkor ifodalaydi, tazyiqlardan qo'rqib o'tirmaydi. Orol qurib borayotganda pinagi buzilmaganlarga XX asrning oxirlarida shunday yozib ulguradi:

*Bo'ldi, nos chekarlar,
Rahbar so'zlaydi,
og'zingni chaygin-u, Orolga tupur,
sen ham, ey namozxon, ol-da ko'zani
tahorat olgani Orolga yugur.*

Shoirning hajv tig'i juda o'tkir, ammo hajvida yumor yo'q hisobi, keskin satira bor. Obrazlaridagi salbiylik yurakka sanchilguday ignali. So'zlardagi yuk og'irdan-og'ir. She'riyatning nafis quchog'iga botguday tikanli. Bu shoirning aybi emas. U elining, Vatanining erksizligiga aslo ko'nikolmasdi:

*Inqilob yo'llarida
Tanglik keldi,
Shunday keldiki,
Murdalar ham turdi g o'ridan –
Mash'um zulmat parchalariday
Iz'ib qoldi qonxo'r b o'rilar (95-bet).*

Shoir tanglik o'tgan bo'lsa ham hali ta'siri yo'qolmaganini anglaydi va shu sabbdan u jangga shay. Shoir bitta bo'ri qolgan bo'lsa ham hushyor turishi zarurligini, mashum kunlar qaytmasligi uchun tiriklar tugul o'liklar ham tik turishi lozimligini uqtiradi. Uning she'riyati ana shunday keskin hukmlarga to'la. Bu uning fe'lidan emas, davrning fojialaridan yuzaga kelgan holatning ifodasidir. Aslida shoir ozod zamonda dog'uli odamlar kam bo'lgan davrda yashaganda quyidagi satrlari singari she'rlari behisob bo'lardi:

*Atirgulim, jonim ,atirgul,
Qarashlaring toza, sarishta,
Tongning oppoq k o'ksiga seni
Qadab q o'ydi qaysi farishta?! (55-bet)*

Tog'lar orasida tug'ilib-o'sgan shoirning tog'dek ulkan yuragi bordi. Tog'lar qishda ayovsiz, bahorda suluvsdan suluvs bo'lgani kabi ijod qildi Shavkat Rahmon. U yaratgan obrazlar o'zbek she'riyati obrazlar olamini boyitdi. Bu obrazlar boqiylikka daxldorligi bilan yashovchandir.

Salohiddinova Lobar Qahramon qizi,
BuxDU 2-bosqich magistri
(O'zbekiston)

O'ZBEK BOLALAR SHE'RIYATIDA ANALITIK FOLKLORIZM

Annotatsiya: O'zbek bolalar she'riyati folkloridan foydalanib, rivoj topdi. Maqolada og'zaki adabiyotning yozma adabiyotga ta'siridan folklorizm yuzaga kelishi, bolalar she'riyatida qo'llangan analitik folklorizmlar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: oddiy folklorizm, murakkab folklorizm, analitik folklorizm, obraz, xalq og'zaki ijodi, hukmlagich.

Abstract: Uzbek children's poetry developed using folklore. The emergence of folklore by the influence of oral literature on written literature and analytical folklore used in children's poetry are discussed in this article.

Keywords: simple folklore, complex folklore, analytical folklore, character, folklore, judge.

Folklorizm og'zaki adabiyotning yozma adabiyotga ta'sir qilishidan, ma'lum bir ijodkorning xalq og'zaki ijodidan foydalanishidan yuzaga keladi. Bu haqda olima L.Sharipova shunday yozadi: "Folklorizm hodisasi xalq og'zaki ijodiyotiga mansub u yoki bu janr, obraz, motiv, sujet, obraz, motiv, ohangning individual ijodkorlar tomonidan o'zlashtirilib, aynan yoki qayta ishlangan yoxud ularga monand holda yaratilishidan iboratdir"¹. Folklorizm oddiy va murakkab folklorizm sifatida tasnif qilinlar ekan, murakkab folklorizm o'z navbatida ichki ko'rinishlarga ega. Biz o'zbek bolalar she'riyatida yuzaga keltirilgan analitik folklorizm haqida fikr yuritmoqchimiz.

Ustoz adabiyotshunos B.Sarimsoqovning fikriga ko'ra "Analitik folklorizm oddiy folklorizm kabi asl holda yoki sal o'zgartirilgan holda sujetga singdirilgan folklor material bo'lib, asar tarkibida alohida ajralib turadi"². Folklor material asar tarkibidan ajratib olinganda asar mohiyati tubdan o'zgaraydi, faqat ma'lum bir jihatdan ijodkor fikridagi ta'kid sal susayadi.

¹ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B.24-25.
² Sarimsoqov B. Folklorizmlar tipologiyasiga doir // O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 1980. – №4. – B.38.

Bolalar she'riyati analitik folklorizmdan yetarlicha foydalanadi. Ayniqsa, bolalar folklori namunalaridan satrlar keltirish orqali o'z fikrini dalillash, she'rni qiziqarli qilish imkoniyatlari kengayadi. Bolalar shoiri Zafar Diyor o'zining "Laylak" she'rida bolalar folkloriga mansub hukmlagichdan¹ ikki satr keltiradi:

*Laylak keldi, yoz bo'ldi,
Qanoti qog'oz bo'ldi
Nurga cho'mib atroflar,
Oh, qandayin soz bo'ldi².*

Bu she'rda bolalar qo'shig'i yoz fasli kelganini anglatishda xizmat qilgan bo'lsa, G'afur G'ulom yoz fasli kelayotganini aytish orqali bolalarga imtihon yaqin kelib qolayotganini ta'kidlaydi.

*Ko'klam o'tib yoz kelur,
Bugun-erta imtihon³.*

Ko'rinadiki, shoir fikrini dalillash, maqsadini osonroq tushuntirish uchun folklor namunasidan foydalanadi. O'quvchi yozgi ta'til haqida, pishiqchilik haqida emas, imtihon borasida o'ylaydi. Aynan bu hukmlagichdan foydalanib she'r yozgan shoirlar talaygina.

O'zbek bolalar she'riyatida bolalar folkloridan foydalanib, analitik folklorizmni yuzaga keltirish holati keng tus olgan. Hukmlagich bolalar folklori janri bo'lib, bunday asarlarda hashoratlarga, qushlarga hukm tarzida aytilgan mulohazalar ifodalangan. Bolalarga inson hukmron ekanini uqtirish, bolada o'ziga ishonch bo'lishi uchun yaratilgan janr, nazdimizda. Zafar Diyorning "Qaldirg'och" she'ri uch qismli bo'lib, bolalarni tabiatni, qushlarni sevishga o'rgatadi. Shoir she'rni hukmlagichdan olingan satrlar bilan boshlab, analitik folklorizmni hosil qilgan. Hukmlagichning ikki satrini aynan keltirib, uchinchi satridan so'ng o'zi satrlarni tizadi. Ammo yana xalq misralarini keltirishda davom etadi:

*Qaldirg'och g'och-g'och,
Eshigingni och-och,
Eshigingni ochmasang,
Menga kulib boqmasang,
Tuynigingdan kiraman,
Adabingni beraman⁴.*

Hukmlagichda ham po'pisa bor, unda "Qatig'ingni ichaman", - deyilsa, shoirning lirik qahramoni "Adabingni beraman", deb po'pisa qiladi. Muhimi, ikki she'rda ham qaldirg'ochning g'ashiga tegishga harakat ma'nosi bor. Zafar Diyor

¹ Mirzayev T., Safarov O., O'rayeva D. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. - Toshkent: Aloqachi, 2008. - B. 403.

² Zafar Diyor. Asarlar. - Toshkent: O'zdamnashr, 1954. - B.233.

³ G'afur G'ulom. MAT. 12 tomlik. 3-tom. She'rlar. - Toshkent: Fan, 1984. - B.12.

⁴ Zafar Diyor. O'sha kitob. - B.233.

hukmlagichdagidan farqli o'laroq po'pisasi hazil ekanini ta'kidlab, qaldirg'ochga do'st ekanini uqtiradi va shu yo'l bilan bolalarga qaldirg'ochni avaylash kerakligini aytadi. Hukmlagich bolalarning e'tiborini tortish, voqelik ularning xotirasida qolishi uchun keltirilgan. Bu o'rinda shoir bolalar folkloriga oid qo'shiq ohangi ritmini, vazni saqlab qolib, ritm stilizatsiyasini ham yuzaga keltiradi.

*Yo'q, bu hazil, qaldirg'och,
Eshigingni tezroq och,
Meni yot deb o'ylama,
Yo ovchi deb so'ylama,
Mendir sening o'rtog'ing,
Bog'cham – sening gul bog'ing.*

Shoir folklorga mansub asardan parcha olsa, olingan satrlarni qo'shtirnoqda bergani ma'qul. Shunda xalq satrlari bilan shoir satrlarini farqlash imkoni bo'ladi va bu ijod etikasi hamdir. Bolalar shoirasi Qutbi Nosirova "Oftob chiqdi olamga" she'rida folklorga xos satrdan sarlavha hosil qiladi.

*"Oftob chiqdi olamga,
Yugurib bordim xolamga".
Peshonasi jiqqa ter,
Olov yoqib xolam der¹.*

Ayni damda, mavsum-marosim qo'shigining ikki satrini keltirib, so'ng o'z satrlarini keltiradi. Shoir folklor satridan foydalansa-da, undagi mazmuni tubdan yangilaydi. Bolalar folklori namunasida yetimlik motivi bor. Xola yopgan nonidan o'z bolasiga ko'p, lirik qahramonga bir burda zo'rga beradi, xalq tili bilan aytganda, "ayirmachilik qiladi". Ammo shoir yaratgan she'rda xola onasi uchun non, patir yopmoqda va lirik qahramondan buvisining tug'ilgan kuniga nima sovg'a qilishi mumkinligini so'ramoqda. She'rning oxiridagi xulosada yana oftob obrazi bor, shoir mahorat bilan she'rdagi obrazlarning asar kompozitsiyasidagi izchil ishtirokini ta'minlay olgan. Muhimi, bolalarga yengilgina tanbeh, o'git bor:

*Sana-chi nechta bari
Buvingning bolalari?
Birdan yigirmagacha
Sanab chiqdim bexato.
Naryog'iga o'tolmay
Adashib qoldim ammo.
Oftob mendan kulganday...*

Analitik folklorizm nafaqat she'rlarda, balki liro-epik asarlar tarkibida ham uchraydi. Шoir Quddus Muhammadiy "Qo'ng'izoy bilan Sichqonboy" ertak dos-

¹ Kichkintoylar uchun xrestomatiya. – Toshkent: O'qituvchi, 1978. – B.100.

tonida to'y manzarasini berish uchun xalq "yor-yor"idan foydalanadi:

"Aravaning izidan
Sichqon qochdi, yor-yor.
Sinalmagan joylarga
Singlim tushti, yor-yor.
Tokchadagi qaychini
Zang bosmasin, yor-yor.
Yangi tushgan kelinni
G'am bosmasin, yor-yor"¹.

Ertakda keltirilgan bu "yor-yor"ning bir bandi boshqa qo'shiqdan, ikkinchi bandi boshqa "yor-yor"dan. Shoir analitik folklorizm ko'magida bo'layotgan to'y Qo'ng'izoyning istagi bilan bo'lmayotganini anglatadi. Ko'rinadiki, shoirlar folklor namunasidan foydalanib, o'z asarlari mazmuniga mazmun qo'shadilar. Voqelikning chuqur anglanishiga, fikrlarining bo'rtib turishiga, o'quvchiga tezroq yetib borishiga erishadilar.

**Шодиева НИГИНА,
БухДУ 2-курс талабаси
(Ўзбекистон)**

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ШАМОЛ ОБРАЗИ

(И.Султон ижоди мисолида)

Аннотация: Мақолада ўзбек насрининг етакчи вакиллапридан бири Исажон Султон насрида шамол тимсолининг талқинлари хусусида фикр юритилган.

Аннотация: В статье рассматривается трактовка образа ветра в прозе Исаджона Султана, одного из ведущих представителей узбекской прозы.

Annotation: The article examines the interpretation of the image of the wind in the prose of Isajon Sultan, one of the leading representatives of Uzbek prose.

Калит сўзлар: наср, тимсол, образ, шамол, руҳият, маҳорат, таҳлил, композиция

Ключевые слова: проза, символ, образ, ветер, психика, мастерство, анализ, композиция.

Key words: prose, coat of arms, image, wind, psyche, skill, analysis, composition.

Маълумки, насрининг адабий тур сифатида реал воқеаларни бадиий сўз орқали жозибали ва таъсирчан ифодалашда имконияти кўпроқдир. "Наср (араб. кўмак, зафар), проза-адабий тур, вазн ва қофия сингари шеърятга унсурларга ега бўлмаган ёзма нутқ маҳсули" [1]. Насрда турли хил образлар воситасида ўткир сюжетли, мураккаб композицияга эга асарлар яратилади. Шу жумладан, ўзбек насри ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, ҳозирги адабий жараёнда ўзбек насрида қўтилмаган бадиий образлар шундай моҳирона қўлланиляптики, булар бутун асар композициясида етакчи мавқега ега, гўёки асар сюжетини бошқариб туради. Айни дамда, бу

¹ Quddus Muhammadiy. Tanlangan asarlar. – Toshkent: O'zdavnnashr, 1957. – B.284.

образлар, ўз навбатида, борлиқдаги қайсидир нарса, воқеа-ҳодиса ёхуд инсоннинг маълум бир фазилатлари-ю хислатларининг рамзи ўлароқ ифодаланади. Шу ўринда образ, бадиий образ ва рамз атамаларига изоҳ бериб ўтсак. Таъкид жоизки, образ ва бадиий образ бир нарса эмас.

“Термин сифатида “образ” эстетика санъатшунослик, адабиётшунослик каби фанларнинг ўзак тушунчаларидан бири бўлиб, бунда воқеликнинг, ундаги нарса-ҳодисанинг инсон онгидаги аксини ифодалайди” [2,90].

“Бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва б.) санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланиб, ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган шаклда ифодаланган аксидир” [2,90].

“Рамз (араб.имо, ишора, имлаш) – символ; кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасида кўчма маъно касб етувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури. Рамз моҳиятан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бўлганда реаллашади”^[3.125]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу атамалар бир-бири узвий алоқадор. уйғунтушунчаларидан ҳисобланади.

Истиқлол, озодлик барча соҳалар каби адабиётга ҳам ўзгача оҳанг, рўх, эркинлик олиб келди. Бир қатор ижодкорлар мустақиллик йилларида бир-бирига ўхшамайдиган ажойиб дурдоналар билан ўзбек адабиётини бойитиб келмоқдалар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, истиқлол давридаги асарларда бир қанча янги ифода йўсинлари кўзга ташланади. Шулардан бири рамзийликдир. Сирасини айтганда, рамзийлик бугунги ўзбек насрининг асосий хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда. Ижодкор ўз фикрини тўғридан тўғри эмас, балки маълум бир образлар орқали ифодалаб, уларни асар моҳиятига сингдириб китобхонга етказаяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги ўзбек насрида шамол образи бир қанча асарларда етакчилик қилганини кўраимиз.

“Шамол – ҳавонинг ер юзидаги горизонтал ҳаракати” [4,90]. Шамол майин, хуш ёқувчи, юмшоқ, тезкор, совуқ ва тартибсиз бўлиши мумкин. Шамолнинг шу ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, руҳиятнинг безовталигини яхшироқ акс эттириш мумкин.

Шамол исталган ҳикоя, қисса, роман, умуман, ихтиёрий адабий жанрда икки хил маъно-моҳиятда қўлланилади:

1. Асар қаҳрамонлари руҳиятини очиб бериш, юз берган ёки бераётган ҳодисанинг тафсилотини аниқроқ қилиб акс эттириш. Бунда шамолнинг аҳамияти етакчи эмас. Шамол акс этган ўринларни ажратиб олиб бошқача ифодалар билан бўш ўринни тўлдирса булади. Шамол асар композициясига ўз таъсирини кўрсатмайди.

2. Асарда маълум бир тушунчани ифодалаб, асарнинг бошидан охиригача қатнашади ва асар композициясини шамолсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўрганилаётган асарда шамол тасвирига кўп ўрин берилмаслиги мумкин. Бундан анлашиладики, шамол хусусиятлари ва асар қаҳрамонлари ҳолати ўртасида боғлиқлик бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам беқарорлик ва безовталик руҳий ҳолатларида кўп ҳолларда шамол тасвири киритилади.

Шунда: 1) асарни тушуниш осонлашади; 2) асарнинг бадиияти ошади; 3) асар кайфияти ўқувчига юқади.

“Ичкарида қизлари билан ўзлари бўлиб ўтиришган кампирлар бир маҳал худди келишиб олгандек ҳаммалари бирданига ташқарига қарашди-ю, ранглари кум оқариб кетди... Уларни айни дамда даставвал ажаблантирган нарса сокин сунбула ойидаги безовталиқ эди. Кутилмаган пайтда дераза шарақлаб очилиб кетди-ю, дастурхон ўртасига кучоқ сиғмас бир қамғоқ худди шифтдан йиқилгандай келиб тушди... Хонани бир лаҳза зулум оний зулмат чуғгаб олди”[5,120].

Ушбу парчада шамолга хос бўлган тезкорлик ва безовталиқни тезда англаш мумкин. Фожианинг кириб келиши шамолнинг шиддатига қиёсланиб тасвирланган. Асарда анъанавий одатда яшаб келаётган инсонларнинг тақдири жуда тез ўз ўзанини ўзгартиради. Худди ҳозиргина ярақлашиб қуйган деразангизни бирданига чангли шамол қузғаб барбод қилиб қўйгандек. Асарга янги образлар қанчалик тез кириб келган бўлса асар охирида шунчалик тез ғойиб бўлишади. Бу каби мисолларни яна бир қанча адиблар ижодида учратиш мумкин.

Ҳозирги адабий жараёнда кўплаб маҳоратли ижодкорлар сингари Исажон Султон ҳам ўзбек насри пиллапоояларида ўзига хос ўринга эга бўлиб келмоқда. Адиб асарларида табиат ҳодисалари, айниқса, шамол образи етакчилик қилади. Жумладан, “Озод”, “Боқий дарбадар”, “Генетик” романлари, “Онаизорим” қисса ва бошқа бир қанча ҳикояларини ўқиганимизда улардаги маъно қатларини тушуниш, англаш учун ҳам шу образ моҳиятини илғаб етиш кераклигини кўраимиз. Адабиётшунос А. Расулов эса Исажон Султоннинг “Озод” тўпламидан ўрин олган ҳикояларини таҳлил қилар экан, унинг табиат ҳодисалари, турфа мавжудотларга маъно юклашни юксак баҳолайди:

“Исажон Султон асарларида шамол– ёзувчи имкониятидаги туганмас поэтик имконият. Етилажак тимсоллар мояси. Ёзувчи нафақат шамол, бўрон, тўфонни, ўрни-ўрни билан ҳашарот-у ҳайвонотни, парранда-ю парку булутни, капалаклар, нинчиларни тасвирлайди. Уларнинг ҳар бири маъно қати, рамзи сифатида акс эта бошлайди. Хуллас, постмодернистик асарда ҳамма нарса ўз ўрнида бетакрор тимсол вазифасини ўтайди”[6,410].

Аслида, рамзлар орқали оламу одам ўртасидаги сир-синаотларни, инсон психологияси, ўзлиқни англаш каби масалаларга ечим топади. Шу ўринда “Озод” романдаги шамол образи ҳам қисмат рамзи.

“Шу тобда кўкда оқ булутлар сузиб бормоқда эди. Юксакларнинг шамоли уларни сурув-сурув ҳайдаб борар, бироздан кейин шакли ўзгариб, шиддат билан олдинга интилаётган ёш тойлар тўдаси шаклини олмоқдайдди. Самовий бу отларнинг узун ёллари шамолда ҳилпираб, адоқсиз тиник кенгликларда роҳатланиб чопаётгандек туюларди”[7,6.].

“Озод” романидаги “Шамол” ҳикоясидан олинган ушбу парчада шамолнинг осмону ерда ҳукмронлиги, у қисмат тимсоли сифатида ҳаммиша тақдирини бошқариши ифодаланган. Шамол воситасида муаллиф ўз олдида қўйган мақсадни амалга оширади, яъни ўзлигини англаши учун Озодни

турли хил акслар гирдобида қолдиради. Албатта, бу жараёнда шамол унга кўмаклашади. Унинг қисмати, асл умри нимадан иборатлилигини, қайси синовлардан ўтиши кераклигини шамол унга узоқ ва машаққатли йўл давомида тушунтириб беради.

Муаллиф табиат ҳодисаларини диний нуқтаи назаридан ҳам изоҳлашга интилади:

“Бобом кираверишдаги айвоннинг сўрисиди уззукун ётади. У жуда кўп нарсаларни билади. Шамол эсганда, ёмғир ёғганда дуо қилади. Булар Худонинг неъматлари, шамол дарахт-у ўтларни чанглантиради, ёмғир эса жаннатдан ёғади дейди”[8,31]

Нафақат “Озод” романи, балки аксарият асарларининг композициясида шамол яхлит образ сифатида гавдаланади. Шу характер орқали фикрларини сайқаллайди. Жумладан, “Онаизорим” қиссасида ҳам шундай ўринларга дуч келамиз. “Ҳаволарни алмаштирадигон ва табиатни жўштирадигон икки унсур бор бу ерда: шамол ва сув. Шамол куртакларини очади, гулкосаларни тўкади, ерни уйғотади. Сув тупроқ бағрида яшириниб ётган уруғларгача сингиб боради. Шу икковлан тупроқни илҳомлантиради, гўё қулоқ эшитмас, ақл бовар қилмас садо ила ҳар нарса бирданига ҳаракатга келади. Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...”[8.1]

Юқоридагилардан охириги жумла асар давомида жуда кўп такрорланади. Бу бадий асар талқини усқуртмасида ўзига хос поэтик мақсадни намоян этади. Яъни ҳаёт шамол сингари бир маромда, туғилишдан то абадий ҳаёт сари эсиб, ўтиб бораверади. Фақат унинг сурон ва ваҳималари бор. Агар инсон бу сурон ва шиддатларда ўзини англаб олиб, олға интилсагина, шамол билан ҳамнафас эсиши мумкин. Акс ҳолда, инсон шамол шиддатини кўтаролмай, унинг гирдобида нес-нобуд бўлиб кетади.

Умуман олганда, Исажон Султон шамол образи орқали ўз мақсад-муддаосини, асардаги ғояни очиб беришга ҳаракат қилади. Бу билан поэтик идрокланган асарларидаги фалсафий-рамзий ифодаларнинг тушунилишини соддалаштиради.

Хуллас, шамол каби рамзий-психологик образлар ҳозирги ўзбек насрида жуда кенг қўлланилиб, асарнинг асл мазмуни туб мохиятини очиб беришда асосий ўринга ега бўлмоқда. Муҳими, образларнинг қандай маъно ташиётганини билиш. Шунда ижодкорнинг нима демоқчилиги, китобхонга қайси бадий ҳақиқатларини етказиб бермоқчилигини англаб етамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Шарқ, 2000.
2. Курунов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: “Навоий университети”, 2018 й.
3. Курунов Д. ва б. Адабиётшунослик терминлари изоҳли луғати. – Т.: “Академнашр”, 2010.
4. Ўзбек тилининг энциклопедик луғати. – Т.: Шарқ, 2018.
5. Бўтаев Ш. Шамол ўйини. – Т.: Ёзувчи.1995.
6. Расулов А. Акслар фалсафаси. – Т.: Шарқ.2012.
7. Исажон Султон. Озод. – Т.: Шарқ, 2012.

“IZTIROB”NI O‘QIB

Annotatsiya: Turk adibi Rashod Nuri Guntekinning asarlari o‘zbek tiliga o‘girilgan va kitobxonlari yetarli. Maqolada “Choliqushi” va “Iztirob” asarlari chog‘ishtirilib, adibning uslubiga xos ayrim jihatlariga e‘tibor qaratilgan. “Iztirob” asari obrazlar olami haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Rashod Nuri Guntekin, roman, portret, obraz, bosh qahramon, iztirob, joy tasviri, uslub.

Abstract: The works of Turkish writer Rashod Nuri Guntekin have been translated into Uzbek and have enough readers. The article compares “The Wren” (the autobiography of a Turkish girl) and “Suffering”, focusing on some aspects of the author’s style. The work “Suffering” is about the world of characters.

Key words: Rashod Nuri Guntekin, novel, portrait, character, protagonist, image, suffering, style.

Rashod Nuri Guntekinning “Choliqushi” nomli romani bilan tanishgan o‘zbek kitobxonlari endi yozuvchining “Iztirob” asarini o‘qish imkoniga ega bo‘ldi. Shu o‘rinda ikki asarni biroz qiyoslasak. Chunki “Choliqushi” va “Iztirob” asarlarining o‘xshash hamda farqli jihatlari mavjud. Choliqushi asaridagi voqealar ham garchi hayotning sinov va iztiroblaridan xoli bo‘lmasa-da, ifodalanishida ko‘tarinkilik, o‘ynoqlik bor edi. Balkim bosh qahramon sifatida tanlangan Ferede qizning sho‘xchan va har qanday vaziyatda ham hayotga yengilmay, hamma narsadan zavq topa olishga urinishidagi kayfiyati ham asar bayonidagi ko‘tarinkilikni ta‘minlagandir?! Ammo “Iztirob” asari bayoni tushkun va tushuniksizdek go‘yo. Asar qahramonlari to hayotlarining katta qismini yashab o‘tmaganlaricha o‘zlari to‘g‘ri deb o‘ylagan narsalarning xato va sarobligini tushunishga qiynalganlaridek ko‘rinadi. O‘quvchilar yozuvchining maqsadini, voqealar qayerga va qay yo‘nalishga burilayotganini anglab olishlari qiyin. Hatto asardagi qahramonlar portretlari va joy tasavirlari ham aniq chizilmagandek tuyuladi. Shuning uchun boshida deputat Sharif Xalilbey va maorif mudiri Tavfiq Xayri suhbatlaridagi qaysi gapni qaysi biri aytayotganini anglab olishingiz mushkul. Asar ma‘lum bir makon va zamon tasvirisiz, ortiqcha kirish jumladan xoli holda asosiy voqealar bilan boshlangan. Asarda qahramonlarning tashqi ko‘rinishi alohida tasvirlanmagan. Va bu holatda ishlatiladigan doimiy bo‘lgan uzundan uzoq tafsiflardan qochilgan. Bu narsani ikki asarda ham uchratish mumkin. Ushbu holat esa qaysidir ma‘noda yozuvchining o‘ziga xosligini ta‘minlagan, adib uslubining bir qirrasidir desak, adashmagan bo‘lar edik.

Adib “Choliqushi”da ataylab portret yaratmaydi. Feredening ustozlari yozishni buyirgan xotira inshosi bahonasida sodda, qahramonlar tasviri va xarakter xususiyatiga ravon va aniq holda umumiy to‘xtaladi va u ham to‘liq emas. Chunki bu xotiralar ham bola Feredening yodida qolgan narsalar. “Iztirob” da esa Zahro va uning yonidagilari, u yashayotgan joyi, muhit deputat Sharif Xalilbey

va mudir Tavfiq Xayri suhbatlari asnosida biroz tanishtiriladi. Ammo unda bu juda muhim narsa emasdek, alohida e'tibor bilan to'xtalmay, yo'l-yo'lakay aytib o'tilgan. Alohida bir qism holatida emas, asosiy qism o'rtasidagi kichkina tanaffus ko'rinishdagi yoki lirik chekinish holatidagi ixcham hajmli, aniq, lo'nda va ravon kirish qism ko'rinishida berilgan. So'ng esa rosmana holda asosiy qismga o'tiladi. Asarlarning har ikkisida ham asosiy voqealarni shu asar qahramonlarining kundaligidan o'qiyviz. Bu kundalikning biri ayol kishi tomonidan, ikkinchisi erkak kishi tomonidan tutilgan. Kundaliklar egalarining yaqinlari oldida beayb ekanliklariga bir isbot va jumboq kaliti bo'lib xizmat qiladi. Voqealar kundalik orqali bayon qilingani uchun ham balki aniq, ravon va qisqa holatda berilgan, ortiqcha ta'rif-u tashbehga o'rin qoldirilmaganidir. Yana bir tomoni: sodir bo'lgan voqealar aniq sana bilan berilishi ham bu voqealar qahramon kundaligida bayon qilingani sabablidir. Hayotda kundaligimizga biror bir voqeani qayd etsak, ostiga uning sanasini ham bitishimiz va ba'zan kundaliklarga uzoq vaqt ma'lum sabablarga ko'ra yozilmasligi ham hayot haqiqatlariga to'la mos keladi. Asarning mana shu o'rinlari ham juda hayotiy chiqqan.

Bu asarlarning yana bir o'xshash tomoni borki, bu bir ijodkor qalamiga mansubligidan. Ikki asarda ham yechim kutilmagan vaziyatga kelib qolgan. Ya'ni yozuvchi siz kutmagan natijani keltirib chiqaradi. Toki asar oxirini o'qimas ekan-siz, bunday natijaga kelishini bilmaysiz. Chunki yozuvchi sizni butunlay umidsiz holatga keltiradi. "Choliqushi" da siz Ferede endi qaytib ketsa kerak. Komron va Ferede ikki tomonda o'z o'tlarida qovrilib baribir g'urur va qo'rquv zo'ridan tuyg'ularini bir-birlariga ayta olmasalar kerak deb o'ylaysiz. Ammo Mujgoning yaxshi ma'nodagi sotqinligi va kundalik hamma voqealarning yechimi vazifasini bajarib, asarning baxtli yakuniga sabab bo'ladi. Yozuvchi "Iztirob" da ham shu an'anadan voz kechmaydi va kutilmagan yakun bilan sizni dovdiratib qo'yadi. Ya'ni Zahro bir umr otasidan nafratlanib, yomon ko'rib yashaydi. Aslida otasi u o'ylagan inson emas. Faqat u sharoit va taqdir qurboni. Qaysidir ma'noda, bu asar baxtli yakun topmaydi. Ammo Zahro yolg'on ichidan xuddi qorong'u xonadan quyosh charaqlab turgan ko'chaga chiqqandek bo'ladi. Endi unga hamma-si ayon bo'ladi.

Tahlil qilish maqsadida asar boshiga qaytamiz. Zahroga otasining kasalligini va Istanbulga tez borishi kerakligini aytish uchun Onado'liga kelgan deputat SharifXalilbey shu yerning maorif mudir va do'sti Tavfiq Xayriga uchrashadi. Ikki o'rtada Zahro haqida ma'lum suhbat bo'lib o'tadi. Maorif mudiri uni besh yildan buyon biladi va o'z qizidek yaxshi ko'radi. Uning ta'rifidan Zahroning ishchan, talabchan, tartibni sevuvchi, haqiqatparvar, qisqasi, yaxshi insonga kerak jamiki xislatlar yig'ilgandek tasavvur qilamiz. Ammo uning ham bir kam-u ko'sti bor. Yaqini bo'lsa-da, buni mudirbey ochiq tan oladi. Muallimada achinish tuyg'usi yo'q, diydasi qattiq. Axir bu tuyg'u bo'lmasa, bilib-bilmay xato qilganlarni qanday kechiramiz?! Qiyin ahvolga tushib qolganlarning holatini qanday his qilamiz?! His etolmas ekanmiz, demak, yordam berish tuyg'usidan ham begonamiz-da! Bunday inson tom ma'noda odam bo'lolmaydi-ku! Bu – jiddiy nuqson, bizningcha. Nega Zahro bunday holga kelib qoldi?! Uni tantiqlik shunday qildimi?! Erka bo'lgani uchun insonlar dardiga sherik bo'lolmaydigan darajada toshbag'irmi?

U uy ishlarini bajarib, darsga kech qolishga majbur qizning iztirobini his qilmay darsdan chetlatish darajasida qahri qattiq. Bunga nima sabab ekan-a?! U hayot sinovlari oldida sinmaslik uchun o'zidagi ba'zi zarur tuyg'ularni yuragining tub-tubiga ko'mib tashlaganki, u yerga endi o'zi ham yetolmaydi. Ammo bir kun, albatta, biror sabab bilan bu tuyg'ular ko'milgan yeridan otilib chiqadi. O'sha kundan esa iztirob boshlanadi. Chunki endi qizning dilida og'ir dard bor. Asarda adib o'z darding bo'lsa, bironi anglaysan, degan xulosani yashirgan. Kitobning ancha qismida "Uni nima aynan bu holga solgan?" – degan savolga javob topmadik. So'ng otasi shu kuyga solgan, degan xulosaga keldik. Chunki u onasi, buvisi va opasini, hatto ularga yaxshilik qilmoqchi bo'lgan insonlarni qiynagan otaga nisbatan qo'rquv va nafrat bilan katta bo'ladi. Nafrati shu qadar kuchli bo'lib boradiki, turmush qurmaslikka ahd qiladi. Hech kimga ishonmaydi, otasining so'nggi kunlaridagi yo'qloviga javob qaytarmaydi. O'z nomining otasi nomiga bog'lanishini istamaydi. Ammo o'ylagan hamma narsasi uning tasavvuridagi kabi chiqarmikan?! Yaqinlari haqidagi xotiralar hayot haqiqatlariga mos tusharmikan?! Uning xotirasida otasi axmoq, xotinboz, ko'p ichadigan, mast bo'lib kelib, xotiniga ming turli zulm qiladigan inson sifatida, onasi esa shunday inson qo'lida bir umr azoblangan ma'suma bo'lib muhrlangan. Xolasi esa zolim pochcha tomonidan otib o'ldirilgan bechora, buvi esa ikki qizining baxtsiz hayotini ko'rib qiynalgan mazluma. Bu xotiralarning qanchasi haqiqatga muvofiq kelarkan?! Adib mahorat bilan meni shu kayfiyat ortidan ergashtirdi. Kundalik – tasavvurimizni oydinlashtirgan vosita. Nafaqat bizning, Zahroning atrofdagilarga, yaqinlariga munosabatini tubdan o'zgartirdi. Zahroning otasi Murshid afandi qiynalib, bironlar uyida kir yuvib, eridan yorug'lik ko'rmay, o'g'liga umid bog'lagan onasining mehnati va o'z harakati ketidan diplomlik bo'lgan. Kundalik ana shu quvonch ifodasi bilan boshlanadi. Ammo ne-ne umidlari qilgan ona bu kunlarga yetolmaydi. Shuning uchun u onasini hech ham unitmaydi. Shuning uchun ham xalqqa, vatanga chin dildan xizmat qiladi. U ishonadi: harakatchanligi va mehnatsevarligi evaziga insonlarga yordam berib, o'zi ham baxtli bo'ladi. Bundan boshqacha bo'lishi ham mumkin emas. Axir u – diplomli, mehnatkash, harakatdan to'xtashni istamaydigan, g'ayratga to'la inson. Uning hatto o'z shior va qonunlari bor. Bularning bari chin insonga xos xususiyatlar. Ammo bosh qahramonning tafakkuricha, hayotda ham diplom bo'lsa-da darrov ish topib, qashshoqlikdan qutilish mushkul. Bunga ham pul, ham qo'llovchi tanish kerak. Biroq u xafa bo'lib, tushkunlikka tushib qolmaydi. Mehnat qilib hammasini o'zgartiradi. Evaziga-chi?! Murshid afandining bu o'ylaganlari ham xato bo'lib chiqdi. Jamiyatni u o'ylaganchalik osonlikcha o'zgartirib bo'lmas ekan. Sen ishchanlik qilsang, hamma o'zining yukini ham senga yuklagisi kelar ekan. O'zingni o'ylab, ta'magirlik qilib qonunni buzsang, zararsiz. Ammo insonlar foydasi uchun qonundan sal chetlashsang, jinoyatchisan. Do'stman deganlarga haddan ziyod ishonsang gunohiga sherik qiladi. Hammasidan zerikib, oilaga chekinsang-u oilangdagilar o'zining havoyi istaklari uchun seni iymoningni ham sotishga majbur qilsalar?! Sen buni ular baxti uchun jimgina bajarsang. Keyin bu no'to'g'riligini va sen xato yo'ldan ketayotganingni bilib yo'lingdan qaytsang-u, sen joningni ham berishni istovchi insonlaringdan – oilangdan xiyonat ko'rsang! Yaqinlarim de-

ganlaring seni hammaga yomon otliq qilsa-yu, bunga chidasang! O'z bolalaring dushmaniga aylanib qolsang... Asar qahramonlaridan biri Murshid afandining taqdiri shunday kechadi. U oilasini boqish, himoya qilish uchun yugurib-yelib, nafrat va begonalik javobini olgan ota. Shunda ham ularga baxt tilab turadi. Zahro tanigan, ammo umuman bilmagan otasining achchiq qismati shunday kechdi. Shuncha sa'y-harakati zoye ketib, o'zi tanlagan yo'ldan uzoqlab bordi. Qonunga bo'ysunsa, vijdoniga, vijdoniga quloq solsa, qonunga qarshi borishiga to'g'ri keldi. Jamiyatni ham, hayotini ham yaxshilik tomon burolmay aldov, xiyonat, hiyla qurboniga aylandi. Bu qanday dard, bu qanday iztirob edi...

Zuhro – bir umr otasini xush ko'rmagan, so'nggi daqiqada yonida bo'lib roziligini ololmagan, bir umr ma'sum hisoblagan onasining aslida tasavvuriga umuman mos kelmasligini bilib qolgan qiz. Bu jihatlar uni Choliqushidan farqlab turibdi. Asar oxirida bir iztirobi ming bo'lgani sabab asarning nomi "Iztirob". U mana shu iztirob tufayli komil bo'ldi. Rahm, achinish tuyg'ulariga ega bo'ldi, ammo hayot yuragiga o'chmas va azobi tinmas dardlarni muhrladi. Kitobni komil bo'lish uchun o'qish lozim.

Anglaganim shu bo'ldiki, hayot senda bo'lmagan narsalarni berar ekan-u, albatta, uning tovonini ham to'latar ekan. Ba'zan vaqting, ba'zan baxting va ba'zan yuraging bilan to'lar ekansan. Bu – hayotning achchiq manzaralari. Kamroq xato qilib, ko'proq baxt topish ilinjida bu asarni o'qish lozim, menimcha. Asarni o'qib, ushbu satrlar tug'ildi. maqolaga o'z misralarim yordamida nuqta quymoqchiman:

*Muhabbat faslini xazonga berib,
Dilimning dardini armonga berib,
Sho'xlikning sadosin sukutga ko'mib,
Men seni jimgina, bildirmay suydim,
Boringcha-yo'g'ingcha suydim-u, kuydim...*

**M.Q.Salohiddinova,
BuxDU maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti 4-3-BTU-
20 guruhi talabasi (O'zbekiston)**

BOLALARBOP TAJNISLI IKKILIKLAR

Annotatsiya: Mumtoz adabiyotimizning eng kichik janri fard bo'lib, ikki misradan iborat. Tuyuq janrida, odatda, tajnis ishtirok etishi ma'lum. Shoir Iqbol Mirzo tajnisli ikkiliklar yaratib, mumtoz adabiyotning ikki janridagi ayrim jihatlarini uyg'unlashtirdi. Maqolada bolalarga atalgan tajnisli ikkiliklar tahlilga tortilgan

Kalit so'zlar: qofiyalanmagan fard, folklor, fard, ikkilik, tajnis, shakldosh so'z, sarlavha, lirik qahramon, ikki satr.

Abstract: The smallest genre of our classical literature is fard consisting of two lines. It is known that tajnis (a type of poem in classical literature) are usually used in the genre of tuyuq. The poet Iqbol Mirzo created tajnis binary and combined some aspects of the two genres of classical literature. The article analyzes the tajnis binaries addressed to children.

Keywords: non-rhyming fard, folklore, fard (a poem of two lines), duality, tajnis, figurative word, title, lyrical hero, two lines.

Mumtoz adabiyotimizda fard janri bor. Ikki misradan, ya'ni bir baytdan iborat. "Fard" arabcha s o'z b o'lib, "yakka, yolg'iz" degan ma'noni anglatadi. "O'zaro qofiyalanmagan ikki misra – yolg'iz baytdan iborat, tugal mazmunga ega she'r, mumtoz adabiyotdagi eng kichik mustaqil lirik janr. Fard bir baytdangina iborat b o'lsa ham, unda muhim falsafiy-axloqiy masala qalamga olinib, ixcham poetik xulosa ifodalanadi. Shu bois aksar fardlar aforistik xarakterda b o'lib, ularning k o'plari hikmatlar, xalq maqollar darajasiga k o'tarilgan". Adabiyotshunos olim Dilmurod Quronov ta'kidicha, Alisher Navoiygacha qofiyalanmagan fardlar k o'p uchraydi. Hazratning o'zida 86 ta fard b o'lib, shulardan 82 tasi o'zaro qofiyalangan misralardan iborat. Demak fard ikki xil ekan:

1. Qofiyalangan fard. Misol uchun:

*Kishi aybin yuziga qilma izhor,
Taammul ayla o'z aybingga zinhor¹.*

2. Qofiyasiz fard.

*O'q eding, ey tongki, otting jonima vuslat tuni,
Bu jihatdin yoruma dermen seni har subhdam².*

Fard janri ta'sirida XX asr o'zbek she'riyatida ikkilik janri yuzaga keldi. Barmoq janrida yozilgani uchun fard deyilmadi. Chunki fard aruz vaznida yaratilgan edi.

Ikkilik janri tugal mazmunni anglatgani, mavzu va g'oyaga egaligi, falsafiyli-gi, hikmatomuz tabiatga egaligi bilan fardga yaqin janr. Bu ikki janr faqat vazni bilangina fovutlidir. XX-XXI asr o'zbek she'riyatida ko'plab shoirlarda ikkiliklar uchraydi. Ammo bolalar she'riyatida ikkilik keng yoyilgan emas.

Olima L. Sharipoaning ta'kidlashicha, shakldosh so'zlardan foydalanib, tajnis san'atini yuzaga keltirish, tajnisli she'rlar yaratish asli folklordan boshlanib, so'ng yozma she'riyatga ko'chgan³. 2017-yilda bolalar she'riyatida ikkilik she'rlardan iborat "Erkatoy erkato'y" nomli kitob nashr bo'ldi. O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzo qalamiga mansub qirqta ikkilik tajnis asosida yaratilgan. Demak, bolalarga atab tajnisli ikkiliklar yaratishni shoir Iqbol Mirzo boshlab berdi:

Bog'cha vaqti

*K o'zni och, uyqudan kech!
Bugun ham qolmaylik kech!⁴*

¹ Alisher Navoiy. MAT. Yigirma jildlik. 6-jild. Xazoin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – Toshkent: Fan, 1990. – B.532.

² Alisher Navoiy. O'sha kitob. – B.538.

³ Sharipova L. Erkato'yga munosib erka toy // "Sinf rahbari" jurnali. – Toshkent, 2017. – №10. – B.28.

⁴ Iqbol Mirzo. Ko'nglingda nima bor, bilmayman. 2-jild. – Toshkent: Sharq, 2020. – B.226 (Keyingi

Shoirning o'zi ikkiliklarini "Mitti she'rlar" deb ataydi¹. Bu she'rlar maktab-gacha ta'lim y o'nalishidagi bolajonlar va boshlang'ich ta'lim o'quvchilariga har jihatdan zarur she'rlardir. Ixchamligi, bor-yog'i ikki satr ekani o'qishga, yod-lashga qulay. Eng muhimi, bu ikki misrada o'quvchini dunyoga oshno etadigan mohiyat, o'ziga xos manzara, betakror ifor bor. Betakrorlik shundaki, shoir ikki misrada shakldosh s o'zlarni qo'fiya qilgan:

Tanqidchi boy o'g'li yozuvchi g'ozga dedi

Yozibsiz-da b o'sh asar,

Undan qolmaydi asar.

Birinchi misradagi "asar" so'zi ot so'z turkumiga oid so'z bo'lib, "O'zbek tilining izohli lug'ati"da "Ijodiy mehnat mahsuli" deyiladi. Ikkinchi misradagi "asar" so'zi esa birinchi misradagi "asar" so'zi bilan birga ko'p ma'noli so'z sifatida keltirilgan bo'lib, "Biror narsadan qolgan yoki undan darak beruvchi belgi; nishon, iz" tarzida beriladi². "Ko'p ma'noli so'z tajnisni yuzaga keltiradimi?" – degan savol tug'iladi.

Demak, bu tadqiqtalab masaladir.

Iqbol Mirzo ikkiliklarida shakldosh so'zlar bir necha xil ko'rinishda berilgan: 1. Bir yoki ikki xil so'z turkumi ko'magida tajnis yuzaga ketirilgan. "Bog'cha vaq-ti", "Turna", "Oqsoqol shoqolning yo'rig'i", "Boburjonning buvisiga bayram tilagi" kabi ikkiliklar shular jumlasidandir:

Oq niyatli qaldirg'och

Sumalakka tashlab tosh,

Tilak qildi: "Qaynab-tosh!"³

Birinchi misradagi "tosh" so'zi ot so'z turkumiga, ikkinchi misradagi "tosh" so'zi fe'l so'z turkumiga tegishli. Bunday she'rlardan boshlang'ich sinflarda so'z turkumlarini o'tish jarayonida foydalanish samaralidir.

2. So'z va so'z birikmasi asosida tajnis yuzaga kelirilgan. "Tulkixonning ukasi-ga dashnomi", "To'ng'izning to'ng'ich o'g'liga dashnomi", "Ko'rsichqonning o'g'li-ga topshirig'i", "Tulkixonning ukasiga dashnomi" singari she'rlarni misol keltirish mumkin:

Tulkixonning ukasiga dashnomi

Buncha ham betartibsiz,

Dumimga bet artibsiz.

3. Bir so'z boshqa satrda ikki qismga ajratigan holda boshqa so'z tarkibida turgan qo'shimcha va so'z tarzida kelishi mumkin. "Kumushoyning ilk she'ri", "Tustovuqning jo'jalariga sabog'i" she'rlari misoldir:

misollar shu kitobdan olinganda qavsda beti keltiriladi).

¹ Shu kitob. – B.225.

² O'zbek tilining izohli lug'ati. – Moskva: Rus tili, 1981. – B.57.

³ Iqbol Mirzo. Ko'nglingda nima bor, bilmayman. 2-jild. – Toshkent: Sharq, 2020. – B.231.

Kumushoyning ilk she'ri

*Hovli, o'choq va tandir
Bizning kichik Vatandir (225-bet).*

Shoir sarlavhani she'r mazmuni uchun muhim b o'lgan soz birikmasi bilan ifodalaydi. Sarlavha olib q o'yilsa, mazmun kemtik b o'lib qoladi. Aksaryat ikkiliklarda sarlavha shu taxlit berilgan. Sarlavhani o'zgartirish mumkin b o'lmagan ikkiliklar ham bor. "Oq niyatli qaldirg'och", "Quruvchi Boburjon", "Boboga ta'rif", "Biznesmen kengurudan master klass" kabi she'rlarning sarlavhasi o'zgartirilsa, ikkiliklar mazmuniga jiddiy ta'sir qilmaydi:

Boboga ta'rif

*Kulsa, nurli hamma yoq,
Bobojonim zo'r mayoq (227-bet).*

Ammo "Tulkixonning ukasiga dashnomi", "T o'polonchi echki", "B o'ron chog'i", "Ilonning iqrori" kabi ikkiliklarda sarlavha mazmunni anglatuvchi muhim qismdir:

O'chkor mushuk

*Q o'limga tushsang, qarg'a,
Qora qismating qarg'a!*

Aksariyat ikkiliklarda shoir she'rlari qiziqarli va o'qimishli b o'lishi uchun hayvonlarni, qushlarni lirik qahramon qilib oladi. Shu bilan birga ularni, atro-fimizdagi olamni, tabiatni bolalarga tanishtiradi.

Sarkarda chumoli nizomi

*Avval g'amla osh-u tuz,
Undan keyin q o'shin tuz! (229-bet)*

"Sarkarda chumoli". Bu she'rni bog'cha bolasi yoki boshlang'ich sinf o'quvchisiga o'qib berish jarayonida proyektr orqali chumolilar hayotini k o'rsatish mumkin. Multfilmdan lavha k o'rsatish ham foydalidir. Bolajonlar "Asalari Maya" multfilmi orqali chumolilarning saf tortishini k o'rib, she'rni yanada chuqurroq anglashlari, eslab qolishlari mumkin. Tajnisli ikkiliklarni har jihatdan tahlilga tortish mumkin. Asosiysi, bu she'rlar bolalarga zavq ulashar ekan, ularning so'z boyligini oshirishda, o'zbek tilining qudratini anglatishda muhim o'rin tutadi.

МАҲОРАТЛИ ШОИР

Аннотация: Саъдулла Ҳаким ўзбек шеъриятида табиат тасвири ва руҳият ифодасини ёнма-ён бериш орқали инсон умри моҳиятини очишга интилган истеъдодли шоирлардан саналади. Мақолада шу ҳақда фикр юритилган.

Калит сўзлар: Саъдулла Ҳаким, услуб, табиат тасвири, сўз мадҳи, талмех.

XX асрнинг охирлари ўзбек шеъриятини назардан ўтказсак, ўз сўзи, ўз услубига эга шоирлардан бири Саъдулла Ҳаким эканини мушоҳада қилишимиз мумкин. Шоирнинг услубига хос жиҳатларга эътиборингизни тортмоқчимиз: 1.Руҳият ифодаси ва табиат тасвири ёнма-ён келиб, бир-бирини тўлдиради. Шоирнинг “Онажон”, “Кўрганларим”, “Кўнгил”, “Қиш ва қалам”, “Чумолилар ҳикмати”, “Кўклам навоси”, “Қиёс” каби шеърларини мисол қилиш мумкин:

*Қудуқ – ер қаъридан кўз очган булоқ,
Меним бу қиёсдан мақсадим бўлак:
Бўш челақ йиқилар қудуқ тубига,
Юксакка йўл олар сув тўла челақ!*

2. Табиатнинг маълум бир жиҳатини тасвирлаб, пейзаж яратади. Шоирнинг сўз ёрдамида чизган манзараси кўзингизга-димоғингизга рангуйфори билан муҳрланади, қолади. “Туманли дара”, “Тун ва кувёш”, “Чоштепада ёз”, “Май бомдоди” сингари шеърларини айтиш мумкин.

*Қуюқ туман кўкка йўл олар,
Эриб борар фируза денгиз.
Юракларда нашъаси қолар,
Кўкатларда сон минг кумуш из...
Чинни каби жаранглар ҳаво!*

Шоир табиат тасвирида илк ижодидан ҳозиргача моҳир мусаввирга қиёс қилгулик:

*Панжа уриб тут шохларига,
Адо этгач таяммум шартин,
Яшил барғни билиб жойнамоз,
Ҳамд айтурлар қушлар саф тортиб.*

Шеър сўнгида шоир оппоқ тутларни тасбеҳ доналарига қиёслайди. Аслида ҳам нафақат инсон, ҳар бир жонзот, бутун наботот ўз лисонида Аллоҳга зикр қилади. Буни эса, аввало, шоир кўради, ҳис қилади.

3.Фикрини тарихнинг энг чиройли воқеалари орқали ифодалаб, талмеҳ санъатини юзага келтирар экан, ўзбекни улуғлашга, ўз элидан фахр қилишини ишоралар орқали беришга интилади. Бундай ҳол шоирни қуруқ таърифлардан асрагани учун ҳам эътирофли. “Ўзбекистоним менинг”, “Кўнгил”, “Ватандан яралган” каби шеърларини эслаш мумкин:

*Баногоҳ қоядан
қуласа бир тош,
Тоғ пойиға тушар, тоғни тарк этмас.
Эт билан тирноқдай
Бир жону бир тан,
Ватандан яралган Ватандан кетмас.*

Шеърнинг таъсири шеърхоннинг тасаввур кучи, тафаккури қудрати, руҳий оламининг бор-йўқлиги билан боғлиқ. Бу сатрлар кимда қандай таассурот қолдиради, билмайман. Аммо менинг бутун дунёмни ағдар-тўнгар қилди. Зиддият аро қолиб ўзбекнинг тарихини билганимча кўз олдимдан ўтказдим. Шеърдаки фикрлар ҳақ, аммо... Ана шу “аммо” жонимни ўртади. “Воҳ, улуғ ва чорасиз, ўзбегим”, – дедим ночор. Бир-икки мисол айтаман: Имом Бухорий қабри нега Бухорои шариф тупроғида эмас?! Нега Усмон Носир Ўзбекистонда жон бермади?! Шеър шунча ўйлатдим, шунча сўйлатдим, демак, ўқишга арзийди. Шу ўринда бир фикримни айтсам. Саъдулла Ҳакимнинг таҳлилбоб, ўқимишли, гўзал шеърлари кўп, дилтортар шеърляти бор...

Шоир услубига хос юқорида саналган хусусиятлар аслида аксар шеърларида мужассамлашган тарзда учрайди.

*Учай деса, учоғи гилам,
Ой бир қадам, осмон бир қадам.
Чин истаса, сув юзида ҳам
Авлиёдек юради ўзбек.*

Учоғи – гилам. Ёш шеърхон ўзбек эртагидаги учар гиламни ўйлаб қолса, кекса ўзбек уйидаги кўп йиллик гиламига бир термулиб, учоқдек азиз эканини ўйлар. Биз адабиётшунослар эса ҳар қандай маънода ҳам миллий калорит берилганидан шодланамиз. Оддий шеърхон кейинги икки сатрни ўқиб, ўзбек қудратли эл эканидан гурур туяди. Зукко, тарихимизни билгич шеърхон эса авлиёларимиз сув устида ерда юрган каби дарё кеча олганлари ҳақида ўқиганини эслайди:

*У кашф этгач санокда ўнлик,
Дуё бўлди миллиўн-милйўнлик.
Олам аҳли қилсин деб тўнлик,
Ҳар куз пахта теради ўзбек.*

Ҳа, бу шеърни ўқиган ёш шеърхон кўкси фахрдан тоғ бўлса, қай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, умри пахтазорда ўтган кекса шеърхоннинг кўкси армондан ўртанади. Биз шундай халқмиз: дунёни табиий мато билан кийинтириш учун тўрт фасл ҳам тинмаймиз ва муҳими, ана шу меҳнату-заҳмат шарофатидан хоразмийлар етишиб чиққан аслида. Шоирнинг оддий кўринган, ўйноқи оҳанг отидаги самимий сатрлари тафаккур қилишга ундай олади. “Сўздан баланд туради ўзбек!” Гўзал! Ўзбекка юксак баҳо берилгани учун гўзал. Айни дамда, поэтик жиҳатдан гўзал. Мазмунида ийҳом бор. Тўлиқ жумла, аниқроғи, сатр бир вақтнинг ўзида икки маънода ҳам ўзини оқлаган. Бу ийҳом “сўз” сўзи билан боғлиқ. Шоир ўзбекини сўздан юксак ҳисоблади. Аллоҳнинг яраткичлари орасида энг улуғи инсон ва инсонни ҳайвондан фарқлаб турган қудрат, аввало, сўз! Дунё сўз ёрдамида яралган! Шоир шеърхонда иштибоҳ туғилмаслиги учун бу сатрни алқов маъносида ишлатганини ўзи таъкидлайди. Бу сўзни қадрсиз қилиш эмас, кўпмаъноли “сўз” сўзининг рангин маъноларидан фойдаланишдир:

*Беватанлик – Ватаннинг тарки,
Ўз элини шарафлар ўзбек.
Алқов айтса Саъдулла Ҳаким,
Сўздан баланд туради ўзбек!*

Шоир учун эли сўздан – сўз санъати бўлмиш (Ҳазрат Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да “адабиёт” атамаси ўрнида “сўз” истилоҳини қўллаб, наср ва назмга бўлади) адабиётдан ҳам баланд. Адабиётдан ҳам боқий. Иккинчи маънода, ўзбек гап-сўзга парво қилмайдиган, майда гаплардан устун эл. Эҳтимолки, шоир элимизни улуғ сўздан ҳам улуғ дея тараннум этиб, фахрия юзага келтиргандир?! Муҳими, моҳирона тарзда ийҳом қилинганни рост. Ахир бу – Саъдулла Ҳаким иқрор бўлгани каби алқов. Шоирнинг “Шоир қалби”, “Озод сўз” каби шеърлари ҳам сўз мадҳига бағишланган. Унинг “Озод сўз” шеърида “Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?” такрор сатри шоир мақсадини англатувчи сатрга айланган. Дастлаб ҳайратланасиз, сўнг чўчиб тушасиз: сўзни ҳам қамаш мумкинми?! Кейин эса иқрор бўласиз: гуноҳсиз бўла туриб қамалган, дунё тан олган сўз усталарининг аксарияти билан бирга Сўз қамалгани рост:

*Шоир забонидан топдилар сени,
Оёқ-қўлларингни чопдилар сени,
Устинга муз тупроқ ёпдилар сени,
Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?
Навоий даҳоси зиёсин сочди,
Чўлпон сени суюб кўкайин очди.
Сен уни тарк этиб, қайларга қочдинг,
Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?*

Саъдулла Ҳаким сўзни ёлғони борлар, қонида фотиҳлик қони борлар, тўралар, ғўралар, аҳли киборлар қамашини таъкидлар экан, асрлар дарди-

ни шеърга солади. Ўзбек бутун тарихи давомида ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам “ерга кўз тикди”. У заминни деди, жонини, шонини, имонини, нонини тупроқ билан тиллашиб топди ва бундан гоҳ баракот топди, гоҳ баракотидан ўзгалар ҳузур қилди. Бунга унинг ерга кўз тиккани сабаб. Қаранг, тилимиз қандай қудратли: “ерга кўз тикди”. Қўпмаънолилик ҳам бор, шаклдошлик ҳам мавжуд. Шоир ийҳом санъати ёрдамида элимизнинг меҳнаткашлигини ҳам, андишали эканини ҳам кўрсата олган. Андиша меъёридан ошса, журъатсизликка олиб келади. Феълимиздаги бу жиҳат туфайли элимизни гоҳ баҳор, гоҳ куз алдади. Энди гуллай деб турганимизда, чечакларимизни қишга бердик. Энди ҳосилимизни йиғиб-йиғиштирганимизда ўзгалар эга чиқди. Сўзлар табиий тарзда ўз ўрнини топса, маънолар қавати кўринади:

*Сени излаб ўзбек ерга тикди кўз,
Бир чопган жойига кетмон урди юз.
Баҳор ваъда берди, алдаб кетди куз,
Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?*

Инсоният сўзни муқаддас деб билган кундан ҳозиргача дунёда ҳақиқий сўзни, озод сўзни қамашга уринадилар. Бир лаҳза бўлса-да, бу таъқиб тўхтаган эмас ва қаршилик бор жойда зиддият, зиддият бор жойда кураш, кураш бор жойда тараққиёт борлиги ҳақиқат. Курашнинг шакли кўп. Сўз кураши барча кураш шаклларида қудратли ва таъсир доираси бепоён. Бир вақтлар сўзнинг улўғлигини ифодалаган шоир бугун дунёга чиқиб, сўзнинг озод эканини, уни қамашга ҳеч ким ҳуқуқли эмаслигини ўзбекининг бир шоири бўлиб айтаётгани рост. Шоирнинг дарди – сўз. Саъдулла Ҳаким – етук шоир, эл дарди билан ёнаётган, давр билан ҳамқадам шоир. Устоз шоирликнинг ўлчамини ҳис қилади, залворини англайди ва бу ҳақда “Шоирга” номли тўрт сатрли мухтасар шеърида ёзади:

*Белни маҳкам боғла, боғлама тилни
Ва лекин унутма бир таомилни.
Оғзингдан киргани ўзингни боқар,
Оғзингдан чиққани боқади элни.*

Шоирни кичик бир ҳодиса ҳам фикрлатади, дарднок қилади. Шоир – лирик қаҳрамон Гарашада тоғ чўққисини мўлжаллаб турганида оёғи остидан тош сирғаниб, жарликка учиб кетади. Оддий инсон бўлганида ўз ҳаётини ўйлаб қоларди. Шоир “Кўшилиб нола қилган Тошлар дўстинг эдими?” – деб ўкинади. Тошнинг дилини оғритгани учун ўзини ғофил, бебош деб билади. Унинг шоир кўзи тошни ушлаб қолишга интилган наъматакни кўриб қолади. Шоир ҳаётини манзарадан гўзал, бетакрор хулоса чиқаради:

*Эй, қадрдон тоғимнинг
Миттигина бўлаги,*

*Тош бўлиб шунча бўлсанг,
Мен ҳам бир тош бўлайин.
Ўраниб қор кўрпага,
Қиш уйқусига қонай.
Қўнғироқ чалса ёмғир
Гул қўтариб уйғонай.*

Бу гўзал, беқиёс шеърларни ёшлар ўқиши керак. Айниқса, техника кўнгилларни тошга айлантирай деб уриниб ётган замонда бу шеърларга муҳтожмиз. Биз шоирнинг айрим шеърларини таҳлил қилдик, шеъриятига назар солдик. Таҳлил қилинмаган шеър дostonлари етарли. Ўзбекнинг ҳали асарлари таҳлил ва талқин кутиб турган шоири, носири, драматурги кўп. Бу ҳам қувончли, ҳам оғриқли.

IV БОБ
АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ
ВА АДАБИЙ ТАНҚИД
МУАММОЛАРИ



Ахмедова ШОИРА,
БухДУ профессори, ф.ф.доктори
(Ўзбекистон)

БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ОЛИМ ТАЛҚИНИДА
(профессор С.Алиев таваллудининг 100 йиллигига бағишланади)

Аннотация: Мақола адабиётшунос олим С.Алиевнинг Бухоро адабий муҳитини ўрганиш борасидаги изланишлари, асосан Савдо, Сомий, Саҳбо ҳақида тадқиқотлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: Статья посвящена исследованию литературоведа С. Алиева по изучению литературной среды Бухары, в основном по Савдо, Соми, Сахбо.

Annotation: The article is devoted to the study of the literary critic S. Aliyev on the study of the literary environment of Bukhara, mainly on Savdo, Somi, Sakhbo.

Калит сўзлар: адабиётшунос, Бухоро, адабий муҳит, шеърят, таҳлил, мухаммас, олим, адабий мерос,

Ключевые слова: литературовед, Бухара, литературный среда, поэзия, анализ, мухаммас, учёный, литературные наследие.

Key words: literary critic, Bukhara, literary environment, poetry, analysis, muhammas, scientist, literary heritage,

XX аср ўзбек адабиётшунослиги фанига муносиб ҳисса қўшган етук олим, фидойи мураббий, сермаҳсул, машаққатли илм йўлини босиб ўтган олим, йирик манбашунос, араб ёзувидаги қўлёмаларнинг тубига етиш имкониятига эга заршунос, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саиджон Алиев тадқиқотларида Бухоро адабий муҳитини тадқиқ этиш йўналиши устувор эди. С.А.Алиев, аввало, ўзига раҳнамолик қилган устозлари, давримизнинг атоқли фан арбоблари С.Айний, Е.Э.Бертельс, Ойбек, А.Саъдий, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султоновларнинг анъаналарига содиқ ҳолда изланди, тадқиқотлар яратди, иккинчидан, у илмда ҳам педагогика фаолиятидагидек ҳалоллик учун, тўғрилик учун курашди.

Саиджон Алиев адабиётшуносликка ўзбек мумтоз адабиётининг моҳир тадқиқотчиси сифатида кириб келди. У узоқ йиллар Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солих, Муқимий, Мирзо Сомий Бўстоний, Саҳбо ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганди, таҳлил этди, улар ҳақида илмий, илмий оммабоп характердаги асарлар яратди. Айниқса, Бухорода яшаган шоирлар, адиблар ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

“Ҳаёт ҳамма нарсани бермайди. Изланиш, ўрганиш керак”, - деган сўзларни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган етук инсон, ўз касбининг заҳматкаши бўлган Саиджон Алиевнинг ўзбек адабиёти соҳасида олиб борган тадқиқотларига тўхталинганда, “Унутилмас саҳифалар” (1986), “Бухорода битилган байтлар” (1992) деб номланган китобларини эсламасликнинг иложи йўқ. Бу китоблар жанрини муаллиф “Адабий мақолалар, хотиралар, қайдлар” деб белгилаган. Муҳими, улар қайси жанрда бўлмасин, ҳаммасида устоз бешигини тебратган Бухоройи шариф билан боғлиқ ёруғ нуқта-

ларнинг кўплиги уларни бир тизимга бирлаштиради. Уларда Фитрат, Ҳамза, Айний, Ойбек, Мирбобо Муҳсинзода, Шариф Нурхон, Султон Жўра сингари адиблар ҳаёти ва асарларининг Бухоро билан боғлиқ нуқталари, ўзбек-тожик адабий алоқаларининг нисбатан кам ўрганилган қирралари ўзига хос йўсинда қаламга олинган. Олим биринчилардан бўлиб, ижоди кам тадқиқ этилган Савдо, Саҳбо, Сомий, Мунзим, Ҳамдий, Садри Зиё каби ижодкорлар ҳақида мақолалар ёзди.

С.Алиев ўз ижодида ўзбек ва тожик халқларининг адабий алоқалари масалаларига ҳам кўп эътибор қаратиб, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳити тадқиқига бағишланган Э.Шодиев ишларидан бошқа тадқиқот йўқлиги, айти Бухоро адабий муҳити кам ўрганилганлигини таъкидлаб, ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида ижод қилган Савдо, Сомий ва Саҳбо ҳақида қимматли маълумотлар берувчи мақолалар ёзди.

Профессор С. Алиев ишларининг алоҳида кўзга ташланиб турган жиҳати 19-асрнинг иккинчи ярми 20 аср бошларида яшаб ўтган бухоролик зуллисонан шoirлар ҳақида маълумот бериш ва уларни тадқиқ этишдаги камчиликларини тўлдиришдир. Олим Савдо ҳақида маълумот берувчи биринчи асар сифатида С.Айнийнинг “Эсдалиқлар”ини, кейин эса тожик адабиётшунослари Х.Мирзозода, Р.Ҳодизода каби олимларнинг тадқиқотларини тилга олиб, шoirнинг қўлёмаси Шарқшунослик институтида сақланаётганлиги, Г.Ғалимова шу асосда шoirнинг тожикча “Танланган асарлар”ини босмага тайёрлаганини айтиб ўтиб, Айний “Эсдалиқлар”ига таяниб, Савдонинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни беради.

Айний асарига таяниб, олим Савдони наққошлик, лаввоҳлик (мармартош устига ўймакорлик билан ёзиш), расомлик, заргарлик каби ҳунарларни эгаллаган, муסיқа маҳоратига эга, ҳозиржавоб, хушчақчақ инсон сифатида тасвирлагани, ҳаёти оғир кечгани ҳақидаги маълумотларни келтирар экан, Ўзбек тилида ҳам юксак бадииятли ғазаллар ёзиб “Мунтахбон” номли тўплам тузган Савдо адабий меросини мундарижа ва шаклига қараб уч қисмга бўлади: а) ишқий шеърлар, қасида ва марсиялар; б) аттаъималар (таомлар таърифга бағишланган шеърлар) в) ҳажвиялар. Шу билан бирга олим Савдонинг Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Абу Исҳоқ Атъимий, Навоий, Бедил ва Машраб каби форс-тожик ва ўзбек мумтоз шoirларининг анъаналарини давом эттирганини мисоллар асосида ёритади.

Шoirнинг шеъриятга жонли тил сўзларини киритибгина қолмай, уларни ўзгартиргани, янги сўз ясагани ҳақида фикр юритар экан, масалан “қатиқ хўрдем” эмас “қатиқидем” шаклида ишлатгани, кўпроқ сўз ўйини, кесатиш, сатирик руҳда шеърлар ёзгани кўрсатилади. Шoirнинг “Нозанин эрур” радифли ўзбекча ғазали тўлиқ келтирилиб, таҳлил қилинади.

Олим Савдонинг насрда ҳам қалам тебратгани, “Музҳика” номли асар ёзиб, ўз даври урф-одатларини бош нағма(лавҳа)да ҳазил-мутойиба қилиб сатира остига олганини кўрсатар экан, ҳар бир нағма ҳақида алоҳида фикр юритади. “Музика” номли насрий асарида ўз даври урф – одатларини қаламга олиб, туркий тилда сўзлашувчи бошқа халқларнинг саломлашиш

лари ҳақида ҳам маълумот бериб шундай мисолни келтиради: “Туркман халқининг маъқул ва мақбул таклифи бор: қўл бериб кўришгач бир – бирларини ҳурмат юзасидан “Сўранг”, деб бошлашга ундайди. Бошқаси ҳам “Сўранг”, деб уни ундайди. Униси “Сиздандир”, – дейди. Бошқаси: “Йўқ, сиздан” дейди. Ниҳоят бириси бошлайди: “Омонлик – эсонликму, мол бошингиз, асли бошингиз, бола-чақа”.

С.Алиев шоир Савдонинг ҳаётига доир маълумотлар берар экан, кўпинча тожик тилида қалам тебратган, Бедил услубини ривожлантирган шоир сифатида талқин қилади.. Бедил ғазалига ёзган назирасини таҳлил қилади. Шоирнинг тожик тилида ёзилган ғазалларида ҳам ўзбек халқ мақолларидан, сўзларидан усталик билан фойдаланганини кўрсатиб беради.

Олимнинг иккинчи мақоласи Сомийга бағишланган бўлиб, Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида туғилган мирза ва шоир Сомий ҳақидаги маълумотларни тўлдириши жиҳатидан эътиборлидир.

Мирзо Абдул Азим Сомий зуллисонан шоир ва тарихчи бўлиб, фаолиятининг айрим томонлари бирмунча ўрганилганлиги, шоир меросидан “Тарихи салотин манғития” (“Манғит султонлари тарихи”) китобининг 1962 йилда Москвада нашр қилинганлиги, бу ишни амалга оширган, рус тилига таржима қилган, шарҳлар билан босмага тайёрлаган олима Л.М.Епифанованинг хизматларини алоҳида таъкидлайди. Сомийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари ва саёҳатнома типигаги асарлари З.Ш Ҳасанованинг номзодлик диссертациясида тадқиқ этилганлиги, аммо ўзбек тилидаги ижоди ўрганилмаганлигини афсус билан қайд этади.

Сомийнинг саройда мунши бўлганлиги ва “Тухфаи шоҳий” номли асарида бошдан оёқ амир Абдулаҳад ва сарой аҳлининг бемазагарчиликларини қаттиқ танқид остига олганлиги ҳақида фикр юритиб, поэтик маҳорати таҳлил этилади. Шу билан бир қаторда Садриддан Айний маълумотларига суяниб унинг туғилган ва вафот этган йилларига аниқлик киритилади: “У ҳижрий 1325 (мелодий 1907) йилда 72 ёшида вафот этган, – деб ёзади шоирни яхши билган С. Айний” Шунга қарамай баъзи адабиётшунослар Сомийни 1910 йилда, баъзи тарихчилар эса уни 1914 йилда вафот этган деб ёзадилар. “Ўзбек совет энциклопедиясида” эса “вафоти номаълум” деб кўрсатилади. Олим Сомийнинг туғилган йили ҳам энциклопедияда қайд қилинганидек, 1823 йил бўлмай балки 1837 йилда тўғри келади деб масалага ойдинлик киритади.

Устоз шогирдлари Г.Аҳророва билан биргаликда Сомий асарларини излашга киришиб, шоирнинг набираси қўлида қолган қимматли дастхат баёзни топадилар ва бу қўлёзмани “Бухоро баёзи” деб атайдилар (кейинчалик Г.Аҳророва Сомий ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлайди, гарчанд устоз раҳбарлик қилмаган бўлсалар-да, мавзуни бериб, тўғри йўналиш кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш зарур деб ҳисоблаймиз).

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Бухоро адабий муҳитида адабий таъсир масаласи ўтмиш ижодкорларининг ғазалларига таҳмис, назира боғлаш йўли билан ривожланганлигини кузатиш мумкин. Бухоро шоирлари Навоий, Фузулий, Муқимий каби классикларнинг асарларини яхши билганлар ва уларни ўз устозлари деб ҳисоблаганлар. Масала шу жиҳатдан

ёндошган олим Сомийнинг Навоий, Фузулий ва Муқимий анъаналарини давом эттиргани ҳақида фикр юритиб, шоирнинг Навоий, Фузулий ғазал-ларига ёзган мухаммасларидан парча келтиради Навоийнинг

*Ваҳки муғбача ҳар дам чекибон бодаи ноб,
Кўзғолиб арабадасидан бу кўҳна дайри хароб,*

матлаъси балан бошланадиган ғазалига Сомий ўн бир бандлик мухаммас боғлайди. Мухаммаснинг биринчи банди:

*Ишқ водийсида мен хастаи заиф маъоб
Жисми зоримга жунун шиддатидин турли азоб,
Ногаҳ ул шўх чиқиб зулфи сиёҳини тароб,
Ваҳки муғбача ҳар дам чекибон бодаи ноб,
Кўзғолиб арабадасидан бу кўҳна дайри хароб.*

Шоирнинг Муқимий мураббасига назира битгани, халқ ашулалари, халқ оҳангида ғазаллар ёзгани, унинг Россияда бўлгани ҳақидаги маълумотларни келтиради, мақола охирида шоир асарларининг барчаси етиб келмаганини афсус билан қайд этади.

Учинчи шоир ҳақидаги мақола “Саҳбо” деб номланади. Саҳбо ҳам форс-тожик тилида, ҳам ўзбек тилида шеърлар ёзган зуллисонайн лирик шоирлардан бири бўлган. Саҳбо ҳақидаги илк маълумот унинг замондоши Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Миръот ул-хаёл” (“Хаёл кўзгуси”) тазкирасида учрайди. Олим ундан парча келтиради. Сомийнинг 22 мисралик маснавийсида Саҳбога таъриф беради:

*Агар хомваш парвишиони қунад,
Аторуд кужо нуқатдонӣ қунад...*

(Агар қалами парвоз қилса, аторуд уни қувиб етолмайди. Унинг шеърлари малоҳат ва баёнда намуна, маҳорати мусиқийликка бой)¹.

Садри Зиё эса ўзининг “Тазкори ашъор” тазкирасида Саҳбога қирқ мисра шеър бағишлайди. Тазкирага таяниб, унинг инсоний фазилатлари, мироб сифатида фаолият юритгани, Амир Олимхон томонидан ўлдирилгани ҳақидаги маълумотларини берганига ҳам тўхталади.

С.Айний ҳам “Намунаи адабиёти тожик” китобига Саҳбо шеърларидан киритганлиги, у билан танишлиги, “ўзида ғойибона муҳаббат” пайдо қилган биринчи шоир сифатида Мирзо Ҳайит Саҳбони тилга олиши, “Эсдали-клар” да ҳам Саҳбо ижоди, шахсига оид қимматли маълумотларни берганлигига тўхталади.

Кузатувчан олим Саҳбонинг неварасини излаб топади, унинг бобоси ҳақидаги хотираларини, шу билан бирга Саҳбони таниган кишиларнинг хотираларини ҳам келтиради. Хусусан, Саҳбонинг Қабодиёнда ваҳшийларча ўлдирилиши фожиасини кўрган Ҳайбулло Мамашоев хотиралари жуда таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

¹ Саид Алиев. Бухорода битилган байтлар. Адабий мақолалар ва хотиралар. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – Б.99.

С.Алиев бу шоир ижодига қизиқиши баландлигидан, унга бағишлаб “Мирзо Ҳайит Саҳбо” номли пьеса ҳам ёзди ва бу пьеса С.Айний номидаги Бухоро вилоят театрида бир неча йиллар саҳнадан тушмай келди.

Устоз ижодининг айна шу қирралари ҳақида истеъдодли олим А.Хонов шундай ҳикоя қилади: “Домла Алиевнинг улуғ ёзувчиларга, таниқли адабиётшунос ёки санъатшунос олимларга эхтироми, улар ҳақида мароқ билан, фахр билан сўзлаб бериши ажиб бир ибрат намунаси эди. Яссавий, Бобур, Машраб, Махтумқули, Муқимий каби улуғ сўз санъаткорларининг Бухорога муносабатлари, Бухорода бўлганликлари билан боғлиқ ҳаётий воқеаларни домла ғоятда фахр туйғулари билан гапирар, буни мақола ва рисоаларида талқин ва таҳлил қиларди. Бухородан етишган сўз санъаткорлари ҳақидаям китобларда расман ёзилган ва ёзилмаган воқеа талқинлари эса яна бир ибратли ҳодисадир. Рудакий, Аҳмад Дониш, Саҳбо, Садриддин Айний, Мирзо Сомий, Содиқ Жондорий, Абдурауф Фитрат сингари бир қатор бухоролик ижодкорлар ҳақидаги маълумотларни, уларнинг ҳаётига, асарларига доир оҳорли қарашларни ва жозибали талқинларни илк бора домла Алиевдан эшитганмиз, десам, бўлади. Булар орасида у кишининг Садриддин Айнийга бўлган муносабати алоҳида ажралиб туради. Домланинг Айнийга эҳтиромли муносабатлари, ҳатто, кийиниши, ўзини тутиши, гап-сўзларда ҳам ўзини намоён етиши анча мароқли эди. Саиджон Алиев домла, кўпинча, Айнийнинг расмлардаги кителига монанд кўкроқ мовутдан энгил кител кийишни хуш кўрарди. У киши юз тузилиши, қадди-басти билан ҳам Айниймонанд эдилар”¹.

Саиджон Алиевнинг С.Айний билан боғлиқ хотиралари ва тадқиқотлари кейинги мақолаларимиз йўл очади.

Адабиётшунос олим Саиджон Алиевнинг бухоролик уч шоир ҳақидаги мақолаларини ўқир эканмиз, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бу кузатишлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот жуда кам бўлган ижодкорлар ҳақида ўқувчида маълум таассурот уйғота олади.

2. Мақолалар ҳажман қисқа бўлса-да, ўзида зарур далилларни тўплагани, келгусида мазкур ижодкорлар ҳақида тадқиқот яратувчиларга йўналиш бера олиши жиҳатидан муҳимдир.

Профессор Саиджон Алиев бу ижодкорлардан ташқари бухоролик Мунзим ва Ҳамдий ҳақида ҳам мақолалар ёзган. Унинг Шоҳин, Возех, Ҳайрат каби шоирлар ҳақида қимматли маълумотларни келтириши, олимнинг фидойилик билан изланишлари ёш тадқиқотчиларга ибрат бўлиши жиҳатидан ҳам аҳамиятга эга.

Устод бухоролик ёш ижодкорларнинг йўлбошчиси ва ғамхўр ҳомийси сифатида Бухоронинг кўзга кўринган таланти ижодкорлари – Жамол Камол, Тошпўлат Ҳамид, марҳум Максими Карим, тожик шоираси Гулчеҳра Сулаймонова, Марям Турдиева, Самандар Воҳидов, Тошпўлат Аҳмедов каби шоир ва шоиралар ижодини доим кузатиб борди, уларга оқ йўл тилади, асарларини таҳлил қилиб мақолалар ёзди. Устоз кўмагида Неъмат Ами-

¹ Абдуғаффор Муродхон. Поклик пойдевори // Китобда: Дилдан номи ўчмас устознинг. –Тошкент: Мухаррир. 2010. – Б.64.

новдай дунё таниган сатирик усталар, Самандар Воҳид, Жамол Камолдай етук шоирлар етишиб чиқади.

Олимнинг ижодкор сифатида ёзган шеърларини кўздан кечирар эканмиз, ватанга бўлган муҳаббат, шу жонажон Бухоро фарзанди бўлганлигидан ғурурланиш, фахрланиш туйғулари устунлигини кузатамиз. Шу боис устод “Бухоро, отажонимсан, Бухоро, онажонимсан”, – дея она шахрини суюб- ардоқлайди. Ҳақиқатдан, бу кўҳна ва навқирон Бухорои шариф билан қанча фахрланса, ғурурланса арзийди. Ахир бу юрт Ибн Сино каби доврўғи жаҳонни тутган табиб ватани, ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандни тасаввуф оламига етказиб берган Ислоом беланчаги, қолаверса, Исмоил Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувонийлар кўзларига тўтиё қилган табаррук тупроқ. Туркистон кўксидаги муқаддас тумор! Шу боис шоир “Сенга тоабат таъзим, ўстирган она тупроқ”, – деганда минг карра ҳақ эди. У жонажон юртидан қанча узоқлашса, унинг кўзига ватани шунчалик муқаддас кўринади, “олмазор,шафтолизорларию, гулзорлари” ўзига чорлайверади:

*Узоқлашсам кўзимга боғдайин кўринасан,
Тушларимга кирасан, тоғдайин кўринасан,
Мўътабар нону тузу ёғдайин кўринасан,
Сенга тоабат таъзим, ўстирган она тупроқ.*

Ҳамиша яхшиликка хайрихоҳ бўлган муаллим-шоирнинг муқаддас тупроқни васф этувчи бундай шеърлари кўп.

Хулоса қилиб айтганда, Саиджон Алиев – илму маърифат маскани, тарихий обидалар макони Бухорои шариф фарзанди бўлганлигидан бир умр уни севиб яшади, ўз ҳаётини Бухоросиз тасаввур эта олмас, ўзини Бухородан айри кўра билмасди. Шу сабабли умрининг сўнгги йилларида ёзилган асарларининг номларида ҳам она юрти Бухорога меҳри бўлакчалиги бўртиб кўринади: “Бухорода битилган байтлар”, “Бухоро нидоси”, Бухоро фарзанди Абу Али ибн Сино ҳақидаги роман, тарихда ўтган бухоролик олимлар, ижодкорлар ҳақидаги тадқиқотлар, пьесалар фикримизнинг яққол далили бўла олади.

НавДПИ профессори,
филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА АДАБИЙ ТАНҚИД ХОЛМУРОДОВ А.,

Аннотация: Адабий жараён ва адабий танқид муаммолари бугунги кунда долзарб мавзулардан биридир. Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиёти ва муаммоларини тадқиқ ва таҳлил этиш адабий жараён масалалари ҳамда тамойилларини тўғри ва холис баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Мақолада ана шулар ҳақида фикр юритилган.

Annotatsion: The problems of the theory literature and literary criticism are one of the most pressing issues today. It is important to research and analyze the development of Uzbek literary criticism in objective and context marking the problems of literary process. The article raises those problems.

Аннотация: Проблемы литературного процесса и литературной критики является актуальной темой современности. Исследовать и анализировать проблемы и прогресс узбекской литературной критики имеет важное значение при правильного и справедливого оценки литературного процесса. В данной статье идёт речь именно об этом.

Калит сўзлар: жараён, миллий, маърифатчилик, воқелик, тамойиллар, давр-лаштириш.

Key words: process, national, pedagogy, eternity, factors, periodization.

Ключевые слова: процесс, национальный, просветительство, явление, тенденции, периодизация.

Адабий жараён адабиётнинг муттасил ривожланиб, тараққий этиб, янгиланиб борадиган доимий ҳаракатидир. Муайян бир миллий адабиёт ҳақида сўз юритганда унда кечаётган адабий жараён, ютуқлари, жанрлар такомили, дунё бадиий тафаккурига таъсири, кўшган ҳиссаси қабилар назарда тутилади. XX асрнинг 90-йилларидан то ҳозирги кунгача бўлган давр – “Мустақиллик даври адабиёти” истилоҳи билан юритилиб келинади. Бу давр адабий жараёни бадиий тафаккурда ўзига хос юксалишлар, жанрлар такомили ва уларнинг ранг-баранглиги, реал воқеликни бадиий акс эттиришда индивидуаллашувнинг кучайиши, дунё адабиётининг энг илғор тажриба ва анъаналаридан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши билан алоҳида ажралиб туради. Адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқидга муносабат, уни таҳлил ва тадқиқ этиш тамойиллари тубдан ўзгарди. Бугунги кунда адабий жараёндаги тараққиёт даражаси, бадиий тафаккур имкониятлари дунё адабиётидаги мезонлар билан ўлчанмоқда, баҳоланмоқда. Дунё адабиётида кечаётган адабий жараён янгилликлари, адабий алоқалар ва ўзаро таъсирлашув миллий адабиётимизда ҳам намоён бўлмоқда. Адабий жараённинг ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос кечиши ҳар бир даврда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, маданий-маърифий шарт-шароитларга боғлиқ. Бугунги адабий жараёнда ҳам бу хусусиятни кўриш мумкин. “Адабиёт назарияси асослари” дарслигида адабиёт тараққиётининг муҳим ички омиллари тўғри тавсифланган: “Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр адабиётида мавжуд энг яхши жиҳатларни ўзига сингдиради ва ўзидан унга нимадир қўшишга интиладики, шу асосда тараққиёт жараёнининг узлуксизлиги таъминланади. Адабиётдаги вори-сийлик, анъаналарга содиқлик ҳар бир миллий адабиётдаги ўзига хослик, миллий қиёфанинг йўқотилмаслигини кафолатлайди. Бой анъанага таянган адабиётнинг ривожланиш имкониятлари, табиийки, бошқаларга нисбатан юқори бўлади”¹.

Мустақиллик даври адабиёти адабиётимиз тарихида тўпланган бой тажриба, жуда улкан маданий-маърифий мерос, ўлмас миллий анъаналарга ворилик масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда ривожланмоқда. Адабий

¹ Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. Дарслик. – Тошкент: Навоий университети, 2018. – Б.434.

жараён илгари ҳеч кўрилмаган миқёсларда, чексиз имконият ва шарт-шароитларда жўшқин кечмоқда. Бунда, аввало, мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиз марказида Адиблар хиббони барпо этилиб, Ёзувчилар уюшмаси барча қулайликларга эга янги бино билан таъминлангани, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида Ижод мактаблари фаолият олиб бораётгани, ёш ижодкорлар орасидан шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, публицистлар етишиб чиқиши рағбатлантирилаётгани, турли ижодий танловлар, адабий анжуманлар ижод аҳлига жўшқин илҳом бағишламоқда, адабиётимиз хазинасини бойитувчи бадиий баркамол асарлар билан бойиб боришига хизмат қилмоқда. Ҳозирги адабий жараёндаги ижобий ўзгаришлар ҳақида отахон мунаққид Умарали Норматов фикрлари эътиборга молик: “Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма-табиий, сирли-сехрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шароит-тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир ёки шу хил талқинлар кенгроқ илдиз отиб бораётир. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан кўрсатувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам кўпайиб қолди”¹.

Адабий жараёнда юз берган янгилик – жамоатчилик, кенг китобхонлар оммаси эътиборини жалб этган бадиий асарнинг туғилиши бадиий тафаккур тараққиётида муҳим воқеа саналади. Ана шу муҳим воқеанинг асл моҳиятини, бадиий, эстетик аҳамиятини очиб бериш адабиётшуносликнинг вазифасидир. Адабий танқид адабий жараённинг барометридир. Аммо адабий танқид ҳамиша ҳам адабий жараённинг олдинги сафида бўлиши лозим эса-да ортда қолиши, тўғри ва холис баҳо беришда оқсаб келаётгани танқид қилинади. Айни пайтда ҳам адабий танқид адабий жараёндаги сифат ўзгаришлари, пайдо бўлган ва бўлаётган янгича тамойиллар, воқеликни бадиий акс эттиришнинг янгича принципларини илмий-назарий тадқиқ этишда оқсамоқда. Айниқса, воқеликни ўзига хос бошқача кўз билан кўраётган, китобхон бирданига идрок эта олиши қийин бўлган асарлар яратаётган ижодкорлар асарларига ўз вақтида баҳо беришда адабий танқид сусткашлик қиляпти.

Мустақиллик йилларида жаҳон адабиётининг шу пайтгача ўзбек китобхонларига маълум бўлмаган машҳур намуналарининг аксарияти асладан таржима қилинди. Модерн адабиётнинг мумтоз намуналари ўзбек китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айланди. Бу эзгу ишларни амалга оширишда “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳиссаси катта бўляпти. Ж.Жойс, М.Пруст, А.Камю, Ф.Кафка асарлари, япон, хитой, эрон, араб тилларидан

¹ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.5.

таржима қилинган ҳикоялар, қиссалар ва романлар ўзбек таржимачилик мактаби хазинасини бойитди. Бу асарларнинг таъсирида ўзбек адабиётида ҳам онг ости сезимлари воситасида идрок этиш лозим бўлган янгича руҳдаги, ҳаётнинг, воқеликнинг янгича бадий талқини бўлган асарлар кўпайди. Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон, А.Йўлдошев, У.Ёқуб ва бошқа ўнлаб истеъдодли ёзувчиларимиз модерн адабиёти асарларига хос хусусиятларга эга асарлар яратишиб, китобхонларга тақдим этишди. Бу ёзувчилар яратган ҳикоялар, қиссалар, романлар китобхонни ҳам тарбиялайди, унинг бадий асарни тушуниш, ҳис этиш, идрок қилишдаги савиясини, дидини ўстиради. Буни илмий тилда рецептив эстетика дейилади. Аммо ана шу рецептив эстетикани ким ўстиради, ким тарбиялайди? “Истиклол. Адабиёт. Танқид” деб номланган адабий танқидий мақолалар мажмуасида бу муаммо ҳақида бир-бирига зид, бирини иккинчиси инкор этадиган жуда кўп фикрлар билдирилган. Айримлар “танқид танқид учун” принципини ёқласа, айримлар адабий танқид оммани асар моҳиятини тушунишига ёрдам бериши, унинг эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. Атоқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров адабий танқид, адабиётшуносликнинг вазифаси ҳақида шундай фикрларни билдиради:

“Танқид асло “саралаш”(классификация)гина эмас. “Саралаш” унинг фақат бир қирраси. Бошқа жуда муҳим қирраси – эстетик билимларга таянган ҳолда тушунтириш, муҳокамалар юритиш (лекин асло ҳукм чиқариш эмас), қизиқарли мулоҳазаларни ўртага қўйиш, холисона баҳо бериш ва теран хулосалар чиқариш, ўқувчиларда бадий дидни тарбиялаш”¹.

Мажмуада адабий танқиднинг бугунги аҳволи, унинг курашчанлик жиҳатлари, заиф нуқталари ҳақида ранг-баранг фикрлар учрайди. Танқиднинг сусайиб кетгани, холислик ўрнини нохолислик эгаллаб бораётгани, бирор асар юзасидан ёзилган танқидий мақолалар мақтов, олқишдан нарига ўтмаётгани ҳақида мулоҳаза юритган ҳамкасбларини нохолисликда айблайди. Абдуқанош Йўлдош эса бугунги адабий танқидчиликнинг мавқеидан қониқмаслигини очиқ-ошкор билдиради:

“Бугунги танқидчиликдан унчалик кўнглим тўлмайди. Эҳтимол, тинмай чоп этилиб турган ўта катта миқдордаги адабий макулатура орасидан ҳақиқий асарни қидириб топиш мушкул кечаётгандир ё ўзбекона истиҳола-андиша устун келаётгандир, ҳар қалай, мунаққидларимизнинг бирон асарнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратган жиддий таҳлиллик мақолаларини топиш тобора қийин бўлиб борапти”².

Добролюбов қарашларига хайрихоҳ бўлган адиб “...танқидчилик, аввало, ижодқорлик, кашфиётчилик ва табиий равишда холислик ва ҳаққонийликдир”³, – деган хулосага келади.

¹ “Янги авлод овози” суҳбати саволларига Иброҳим Ғафуров жавоблари. Истиклол. Адабиёт. Танқид. Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам саволлари асосида қурилган суҳбатлар. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.144.

² “Янги авлод овози” суҳбати саволларига Қозокбой Йўлдошев жавоблари. Истиклол. Адабиёт. Танқид. Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам саволлари асосида қурилган суҳбатлар. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.88.

³ Ўша жойда.

“Янги авлод овози” мавзуида қурилган суҳбатда бугунги адабий жараён ва адабий танқид муаммолари тўғрисида кўп фойдали фикрлар билдирилган. Адабий танқиднинг аҳволи, унинг адабий жараёндан ортда қолаётгани тўғрисида куюнчаклик билан билдирилган фикрларга қўшилиш мумкин. Адабиётимизда чинакам воқеа бўлган бадиий асарлар хусусида пешқадам мунаққидларимиз анча салмоқли тадқиқотлар олиб бораётганликлари, холислик ва ҳаққонийлик кўпгина адабий-танқидий мақолаларнинг бош хусусияти эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Аммо адабий танқидчиликнинг сифати, мавқеи ва савиясини яхлит олиб қараганда эътирофдан кўра эътирознинг миқдори хийла ошадигандек. Чунки А.Йўлдошев таъкидлаганидек, адабий жараёнда кечаётган ўзгаришлар, юксак истеъдод билан яратилаётган асарларга ўз вақтида холис ва ҳаққоний баҳо беришда адабий танқид оқсаётгани бор гап. “Маймун етаклаган одам”, “Пуанкаре”, “Шамолли кеча” асарларидаги бадиийлик кучи, сеҳру синоатини адабий танқидий мақолада чуқур таҳлил этиб берилса, у китобхоннинг эстетик диди ўсишига ёрдам беради. “Йўқ, бу адабий танқидчилик вазифасига кирмайди” деган ақидага амал қилинса, танқид танқид учун бўлиб қолади.

Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси мустақиллик даври ўзбек адабиётида яратилган улкан бадиий обидадир. Тетралогия тўғрисида адабиётшунос Дамин Тўраев анча салмоқли рисола яратди. Унда тетралогия романларига хос бадиий хусусиятлар, образлар галереяси, тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини, ёзувчи маҳорати қирралари тадқиқ этилган. Ҳатто эпопеяда қамраб олинган тарихий даврнинг бадиий тасвирида модерн услублари намоён бўлиши, онг ости оқими кўринишлари мавжудлигига урғу берилган ҳолатлар мавжуд. Илмий рисола китобхонга асар моҳиятини тушуниш, идрок этишига кўмаклашади. Кўпгина заҳматкаш олимларимизнинг адабий жараёнда кечаётган ўзгаришлар ва янгиликлар, янги тафаккур йўсинида пайдо бўлган асарлар таҳлиliga бағишланган адабий-танқидий мақолалари адабий танқид ўз тарихий миссиясини бажаришда собитқадам ва доим олға интилаётганлигини тасдиқлайди. Аммо ана шу қаноат туйғуси билан адабий танқиднинг бугунги кун муаммоларидан кўз юмиш ҳам тўғри эмас. У.Норматовнинг Раҳмон Қўчқор билан суҳбатида “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида адабий жараён ва адабий танқид муаммоларига бағишланган баҳс-мунозаралар, адабий-ижодий суҳбатларни мунтазам ўтказиб туриш таклифи бўйича амалий фаолиятни кучайтириш лозим. Ҳозирги адабиёт элитар китобхон учун, элитар китобхонни тарбиялаш тўғрисидаги фикрлар унчалик тўғри ва асосли эмас. Ҳолбуки, 2015 йилда Р.Қўчқор уюштирган суҳбат, баҳс-мунозарадан буён ўтган вақт ичида бирор жиддий ана шундай баҳс бўлиб ўтгани йўқ. Адабий танқид ҳамиша ҳозиржавоб, жанговар, курашчан бўлиши, бадиий тафаккур қудратига, сеҳрига соя соладиган салбий ҳолатларга нисбатан ўта муросасизлик йўлини туттиши керак. Ана шунда адабиётимиз, адабий танқидчилик яна ҳам юксалади.

ЧАРЛЗ ДИККЕНС ИЖОДИДА ТАРБИЯ РОМАНИ ЖАНРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола тарбия романи жанрининг асосий назарий концепцияларини ёритади ва инглиз ёзувчиси Ч.Диккенснинг классик кўринишдаги тарбия романи тараққиётига кўрсатган таъсири хақида фикр юритади.

Annotation: This article deals with the main theoretical concepts of the coming-of-age novel genre and discusses the influence of the English writer Ch. Dickens on the development of its classical form.

Аннотация: В статье освещаются основные теоретические концепции жанра романа воспитания, а также исследуется влияние английского писателя Ч. Диккенса на развитие классической разновидности жанра.

Калит сўз: тарбия романи, жанр, Диккенс, жанрий хусусиятлар, ёндашув

Key words: coming-of-age novel, genre, Dickens, genre features, approach

Ключевые слова: роман воспитания, жанр, Диккенс, признаки жанра, подходы

Жаҳон адабиётшунослигида тарбия романи жанрининг (*Bildungsroman*) назарий-поэтик хусусиятлари кўплаб илмий тадқиқотларнинг фаол йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Тарбия романи жанри (*Farb* адабиётшунослигида *Bildungsroman*, *coming-of-age novel*, *novel of formation*, *novel of development* деб юритилади) назарияси келиб чиқиш омиллари ва эволюцияси W. Dilthey, S. Howe, Th.L.Jeffers, J.Buckley, M. Hirsch, F. Moretti, S.A. Gohlman, A.T. Iversen, P. Golban, М.Бахтин, И.А. Влодавская, В.Н. Пашигорев, С.В. Гайжюнас, А.В. Диалектова, О.А. Наумова, Н.В. Осипова, М.А. Маслова, Э.А. Демченкова¹ ва бошқа кўплаб хорижий тадқиқотчиларнинг ишла-

¹ Dilthey W. *Das Erlebnis und die Dichtung*: Lessing, Goethe, Novalis, Hцlderlin. – Gemany: Facsimile Publisher, 2019. – 473 p; Howe S. *Wilhelm Meister and His English Kinsmen Apprentices to Life*. – New York: Columbia University Press. 1930. – 348 p.; Jeffers Th. L. *Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana*. – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49; Buckley J. H. *Season of Youth: The Bildungsromane from Dickens to Golding*. – Harvard: Harvard University Press, 1974. – P. 17-18.; Hirsch M. *The Novel of Formation as Genre: Between Great Expectations and Lost Illusions in Studies in the Novel* // In: *Genre Norman NY*, 12 (1979), Nr. 3. -P. 293-311; Moretti F. *The Way of the World: The Bildungsroman in European Culture*. – London, UK: Verso, 2000. – 274 p.; Gohlman, S.A. *Starting Over. The Task of the Protagonist in the Contemporary Bildungsroman*. – New York: Garland Publisher, 1990. – 259 p.; Iversen A.T. *Change and Continuity: The Bildungsroman in English*. Dsc. Thesis. University of Tromso. 2009. – 397 p.; Golban P. *The Victorian Bildungsroman*. – Turkey: Dumlupınar Üniversitesi yayınlara, 2003. – 268 p.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества/ М. Бахтин; сост. С. Бочаров. М.: Искусство, 1986. - С. 212-213; Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев: «Вища школа», 1983. – С. 4; Пашигорев В.Н. Роман воспитания в немецкой литературе XVIII-XX веков. Генезис и эволюция. Автореферат диссертации. Моск. пед. гос. ун-т, 2005. – С. 7-36; Гайжюнас С. В. Роман воспитания: (Динамика жанровой структуры). – Вильнюс: МВССО ЛитССР, 1984. – С. 52; Наумова, О. А. Автобиографический роман воспитания в творчестве Ч. Диккенса и Ш. Бронте: Автореф. дис.. канд. филол. наук / Моск. гос. пед. ин-т им. В. И.

рида ўрганилган. Жанр ижтимоий, маиший ва оилавий муаммоларни ҳал қила олган қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамолликка эришувининг тадрижига асосланади. Викторин даврининг таниқли адиби Чарльз Диккенс (1812-1870)нинг тарбия романи тараққиётга қўшган салмоқли ҳиссаси натижасида ушбу жанр муҳим ижтимоий вазифани бажаришга хизмат қилди ҳамда ўз замонасининг маънавий-маърифий муаммоларини ифодаловчи бадиий воситага айланди.

Замонавий адабиётшуносликдаги турли ёндашувлар таъсирида Диккенс адабий мероси Англия, Америка, Канада, Австралия, Россия ва бошқа давлатларда янгидан кашф этилмоқда. Бироқ, жаҳон бадиий тафаккурида Ч.Диккенс ижодига оид адабий-танқидий қарашларнинг кўплигига қарамай, тарбия романлари жанр қонуниятлари асосида концептуал тадқиқ этилмаган. Ёзувчи романларининг анъанавий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, роман турлари билан типологик муштаракликни ҳамда фарқли хусусиятларини ўрганиш ва адибнинг жанр тараққиётга қўшган ҳиссасини белгилаш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Тарбия романи жанри Диккенс ижодида мураккаб тизим ҳосил қилиб, бир қатор турларни ўз ичига олади, бу ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни тақозо қилади.

Ўзбекистонда Чарльз Диккенс ижоди алоҳида ўринга эга. Комил инсон тарбияси ва ахлоқий соғлом жамиятни тарбиялаш учун оилавий қадриятларни сақлаб қолиш зарурати адиб романларининг бош ғояси бўлиб, жамиятни ижтимоий инқироздан олиб чиқиш йўлларини, ижтимоий зиддиятларни бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Шунинг учун ёзувчининг инсонийликка йўғрилган ғоявий-фалсафий концепцияси ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Ч.Диккенснинг тарбия романлари дидактик хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир этувчи жамиятнинг конструктив ва деструктив механизмларини очиш имконини беради.

Инглиз адабиётида Чарльз Диккенснинг «Дэвид Копперфилднинг ўзи ҳикоя қилиб берган ҳаёти» (1849–1850) ва «Катта умидлар» (1860–1861) романлари тарбия жанрининг анъанавий намунаси саналади. Тарбия романинг баъзи жанрий хусусиятлари адибининг бошқа асарларида ҳам қисман тадқиқ этилган. «Оливер Твист» романи бола тарбиясига, уни тўлақонли камол топтириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбия бериш муҳимлигига бағишланган асар ҳисобланади (Е.Ю. Гениева, R. Newsom). Диккенснинг илк танқидчилари «Николас Никльби» ва «Мартин Чезлвиг» романларининг жанрий табиатини таҳлил этиб, ҳаёт қийинчиликлари ва муаммолар гирбобида тобланган ёш йигитлар ҳаёти ҳақидаги романлар сифатида эътироф этишган (Н.П. Михальская, В.В. Ивашева

Ленина. – М., 1990. – 16 с.; Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерей – два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.; Маслова Т.Е. Роман воспитания в творчестве Теккерей 1850-х годов : диссертация ... кандидата филологических наук: 10.01.03. – Санкт-Петербург, 2002. – 153 с.; Демченкова Э. А. «Подросток» Ф. М. Достоевского как роман воспитания: Жанр и поэтика: диссертация ... кандидата филологических наук: Екатеринбург, 2001. – 326 с.

Л.И. Скуратовская, Т.Сильман,). Аввалги танқидчилардан фарқли ўлароқ Ю.С. Камардина¹ «Николас Никльби» романининг жанрий белгиларини таҳлил қилади. Адабиётшунос олим Н.М. Белова эса ушбу романларни жанрий қонуниятига кўра “персонал романлар” деб таърифлайди². М.Л. Купченко «Оливер Твист» (1839), «Николас Никльби» (1839), ва «Мартин Чезлвит» (1844) романларида тарбия романи жанрининг илк куртаклари намоён бўлганлигини ёзади³. Ушбу икки роман бўйича Ғарб адабиётшунослиги доирасида олиб борилган тадқиқотларда (А.С.Christensen, М. Popkin, J Smiley, P. Parrinder)⁴ асарларнинг жанрий белгиларини аниқлашга эмас, балки уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга қаратилган. «Катта умидлар» романига Р. Golban ва М.И. Крупениналарнинг мифопоэтик ёндашуви қизиқиш уйғотади. Биринчиси романи мономиф деб атаса, иккинчиси инициация романи дея таърифлайди⁵. Th. L. Jeffers «Дэвид Копперфилд» романининг жанрий доминанталарини белгилар экан, жаннат мифологемалари: жаннатдан бадарға қилиниш ва унга қайтишга эътибор қаратади⁶. Қиёсий адабиётшунослик йўналишида амалга оширилган ишлар орасида Н.В.Осипова, Ч.Диккенснинг «Дэвид Копперфилд» ва У.Теккерейнинг «Пенденнис» асарларини типологик жиҳатдан таҳлил қилган⁷. Шунингдек, замонавий ишлар орасида А.Н.Садриеванинг фанлараро тадқиқотини ҳам кўрсатиш лозим. Тадқиқот Ғарбий Европа тарбия романиининг ҳозирги давр маданий контекстига трансформация қилиниш механизмларини аниқлашга қаратилган⁸.

Ўзбек адабиётшунослигида сўнги 20-30 йиллардаги Ч.Диккенс ижодига йўналтирилган илмий-ижодий изланишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) М. Холбеков, Ф. Бойназаровлар, М. Низамова ва б. томонидан яра-

¹ Камардина, Ю. С. Роман Ч. Диккенса «Жизнь и приключения Николаса Никльби» как роман воспитания: проблемы жанровой поэтики: автореферат дис.. кандидата филологических наук. Самара. – 2011. – 21 с.

² Белова Н. М. Диккенс и русская литература XIX века. – Саратов : Научная книга, 2004. – 116 с.

³ Купченко М. Л.»К вопросу о типологии романов Чарльза Диккенса и эволюции жанра романа в его творчестве»//Вестник Санкт-Петербургского государственного института культуры, no. 2 (15),2013. – С. 74-84.

⁴ Christensen A.C. A Dickensian Hero Retailored: The Carlylean Apprenticeship of Martin Chuzzlewit // Studies in the Novel Vol. 3, No. 1. – 1971. – P. 18-25.; Popkin M. Journal Article Mask And Identity In “Martin Chuzzlewit”// The Johns Hopkins University Press. CEA Critic Vol. 48, No. 1. – 1985. P. 17-22; Smiley J. Charles Dickens: A Life. – UK: AViking Book, 2011. – 224 p.; Parrinder P. Nation and Novel: The English Novel from its Origins to the Present Day. Oxford, UK: Oxford University Press, 2008. – 502 p.;

⁵ Golban, P., Karabakir T. “The Bildungsroman As Monomythic Fictional Discourse: Identity Formation And Assertion In Great Expectations //” Humanitas International Journal of Social Sciences, 2019. – P. 318-336; Крупенина М. И. Роман Ч. Диккенса «Большие надежды» как роман-инициация// Историческая и социально-образовательная мысль, Т. 8, no. 3-2, 2016. – С. 162-165.

⁶ Jeffers Th. L. Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana. – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49

⁷ Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерей - два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.

⁸ Садриева А.Н. Трансформация западноевропейского романа воспитания в культурном контексте современности : диссертация ... кандидата культурологи. – Екатеринбург, 2007. – 165 с.

тилган дасрликларда адиб ижоди ҳақидаги биографик маълумотлар¹; 2) «Оливер Твист» ва «Катта умидлар» романларининг таржимаси (15 роман-дан)²; 3) Диккенснинг адабий меросига бағишланган публицистик очеркларнинг яратилиши³; 4) Х.Э.Мухаммедованинг адиб романларидаги аёллар образи типологиясига⁴ бағишланган илмий-тадқиқот ишларлари ва б.

«Тарбия романи» термини Д. Куроновнинг⁵ «Адабиётшуносликка кириш» дарслигида маърифатчилик даври романларига мисол сифатида келтирилган. Н.Э. Мухаммедова⁶ ҳамда Д.Р. Рузमतоваларнинг⁷ илмий-тадқиқотларида тарбия романининг баъзи жиҳатлари хусусида фикр билдирилган. Аммо мазкур тадқиқотларда тарбия романи жанри илмий-назарий жиҳатдан яхлит ўрганилмаган. Тахминан икки юз йиллик тарихга эга бўлган ушбу термин, таассуфки, ўзбек адабиётшунослигига оид луғатларга киритилмаган. Шу сабабли ўзбек адабиётшунослиги доирасида тарбия романи жанри назариясини изчил ўрганиш ва уни ўзбек адабиётида миллий-маданий хусусиятларини белгилаш янги тадқиқотларга йўл очади. Диссертацияда *Bildungsroman*(нем), *роман воспитания*(рус.), ўзбек тилида эса *тарбия романи жанри* атамаси киритилди ва Диккенс романлари мисолида унинг жанрий қонуниятлари таҳлилга тортилди.

«Дэвид Копперфилднинг» (1849–1850) ва «Катта умидлар» (1860–1861) романлари адабиётшунослар (Дж. Г. Бакли, Т. Л. Джефферс, П. Голбан, А.Т. Иверсен, М.М. Бахтин, И.А. Влодавская, Т.И. Сильман, Н.Л. Потанина, В.В. Ивашева ва б.) томонидан *мумтоз ёки анъанавий тарбия романлари* сифатида талқин этилган. «Дэвид Копперфилд» – тарбия романи тақомилининг чўққиси.

Романнинг асосий мавзуси ва пафоси Дэвиднинг болалик, ўсмирлик ва етуклик даврини тасвирлаш орқали қаҳрамон шахсиятининг маънавий-ахлоқий шаклланишини ёритишдан иборат. Дэвид – ўрғаҳол оила фарзанди. Кузатувчанлик, ҳозиржавоблик, ҳассослик, ишонувчанлик

¹ Холбеков М.Н. Инглиз адабиёти классиклари. Био-библиографик қўлланма. – Жиззах: ЖДПИ, 2014, – Б. 96; Чарльз Диккенс. 1812-1870 //Холбеков М. Чет Эл адабиёти классиклари. Қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1993. – Б. 64-65; Бойназаров Ф.Жаҳон адабиёти: Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланма. ЎзР ОЎМТВ. – Т.: «Мусика», 2006. – Б. 75; М. Низамова. Основные тенденции развития английского романа XIX века. – Методическое пособие для высших учеб заведений. – Т., 2003. – 218 с.

² Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. – Тошкент., Ғ.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашр: 1984; Диккенс Ч. Катта умидлар. – Тошкент, Жаҳон Адабиёти ижт-й публицистик журнал: – №1- 4.- 2015.

³ Хуршид Даврон кутубхонаси <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/charlz-dikkensning-muhabbat-savdosi.html> <https://kh-davron.uz/tag/charlz-dikkens> [мурожаат санаси: 16.04.2020].

⁴ Мухаммедова Х. Э. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 54 б.

⁵ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: «Халқ мероси» нашриёти, 2004. – Б. 217-218

⁶ Мухаммедова Н. Э. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талқини Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019 й. – Б. 50-51

⁷ Ruzmatova D. R. The Kite Runner” by Khaled Hosseini// International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT)<http://ijpsat.ijsht-journals.org> Vol. 11 No. 1 October 2018. – P. 31-34; Рузматова Д. Холид Хусайнийнинг «Минг қуёш шуласи» асаридаги етакчи мавзулар // Имом Бухорий сабақлари маънавий- махрифий, илмий-адабий журнал//1сон, 2020. – Б. 37-39

каби фазилатлар билан бирга унинг табиатида худбинлик, жиззакилик, шуҳратпарастлик ҳам мавжуд. У нисбатан пассив, ҳаётий мақсадларни белгилашда қатъий эмас: ўз тақдирининг бурилиш нуқталарини тақдир хукмига ҳавола қилади ёки қариндошларига ишониб топширади. Болаларча соддалик ва тажрибасизлик, ҳиссиётнинг ақлдан устунлиги турли фалокатларга сабаб бўлади. Аммо улғайиш асносида худбинлик ва иззат-нафс хира тортиб, меҳр-оқибат ва ҳамдардликка жой бўшатади.

Адабиётшунос олимлар Диккенснинг тарбия романи жанри масалаларига жиддий эътибор қаратган бўлсаларда, айрим масалалар етарлича ўрганилмаган. Бу борада қуйидагиларни қайд этиш мумкин: «Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузаштлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузаштлари», «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романларини ўзаро боғлиқлик ва жанрини типологик ўхшашликлар жиҳатидан комплекс тадқиқи; инсон шахси такомил мавзуси ёзувчининг тараққий этиб бораётган дунёқараш, услуб ва баён қилиш маҳоратининг романдан романга эврилишида бадиий-поэтик хусусиятларини аниқлаш кабилар.

Хулоса, тарбия романи жанри адабиётшуносликнинг тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳаси ҳисобланади. Ч.Диккенс ижодида мумтоз ва ўзига хос белгиларга эга тарбия романи – болаликдан етукликка қадар бош қаҳрамоннинг босқичма-босқич маънавий-ахлоқий шаклланишининг бадиий инъикоси. Зиддиятлар, тарихий шароит ва муҳит қаҳрамоннинг маънан камол топишига жиддий таъсир кўрсатади. Шахс камолоти концепцияси хусусида ёзувчи эстетик қарашларини ифодалаган турли жанрларнинг пайдо бўлиши ушбу жанрнинг тараққиётдан дарак беради.

Narzulloyeva NILUFAR,
Buxoro davlat universiteti,
Adabiyotshunoslik yo'nalishi,
1-bosqich magistranti (O'zbekiston)

ABDULLA QAHHOR VA SAID AHMAD (Ustoz-shogirdlik an'anasi)

Annotatsiya: Said Ahmadning ustoz Abdulla Qahhor bilan ustoz-shogird sifatidagi munosabatlari, Abdulla Qahhorning shaxsiyati haqida Said Ahmadning fikrlari to'g'risida bayon etilgan. Maqolada Said Ahmadning "Yo'qotganlarim va topganlarim" asari asosida fikr yuritilgan.

Annotatsiya: Следующая статья в основном основана на отношениях Саида Ахмада со своим учителем Абдуллою Каххором в качестве учителя-ученика, а также на взглядах Саида Ахмада на личность Абдуллы Каххора. Более того, статья основана на работе Саида Ахмада, а именно «Что я потерял и нашел».

Annotation: The following article is mainly based on Said Ahmad's relationship with his teacher Abdullah Qahhor as a teacher-student, Said Ahmad's views on Abdullah Qahhor's personality. Moreover, the article is based on Said Ahmad's work, which namely "What I Lost and Found"

Kalit so'zlar: adabiy jarayon, adabiy tanqid, an'ana, ijodkor shaxsiyati, adabiy ta'sir, Said Ahmadning "Yo'qotganlarim va topganlarim" asari.

Key words: Literary process, literary criticism, tradition, poet's creative personality, literary influence, Said Ahmad's work "What I Lost and Found".

Ключевые слова: Литературный процесс, литературная критика, традиция, творческая личность поэта, литературное влияние, произведение Саида Ахмада «Что я потерял и нашел».

O'zbek adabiyotshunosligida o'zining muhim qarashlarini qoldirgan adib Said Ahmadning ilmiy-tanqidiy merosi, faoliyati o'zbek adabiyotshunosligida ilk marta yaxlit holda tadqiq etilmagan muammolardandir. Yetuk adibning tanqidiy asarlari va maqolalarini mustaqillik mafkurasi nuqtai nazaridan monografik tarzda yoritish davr taqazosidir. U o'zining «Yo'qotganlarim va topganlarim» asarida o'z adabiy-tanqidiy qarashlarini, shuningdek ustozlari bilan bo'lgan munosabati va olgan saboq-u ta'limlarini ham yozib qoldirgan. "...Har gal yozuv stoli yoniga borib o'tirar ekanman, qo'limga qalam olib birinchi sattrlarni bitarkanman, hamon Abdulla Qahhor yelkamdan qarab turgan gap o'xshayveradi. Uning sinchkov nigohi umr bo'yi meni ta'qib qilib keladi. Men ham yozganlarimning hammasini xayolan uning nazaridan o'tkazib turaman"¹. Said Ahmad xotiralarida avtobiografiyasi haqida gapirarkan: "...uch oy deganda "Tortiq" degan kitobini bosilib chiqdi... shunday qilib, uchib-qo'nib biron yilni o'tkazdim. Birdaniga boshimga chaqmoq urilgandek gangib qoldim. "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" jurnalida kitobi muallifi to'g'risida Abdulla Qahhorning maqolasi bosilibdi. O'qib ko'zlarim tinib ketdi! ...Abdulla Qahhor kitobdagi birorta hikoyani ko'ngil uchun ham durust demagan"².

Xalqimizda bir naql bor: "O'qituvchining pedagogik mahorati u tarbiyalangan shogirdlarning bilimdonligi bilan o'lchanadi". Said Ahmad adabiyot ustunlari bo'lmish G'afur G'ulom, Oybek va Abdulla Qahhorlardan ta'lim olgan. Uning "O'zbekiston xalq yozuvchisi"dek sharaflı nomiga sazovor bo'lishida, ustozlarining roli katta. Abdulla Qahhor Said Ahmad va u kabi yosh ijodkorlarning talabchan ustozı edi. Xotira kitobida ustozı haqida Said Ahmad shunday deydi: "Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, O'tkir Hoshimov, Uchqun Nazarov, endigina qo'llariga qalam olib ijod chorrahasida hardamxayol bo'lib turganlarida ustoz Abdulla Qahhor ularning qo'llaridan tutib, ijodning nurli yo'liga olib chiqqan edi"³. Abdulla Qahhor ijod qilishda aslo shoshilmas, biror so'zni isrof qilmas, o'ziga juda talabchan yozuvchidir. Uning asarlarida har bir unsur joyida peyzaj ham, obrazlar tasviri ham Said Ahmad so'zi bilan aytganda "jumlalarining uzun qisqaligi ham asar maqsadiga aniq xizmat qiladi". Rus adibi Konstantin Simonov Abdulla Qahhor xarakterini shunday ta'riflaydi: "U odamni sevardi, biroq tabiatiga yozuvchilik hayotini chigallashtirib yuborgan bir jihat ham bor edi: u yaxshilik sari borarkan, yo'lida yomonni sezmasdan, uni daf etmasdan, uni masxara qilmasdan, qolmasdi. U yozuvchilik, jaholat, razillik yonidan xotirjam o'tib ketaveradigan odam emasdi, aftidan, bu hol uni qayg'uga solardi, xuddi manashu qayg'u uning aql

¹ Said Ahmad. Tanlangan asarlar: III jildlik. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. – T.: Sharq, 2000. – 108 b.

² Said Ahmad. Tanlangan asarlar: III jildlik. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. – T.: Sharq, 2000. – 91 b.

³ Said Ahmad. Tanlangan asarlar: III jildlik. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. – T.: Sharq, 2000. – 108 b.

ko'zlaridan hamisha sezilib turardi". Said Ahmad esa "Abdulla Qahhor qahri qattiq, mehri yumshoq ustod edi. Ijodga beparvo shogirdlarini ayamay savalardi. Ilhomsiz, zavqsiz asar yozgan katta yozuvchimi, boshlovchi yozuvchimi, baribir uning qamchisidan benasib qolmasdi. Abdulla Qahhor ikki jihati bilan boshqa ijodkorlardan ajralib turadi. Birinchidan, u hech qachon zamonasizlik qilmadi. Oqni qoni, qorani oq, demadi. Boshiga bolta kelganda ham rostini yozdi. Ikkinchidan, u partiyaga yaltoqlanmadi. Adabiyotning partiyaviy bo'lishini tan olmadi. Yaxshi ijod qilib kelayotgan yoshlarning beparvoligini, yo'l qo'ygan xatolarini kechirmasdi. Qattiq, sira esidan chiqmaydigan achchiq tanbehlar berardi. Shuning uchun ham qo'lga qalam olgan har bir yosh ijodkor "shu yozganlarimdan domlaning ko'zi tushib qolsa ta'naga qolmay", deb mumkin qadar jiddiy ishlashga majbur bo'lardi"¹. Abdulla Qahhor menini tasvirlash uchun birgina jumlaning o'zi yetmaydi. U tarbiyalagan shogirdlar, uning do'stlari, yor-u birodarlari u haqda o'z fikrlarini, ta'riflarini kelajak avlodga qoldirib ketishgan. Yoshlarga Qahhor shaxsiyatini, mahoratini o'rgatishda bu durtur-ul amal bo'lib xizmat qiladi. Endi uning shogirdi o'z tili bilan aytganda "yaxshi, lekin meni ko'p kuydiradigan sho'x va bebosh shogirdim" Said Ahmad bilan bo'lgan ijod saboqlari haqida fikrlarga o'tamiz. Said Ahmad "Tortiq" to'plamidan keyin Abdulla Qahhorning tanqididan esankirab qoladi. Qahhor unga Chexovning, Gogolning, Tolstoyning asarlarini o'qishini, ulardan tabiatning, insonlarning, voqealarning tasvirlanishini o'rganishni, umuman olganda, haqiqiy asar qanday bo'lishini o'rganishni aytadi. Said Ahmad ustozini aytgan barcha ijodkorlarning asarlarini o'qiydi, o'qiganlari samara beradi. U hikoya yozar ekan, o'zidagi rassomchilik qobiliyati va o'qigan kitoblardagi tasvir mahoratlarini qunt bilan o'rganib asarlar yoza boshlaydi. Ya'ni, asar yozar, undagi tasvir o'quvchining ko'z ongida yaqqol namoyon bo'ladi. Ammo ustoz hanzuz shogirdiga nisbatan talabchan va qattiqo'l. "...Yillar o'taverdi. Men yozishdan charchamadim. Abdulla aka "yomon" deyishdan charchamadi. Bu orada uncha-muncha ruscha o'rgandim. Chexovni muk tushib o'qidim. Mopassanni yod oldim. Turgenev hikoyalari, qissalari, O'Genri hikoyalari yod bo'lib ketdi. Yozganlarimni ularniki bilan solishtiraman. Meniki rangsizgina bo'lib ko'rinadi. Yana yozaman, yana solishtiraman, ancha qo'lim kelishib qolgandek bo'ldi. Bir dasta hikoyani qo'ltiqlab Abdulla akanikiga bordim. Domla erinmay o'qidi. "Durust, - dedi ko'z oynagini qo'lga olib. - Endi yozuvchi bo'psiz. Lekin yozuvchi bo'ldim deganim yaxshi yozibsan degani emas. Haliyam nimani yozishni bilmayapsiz-ku. To'g'ri, jumalar silliq, obrazlar pishiq. Syujet tarang, manzaralar yarq etib ko'z oldinga keladi. ...hozirgi davr kishilari Chexov, Turgenev zamonasining kishilariga aslo o'xshamaydi. Kurashchan, davlat miqyosida fikrlovchi kishilar paydo bo'lgan. Siz bularni ko'rmaysiz. Ko'rish uchun ko'p kezish kerak. Gazetada ishlang. Muxbir bo'lib butun respublikani kezasiz. Xilma-xil odamlarni ko'rasiz. Ana o'shanda hikoyalari zang kiradi"². Ustozining gaplari alam qilib Said Ahmad gazetaga ishga kiradi. Bu yerda ikki oylik komandirovka Xorazmda Toshsoq kanali qurilishida edi. U bu yerda "Pahlavon chollar" hikoyasini yozadi. "O'zbekistonda qanchaki kanal qazilgan bo'lsa hammasiga bordim. Urush yillarida Farhod

¹Said Ahmad.Tanlangan asarlar: III jildlik. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. - T.: Sharq, 2000. - 137 b.

²Said Ahmad.Tanlangan asarlar: III jildlik. - T.: Sharq, 2000. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. - 142 b.

GES i qurilishida muxbirlilik qildim. Urush oyoqlab qolgan kezlari redaksiya ishlari bilan Farg'ona tomonlarga bordim. ...yuz minglab odam qirq besh kunda ajib bir shijoat bilan qazigan Katta Farg'ona kanali Yozyovon cho'llari oralab azamat yigitlarni qidirgandek to'lg'onib-to'lg'onib oqadi... "Qizil Ozbekiston" gazetasi-da Abdulla akaning "Asrorbobo" degan hikoyasi bosildi. Bu hikoya urush yillari yaratilgan hikoyalarning eng yaxshisi edi. Bunday hikoyan yozish uchun faqat va faqat Abdulla Qahhor bo'lib tug'ulish kerak edi. "Asrorbobo" ko'nglimga yana hikoya yozish havasini solib qo'ydi... "Mastonbibi"ni "Qizil O'zbekiston" gazetasi to'rt sonida davomli chiqardi. G'afur G'ulom : "Durust, Asrorboboni uylantirib-san" deb hazil qilgani esimda"¹. Ustozining to'g'ri yo'l-yo'rig'i bilan muvafaqqiyatga erishayotgan shogirdlardan biri bu Said Ahmad edi. "Yozuvchilar soyuzida qandaydir bir yig'in bo'ldi. Abdulla Qahhor so'zga chiqib "Mastonbibi" hikoyasi urush yillari ayollarning hayotini juda ixcham va ta'sirchan ifodalab bergan, deb aytdi. Bu ustoz yozuvchining men haqimda aytgan birinchi iliq gapi edi"².

Abdulla Qahhor o'g'itlari nafaqat o'z davrida, balki hozirgi zamon uchun ham dastur-ul amal bo'lib xizmat qiladi. Said Ahmad xotiralarida uning o'g'itlari tilla suvi yugurtirilgan gaplarga o'xshab ko'zga yaqqol namoyon bo'ladi.

"...Adabiyotda odamlarning shaxsiyatiga tegishga haqqi yoq. Adabiyot jismoniy kamchiliklarni masxara qilish huquqi berilmagan. Odamlarning patalogik kamchiligini, befarzandligini, nogironligini, xastaligini, telbaligini masxara qilish ota ketgan darajada odobsizlik sanaladi..."

"... adabiyot ko'ngil xushi emas, adabiyot kasb emas, adabiyot nihoyatda nozik hunar..."

"... yozuvchi juda katta mashaqqat bilan o'quvchi orttiradi, u birgina xom asari bilan hamma o'quvchisini birdaniga yo'qotib qo'yishi mumkin, shunga ehtiyot bo'lishi kerak..."

Darhaqiqat, ustozidan olgan saboqlari bilan elga tanilgan zukko shogird o'z xotiralarida ustozining komil shaxs bo'lganini yana bir bor isbot etdi.

Равшанова ГУЛРУХБЕГИМ,
Қарши давлат университети
Адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон)

ҲАЖВИЁТДА РАМЗИЙЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати ва ҳажвида рамзийликнинг ўрни очиб берилади. Шоир ҳажвиялари, энг аввало, фольклордан, кейин эса мумтоз адабиёт ҳамда жаҳон дурдоналаридан озиқланиш асносида шаклланиши, ўсиб бориши, ўзига хос ходиса сифатида адабиётдан муҳим ўрин эгаллагани ҳажвлари мисолида ёритилади.

¹ Said Ahmad. Tanlangan asarlar. III jildlik. – T.: Sharq, 2000. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. – 144 b.

² Said Ahmad. Tanlangan asarlar. III jildlik. – T.: Sharq, 2000. Jild III: Xotiralar. Adabiy o'yalar. – 144 b.

Аннотация: Это статья раскрывает комедийные способности Абдуллы Арипова и роль символизма в комедии. Комедии поэта создаются в первую очередь из фольклора, а затем из классической литературы и мировых шедевров.

Annotation: This article reveals Abdulla Aripov's comedy skills and the role of symbolism in comedy. The poet's comedies are first of all formed from folklore, and then from classical literature and world masterpieces.

Калит сўзлар: ҳажвиёт, сатира, юмор, рамз, мажоз, фольклор, мумтоз адабиёт, Ғарб адабиёти.

Ключевые слова: комедия, сатира, юмор, символика, метафора, фольклор, классическая литература, западная литература.

Key words: comedy, satire, humor, symbolism, metaphor, folklore, classical literature, Western literature.

Ҳажвий асар яратиш ижодкордан юксак маҳорат, истеъдод ва албатта, катта меҳнатни талаб этилади. Абдулла Орипов ҳажвларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан ҳам кенг фойдаланганлиги, ўзидан олдинги салафларининг ижод маҳсули, қолаверса Ғарб маданиятининг таъсири ҳам беқиёсдир. “Илоҳий комедия”нинг таржима қилиниш жараёни ҳақида шоир қуйидагиларни таъкидлайди: “Таржима жараёни мен учун улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман¹”. Бу таржима шоир ҳажвиётида рамзийлик ва сатирик кулгининг кучайишига таъсир кўрсатмай қолмади. Мумтоз адабиёт намуналарида, қардош халқлар адабиётида ҳам бу усул ёрдамида халқона кулгининг турли шакллари яратилганини кўриш мумкин.

“Олий ҳазрат баъзан ширин тилни мазох ва мутойибага очарди ва муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига тортарди. Бундай сўзлар Олий ҳазратнинг нозик зеҳни ва муборак фикрининг юқори даражада ўтқир эканлигига далолат қилганлигидан уларни бир хилларини ёзишга журъат қилинади...²”. Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарининг учинчи бобида келтирилган бу сўзлар Алишер Навоийнинг кулги ҳақидаги қарашларига, кулгига муносабатига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Навоий юморидаги қувноқлик ва серзавқлик, латифлик ва зарифлик унинг халқ кулгисига бўлган чексиз муҳаббати туфайли яратилган, чунки кулги ўзбекнинг қон-қонига, бутун табиатига сингиб кетган миллий хислатларидан биридир. Навоий шундай ёзади: “Ҳазил-мутойиба бир оз кўнглини хушламоқ учун шодлик ва хурсандчилик учун бўлса ёқимлидир. Беозор ҳазил зарифликдир, аммо ундан ўтса ақлсизликдир”. Улуғ шоир ўринсиз, ҳаёсиз кулгини фақат кулги учун бўладиган кулгини одобсизлик белгиси деб атади. Инсонларга хизмат қиладиган соф кулгини эса олқишлайди. Шоир ҳажвиётида асосан, ҳажвия қаҳрамонлари ўз нутқлари орқали кирдикорларини фош этадилар. Бу ўта мураккаб усул бўлиб, ҳажвчидан жуда катта ҳаётий тажриба, илм, бадий маҳорат талаб қиладди. Зеро, қаҳрамоннинг кимлиги, қайси ижтимоий қатламга мансублиги, савияси, маънавияти, маданияти, хулқ-атвори, нияти унинг нутқида ўз

¹ Oripov A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: G.'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. 2001. 1-jild. – B. 11.

² Ғиёсиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр. 2018. – Б.372.

инъикосини топади. Бу усул ёрдамида шоир жуда кўплаб ҳажвий образлар ярата олди:

*Туриб-туриб бир кун маймун бошин қашлади
Ва маймуний режаларни туза бошлади.
Деди: – Шукр, ўлиб кетмиш Гулханий бобо,
Демак, бизнинг давримиз ҳам келмиш мутлақо.
Крилов ҳам марҳум эмиш аллақачонлар,
Ўзимизга қолган демак энди замонлар [1.143]*

Мажозий усулда тасвирланган “Маймуният” шеърда шеър ёзишни эплолмайдиган, “маймунона фикрлардан назм тузгувчи”, кўчирмакаш шоирнинг мажозий образи моҳирона тасвирланади ва у ўзини-ўзи фош этади, бу эса ўқувчида кулгини кўзғатади:

*Дерди: – Олам гултожимиз биз маймуният,
Оҳ, инсонлар. Қилолмасман уларга тоқат.
Охир ўйлаб маймун топди шундоқ нақлни:
Инсонларнинг орасида Дарвин ақлли,
Топинг уни. Улуғ олим бизни алқаган,
Гулханий ҳам, Крилов ҳам биздан тарқаган [1.143].*

Бу кулги сатирик руҳда бўлиб, шеърда маймун ўзини ақлли кўрсатишга уринади, у ўзини фош этишни истамайди ҳам. Ўқувчи шеър давомида унинг гап-сўзлари, ўзини баҳолашда жуда юқори кўйиши, нодонлиги, бефаросатлиги, мақтанчоқлигидан кулади, нафратланади, ҳам унга ачинади. Халқимизда бир нақл бор: “Билиб илонга оёқ бермаган”. Худди шундай бу маймунга ҳам тўла-тўқис илм, иқтидор, ижод берилганда эди, у ўзини бошқаролмай қолган бўлармиди? Бу ҳаттоки, унинг нутқидан ҳам маълум: “Оҳ инсонлар. Қилолмасман уларга тоқат”. У ўзига шунчалик ишониб юбордики, унинг қуйидаги даъволари ўқувчида кулгини кўзғайди: “Гулханий ҳам, Крилов ҳам биздан тарқаган” дея оламга жар солди. Баъзи кимсалар борки, меҳнати эвазига пул топиш ўрнига ғаламислик, пасткашлик қилиб, бировларни сотиш эвазига даромад қилишни кўзлайдики, шоир бу ўринда ҳам қаҳрамонни нутқи орқали фош этади, аччиқ ҳажвга дучор қилади. Ҳажвий қаҳрамон ўзини ҳеч ким писанд этмаслигидан нолиб, гаров ўйнайди.

*Кеча бир даврада ўйнадим гаров,
Мени қабул қилинг, ёзғувчиликка, –*
дея ўз сўзи билан истеъдодсизлигини тан олади. Кинони техникаси қийин деб рад этади, рассомлик учун ҳам талант кераклигини тан олади:

*Масалан, хўтиikka ўхшасин хўтик,
Шарманда қилади бундақа ижод.*

Бастакорлар союзига боришга виждони йўл бермайди, чунки кўшиқ ай-тиб кўрмаган, шоирликни эса тушунмайди, шунинг учун шоирларни худо урган, текин кулгига қолган деб ҳисоблайди. Унинг севгани “ёзғувчилик”. Одамларнинг устидан роса ғоявий мактублар битганини тан олади:

*Хуллас, ўртоқ раис, айлангиз имдод,
Мен сизга ҳақ гапни айтаман тикка.
Кўпириб ётибди менда истеъдод,
Мени қабул қилинг ёзғувчиликка.*

Шеър сарлавҳасининг пастида “Бир ғаламис тилидан” деган ёзув бор. “Ғаламис” қайсидир союзга аъзо бўлиш ниятида. Ва ниҳоят, ўзига мос касбни танлайди: ёзғувчилик! Бегуноҳ одамлар устидан иғво хатлар ёзиш, одамлар дилига озор бериш, ҳасадгўйлик билан бировларга чоҳ қазиш каби чиркин ишларни танлайди, касб қилиб олади. Бу шеърда ҳам сатирик кулги қаҳрамонларнинг ўзини ўзи фош қилишидан келиб чиқади.

Адабиётшунос М.Қўшжонов: “Абдулла Орипов қайси бир мавзуга қўл урмасин, ундан янги, ҳали биров айтмаган қирраларни топади, ўз фикрларини ифодалашда ҳали биров ишлатмаган образларни ишлатади. Шу йўл билан у ўзгаларни такрор қилмайдиган жозибали асарлар яратди¹”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳажвни қурол қилиб олган шоир ғаламис одам қиёфасини аниқ тасвирлаб бера олган.

Умуман, Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштира олган Абдулла Орипов ҳажвий асарларининг яратилишида фольклор, мумтоз адабиёт ва жаҳон адабиёти адибларининг ҳажвиёт намуналари адабий манба бўлиб хизмат қилган. Шоир бу адабий манбалардаги илғор анъаналардан ижодий фойдаланиб, ҳажвийобразларнинг ҳаққоний тасвирига, миллий ва замонавий ҳажвий қаҳрамонлар ва типлар туркумини ўзига хос услуб ва маҳорат билан ярата олди. Ҳажвиёт соҳасида кунт билан ижод қилиб, дунё адабиётидаги ҳажвнавислик тажрибасини ўрганди, ўзига хос ҳажвий ижод намуналарини яратди.

Ҳажвиёт ижтимоий ҳаётни акс эттирар экан, ундаги иллатлар, салбий воқеа-ҳодисалар ёки далилларни шунчаки қайд этмайди, балки унинг моҳиятини очиб беришни ўз зиммасига олади. Зеро, юмор ижтимоий ҳаётдаги иллатларнинг олдини олса, сатира ушбу иллатларни даволайди, бар-тароф этади. Абдулла Орипов шеърятининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ташкил этади. Ҳажвий шеърларининг юзага келишини шоир қуйидагича изоҳлайди: “Менинг ижодимда ёлғизлик, маҳзунлик туйғулари кўп учрайди, дея дакки беришган ва бунинг сабабини турлича шарҳлашган ҳам. Аслида эса менинг табиатим ўзи шунақароқ бўлса керак. Иккинчидан, мени қийнаган саволларга жавоб тополмай ўртангандирман, учинчидан, шу ҳасад деган балонинг ҳужумига жуда эрта дуч келдим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса ажаб эмас. Чунончи, ҳажвий руҳдаги шеърлар ҳам қандайдир сунъий равишда яратилган эмас. Кўп

¹ Қўшжонов М. Онажоним шеърят. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.27.

қатори мени ҳам лақиллатган, алдаган одамларнинг сон-саногі йўқ. Ҳали-гидай аччиқроқ шеърларнинг ёзилишига, албатта, ўшалар сабаб бўлган¹”.

Абдулла Орипов ҳажвиёти ўзининг чуқур фалсафий мазмун-моҳияти, тузилиши, тили, қаҳрамон яратиш маҳорати шоирнинг ҳажвнависликда ҳам ўз ўрни борлигини исботлаб турибди. Кулги, ҳажвнинг адабиётдаги асосий вазифаларидан бири билиш вазифасидирки, энг аввало, шоир ҳажвдан ҳаётни билиш воситаси сифатида фойдаланади. Шарҳлаш вазифаси эса ҳажвиёт ҳаёт ҳодисаларини тушунишга ёрдам беришида кўринади. Шоир буни ҳаёт ҳақидаги қарашларимиз билан ҳатти ҳаракатларимизнинг ўртасидаги номувофиқлик натижасида вужудга келадиган кулги орқали кўрсатади.

Ўзбек халқининг ўткир заковати, зарифлиги, ҳазилга мойиллигидан далолат берувчи миллий фазилатларидан бири ҳажвиётдир. Кулгининг таъсири кучлилиги, кулгида жамланган қудратни яхши билган халқ оғзаки ижоди ҳажвиётга катта эътибор қаратгани кўринади. Халқ оғзаки ижодида яратилган ҳажвий руҳдаги асарларда халқ кулгисининг турли қирралари, ранг-баранглиги ўзининг барча қирралари билан намоён бўлганки, бундан илҳом олган шоир сатираси халқчиллиги билан ажралиб туради. Шоир ҳажвиялари, энг аввало, фольклордан, кейин эса мумтоз адабиёт ҳамда жаҳон дурдоналаридан озиқланиш асносида шаклланди, ўсиб борди, ўзига хос ҳодиса сифатида адабиётдан муҳим ўрин эгаллади.

Раҳмонова ЗАРИНА,

Самарқанд давлат университети
филология факультети мустақил тадқиқотчиси
(Ўзбекистон)

АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК МУАММОСИ (профессор Б.Саримсоқов илмий мероси мисолида)

Аннотация: Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик тушунчаси муайян олимнинг адабиётшуносликка оид илмий асарлари, мақола ва тадқиқотларида намоён бўладиган ўзига хосликлар – бетакрор услуби, тили, тадқиқ принциплари, муаммоларга қай тарзда ёндашуви, талқин йўсини ва бошқа шу каби хусусиятларни қамраб олади. Маълумки, бугунгача сўз илмида Навоий асарларининг турлича талқинлари яратилган. Шоирнинг назмий, насрий ва бошқа турдаги асарлари тадқиқотчилар томонидан адабий-танқидий, фалсафий-психологик, диний-тасаввуфий жиҳатлардан тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётшунослигига улкан ҳисса қўшган забардаст олим, профессор Баҳодир Саримсоқов эса Навоий ижодига илмий-назарий ва эстетик жиҳатдан ёндашди. Ушбу мақолада профессор Б.Саримсоқовнинг адабий асарларга индивидуал ёндашув усуллари хусусида фикр юритилади.

Annotation: As for the creative individuality in literature, it includes the peculiarities of a particular scholar's literary works, articles and research - his unique style, language,

¹ Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. G'G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. – Toshkent. 2001. 1-jild, 32-bet.

research principles, approach to problems, interpretation and other similar features. It is known that up to day, different interpretations of Navoi's works have been created in the science of words. The poet's poetic, prose and other types of works have been studied by researchers from the literary-critical, philosophical-psychological, religious-mystical aspects. Professor Bahodir Sarimsakov, a brilliant scholar who made a great contribution to Uzbek literature, approached Navoi's work from a scientific, theoretical and aesthetic point of view. This article deals with the principles of individual research and interpretation of literary scholar, professor Bahodir Sarimsakov.

Аннотация: Что касается творческой индивидуальности в литературе, то она включает в себя особенности литературных произведений, статей и исследований конкретного ученого - его уникальный стиль, язык, принципы исследования, подход к проблемам, интерпретацию и другие подобные особенности. Известно, что до сих пор в науке слова создавались различные интерпретации произведений Навои. Поэтические, прозаические и другие виды творчества поэта изучались исследователями с литературно-критической, философско-психологической, религиозно-мистической точек зрения. Профессор Баходир Саримсаков, блестящий ученый, внесший большой вклад в узбекскую литературу, подошел к творчеству Навои с научной, теоретической и эстетической точек зрения. В данной статье рассматриваются принципы индивидуального исследования и интерпретации литературоведа, профессора Баходира Саримсакова.

Калит сўз: индивидуаллик, мимисес, матезис, поэтика, сажъ, канон, ғазал-мулоқот, поэтик-синтаксис.

Key words: individuality, mimesis, mathesis, poetics, saj (alliteration), canon, has "ghazal-dialogue", poetic syntax.

Ключевые слова: индивидуальность, мимисес, матезис, поэтика, садж или ал-летерация, канон, газел-диалог, поэтический синтаксис.

Истиқлол йиллари ўзбек адабиётшунослигида иждодий индивидуалликни бадиий асарлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Бу борада кўплаб адабиётшунос олимлар томонидан турли тадқиқотлар олиб борилди. Бироқ иждодий индивидуаллик тушунчасини илмий иждодга нисбатан татбиқ қилиш иждодий индивидуаллик муаммосини муайян олим иждоди мисолида ўрганиш борасида жиддий изланишлар кузатилгани йўқ. Мазкур ишимизда масаланинг айнан шу жиҳатига эътибор қаратамиз, яъни илмий асарлардаги иждодий индивидуаллик қирраларини профессор Б.Саримсоқов тадқиқотлари мисолида очиб беришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, бугунгача сўз илмида Навоий асарларининг турлича талқинлари яратилган. Шоирнинг назмий, насрий ва бошқа турдаги асарлари тадқиқотчилар томонидан адабий-танқидий, фалсафий, психологик, диний-тасаввуфий ва бошқа жиҳатлардан тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётшунослигига улкан ҳисса қўшган забардаст олим, профессор Баходир Саримсоқов эса Навоий иждодига илмий-назарий жиҳатдан ёндашади. Хусусан, олимнинг «Алишер Навоий поэтик синтаксисидagi бир усул хусусида»¹, «Алишер Навоий шеъриятида ғазал-мулоқот шакллари»²,

¹ Саримсоқов Б. «Алишер Навоий поэтик синтаксисидagi бир усул хусусида» // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001 йил 1-сон.

² Саримсоқов Б. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004 йил 2-сон, 7-бет.

“Алишер Навоий ва шеърий мезонлар масаласи”¹, “Бадий ижоднинг икки асоси” (Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Т., 2006.) каби мақолаларида мумтоз шеърятимиздаги шеърий кононлар, уларнинг адабий жараёнда қарор топиши, Навоий шеърятдаги поэтик синтаксис ва ғазал-мулоқот шакллари, бадий ижоддаги мимисес ва матезис масалалари ўзига хос тарзда тадқиқ этилган.

Б.Саримсоқов тадқиқотларидаги ўзига хос жиҳатлар унинг мавзу танлашидан тортиб, хулоса чиқаришигача, илмий муаммо сифатида долзарблигини асослашигача намён бўлади.

Олим фаолияти мобайнида сўз илмидаги энг долзарб, асрлар мобайнида ечимини топмай келаётган муаммоларга мурожаат қилади, уларни илмий-назарий жиҳатдан пухта ўрганиб янгича концепцияларини ишлаб чиқади. Унинг илмий тадқиқотларининг ўзига хослиги фикрлар изчиллиги, аниқлиги, илмий асосланганлиги, мақсадлилиги ва янги хулосалар билан яқун топишида ҳам яққол кўзга ташланади. Шунингдек, профессор бирор мавзу юзасидан мулоҳаза юритаётиб, бошқа мавзуга чалғимади, узундан-узоқ мантиқсиз жумлалар тузмади, фикрини қисқа ва аниқ ифодалаш ҳам олим услубига хос индивидуал хусусиятлардан ҳисобланади.

«Алишер Навоий поэтик синтаксисдаги бир усул хусусида» номли мақоласида олим ғазал байтининг биринчи мисрадан иккинчи мисрага кўчиши, яъни анжамбеман фикрий кўчув ҳодисаси ҳақида тўхталади. «Одатда, шеърда мисралар мазмунан ва шаклан тугал бўлишлари талаб этилади. Бироқ шоир айтмоқчи бўлган поэтик фикр, у ифодаламоқчи бўлган лирик кечинма мураккаблиги туфайли байтдаги шеърий мисралар мустақиллиги бузилади, биринчи мисрада бошланган поэтик фикр иккинчи мисрада яқунланади. Табиийки, шеърий жумланинг биринчи мисрадан иккинчи мисрага кўчиши байт мазмуни, вазни ва оҳангини бузмаган ҳолда давом этиши ижодкорнинг санъаткорлигини белгилайди»².

Адабиётшунос ғазал байти таркибида қўлланган синтактик кўчув ҳодисасининг типологик кўринишларини аниқлайди. Поэтик кўчув шунчаки кўчув ҳодисаси эмаслигини, у байтдаги поэтик мазмунни тўғри, мантиқий ифодалашнинг муҳим воситаси эканлигини Навоий ғазаллари мисолида асослаб беради.

Саримсоқов Б. илмий фаолияти аввалида Навоийнинг насрий асарларида кўпроқ мурожаат қилган бўлса, кейинчалик шоир лирикаси олимни ўзига жалб этди. Навоий лирикасида ғазал-мулоқот феномени, унинг шакллари, поэтик тизими каби муаммоларга бағишланган “Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари” номли мақоласи ана шулар жумласидан³.

¹ Саримсоқов Б. Алишер Навоий ижодида шеърий мезонлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004 йил 1-сон.

² Саримсоқов Б. «Алишер Навоий поэтик синтаксисдаги бир усул хусусида» // Ўзбек тили ва адабиёти Ўзбек тили ва адабиёти, 2001 йил. 1-сон. –Б.7.

³ Б. Саримсоқов. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 1-сон.

Мазкур тадқиқотида адабиётшунос ғазалнинг янгича – ғазал-мулоқот шаклини кашф этди. Мазкур шаклнинг етакчи хусусиятлари, кўринишлари, қўлланиш ўринлари ва вазифаларини аниқлади. Ғазал-мулоқот шаклининг юзага келишини унга ҳаётийлик бағишлаш эҳтиёжи билан изоҳлаб: “Монолог нутқ ғазалга маълум даражада монотонлик бағишлайди. Асарга жонлилик бағишлаш, унга ҳаётийлик – полифония олиб кириш эҳтиёжи ғазалга мулоқот-нутқ шаклини олиб киришга сабаб бўлади”¹, – дейди ва ана шу мулоқот шаклига эга бўлган ғазалларни шартли равишда “ғазал-мулоқот” деб атади. Мазкур шакл ғазал жанрининг ифода ҳамда тасвир имкониятларини бойитишга хизмат қилса-да, ўз хусусиятларига кўра, лирик турдан ташқари, драмага хос ифода имкониятларига ҳам эга эканлигини аниқлайди². Олимнинг ёзишича, ғазал-мулоқот шакли шоир учун лирик конфликт шиддатини тўлалигича беришга, ғазалдаги лирик драматизмни таранг тутиб туришга, энг муҳими, полифонияни кучайтиришга имкон беради. Булардан келиб чиқиб, Б.Саримсоқов: “Ғазал-мулоқот шакли жанрнинг имкониятларини бойитишга хизмат қилар экан, у лирика адабий турининг ўз заминида эмас, балки ўзга адабий тур – драмага хос ифода имкониятларидан “қарз” олиш орқали вужудга келган, дейишга асос бор. Чунки монологик нутққа қараганда, мулоқот нутқ шакли табиийроқ ва ҳаётийроқдир”, деган муҳим тезисни ўртага ташлайди. Шу ўринда ғазал-мулоқот шаклининг 2 хил (тўлиқ ғазал-мулоқот ва мулоқот байт) кўринишлари ва уларга хос хусусиятларни Навоий ғазаллари мисолида кўрсатиб беради.

Олимнинг кузатишича, Навоий мулоқотнинг бу кўринишини ғазалнинг истаган ўрнида эмас, балки ўзи зарур деб топган ўринлардагина қўллаган ва бундай типик ўринлар қуйидагилар:

1. Ғазал матласида. Бунда матлада кучлироқ поэтик тезис қўйиш имкони ортади ва ғазалнинг кейинги байтларида уни ривожлантириш ёки бадий далиллаш учун йўл очилади.

2. Ғазал матласидан кейинги байтда. Бунда матладаги гўзал ва нафис поэтик тезис иккинчи байтда фавқулодда йўсинда ривожлантирилади.

3. Ғазал мақтасида. Маълумки, мақтаъ ғазал ғоясини очиб берувчи, фалсафий-дидактик вазифа адо этувчи якуний байт ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир шоир ғазал матлаига қай даражада эътибор қаратса, ғазал мақтасига ундан-да ортиқроқ эътибор қаратади ва улар ўртасидаги мантиқий алоқадорликни бузмасликка ҳаракат қилади³.

Ғазал-мулоқот шаклининг ўзига хос хусусиятлари сифатида олим лирик конфликт оқимининг шиддатини ошириши, драматизмни таранглаштириши ва ғазалдаги полифонияни кучайтиришини Навоий ғазаллари мисолида батафсил кўрсатиб берди.

² Саримсоқов Б. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 2-сон. – Б.7.

² Бу ҳақда қаранг: Узоқ Жўрақулов. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015. – 356 б.

⁴ Саримсоқов Б. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 2-сон. – Б.11.

Олимнинг “Бадий ижоднинг икки асоси” номли мақоласи эса бадийликнинг асослари тадқиқига бағишланган. Унда ижоднинг икки асоси мавжудлиги - улардан бири мимесис, иккинчиси матезис (лотинча “matethis” – тажриба ва кузатишлар орқали эришилган билим) эканлиги хусусида фикр юритилади. Навоий ғазаллари поэтикасини чуқур ўрганган олим даҳо шоирнинг ишончли тарихий-фалсафий хулосага келишида нафақат мимесис (яъни ҳаётга ўхшатиш усули), балки матезис назариясига ҳам амал қилганини таъкидлайди. Профессорнинг бадий ижод асослари хусусидаги бу каби индивидуал қарашлари бадийлик моҳиятини англашда янгича талқинларга асос бўла олади.

“Навоий ва шеърий мезонлар масаласи”¹ деб номланувчи мақоласида Б.Саримсоқов мумтоз адабиётдаги шеърий канонлар, уларнинг адабий жараёнда қарор топиши ва амал қилиши сингари муаммолар хусусида фикр юритган. Мақолада ёзилишича, Е.Э.Бертельс, Ҳоди Зариф, Э.Рустамов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов сингари адабиётшунослар шеърий мезонлар масаласига муносабат билдирган бўлсалар-да, бу масалага доир илмий қарашлар узил-кесил ҳал қилинмаган. Айрим илмий монографияларда алоҳида бир асарга икки жанр атамасининг ишлатиш ҳоллари олимни мушоҳадага чорлайди. Масалан, академик Б.Валихўжаевнинг ишларида “туюқ-рубой”, “қитъа-туюқ”, профессор Р.Орзибековнинг китобларида “туюқ-рубой”, “рубой-туюқ” каби мавхумлар қўлланиладигани, мазкур тадқиқотида олим шундай терминологик чалкашликларни бартараф этишга ҳаракат қилади.

Аслида Б.Саримсоқов илмий асарларидаги индивидуал жиҳатлардан яна бири айнан унинг атамаларга жиддий эътибор беришида намоён бўлади. Бу жиҳат кўпроқ илмий услублардан бири бўлган академик услубга хос хусусиятлардан биридир. Яъни ушбу услуб илмий асарларнинг баён услуби бўлиб, бундай услуб ўзининг жиддийлиги, аниқлиги, илмий терминологияларга бойлиги, ҳар бир масалага оид тадқиқот ва асарларга муносабат билдириб бориши, хулосаларнинг аниқ бўлиши, ифоданинг ортиқча эмоционалликдан холи бўлиши билан характерланади².

Олимнинг мазкур тадқиқотида Навоий ўзбек адабий-назарий тафаккури тарихида биринчи марта шеърий канонлар масаласини кўтаргани ва буни амалий жиҳатдан исботлаб берганига гувоҳ бўламиз.

Ушбу мақоласида у Навоийнинг туюқ ҳақидаги: “Яна турк улуси, батахсис чиғатой халқи аро шоиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар. Бириси “туюғ” дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мансурдур...”³ деган фикрларига алоҳида эътибор қаратади ва шу ўринда Навоийнинг туюққа хос нозик бир нуқтасини топади. Бу нуқтани “саъй қилурларким, тажнис айтилғай”, – деган фикрда кўради. Ҳозирда биз тилимизда қўллайдиган “саъй” сўзини фақатгина уринмоқ, ҳаракат қилмоқ

¹ Саримсоқов Б. Навоий ва шеърий мезонлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 1-сон.

² Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 25.

³ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том, Т., 2000. – Б. 91-95.

маъноларида қўлланаётгани, ҳатто бу сўзни ҳаракат сўзи билан жуфт ҳолда, яъни “саъй-ҳаракат” тарзида нотўғри қўлланаётгани, аслида “саъй” – ҳаракат қилиб эришмоқ деган маъно англатиши, бундан келиб чиқадиган хулоса туюқда тажнис қўлланиши шарт эканлигини таъкидлайди.

Олим шеърий канонлар масаласига нафақат Навоий, балки ундан олдин ва кейин ижод қилган қатор мутафаккирларнинг асарларига ҳам мурожат қилди. Ҳар бир масалага оид тадқиқот ва асарларга муносабат билдириб бориши ҳам олим қўллаган академик услуб хусусиятларидандир.

Б.Саримсоқов мумтоз шеърий жанрлар номланишига ҳам диққат қилиб, уларнинг ҳар бирига хос етакчи хусусиятларни маълум даражада англайди. Жумладан, рубойининг тўрт мисрада катта фалсафий мазмунни ифодалаши, қитъанинг кесилган, яъни ихчамлаштирилган шаклда ибратли яхлит фикр билдириши, қасиданинг у ёки бу нарсани, шахс ёки воқеани мадҳ этиш ёхуд танқид этишга қасд қилганлигини ифодалашини айтиб, “туюқ” терминининг ифодалаган маъносига асосланиб, ушбу жанрнинг етакчи хусусиятларини аниқлайди.

Маълумки, “туюқ” сўзи қадимги туркий тилда сиқилган, туманли, булутли ва юмуқ маъноларини англатади. Шунга кўра, олим жинсдош сўзлар туюқдаги мазмунни хира, юмуқ ифодалашини эътиборга олган ҳолда тажнисни туюқнинг етакчи канони деб белгилайди.

Б.Саримсоқов адабиётшуносликка доир тадқиқотларида асосан назарий поэтика масалаларини ечишга ҳаракат қилган. Мумтоз адабиётдаги шеърий тизимлар, жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва канонлари, вазнли наср хусусида олиб борган изланишлари шубҳасиз адабиётшунослигимизни янги назарий билимлар билан бойитди. Айниқса, унинг мумтоз адабиётимиздаги сажъ санъатига оид асарини ҳеч иккиланмасдан илмий кашфиёт деб айтиш мумкин. Чунки ўзбек адабиётида ушбу мавзуга доир илк жиддий ва фундаментал хулосалар айнан “Ўзбек адабиётида сажъ” номли асарида ўз ифодасини топган. Поэтика асосини ташкил этувчи сажъ адабиётшунослигимизда назарий жиҳатдан деярли тадқиқ этилмаган бўлиб олим бу хусусда дастлабки муҳим хулосалар янги назарий қоидаларни илмга татбиқ этди. Олим ўз тадқиқотида оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатлари масаласига кенг тўхталиб, байт, қофия, бадий санъатлар, шеър вазнлари хусусида чуқур изланишлар олиб борди.

Умумлаштириб айтганда, Б.Саримсоқовнинг илмий қарашларида ижодий индивидуал хусусиятлар бетақрор усул ва принциплар ифодаси кўзга ташланади. У адабиётшунослик учун муаммоли бўлган адабий тур ва жанрлар хусусида; мумтоз адабиётдаги шеърият унсурлари — байт, қофия, радиф, композицион ўзига хосликлар, шунингдек, ғазал-мулоқот шакли, унинг етакчи хусусиятлари, кўринишлари, қўлланиш ўринлари ва вазифаларини соф назарий аспектда ўрганди. Ўзбек фольклоридagi дoston ва эртақнинг жанр хусусиятлари, таснифи, тарихий тараққиёти, жанрлараро муносабат ва диффузияси каби масалаларни муаммоли таҳлил қилиб, бу хусусда ўзининг аниқ ва асосли хулосаларини тақдим этди. Шунингдек, у маросимлар фольклори жанрларининг таркиби, поэтик табиати ва гене-

тик асослари, ўзбек маросим фольклоридаги расм-русумлар, рамзларни умумтуркий халқлар маданияти билан боғлиқ ҳолда ўрганди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, профессор Б. Саримсоқов ўз тадқиқотларида жаҳон илмида мавжуд бўлган академик, системали, қиёсий-тарихий, тарихий-типологик ва муаммоли усулларни қўллаш билан биргаликда ўзигагина хос бўлган индивидуал қарашларни ифодалай олди. Унинг илмий меросини яхлит ҳолда тадқиқ этиш ва ижодий индивидуаллиги қирраларини ўрганиш айти пайтда олим шахсияти ва илмий асарлари моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун асос бўлади.

Қодирова НАСИМА

Бухоро давлат университети
таянч докторанти
(Ўзбекистон)

УСЛУБ ВА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК МАСАЛАСИ

Аннотация: Мақолада ёзувчи ва адабиётшунос услубини ўзаро таққослаш асносида адабиётшунос услубига доир назарий фикрлар илгари сурилган. Услуб ва ижодий индивидуалликнинг намоён бўлиши таҳлил этилган.

Annotation: The article puts forward theoretical views on the literary style through a comparative comparison of the writer's and literary style. What is manifested by style and creative individuality is analyzed.

Аннотация: В статье исследуются теоретические взгляды на литературный стиль через сопоставление писательского и литературного стиля. Анализируется то, что проявляется в стиле и творческой индивидуальности.

Калит сўз: услуб, ижодий индивидуаллик, услуб омиллари, услуб унсурлари, ижодкорлик, шахсият.

Key words: style, creative individuality, factors of style, elements of style, creativity, personality.

Ключевые слова: стиль, творческая индивидуальность, стилевые факторы, элементы стиля, креативность, индивидуальность.

Услуб – санъаткорнинг бошқалардан ажратиб турувчи бир қатор жиҳатларининг йиғиндиси сифатида юзага чиқиб, унинг шахсиятини акс эттирувчи ғоявий-эстетик хусусиятлар умумлашмасидир.

Услуб ижтимоий онгнинг санъат соҳаси билан алоқадор бўлиб, уни яратиш гўзаллик қонунарига мувофиқ ижодкорликдир. Услубни тушуниш, авваламбор, матнда намоён бўлган гўзалликни, бадиият қонуниятларини ёки бошқача қилиб айтганда, унинг бадиий малоҳатини ҳис қилишни англалади. “Услубнинг қонунийлиги бадииятнинг қонунийлиги, шу билан бирга эстетиканинг қонунийлигидир”¹ – деб ёзади услубшунос Соколов.

Инглиз назарийетчи олимаси Женефер М. Робинсон ўз тадқиқотларида услубга доир бир қатор назарий фикрларни илгари суради. Жумладан,

¹ Соколов Теория стиля. – Москва: Искусство, 1968. – Б.38 (224).

“Адабий асарда шахсият ва услуб” (Style and Personality in the Literary Work) тадқиқотида бадиий асарда услубнинг намоён бўлиши, унинг шахсият билан алоқасига тўхталади, услуб таҳлили шахсият таҳлили эканлиги ва ижодкорнинг доимий сифатлари ҳамда фазилатлари бирлашиб, унинг услубини шакллантириши, маълум қаҳрамонлар воситасида юзага чиқишини таъкидлайди. Женефер Робинсон фикрича, услуб – онг фазилатлари тўпламининг ифодаси. Ижодкор услуби дастлаб ҳаётни қай тарзда қабул қилиши, асарига мавзу ва ғоя, қаҳрамон танлашида кўринади. Буларни юзага чиқарувчи нутқ эса услуб элементларидан бирини ташкил этади¹. Шу фикрдан келиб чиқиб, мунаққид услубини белгиловчи хусусиятларни кўйидагича белгилаш мумкин: Мунаққид услуби ҳаёт акс этган асарни қай тарзда қабул қилиши, таҳлилга олинган асар мавзуси ва муаллиф ниёти ҳамда уни амалга ошириш учун қайсидир методни танлашида намоён бўлади. Ёзувчи услуби элементларидан бири сифатида қаралаётган нутқ мунаққид услубини ҳам юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек адабиётшунослигида бу масалага эътибор қаратган илк адабиётшунос олимлардан бири Абдурауф Фитрат адабиётда услубнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини таъкидлар экан, кучсиз ёзувчилар асарларида услуб яққол ўзини кўрсата олмаслигини асослаб беради. “Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борган сойи ўзига махсус услуб ярата бошлайдир”² – дея ёрқин услубнинг шаклланишида тажрибанинг, маҳоратнинг ортиб бориши муҳимлигини айтади.

Барча катта нарсалар майда нарсалардан тузилганлигини, атом ҳам жуда майда зарралардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, танқидчининг услубини ҳам худди шу маънода тушуниш керак. Ана шу майда тасвирлаш воситаларининг ҳаммаси бирлашиб, ирмоқлар туташиб дарёни ҳосил қилганидек, адабиётшуносликнинг услубини ташкил қилади. Ана шунинг учун ҳам ижодкор-танқидчининг руҳий олами, дунёқараши, ғояси, эстетик идеали унинг фикрлашида, ҳар бир бадиий матнга муносабатида намоён бўлади, десак ҳақиқатга тўғри ёндошган бўламыз.

И.Султоннинг ёзувчи услуби ташкил этувчи масалалар ҳақидаги фикрларига таянадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам мақсад, мавзу, композиция, тил, илмий-бадиий тафаккур, ҳаётий тажриба ҳамда объектга олинган асар ва давр таъсири сингари масалаларнинг гармоник бирлигида мунаққид услуби намоён бўлади деган хулосага келиш мумкин. Демак, услуб жуда кенг маънодаги муаммоли тушунча бўлиб, танқидчи ижодидаги адабий-илмий, назарий қарашлар бирлиги унинг дунёқарашини ифодаловчи илмий - эстетик категориядир. Бу – бадиий матннинг таҳлили, мавзунини ифодалаш усули, тил каби компонентлар яратишдаги маҳорати, талантининг мевасидир. “Услуб каби мураккаб тушунчага тасвирий воситаларнинг арифметик йиғиндиси сифатида қарасак, унинг табиатини инкор қилган бўламиз. Шунинг учун тасвирий воситаларнинг ролини инкор этмай, услубга бу-

¹ Jenefer M. Robinson. Style and Personality in the Literary Work. The Philosophical Review, Vol. 94, No. 2 (Apr., 1985). – P. 240.

² Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 26.

тун ижодий жараённи, унинг тараққиёт дақиқалари билан қамраб олувчи ниҳоятда мураккаб тушунча деб қараш лозим”¹.

Дарҳақиқат, услуб ва унга оид категориялар, омиллар, элементлар (жанр, пафос, муаммо, оригиналлик, традиция ва новаторлик, илмий-бадийликнинг синтези, дунёқараш, танланган метод, эстетик идеал, адабий мактабга мансублик) масаласи ижодий жараённинг ажралмас табиати билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ёндошиш шакл ва мазмун бирлигига ҳалал бермайди. Юқоридаги мулоҳазаларлардан келиб чиқадиган бўлса, услуб фақат адабиётшуноснинг индивидуал дастхати ёки адабий приёмлар йиғиндиси бўлмай, балки жуда кенг мураккаб тушунча эканлиги билинади.

Услубни мураккаб бир тизим деб қарасак, уни шакллантирувчи ва намён этувчи қуйидаги жиҳатларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

1. Услуб омиллари
2. Услубнинг категориялари, унсурлари, ташувчилари
3. Услубнинг бадий қонуният эканлиги.

Илмий-адабий тафаккур ўзига хос ижод тури бўлиб, фан ва санъат каби икки соҳанинг бирлашувидан вужудга келади. Тафаккурнинг бу шаклида ижодкор ҳар бир айтаётган гапининг қайсидир асосга таяниши, илмий далилланиши, илмий хулосалар чиқарилиши жиҳатидан илм-фанга тегишли бўлса, қабул қилинган матннинг ижодкор кўнгил мумкига айланиб, дунёқарашда акс этиб, унинг тафаккур имкониятлари доирасида қайта яратилиши янги санъат асарининг дунёга келишидир. Ҳақиқий санъат асарларининг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, ҳар бири ўзига хос ва ўзгачадир. Шу сабабдан ҳам бир матн устида бир нечта адабиётшунос тадқиқот олиб бориши, унинг янги-янги маъно қирраларини кашф этиши ва китобхонга тақдим этиши мумкин. Бироқ улар бир-биридан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу фарқ, энг аввало, уларнинг услубида намён бўлади. Адабиётшуносликда услуб масаласи мураккаб назарий муаммолардан бўлиб, аксарият ҳолларда ижодий метод масаласи билан ёнма-ён тадқиқ этилади. Зеро, бу икки тушунча бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, айнан бир ҳодиса эмас. Рус адабиётшуноси Л.И.Тимофеев бу икки масалани қуйидагича изоҳлайди: “Методда ёзувчини ўзига яқин бошқа ёзувчилар билан боғлайдиган умумий жиҳатлар кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутқ оҳанги ва ҳ.к. намён бўлади”². Адабиётшуносликда ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланади. Аммо тадқиқот объекти ва таҳлил методи бир бўлган ҳолатда ҳам адабиётшунослар услуби бир - бирдан фарқ қилади. Бу фарқларнинг кўплаб сабаблари бўлиб, қуйидагилар унинг энг муҳимлари ҳисобланади. Энг аввало, ҳар бир ижодкор илмий савиясининг турлилиги, зеро, ҳар бир олим ўз илмий даражаси, бадий матнни тушуниш, уқиш ва англаш доирасида таҳлил этади, иккинчи тафовут таҳлил мақсади билан боғлиқ бўлиб, қайсидир олимни бадиият масалалари

¹ Н.Ахмедов. – Б.26.

² Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – Б.411.

кўпроқ қизиқтирса, қайсинидир ғоявий масалалар кўпроқ жалб этади, яна кимдир ижодкор лабораториясига диққатини қаратади. Назарийтчи олим М.Б.Храпченко “Услуг ҳаётни образли ўзлаштиришнинг ифода усули, китобхонни ишонтириш ва завқлантириш усулидир”¹ – деб таъкидлайди. Олимнинг ушбу таърифидан адабиётшуносликдаги услубни белгиловчи бир қанча хусусиятларни ойдинлаштириш мумкин. Бу адабиётшунослар ижодида бадиий асарни англаш ва талқин этишнинг ифода услуби, ўқувчини ишонтириш, тил воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Услуг омиллари. Алоҳида шахсият бу – индивидуаллик. Индивидуал услуб турли шакллар ва воситаларда намоён бўлса-да, унинг хусусиятларини белгиловчи бош омил, ижодкор мансуб даврдир. Ижтимоий ҳаёт ижодкор дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ва таъкидлаш керакки, ҳар бир ижодкор ўзи мансуб давр унинг олдида қандай вазифалар қўяётганига таянади. Ижодкорнинг ўзига хослиги халқ маданияти, адабий мерос, адабий таъсир кабилар билан бевосита боғланади. “Олим ва ижодкор дунёқарашининг шаклланишида, камолотида нима муҳим ўрин тутади? У туғилиб ўсган жой – маконми, олган таълими-ю оилавий ҳамда адабий муҳитми? Ёхуд у мансуб илмий-адабий анъаналару ундаги туғма қобилият ва бетиним изланишлар самарасими? Менинг назаримда, буларнинг барчаси ўзаро уйғунликда намоён бўлади. Зеро, ижодкор дунёқарашининг шаклланиши ва камолотида юқоридаги ҳар бир омилнинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор.

Ижодкор услубини шакллантирувчи яна бир муҳим омил истеъдоддир. Услубда акс этувчи кўпгина хусусиятлар айнан истеъдод билан боғлиқ.

Илмий-адабий тафаккур ҳам фан ҳам санъат билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ижодкордан икки қарра масъулият ва истеъдод талаб этади. Аввало, маълум асарни ижодкор кўзлаган ғоявий мақсадни тўғри англаш, унинг бадииятини ҳис этишдаги истеъдод бўлса, иккинчи англагани ва ҳис этганини китобхонга қайта тақдим этишдаги ўзига хослик ва маҳорат жуда муҳимдир.

Услуб, аввало, олимнинг табиати, бадиий асарни тушуниши ва қабул қилишига боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун услуб ҳар бир адабиётшунос, танқидчининг индивидуаллигини, маҳоратини белгиловчи энг муҳим омилдир. Хусусий услуб ижодкор иқтидори, интеллектининг ўзига хослиги, таҳлил этаётган матнни қабул қилиши, ҳис этиши, тушуниши ва тушунтиришидаги алоҳидалигини рўёбга чиқаради.

Академик Б.Назаровнинг таъкидлашича, “мунаққид ёки адабиётшунос олим услуби унинг мақола ёки тадқиқотининг тили, жанри, композицияси, воқелик ва бадиий асарлардаги “сир”ларнинг аниқланиши, таҳлил методларидан фойдаланиши, пафоси, ҳаёт билан алоқадорлиги, бадиий диди, асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидаги”² ўзига хосликдан келиб чиқади.

¹ Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.,1972. – Б.98.

² Кўчирма Ш. Ахмедова, Қ.Қахрамоновларнинг “Чин олимлик саодати” китобидан олинди.

Ҳар бир олим ижодида сўз ва ифодалар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ижодкор тафаккури ва илмий дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда янги-янги маъно қирраларини касб этади. Бу борада ҳар бир адабиётшунос ёхуд мунаққид ўз дастхатига эга бўлмоғи лозим.

Адабиётшунос услубини таҳлил этиш жараёнида услубни намоён этувчи элементлар ва ташувчиларни ҳам кўриб чиқмоқ лозим. Олим тили услубнинг энг ёрқин кўринувчи унсуридир.

Услуб унсури сифатида адабиётшуноснинг таҳлил методларидан фойдаланиш маҳорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Услуб адабиётшуноснинг таланти, маданий савияси, ақлий қуввати, ҳаёт тажрибаси, олим сифатидаги ўзига хос хусусиятларини акс эттирар экан, буларни унинг дунёқарашидан, унинг ижодига раҳнамо бўлган методдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, услуб тушунчаси метод тушунчаси билан боғлиқ, шунинг учун услуб таҳлилисиз методни, методни назарда тутмай услубни тушуниб бўлмайди.

Метод ёзувчи сингари адабиётшунос, танқидчининг ҳам йўлини ёритади, унинг қўлига дастурамал тутаяди. Ҳаёт воқелиги тасвирланган бадий матнга қайси томондан ёндашиш кераклигини ўргатади. Ҳаётини воқеа-ҳодисалар акс этган асарлар маъзидан энг муҳимларини вақтида илғаб олишга ёрдам беради. Бадий асарни холисона баҳолай олиш, таҳлиллар орқали чиқарилган хулосалар келажакка тўғри қарай билишни ўргатади. Бадий асардаги ўзига хосликларини очиб бериш, воқеалар, муҳитнинг ўзига хос тасвирига баҳо бериш индивидуал услубнинг муҳим унсурларидан десак ҳақиқатга яқинлашган бўламиз. Чунки машҳур шоир Расул Ҳамзатов “Энг майда нарсада энг улкан нарса ётади, энг улуғ нарса энг содда нарсада”¹ эканлигини таъкидлайдики, бу сўзсиз ёзувчи услуби жуда кўп майда услубий бўлаклардан иборат деган асосга олиб келади.

Илмий-танқидий асарнинг пафоси унинг яшовчанлиги ва китобхонлар аудиториясини ўзига тортувчи ва адабиётшунос услубига бевосита таъсир этувчи унсурлардан биридир. Танқидчи ўз мақола, тадқиқотларининг таъсирли бўлиши, халққа етиб бориши тўғрисида ҳам ўйлайди, шунинг учун асарларини халққа, китобхонга мурожаат қилиб туриб ёзади; шу боис уларда мурожаат, баҳс, фикрлашиш, мушоҳада қилиш, суҳбат оҳанги устун, шунинг учун ундов, савол, мурожаат, тасдиқ оҳанглари алмашилиб туради. Олимнинг ҳамма мақоласи эҳтирос билан, баъзилари, адолатсизликка қарши ҳужумкорлик руҳи билан ёзилган.

Адабиётшунослар услубида бир-бириникига ўхшамайдиган, индивидуалликни намоён этувчи услуб ташувчиси – таҳлил этилаётган асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидир.

Адабий-танқидий асарда, мақолада муаллиф қуруқ, баландпарвоз жумла, сунъий эҳтиросга йўл қўймаслиги, барча фикрларини теран, илмий асосга ва чуқур умумлашмалар, ўткир хулосалар асосига қуриши лозим. Таҳлил қилинаётган бадий матнда халқ руҳи ва унинг интилишлари, ор-

Тошкент: Наврўз, 2015. – Б.26.

¹ “Шарқ юлдузи”, 1972. 3- сон. – Б.149.

зу-армонлари ҳаққоний ифодаланишига эътибор қаратиши, ва бу матнда ижодкорнинг инсон ва унинг келажаги учун қанчалик қайғуришини ёритиб бериши лозим.

Услуб элементи сифатида жанр бошқа унсурлардан фарқ қилади. Чунки бу бошқа услуб элементларига нисбатан кенгроқ бўлиб, аксарият ҳолатларда қолган элемент ва ташувчилар айнан асар жанрига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшуносликда илмий-адабий тафаккурнинг ўзига хос жиҳатларини инobatга олган ҳолда мунаққид ва адабиётшунос услуби ўрганилиши зарур бўлган муҳим назарий муаммолардан биридир.

Ёзувчи услубини белгиловчи унсур: ҳаётнинг тасвири, объекти ҳаёт бўлса, танқидчи услубини белгиловчи унсурлар ҳаёт тасвирланган асарни таҳлил қилиш, демак, танқидчининг объекти бадиий матндир.

Ёзувчи ҳаётдан илҳом олади, танқидчи эса ҳаёт тасвирланган бадиий асардан. Ёзувчининг тили бадиий буёқларга эга бўлса, танқидчи тили илмий ва бадиийлик синтези асосида шаклланади.

Худойқулова МАРҲАБО,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси
стажёр-тадқиқотчиси
(Ўзбекистон)

БАҲСДА АДАБИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация: Мақолада адабий танқид жанрларидан бири баҳс ва унинг адабиётшуносликдаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Адабиёт муаммоларига бағишланган баҳслар таҳлил қилинади.

Rezume: The article discusses one of the genres of literary criticism and its place in literary criticism. Discussions on literature issues are analyzed.

Аннотация: В статье рассматривается один из жанров литературной критики и его место в литературоведении. Анализируются дискуссии по литературным вопросам.

Калит сўзлар: адабий танқид, танқид жанрлари, баҳс, мунозара, адабий муаммо, мунаққид, талқин.

Key words: literary criticism, genres of criticism, debate, discussion, literary problem, critique, interpretation.

Ключевые слова: литературная критика, жанры критики, дискуссия, дискуссия, литературная проблема, критика, интерпретация.

Ўзбек адабиётшунослигида баҳс, мунозара жанри XX асрнинг 20-йилларидан кейин тараққий эта бошлади. Академик Б.Назаров “1922 йиллардан кейинги жараён учун характерли бўлган хусусиятлардан бири танқидчиликда мунозара ва мубоҳасанинг майдонга келишидир. Бу йўналиш 20-йилларнинг ўрталарида ва 30-йилларнинг биринчи ярмида янада ривожландики, танқидчилигимизнинг кўп муҳим масалалари мана шу

тортишувларда шаклланди ва мустаҳкамланди”, – деб ёзади. Бу, шубҳасиз, ҳали кучли изланиш даврини бошдан кечираётган адабий жараённинг изланишда бўлган танқидчилиги учун табиий- ва айни вақтда, зарурий хусусият эди”. Ана шу зарурий эҳтиёж натижасида юзага келган баҳсда муаммонинг юзага келиш сабаблари ўрганилади ва мазкур масалани ижобий ҳал қилиш йўллари изланади. Муаллиф ўртага қўяётган муаммони ҳал этиш вариантларидан бирортасини ўзи тавсия этиши мумкин ёки аксинча бу жанрнинг аҳамияти шундаки, у адабиётни кузатади, хато ва камчиликларни танқид қилиш билан бирга ундан қутулиш йўлларини кўрсатади. Тадқиқотчи илмий муаммоли мақолалар илмий далилларга асосланган хулосалар билан ўз ишини тугатади ва адабиётда ноаниқ бўлиб келаётган масала юзасидан текширишлар натижасида аниқ деб топилган вариантни “муомалага” чиқаради.

Адабий танқидда баҳснинг ўрни ҳақида У Норматов шундай ёзади: “Танқид баҳс билан тирик, мен ҳам ҳақиқат баҳсларда аён бўлади деган қарашларга қўшиламан. Холислик, юксак билимдонлик, маданият билан айтилган эътирозларни ҳамиша мамнуният билан қабул қилганман. Биргина мисол. Бир асар ҳақида икки хил фикр рубрикаси остида берилган “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссаси хусусидаги танқидий мулоҳазаларимга ёш иқтидорли мунаққид Илҳом Ҳасан “Икки қисса – бир ҳисса” сарлавҳали мақоласида теран таҳлиллар орқали одоб билан жиддий эътирозлар билдирган. Бунинг учун мақола муаллифини чин дилдан кутлаганман”¹.

Кўринадики, баҳс-мақолада холислик билан айтилган фикр мунаққидлар учун ҳам, китобхон учун ҳам фойдалидир. Фақат ақл заковат ёрдамида фактларни ҳаққоний талқин этиш мумкин. Булар учун фантазия ҳам даркор. Манбалардаги фактлар тош ва ғишт мисоли. Ҳақиқий санъаткор, шу материалдан хушбичим иморат қуради, – деб ёзади В.Г.Белинский.

Ҳар бир мунаққид адабий-тарихий жараёндаги мавқеи долзарб, илмий муаммоси масалаларни қўя олиш, ҳал қилишга киришиши билан белгиланади. Баҳс-мақолалар ҳам кенг оммага мўлжалланиб, ҳаммага тушунарли тил ва мароқли услубда ёзилиши керак. Баҳс-мақолаларда ҳам нуқтаи назар аниқ акс этиш, фикр рўй рост ифодаланиши лозим. Мақола муаллифи мавзуга доир хилма хил атамалар қўллаши ва уни оммага тушунарли қилиш учун изоҳ ва луғатлар бериб бориши зарур. Баҳс-мақола ҳам мавзуси, мазмун моҳиятига қараб, бир неча турларга бўлиниши мумкин.

Баҳс-мақолада бир ёки бир неча иштирокчи бўлиши мумкин ва уларнинг баъзи бирлари табиийки, бир позицияда туриб бир фикрни ҳимоя қилишлари мумкин. Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” хафтаномасида эълон қилинган. “Адабиёт ўладими?” мақоласи кўпчилик адабиётшунослар орасида кескин мунозараларга сабаб бўлган эди.

Ш.Холмирзаев жамият тараққиётининг инсон шахсига таъсири масаласини фалсафий категорияга айлантиради. У жамият ва шахс тақдири узвий алоқадорликда эканлигига урғу бериб, фан-техника ривожланган сари кишиларнинг адабиётга бўлган муносабати ўзгарадими деган саволни ўрта-

¹ Норматов У. Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари / Ижод сеҳри. – Т., 2009. – Б.338.

га ташлайди ва бу адабиёт ўладими? – дея ўз-ўзига сўроқ беради. Мақола муаллифи саволига ўзи жавоб қайтаради. Унинг фикрича адабиёт боқий, у инсоннинг ҳам маънавий ҳам руҳий, ҳам кундалик зарур эҳтиёжи.

Дарҳақиқат, бу эҳтиёж, бу зарурат инсоннинг инсонлигини таъминлаб турувчи энг муҳим омиллардан биридир. Фан-техника ривожланиши натижасида жамият қай даражада ўзгармасин, аммо адабиётга бўлган муносабат ўзгармасдир. Ш.Холмирзаевнинг матбуотдаги бу чиқишидан кейин, шу мавзудаги адабий баҳс, мунозара бошланди. Ҳар бир муаллиф бу муаммоли, бир қарашда “ғайритабиий” фикрга ўз муносабатини билдирди.

Бу мақолаларнинг аксарияти “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида, шунингдек, “Миллий тикланиш” ва “Қалб сўзи” газеталарида эълон қилинган. Баҳсда Н.Каримов, М.Намозов, А.Отабоев, О.Шарафиддинов ва бошқа адабиётшунос олимлар иштирок этганлар. Асосий масала – адабиётнинг келажаги, унинг тараққиёти, қай даражада давом этиши, бу борада ижодкорнинг ўрни каби масалаларга ойдинлик киритилганини кўриш мумкин.

Баҳснинг бўлиши, демак шууримиздаги қайсидир депсиниб турган фикрнинг янгиланиб, ривожланиб боришини кўрсатади. Баҳсда бирор нарса бир ёқлама эмас, ҳар томонлама мушоҳада этилади, бир қолипга тушиб, бўғриқиб, ҳатто қотиб қолган қарашлар ҳам ҳаракатга келади.

Ҳозирги адабиётимизнинг қиёфаси: наср, назм ва танқидчилигимиз, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги баҳслар давом этмоқда. Уларни ўрганиш, таснифлаштириш, умумлаштириш келажакдаги вазибаларимиздан биридир.

Назарова Д.,
Бухоро давлат университети, 1-босқич магистри
(Ўзбекистон)

АДАБИЙ ПОРТРЕТ РИВОЖИ ХУСУСИДА *(Хх асрнинг 70-йиллари мисолида)*

Аннотация: Мақолада ХХ асрнинг 70-йилларида адабий портрет яратиш, жанрнинг тараққиёти ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: адабий танқид, портрет, ижодий портрет, ижодкор, образ, шахсият.

Annotation: The article discusses the development of the genre, the creation of literary portraits in the 70s of the XX century.

Key words: literary criticism, portrait, creative portrait, creator, image, personality.

ХХ аср ўзбек адабий танқидчилигида адабий портрет жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши унинг ижобий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Чунки адабий портрет ижодкорнинг таржимаи ҳолини, кенг қамровда батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот ҳисобланади. Унда “ижодкорнинг

жисмоний, маънавий ва ижодий, инсоний жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратишга катта эътибор қаратилади. Адабий портретда аниқ бир шахснинг жонли қиёфаси, унинг такрорланмас яхлит образи қайта яратилади. Ёзувчи ёки шоирни айнан тасвирлаш унинг моҳиятини ташкил этади¹. Шу жиҳатдан қараганимизда, айниқса, XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб, ўзбек адабиётшунослигида жуда кўп портретлар яратилганини кўрамиз.

Ў.Ўтаев “сўнги йилларда ўзбек танқидчилари ижодида яхши бир фазилат – бирон бир ижодкор ижодини унинг шахсияти билан боғлаб текшириш, нури хотираларга кенг ўрин бериш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу усул кўпроқ В.Зоҳидов, Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшонов, Т.Жалолов, М.Юнусов каби танқидчиларимиз ижодида муваффақиятли қўлланилмоқда. Чунки бу олимларнинг аксарияти Ғ.Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби адибларимиз билан баробар ижод йўлини бошлашган, уларнинг ҳаёт ва ижодий камолотининг тирик гувоҳларидир”, – деб ёзади². Ҳақиқатан ҳам ижодкорнинг шахсияти билан ижодини боғлаб текшириш орқали чуқур умумлашмалар чиқариш борасида адабий портрет жанри ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

XX асрнинг 70-йилларида Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қисқа муддат ичида юздан ортиқ ижодий портрет намуналарини чоп эттирган. Уларнинг кўпчилиги авваллари ижоди кенг ёритилган ёзувчиларга бағишланган бўлиб, ўзбек танқидчилигининг савияси ошиб бораётганлигини кўрсатади. Уларда муаллифлар ёзувчи ёки шоир ижодига теран ҳурмат билан муносабатда бўлиб, бадиий ижоднинг мураккаб ва машаққатлижараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда фикр юритганлар.

Кўринадики бу даврга келиб, адабий портрет жанрида самарали натижаларга эришилди. Чунончи, «Мақсуд Шайхзода (1970), И.Мирзаев «Раҳмат Файзий» (1970), М.Шарипов «Шуқур Саъдулла» (1971), Ф.Насриддинов «Мирмуҳсин» (1972), С.Мамажоновнинг «Ғайратий» (1973), М.Маҳмудова ва Б. Маҳмудовлар «Иброҳим Раҳим» (1974), Л.Қаюмов «Зулфия» (1975), А.Акбаров «Зулфия» (1975), А.Абдусаматов «Ҳабибий» (1977), Ш.Отабоев «Мирзакалон Исмоилий» (1978), С.Сирождинов «Абдулҳамид Маждий» (1982) кабилар яратган ва бошқа кўплаб портретларни мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.

Шу ўринда С.Мамажоновнинг Ғайратий ҳақидаги портрети муносабати билан бир фикрни айтиб ўтиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу адабий портрет қурилиши, мунаққиднинг услуги, мавзунинг ёритилиши, жонлилиги, шоир образининг тўлиқ қайта яратилиши жиҳатидан 70-йилларда ёзилган шу хилдаги асарлардан фарқ қилади. Бу портрет бадиий асарнинг пайдо бўлишидаги жамият, давр, халқ билан боғлиқ объектив сабаблар бир қаторда унинг вужудга келишидаги субъектив омилларнинг нозик қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга танқидчининг тадқиқ услуги адабий танқидчиликда портретнавислик соҳасининг савияси ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади.

¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент: Фан, 2007. – Б.78.

² Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.54.

Адабий портретда шоир ёки ёзувчи, санъаткор, давлат ва жамоатар-боби ҳаёти ва ижодининг муҳим қирралари акс этиши лозим. Бинобарин, “адабий портретда: 1) сўз санъаткорининг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш; даврнинг асосий йўналишлари ва унинг ижодкор сифатида шаклланишида тутган ўрнини ойдинлаштириш.

2) уни намоён этишда ёзувчи, ижодкор индивидуал услубининг ўзига хос қирраларини кўрсатиш;

3) санъаткорнинг инсон ва шахс сифатидаги фазилатлари, нуқсонлари ва буларнинг ўз шахсий ҳаёти ва ижодий йўлида тутган ўрнини асослаш;

4) ёзувчи шахси ва ижодининг муҳим босқичлари, унга бўлиниш сабабини очиб, ҳар бир босқичга хос хусусиятларини умумлаштириш¹га эътибор қаратилади.

Ўрганилаётган давр портретларининг баъзиларида бу хусусиятлар кўзга ташланса-да, баъзиларида бунини кўрмаймиз, бунини ўша давр билан боғлиқ жиҳат деб қараш тўғрироқ бўлади. Бу адабий, ижодий портретларни кенг тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган вазифалардан биридир.

Адабиётлар

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2007.
2. Мамажонов С. Ғайратий. – Тошкент. 1972.
3. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент: Фан, 1978.

Олтиной Курбонова,
Бухоро давлат университети таянч докторанти
(Ўзбекистон)

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАҚИДАГИ ТЕРАН ТАЛҚИНЛАР

Аннотация: Мақолада ҳассос мунаққид И.Ғафуровнинг А.Орипов ижодига бағишланган обзор мақолалари ва эсселари ҳақида фикр юритилган. Мунаққиднинг теран таҳлил ва талқинлари китобхон дидини тарбиялашда муҳимлигига аҳамият қаратилган.

Аннотация: В статье рассматриваются обзорные статьи и очерки критика И. Гафурова на творчество А. Арипова. Углубленный анализ и интерпретация критики подчеркивают важность воспитания вкуса читателя.

Annotation: The article discusses the review articles and essays of the critic I. Gafurov on the work of A. Aripov. The in-depth analysis and interpretation of the critic emphasizes the importance of cultivating the taste of the reader.

Калит сўзлар: танқидчи, шоир, обзор мақола, таҳлил, талқин, эссе, ижодий қиёфа.

Ключевые слова: критик, поэт, обзорная статья, анализ, интерпретация, эссе, творческий образ.

Key words: critic, poet, review article, analysis, interpretation, essay, creative image

¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.97.

Адабиётшуносликда шоир ва ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласи доимо долзарб бўлиб келган. Кейинги даврда ижодкорнинг ижодий қиёфасига ўқувчи диққатини тортиш; инсоний қалбини, руҳиятини яратган асарлари таҳлили орқали ҳис эттириш; яратган бадиий оламининг бетакрорлик аломатларини англатиш, асарларининг ўзига хос услубда яратилганлигини тадқиқ қилиш масаласи диққат марказда турибди. Ўзбек адабиётшунослигида ҳассос мунаққид деб танилган И.Ғафуров бу йўналишда йирик тадқиқотлар яратгани маълум. Унинг А.Орипов ижодига бағишланган обзор мақолалари, тақриз ва эсселари фикримизни тасдиқлайди.

Танқидчи XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, мунаққид А.Орипов ижодини ўзгача бир нигоҳ билан кузатиб келади, унинг шеърларини ниҳоятда теранлик билан талқин ва таҳлил қилади. “Ишонгиси келар одамнинг...” обзор мақоласининг “Ҳақиқат, мантиқ, ишонтириш” дб номланган фасли А.Орипов ижодига бағишланган. Танқидчи шоирнинг “Оилада туғилса гўдак”, “Тмир одам”, “Муҳаббат” каби шеърларини таҳлил қилар экан, сарлавҳада қўйилган муаммога китобхон диққатини қаратади:

*Дўстлар, айтинг сўнган дўстликни
Қайга олиб бориб кўмарлар?*

“Абдулла дўстидан айрилиқ ўлим ҳиссига қараганда ҳам фожиалироқ эканлигига, уни ҳеч қаерга сиғдириб, кўмиб, йўқ қилиб, ундан қочиб, қутулиб бўлмаслигига одамни ишонтиради. Куруқ сўз, ясама “оҳ-воҳ” билан эмас, мантиқнинг поэтик кучи билан, ажиб қиёс, тоза қалб билан ишонтиради. Мен Абдулланинг шеърларини ўқиганимда уларда мантиқнинг поэзияга айланганини, ҳақиқатнинг жўшқинлик билан бирлашганини кўраман. Абдулла китобхонни ўзига шуларнинг эҳтиросли кучи билан ишонтиради” [Ғафуров. 1970.23].

Мунаққид “Тонг туққан шеърият” деб номланган туркум мақолаларида 70-йиллар шоирлари ижодига назар ташлар экан, А.Орипов ҳақида холислик билан шундай ёзади: “Абдулла Ориповга келганда, бу ўзига хос шоир ҳақида Асқад Мухтор ва айниқса, Зулфия айтган фикрларга жон дил билан қўшилган ҳолда, шунигина таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, эндиликда Абдулла Орипов кечаги кунги кўкларга кўтариб, мақташлардан, шеъриятимизнинг юлдузи, метеорити деб ҳамду сано ўқишлардан юқори кўтарила олди...”

Мен чуқур ишонаманки, унинг етмишинчи йиллар шеъри олтмишинчи йиллар шеъридан фарқ қилади, у янги оҳанглар, янги воситалар топади, янги ифодавийликка эришади” [Ғафуров. 1973.27].

XX асрнинг 80-йилларига келиб, танқидчи шоир шеърларида лирик қаҳрамон, характер масаласини тадқиқи этишга киришади: “Абдулла Ориповнинг лирик характерлари умумлашма қиёфа касб этади. Уларни шоир характер демайди, “одам- учинчи одам, номаълум одам, темир одам” деб ишлатади ва тип даражасига кўтаради. Абдулла Орипов инсон меҳри

ҳақида жуда теран ўйлайдиган ва эътиборини муттасил шунга жалб қилган ижодкор. У инсон меҳр билан мукамал ва гўзал деган ақидага қаттиқ ишонади. Меҳрсизлик инсонни нотугал махлуққа айлантиради. А.Ориповнинг характерлари мана шу фикрдан туғилганлар” [Ғафуров. 1982.13].

Йиллар ўтган сари мунаққид шоир ижодининг сирли, сеҳрли оламига теран кириб боради, шоир асарларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, ўқувчилар қалбига етиб бориши учун изланади. Адабий танқиднинг бошқа жанрларида ҳам шоир ижодини талқин этишда ўз кучини синаб кўради. Шу жиҳатдан, мунаққиднинг эсселари ўзига хос. Аслида “Эссе ҳар хил мавзуларда, турлича мазмунда яратиладиган (лирик, фалсафий, беллетристик, публицистик, танқидий ва ҳ.к.), эркин фикрлашга, муаллиф “мен”и, ҳис-туйғуларининг чуқурлиги ва теранлигига асосланадиган жанр бўлиб, унда ижодкор ўрни муҳимдир. Эссе жуда кенг имкониятларга эга, унинг эркинлиги (ҳеч кимга буйсунмаслиги), теранлиги хос хусусиятларидан биридир”. [Ахмедова. 2008.135]. Айни шу эсседаги эркинлик мунаққидга куч берганлиги, шоир ижоди ҳақида қалби тубидаги эҳтиромни олиб чиққанлиги яққол кўринади. “Орфей ва Олий жамол” эссеси фикримизни далиллайди: “Орфей –шеър, кўшиқ, сознинг илк сеҳргари. Одамзод шоир, созанда деганда илк уни таниди ва ўзи севган кейинги барча шоирларни унга ўхшатди.

Ростдан ҳам, сўзу созда қайдаки сеҳр бор, билинги, миллатидан қатъи аназар, у ерда Орфей ҳам бор. Демакки, Орфей ўзбек шоири Абдулла Орифга ҳам тўғридан тўғри дахлдор. Уларнинг қавмлари бир: сеҳрсозлар қавмига кирадилар” [Ғафуров. 2008.135]. Бундай оҳорли ўхшатиш ва талқин фақатгина И.Ғафуров қаламига мансуб.

Эссенавис мунаққид ўз асарида адабий-бадий ҳодисалар ҳақидаги ўз таассуротларига, санъаткор таржимаи ҳоли, ижоди билан боғлиқ қизиқ воқеалар тасвири, табиатнинг дилбар манзаралари, турли афсона ва ривоятлар, айни мавзу ҳақида китобхон билан эркин мулоқот қилишга ҳам кенг ўрин беради. Юқоридаги эсседа Орфей ҳақидаги афсона, Лут қавми ҳақидаги илоҳий қисса, бот-бот китобхонга мурожаат қилиш – буларнинг барчаси А.Орипов ижодига боғлиқ ҳолда келтирилади.

“Танқидчи эссесида ҳам, ёзувчи эссесида ҳам, энг аввало, унинг “мен”и акс этади. Эсседа ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари адабийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларнинг кўркам синтезини ташкил этади. Зотан, эссе жанрининг асосий хусусиятларидан бири-танқидчи ҳиссий тафаккурининг теран намоён бўлишидир” [Ахмедова. 2008.137]. Ҳақиқатан ҳам “Даштлар майсаси” эссесини ўқир эканмиз, унда танқидчининг ҳиссий-бадий тафаккури устун эканлигини кўраемиз. Эсседа табиат ҳодисалари, шоирнинг юрти, отаси билан боғлиқ хотиралар, адиблар суҳбати – барчаси А.Орипов шахсиятига, ижодига бориб туташади. Танқидчи шоирнинг номини айтмайди, А. деб ёзади, аммо китобхон эссенинг марказида шоир турганини ҳис этади: “Мана А.да чинакам заковат бор”.

*"Устоз, – деди бир кун тулки тулкига
Нечун биз нишонмиз доим кулкига!"*

Шу икки қатор шеърнинг ўзидан истаганча заковат нишонасини топиш мумкин... А.нинг стихияси – зарофат... Заковат ва зарофат – А.нинг стихияси. Фалсафий, таълимий, қочирим шеърларда у ўз юксак баландлигига кўтарилади.

А.нинг рубойларида ҳам шу икки хислат шоҳ хислат. Улар худди Бадахшоннинг ложувард тоши каби. Кўзингизни майин ва бебаҳо шуўлага тўлдиради" [Ғафуров. 2008.147].

Танқидчининг юрагидан чиққан шу тарздаги самимий талқинлар шоир ижодининг туб моҳиятини англатишга ёрдам беради.

И.Ғафуров ижодини кузатар эканмиз, у доимо истеъдодли шоирларнинг илк парвозини муҳаббат билан қарши олувчи тақриз, мақолалар эълон қилганини, улар ижодини узлуксиз ва мунтазам равишда ҳозиргача кузатиб келганини кўрамиз. Айниқса, А.Орипов ижодига бағишланган тадқиқотлар оҳори, ўзига хос талқинлари билан ўзбек танқидчилигида муҳим ўрин тутди. Мунаққид А.Орипов асарларини таҳлил ва талқин этиш асносида замонавий ўзбек адабиётининг ютуқлари, тамойиллари, етишмовчиликлари тўғрисидаги ишончли мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлайди, китобхонларнинг эстетик диди чархланишига кўмаклашади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008.
2. Ғафуров И. Жозиба. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
3. Ғафуров И. Шеър билан суҳбатлар. – Тошкент, 1973.
4. Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент, 1982.
5. Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ НМАҚ, 2008. – Б.135.

Murodova Farangis,

Бухоро давлат университети
2-bosqich magistri

OBZOR MAQOLADA HIKOYALAR TALQINI

Annotatsiya: Maqolada adabiy tanqid janrlaridan biri bo'lgan obzor maqola va unda o'rganilgan hikoyalar haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: obzor maqola, tanqid janrlari, hikoya, tahlil, munaqqid, mavzu, ilmiy-nazariy obzor.

Аннотация: В статье рассматривается обзорная статья, один из жанров литературной критики, и изучаемые в ней рассказы.

Ключевые слова: обзорная статья, критические жанры, рассказ, анализ, критик, тема, научно-теоретическое обозрение.

Annotation: The article deals with a review article, one of the genres of literary criticism, and the stories studied in it.

Key words: review article, critical genres, story, analysis, critic, topic, scientific and theoretical review.

Obzor xarakteridagi adabiy-tanqidiy maqolada o'rganilayotgan adabiy hodisaga umumiy qarashlar bayon etiladi, o'sha adabiy hodisaga daxldor adabiy dalillar izchil amaliy-estetik mantiq asosida umumlashtirilib, ma'lum umumlashma xulosalarga kelinadi. Bunday umumlashtirish obzor shaklida kechgani bois maqola ham adabiy-tanqidiy obzor maqola tusini oladi va shunday nomda e'tirof etiladi¹.

Adabiy-tanqidiy obzor maqolalarning shunday turlari borki, ularda bir yillik yoki o'n yillik emas, balki bir asrlik adabiyotga qisqa va teran nazar solish va shu orqali unga baho berish tamoyili kuchli bo'ladi. Yoki adabiy-tanqidiy obzor maqolalarning shunday ichki shakllari bor ekanki, ularda ma'lum bir yillar yoki davrlar emas, balki asarlar haqida umumlashtirib yozish an'anasi mavjudligi ko'rinadi. Adabiy-tanqidiy obzor maqolalarda badiiy asarlar haqida fikr yuritishdan tashqari ularga munosabat bildirgan munaqqidlarga ham munosabat bildiriladi.

"O'zlikning badiiy ifodasi" deb nomlangan obzor maqolada 2003 yilda yaratilgan hikoyalar tahlil etilgan. "Hikoyalarda hayot muammolari talqini" degan ostsarlavhadan ham ma'lum bo'ladiki, adabiyotshunos H.Karimov hikoyalarni ilmiy-nazariy jihatdan sharhlashni maqsad qilib olganligi ko'rinadi.

Obzor maqolada A.Yo'ldoshevning "So'qir", H.To'ymanovanning "Omonat", X.Do'stmuhammadning "Mahzuna", N.Norqobilovning "Quyosh tutilgan kun", Sobir O'narning "Tarvuz" hikoyalarda hayot muammolari qanday talqin etilganiga e'tibor qaratiladi.

Tanqidchi bugungi adabiyotning o'z o'zaniga tushganligi, insonning o'zligini kashf etish tamoyili takchilik qilayotganini e'tirof etar ekan, keyingi davrda yozilgan ko'pchilik asarlarning zamirida imonga da'vat masalasi yotishini tahlillar asosida ko'rsatadi. "So'qir" hikoyasida hayot haqiqati qahramonlar qimati orqali ishonarli tarzda ko'rsatilganligi, "Omonat"da sakson yoshli Sharofat momoning iymoni butligi, qalbi tozaligi ochib berilganligi, "Mahzuna"da ham ruhi pok, e'tiqodi sog'lom bo'lgan ayol obrazi yaratilganligi to'g'ri talqin qilinadi. Tanqidchi, ayniqsa, N. Norqobilov hikoyasida tabiat bilan insonning uyg'unligi, quyoshsiz – ma'naviyatsizlik insonning tanazzuli ekanligi yaxshi tasvirlanganligiga e'tibor qaratadi. Ammo hikoyalardagi kamchiliklar haqida fikr bildirmaydi. Maqola oxirida adiba Z.Solievanning "Devona" hikoyasi haqida qisqagina fikr yuritilib, shunday deydi: "Lekin Xulxumor o'z g'oyasini ochiq-oshkor bayon etmagan, balki voqealar zamiriga suldirgan"².

Badiiy asarni idrok etish oddiy jarayon emas. Yozuvchi – badiiy boylik yaratuvchi, kitobxon o'sha boylikni iste'mol qiluvchi. Lekin yozuvchi-yaratuvchi bilan kitobxon-iste'molchi orasida yana bir kuch bor. Bu adabiy talqinchi,

¹ Axmedova Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.46.

² Каримов Х. Ўзликнинг бадий ифодаси // ЎЗАС. 2003 йил, 11 июль. – № 27-28.

obzorchi hisoblanadi. Bu kuch ham boylik yaratadi. Idrok etuvchi yaratgan boylik yozuvchi yaratgan boylik asosida paydo bo'ladi. Shuning uchun tanqidchi qanday shaklda asar yaratmasin, hamisha so'z san'atiga fidoyiligicha qolishi kerak. Tanqidchi bo'lish uchun, haqiqiy tanqidchi bo'lish uchun, albatta, iste'dod kerak, shoir, dramaturg yoxud nosir bo'lish uchun talent qanchalik zarur bo'lsa, tanqidchi bo'lish uchun ham shunchalik talent zarur. Tanqidchi san'atdagi go'zallikni payqay olmasa, uning taqrizi ham, adabiy-tanqidiy maqolasi ham, adabiy portreti ham o'quvchi diliga yaqin bo'la olmaydi, uning diqqatini torta olmaydi. Tanqidchilikning qaysi janrida qalam tebratishidan qat'i nazar munaqqid samimiy va xolis, adabiyot uchun, uning yuksakligi kurashuvchi bo'lishi kerak. Adabiy-tanqidiy obzor maqola yaratuvchi tanqidchilarda ham xuddi shu xususiyatlar ustuvor bo'lishi lozim, ana o'shandagina ular yaratgan asarlar yillardan-yillarga, asrlardan-asrlarga o'tib boraveradi.

Adabiy-tanqidiy obzor maqolalar adabiyotni rivojlantirishda katta ahamiyatga ega ekanligi tahlillarimizdan yaqqol namoyon bo'ldi. Adabiy-tanqidiy obzor maqolalarning o'zi mavzusi, xarakteriga qarab bir necha turlarga bo'linishi va tadqiq etilishi lozim. Chunki nasr tadqiqiga, she'riyatni umumlashtiruvchi, dramaturgiya sohasiga, bolalar adabiyoti, adabiy tanqid rivojiga bag'ishlangan juda ko'plab obzor maqolalar yaratilganki, bitta maqolada ularning barchasini qamrab olish mushkulligi aniq.

**У БОБ
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ**



Д.Ўраева,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори
М.Қодирова,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ФОЛЬКЛОРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада таълимнинг барча босқичларида жорий этилган масофавий таълим шаклида фольклор фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти, ўқитишнинг турли инновацион методлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В статье рассматривается необходимость совершенствования методики преподавания фольклора в форме дистанционного обучения, внедряются на всех этапах обучения различные инновационные методы обучения.

Annotation: This article discusses the necessity to improve the methodology of teaching folklore in the form of distance learning, introduced at all stages of education, various innovative methods of teaching.

Калит сўзлар: масофавий таълим, фольклор, методика, онлайн, офлайн, метод, инновация, педагогик технологиялар, мустақил таълим, платформа.

Ключевые слова: дистанционное обучение, фольклор, методика, онлайн, офлайн, метод, инновации, педагогические технологии, самостоятельное обучение, платформа.

Key words: distance learning, folklore, methodology, online, offline, method, innovation, pedagogical technology, independent learning, platform.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонун”ининг 16-моддаси бевосита масофавий таълимни ташкил қилишга бағишлангани билан эътиборни тортади. Негаки, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи кенг ривожланган ҳозирги бир даврда зарур билим, малака ва кўникмаларни масофадан туриб олиш учун бемалол уларнинг имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда юз берган эпидемиологик вазият, пандемия шароитида мажбурият юзасидан уйда қолиб, таълимдан узилган ўқувчи ва талабаларга таълимни давом эттириш имкониятини берувчи масофавий таълим шакли жуда қулайлиги амалда ўз исботини топди. Бу борада анча тажриба ҳам тўпланди. Шундай бўлса-да, ҳали бу борада янги ечимлар зарурдир.

Масофавий таълимнинг афзалликлари дастлаб қуйидагиларда намоён бўлди:

1. Ҳозирги давр учун зарур бўлган инновацияларни таълим соҳасига киритиш, янги ахборот технологияларидан янада унумли ва кенг фойдаланиш имкони пайдо бўлди.

2. ZOOM платформаси воситасида видеоматбуза, амалий машғулотлар, семинарлар, телевизор орқали теле-дарслар, телеграмм ижтимоий тармоғида гуруҳлар очиб слайдли ва анимацион дарслар каби ахборот технологияларига асосланган янги таълим шакллари вужудга келди.

3. Замонавий ахборот технологиялари воситасида таълим олишни такомиллаштиришнинг янгича лойиҳалаш усуллари шакллантирилди.

4. Масофавий таълим мустақил билим олишга қулай имконият берувчи ишончли янги шакл сифатида қарор топди. Бунда Moodle платформасига киритилган контентлар асосида ўқувчи маърузалар матни, мавзулар бўйича тақдимот материаллари, аудио ва видео дарсликлар, электрон кутубхона, мультимедиа электрон дарсликлар, мустақил иш топшириқлари, очиқ ва ёпиқ тестлар билан ишлай олади.

5. Масофавий таълим яхлит педагогик тизим сифатида ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги устоз-шогирд муносабатининг масофадан туриб ҳам давом этишини таъминлайди.

6. Масофавий таълим шакли ва ўқитиш услуби жисмоний имконияти чекланган, касал ёки касалланган, сиртқи бўлимларда, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганлар учун қулай шароитларни яратиб беради. Уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги сақланиб қолишига, мустақамланишига хизмат қилади.

7. Масофавий таълим ўқитувчининг яққа ёки кўпчилик таълим олувчи билан ишлаш имкониятини чекламайди.

8. Масофавий таълимда ўқув жараёнлари педагогик ва замонавий ахборот технологиялари омухталигида амалга оширилади.

9. Масофавий таълим ўқитувчи ва билим олувчиларга турли ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш, ўз ижтимоий ва касбий фаолликларини оширишга эришиш имконини беради. Хусусан, нафақат ўз соҳасини, балки замонавий ахборот-коммуникация воситаларини пухта эгаллаган малакали мутахассисларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

10. Масофавий таълимда масофавий онлайн ўқитиш дастурлари қўлланар экан, виртуал аудитория ҳосил бўлади. Бу эса ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг бир-бирларига ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирга жойлашиш ўрнининг аҳамияти йўқлигини англатади.

Юртимизда масофавий таълим жараёнларини янги сифат босқичига олиб чиқиш учун кенг ҳаракатлар бошланган ҳозирги бир пайтда бошқа фанлар қаторида фольклор дарсларини ҳам тўғри лойиҳалаш давр талабидир. Бу жараёнда ўқувчиларни фаоллаштириш учун оғзаки ва ёзма ижоднинг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар тизими ва таркиби, бир-бирига таъсири асосида ривожланиш қонуниятларини ўргатиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд. Чунки узлуксиз таълим тизимида оғзаки ва ёзма адабиётни фарқлаб ўрганишга ва ўргатишга алоҳида

эътибор қаратилади. Шу сабабли фольклор дарсларида оғзаки ва ёзма адабиёт хусусиятлари бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини узвийлик ҳамда узлуксизликда, ўзаро алоқадорликда шакллантириш, изчил ривожлантириб бориш устувор вазифалардан биридир.

Фольклорга оид мавзулар, одатда, адабиёт дарслари таркибида сўз санъатининг бошланғич нуқтаси сифатида мумтоз адабиётни ўқитишдан олдин ўргатилади. Бунда ўқувчиларнинг фольклорга оид жанрлар, уларнинг генезиси, яъни келиб чиқиш тарихий илдизлари, мавзу мундарижаси, образлар таркиби, композицион тузилиши, поэтик тили устида ишлашга эътибор қаратилади. Мана шу иш жараёнининг мазмуни ва шаклларида узвийлик ва узлуксизликни оптималлаштириш, дидактик машқларни мукамал тизимлаштириш эса зарур ҳисобланади.

Мавжуд дарсликларда берилган фольклорга оид дидактик материаллар комплекси камроқ бўлса-да, мазмунан бугунги куннинг инновацион талаблари даражасида, дейиш мумкин. Бундай материаллар бошланғич ва юқори синф дарсликларидан тортиб, лицей, коллеж дарсликларигача ўрин олган. Хусусан, филология, мактабгача ва бошланғич таълим йўналишларида ўқийдиган талабаларга фольклор дарслари соатлари махсус ажратилган. Шунини инобатга олиб, уларни онлайн ҳамда офлайн ўқитиш усулларини аниқ белгилаб олишга тўғри келади. Фольклорни ўқитишда дарсликдаги халқ оғзаки ижодига оид материалларни нафақат ёд олишга ундаш, балки улардан нутқни ўстириш, мантиқий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш бўйича машқлар ўтказиш ўқувчиларнинг илмий тафаккурини ривожлантиришга амалий таъсир этиши шубҳасиз.

Халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича ўқитувчиларнинг касбий мувофиқлиги, фольклор дарсларига алоҳида тайёргарлик кўриши жуда муҳимдир. Шундагина фольклорни ўқитиш даражасини таълим стандарти талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш мумкин.

Таълим олувчиларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатли қилиб тарбиялашда, маърифий ишларни самарали ташкил қилишда фольклорни ўқитиш шакллари ҳамда услубларини замонавий талабларга мос ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш масофавий таълим муҳитида фольклорни инновацион усулларда ўқитиш методикасини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Бошланғич, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим каби узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фольклорни ўқитиш кўзда тутилгани боис ўқувчиларнинг у ҳақдаги билимини босқичма-босқич ривожлантирувчи усулларни аниқлаш лозим. Жумладан, фольклор матни ақлий фаолиятнинг анализ-синтез, таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш, далиллаш ва хулосалаш каби усулларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Ундаги ҳар бир сўз ёки жумла алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто кичик бир мақол ҳам тил ва тафаккур уйғунлигидаги таҳлилни талаб этади. Масалан, “Олманинг тагига олма тушар” мақолини ўқувчилар билан ҳамкорликда турли усуллар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин.

1. Фольклоршунослик нуқтаи назаридан. Бу кичик матн халқ оғзаки ижоди маҳсули экани, унинг “мақол” жанрига мансублиги, ким томонидан яратилгани номаълумлиги (анонимлиги), оғиздан оғизга кўчиб яшаб келаётгани (анъанавийлиги) очиб берилади.

2. Тилшунослик нуқтаи назаридан. Бунда мақолнинг оғзаки нутқ ҳосиласи экани, уни ифодалаб келган гап таркиби синтактик жиҳатдан қаратқич аниқловчи (олманинг), ўрин ҳоли (тагига), эга (олма), кесим (тушар) каби гап бўлакларидан иборатлиги, морфологик жиҳатдан мақолда 2 та от, 1 та равиш, 1 та феъл иштирок қилгани, фонетик жиҳатдан дастлабки 2 та сўз 3 бўғинли, кейинги 2 та сўз эса 2 бўғиндан ташкил топгани ундаги ритмикликни белгилаб бергани аниқланади. Шу асосда мақол таркибидаги сўзлар, улар иштирокида ясалган гапнинг қурилиши ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилинади.

3. Адабиётшунослик нуқтаи назаридан. Мақолдаги сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчма маъно аниқлангани боис унда “олма” образи пайдо бўлгани, бир ўринда у ота-она образида, иккинчи ўринда эса бола, фарзанд образида қўллангани асосланади.

Кейинги босқичда яна бир мақолни худди шундай таҳлил қилишни ижодий топшириқ сифатида ташкил этиш мумкин. Бундай таҳлиллар фанлараро алоқадорликни ҳамда узвийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фольклор дарсларини ташкил қилишдан олдин Давлат таълим стандартининг бу борадаги мақсади, вазифалари, принциплари ва таркибий қисмларини, таълимнинг ҳар бир босқичига оид таянч ўқув режаларини, уларда халқ оғзаки ижодини ўқитишга ажратилган ўқув юклама ҳажми ҳамда уларнинг синфлар, курслар бўйича тақсимотини ўрганиб, ўқув дастурининг мазмуни бўйича дарс машғулотларини ўтказиш, малака талабларида белгиланган ўзлаштириш даражалари, баҳолаш тизими, инновацион методлар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш лозим бўлади.

Фольклор дарсларини лойиҳалаш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш технологияси асосида уларнинг объектив фаолиятини амалга ошириш қуйидагилар орқали белгиланади:

- фольклор материални ўзлаштириш ва у ҳақда билим ҳосил қилиш;
- ўзлаштирилган билимни қиёслаш асосида умумлаштириш;
- умумлаштирилган билим асосида хулосалар чиқариш;
- тафаккурни ривожлантиришга мўлжалланган кичик ёки катта ҳажмли, насрий, шеърӣ, шеърӣ-насрий, драматик турдаги фольклор материали бўйича топшириқлардан ўқув фаолиятида фойдаланиш;
- фольклор материали бўйича ҳосил қилинган назарий билимларни турли вазиятлар (матн ичидан талаб қилинган сўз, сўз бирикмаси, образни топиш, матнда берилган халқона образли ифодаларни аниқлаш, ўхшашларини топиш, таснифлаш)га татбиқ эта билиш;
- эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиш ва ҳоказо.

Ўқувчини масофавий таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш, унинг қизиқиш билан таълимда иштирок этишини таъминлаш учун бошқа фанлар қатори фольклор таълимининг ҳам амалий йўналишини кучайтириш, ўқитиш ва ўргатиш жараёнига интерфаол усулларни жалб қилиш, ўқув топшириқларини ностандарт тест шаклига келтириш, ўзлаштирилиши лозим бўлган бадий манбаларни ифода тури, бадий шакли (жанри), образлар олами бўйича ижодий фикрлаш воситаси сифатида тавсия қилиш лозим бўлади. Шу орқали ўқувчиларнинг интерфаоллиги ривожлантирилади. Масалан, “Шеригингни топ” методидан топишмоқлар устида ишлаш жараёнида, ўқувчиларга топишмоқ жанри табиатини, поэтик хусусиятларини ўргатишда қуйидагича фойдаланиш мумкин. Чунки метод шарти худди топишмоқ жанри мақсад ва вазифаси каби тингловчига қаратилгани, уни “топиш”га ундаши билан диққатни тортади. Бунда таълим олувчилар диққати, топқирлиги ва тил сезгирлиги тарбияланади. Мазкур метод масофавий таълимда ўқувчи билан ўқитувчининг ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қила олади.

“Шеригингни топ” ўйин-топшириқ бўлиб, унда халқ топишмоқлари, мақоллар ёки иборалардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи бирор топишмоқ, мақол ёки иборани тарқатма материал сифатида карточка кўринишида тайёрлаб, ўқувчи электрон почтасига юборади. Ўқувчи эса юборилган топишмоқ, мақол ёки иборанинг маънодошини топиб, яъни “Шеригинни топ”иб ўқитувчига жўнатади. Масалан, ушбу ўйинни мақоллар ёрдамида қуйидагича ташкил қилиш мумкин:

Ўқитувчи юборган материал:

Ақл – бошда,
Ғайрат – ёшда,
Асл – тошда. Яна ақл сўзи қатнашган қайси мақолларни биласиз? Шеригинни топинг.

Ўқувчи жавоби:

Ҳусн тўйда, ақл кунда керак.
Ақл айнимас, олтин чиримас.
Ақл ақлдан қувват олар.
Ақл билан одоб эгизак.
Ақл бошдан чиқади,
Асл – тошдан.
Ақл бошловчи,
Тана ишловчи.
Ақл озмайди, тери тўзмайди.

Ўқитувчининг текширувдан сўнг жўнатган материали:

Ақл ҳақида яна қуйидаги мақоллар ҳам бор. Уларни ҳам билиб олинг:
Ақл – Ҳасан, одоб – Ҳусан.
Ақл ўргатгунча, нақл ўргат.
Ақл бўйда эмас, ўйда.
Ақл тоши – инсон боши.

Баъзан бундай электрон машқлар давомида танланган матннинг бош-ланиш қисмини ёзиб, қолган қисмини ўқувчига давом эттириш топширилиши ҳам мумкин. Кейин берилган топшириқ электрон назоратдан ўтказилиб, ўқувчига жавоб йўлланади. Агар бундан топшириқ тезкорликка асосланса, янада самарали бўлади.

Шартни эплаган ва эпломмаганларга турли ижобий ва салбий маънодаги стикерларни юбориш орқали муносабат билдирилади.

Фольклор таълими билим олувчиларнинг борлиқ, жамият, воқеа-ҳодиса, тарихий воқелик, бадий тўқима, ҳаёлий ва ҳаётий уйдирма, лирик талқин ҳақида билишини, фикрлай олишини, эшитган ёки ўқиган маълумотларини англашини ва булар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини, қарашларини тўғри, тушунарли, мантиқий изчилликда баён эта олишини талаб этади. Бунинг учун эса ўқувчиларда фольклор билан боғлиқ бирликлардан фойдалана билиш кўникмаларини шакллантириш зарур ҳисобланади.

Фольклор таълими дастури асосида ўқув материалнинг тўғри танланиши ҳамда ўқув топшириқлари тизимига боғлиқлиги, шу туфайли фанга оид дарсликларда унга оид мавзуларни таълимнинг амалий аҳамиятидан келиб чиқиб танлаш ва изчиллигини такомиллаштириш, машқ матнларини янгилаб бориш, турли ижодий топшириқлар тизимини мукаммаллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ҳам аниқлаш лозим.

Дарсликларга киритилган фольклор материаллари қуйидаги мезонлар асосида танлангани кузатилди:

– материаллар соддадан мураккабга, ҳажм-тузилишининг кичик матн кўринишидан катта матн кўринишига ўсиб боришига қараб танланган (масалан, 5-синф дарслигида шаклан ихчам, мазмунан теран бўлган кичик ҳажмли мақол ва топишмоқлар, кейин афсона, ривоят ва эртақлар берилган бўлса, 6-синфда худди шундай ихчам халқ қўшиқлари, 7-синфда “Равшан”, 8-синфда “Кунтуғмиш”, 9-синфда “Алпомиш” дostonларидан парчалар берилган);

– дастлаб қадимий (мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, эртақ, қўшиқ), ундан сўнг кейин пайдо бўлган (doston, латифа каби) жанрларга оид билимларни ўзлаштиришни таъминлаш ва мустаҳкамлаш кўзда тутилган;

– келтирилган материалнинг ўқувчилар ҳаёти билан боғлиқлиги, уларнинг индивидуал ёш хусусиятлари ҳамда қизиқишларига мос бўлишига эътибор қаратилган (масалан, 5-6 синф ўқувчилари эртақка қизиққанидай 8-9-синф ўқувчилари эртақка қизиқмайди, шунинг учун эртақлар 5-синф дарсликларига киритилган);

– давр тараққиёти ҳам фольклор жанрларида акс эттиши инobatга олинган (масалан, “Алпомиш” достони мисолида ўқувчиларга уруғчилик, уруғларнинг ўзаро бирлашиши ҳақида тушунтириш мумкин бўлса, “Равшан” достони мисолида, аксинча, уруғчилик муносабатларининг емирилишини англатиш мумкин);

– таълим босқичида ўқитиладиган тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, география сингари фанлар билан узвий боғлиқликда ўқитиш мумкинлиги ҳисобга олинган ва ҳоказо.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, масофавий таълимда ҳам ўқитишнинг мақсад-мазмуни, метод ва воситалари, ташкилий шакллари, назорат каби элементлари қамраб олинади. Агар бунда ўқитувчилар берилган фольклор материаллари устида етарли иш олиб бормасалар, ўқувчиларга халқ оғзаки ижоди жанрлари бўйича элементар тарзда бўлса-да, назарий билимлар мазмуни белгилаб берилмаса, камчиликлар юзага келиши аниқ. Шунинг учун фольклор назарияси боғлиқ тур, жанр, композиция, образ, лингвопоэтика масалалари бўйича аниқ, тушунарли нутқда маълумотларни баён этиш, ўқувчиларни етказилаётган ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш ва уларни танқидий таҳлил қилиш, қайта ишлаш, турли нуқтаи назарлар орқали умумлаштириш, хулосалаш, мустақил фикр юритиш, ўз ғоялари билан ўртоқлашишга ўргатиш лозим. Бундай педагогик ёндашув ўқувчилар фаоллигини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан, 2009. – 145 б.

2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: дисс... док. пед. наук. – М., 1999. – 289 с.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонун”ини. 16-модда. – 2020 йил 7 август.

4. Ўзбек халқ мақоллари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 512 б.

5. <http://hudud24.uz/masofaviy-talimning-afzalligi-bu-tizimning-dunyoda-keng-ommalashishiga-sabab-nima/>

Улуғмурод АМОНОВ,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
БухДУ катта ўқитувчиси

ЭЛБЕК – ФОЛЬКЛОР ТЎПЛОВЧИСИ ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ

Таянч сўзлар: фольклор, фольклоршунослик, манбашунослик, матншунослик, эртақ, масал.

Ключевые слова: фольклор, фольклористика, источниковедения, текстоведения, сказка, басня.

Key words: folklore, folkloristics, source study, text study, fairy-tale, fable.

Ушбу мақолада Элбекнинг ҳаёти ва ижодига, фольклор, фольклоршунослик соҳасидаги фаолиятига алоҳида аҳамият берилган.

В данной статье уделено особое внимание на жизнь и творчество Элбека и его деятельности в области фольклора и фольклористике.

In this article was written about the life and literary works of famous writer Elbek in folklore and folkloristics.

Элбек – Машриқ Юсупов миллатимиз тили ва қадимий анъаналари сақланиб қолиши, авлоддан авлодга бекаму кўст етказилиши учун жон куйдирган фидойи ўзбек зиёлиларидан бири эди. Шу миллатпарварлиги, элсеварлиги, ўз халқининг маърифатли бўлишини тилаб, ёниб яшаганлиги сабаб, у ҳам кўп тараққийпарвар маърифатчилар сингари қатағон қурбонига айланди.

Элбек ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бирга, ўзбек тилшуноси, элшуноси ва фольклоршуноси сифатида ном қозонган эди. У XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек адабиётига ўз шеърлари, ҳикоялари, масаллари, ўқиш китоб ва дарсликлари, эртак ва дostonлари, шеърӣ қиссалари билан муносиб ҳисса қўшган катта шоир, олим, адиб, тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб, ўз она тили қаторида араб, форс, турк, татар, озарбайжон, рус тилларини яхши билганидан таржимачилик билан ҳам қизғин шуғулланганди. Мана шуларни инобатга олиб, элбекшунослардан бўлган А.Алиев ҳали унинг мероси очилмаган кўриқлигича ётганини, асарларини, ижодий фаолияти, ҳаётӣ йўлларини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бўлиб турганлигини ҳақли равишда таъкидлайди¹.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарали Узоқов шоир Элбекнинг “Танланган асарлар”и учун ёзган “Эрк йўлида эрксиз кетган фидойӣ” номли кириш мақоласида: “Истиқлол туфайли адолат қарор топган даврда Элбекдек ҳассос шоир ва ёзувчи, куюнчак педагогнинг 30 дан ортиқ алоҳида чоп этилган китобларини, шунигдек, ўша давр газета ва журналларида нашр қилинган мингдан ортиқ шеър, дoston, баллада, халқ кўшиқлари, ҳикоя, очерк, илмий-услубий мақола ва публицистик асарларини топишга муяссар бўлдик. Бироқ Элбекнинг асарлари ҳали кўплаб топилади. Бунинг учун адабиётшунос ва таълимшунос, қолаверса, тилшунос мутахассисларимиз ҳужжатасровда сабр-тоқат билан изланишлари керак”, – деб ёзади².

1898 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани Хумсон қишлоғида таваллуд топган Элбек 1921-22 йилларда ўзи туғилиб ўсган шу ҳудудга фольклор экспедицияси уюштириб, эл орасида унутилиб бораётган кўплаб халқ кўшиқлари, мақоллари, оғзаки драма намуналарини ёзиб олишга муваффақ бўлди. Ўзи тўплаган кўшиқларни 1933-1935 йилларда “Ашулар” тўпламида нашр эттирди. Кейинчалик у ўзи йиққан халқ кўшиқлари ҳақида илмий мақолалар эълон қилишга киришди. Жумладан, Элбекнинг “Лапарлар” мақоласи “Билим ўчоғи” журналининг 1922 йилдаги 1-сонида чоп этилди.³ Бундан кўринадики, Элбек халқ кўшиқларининг алоҳида

¹ Алиев А. Маънавият, кадрӣят ва бадиӣят (Ватан фидойилари). – Т.: Академия, 2000. – Б.518.

² Узоқов Ҳ. Эрк йўлида эрксиз кетган фидойӣ // Элбек. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.3.

³ Элбек. Лапарлар. – “Билим ўчоғи” журнали. – 1922. – №1. – Б.96-98.

жанрлари бўйича биринчилардан бўлиб илмий мақолалар эълон қилган фольклоршунос олимлардандир.

Элбек – ўзбек фольклоршунослигининг изланиш босқичи вакиллари-дан бири. У, асосан, фольклор материалларини йиғиш билан шуғулланган. Жумладан, Элбек “Лапарлар” мақоласида фольклорни тўплаш зарурлиги ва муҳимлиги ҳақида шундай жонқуярлик ва қуянчаклик билан тўхталади: “Бу кунгача халқ адабиётини, этнографиясини йиғиш тўғрисида оғзимиз тинмай сўзлаб келсакда, буни ишқа оширишга ҳамон кўчканимиз йўқ. Адабий қиммати ва ичига олгон чуқур маънолари билан кўнгилини ўзига тортиргон матал, эртак, чўпчак, жумбоқ ва лапарларимиз, бу кун ўз-ўзидан йўқолиб борадир. Буларнинг кундан-кун йўқолиб кетмакда эканини кўриб тургон биз ўзбекларнинг албатта жим турмай, буларни тўплашқа ва китоб равишда бостириб тарқатишга ҳаракат этмагимиз тегиш эди”¹.

Шундан сўнг у бу тилакни илгарига суриб ҳаракат қилмоқ учун ўз даврида Ўзбек билим ҳайъати ва Билим кенгаши каби илмий ташкилотлар бор бўлса-да, бир томондан, буларни тўплаш ишига қизиққан кишиларнинг камлигини, иккинчи томондан эса халқ адабиётининг энг юксалган ўринлари тинчсиз бир ҳолда қолиб турганлиги мазкур ҳаракатларга тўсиқ бўлаётганини айтади. Лекин бу тўсиқларга қараб турилса, узоқ бормасдан чуқур тарихий аҳамиятга эга бўлган оғзаки адабиётимизни кўмагимиз ҳеч гап эмаслигини эслатиб ўтади. Элбек бунга мисол қилиб, халқ адабиётининг энг муҳимларидан бири бўлган лапарни кўрсатади. Уни билувчи кишилар фақат қишлоқлардагина қолаётгани ва улар ҳам илгариги аҳамиятини йўқота бораётганидан, шаҳарликлар орасида фольклорнинг унути-лаётганидан ташвишланади.

“Бурунларда боболаримиз томонидан тубдан-тубга кўчурилиб буюк ҳавас билан айтилиб келган бу адабиёт бу кун сўнар ҳолга етмишдир”, – дейди олим бу ҳақда. Яна у шу ўринда “Кафказия ўзбеклари (қўмуқлар) орасида бугунги Туркистондаги лапарларнинг айна бўлгон лапарларнинг давом этиб келмакда эканлигини сўзлагучилар бор” дея эслата бериб ўтади.

Фитрат “Эл адабиёти” қўлланмасида фольклор жанрлари табиати хусусида назарий фикр юритар экан, Элбекнинг лапар жанри ҳақидаги фикрларини мисоллар билан айнан келтиргани кузатилади. Бу ҳақда ишнинг иккинчи боби иккинчи фаслида тўхтаб ўтилган эди.

Этиборли томони шундаки, Элбек биринчилардан бўлиб лапар ижро композициясига алоқадор “Бошланғич лапар” атамасини қўллайди. Ундан сўнг йигитлар тартиб билан шу йўлда лапар бошлашини таъкидлайди. Лапархонликнинг галма-гал кечишини билдиради. Лапарлар парчаларидан ҳар бири ўзига хос бир маънони ичига олиб, табиий ҳолда ўтмиш замондаги қизлар билан йигитларнинг тўйларда қилган адабий суҳбатларини бизга очиқ кўрсатади, деб айтади. Шундан келиб чиқиб, Элбек: “Энди шундай халқ адабиётларини йўқота бошласақ, бизнинг учун ўқунарлик иш юз берса керак” деган муҳим огоҳлантирувчи хулосани илгари суради.

Мустабид тузум шароитида миллий урф-одатларимиз, ибратли анъаналаримиз, гўзал маросимларимиз ўз ўзанини йўқотиб, замонага мослашти-

¹ Элбек. Лапарлар. – “Билим ўчоғи” журнали. – 1922. – №1. – Б.96-98.

рила бошланганди. Асрлар давомида жаҳон аҳлини лол қолдириб, борлиқни титратиб, қалбларни ларзага солиб келган тўй қўшиқларимиз: гўзал ва хушоҳанг ёр-ёр ва ўланларимиз, келин саломларимиз, келин ва куёвга қарата айтиладиган пурмаъно ва серзавқ қўшиқларимиз деярли унутилишга юз тутмоқда эди. Куйланса-да, замонага мослаб, ўз анъанавий оҳангидан ва мазмунидан узоқлаштирилиб, бузиб куйланарди. Анъанавий маросимларимиз қисқартирилиб, чала-ярим қилиб ўтказила бошланганди. Аксарияти ҳатто “эскилик сарқити” дея, истеъмолдан зўрлик ила чиқарилди. Мана шундай ноҳақликларга гувоҳ бўлиб яшаган Элбек бундай ишлардан қаттиқ афсусланиб, руҳий озорланиб, бутун туркийлар, асосан, ўзбеклар учун муштарак бўлган келин тушириш билан алоқадор тўй маросим урф-одат ва айтимларини ўзида акс эттирган бир неча асарлар яратди. Жумладан, “Аноргул” лирик ҳикояси бунинг ёрқин далилидир. 1926 йилда ёзилган бу ҳикоя “Ер юзи” журналининг 15-сонида босилиб чиққан. Шундан кейин яна ижодкорнинг бирин-кетин эълон қилинган “Фоҳиша” ҳикоясида, “Ёр-ёр”, “Бўғма билагим” каби фольклор руҳида ёзилган асарларида халқимизга хос миллий қадриятларимизни этнографик фольклоризм сифатида ифода этишига ана шу ҳолатлар замин яратган.

Элбекнинг асосий касби ўқитувчилик бўлган. У бошқа сафдошларидан фарқли ўлароқ, кўпинча эътиборини ёшлар тарбиясига қаратган. Шунинг учун у фольклор тўпловчиси сифатида кўпроқ болалар халқ қўшиқларини йиққан ва “Болалик қўшиқлари” (1936) тўпламида эълон қилган. Мана шу баҳона Элбек болаларнинг дунёқараши ва руҳияти билан яқиндан танишди. Шу асосда болалар маънавий эҳтиёжига мос асарлар зарурлигини ҳис қилиб, уларга атаб қатор шеърлар, адабий эртақлар, масал ва дostonлар, ҳикоялар яратди.

Халқ эртақларини йиғиб 1937 йилда “Эртақлар” тўпламини нашр этишга эришган Элбек шоир сифатида ўзи ҳам адабий эртақлар ижод қилди. У яна ўз эртақчилик маҳоратини ошириш мақсадида жаҳон ва рус адабиёти эртақчиларининг бадий тажрибасини пухта ўрганди. Бунда Элбекка дастлаб рус-тузем ва сўнгроқ янги тип мактаблар, техникум, кейинчалик педагогик курслар ва олий муаллимлар институтида ўқигани замин яратди. Рус тилини бирмунча пухта ўзлаштирган Элбек таниқли рус шоири ва эртақчиси А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ», «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртақ» (1937), «Олтин хўроз ҳақида эртақ» каби асарларини таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Яна у машҳур рус масалчиси И.А.Криловнинг “Фил ва лайча”, “Кўзгу ва маймун” каби масалларини ўзбекчага ўғирди. Шунингдек, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов шеърляти билан ҳам ўзбек китобхонларини таништиришга уринди. 1935 йилда Н.А.Некрасовнинг “Танланган асарлар”ига кирган қатор машҳур шеърлари қаторида дostonлари билан кўпгина эртақ-тизма асарларини ҳам таржима қилди. Шуларни инobatга олиб, элбекшунос олим Х.Узоқов “Элбек сочма ва тизма асарларнинг мохир таржимони сифатида танилгани”ни алоҳида эътироф этиб ўтади¹.

¹ Узоқов Х. Эрк йўлида эрксиз кетган фидойи // Элбек. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.8.

Умуман, Элбек таржимон сифатида А.С.Пушкин, И.А.Крилов, Н.А.Некрасовларнинг эртак, дoston ва масалларини ўзбекчага ўгириш баробарида уларнинг бу жанрларни яратиш билан боғлиқ бадиий маҳорат сирларини, ижодий тажрибаларини пухта ўзлаштириб олди ва 1937 йилда шу ўрганганлари асосида «Пушкин ижодида халқ адабиёти ва ўзбекча таржима» номли мақоласини эълон қилди.

Элбек сафдоши Фотиҳ Сайфий билан миллий қадриятларни ўрганишга оид қатор мавзуларни болаларга тушунарли қилиб изоҳлаб бериш мақсадида уч жилддан иборат “Ўзбекча ўқиш” китобини (Туркистон давлат нашриёти, 1922) яратди. Бу китоб ўз даврида бошланғич мактаблар учун ўқиш китоби вазифасини ўтаган.

У яна “Билим” хрестоматиясини ҳам тузган. Бошланғич мактабларнинг иккинчи бўлимлари учун ўқиш китоби сифатида хизмат кўрсатган бу манба 1929 йилда уч бор қайта нашр қилинган.

Айтиш керакки, Элбекнинг бу каби болапарварлигига, миллат ёшларининг келажаги йўлида фидокорлик кўрсатишига болалик йиллари жуда оғир кечгани катта туртки берди. Шоир ўз болалиги қийинчилик билан ўтгани тўғрисида “Ўтмишим” достонида алоҳида ҳикоя қилади. Шоирнинг бу достони мазмунан ва руҳан таниқли бахшиларнинг “Кунларим”, “Таржимаи ҳол” сингари ўз ёшлик йилларида бошидан кечирган қийинчиликларини баён этувчи терма-дostonларини ёдга солади:

*Қарол бўлиб ишладим,
Бир бурда нон тишладим.
Турмушим кун-кун оғир бўлди, йиқилдим охир.
Кекса қари отамни, мунгли бояқиш онамни,
Ўз ҳолига ташладим.
Шаҳарга йўл бошладим¹.*

Бир сўз билан айтганда, Элбек ўзининг қисқа умри давомида адабиётда ва илмда қоладиган асарлар ярата олди.

“Элбек Чўлпон, Фитрат, А.Қодирийлар билан жуда яқин алоқада бўлгани, турли муносабатлар билан тез-тез кўришиб, фикрлашиб турганлари ҳақида қўлимизда маълумотлар бор”, – деб ёзади А.Алиев.² Номлари қайд этилган миллатимиз фидойилари қаторида иш кўрган Элбек қатағон қурбонига айланди. Унинг миллатпарварлиги мустабид тузумга маъқул келмади. Нагизжада бир қатор миллат фидойилари қатори у ҳам 1938 йил 4 октябрь куни отиб ташланди.

Хулоса қилиб айтганда, Элбек ўзбек фольклоршунослиги саҳифаларида ўзига хос ном қолдирган олимлардан биридир. Шунинг баробарида, у яна халқ оғзаки бадиий ижоди, бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланиб, миллий ҳаёт манзараларини жонли лавҳаларда акс эттира олган маҳоратли ижодкор ҳамдир.

¹ Элбек. Ўтмишим (Таржимаи ҳолим). – “Маориф ва ўқитғувчи”. – 1926. – № 2-3. – Б.40.

² Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият (Ватан фидойилари). – Т.: Академия, 2000. – Б.198.

“ЁР-ЁР” АТАМАСИ ҲАҚИДА

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ никоҳ маросимининг асосий узвларидан бўлган “Ёр-ёр” халқ кўшиқлари, “Ёр-ёр” радифи ва бу атаманинг мазмун-моҳияти, кўшиқдаги вазифаси, бадий-эстетик қиммати ҳақида сўз боради. “Ёр-ёр”лар ижро усули, ижро ўрнига кўра, мусикий табиати ва ареал фарқланишларига кўра, бадиияти ва образларининг ёрқинлигига кўра бошқа маросим кўшиқларидан фарқланиб туради.

Аннотация: В данной статье обсуждаются народные песни «Ёр-ёр», один из основных элементов узбекского народного свадебного обряда, редиф «Ёр-ёр» и значение этого термина, его функция в песне, его художественная и эстетическая ценность. «Ёр-ёр» отличается от других церемониальных песен способом исполнения, местом исполнения, музыкальным характером и различиями в местности, искусстве и яркости образов.

Annotasion: This article deals with the folk songs «Yor-yor», one of the main members of the Uzbek folk wedding ceremony, the redifi “Yor-yor” and the meaning of this term, its function in the song, its artistic and aesthetic value. “Yor-yor” differs from other ceremonial songs in the method of performance, the place of performance, the musical nature and the differences in the area, the art and the brightness of the images.

Таянч сўз ва иборалар: Маросим, фольклор, анъана, урф-одат, никоҳ тўйи, кўшиқ, ёр-ёр.

Ключевые слова и выражения: Церемония, фольклор, традиция, обычай, свадьба, песня, ёр-ёр,

Key wordand word expressions: Ceremony, folklor, tradition, customs, wedding, song, yor-yor.

Ўзбек халқ маросим кўшиқлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган, миллий қадриятимиз ва номоддий маданий меросимизнинг асл дурдоналари силсиласига кирувчи “Ёр-ёр”ларнинг бадий матнида инсониятнинг пайдо бўлишдан тортиб, асрлар оша шаклланиб келган тарихи ва орзу интилишлари талқин қилинган. Никоҳ тўйи маросим фольклорининг узвларидан бўлган “Ёр-ёр” жанри тарихий асосларига кўра қадимийлиги, бошқа қардош халқлар ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалганлиги, ўзига хос ижро ўрни, ижро усулининг хилма хиллиги, вазн тузилиши, қофияланиши ва ижронинг маълум бир тартибга риоя қилиниши, ҳамда бошқа маросим кўшиқларига нисбатан яхши сақланиб қолинганлиги, бугунги жонли ижро ҳолатини сақлаб келаётганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

“Ёр-ёр” маросим кўшиқлари намуналари фольклоршунос олимларимиз томонидан кўплаб вариантларда ёзиб олинган. Биз эса қуйида, “Ёр-ёр” радифи ва бу атаманинг мазмун-моҳияти, кўшиқдаги вазифаси, бадий-

эстетик қиммати ҳақида мулоҳаза қилишга уринамиз. “Ёр-ёр” қадимдан нафақат ўзбек балки тожик, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва бошқа туркий халқлари оғзаки ижодида мавжуд. Улар иккилик ёки тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлиб, банд охирида “Ёр-ёр” кўшиб ижро этилади. Базан тўртликлар бирикиб, ўндан ортиқ мисраларни ўз ичига олади. Қардош халқлар “Ёр-ёр”ларини кузатар эканмиз, айнан ўзбек “Ёр-ёр”лари тожик, қозоқ, қорақалпоқ тилида жаранглаётганини кўриш мумкин. Демак, халқларимиз ижодида муштараклик кучли. Бу уларнинг асрлар давомида бир халқ, бир элат сифатида ёнма-ён яшаганликлари натижаси деб изоҳлаш мумкин. “Ёр-ёр”лар, дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг қиз узатиш маросимларида, жумладан, татарларда “яр-яр”, озарбайжонларда “эр-эр”, қирғизларда “жар-жарай”, қозоқларда “жар-жар”, уйғурларда “яр-яр”, қорақалпоқларда “яр-яр” ва “ҳажар” каби аталиб, куйлаб келинмоқда.

Келинни ўз уйида қиз узатарда ва келин келган хонадонда “келин тушди”, “келин келди” каби никоҳ маросимининг асосий узвлари жараёнида куйланувчи “Ёр-ёр”ларни халқ орасида “ўланг”, “чинка” деб ҳам аташади. “Алишер Навоий қиз узатарда айтиладиган тўй кўшиғи “Ёр-ёр” ҳақида “Бағоят таъсири суруд” деб уни “чинка” деб аталиши, радиф ўрнига “Ёр-ёр” лафзи қўлланишини айтиб мисол келтиради... Қизиғи шундаки, “чинка” сўзининг ҳозиргача қўлланилиши бир неча жойда аниқланди¹ – деб гувоҳлик беради, олима Музайяна Алавия.

Бу маълумотлардан шуни англаш мумкинки, Навоий айтган “чинка” номи билан юритилувчи бу кўшиқлар фақатгина қиз узатув маросимида эмас, хатна тўйларида ҳам ижро этилиши ҳамда олимларимиз уларни ҳам “чинка” номи билан учратгани бежиз эмас, чунки уларнинг ҳар иккиси, бугунги никоҳ тўйлари ва хатна тўйларида куйланиб келинаётган “Ёр-ёр”ларнинг айнан ўзидир.

“Ёр-ёр”лар ижро ўрнига кўра тасниф этилганда, никоҳ тўйидан ташқари “хатна тўйи”, “хотин оши” ва “мотам маросимлари”да ҳам куйланади. Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида бугунги кунда ҳам, “Ёр-ёр” кўшиқлари никоҳ, хатна тўйлари ва хотин оши маросимларида ижро этиб келинади: “қачондан ва қайси сабабларга кўра суннат тўйда “Ёр-ёр” айтилишини билмайман, аммо, “Ёр-ёр” айтинг боғлаймиз” – дейди, тўйга йиғилган аёллар. Шундай қилиб, тўй боланинг онаси дарахтгами ёки бирон устунгами аёллар томонидан боғланиб, “Ёр-ёр” айтилади. Токи, тўй боланинг отаси “Ёр-ёр” айтгувчиларни рози қилмагунларича, “Ёр-ёр” давом этади². Бу жараёнда, албатта мазмунан хатна тўйига мос, келин-куёв мадҳ этилмаган қуйидаги каби “Ёр-ёр”лар куйланади:

*Ҳай ҳай ўлан жон ўлано,
Тўйдир букун, ёр-ёра, тўйдир букун,*

¹ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан. 1974. – Б.42-43.

² ЎзДСМИ “Фольклор-этнография” кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Мухамедова (Тошкент-Фарғонаўналиши)дан ёзиб олдик.

*Ўйнаб-кулиб-о, давру-даврон,
Сура¹ букун, ёр-ёр, сура букун.
Ёр-ёра бахтли бўлинг².*

Фарғонада “Хотин оши”, “Хатна тўйи” ва “Никоҳ тўйи”ларида хизмат қилган дастурхончига ҳам “Ёр-ёр” айтилади. Бошқа ҳудудларда бу вазифани амма, холалар ёки бошқа бирор қариндоши адо этади, аммо Фарғонада маҳалланинг ўзини “дастурхончиси” бўлади. У кам таъминланган ёки ёлғиз оила тебратаётган аёллардан танланган бўлиб, тўй охирига етиб қолгандан сўнг, уни ҳам боғлашади. Атрофда йиғилганлар унга атаганларини ёрдам сифатида ҳада қилишади, кимдир пул, кимдир кийим-кечак, яна кимдир сарпо кийдиради ва ҳоказо.

“Ёр-ёр”лар ижро ўрнига кўра қуйланганда ўзбек мотам маросимлари таркибидан ҳам жой олган. Мотам маросим фольклори айтимлари орасида, йиғи-йўқловлардан ташқари “Алла” ва “Ёр-ёр”лар ҳам муҳим ўрин тутади. Унинг бошқа мотам айтимларидан фарқли жиҳати шундаки, марҳум руҳи ва унинг яқинлари армонини ушалтириш, таскин бериш, тинчлантириш ва овутиш каби вазифаларни бажаради. Улар тўй “Ёр-ёр”лари каби узоқ тарихга эга бўлмаса-да, яқин-яқин кунларгача ҳам ижро этиб келинган бўлиб, ёши катталарнинг хотираларида сақланиб қолган.

Халқ кўшиқлари орасида “Ёр-ёр” ва “алла” атамалари буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганидек “радиф” ўрнида, яъни кичик нақорот сифатида барча “Ёр-ёр”ларда, “алла”ларда эса барча айтиладиган “алла”ларда қўлланилиб келинади. Агар баъзи намуналардан “Ёр-ёр” ва “алла” радифи олиб ташланар экан, улар ўз вазифаси ҳамда ўзига хос хусусиятини ўзгартиради. Яъни, ажойиб лирик кўшиқларга айланади. Аммо, шундай мазмундаги “Ёр-ёр”лар борки, уларни фақат тўйдагина ижро этиш мумкин.

“Ёр-ёр” кўшиқлари ҳам худди аллалардек, янги бир ҳаёт муқаддима-си бошланаётган пайтда ижро этилади. “Алла” сўзи диний эътиқодларга кўра, Аллоҳни эслаш, унга ишонч ва паноҳ тилаш вазидан айтилганидек, “Ёр-ёр”ларнинг ҳам маъно жиҳатидан шу хусусиятини кўришимиз мумкин. Халқимиз орасида узоқ сафарга отланган кишига нисбатан “Аллоҳ сенга ёр бўлсин” ёки “ёр бўлғай”, каби сўзларни учратамиз. Бу орқали гўёки ўша инсонга оқ йўл тилаш, турли бало қазодан Аллоҳ ўзи асраб, сенга “паноҳ” бўлсин, деган маънолар англашилади. Шу сабаб, айнан икки ёш янги ҳаёт остонасида турганида, уларни синовли, машаққатли ҳаёт йўлларида “Аллоҳ қўлласин”, “Яратган паноҳ бўлсин”, “ширин турмуш кечирсин” деган маъноларда қўлланган бўлиши эҳтимол. “Ёр-ёр” кўшиқлари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлиб, баъзан арузда яратилган намуналарни ҳам учратиш мумкин. Улар учун мусиқийлик, равонлик, куйлашга мослик хосдир. Уларда келинчакнинг ҳис-ҳаяжони, туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса, баъзиларида ота-онанинг ички-руҳий кечинмалари, яшаш

¹ Сура – шевада даврон сургин маъносида келмоқда.

² ЎзДСМИ “Фольклор-этнография” кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Мухамедова (Тошкент-Фарғона йўналиши)дан ёзиб олдик.

тарзи, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунёқараши акс эттирилади. Улар турли жойларда турлича, кўпчилик ҳолларда созсиз, баъзан дотор, дўмбира, доира ва бошқа созларда хилма-хил оҳангларида айтилади.

“Ёр-ёр” бир қарашда “ёр”, яъни севгили, маъшуқага қарата айтилган қўшиқ маъносини билдираётгандай туюлса-да, аслида унинг келиб чиқиши қадимий асосларга эга. Исломий тасаввуфда “Кўнги́л ёрда”, ҳикматининг машҳурлиги, халқда “Худо ёр бўлсин” деган тилакнинг мавжудлиги ва бошқа доно иборалари фикримизни тасдиқлайди. “Ёр-ёр” бу шунчаки ясама икки сўзнинг ҳосиласи эмас, унга атама алоҳида термин сифатида қаралиши керак.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда турли даврларда яратилган мумтоз асарларда “Ёр – дўст, дилга яқин киши, ҳамдам, дўст, муҳиб; ёрдамчи. (...ниҳоят массагетларга зафар ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди. М.Осим. Аждодларимиз қиссаси. Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин. Ҳамза.) Иккинчидан, “Ёр”, севгили, маъшуқ, маъшуқа. (*Ёр мунча зор этдинг мени, (қўшиқдан)*¹. “Ёр” сўзидан ташқари, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, “Ёр-ёр”га ҳам таъриф берилади: “Ёр-ёр” – келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти “Ёр-ёр” ибораси билан тугайдиган қўшиқ номи. Масалан, “Умнат тоз дарров сурнайини оғзига олди. Лунжини шишириб “Ёр-ёр”ни бошлади”. С.Сиёев. Ёруғлик. “Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб, “Ёр-ёр” айтиб ўтишди”. А.Қаҳҳор. Қўшчинон чироқлари²”.

Ҳозирга қадар фольклоршуносликда “Ёр-ёр” атамасининг келиб чиқиши хусусида узил кесил хулосага келинмаган бўлса-да, олимларимиз томонидан бир қатор қизиқарли илмий мулоҳазалар илгари сурилган. Фольклоршунос олим М.Жўраев бу атаманинг келиб чиқиши хусусида шундай дейди: “Кўпгина олимларнинг фикрича, бу атаманинг юзага келишида “севгили” маъносидаги “ёр” сўзи асос қилиб олинган бўлиб, халқ орасида даставвал ёр ёки маъшуқа таърифига бағишлаб айтилган қўшиқнинг номи сифатида қўлланилган. Кейинчалик эса никоҳ тўйинининг муайян узвларида айтиладиган анъанавий маросим қўшиғи атамасига айланган. Назаримизда, никоҳ тўйи маросими фольклорининг бу анъанавий жанри номи билдирувчи “ёр-ёр” атамасининг таркибидаги “ёр” лексимаси қадимги туркий тилда, шунингдек, ҳозирги ҳакас, тува, шор, кўмиқ, қозоқ каби ҳозирги туркий тилларда “қўшиқ”, “ашула” маъноларини англатувчи “ир”/“йир”/“жир” сўзидан келиб чиққан”³. Ўзбек халқ қўшиқларида, никоҳ маросими “Ёр-ёр”ларидан ташқари, “Ёр-ёр” радифи билан айтиладиган бошқа қўшиқлар ҳам яратилган. Улар лапар, ўлан, айтимлар бўлиб, улардан айтишув қўшиқларига “Ёр-ёр” радифи табиий тарзда қўшилиши шарт бўлган. Бундан кўринадики, “Ёр-ёр” қўшиқларининг оммабоплиги, унинг лирик қўшиқларга айланишига ҳам сабаб бўлган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ё харфи. – Б.45.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ё харфи. – Б.46.

³ Икки кўнги́л бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Б.6

*Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бормикин, бағри бутун, ёр-ёр.
Бу дунёда топилса, бағри бутун, ёр-ёр,
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин, ёр-ёр¹.*

Агар қўшиқдан шартли равишда “Ёр-ёр” нақорати олиб ташланса, у ажойиб шеър намунасига айланади. Бироқ, барча “Ёр-ёр” қўшиқлари лирик номаросим қўшиқларга ёки барча ўн бир бўғинли вазндаги лирик қўшиқлар “Ёр-ёр”ларга айланиши мумкин, деб, қараш хато бўлар эди. Бу жараён аввало қўшиқларнинг мазмунига боғлиқ. Шундай мазмундаги “Ёр-ёр”лар борки, уларни фақат тўй пайтидагина ижро этиш мумкин.

*Дарёларнинг ул юзидан, гуллар тердим, ёр-ёр.
Ўз қизимни сўйганига, эрга бердим, ёр-ёр.
Дарёларнинг бўйларига, экдим райҳон, ёр-ёр.
Сўйганига теккан қизда, йўқдир армон, ёр-ёр².*

Ўлан қўшиқларидаги байтлар билан “Ёр-ёр” қўшиқларидаги сўзларнинг алмашилиб, бир-бирини такрорлаб келиши уларнинг генезиси бир эканлиги важдандир.

*Оқ мунчоқман қўқ мунчоқ тақинарсан, ёр-ёр,
Унда борсанг отангни соғинарсан, ёр-ёр,
Отагинанг эшиги мойли эшик, ёр-ёр,
Қирсанг-чиқсанг сочингни силар эшик, ёр-ёр,
Қайнотангни эшиги дангал эшик, ёр-ёр,
Қирсанг-чиқсанг сочингни юлар эшик, ёр-ёр³.*

Ушбу ўлан “Ёр-ёр” қўшиғи сифатида машхурроқдир. Ҳамда уни кўплаб туркий халқларнинг севимли “Ёр-ёр”лари дейишимиз мумкин. Унинг кўплаб вариантлари турли ҳудудларда ўзига хос тарзда тарқалган.

“Ёр-ёр” вариантлари матнлари бўйича қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир ҳудудда мазкур қўшиқнинг муайян бир мезоний шакли оммалашган бўлса-да, ҳар бир ижрочи уни ўз бадий маҳорати ва бадиҳағўйлик иқтидоридан келиб чиқиб бойитишга ҳаракат қилган. “Ёр-ёр” қўшиқлари ижросида ранг-баранглик мавжуд: бу ҳар бир санъаткорнинг халқ терма тўртликларидан ўз дидига мос, дардига ҳамоҳанглари танилаб олиб, қўшиқ матнини шакллантиришига боғлиқ. “Ёр-ёр” қўшиқларини кузатиш улар ижросида маълум бир мантиқий изчиллик мавжудлигини, ижро тартиби бўлганлигини кўрсатади. Гарчи ҳозир бу тартиблар унутилган бўлса-да, “Ёр-ёр”лар одатда қуйидаги мисралар билан бошланган дейиш мумкин:

¹ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти. 1967. – Б.155.

² Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти. 1967. – Б.167.

³ Жўраев М., Тоҳиров Ў. Остонаси тиллодан. – Тошкент, 2003. – Б.24.

*Аввал бошлаб айтайлик, ё бисмилло, ёр-ёр,
Бу оламни бор қилган, оллоҳ таоло, ёр-ёр¹.*

Юқорида кўриб чиқилган мулоҳазаларга таяниб, тор маънода ёр – маъшуқа, севгили деб қаралса, кенг маънода ҳамроҳ бўлмоқ, бирга бўлмоқ, Аллоҳ ёр бўлсин, яхши ният, тилак ва истаклар ҳамроҳ бўлсин деган хулоса чиқариш мумкин. Тор маънодаги ёр сўзи маъшуқа бўлмишга нисбатан шу ном остида мурожаат сифатида куйланган бўлса, кенг маънода халқ орасидаги чечан ижрочилар эзгулик ва яратувчанлик, халқнинг орзу-умидлари, истаклари, асрий анъаналари, турмуш тарзи, урф-одатлари ва ўзига хос удумларини кўшиқда жо қилиб ёшларга ва йиғилганларга шу тилакларини ёр бўлишини тилаши сифатида қарашимиз мумкин.

“Ёр-ёр” шунчаки нақорот ёки қўшимча сўз эмас, у маълум маъно касб этувчи, ўзида маълум бир вазифа юкловчи атамадир. Унинг муайян тўртлик таркибида тутган ўрни, бадий-эстетик вазифаси ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун, авалло “Ёр-ёр” намуналаридан олиб, уларни ўзаро муқояса қилиб, маълум етакчи хоссаларига кўра таснифлаб, сўнгра йўналишлар бўйича тадқиқ этиш талаб этилади. Унинг тўртликларда келиши хусусий ҳодиса бўлмай, анъанавий кўриниш олганлигини ва махсус тадқиқ қилиш халқ этнографияси ва турмуш тарзи бўйича етарлича материал бера олишини намоён этмоқда. “Ёр-ёр”лар композицияси бадий вазифасининг туб асослари, ундаги образлар, тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш маросим фольклоридаги “Ёр-ёр” жанрининг табиати, бадий-эстетик қимматини ёритиш имконини беради.

**Баходир ЖОВЛИЕВ,
независимый исследователь**

БАДИЙ АСАРДА МИФОЛОГИК ТАЛҚИН МАСАЛАСИ

Аннотация: Мазкур мақолада ёзувчи Назар Эшонқул ижодида мифологизмнинг турли кўринишлари ва шакллари самарали қўланилгани “Сибизға воласи” ҳикояси мисолида тадқиқ этилган. Унда адиб ўзбек ҳикоячилиги, умуман, насрида кузатилмаган усулда мавжуд асотирга замонавий руҳ бериш орқали мустабид тузум ва унинг доҳийлари қилмишини фош этиш бўйича адабиётда янги услуб яратгани таҳлиллар асосида исботланган. Ёзувчининг эртак сюжетини ўзгартирмасдан, фақат унга муаллифлик матни киритиб, замонавийлик олиб кириш учун бўёқлар, деталлар, рамзлар, тасвирлардан ўринли фойдаланиш маҳорати кўрсатилган.

Калит сўз: тимсол, аллегория, мифологик кўлам, диний-мистик миф, параллел сюжет, мифологик архитип, миф-ҳикоя, адабий танқид, бадий поэтик замон.

Аннотация: В данной статье анализируются различные виды и проявления мифологизма в творчестве Назара Эшонкула на примере его рассказа “Мелодия ная”.

¹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ф. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Б.16.

Анализы автора статьи доказывают, что писателю удастся создать новый метод в литературе способом придания существующему мифу нового духа, с помощью чего обличаются колониальный режим и его вожди. Писатель не изменяет сюжет сказки, новаторством автора являются использованные им новые краски, детали, символы и способы изображения.

Ключевые слова: символ, аллегория, мифологический охват, религиозно-мистический миф, параллельный сюжет, мифологический архетип, миф-рассказ, литературная критика, художественно-поэтическое время.

Призведения, наполненные мифологизмом можно анализировать и толковать по разному, каждый понимает и осмысливает их исходя из своего потенциала, мировоззрения и мировосприятия. Так как мифологизм – это язык образов. А образ понятие обширное и многозначимое. Об этом Ф. Лосев писал следующее: "...миф это и не схема, и не аллегория, это – образ. Пичем очень сложный и многогранный образ."¹

Назар Эшонкул испробовал в своих рассказах множество форм мифологизма, в узбекской прозе сложно найти другого писателя кто бы использовал мифологизм в различных его проявлениях как он. "Человек, ведущий обзьяну", "Гроб" отличаются мифологическим масштабом среды, "Ажр" ("Вознаграждение") – наличием сюжета параллельного религиозно-мистическим мифам, "Эволюция", "Пес Баховиддина" преобладанием мифической метамарфозы, "Мертвый сезон", "Возвращение" – основанностью на мифологическом архетипе.

Наряду с вышеназванными произведениями заслуживает особого внимания еще один рассказ, который отличается своей хронотопной сущностью – "Мелодия ная".

Литературовед Узак Джуракулов отмечает, что "не случайно данное произведение вызвало множество поверхностных дискуссий". Ибо мифологический рассказ "Мелодия ная" примечателен не только тем, что в нем собран весь оправдавший и неоправдавший себя опыт узбекской школы рассказа, но и тем, что он отражает уровень национального литературоведения по целостному охвату или не охвату литературного произведения. Следует подчеркнуть, что после публикации рассказа в печати было высказано много критики в адрес писателя. Такая здоровая реакция давно не наблюдалась в отечественной литературе. Ученая Г.Саттарова одна из первых написавшая отклик на "Мелодию ная" не стала даже называть произведение рассказом, ограничившись лишь словом "байка" и даже озаглавила свою статью "Какова цель байки?"².

Автор статьи "разбирая" новый рассказ Назара Эшонкула под впечатлением прежних его произведений, видит в нем ничто иное как "байку". *"Какова же цель писателя? — задается вопросом Г.Саттарова. Мен кажется, что автор пытается обратить наше внимание на вечный изъян в характере человека – не умение держать секреты, иными словами, хочет сказать, что если секрет стал известен одному человеку, значит он теряет свою*

¹ А. Ф. Лосев. "Диалектика мифа". стр.21.

² "Ёшлик", 2012 год, № 9.

тайную сущность. Истинная цель рассказа, с одной стороны, показать, что секрет Искандера не способен хранить даже тростник, а с другой, что люди не знают всей правды о нем. От этого и мысль о разоблачении главного героя не дает покоя парикмахеру”.

Литературный критик посчитав, что образ Искандера и его “рога” является намеком на советскую власть и ее вождей, делает вывод, что рассказ нельзя сравнивать с произведениями мифологического характера таких писателей, как Ш.Холмирзаева, Х.Дустмухаммада и что подобный подход не может раскрыть “правду жизни”: *“Если сравнивать с ними, то, по моему, Назар Эшонкул не достиг своей цели. В “Мелодия ная” писатель попытался лишь перенести художественную форму своих идей, взглядов о человеке и обществе на издревле известную и популярную легенду”*.

Узок Джуракулов же отмечает, что несмотря на то, что рассказ получился “обычным художественным пересказом простой басни, с точки зрения хромотипического масштаба он приобрел некий универсализм”. Тем не менее, уважаемый нами ученый учитывая “безграничность ассоциативного охвата читателя в процессе рецепции” считает, что писатель не учел, что художественный вывод, исходящий от рассказа может априори воздействовать на образ Искандера в произведениях Алишера Навои или образ Македонского в “Каране”, тем самым “певратив басню в обман”.¹

Для начала необходимо отметить, что не будет преувеличением назвать рассказ “Мелодия ная” успешной попыткой автора придать современный дух древней легенде. В мировой литературе встречаются множество примеров придать современный смысл сказкам, легендам и басням, сохранив их форму и содержание либо “пересказа” (*выражение У.Джуракулова²*) сказок в целях придания им хромотипичной универсальности. Возьмем популярный модернистский роман-тетралогию Томаса Манна “Юсуф и его братья”. В этом произведении писатель сохранив сюжет древней “Библии” анализирует проблемы и духовные трагедии XX века. Назар Эшонкулов пошел по тому же пути. Он не меняет сюжет сказки, а лишь добавляет авторский текст, новые оттенки, детали, символы, описания в целях придания ей современной окраски.

Во-вторых, примечательно то, что оба вышеназванных ученых читают сказку о роге Искандера “басней”. Сам же автор исходя из содержания сказки называет данное произведения народного фольклора “мифом”. Действительно исторические корни сказки уходят очень глубоко, ко временам, когда в народе сочиняли мифы. Но сравнивать басню с образом Искандера из произведений Алишера Навои, построившего стену между справедливостью и благородством, и конечно же образом Македонского, несмотря на наличие у него рога, взятого из “Корана”, вдохновившего великого Навои все равно что отвергать исторические корни такого прекрасного фольклорного жанра как сказка.

¹ Журнал «Шарк юлдузи», 2013 год, №3.

² У. Джуракулов. Там же. Стр. 130.

Ибо наличие у Искандера рога с этимологической точки зрения связано с представлением о древних богах, в том числе как показывается в рассказе Назара Эшонкула представлением о зараостризме. В фольклоре и по сей день представителей мира зла и мертвых, созданного богом зла Ахриманом принято описывать рогатыми. Примером тому может послужить сказки о рогатых девах. Исторические основы рогатых и безрогатых девов в достаточной мере освещены Назаром Эшонкуловым в его статье “Фольклор: образ и толкование”¹. Поэтому, на наш взгляд, не всегда уместно всвязывать словосочетание “рогатый Искандер” с образом Македонского, описанного в священном “Коране”.

Как отмечено многими литературоведами, произведения Назара Эшонкула предназначены для читателей, имеющих определенную литературно-художественную подготовку. И естественно, автор рассказа подходил к сказке об Искандере основываясь на свои познания в области фольклороведения. В сказке Искандер изображен государем, в мифе-рассказе же он представлен как сын Ахурамазды – правителем, покровителем и защитником, словом, богом города. Искандер описывается следующим образом: *“... согласно дошедших до нас слухам, Искандер настолько священный, что стоит к нему прикоснуться обычному смертному, тот мигом сходит с ума. Его свойственное Ахурамазде величие, свет излучающийся с его лица и головы, пленит к себе каждого, неволей делая его немым. Не выдержав это величие мозг начинает кипеть внутри черепа. Сквозь его волосы и бороду проникает свет, говорят парикмахеры, пытавшиеся вобрать в свой инструмент частичку этого сияния падают в обмарок.. “Это божественный свет, это свет познания, это бесспорное подтверждение совершенства космоса и мира. Достаточно одного лишь взгляда чтобы навеки покинуть этот свет, придавшись миру духовности и мысли, чтобы сойти с ума, замереть от восхищения. Вот такой он образ божественного величия”*.²

Весь город почитает Искандера как символа благодеяния, человека, который защищает жителей города от мрака, который служит им опорой. Но все парикмахеры, которые бреют его бороду и волосы странным образом и по неизвестной причине исчезают. Автор не заикликает внимание читателя на казнь Искандера как это сделано в сказке. Он обращает внимание на другое – тайное исчезновение и схождения с ума всех, кто стриг Искандеру волосы и бороду, тем самым узнав о наличии у него рога. И “сумашествие”, и “исчезновение” считаются хождественными приемами современной литературы. Обратите внимание, что главный герой рассказа “Ловушка мысли” написанном Назаром Эшонкуловым до “Мелодии ная” тоже неожиданно исчезает. “Обезумление”, т.е. объявление человека сумашедшим ровно как и бесследное “исчезновение” было одним из методов управления в XX веке в эпоху советского строя, современного беспощадства и насилия. Как нам кажется, автор рассказа описывая сюжеты не встречающиеся в сказке намекает именно на это. Иными словами, через

¹ Ж. Эшонкулов “Фольклор: образ ва талкин” Насаф. 1999 г.

² Н. Эшонкул. Шафтоли гули. ИПТД Узбекистон . 2011 г.

образ Искандера он высказывает свое отношение к современным тоталитариям и насильственной машине. Судьба парикмахера — это не судьба оставшаяся в сказке, это типичная судьба безмолвия перед тоталитаризмом и насилием!

Подобным описанием автор пытается осовременить содержание сказки сохранив ее форму и сюжетный вектор. Взбирание парикмахера в замок Искандера, образ палача, точащего свой топор и вообще, описание происходящего в замке хоть внешне и похожи на сказку, но по сути напоминает “замок” советского строя и порядки царившем в нем. *“Передо мной возник замок, напоминающий огромный храм. Все было легко и просто. Здесь не было ничего что сводило бы с ума человека. Меня поразило только чрезмерная роскошь и величие. Всюду растелены сумерки словно холодная атмосфера подземного ореала святынь. Хранитель ворот вел меня на верх по золотым ступеням будто провожая к седьмым небесам, а я очаровавшись орнаментом и белоснежным мрамором шел по его пятам как ребенок. В конце лестнице, рядом с дверью нас встретил громоздкий, выбритый на лысо и посиневший от отсутствия солнечного света человек... Мы снова стали подниматься на верх по роскошной лестнице, проходя по комнатам и коридорам, наполненным устремившимися вверх будто поддерживающими небо столбами. Я в жизни не ходил так много. Мы долго шли, будто одолевая путь с одного конца земли к другому, проходя через длинный коридор, наполненный различными статуэтками и черепами, судя по всему принадлежащими Искандеру. Наконец вошли в огромную, украшенную комнату по середине которой стоял золотой трон... То что представилось передо мной совсем не было похоже на то, что было описано в легендах и слухах. Это место напоминало мне больше площадь в которой приговаривали к смерти и казнили преступников, нежели алтарь божественного государя. ... “Забудь все, что ты видел здесь. Если кому-нибудь расколишься, ты и твои родные мигом будут казнены, а их имущество раздано. Учти, за тобой всюду слудят. До нас доводят все, что ты сказал. Если будешь держать язык за зубами в замке будешь жить. Иначе мигом окажешься в руках вон того палача”. Он указал на широкоплечего, уродливого, больше напоминавшего дева человека, то и жаждевшего отрубить кому-нибудь голову. Он время от времени смахивал топором, будто тем самым в своем воображении отрубая чью-то голову и от этого жеста по всюду раздвались характерные звуки.*

Парикмахер становится очевидцем абсолютно противоположного тому, что описано в мифах, сочиненных о своих правителях: Искандер представляет собой уродливого человека с насмешливым видом и вытороченными глазами, в которых проявляется сомнения и ненависть, более того у него был рог. “Рогатость” полностью разоблачает Искандера: наличие рога свидетельствует о том, что Искандер является сыном не Ахурамазды, а Ахримана — бога тьмы и смерти.

Рассказ построен вот на таком контрастном полотне – Искандера разоблачает его рог, этим становится ясно, что он сын не Ахурамазда, а Ахримана, но кто осмелится сказать это? Кто оповестит об этом людей? Па-

рикмахер чтобы сохранить жизнь себе и своим родным обрекает себя на вечное молчание.

Автор написал данный мифологический рассказ или “сказку” лишь для того, чтобы “обычной сказке” придать острый дух своего времени. Переживания, эмоциональное состояние парикмахера, его отношение к “разоблаченному” покровителю, невозможность раскрыть правду заняв о ней, обреченность на глухоту и немоту – все это позволяет перенести художественно поэтическое время и пространство сказки в современность, при это внешне сохранив в сюжете прошлое время и пространство: любое чувство и переживание, любое действие главного героя и вообще, художественные события обретают современный характер, через образ парикмахера показывается типичное лицо советского строя, тяжелая судьба тех, кто обречен быть глухим и немым, не говорить правду, а вместо этого молчать и бояться лишиться своей жизни и имущества:

“Это было похоже на страшное закленание: только у меня появляется желание раскрыть душу, тут же я начинаю дрожать, передо мной появляется палач, прицеливший на меня свой взгляд, выторочив глаза будто бы говоря: “а нука ставь голову на пень”, от страха кусаю язык, закрываю глаза, чтобы не видеть его и замираю в таком положении пока не перестану дрожать. Я и во сне слышу свист топора, прикрываю своим телом своих детей, будто прячу их от острого лезвия топора... Не только люди, но и боги прислуживая Искандеру доносят ему каждое слово и даже каждый звук. Ветры-разведчики бесконечно кружатся вокруг меня, шпионы-деревья ночью прислонившись к моему окну пристально отслеживают мои сны. Безграничное небо будто шепча “твоя душа зачерствела” смотрит прямо мне в глаза, перед моим домом караулят сверчки да лягушки. Все они хотят разговорить меня. У всех на умах эта мысль. Нет никого кто бы выслушал мои душевные терзания, понял и поддержал меня. Я как безумец целыми днями брожу по городу, крепко кусаю язык чтобы не разговориться... Оттого мой язык изранен и изо рта льётся кровь”.

В сказке парикмахерство понимается как профессия. В рассказе Назара Эшонкула это понятие толкуется как социальное состояние, социальный барометр. Да, в мифологическом рассказе главный герой позиционирует себя как парикмахер и в качестве парикмахера он приходит к Искандеру. Но увидев, что “у Искандера есть рог” эта профессия превращается в социальную среду, в типаж социальной болезни. Данная типичность свойственна всем тоталитарным строям. С этой же целью автор придаёт художественное обрамление сюжету сказки, тем самым указывая на такие типаж и явления в обществе. Им кажется, автор достиг своей цели.

В рассказе сказка наполняется современным духом и содержанием, причем сюжет ее остается прежним. Следственно после того, как сказка, ограниченная событиями с рогатым Искандером и парикмахером превращается в рассказ расширяется ее смысл, она становится произведением о времени и обществе, в котором как отмечал А.Лосев, “разоблачаются современные боги и их тоталитарный строй управления”. Необходимо отме-

тить, что до недавнего времени “искандеризм”, “парикмахерство”, описанное в мифическом рассказе было и нашей реальностью. И если признать, что и мы в какой-то степени были причастны к участи “парикмахера”, то еще более возрастает ценность рассказа.

Конец рассказа повествуется тростником: услышав душевную боль парикмахера, тростник росший в колодце вырастает, превращается в най и раскрывает всем тайну о том, что у Искандера есть рог. Здесь возникает резонный вопрос: почему автор до конца сохранив форму сказки лишь в конце нарушает ее, почему предоставляет закончить ее тростнику? На наш взгляд, в данном случае автор придает образу “тростника” некую символичность – этим он пылает надежду на то, что будучи еще ростками тростники могут вырасти и окрепнуть, а значит превратиться в новые идеи, взгляды, мнения и разоблачать лож и клевету. Заостряя внимание на данный подтекст автор подобрал для произведения следующий эпиграф: “Прислушайся к калыханию тростника!”. Этим он хочет сказать, что в калыхании “тростника”, растущего в колодце таится правда, похожая на рассказ о неразоблаченном роге.

Автор назвал произведение “мифическим рассказом”. Этим он пытается устранить всякие рассуждения о возможном отнесении его к жанру рассказа. Так как Назар Эшонкул ни к одному другому произведению, написанному им по мифологическим мотивам не пристраивает слово “миф”, потому что это само по себе лишнее. “Мелодия ная” это другой, особый случай: автор называя данное произведение “мифологическим рассказом” сохранив сюжет древней сказки, названной учеными “легендой” патается осуществить абсолютно новый для мировой литературы эксперимент – практику наполнения современным содержанием сказки путем художественной обработки ее сюжета.

**Жабборов ФАРРУХ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ўқитувчиси
(Ўзбекистон)**

“МАЛИКА АЙЁР” ДОСТОНИ НОМИНИНГ ЁЗИЛИШИГА УЧ ХИЛ ЁНДАШУВ

Аннотация: “Малика Айёр” достони ўзбек халқ оғзаки ижодида муҳим ўринга эга бўлиб, бир аср илгари дастлабки ёзиб олинган ва такрор-такрор нашр этилган эпос намуналаридан ҳисобланади. Шу вақтгача асар номи уч хил – “Малика Айёр” (унвон ва исм), “Маликаи Айёр” (изофали сўз бирикмаси) ва “Малика айёр” (исм ва унвон) тарзида ёзиб келинган. Достонни вариантлараро қиёсий ўрганиш ва генезисига доир изланишлар ерости салтанати – Торкистон маликасининг исми Ой маъбудаси билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Аннотация: Эпос «Малика Айёр» играет важную роль в узбекском фольклоре и является одним из первых эпосов, записанных столетие назад переизданных

много раз. До сих пор название произведения было написано в трех формах – «Малика Айёр» (титул и имя), «МаликайАйёр» (персидский изафет) и «Малика айёр» (имя и титул). Межвариантное сравнительное изучение эпоса и исследование его генезиса показывают, что имя принцессыподземного царства –Торкистана связано с Богиней Луны.

Annotation: The epic “Malika Ayyor” plays an important role in Uzbek folklore and is one of the first epics recorded a century ago and republished many times. Until now, the title of the work has been written in three forms – “Malika Ayyor” (title and name), “Malikai Ayyor” (persianizafa construction) and “Malika ayyor” (name and title). An intervartiant comparative study of the epic and a study of its genesis show that the name of the princess of the underworld – Torkistan is associated with the Goddess of the Moon

Калит сўзлар: достон, Малика Айёр, Ой маъбудаси, изофали сўз бирикмаси

Ключевые слова: эпос, Малика Айёр, Богиня Луны, персидский изафет

Keywords: epos, Malika Ayyor, the Goddess of the Moon, persianizafa construction

“Малика Айёр” ўзбек эпосшунослигида турли назарий масалалар тадқиқида энг кўп мисол келтириладиган ва, айни пайтда, китоб ҳолида энг кўп чоп қилинган достонлардан саналади. Аммо мазкур асар ўзбек халқ оғзаки ижодида муҳим ўрин тутганига, қайта-қайта нашр этилаётганига қарамай, номини ифодалашда ҳамон ягона имловий принципга келинмаган.

Ҳоди Зариф тайёрлаган биринчи нашрида, хусусан, китобга ёзилган сўзбошида “Малика Айёр” деб берилган¹. В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифовнинг “Ўзбекский народный героический эпос”асарида“Малика-Аяр” (буквально – “Царевна-волшебница” или “Коварная царевна”) дея ифодаланган². Достонни монографик планда ўрганган М.Саидов эса тадқиқотларида “Малика Айёр” кўринишида ёзади³. Олим кейинги ишларида ҳам ушбу принцида қолади⁴, ⁵. “Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари” китобига киритилган “Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти” мақоласида Т. Мирзаев, Б.Саримсоқов учинчи вариантни илгари сурган – “Малика айёр”⁶. Б.Саримсоқовнинг шу тўпламдаги “Эпик жанрлар диффузияси” мақоласида эса достон номи ва малика исми Ҳоди Зариф ёзган тарзда келтирилган⁷. Т.Мирзаевнинг бошқа ишларида “айёр”ни кичик ҳарфда бериш қоидага айлантирилган⁸, ⁹. “Ўзбек халқ ижоди” туркумида чиққан нашрида ҳам шу тутум сақланган¹⁰. Қизиғи, Т.Мирзаев М.Саидовнинг монографиясига “Ма-

¹ Məlikə Əjjar. Fazil Joldayo oqli. Nəiorga tajarlavci: Hadi Zarif. O‘zFAN nəiorgijati, 1941.

² Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ Госкомиздат, 1947. – С. 252.

³ Саидов М. “Маликай Айёр” достони. – Тошкент: Фан, 1964.

⁴ Саидов М. “Гулшанбоғ” достони хақида // Гулшанбоғ. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 3.

⁵ Саидов М. Халқ севган достончи (Фозил Йўлдош ўғли хақида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – Б. 6.

⁶ Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 51.

⁷ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 138.

⁸ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 5.

⁹ Мирзаев Т. Халқимиз севиб ўқиган китоб // Ҳикояти Гўрўғли султон. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2013. – Б. 173.

¹⁰ Малика айёр. – Тошкент: Фафур Фулом НАСН, 1988.

лика айёр” достони” тарзида¹, М.Саидов эса Ҳоди Зариф нашрга тайёрлаган китобга “Маликаи Айёр” тарзида ўзбилгича нотўғри ҳавола (сноска) берган².

Аён бўлмоқдаки, фольклоршуносликда бир эпоснинг уч хил ёзилиши уч давр, уч олим билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб ушбу имловий принципларни шартли равишда уч тадқиқотчи номига боғлаш ўринли деб биламиз: 1) Ҳ.Зарифов варианты (1940-йиллар); 2) М.Саидов варианты (1960-йиллар); 3) Т.Мирзаев варианты (1980-йиллар). Шундан сўнг “Маликаи айёр” кўринишида ёзиш асосан урфга кирган. Лекин дастлабки принциплар бўйича иш тутадиганлар ҳам учраб туради³.

Агар дoston номининг амалдаги қоида бўйича ёзилишини тўғри деб ҳисоблаганимизда ушбу мавзуда сўз очмаган бўлар эдик. Академик Тўра Мирзаев биз билан суҳбатда изоҳ беришича, мазкур масала ўз даврида муҳокама этилган бўлиб, “Малика” атоқли от ўрнида, “айёр” эса унвон тарзида (айнан “князга ўхшаш” деган эди) қабул қилиниши натижасида биринчисини бош ҳарфда, иккинчисини кичик ҳарфда ифодалашга келишилган. Бизнингча, бирикмадаги кейинги сўзни оддий лексик бирлик (“муғомбир” маъносида), тасаввувий истилоҳ (тариқатдаги бир тоифа) ва тарихий атама (шаҳар аҳолисининг муайян қатлами) тарзида изоҳлаш мумкин. Ижтимоий билимларнинг кенгайиши, жумладан, 1960–70-йилларда Душанбеда “Самаки айёр” халқ китоби⁴, Ленинградда “Средневековый город Средней Азии” илмий адабиёти⁵ нашр этилиши каби омиллар ўзбек фольклоршуносларининг айни масаладаги қарашларига таъсир қилмасдан қолмаган, албатта. Бироқ эпос матни “айёр” сўзини на у, на бу маънода талқин этишимизга имкон беради.

Энди М.Саидов варианты устида тўхталсак. Олим эпос номини изофий бирикма тарзида ёзишни маъқуллайди – “Маликаи Айёр”. Бунга унинг Бекмурод Жўрабой ўғли ижросидаги “Гулшанбоғ” (шартли номи) достонини нашрга тайёрлагани ҳам таъсир қилган кўринади. “Изофа икки отнинг аниқловчилик муносабатига киришувидир. Изофа араб ва форс тилларига хос бўлиб, туркий тиллардаги мослашувли бирикманинг ўзидир... Мисоллар: *ҳаки пай, аби ҳайван* (Лутфий), *ғунчайи хандан, булбули бостан* (Хоразмий), *шайхул ислом, «Маҳзанул асрор»*... Араб ва форс тилларидаги аниқловчи-аниқланмишнинг жойлашуви билан ўзбек тилидаги аниқловчи-аниқланмишнинг ўринлашуви ўртасида жиддий фарқ мавжуд. Араб ва форс тилларида аввал аниқланмиш, кейин аниқловчи келса, ўзбек тилида аввал аниқловчи сўнг аниқланмиш келади”⁶. Форс изофаси... аниқланмиш

¹ Ҳикояти Гўрўғли Султон. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2013. – Б. 213.

² Саидов М. “Маликаи Айёр” достони. – Т.: Фан, 1964. – Б. 7.

³ Сариев С. “Маликаи Айёр” достонининг кўлёма нусхаси // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: 2017. – Б. 119.

⁴ Самаки айёр. Биринчи жилд. Нашрга тайёрловчилар: Салимов Ю., Ҳақимова Х. – Душанбе: Ирфон, 1967.

⁵ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград: Наука, 1973. – С. 390.

⁶ Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (ўқув қўлланма). – Тошкент: 2012. – Б. 68.

билан аниқловчининг ёки қаратқич билан қаралмишнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлиб, ўша шаклда ўзгармай ўзбек тилига кириб келган бирикмадир¹. Форс тилида кенг қўлланиладиган аниқловчили бирикма сифат билан отдан иборат бўлади: *гули сиёҳ, дарёйи шўр*. Қаратқич ва қаралмишдан иборат бирикма эса икки отдан таркиб топади: *подшоҳи олам* – оламнинг подшоҳи, *рўйи замин* – ер(нинг) юзи². Бундан чиқди, агар “маликаи айёр” деб ёзсак, тўғридан-тўғри “маккор малика” маъносида тушунилади. Агар бирикма таркибидаги иккинчи сўзда сифатнинг отлашиш ҳодисаси юз бериб, “сеҳргар”, “жодугар”, “афсунгар”, “кўзбойлоғич” каби маъно касб этган десак, “сеҳргар малика” ёки “афсунгар(ларнинг) маликаси” деган ифода ҳосил бўлади.

Ҳ.Зарифов ҳам, Н.Саидов ҳам “Айёр”ни атоқли от деб, аниқроғи, маликанинг исми деб тўғри тушунган. Бироқ ёзма нутқда қандай акс эттиришда икки йўлдан борилган: шоҳ Машраб ва шоҳи Машраб³ каби. Кейинги усулда ёзишда мумтоз адабиётимиз таъсири яққол сезилади. Фозил шоирнинг ўзи дostonда қўлламаганидан кейин бахши тилига изофанинг тиқиштирилиши мантиққа зид деб ўйлаймиз. Аксинча, ижро чоғи баъзи ўринларда “маликайёр” қабалида ёнма-ён келган икки “а” товушининг бири сингишиб кетиш ҳодисаси кузатилади. Бир сўз билан айтганда, doston номидаги иккинчи компонентни атоқли от сифатида бош ҳарф билан ёзиш, бу борада Ҳоди Зарифга эргашиб тарафдоримиз. Мазкур образнинг генезиси қадимги Ой маъбудига бориб тақалиши, ушбу эпонимнинг этимологияси ҳам “ой” сўзи билан алоқадорлиги, шунингдек, бахшилар куйлаган қипчоқ лаҳжасида “ой йор” тарзида талаффуз этилишини эътиборга олсак, doston номини Ҳоди Зариф вариантыда – “Малика Айёр” кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқлиги англашилади.

Жуманов ЭЛБЕК,

Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДАГИ ЎРТАЛИҚ ФОРМУЛАЛАР

Аннотация: Мақолада ўзбек халқ эртакларининг медиал қисмида қўлланиладиган турғун бирикмалар атрофлича тадқиқ этилган. Тадқиқот ўзбек оғзаки ижодиёти намунаси сифатида тақдим этилган 600 га яқин эртакни қамраб олгани, кўп-лаб эртаклардаги ўрталиқ формулаларни аниқлагани билан аҳамиятлидир.

Annotation: The article examines in detail the stable compounds used in the medial part of Uzbek folk tales. The study is significant in that it covers about 600 fairy tales

¹ Бадриддинов М. Хаг хазиналар калити. – Наманган: 2012. – Б. 127.

² Ўша қўлланма. – Б. 128.

³ Ўша қўлланма. – Б. 129.

presented as examples of Uzbek oral art, and identifies intermediate formulas in many fairy tales.

Аннотация: В статье подробно рассматриваются устойчивые составы, использованные в медиальной части узбекских народных сказок. Исследование показывает, что оно охватывает около 600 сказок, представленных как образцы узбекского устного искусства, и определяет промежуточные формулы во многих сказках.

Калит сўзлар: эртак, клише, формула, схема, элемент, инициал, медиал, финал, ўрталиқ.

Key words: fairy tale, cliché, formula, scheme, element, initial, medial, final, median.

Ключевые слова: сказка, клише, формула, схема, элемент, инициальный, медиальный, финальный, срединный.

Халқ эртакларининг медиал – асосий қисмида қўлланувчи турғун бирикмалар, клишелар ва муайян қолипдаги савол-жавобларни «ўрталиқ формулалар» номи остида умумлаштиришни лозим топдик. Бизнингча, ушбу атама бошқа тиллардаги илмий терминлар ифодаладиган мазмунга тўла мос келади. Масалан, француз фольклоршунос олими П. Себийо ўзи тўплаган эртакларнинг «ичида» келадиган формулаларни **formules intercalaires**¹ (киритма формулалар) деб атайдди. Руминиялик Л. Шэйняну **formule mediane**² (медиана формуласи) атамасини қўллади, молдован Б. П. Хашдеу **formule mediale**³ (медиал формула) терминидан фойдаланади. Айнан шу термин яна бир румин фольклоршуноси О. Бирля⁴ қаламига мансуб асарда ҳам учрайди. И. Болте ва Г. Поливка немис тилидаги тадқиқотида **Bbergangsformel**⁵ (ўтиш формуласи) терминидан фойдаланади, чех фольклоршунослигида **formulky přechodny**⁶ (ўтиш формулалари) атамасини қўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, фольклордаги бир ҳодисани акс эттирадиган бир нечта атамалар юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, **intercalaires** ва **mediane (mediale)** сўзлари синоним эмас, бунинг устига, улар И. Болте ва Г. Поливка фойдаланган **Bbergangsformel** атамасининг ўрнида ҳам қўллана олмайди.

Масалан, **intercalaire** сўзи француз тилида «кейинроқ киритилган», «олиб қўйса бўладиган» каби маъноларни ҳам англатади. Дарҳақиқат, эртаклар таркибида воз кечилса-да, асар мазмунига зарар етмайдиган формулалар йўқ эмас. Аммо шундай формулалар борки, уларсиз эртак мазмуни мавҳумлик исканжасида қолиб кетади. Шунингдек, турли эпизодлар орасига «кириб олган» ва қатъий вазифани бажарган ўтиш формулалари (**Bbergangsformel**) ҳам мавжуд. Аммо улар ўрталиқ формулаларни тўлалигича ифода эта олмайди. Демак, гап қўлланиш доираси турли хил бўлган

¹ P. Sëbillot. Formules initiales intercalaires et finales des conteurs en Haute-Bretagne – «Revue Celtique», 1883, VI. – P. 64.

² L. Erineanu, Basmeleromâne necomparaioiune cu legendele antice, clasice cion legittur cu basmele popoareloron vecinateei ale tuturor popoarelor romanice, Bucuresti, 1895. – P. 201, 208.

³ B. P. Haedeu, Etymologicum Magnum Romaniae, III, Bucuresti, 1893. – P. 2633.

⁴ O. Borlea, Introducere, Antologie de proz populară, vol. I, Bucuresti, 1966. – P. 78.

⁵ J. Bolte – G. Polivka. Anmerkungen zu den Kinder und Hausmärchen der Brüder Grimm, I–V, Leipzig, 1913–1932. – S. 21.

⁶ J. Polivka, Slovanský pohádky, I, Úvod, v Praze, 1932. – S. 145.

атамалар ҳақида бормоқда: барча ўтиш формулалари ўрталиқ ҳисобланади, аниқроғи, улар ўрталиқ формулаларнинг кичикроқ гуруҳини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, И. Болте ва Г. Поливка фақатгина айтувчилар томонидан эпизодлар орасига киритилган формулаларни ўрганган¹. П. Себийонинг тадқиқотлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бу масала билан чуқурроқ шуғулланган О. Бирля ўрталиқ формулалар бошланғич ва якунийларга нисбатан соддароқ шаклга эғалигини ва бу формуланинг вазифаларини акс эттирадиган бир типга бориб тақалишини тасдиқлайди². Кейинчалик «медиял формулалар» атамаси янада оммалашиб, уни яна бир француз олими Ж. Бутьер **formules medianes** тарзида ишлатади³.

Николае Рошияну ҳам математикадаги **медияна**⁴ термини асосида ҳосил қилинган **медияльные формулы** (медиял формулалар) атамасини қўллади. Ўз ишида уларни «ички» ва ташқи медиял формулаларга ажратади⁵. Биз эса лотин тилида «ўртадаги», «оралиқ», «марказий» каби маъноларни англатувчи **medialis** сўзига тўла мос келадиган «ўрталиқ»ни танладик. Фикрни тўлароқ ифодалаш учун «эртақларнинг медиял қисмидаги ўрталиқ формулалар» бирикмасидан фойдаланамиз.

Эртақ сўзловчисига ижро жараёнида мислсиз имкониятлар яратадиган, тингловчиларга эса асар замиридаги асл ҳақиқатни англашга кўмаклашадиган мазкур формулалар ўзбек фольклорида жуда муҳим ўрин тутди.

Айтиш керакки, ўрталиқ формулалар ниҳоятда ранг-баранг, инициал ва финал қисмидаги схемалардан фарқли равишда, бажарадиган функциялари ҳам турлича. Шу боис, эртақларнинг медиял қисмидаги формулаларни аниқлаш, таърифлаш ва таснифлаш жараёни анчайин мураккаб, бунинг учун ҳар бир эртақни бошдан-оёқ ўқиб чиқиш лозим бўлади. Биз ўзбек халқ эртақларида қўлланилган ўрталиқ формулаларнинг миқдорини аниқлаш мақсадида ушбу жанрга мансуб асарлар чоп этилган 23 та нашрдаги 550 та эртақни кўздан кечирдик⁶. Ҳисоб-китоб жараёнида уларнинг 296 тасида,

¹ Поливка Г. Ўз ишида «formulky rshchednodny»дан ташқари, эртақ «ичқарисида» учрайдиган, унчалик сезилмайдиган ўринларни эғаллаган бошқа типик формулаларга ҳам тўхтаган, бироқ муаллиф уларни белгилаш учун махсус атамадан фойдаланмаган.

² O. Borlea, *Introducere, Antologie de proz popularreptic*, vol. I, Bucuresti, 1966. – P.78.

³ J. Boutiere, *Lavieet l'oeuvre de Ion Greangr*, Paris, 1930. – P. 160.

⁴ Лотинча «mediana» сўзидан олинган бу атама учбурчакнинг баландлигини қарама-қарши томоннинг ўртаси билан боғлайдиган кесмени ифодалайди.

⁵ Николае Рошияну. Традиционные формулы сказки. – Москва: Наука, 1974. – С.91.

⁶ Сувқизи. Фантастик эртақлар /Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. – 328 б; Олтин олма. Ҳаётгий эртақлар. Биринчи китоб / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Ашуров. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. – 360 б; Ойжамол. Ҳаётгий эртақлар / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Собуров. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1969. – 324 б; Ўзбек халқ эртақлари. Тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1981. – 288 б; Кулса – гул, йиғласа – дур. Эртақлар /Айтувчи: А.Шукуров. – Нашрга тайёрловчилар: З.Хусаинов, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 304 б; Олтин бешик. Эртақлар / Нашргатайёрловчилар: М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 256 б; Булбулигўё. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 384 б; Чалпак ёққан кун. Ўзбек халқ эртақлари / Тўловчи: З.Хусаинова. – Тошкент: Юлдузча, 1987; Зумрад ва Қиммат // Ўзбек халқ ижоди: Кўп томлик / Тузувчи: К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 320 б; Ўзбек халқ эртақлари / Тузувчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 192

бошқача айтанда, ихтиёримиздаги эртактларнинг 54 фоизда, ҳеч бўлмаганда, бир доно ўрталық формула қўлланганига гувоҳ бўлдик.

Агар умумий ҳисобда 223 та сеҳрли эртакт устида изланиш олиб борган бўлсак, уларнинг 212 тасида муайян формулалардан фойдаланилганига гувоҳ бўлдик. Қолган 12 та эртакта эса айтувчи тайёр қолипларга эҳтиёж сезмаган. Хусусан, «Майна»¹, «Балиқ қиз»², «Афлотун»³, «Уч боғ»⁴, «Олтин тарвуз»⁵, «Ўтинчи чол билан тулки»⁶, «Подачининг қизи»⁷, «Шайтон билан деҳқон»⁸, «Афанди ва Азроил»⁹, «Шохли Искандар»¹⁰, «Қўрқоқ»¹¹, «Илончи ва аждарҳо»¹² эртактлари ўзига хос сюжет ва ижро услубига эга. Ҳатто улардаги мотивлар ҳам такрорланмас. Аммо бу типдаги асарлар сеҳрли эртактларнинг бор-йўғи 5 фоизини ташкил этади. Демак, стереотиплик сеҳрли эртактларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

бўлган энг олий мавжудот сифатида шаклланишида меҳнатнинг етакчи роли борлигини ҳисобга олиб шунни айтиш мумкинки, меҳнат қўшиқлари ҳам инсоният тарихининг илк босқичларидаёқ дунёга келиб, инсондаги онг ва тил тараққиёти билан боғлиқ равишда бевосита меҳнат жараёнида секин-аста ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тараққий этиб келган. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, меҳнат қўшиқларнинг пайдо бўлиши масаласи билан боғлиқ муаммолар ўзбек фольклоршунослигида ҳозиргача изчил, аниқ ва бир тўхтамага келингани йўқ. Масалан, ўзбек халқ меҳнат қўшиқларининг тадқиқотчиларидан бири К.Очилов бу масалада икки нарсани – меҳнат қўшиқларининг принцип жиҳатидан вужудга келиши билан боғлиқ ҳамда кейинчалик уларнинг кенг вариантлашуви, бу вариантларнинг эса аксарият ҳолларда мустақил асар даражасига келиб қолиши масаласини бир – бирига қориштириб юборади: *“Хуллас, вариантларнинг турли – туманлиги, бир вақтлар баъзи фольклористлар айтганидек, қандайдир ибтидоий текстнинг форма ва мазмун жиҳатидан мукаммаллашиш жараёни эмас, балки муайян инсон тафаккури ва бадиий қувватининг анъанавий услуб, формаларида маълум шароитдаги конкрет кўринишидир”*¹. Юқоридаги К.Очиловнинг фикрларига фольклоршунос олим Баҳодир Саримсоқов кескин танқидий муносабатда бўлади. У жумладан шундай дейди: *“Мақола автори меҳнат қўшиқларининг ҳозирги мавжуд намуналари, уларнинг поэтик шакли ва мазмунига маҳлиё бўлиб, шу қўшиқларнинг принципда дастлаб қандай юзага келиш масаласи билан уларнинг кейинги тараққиёт босқичидаги кенг вариантлашув жараёнини фарқлай олмаган. Бошқача айтганда, авторда масалага ретроспектив планда қараш етишмайди; у тадқиқотда синхроник фактга таянган ҳолда диахроник аспектда ёндашишни унутиб қўяди”*².

Олимнинг ўзи эса меҳнат қўшиқлари, уларнинг дастлабки пайдо бўлиш жараёни ва ривожини тўғри ҳал қилиш учун бу қўшиқларнинг тарихий тараққиётини назардан қочирмаган ҳолда қуйидаги уч босқичга бўлиб ўрганишни тавсия этади:

Биринчи босқич – меҳнат қўшиқларининг принципда вужудга келиш жараёни. Бу жараён ибтидоий жамоа тузумининг илк давридаёқ бошланиб, унинг сўнги этапларида якунланган. Меҳнат қўшиқлари бирданига пайдо бўлмаган ва улар ҳамма вақт ҳам бир хил функция ўтамаган. Уларнинг дастлабки мазмунлари қисқагина, изчил ритмик тузилишига эга бўлмаган шеърий парчалардан иборат бўлиб, мазмунан улар у ёки бу ҳаракатга ундаш, коллектив бўлиб ҳаракат қилишга ундовчи хитоблардан ташкил топган. Кишилар уларни меҳнат қўшиқларига сўзнинг магик қудрати орқали таъсир кўрсатиш, меҳнат жараёнида бир хил ритмни сақлаб туриш ва шу йўл билан меҳнат қилувчиларнинг чарчоғини унутишга, бардам руҳ билан ҳаракат қилишга ундаш мақсадида куйлаганлар. Мана шу жараёнда меҳнат қўшиқларининг куртаклари пайдо бўлди. Кейинчалик эса меҳнат жараёнидаги ҳаракат ритмига мос келувчи ундов, хитоблар сақлаган ҳол-

¹ Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, I том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.224.

² Ўша китоб. – Б.224.

да текстлар таркибига муайян мазмунга эга бўлган сўзлар, оддий гаплар кириб боради. Мана шу тариқа халқ поэзияси таркибида дастлабки жанрлар силсиласи – меҳнат қўшиқлари юзага келди.

Иккинчи босқич – бу босқич меҳнат тақсимоти юзага келиши ва меҳнат турларининг ҳар бирига оид қўшиқларининг яратилиши билан характерланади. Бу босқичда юзага келган меҳнат қўшиқларида ҳар бир меҳнат тури, касб – ҳунар пир (патрон)ларига сиғиниш мотивлари вужудга келади. Меҳнат тақсимоти тўла амалга ошган даврдаги меҳнат қўшиқларида ҳам меҳнат жараёнида ҳаракат ритмини сақлашга уриниш, сўз кучи воситасида меҳнат унумига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда аста – секин эстетик функция бажариш ҳам пайдо бўлади.

Учинчи босқич – бу давр ижтимоий меҳнат тақсимотининг тугалланиши, синфи жамиятининг тўла қарор топиши ва меҳнат қўшиқларида ижтимоий тенгсизлик мотивларининг ривожланиши билан характерланади. Энди меҳнат қўшиқларида меҳнат турлари патронларига сиғиниш мотивлари қисман сақланиб қолган бўлса-да, бироқ бу даврдаги меҳнат қўшиқларида ғоявий-эстетик функция етакчилик қила бошлайди. Энди сўзни магик қудрати орқали меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатиш ёки ҳаракат ритмини сақлаш каби функциялар аста – секин йўқола бошлайди. Бизга қадар етиб келган ўзбек халқ меҳнат қўшиқлари худди мана шу босқичда яратилган фактик материаллардан иборат. Бу босқичда яратилган меҳнат қўшиқлари ҳам бевосита меҳнат жараёнида вужудга келган бўлиб ана шу жараённинг ўзида ижро этилса-да, бироқ ўзининг куйидаги икки жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Биринчиси – қўшиқларда социал тенгсизликлар шикоят мотивлар анча кучли намоён бўла бошлайди. Иккинчиси – уларда ишқ-муҳаббат билан боғлиқ мотивлар ўрин олади.

Меҳнат қўшиқларининг бу тараққиёт босқичи яна шу билан характерланадики, худди мана шу босқичда бевосита меҳнат жараёнида яратилиб, ана шу жараёнда ижро этилувчи қўшиқлар билан бир қаторда меҳнат жараёнида яратилмай, ундан ташқарида ижро этилувчи меҳнат мавзуларидаги қўшиқлар ҳам пайдо бўлдики, бундай қўшиқларни меҳнат қўшиқларидан кескин фарқлаш керак бўлади”¹.

Меҳнат қўшиқлари ранг – баранг жанрлардан ташкил топган бўлиб, уларни бир доирада ушлаб турувчи бир нечта хусусиятлар мавжуд. Ана улардан бири барча жанрларнинг бевосита у ёки бу меҳнат тури билан боғлиқлиги ҳисобланади. Мана шу ҳолатда келиб чиқиб Б.Саримсоқов куйидаги йўлдан боради:

“Меҳнат қўшиқлари муайян бир жанр сифатида эмас, балки ўз ичига поэтик шакл, мазмуни, ижро усули, тарзи, шароити, ижрочилар состави, поэтик текстнинг методик тузилиши жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланувчи бир нечта мустақил жанрларни қамраб олувчи халқ лирикасининг мустақил бир туркуми деб қарашни лозим топади”.

“Меҳнат қўшиқлари маросим қўшиқлари, севги қўшиқларидан кескин фарқланувчи лирик турга мансуб мустақил жанрлар туркумидан иборат-

¹ Ўша асар. – Б.224-226.

дир”¹ – деган фикрни илгари суради. Уни асослаб беришга ҳаракат қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, меҳнат қўшиқларининг ранг-баранг жанрлардан ташкил топганлиги ҳамда бу жанрларни бир туркум доирасида ушлаб турувчи хусусиятлари аниқ ҳамда атрофлича кўрсатиб беради. Улар қуйидагича кўзга ташланади:

1. Барча жанрлар ижро шароитининг бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқ эканлиги. Меҳнат турлари, улардан ижро этиладиган қўшиқлар ранг – баранг бўлса-да, бироқ барча меҳнат қўшиқларининг ижроси бевосита муайян меҳнат жараёни билан боғлиқдир. У ёки бу меҳнат турининг ўзгариши ёхуд йўқолиши ана шу жараёнда ижро этилган қўшиқ табиатда ҳам кучли ўзгаришлар юз беришига ёхуд унинг меҳнат тури билан биргаликда йўқолишга олиб келади.

2. Қўшиқлар текстида меҳнат, унда қўлланадиган нарса ва предметларга мурожаат мотивлари ҳукмронлик қилади. Бу мотивлари эса, қўшиқнинг, бинобарин, меҳнат турининг қонунлиилигига қараб турлича даражада зоҳир бўлади.

3. Меҳнат қўшиқлар энгил ритмик структурага, қофияланиш тарзига ва оддий поэтик тилга эга. Уларда мураккаб поэтик рамзлар ҳамда қўшимчалар учрамайди. Бундан ташқари, меҳнат қўшиқларида ундов, хитоблардан иборат такрорлар, нақоратлар кўп учрайдики, бу нарса уларнинг қадимийлигидан далолат беради”².

Хуллас, барча хусусиятлар меҳнат қўшиқларига ижро ўрни ва тарзи, муסיқий табиати ва поэтик жанр ҳамда поэзиясининг қадимий туркуми сифатида бемалол қараш ҳуқуқини беради. Меҳнат қўшиқларини меҳнат турларига қараб, профессор Б.Саримсоқов қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни тавсия этади. Булар:

1. *Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
2. *Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
3. *Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар*³.

Оғзаки ижодда овчилик ҳамда савдо-сотик каби меҳнат турлари билан боғлиқ қўшиқлар ҳозиргача сақлаб қолинмаганлиги ва шунинг учун бу икки меҳнат тури билан боғлиқ қўшиқларига таснифда ўрин бермаганлиги айтиб ўтади. Бундай гуруҳларга бўлиб ўрганишни Б.Саримсоқовдан олдин филология фанлари номзоди Охунжон Собиров ҳам кўрсатиб беради. У меҳнат қўшиқларини қуйидаги беш гуруҳга ажратади. Булар :

1. *Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
2. *Боғ ва боғчачилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
3. *Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
4. *Овчилик билан боғлиқ қўшиқлар.*
5. *Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар*⁴.

Лекин олим уларни таҳлил қилиш жараёнида ўзи кўрсатиб ўтган меҳнат қўшиқлари мазмунан боғ ва боғчачилик ҳамда овчилик билан

¹ Ўша асар. – Б.226.

² Ўша асар. – Б.226.

³ Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Дарслик. – Т.:Ўқитувчи, 1990. – Б.144.

⁴ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б.76.

боғлиқ қўшиқлар ҳақида бирон жойда тўхталмайди. Улар таҳлил қилишни қолдириб кетган. Шунинг учун биз барча ҳолатларни ҳисобга олиб, олдинги вариантни, яъни Баҳодир Саримсоқов тавсия этган гуруҳларга асосланиб фикр билдиришга уриндик.

VI БОБ
АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК



Мақсуд Асадов,
филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий
ходими

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИ

*Биз Қуръон ва Ҳадисга амал қилган ҳолда яшашни
энг тўғри ва энг ҳақиқий йўл деб биламиз.
Маҳмуд Асъад Жўшон*

I

Маълумки, олимнинг олимлик қиёфаси, аввало, тасаввур ва тахайюл дунёсининг кенглиги, тафаккур ва идрок теранлиги, талқин ва таҳлил маҳорати, қолаверса, илм ва амалининг муштараклигида ҳам кўринади. Олам ҳодисалари, тириклик асоси, ҳаёт сир-синоатларини дақиқ нигоҳ, кашф ҳоли ила таҳқиқу тадқиқ қилиш илм-фанни бойитиши билан бирга, истеъдод ва маҳорат масаласига ҳар томонлама кенг ва пухта баҳо беришга ҳам йўл очади. Сўзи завққа, завқи ҳолга, ҳоли файзга айланган улуғ зотлар бўладики, илм йўли уларнинг ақлу закосидан, қалб зиёсидан чароғон ва нурлидир. Улуғ ватандошимиз, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон, шубҳасиз, ана шундай бир файз соҳиби, мутасаввиф ва нуктадон олимдир. Бу зотнинг комил шайх Муҳаммад Зоҳид Кўтқу ал-Бурсавийнинг изни-ижозати билан Туркиядаги нақшбандия тариқатининг энг нуфузли марказларидан бўлмиш Искандарпошшо даргоҳига имом ва муридларга пир этиб тайинлангани, нақшбандийликнинг йирик муршиди сифатида дунё миқёсида кенг фаолият олиб боргани ҳам бежиз эмас, албатта. Маҳмуд Асъад Жўшоннинг дин, тасаввуф, ахлоқ, адабиёт ва ёзув малакаси тадқиқига бағишланган кўплаб китоблари жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилиниб, ҳануз ислом дини тамаддуни, илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Биз мазкур мақоламизда йирик олимнинг тасаввуф ҳақидаги қарашлари, уларнинг тасаввуфшунослик фани тараққиётидаги ўзига хос ўрни хусусида тўхталамиз.

Тасаввуф инсоннинг маънавий камолотга, руҳий эркинликка эришиш йўлини кўрсатувчи, инсонга ўзини, ўзлигини танитувчи ҳамда дин, тарих, ахлоқ, адабиёт, руҳиятшунослик каби кишилик жамиятининг нафақат ижтимоий, маиший, балки маърифий ва маънавий ҳаёт тарзига ҳам бево-сита дахлдор бўлган етуқ таълимотдир. Унинг пайдо бўлиши, тадрижи ва тараққиёт босқичлари ҳақида илмда турли фикрлар билдирилган, яъни қадимги ҳинд фалсафаси таъсирида, юнон маърифатчилиги асосида, Тибет фалсафий дунёқарашдаги таркидунёчилик одатлари замирида ривожлангани ҳам айтилган¹. Дарҳақиқат, умумбашарий ахлоқий қадриятларнинг ҳар қандай миллат ва халқнинг асрлар мобайнида шаклланган

¹ Қаранг: Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 12.

урф-одатлари, анъаналари билан ўзаро уйғунлашуви маданий ҳаётнинг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Аммо ислом тасаввуфи хусусида мулоҳаза юритганда, ислом дини мафкураси, эътиқод ва одоб-ахлоқ талабларини алоҳида эътиборда тутмоқ лозим. Чунки “Тасаввуф бир ҳовуз каби бўлса, унинг сувлари Қуръони каримдан гулдираб келади. Топ-тоза, мусаффо, ҳаётбахш бир сув... Ҳазрати пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларидан ҳам келади. У ҳам Аллоҳнинг каломи... Ҳадиси шарифнинг манбаси ҳам, Қуръони каримни туширган ҳам Аллоҳ. Бу икки чашмадан маънавият ҳовузига шилдираб-шилдираб, биллур каби тоза сувлар оқиб киради...”¹. Образли тафаккур имкониятлари асосида масаланинг асл моҳиятини жонли тарзда очиб берган бу таъриф ўқувчида эстетик завқ уйғотибгина қолмай, тасаввуф ҳақидаги тасаввурларга ҳам муайян аниқликлар киритади, албатта.

Илмда ёритилишича, Шарқда азалдан турли-туман фалсафий қарашлар, назариялар яратишга мойиллик кучли бўлган. Аммо бу йўлда эътиқод собитлигидан бир лаҳза ҳам чекинилмаган. Тасаввуф истилоҳлари адабиёт ва илм аҳлига мана шу имкониятни – ислом дини ақидаларига содиқликни ва дунёни тимсоллар воситасида фалсафий идрок этиш имтиёзини берган². Давр ва замон ўзгаришлари, вақт мезонлари ва тараққиёт таъсирида инсоннинг тафаккур тарзи, оламни ижтимоий, фалсафий, бадий, илмий мушоҳада қилиш қонуниятлари ҳам ўзгариб боради. Бу жараёнда эса фидойилик байроғини баланд кўтарган, ўз соҳасининг егук билимдони бўлган ШАХСларнинг ислоҳотчилик характери, некбин қиёфаси янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Гап шундаки, соддалик, ҳаётийлик, аниқлик тамойилларига таянгани учун ҳам Маҳмуд Аъсад Жўшон асарлари, жумладан тасаввуфга оид илмий мушоҳадалари ўқувчини ўзига оҳанграбодай жалб қилади. Уларда ифодаланаётган фикр жамият, табиат ва инсоният ҳаётига доир у ёки бу ҳаётий лавҳа воситасида исбот қилинади. Ўзига хос тасвир маҳорати, ифода йўли, ёзувчи, олим, ориф, руҳиятшунос каби бир қатор қиёфаларда намён бўладиган муаллиф эстетик идеалининг нозик қирраларини, истеъдодининг ёрқин жиҳатларини юзага чиқариб, фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Масалан, “тасаввуф даллини валий қилар, ярамасни ювош қилар, тошбағирни меҳригиё қилар, раҳмсизни меҳрибон қилар, ғофилни зулматдан нурга чиқарар, дарёга чўкаётганни саломатлик соҳилига элтар, жоҳилни тарбиялар, чўлу биёбонларни ирфон сойлари ила жўштирар, яшартирар, инсонни халққа марғуб ва мақбул қилар, Ҳаққа ҳам маҳбуб қилар, оқибат тупроқдан пайдо бўлган инсонни малак даражасига кўтарар, Раҳмоннинг ҳузурига лаёқатли қилар...”³.

Маълумки, услуб ижодкорнинг ҳаётий тажрибаси, моддий борлиққа муносабатини акс эттирувчи кўзгудир. У индивидуал характерга эга. Энг аввало, услуб тил, нутқ ва тафаккур уйғунлигининг маҳсулидир. Маҳмуд

¹ Кўрсатилган китоб. – Б. 14.

² Бертельс Е.Э. Происхождение суфизма и зарождение суфийской литературы // Избранные труды. Том III. Суфизм и суфийская литература. – М.: Восточная литература, 1965. – С. 419.

³ Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент, 1998. – Б. 27 – 28.

Асъад Жўшоннинг илмий асарлари ана шу – услубига кўра ҳам бетакрор: бадий асар – ҳаётий, реал ҳикоя ёки воқеа каби катта қизиқиш билан ўқилади. Бу асарлар равонлиги, соддалиги, жумлаларнинг қисқа ва аниқлиги, енгил ва осон тушунилиши билан ўқувчи хотирасида тез ўрнашади, онгу шуурига чуқур сингади. Шарқ адабиётшунослиги тарихида кўпинча ҳикмат, ривоят ёки нақлларни мисол келтириб фикрни илмий ва назарий жиҳатдан асослаш тамойили устунлик қилгани маълум. Маҳмуд Асъад Жўшонда эса қадимги ривоят ва афсоналар ўрнини муаллифнинг ҳаёт йўли, хотираларига дахлдор воқеликлар эгаллайди, фикр лўнда, пухта ва тугал ифодаланади. Китобхон уларни бирор ерда туртинмасдан, зерикмасдан, аксинча кўтаринки бир кайфият, завқу иштиёқ билан ўқийди. Мулоҳазалар жанжир каби бир-бирига боғланиб, бир бутунлик касб этади. Фикризмизнинг исботи сифатида куйидаги иқтибосни келтириш ўринли бўлади:

“Тасаввуф деганда хотирангизга келган биринчи сўзни айтинг!”, – дедим, шак-шубҳасиз, барчангиз кўп нарсаларни ўйлаб, “Зикр” дейсиз. Зеро, аслида зикр ҳам Қуръони каримдандир. Ислому бу – илм. Ислому бу – маърифат. Ислому бу – комил инсонни тарбиялаш воситаси.

Мактаб ўқиб юрган кезларим бир куни эрталаб мактабга бордим. Ўртоқларим мени табассум-ла бағоят қувноқ ҳолда ҳазил-хузул билан қарши олишди. “Қани, ўзингга маъқул рангни айт-чи? – дейишди. Елкамни қисиб: “Қизил”, – дедим. Шундай кучли қаҳқаҳа янградик, ўртоқларим ерга юмалаб кулишарди. “Бунинг нимаси кулгили, қизил ранг эмасми?” – дедим. “Йўқ, унга эмас, кимдан сўрасак, барча “Қизил” деб жавоб беряпти, шунга куляпмиз”, – дейишди улар. Демак, илк ҳаёлга келадиган ранг қизил экан. Аслида эса бу ҳам бежиз эмас, балки психологик бир ҳодиса.

Худди шу каби “Қани, айтинглари-чи, тасаввуф деганда ҳаёлга биринчи бўлиб қайси фикр келади?” – деб савол берилса, даврадагиларнинг кўпчилиги, тахминан 75 фоизи “Зикр” дейди¹.

Агар мана шу ҳаётий ҳикоя бўлмаса, тасаввуфнинг зикр билан боғлиқлиги ҳақидаги ҳақиқат хотирага мустаҳкам ўрнашмайди. Олимнинг “Мен мавзуларни ҳаётда рўй берган воқеалар билан шарҳлашни яхши кўраман. Чунки бу нарса кўпроқ эсда қолади”, – деган гаплари ҳам бу борадаги фикримизни қувватлайди. Бу улуғ зотнинг турли мавзудаги асарларидан юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мундарижа – ҳаётий лавҳа – Қуръони карим оятини параллел қўллаш матнининг ички муносиблиги ва ўзига хослигини кўрсатади. Мундарижада муддао ҳали умумий, баён, фикрни хулосалаш бор, ўқувчини асосий мақсадга буткул йўналтириш учун эса реал, ижтимоий ҳодиса тамсил келтирилиб исботланади ва Қуръон оятларига асосланиб хулосаланади. Уларнинг ички тартибини ўзгартириш, бири ўрнида иккинчисини қўллаш, ўрнини алмаштириш мушкул. Чунки тасаввуфга оид тушунча, тимсол ёки фикрнинг илдизи ҳам, олимнинг хулосалари ҳам, энг аввало, Қуръони каримга боғланади: “Қуръонда зикр билан алоқадор саксонга яқин амр бор. Инчунун, тасаввуф

¹ Маҳмуд Асаъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

ҳам Қуръонга мувофиқ бир фаолият, зеро нафс тарбияси ҳам Қуръондан, зикр ҳам Қуръондан”¹.

Олимнинг ёзишича, тасаввуф “тавҳид ақидасининг байроғини фикр қалъасининг чўққисига тикади”. Бу қалъанинг асоси, пойдевори-чи? Шубҳасиз, “Қуръони карим ва Суннати санийя”дир: “Исломда тасаввуф деган муҳим бир шаръий илм бор экан, бу илмга амал қилмай туриб имоний завқни топиб яшаш, Исломнинг моҳиятини, руҳиятини, назокатини, асрорини фаҳмлаш ҳар даврнинг, жумладан, бугунги кунимизнинг инсонини учун ҳам имконсиздир. Чунки тасаввуф Қуръон ахлоқи, Расулulloҳ сал-лаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳаёт тарзи, шариатнинг нозик одобидир”². Турли ҳудудлардаги тасаввуфий қарашлар хилма-хил бўлиши мумкин (Масалан, Хуросондаги тасаввуф билан Мисрдаги тасаввуф орасида завқ ва шакл жиҳатидан нозик фарқлар бор), аммо маънавий сарчашмаси, маърифий заминига кўра муштарак. Бу ҳақиқатни олим содда ва жонли кўрсатиб беради: Оқ ранг, аслида, жўн, барчага маълум тушунча. Уни бошқа ранглар билан аралаштирганда ўз тусини ўзгартириши нафақат рангшунослик, балки инсталлан соҳа вакили ёки оддий одамга ҳам аён ҳақиқат. Аммо турли ҳудудларда тасаввуф таълимоти тараққиётидаги ўзига хосликни мана шу ҳодиса – оқ ранг ва унинг ўзгаришини тамсил қилиб, оддий ва энгил тушунтириш усули – Маҳмуд Асъад Жўшон фалсафий дунёқарашига хос. Масалан, “Ислом тасаввуфи улкан Ислом дунёсига: Атлантика океанидан Ҳинд океанигача, Сибир текисликларидан Африканинг шимолигача, дунёнинг жуда катта қисмига ёйилгани учун, у етиб борган ерлардаги “ранг”лар унинг “оқ” лигига, яъни аслига бир оз бошқа “ранг”-тус аралаштирганини мен шунга ўхшатаман. Турли ҳудудлардаги тасаввуфларда нисбатан фарқлар борлиги ҳам шу сабабдандир”³. Кўринадики, бу фикрлар ўқувчига нафақат тасаввуф ҳақида маълумот беради, балки тасаввуф ва тафаккур завқини туйиш, оламни бадиий жиҳатдан идрок қилиш малакасини ҳам шакллантиради.

II

Биз олимнинг илмий қарашлари, таҳлилларини ўрганиш натижасида тасаввуфга бағишланган таъриф тавсифларини қуйидагича таснифладик. Демак, тасаввуф:

1. Фиқҳи ботин. Фиқҳи зоҳир ислом дини фарзларига тўла амал қилиб яшашни билдирса, фиқҳи ботин собит ишонч, қатъият ва эътиқод туйғуси ила қалб ҳаловати, руҳ сокинлиги, Оллоҳ розилигига эришиш ва маънавий гўзалликни тарғиб этувчи илмдир.

2. Тақво йўли – нафсу ҳаводан айри, ҳақ сўзу амалда собит, комилликка мушарраф бўлган сиддиқ инсонлар йўли. Тақвою тоат ҳақиқий мўминликка эришиш бахти, банданинг барча нуқсонлардан покланиш саодатидир.

¹ Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

² Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент, 1998. – Б. 27 – 28.

³ Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 8 – 9.

3. Эҳсон йўли. Камолотнинг юксак даражаси бўлиб, инсон ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олиши, таҳрир ва таҳлил қилиши, энг гўзал одатларга содиқ бўлишини англатади. Ҳадисда айтилишича, “Сен Оллоҳни кўрмасанг ҳам, Оллоҳ сени кўриб, кузатиб турганидек, унга ибодат қилишинг керак, чунки, шубҳасиз, Оллоҳ сени кўриб туради”. Маълум бўладики, эҳсон Ҳақ ва банда ўртасида кўприк бўлувчи ҳидоят йўли ҳамдир.

4. Ладун илми (“илми ладуний”) – Ҳақ томонидан хос бандаларига лойиқ кўрилган билим, илоҳий оламдан пок қалбга инувчи маънавий сурур, ирфон ва ҳақиқий завқ ҳоли. Қуръони каримнинг “Каҳф” сураси (Каҳф:65) да айтилишича, Хизр (а.с) ана шундай илми ҳол соҳиби бўлган хос кишилардан эди. Мусо (а.с) бир қанча муддат унинг хузурида юриб, илоҳий маърифат ва илм сир-асрорларини ўрганади. Тасаввуф ғояларининг мазмун-моҳияти, энг аввало, “ладун илми” ва унга мушарраф бўлишга интилиш билан ҳам боғлиқ.

5. Нафс тарбияси. Тасаввуф қалб орқали англанган тавҳидий иймон-эътиқод ва руҳий-маънавий камолотнинг чўққисидир. Унга фақат нафс қутқуларидан, ёмон хулқ-атвордан, ёлғону риё, кизбу ҳасад, турли сохтакорликлардан узилиб, руҳан покланибгина етиш мумкин. Қуръони каримнинг “Аъло” сураси 14-оятда “Нафсини тозалай олган, ичини поклаган киши нажот топади”, дейилган. “Нафсини билган, Раббини билур”, ҳадиси шарифи шунга асосланади. Илоҳий ишқни баланд пардаларда қуйлаган машҳур Озарбайжон шоир Имоиддин Насимий ҳам “Нафсини ҳар кимса ким таниди, ул Ҳақни билур”, – деб ёзади. Дарҳақиқат, нафсни таниш ва билиш тасаввуфнинг илк талаби. Ҳаққа етгунга қадар нимани англаш зарур бўлса, комиллик йўлидаги шахс шуларнинг ҳаммасини имкон даражасида мушоҳададан ўтказа олади. Энг аввало, нафс тарбияси Қуръоний амр бўлгани учун тасаввуф Қуръонийдир.

6. Зикр илми. Зикр қалбни покловчи, руҳни хузур-ҳаловатга етказувчи, фикрни саломат қилувчи маънавий даража. У бандани Ҳаққа боғловчи риштадирки, “Ҳу” исмининг зикридан илоҳий ишқ, ирфон ва маърифат ҳосил бўлади. Ҳақ йўлидаги ошиқ – солиқ бундан роҳат ва фароғатни туяди.

7. Ихлос йўли. Ботини турфа ғуборлардан, ўткинчи ҳою ҳаваслардан йироқ бўлган қалби салим соҳиби мақсад ва маслагидан сира оғишмайди. Инсон қалбининг топ-тоза, беғубор бўлиши ниятининг мусаффолиги, самимийлигидан далолатдир. Бу покликка эса чин ихлос билан эришилади.

8. Суҳбат ва риёзат йўли. Нақшбандия тариқатида суҳбат билмаганни билиш, англамаганни англаш, маънан юксаклик, кароматлар сирру асрори, илоҳий маърифатдан баҳрамандликни ҳам билдиради. Шу маънода, Маҳмуд Асъад Жўшон суҳбатларида қалби эзгулигу муҳаббатга тўла, илоҳий ҳақиқатларни теран англаган, олам ҳодисаларига кўнгли кўзи ила боқувчи олим – донишманд инсон қиёфаси янада бўртиб кўринади. Олимнинг ёзишича, тасаввуф китобий бир илм эмас. Бирор киши тасаввуф мавзуси ёритилган китобларни ўқиб шайх ва сўфий бўлолмайди: “тариқатнинг мақом ва манзилларини босиб ўтиш китоб ўқимоқ билан бўлсайди, Аллоҳ кўкдан китоб индириб: «Буни ўқинг!» дерди. Бу билан бўлмайди. Суҳбат

ва риёзат билан бўлади...”¹. Тасаввуф моҳияти, тарихи, такомили, ирфоний адабиёт ва унинг ғоявий-бадий хусусиятларидаги ўзига хосликлар олиннинг “Дин ва эътиқод ҳақиқати”, “Тасаввуф ва ҳаёт”, “Дунё севгиси ва зуҳд”, “Гўзал хулқлар ва вафо”, “Нафс тарбияси”, “Таблиц ва иршод масъулияти”, “Ҳилм, гўзал ахлоқ ва вараъ”, “Зикр дарси”, “Юнус Эмро ва тасаввуф” каби қатор маънавий суҳбатлари орқали аён бўлади. Айтиш мумкинки, тасаввуфшуносликда суҳбат жанри ва унинг тараққиётида Маҳмуд Асъад Жўшон суҳбатлари муҳим аҳамият касб этадики, бу алоҳида тадқиқот мавзуси бўла олади.

9. Гўзал ахлоқ – инсон хатти-ҳаракатлари, жамиятдаги юриш-туриши, муомала маданиятида ўзгаларга ўрнатилган бўла оладиган юксак инсоний фазилатлар ифодаси. Ахлоқ инсонлар орасидаги муносабатларни тартибга соладиган, кишилик жамиятининг маданий турмуш тарзи, муайян хулқ қоидалари йиғиндисидир. Тасаввуф ҳам жамиятдаги муносабатларни манфаат туйғусидан йироқ бўлган ҳолда тартибга солади ва таълим беради. Адолат, сабр, тақво, марҳамат (раҳмдиллик), ҳилм, сидқ, вафо каби улуғвор сифатлар тасаввуфий гўзал ахлоқ ифодасидир.

Таҳлилларимиздан маълум бўладигани, Маҳмуд Асъад Жўшон талқинида тасаввуф инсонни эзгу ишларга ундайдиган, қалбини гўзалликка ошно этадиган, меҳр-оқибатли, дину диёнатда собит, комил ахлоқ, пок эътиқод соҳибини тарбияладиган, қолаверса, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ғояларига уйғун бўлган маънавий камолотнинг энг юксак чўққисидир.

III

Тасаввуф аҳли орасида мана шундай – гўзал инсоний фазилатлар эгаси бўлган кишилар “сўфий”, “маърифатуллоҳ”, “ирфон соҳиби”, “эран”, “ориф”, “орифун биллоҳ”, яъни Аллоҳни таниган, Аллоҳга етган номлари билан улуғланиб келган. Улар қаторига дарвешлар ҳам кирилади. Маҳмуд Асъад Жўшон дарвешларнинг ислом тасаввуфи ривожига ниҳоят даражада муҳим рол ўйнаганини эътироф этиб, қуйидагиларни ёзади: “Маълумки, дарвишлар узок ўлкаларга даъват учун, маърифат учун кетганлар. Ҳа, дарвиш кетади, бегона бир диёрларга кетади. Касалликдан, очликдан, камбағалликдан, қийинчиликлардан қўрқмайди. Мутавозеъ, хушахлоқ, тадбиркор, биров билан иши йўқ, ўз маслагидан собитқадам...”² Дарҳақиқат, дарвеш дину диёнатли, гўзал ахлоқли, сабрли, камтар, қаноатли, мулойим табиатли, ширинсўз, фидойи, мулоҳазакор, одамларга фақат яхшилик соғинадиган, атрофдаги ғийбат гапларга, майда-чуйдаларга асло парво қилмайдиган, аммо ҳаётда фаол бир инсон. Ёмон хулқлардан йироқ, покиза бир шахсдир. Ривоятга кўра, Иброҳим алайҳиссалом Каъбани бунёд қилганларида, тўрт бурчагининг ҳар бир бурчагида минг ракаатдан намоз ўқибдилар. Ва айтибдиларки: «Ё Раббим, шундай ибодат қилдим. Сенга маъқулми, мақбулми? Сенга бундан ҳам қиладиган яхшироқ, маъқулроқ ибодат борми?» – Ҳа, ё Иброҳим, – дебди Аллоҳ, – Бир фақир камбағалга

¹ Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 16.

² Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 16.

бир луқма нон бериш...”¹. Тасаввуфда фақр ҳоли, фақир маслаги ва дарвешлик мақомининг улуғланиши шундан.

Тасаввуф адабиётида ҳам дарвеш “Оллоҳдан ўзга ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган”², кўнгилни бу дунёнинг турфа хил қинғирликларидан, ўткинчи орзу-истакларидан поклаган, руҳий-маънавий олами эзгулик, ҳиммат, меҳр-муҳаббат каби фазилатларга бой, яхши ахлоқ соҳиби, саховат ва мурувват тимсоли сифатида гавдалантирилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам “Маҳбуб ул-қулуб” асарида дарвешнинг ахлоқий қиёфасини саъж санъати воситасида жонли ва таъсирли чизади: “...Емак-ичмакдин кечибдурлар, Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва қон ичибдурлар. Ризову таслим зовияси – мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға кеш, душману дўстиға некандеш. Бу сифату ойин била бўлғон эрур дарвеш”³. Кўринадики, Навоий дарвешни парҳезкор, Ҳақ розилиги учун ҳаёт кечирувчи, одоб-ахлоқда бошқаларга ўрناق бўладиган, дўсту душманга бирдай яхшилик қилувчи комил шахс сифатида кўрсатади. Профессор Н.Комиловнинг ёзишича, “дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (хирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни гуманист шоирлар наздида жамики яхши хулқ-атвор, карам-саховат, инсоний фазилат дарвеш одамда акс этиши керак”⁴. Туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули бир шеърида “Дарвеш кўрсанг, бориб олқиш олақол, Ундан яхши банда йўқдир Худойга”⁵ дея дарвешларнинг мана шундай фазилатларини олқишлаган. Маҳмуд Асъад Жўшон дарвешнинг юриш-туриши, ташқи қиёфасига эмас, балки эзгулик оламига ошнолигига эътибор қаратишга ва дарвешлик даражасининг ҳол ва мартабасини Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримиз суннатидаги амаллар билан белгилашга ундайди. Олимнинг ёзишича, айрим тариқатларга, жумладан қаландарийлик тариқатига ҳинд фалсафаси сезиларли даражада таъсир этган. Бу тариқатда қаландарларнинг тўрт аъзони: сочни, қошни, мўйловни, соқолни тап-тақир қилиб қириб юриши урфга айланган. Аммо Ҳазрати расулуллоҳ бундай ишни қилганлари йўқ⁶. Нақшбандия тариқатига кўра, чор тарк маслаги, яъни тарки дунё, тарки уқбо, тарки ҳасти, тарки таркка амал қилган дарвеш фанопиллоҳга муяссар бўлади.

Маълумки, фанонинг луғавий маъноси йўқлик, йўқ бўлмоқ. У тариқатнинг сўнгги мақоми бўлиб, Оллоҳдан бўлак ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул эътиқоди билан яшаш демақдир. Мутасаввифларга кўра, фанонинг уч хил кўриниши бор: 1. Фано фил-қусуд; солиқнинг ўз орзу-истаклари билан эмас, Оллоҳнинг хоҳиш ва иродасига кўра ҳаракат қилиши, ўз иродасини Оллоҳнинг иродасида фоний этиши,

¹ Кўрсатилган китоб. – Б. 19.

² Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 184.

³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 томлик. 9-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 482.

⁴ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 162.

⁵ Махтумқули. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 153.

⁶ Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент, 1998. – Б. 23.

яъни йўқ қилиши. 2. Фано фил-шухуд: Оллоҳдан бўлак нарсани кўрмаслик, ишқ ва ваднинг таъсирида ҳар бир нарсага Оллоҳнинг тажаллийси сифатида қараш. 3. Фано фиш-шайх – Фано фил пир: муриднинг муридига, дарвешнинг пирига фоний бўлиши. Яъни муриднинг ўз шахсий истак-хоҳишлари ўрнига шайхнинг маслак ва ниятларини қўйиши¹.

Кўринадики, Маҳмуд Асъад Жўшоннинг фано, фақир ва дарвеш ҳақидаги қарашлари Шарқ мумтоз адабиётида ифодаланган дарвеш маънавий қиёфасини янада теранроқ англашга ва англатишга ҳам имкон яратади.

IV

Тасаввуфда инсонни камолотга элтувчи икки асосий йўл мавжудлиги айтилади: бири инсон иродаси, нафсини тарбиялайдиган риёзат йўли (Маҳмуд Асъад Жўшон буни “руҳ риёзати, руҳий машқ” деб таърифлайди. – М.А), яна бири ишқ, севги ва муҳаббат йўли – “жўшқинлик ҳоли”. Маҳмуд Асъад Жўшонга кўра, “Ҳақиқий диндорларнинг барчаси, аввало, Оллоҳнинг ошиғи бўлган кишилардир”². Улар ишқ мақомининг сир-асроридан, чин муҳаббатнинг завқу шавқидан хабардор, борлиғу борлиги илоҳий жамолга ташна бўлган хос бандалардир. Ишқ мақоми эса “қалбда – кучли туғённинг бош кўтариши, бетоқату безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Тангри томон талпинишдир”³. Шарқ мумтоз адабиёти ҳам, аслида, ана шундай ишқ шарҳи, тавсифу таърифига бағишланган бир адабиёт. Жумладан, “Фузулий, Мавлоно Ҳожи Бектоши Вали, Юнус Эмро, Аҳмад Яссавий – булар Хуросоннинг ишқ ва севги мактабининг вакиллари, тамсилчилари”⁴ саналади.

Тасаввуфда ишқ ботиний бир қудрат воситасида Ҳақ васлига интилишни ҳам билдириши аён. Ишқ бу – севги-муҳаббатнинг энг олий босқичи, муҳаббатнинг ғалаботи, унинг Ҳақ ошиғининг борлиғига тўла ҳукмронлик қилишидир. Аслида ошиқ борлигининг моҳияти ва яратилишининг сабаби ҳам ишқ. Тасаввуфда ишқнинг даражалари 8 тага ажратилган. Буларнинг биринчиси муваддат бўлиб, ошиқнинг соғинч туйғуси, маъшуқа васлини қўмсаши демак. Иккинчиси, ҳаво, яъни Ҳақ ошиғини чуқур изтиробга солган, ёр ёдида бетоқат қилиб, кўз ёш тўкишга-да мажбур қилган севги. Учунчиси ҳиллат – ошиқнинг маъшуқа муҳаббати ва илтифоти билан сармаст бўлиши. Тўртинчи даражанинг номи муҳаббат аталиб, барча ёмон феъллар, ўткинчи ҳою-ҳаваслардан буткул фориг бўлиб, маъшуқага лойиқ бўлиш, унга яқинлашиш тушунилган. Бешинчиси шаъаф, яъни қалбни қийноққа, оташга солган жўшқин муҳаббат. Олтинчиси хуём – ўзини унутиб қўядиган даражада, аниқроғи, телбаларча севги бўлса, еттинчиси волеҳ – бутун борлиқни севгилининг дилбар қиёфасида кўриб, муҳаббат шароби ила ўзликни буткул унутиш. Ва ниҳоят ишқ – ошиқнинг ўз хоҳиш-истакларидан тамомила воз кечиб, севгилининг хоҳиш-истаклари

¹ Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – İstanbul, 1995. – S. 188 – 189.

² Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19.

³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 32.

⁴ Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19.

билан яшай бошлаши. Унинг учун фақатгина маъшуқанинг бор бўлиши. Дарҳақиқат, ошиқ қалбида севги, муҳаббат ва ёр соғинчи ҳамиша ҳукмрон бўлади. Аммо ишқ мақомига кўтарилган ошиқнинг иродаси, бутун борлиги ана шу – ишққа тобелиқдир¹.

Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ишқ ҳақидаги қарашларида ошиқ ана шундай сифатларга эга бўлган маънавий ҳол соҳиби сифатида талқин қилинган. Шунингдек, олимнинг асарларида келтирилган “ишқ бўлмаса, машқ бўлмас” тамойили Нақшбандия тариқатининг бош ғояси – “Қўлинг ишда, қалбинг Ёр – Оллоҳда бўлсин” (“Дил ба ёру даст ба кор”) ғоясига муштарак. Яъни барча гўзал ишлар, инсон куч-қудрати, билим ва тафаккури билан бунёд бўлган моддий ва маънавий бойликлар ана шундай пок бир ишқ туфайли яратилган. Шу боисдан, “ишқдан беҳабар, севгига бегона одамларнинг иши ҳеч қачон мукамал, тўқис бўлмас”²лиги айни ҳақиқатдир.

Хуллас, Шарқ тасаввуф адабиёти ва мумтоз фалсафани билиш, уларда ёритилган энг мураккаб ва жумбоқли мавзуларни ҳам тўғри талқин қилиш олимнинг маънавий қиёфасини, иқтидор ва истеъдодини ёрқин намоён этади. Маҳмуд Асъад Жўшон асарларига хос тамсил усули – фикрни ҳаётий воқелик воситасида асослаш тасаввуф, унинг мазмун-моҳияти, тарихи, тараққиёт босқичлари ва назарий масалалари ҳақида билдирилган кўплаб мулоҳазаларни осон ва жонли тушунишга имкон беради. Турли жуғрофий ҳудудларда тасаввуф ва унинг ҳаётий тамойилларига хос маънавий қадриятлар учраши мумкин, аммо ислом тасаввуфининг илдизи, энг аввало, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан озикланади. Шунингдек, тасаввуф ҳар бир халқ ёки миллат маънавий руҳи, миллий адабиётининг ўзига хослиги, ҳаётий эҳтиёж ва қизиқишлари билан ҳам алоқадор. Ахлоқ покизалиги, тийнату фитрат софлиги, қалб ҳидояти, иймон ва эътиқод бутунлиги инсонни камолот чўққисига юксалтириб, ҳақиқий ишқ ва содатга юзлаштира олиши юқоридаги таҳлилларимиздан маълум бўлади. Айтиш мумкинки, Нақшбандия тариқати тасаввуфни Муҳаммад суннатига мувофиқлаштирган бўлса, Маҳмуд Асъад Жўшон ғоялари таъсирида у янада ҳаётийлик касб этди.

¹ Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 59.

² Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 21.

“МИНГ БИР КЕЧА”ДА ШАРҚ АЁЛИ ТАЛҚИНИ

Аннотация: Мазкур мақолада “Минг бир кеча” асариги аёллар образида ижобий фазилятлар тасвирланган ҳикоятлари таҳлил этилади.

Аннотация: В данной статье анализируются повествования из произведения “Тысяча и одна ночь», в которых описываются положительные качества женщин.

Annotation: This article analyzes the narratives from the work “One Thousand and One Nights», which describe the positive qualities of women.

Калит сўзлар: “Минг бир кеча”, аёл, образ, Шахризода.

Ключевые слова: “Тысяча и одна ночь», женщина, образ, Шахерезаде.

Keywords: “One thousand and one nights», the woman, the image of Scheherazade.

“Минг бир кеча” асари ҳикоятларида Шахризода образи орқали турли тоифа аёллар образи тавсифи ранго-ранг услубларда ифода этилади. Ана шундай хилма-хил аёллар феъл-атвори баён этилган ҳикоятлар ичида оқила ва чевар, тадбиркор аёлларни учратамиз. Шарқона гўзаллик, латофат, ҳаё-ибо каби хислатлар билан бирга донишмандлик, тадбиркорлик, оқиллик фазилятини ўзида мужассам этган аёллар образи тараннум этилган ҳикоятлар асар жозибасига сайқал берган.

Айтиш мумкинки, асар пайдо бўлган давр-феодал жамиятда ҳам аёллар ўз ақл-заковатларини, истеъдодларини ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда кўрсата олганлар. Аёллар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, энг оғир шароитда ҳам жамият тараққиётига, моддий, маънавий бойликлар яратишга ўз ҳиссаларини қўшганлар. “Минг бир кеча” ҳикоятларида ана шундай тарихий ҳақиқат билан аёлларнинг ақл-заковати ва тадбиркорлиги ҳаққоний ва романтик услублар уйғунлигида намоён бўлган ва асарда уларнинг ажойиб образлари яратилган.

Аёлларга ўз замонасининг касб-хунарини ўрганиш, таълим-тарбия босарида ўта зукко бўлишига даъват эта оладиган ғоялар билан суғорилган ҳикояларда аёл таърифи қуйидагича келтирилади: “Минг бир кеча” асарининг “Али Шор билан Зумуррад ҳикоясидаги қиз таърифи:

“Қизнинг қуёшдан равшан назокати ва ажиб шеърларни ёд билишидан ажабланма. Бундан ташқари у Қуръони каримни етти қироатда ўқийди, ҳикоятларни тўғри ривоятда сўзлайди, етти усулда хат ёза олади ва алломалар билмайдиган илмлардан хабардор. Унинг қўли олтин-қумушдан ҳам яхши – у ҳар ҳафтада битта ипак парда тикиб сотиб, эллик динордан фойда қилади” [1,132].

Худди шундай қизга таъриф берилган бошқа ҳикоятни кўрамыз:

“Қиз ота-онасининг бағрида иззату икром билан тарбияланибди, ёзувчи-зув, ҳисобу фасоҳат илмини ўрганибди, ҳатто от миниб, шижоатли бўлиб етишибди, заркашлик, дўзандалик, зуннору уқа тикиш хунарларини

эгаллабди, қўйинки, қиз олтинни кумушга, кумушни олтинга айлантиришни ҳам беш қўлдай билар экан. У эркагу хотинларга мансуб барча санъатларни эгаллаб, ниҳоят замонасининг фариди, ўз асрининг яктоси бўлиб етишибди. Худо таъоло унга шундай ҳусну жамол, фазлу камол ато қилибдики, чиройда унга тенг келадигани йўқ экан.” Бу таърифлар “Али Нуриддин ва Марям зуннория қиссаси”даги Марям образига тегишли [2,66].

“Икки вазир билан Анисулжалис“ ҳикоясида ҳам Анисулжалис таърифни қуйидаги сатрларда ўқиймиз: “Бу қиз кўп нарсаларни ўқиган: чиройли ёзув, усули фикҳ, дин илми, табиблик маълумоти, мусиқаларни ўрганган экан” [2,93].

Ҳикояда айрим ишоралар орқали аёлнинг ахлоқий-маънавий тарбиясига алоҳида урғу берилганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида китобхонни ҳикоя қаҳрамонидан ибрат олишга чорлайди. Чунки илму хунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаслиги ғояси “Минг бир кеча” таркибидаги ҳикоятларнинг таянч мазмун-муддаоси ҳисобланади.

Аёллар тадбиркорлигини мадҳ этувчи сатрларни ҳам худди шу ҳикоялардан ўқиш мумкин. Юқорида зикр этилган “Али Шор билан Зумуррад” ҳикоясидаги Зумуррадининг тадбиркорлиги Али Шорнинг отасидан қолган мол-мулкни сарфлаб қўйиб, ночор бўлиб қолган бир пайтда Зумуррадининг уни бу ночорликдан қутқариш лавҳаларида ўз аксини топган. Канизак бозоридан Зумуррадни (Зумуррадининг 900 динор пулига) сотиб олган Али Шор уни ўзининг бўм-бўш уйига олиб келади. “Қиз бунни кўриб, ёнидаги 100 динор пулни Али Шорга бериб, бозордан палос ва ва идиш-товоқлар олиб келишни буюрибди. Йигит қиз айтганидай қилибди. Қолган пулга еб-ичгани овқат, ичимлик, бир пардага етарли шойи, оқ ва қизил рангли зар ҳамда етти хил рангда ипак олиб келишни тайинлабди” [3,134]. Зумуррад шойини қўлига олиб ранг-баранг ипак ва ва зардан унга хилма-хил суратлар тика бошлайди. Парда тайёр бўлгач, уни хожасига бериб, бозорга 50 динорга сотишни тайинлайди. Шу тахлит улар рўзғор тебратиш учун ярайдиган пул ишлашга тушишади.

Тадбиркорлик аёлларга хос хусусият эканлигини бошқа ҳикояларда ҳам кўрсатилган. “Али Нуриддин ва Марям зуннория ҳикояси”да ҳам воқеалар ривожини юқоридаги ҳикояга ўхшаб кетади. Бунда ҳам Марям ўз хунари орқали Али Нуриддинни камбағалликдан қутқаришга ҳаракат қилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳикоялардан ташқари аёл зотининг билим даражасини, оқилалигини кўкларга кўтариш ғояси билан йўғрилган ҳикоялар асарда бисёр. Булардан “Абул Исо ва Қурратул-Айн”, “Подшоҳ Умар ибн Нуъмон, унинг Шаррикон ва Зулмакон номли ўғиллари ҳикояси” ва яна бир қанча ҳикояларни мисол келтириш мумкин.

“Подшоҳ Умар ибн Нуъмон, унинг Шаррикон ва Зулмакон номли ўғиллари ҳикояси” [4,99] асарнинг энг катта ҳажмли эртақларидан саналади. Унда китобхон турли тоифа аёлларга дуч келади. Чунончи, румлик малика Абризанинг паҳлавонлиги, бир сўзлилиги, қаҳрамонона хатти-ҳаракатлари чиройли лавҳаларда ифода этилса, унинг бувиси Зотуддавахининг макру ҳийлалари китобхонни ҳаяжонлантирарли даражада. Шу билан бирга

Зуулмакон синглиси Нузхатуззамоннинг билимли, оқилалиги чиройли лавҳаларда ҳикоя қилинади.

Хуллас, “Минг бир кеча” асаридаги аёллар образининг ҳаётга нақадар яқинлиги, ўрта аср шарқ аёлининг илм-маърифатдан, иймон- эътиқоддан тўла баҳраманд бўлганлиги, ислом тарбиясидан баҳравар бўлганлиги, уларда тадбиркорлик, оқилалик хислатлари мужассам бўлганлигини юқоридаги лавҳаларда кўришимиз мумкин. Зеро, унутмаслик керакки, Шаҳризода сўзлаган ҳикоятлари прототиплари ҳаётда тарих зарварақларида ўз номларини ёзиб қолдиришга улгурган. Бунга биргина мисол тариқасида XIII асрда Мисрни бошқарган Шажаратуддурни келтириш мумкин. Сурияни салбчилар ҳужумидан асраб қолган ҳам, Маккага Каъбапўш юборишни биринчилардан бўлиб ташкил этган ҳам ана шу Шажаратуддурдир [5,36].

Хуллас, Шаҳризода айтган ҳар бир ҳикоятлари замирида айна ҳақиқат ётишига гоҳида амин бўламиз.

Адабиётлар

1. Минг бир кеча. Араб эртаклари / С.Муталлибов тарж. – Т., 1961. 8 жилдлик. Ж.4. – Б.122.
2. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / А.Расулов ва А.Ирисов тарж. – Т., 1963. 8 жилдлик. Ж.8. – Б.3.
3. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С.Муталлибов тарж. – Т., 1960. 8 жилдлик. Ж.2. – Б.3.
4. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / А.Расулов тарж. – Т., 1960. 8 жилдлик. Ж.5. – Б.431.
5. Учок Б. Женщины правительницы в мусульманских государствах. – М., 1982. – С.36.

Ҳилола Ахмедова,

ўзбек адабиёти кафедраси
таянч докторанти (Ўзбекистон)

ИНГЛИЗ АДИБАСИ ИЖОДИНИНГ ТАЛҚИНЛАРИ

Аннотация: Мақолада инглиз адибаси Джейн Остин ижодининг ўрганилиши масаласи тадқиқ этилган.

Аннотация: В статье исследуются вопросы изучения творчества английской писательницы Джейна Остина.

Annotation: The article examines the issues of studying the work of the English writer Jaina Austin.

Калит сўзлар: Остиншунослик, инглиз насри, Англия, роман, танқидий-биографик метод, психологик қахрамон, Эмма.

Ключевые слова: остиноведение, английская проза, Англия, роман, критическ-биографический метод, психологический образ, Эмма

Keywords: Austinology, English prose, England, novel, critical biographical method, psychological image, Emma

Инглиз адабиси Джейн Остин ижодий меросининг ҳақиқий янгилини ва тан олинни ХХ асрга тўғри келади. Қисқа ҳаёти давомида ёзувчи ижоди муносиб қадрланмаган, қобилияти, талантининг кучига етарли баҳо берилмаган. Бунинг сабаби, остиншунос Н. Демураовнинг фикрига кўра, «Дж. Остин, нафақат Англияни, балки бутун Европани романтик тўлқинлар билан тўлдирган даврда яшаган ва ёзган. Ҳаётлик чоғида ҳам ғалати парадоксга кўра, унинг тақдирига номаълумлик соя солган эди. Кейинчалик жамоатчиликнинг Остинни тушуниши ва ўқиши танқидий реалистлар томонидан бошланди. Ёзувчи вафот этганидан бир аср ўтгандан кейин Англия биринчи жаҳон уруши арафасида тўсатдан Джейн Остинни “кашф этди”¹.

ХХ асрнинг 30-йилларидан бошлаб, адабанинг машхурлиги ўсишда давом этди ва кейинги вақтларда ижоди кенг китобхонлар эътирофига сазовор бўлди. Дж.Сэнтбери и У.Кросс сингари олимлар инглиз романчилик анъанасини давом эттиришда Жейн Остиннинг асарларини В. Скотт билан бир ўринга қўйиб, уларни янги ХХ асрнинг “биринчи романнавислари” сафига киритганлар².

Джейн Остиннинг биринчи биографи, жияни Жеймс Эдвард Остин-Ли ўзининг мемуарларида (1870) ёзувчининг асарлари вақт синовидан ўтганлигини, романлари мунтазам равишда чоп этилганлигини, улар асосида театрлар саҳна асарлари яратишгани, кўплаб асарлари экранлаштирилганлиги (масалан, Олдос Хаксли томонидан “Гурур ва хурофот” романи асосида сценарий яратилганлиги)ни қайд этади³.

Адиба ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар, таржимаи ҳоллар, шарҳлар яратилган. Англияда Джейн Остин музейи ва жамияти ташкил этилган. Асарлари кўплаб тилларга таржималари қилиниб, чоп этилган. Адиба ҳаёти ва ижоди шу даражада кўп тадқиқ этилганки, остиншунослик соҳаси турли йўналишларга ажратилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқайлик:

Анъанавий танқидий-биографик, адабанинг шахсий ҳаёти контекстида унинг ижодий меросини ўша замон воқеалари, даврнинг адабий тамойиллари билан боғлиқликда текшириш (Р.Чэпмен, Д.Сесил, Э.Бейкер, Ф.Брэдбрук, Б.Саутхэм);

Шаклий йўналиш тарафдорлари Джейн Остин романларини тор шаклий нуқтаи назардан шарҳлайдилар, унинг бошқалардан фарқ қилувчи баён қилиш услуби, чуқур психологик мазмунига етарли даражада эътибор қаратмайдилар. Жамият ҳаётини тасвирлашдан воз кечган психологик камер романларининг асосчиси деб ҳисоблайдилар (М.Ласселс, М.Шорер, Э.Райт, Дж.Везенфарт);

«психологик» (Л.Лернер, Д.Хардинг, Л.Триллинг) ва психоаналитик таҳлил (Дж.Горер, Л.Хартли, С.Майерс) вакиллари адиба ижодининг асосий

¹ Демураов Н. Джейн Остин и ее роман «Гордость и предубеждение»// <http://www.apropos.ru/osten/ost2/html>

² Батафсил кўриш учун: Четчко М.В. Реалистический роман Джейн Остин (Проблемы творческой эволюции). – автореферат ... канд. фил.наук, Издат. Московск. ун-та, 1979. – С.2.

³ Джейн Остин: Библиографический указатель. – М.: Книга, 1986. – С.5.

мазмун-моҳиятини унинг қаҳрамонлари ички оламини қайта яратишга бўлган ҳаракатда кўрадилар.

ижтимоий таҳлил тарафдорлари (А.Кеттл, Р.Олдингтон, У.Аллен, М.Мадрек).

Агар XIX асрда санъат ва адабиётнинг ёрқин намояндалари Вальтер Скотт и Дж.Г.Льюис кабилар нигоҳида Остин ижоди ўз баҳосини олган бўлса, XX асрда у ҳақда энди Виржиния Вульф ва Эдвард Морган Форстер, Ричард Олдингтон ва Сомерсет Моэм, Ральф Фокс ва Кингсли Эмис, Сильвия Таунсенд Уорнер ва Ребекка Уэст, Джон Бойнтон Пристли ва В.С.Притчет каби ижодкорлар, олимлар ёза бошладилар ва адиба ижодини муносиб қадрладилар. Булар орасида Дж.Остин ижодига бағишланган Виржиния Вульф и Эдварда Моргана Форстернинг эсселари бирмунча қизиқарли ва эътиборлидир.

Сомерсет Моэм “Ўнта роман ва унинг муаллифлари” китобининг алоҳида бобини Джейн Остинга бағишлайди¹ (1946). Китобда жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан ўнтаси ҳақида фикр юритилади. Улар ичида рус адабиётидан иккита (“Уруш ва тинчлик”, Ака-ука Карамазовлар”) роман, француз адабиётидан учта («Қизил ва қора», «Горио ота» и «Бовари хоним») роман ва инглиз тилида ёзилган бешта романни тилга олинган. Бу бешта романдан иккитаси (“Том Жонснинг тарихи”, «Дэвид Копперфилд») рус китобхонларига таниш бўлган. Яна иккитаси Генри Мелвиллнинг «Моби Дик» ҳамда Эмили Бронтенинг «Чақмоқли бурилиш» асарлари 50-йилларда рус тилида нашр этилган ва кенг китобхонлар омаси эътиборига тушган. Ва ниҳоят рўйхатдаги ўнинчи китоб – бу Джейн Остиннинг “Андиша ва ғурур” романи эди.

Ёзувчи Ричард Олдингтон ҳаммани ҳаяжонга соладиган саволни ўртага ташлайди. XX асрда Джейн Остин бу қадар машхур бўлишини ким ўйлабди? Унинг романлари нима учун яшайпти? Уни яратган давр ва услуб ҳеч нимага қарамасдан ўтмишда қолди, аммо нега унинг асарлари ҳамон китобхон қалбини титратиб, ҳаяжонга солмоқда Олдингтон бу саволга ўзи “чунки Джейн Остин ўз қаҳрамонлари ҳаёти билан яшашни билган ва бу туйғуни китобхонга юқтира билган катта санъаткор эди”, – деб жавоб беради.

Джейн Остин ҳақида рус тилида биринчи эътироф 1816 йилда пайдо бўлган, бу “Европа Ахбороти” да «Эмма» романининг чоп этилиши ҳақидаги хабар эди. Кейин анча вақт ўтгач, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, адиба ижоди ҳақидаги мақолалар, ўнлаб тадқиқотлар, диссертациялар яратила бошланди. Афсуски, йирик инглиз адибаси Джейн Остиннинг асарлари ўзбек кам таржима қилинган. Фақат “Андиша ва ғурур” романи таржима қилинган.

¹ Цит. по: Маршак И. От переводчика на русский язык романа Джейн Остин «Гордость и предубеждение» // www.apropospage.ru/osten/marshak.html

Мухтор Рўзиев,
Бухоро давлат университети,
Немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

ҲАНС ШНИР – “МАСХАРАБОЗНИНГ ҚАРАШЛАРИ” РОМАНИНИНГ БОШ ҚАҲРАМОНИ

Аннотация: Мақолада Ҳанс Шнир – “Масхарабознинг қарашлари” романининг бош қаҳрамони талқини масаласи ўрганилган.

Аннотация: В статье изучается вопрос интерпритации главного героя романа Ганса Шнира – “Взгляды Шута”

Annotation: The article examines the issue of interpretation of the main character of the novel by Hans Schnier – “The Jester’s Views”

Калит сўзлар: роман, бадий образ, бош қаҳрамон, Ҳанс Шнир, “Масхарабознинг қарашлари”, бадийй ғоя, бадийй талқин.

Ключевые слова: роман, художественный образ, главный герой, Ганс Шнир, “Взгляды Шута”, художественная идея, художественная интерпритация.

Key words: novel, artistic image, protagonist, Hans Schnier, The Jester’s Views, artistic idea, artistic interpretation.

Буюк немис ёзувчиси, Нобель мукофоти лаурияти Ҳайнрих Бўлл жуда кўп ҳикоя, қисса, романлар муаллифидир. Унинг машҳур романларидан бири “Масхарабознинг қарашлари “ романидир. Ёзувчи бу романи 1964 йилда ёзган. Романдаги воқеалар асосан Бонн шаҳрида бўлиб ўтади. Романдаги бош ғоя Ҳанс Шнирнинг узоқ монолог тарзида берилган. Ҳанс Шнир романининг бош қаҳрамони . У комик актиёр ёки оддий масхарабоз. Унинг касби сирли. Ҳеч ким масхарабознинг ҳаёти ва табиатини билмайди. Ҳайнрих Бўлл романда бош қаҳрамонинг яъни Ҳанс Шнирнинг ижобий инсонлигини, хур фикрлашини, ҳаётни севувчанлигини, севгига вафодорлигини ва меҳнаткашлигини реал тасвирлаган.

Роман Ҳанс Шнирнинг монологидан яъни бахтсизликка дучор бўлгандек ҳис қилаётгани ҳикоясидан бошланади. Ҳанс 27 ёшда. Уни севимли хотини ташлаб, бошқасига турмушга чиқади. Урушдан кейинги йиллар динга унча ишонмайдиган Ҳанс Шнир Мари билан беш йил бирга яшайди. Уларнинг никоҳи фуқаролик никоҳи эди. Уларнинг никоҳи черковнинг никоҳисиз бўлган эди. Улар ўртасидаги муносабат тоборо таранглашиб болади. Чунки Мари католик эди, у динга қаттиқ ишонар эди. Афсуски, Ҳанс динга унчалик ишонмайдиган киши эди. Черковнинг никоҳисиз бошланган ҳаётини, бирга яшашни Мари гуноҳ деб ҳисоблар эди. Марининг танишлари, раҳномалари унинг Ҳансдан ажралишини ва уни “руҳини тозалашга” ғамхўрлик қилдилар. Оқибатда Мари Ҳансни ташлаб кетади. Ҳанс бундан жуда азобланади. Ҳанс хотинини жуда яхши кўради ва усиз яшай олмаслигини тассавур қила олмайди. Шунинг учун хотини уни ташлаб кетгач, у ўзини ёлғиз ҳис қилади. У ўзини ҳеч кимга керак эмасдек сезади. Иш

хизмат соҳасида ҳам бу зарбанинг таъсири сезила бошлайди ва натижада чўнтагида ҳам бир вақоси қолмайди. Ҳанс Шнир касби масҳарабоз бўлса-да, фақат бир нарсага кулги билан қарай олмайди. Бу унинг шахсий ҳаёти, унинг ёлғизлиги, бузилган ҳаётидир. Шунинг учун у нолишни ташлайди. Меҳнати билан ғамлардан қутула бошлайди.

Романда ота-бола, она-бола ўртасидаги муаммолар ҳам кўрсатилган. Ҳанснинг отаси катта кўмир конининг хўжайини, у катта пулдор одам. У фарзандлар тарбиясига бефарқ, эътиборсиз кимса, ўзининг маишатини уйлайдиган ва маиший бузиқ, шу билан бирга хасис инсондир. Отасининг жазмани бор ва у буни оиласидан ҳам яширмайди. Ҳанс отасининг бу қилиқларига чидай олмасдан отасининг уйидан чиқиб кетади ва алоҳида яшай бошлайди. Ҳанс бошига ташвиш тушиб пулсиз қолади ва у отасидан пул сўраб боради. Отаси пули бўла туриб, турли баҳоналарни рўқач қилиб ўғлига пул бермайди. Отаси унга “Шунча пулни нима қиласан? Сени эсинг жойидами?” – деб жеркиб ташлайди.

Ҳанснинг онаси иккиюзламачи, мунофиқ кимса. У ўғлига яхшилик қилишни ҳам, ёрдам беришни ҳам хоҳламайди. Шунинг учун она-ўғил ўртасидаги муносабатлар ҳам яхши эмас. Онаси иккинчи жаҳон уруши вақтида миллатчи фашистларга хайрихоҳлик билдиради ва уларнинг ғояларини қўллаб-қуватлайди. Шунинг учун у якка-ёлғиз қизини урушга юборади. Қизи урушда ҳалок булади. Ҳанс бунинг учун онасини ҳеч қачон кечирмаслигини айтади. Онаси ўз мунофиқлигини яшириш мақсадида урушдан кейин “Ирқий қарама-қаршиликларни келиштирувчи ташкилот “га раҳбарлик қилади.

Романда, шунингдек, яна бир неча образларнинг Ҳанс билан, уларнинг ўрталаридаги муносабатлар талқин қилинган. Ҳанс бошига ташвиш тушгач, дўстларидан, танишларидан ёрдам сўрайди ва уларга кўнғироқ қилади. Ҳанс Согинерга кўнғироқ қилганда ундан шундай жавоб эшитилади: “Ҳанс дўстим тушкунликка тушманг, мен сизни ташлаб қўймайман. Мен сиздан йироқлашиш ниятим йўқ. Фақат ярим йил танаффус қиламиз, унганча яна ишлар жой-жойига тушиб кетар. Ҳозир мен сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман”. Согинер Ҳанснинг агенти, хусусий томошаларни ташкил этувчи. Ҳолбуки Ҳанснинг саҳналарга чиқиб томошалар кўрсатишидан Согинер жуда кўп фойда кўрган эди. Сўнгра у акаси Леога кўнғироқ қилади: “Ука, мен сени ёнингга бора олмайман. Кечир мени. Мен диндор католикман. Мени сенга берадиган пулим йўқ”.

У дўстига кўнғироқ қилади. Телефон гўшагини дўстининг хотини олади ва Ҳанс дўстини телефонга қақришни сўраганда у қўйидагича жавоб олади: “Дўстингиз уйда йўқ. Муаммонгиз бўйича телефон қилаётган бўлсангиз биз сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз”. Яна у бир неча кишиларга кўнғироқ қилади, ҳеч қандай самарасиз. Кўп қийинчиликларни бошидан кечирган Ҳанс фақат унинг ўзи муаммолари меҳнат қилиш, ишлаши орқали ҳал қилинишини тушуниб етади. Ниҳоят, Ҳанс ўз касби билан жиддий шуғулланишга аҳд қилади ва унинг ҳаёти ўз изига туша бошлайди.

Хулоса қилиб шуни айтса бўладики, ёзувчи Ҳайнрих Бўлл романда бош қахрамон Ҳанс Шнир образини ўта таъсирчан талқин этган. Ҳанснинг ички кечинмалари, тушкунликка тушгандаги ҳолатлари таъсирли тасвирланган. Ҳанс хасислик, иккиюзламачилик, мунофиқлик, хоинлик каби салбий хислатли инсонлар билан тўғридан-тўғри курашмаган бўлса-да, уларга нисбатан бўлган нафратини ҳеч қачон яширмаган ва бу инсонларга қарши ёзувчи Ҳанснинг ижобий фазилатларини тасвирлаган. Ҳанс ишчан, ҳалол, севгисига содиқ, бойликка ҳирс қўймаган инсон.

Ёзувчи бу романда меҳнат қилиш, ишлаш орқали барча қийинчиликларни, муаммоларни ҳал этса бўладиган ғояларини илгари суради.

Бегимқулова Шахноза Ахмедовна

КарМИ Чет тиллар кафедраси ассистенти.

Холикова Мукаддас Рузикуловна

ТАГУ Карши филиали Ўзбек тили ва адабиёти

кафедраси катта уқитувчиси

(Ўзбекистон)

ФАРУКА ГАВҲАРИЙ – САДОҚАТЛИ АЁЛ ОБРАЗИ

Аннотация: XX асрнинг сўнги ўн йилликлари табиий равишда глобал миқёсда қайта кўриб чиқиш, хулоса қилиш, кўп қиррали, қарама-қарши ҳақиқатни ва ундаги шахсни аниқлашга қаратилган кўплаб уринишлар, интенсив маданий ўз-ўзини акс эттириш, ҳали янги маънога эга бўлмаган ва ўз обрўсини юқотган дунёга реакцияси сифатида намоён бўлди. АҚШнинг маданиятида охир оқибат ва шу билан бир қаторда янги бир нарсанинг бошланиши, бурилиш даври, ўтиш двари турли маданиятлар назарияси ва амалиётнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, асосан, хилма-хиллик ва фарқ, кўп таркибли ва бошқа муаммоларни қайта кўриб чиқиш билан шуғулланади.

Аннотация: В последние десятилетия двадцатого века, естественно, было много попыток пересмотреть, обобщить многогранную, противоречивую реальность и идентичность в ней в глобальном масштабе, интенсивную культурную саморефлексию, которая еще не обрела нового смысла и потеряла свой престиж. проявляется как реакция на мир. В культуре США конечный результат, а также начало чего-то нового, поворотный момент, переходный период связаны с быстрым развитием теории и практики различных культур, имеющих дело в основном с разнообразием и различиями, мульти-контентом и другими проблемами.

Annotation: In the last decades of the twentieth century, naturally, there have been many attempts to revise, generalize the multifaceted, contradictory reality and identity in it on a global scale, an intense cultural self-reflection that has not yet acquired a new meaning and has lost its prestige. manifests itself as a reaction to the world. In US culture, the end result, as well as the beginning of something new, a turning point, a transition period, is associated with the rapid development of the theory and practice of various cultures, dealing mainly with diversity and difference, multi-content and other problems.

Калит сўзлар: мультикультурализм, Афғонистон, бадий ҳақиқат, диаспора, кўптаркиблилик, мульти-ирқ, мульти-диний.

Ключевые слова: мультикультурализм, Афганистан, художественная реальность, диаспора, мультиэтничность, мульти-расовая принадлежность, мультирелигиозность

Key words: multiculturalism, Afghanistan, artistic reality, diaspora, multiethnicity, multiraciality, multireligiousness.

1. Кириш

XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари табиий равишда глобал миқёсда қайта кўриб чиқиш, хулоса қилиш, кўп қиррали, қарама-қарши ҳақиқатни ва ундаги шахсни аниқлашга қаратилган кўплаб уринишлар, интенсив маданий ўз-ўзини акс эттириш, ҳали янги маънога эга бўлмаган ва ўз обрўсини йўқотган дунёга реакцияси сифатида намоён бўлди. АҚШнинг маданиятида охир-оқибат ва шу билан бир қаторда янги бир нарсанинг бошланиши, бурилиш даври, ўтиш даври турли маданиятлар назарияси ва амалиётнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, асосан хилма-хиллик ва фарқ, кўп таркибли ва бошқа муаммоларни қайта кўриб чиқиш билан шуғулланади. Бу жуда мураккаб маданий жараёнлар динамикасининг глобал миқёсда ўсиши, марказлаштирилиши, дунёнинг кўп қиррали моделини яратиш, турли миллий анъаналар орасидаги чегаралар ва ушбу концепцияни қайта кўриб чиқиш. Шу билан бирга интеграция, маданиятларараор тенденциялар ва глобаллашув парчаланиш ва маҳаллийлаштириш билан мутаносибдир. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида АҚШда яна бир “маданий урушлар” авж олди, уларнинг марказида миллий канон ва урф-одатлар. Америка маданиятидаги бирдамлик, ранг-баранглик, тафовут муаммоси, “ўзига хос инқилоб”, ниҳоят, мультикултурализм ёки маданий хилма-хиллик каби тушунчалар ётибди: ижтимоий-маданий мажмуа. У орқали Америка сўнгги йилларда ўзини намоён қилмоқда, яъни миллий маданият ривожига марказдан қочиш ва турли хил тенденцияларни яна бир бор қиладиган модел. Вазият шуни тақозо қилган сари, яъни глобал даражада “кўптаркиблилик” “мультикультурализм”, “мультикультуржамият”, “мультикультурали” каби бир қатор тушунчалар пайдо бўлди. Бугунги мультикультурали жамият, илгари “мульти-миллат”, “мульти-этник”, “мульти-диний”, “мульти-ирк” деб аталиб келинган. “Мультикультурализм” термини XX асрнинг 60 йилларида Канадада илк бор муомалага киритилган бўлса-да, тушунча моҳиятини амалиётда кенг қўлловчи АҚШда ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб кенг жамоатчилик томонидан қўлланила бошланди.

2. Натижалар ва муҳокама.

Адабиётда “мультикультурализм” тушунчаси кўп мунозараларга дуч келиб, адабиётшунос олимлар доим унинг қандай кўринишга эга эканлигини ёзувчининг асари орқали таҳлил қилиб келишмоқда. Мисол учун И.В.Козлик “Мультикультурализм и методологические проблемы литературоведения” (“Мультикультурализм ва адабиётнинг методологик муаммолари”)¹.

¹ Козлик И.В. Мультикультурализм и методологические проблемы литературоведения / Вестник Томского Государственного Университета. 2009. - №2.

1) инсониятнинг замонавай ривожланиш иерархиясида мультикултурализм муаммоларининг долзарблиги;

2) мультикултурализм – адабиётшунослик тушунчаси эмас;

3) мультикултурализм комплекс муаммо ва у ягона бир фан тизимига тааллуқли деб ҳисоблаш ноўрин¹.

И.В.Козликнинг фикрича, бу оқим ёзувчилари халқаро постколониал адабиётни кўрсатиши сабаб уларнинг ижодини бирор бир аниқ миллий адабиётга йўналтириб бўлмайди.

АҚШ адабиёти ирқий хусусиятга эга ва шу билан биргаликда у бошқа миллий адабиётлардан тубдан фарқ қилади. Адабиётда кўплаб маданиятларнинг кўриниши ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, “мультикултура” (мультимаданият) тушунчаси ҳамда “мультикултурализм” назариясига асос бўла олди. О.Б. Карасик “К вопросу о мультикултурализме в современной литературе США” (“Замонавий АҚШ адабиётида мультикултурализм ҳақида”)² номли илмий изланишида мультикултурализм тушунчасининг асосчиларидан бири М.В. Толстанованинг мультикултурализмга берган изоҳига ижобий ёндошади: “у аксинча фанлараро ҳодиса, мафкура-ни, фалсафани, бадиий аспектларни ўз ичига оладиган ва антропология, социология, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, педагогика ва ниҳоят адабиётшунослик соҳаларида фаолият кўрсатади”³. Мультикултурализм бугунги кунда фақатгина АҚШга тегишли тушунча эмас. У ҳамма ривожланган мамлакатларда жадаллик билан ўсиб бормоқда ва ҳаттоки бир-бирига қарама-қарши маданият бўлса ҳам. Аммо тарихан бу тушунчанинг АҚШда салмоқли ривожланганлини тан олиш керак. Чунки, биринчидан колонияларнинг ривожланиши рекорд даражада бўлган, иккинчидан АҚШда кўп ирқ вакиллари истиқомат қилган, учинчидан Америка маданияти ҳамма вақт ирқий регион муаммоларига бефарқ бўлмаган.

XX асрнинг бошларида ягона Америка миллати пайдо бўлиб, унга “эритувчи қозон” (“melting pot”)⁴ деб метафорик ном берилди. Унинг маъноси турли хил ирқ вакиллари бир қозонда эритиб ягона америка маданиятини барпо қилиш демакдир. Аммо XX аср 50-60 йилларида кўпроқ Америка маданиятига тўғри келадиган – мультикултурализм концепсияси пайдо бўлади. Унинг асосий вазифаси ягона миллий Америка маданияти остида мазкур тенденция вакиллари тегишли маданият ва унга хос хусусиятларни сақлаб қолиш эди. Мультикултурализм ёзувчилари ўз ижод намуналари билан умуммиллий АҚШ адабиёти ривожига ҳисса қўшидилар ва бир вақтнинг ўзида бадиий адабиёт намуналарига ўз этник колоритини қўшимча қилишди. АҚШ мультикултура адабиётининг муҳим унсурлари бу этник ва ирқий муносабатлардир.

¹ Козлик И.В. Мультикултурализм и методологические проблемы литературоведения / Вестник Томского Государственного Университета. 2009. – №2.

² Карасик О.Б. К вопросу о мультикултурализме в современной литературе США. Казань. с2

³ Толстанов М.В. Проблема мультикултурализма и литература США конца XX века. – М.: ИМЛИ РАН “Наследие”, 2000. – 400с.

⁴ Карасик О.Б. К вопросу о мультикултурализме в современной литературе США. УДК 820(73) Казань.

Мультикультурализм тушунчасини англашда “мейнстрим” адабиёти хусусиятларини тадқиқ этиш жуда муҳимдир. Асосан, бу адабиёт “WASP”(White Anglo-Saxon Protestant)¹ яъни “Оқ танли англо-саксон протестантлар” ижодини қамраб олади. Мейнстрим билан америка адабиётига турли хил этник ирқ гуруҳлари кириб келди. Ҳозирги дамда этник, ирқ вакилларинг ижодини ўрганиш биринчи режага қўйилиб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида “қора танлилар адабиёти” номи билан ҳам юритиладиган афро-америка адабиёти² ёзувчиларини келтириш мумкин. Масалан, биринчи рақамли афро-америка адабиёти ёзувчиси, Нобел мукофоти совриндори Тони Морисон асарларида қулларнинг қисмати ҳамда бебахт аёллар тақдири тасирлари кенг қўлланилган.

Афро-америка адабиёти намёндаларининг асарлари адабиётшунослар ва ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинган. Айниқса, Персивал Эвереттнинг бош қаҳрамон ички психологиясини тафтиш этувчи “*I am not Sidney Poitier*”² (“Мен Сидней Пуатье эмасман”) асари, Пулицар мукофотига сазавор бўлган Скотт Момадейнинг ҳиндуларнинг мифологиясига бағишланган “*House Made of down*”³ (Тонг шуъласидан барпо булган уй) романи “мейнстрим” адабиётининг бир бўлаги сифатида қабул қилинди.

С.П.Толкачев Англия адабиётида “кросс-маданият”нинг муҳожир ёзувчилар ижодида намён бўлаётганини ўзининг “*Мультикультурализм в постколониальном пространстве и кросс-культурная английская литература*”⁴ (Постколониал муҳтида мултикултурализм ва инглизча кросс-маданият адабиёти) асарида ёритиб берган. Адабиётшунос олимнинг таъкидлашича: “муҳожир ёзувчилар ҳар икки маданиятга тегишли эканликларини англаётган бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласига ҳам тегишли бўла олмасликларни ҳис қиладилар. Бунда муҳожир ёзувчилар олдидаги асосий вазифауларни ўраб олган ижтимоий қобикни қабул қилиш ва айни пайтда инкор этишдан иборатдир. Айнан манашу специфика адабиётда “кросс-маданият”ни юзага келтириб, бадий асарда ёзувчи ва ўқувчи диалогда ўзгачалик касб этади.

Америка адабиётида афғон-америка диаспорасининг вакиллари билан булмиш зиёли ёзувчиларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Улар орасида аёл ёзувчиларинг мувафқиятлари эса адабиёт нақадар чегара билмас, миллат билмас мужиза эканлигини яна бир бор таъкидлаш жоиздир. Афғон аёл ёзувчиларидан Фарука Гавҳарий ва унинг “*Searching for Saleem: An Afghan Woman’s Odyssey*”⁵ (“Салимни излаб: Афғон аёли Одиссеяси”) 1996 йилда ёзилган бўлиб, бу асар Нанси Хатч Дупри (Nancy Hatch Dupree)нинг кириш сўзи билан бошланади. Афғонистонда аёл қисмати нечоғли оғир ва юкли

¹ Толстанова М.В. Проблема мультикультурализма и литература США конца XX века.-М.:ИМЛИ РАН “Наследие”, 2000. – 400 с.

² Everett P. I am not Sidney Poiter, Minnesota: Graywolf Press, 2009 – 23 бр.

³ Scott Momadey N. House of made dawn.-united States:Harper and Raw,1968.-212р.

⁴ Толкачев С.П. Мультикультурализм в постколониальном пространстве и кросс-культурная английская литература. УДК 821.111

⁵ Farooka Gauhari. Searching Saleem: An Afghan Womans Odyssey. University of Nebraska Press, Lincoln and London, 1996.-267р

бўлишини асарда реаллик асосида кўрсатилган. Дупрининг ёзишича бу асар орқали Фарука Гавҳарий (“Адибанинг аксини кўрсатган нафақат сон саноксиз афғон аёллари, балким бутун ер юзидаги барча бир хил жабр кўрган аёллар ҳақидадир”) “Her story holds meaning not only for the countless Afghan women whose experiences mirror hers, but also for those many women living through similar traumas in other parts of the world”¹. Асарда ёзувчи Афғонистондаги 1978 қонли инқилобдан аввалги даврдаги оиласининг тинч-тотув дамларини эсга олиб, ички урушдан олдиги фаровон онларини эсга олади ва реал воқеалар билан асарида гавдвлвнтиради. Асарнинг бош қахрамонларидан Салим, унинг турмуш ўртоғи, никоҳидан сўнг 27 Апрельда 1978 йилда ғойиб бўлади. Китобнинг аксар қисми аёлнинг йўқолган эрини қидиришга биғишланган.

Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига ўхшаш нарса (бадий ҳақиқат)ни яратиш учун, ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабораториясида “қайнатиши”, ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввури, хаёли, тажрибаси, қалби, дунгёқараши, табиати билан бойитган ва муайян мавзуга, ғояга хизмат қилувчи энг зарур деталларни, характерли ва керакли факт ва ҳодисаларни танлаган ҳолда тугаллик касб этган ҳаётни яратиши лозим. Ана шу жумламизга Фарука Гавҳарийнинг китобини мисол қила оламиз.

Демак, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, бадий ҳақиқат “ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларингни сингдириш, тилак ва идеалларингни кўшиб ифодалаш билан юзага келади. Бадий ҳақиқатни туғдирадиган, маҳалла комиссиясининг “бунга ишонинглар” деган мазмундаги справкасига ҳожат қолмайдиган факт ва уйдирма меъёрини топишнинг мушкуллигига ҳам худди ана шундайдир”². Фарука Гавҳарий ўзининг асари ҳақида оддийгина тилда оддий инсонлар қалбига етиб борадиган тасвирда ёзади. “My life story is not a heroic one. It is merely one of the many similar stories that happen every day around us in this hard world. Given the same circumstances and situations, most people would have acted similarly to me, making me far from unique”³ (“Менинг ҳаётим қахрамонларникидек эмас. Бу шунчаки синовли дунёда атрофимиздаги ҳар куни содир бўладиган кўплаб шунга ўхшаш воқеалардан биридир”). Кўринадики, бадий ҳақиқатнинг ҳаётий тажриба, реал фактлар, реал кечинмалар ётади. Ёзувчининг вазифаси ҳаётнинг айнан нусхасини бериш эмас, балки бўлиши мумкин бўлган ҳаётни тасвирлаш экан, ёзувчи ўз бошидан кечирган ва кўрган, эшитган воқеаларни онг ва қалб призмасидан ўтказади. Ўша даврда ёлғиз аёл бўлиб қолиши ва бошига тушган синовлар уни нечоғли синаши ўқувчига моҳирона ёритиб берилади. ““My story is that of Saleem, the man I married. He came into my life on a spring day and was taken away from me on another spring day. I used to love springtime for giving new life to the world. Now spring makes me melancholy, because it has taken life to the

¹ Farooka Gauhari. Searching Saleem: An Afghan Womans Odyssey. University of Nebraska Press, Lincoln and London, 1996. – 3 p.

² А. Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан бадий тўқимага: “Адабиётимиз автобиографияси”, Т., 1973 196-бет

³ Farooka Gauhari. Searching Saleem: An Afghan Womans Odyssey. University of Nebraska Press, Lincoln and London, 1996. – 18 p.

world”¹. (“ Менинг ҳикоям турмушўртоғим Самлим тўғрисида. У ҳаётимга баҳор кунлари кириб келиб баҳор кунлари мени тарк этди. Мен баҳор лаҳзаларини мени ҳаётга қайтаргани учун севдим. Ҳозирда эса баҳор мени меланхолик каби қилиб қуйган, чунки у оламга ҳаётни баҳшида қилган”). Ўқиб турганимиздек, Фарука Гавҳарий нафақат олима балки адиба сифатида ҳам ўз ўқувчиларига эгадир.

3. Хулоса.

Адиба ўз шахсий ҳаёти узра китобхонга Афғонистонда бир оила ҳаёти-ни сиёсий уйинларда ҳам виждон эркинлигини, аёл ифқатини сақлаб қолганини ифодалади.

*Buviniso Nosirova,
Andijon viloyati Marhamat tumani
18-maktab o'qituvchisi
(O'zbekiston)*

DUNYO ADABIYOTIDA OTA OBRAZI

Annotatsiya: Ushbu maqolada butun dunyo: o'zbek va jahon adabiyotida ota obrazining tasvirlanishi haqida fikr yuritiladi.

Annotatsion: In this article was showed that describing of father hero in uzbek and world literature.

Аннотация: В статье рассматривается весь мир изображение отца в узбекской и мировой литературе.

Kalit so'zlar: ota, farzand, tarbiya, davr muhiti, urush, zamon, ruhiyat.

Key words: father, child, education, war, time, mental

Ключевые слова: отец, дитя, воспитание, война, время, духовный

Bizga ma'lumki, nafaqat jahon, balki o'zbek adabiyotida ota obrazining alohida o'rnini bor. XIX-XX asr adabiyotida ham ushbu mavzu dolzarb bo'lib, asosan, ota-bola munosabati ko'tarilgan. Bunga sabab esa urush davrida ota va farzand o'rtasidagi turli tushunmovchiliklar va tarbiyaning o'zini namoyon qilishida bo'ldi. XXI asrga kelib esa bu obraz ta'rifi yanada yangicha holatda aks eta boshladi. Avvalo, Ota timsolining o'z jigarlari zarbasidan, hayotning achchiq sinovlaridan yuzini tirishtirgan, qaddini bukchaytirgan otalar obrazlarining yaratilishiga zamin bo'ldi. Avvalo, ta'kidlash lozimki, XIX-XX asrlarda padarkush farzandlar, ota qotillari, urush balosining jirkanchliklari qalamga olinsa, bugungi kunga kelib esa ota va bola ziddiyatlari keng tasvirlana boshlandi. XIX asr rus adabiyotida Ivan Turgenovning "Otarlar va bolalar", fransuz adabiyoti vakili Onore de Balzakning "Gario ota", XX asr adabiyoti vakillaridan o'zbek adabiyotida Said Ahmadning "Ufq" trilogiyasi, "Shayton yurgan y o'llarda" hikoyasi, XXI asrga kelib esa, Ulug'bek Hamdamning "Ota" romanlarini misol qilib aytish o'rinli. Ushbu asarlarda u qaysi millat vakili ekanligidan qat'iy nazar ota shaxsiga beril-

¹ Farooka Gauhari. Searching Saleem: An Afghan Womans Odyssey. University of Nebraska Press, Lincoln and London, 1996. – 17p

gan ulkan bahoni ko'rish mumkin. G'arb adabiyotida ota va bola timsoli ajdodlar hamda avlodlarning doimiy kurashi tarzida tasvirlansa, Sharq adabiyotida esa urg'u asosan tarbiya masalasiga va jamiyat chirkinliklari ota va bola munosabatlarini ildizi bilan qo'porib yuborishini ko'rsatib berganini ko'rish mumkin. Bu, albatta, ana shu millat vakilining diniy qarashlari, urf-odatlar va an'alariga bog'liq holda tahlilga olinsa maqsadga muvofiq bo'ladi. G'arb va Sharq otasining umumiy jihatlari sifatida, avvalo, uning padari buzrukvor ekanligi, farzandga bo'lgan ortiqcha e'tibor va mehri (yoki aksincha, "Qirol Lirni eslang) bo'lsa, ajralib turadigan jihati esa G'arb adabiyotida asosan boylik, meros ilinji ular o'rtasida ziddiyatni hosil qilsa, Sharq adabiyotida esa tarbiya masalasidagi nuqsonlar, farzandning yolg'iz va tilab olinishida ko'rinadi.

Dastlab, o'zbek otasi haqida fikr yuritsak. Avvalo, ushbu nom tilga olinganda, albatta, G'afur G'ulomning "Vaqt" she'ridagi ota ko'z oldimizga keladi. Said Ahmad – ulkan yozuvchi. Uning asarlari badiiyligi, xalq hayotini yorqin ranglarda ifoda etishi, voqealarning ziddiyatli tus olishi, asar qahramonlarining ruhiy holatining ochib berilishi bilan kitobxonni o'ziga rom etadi. Shu o'rinda, dastlab, yozuvchining adabiy tilga munosabati haqida to'xtalib o'tish o'rinli, sababi ijodkor har bir asarini yaratishda, qahramonlarining ichki dunyosini ochib berishida, voqea-hodisalarni baholashda bundan ustalik bilan foydalanganligi hech bir kitobxoniga sir emas. Adabiy tilning badiiy mukammallikka milliy xarakterlar yaratishdagi o'ziga xoslikka erishishida so'z san'atkorlarining mashaqqatli xizmatlarini alohida ta'kidlash lozim. O'zlikni anglash, milliy ong va tafakkur ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'ladi. Abdulla Avloniy: "Har bir millatning dunyoda borlig'ini ko'rsatadurg'an oynai hayoti til va adabiyotdir", - degan edi. Said Ahmad asarlari bugungi kun ma'naviy qiyofasini shakllantirishda, qalbimizda milliy g'urur, iftixor tuyg'ularini uyg'otishga xizmat qiladi desam, yanglishmayman. Adibning ona tiliga kuyunchaklik bilan bo'lgan munosabati, uning boyligi va buyukligini anglash tuyg'usini uning yozgan maqolalari, hikoya va qissalari, romanlarida ham ko'rishimiz mumkin. Xalq shevalarining bor go'zalligini ko'rsata olishi, xalq ruhiyatining yaxshigina bilimdoni ekanligini ham ko'rishimiz mumkin. "Uning hikoyalarida yaratgan qahramonlari ma'naviy dunyosi keng va ko'p qirraliligi bilan, hayotiyiligi, oddiyligi va yuksak insoniy sifatleri bilan kitobxonida chuqur taassurot qoldiradi"¹

Said Ahmad Qo'chqorning tabiatini hikoya boshida ikki og'iz misra bilan ochib beraolgan. Q o'chqor nima qilishini bilmay dadasiga qarab turgach: - Yigitchilik - itchilik ekan-da, dada, -dedi. -Bu ahmoq, erimni turmadan chiqar-masang, o'zimni suvga tashlayman, deb...

- Durust, durust... Bir odamgarchilik qipsan-da, barakalla!

"Asarda xalqimiz boshiga kulfatlar keltirgan sho'ro "desantchilari"ning ityalog'i bo'lib xizmat qilgan tergovchi Qo'chqor Jalolovning hamyurtlarimiz boshiga solgan qora kunlari, ruhiy, jismoniy azoblari, ochko'zlik bilan tortib olib, qo'yniga urgan harom boyluklari, buzuqlik va qotilliklari hikoya qilinadi. Qo'chqorni haromxo'rlik, maishiy buzuqlik halok qiladi.

¹ В л а д и м и р о в Н. Мастерство Саида Ахмада. – Ташкент, 1973; П и р м а т о в К. Мастерство Саида Ахмада – новеялиста. АҚД. Ташкент, 1973.

Hikoyada ota Jalol Polvon bilan bola Q o'chqor o'rtasidagi ochiq va keskin t o'qnashuvlar, kelishmovchiliklar jarayoni emas, o'g'lining qilmishlari oqibatida ota ruhiyatida kechayotgan shiddatli tug'yonlar silsilasi o'z ifodasini topgan"[Foziljon Kiyikboyev "Badiiy asarning muammoli tahlili" (otalar va bolalar munosabatlari asosida. 2010. 60-b)]. Hikoyada bitta emas, bir necha otalar obrazini ham uchratamiz. Nuram sartaroshning o'g'li Sobit Namanganning Olmos qishlog'idan o'g'irlab kelgan qiz Odina tufayli ancha tarbiyasida ijobiy o'zgarishlar sezadi. Sobit ham yolg'iz farzand. Biroq erkalik o'z ishini qildi. "Davrada shivir-shivir gap aylanib qoldi: «Yong'oqzorda Sobit zo'r Q o'chqor bilan Odinani otib ketibdi...» Ikki marta o'q otilgandayoq Jalol polvonning yuragi mudhish voqea yuz berganini sezgandi".

"Tarbiya ona qornidan boshlanadi", – deydi dono xalqimiz. Darhaqiqat, "Ufq" romanidagi Ikromjon Tursunov ham yillar davomida Allohdan tilab olgan farzandini yer-u ko'kka ishonmaydi. Og'ir mehnatga o'rgatmaydi va natijada farzand otaning noroziligiga uchraydi. O'zbek xalqi azal-azaldan bolajon xalq va yolg'iz farzandning o'rni alohida bo'lishini e'tirof etish o'ylaymanki o'rinli. Ikki asarda ham adib aynan yolg'iz farzand obrazini olishi bekorga emas. Adib ushbu asarlari orqali tarbiya masalasiga alohida e'tibor berganini bilishimiz mumkin. Ota-farzand o'rtasidagi ushbu holatlar ko'plab uchrashi, avvalo, zamon va ana shu davrga ham taalluqli deb yondashsak, ko'plab yechimlarni topgan bo'lamiz. Said Ahmad psixologik tahlil ustasi sifatida ham gavdalanadi. "Ufq" romanidagi birgina Ikromjonning sa'y-harakatlarini, ezgu niyatlarini, ichki kechinmalarini, ruhiy holatlarini to'liq asoslab berishga va tabiiy qilib ko'rsatishga muvaffaq bo'lganligi fikrimning dalilidir. Ikromjonning qochoq o'g'li Tursunboy bilan tasodifan uchrashib qolgan paytdagi ruhiy holati, uning qalbidagi bir paytning o'zida ham mehr-muhabbat, ham qahr-g'azabning alanga olishi, otalik mehri bilan Tursunboyning bag'riga bosishi-yu, bu mehr o'rnini tezda haqli ravishda qahr-g'azab egallab o'g'lini la'natlashi, uni xoin sifatida o'ldirmoqchi bo'lgani buni yaqqol ko'rsatib beradi.

Asarda o'zbeklarga xos bo'lgan bolajonlik, oriyatlilik Tursunboyning ota-onasi orqali ochib berilgan, biroq yozuvchi bunga zid tarzda tarbiyaning mahsulini ham kitobxonga yetkaza oldi. Abdulla Qahhor: «Ufq» qochoq haqidagi roman emas, aksincha, qochoqni bag'riga sig'diraolmagan xalq haqidagi asardir», - deb bu romanga yuqori baho bergan edi. Yozuvchi ushbu kamchiliklarni bayon qilish barobarida, farzandni iymonli va vijdonli qilib tarbiyalash orqali yaxshi nom va zurriyod qoldirishga undaydi. Zero, o'quvchi ko'z o'ngida bunday farzanddan na otaga, na jamiyatga foyda bor. Ular o'z umrlariga qo'shib, otasining yillarini ham o'g'irlaydigan nobakorlardir demoqchidek go'yo.

Bizga ma'lum va mashhur fransuz yozuvchisi Onore de Balzakning "Gorio ota" romanida ota obrazining farzandlari uchun o'z erkidan kechgan, ularni ko'rib tursagina bas, ularga og'irligini tushirmay yashash hayotining asosiy maqsadiga aylanib qolgan, sochini sartaroshga oldirishga sarflaydigan pulini ham ikki qizi uchun sarflaydigan, marhuma ayolidan omonat bo'lgan kumush idishlarni ham sotib, farzandlari farovonligi uchun fido qilgan ota timsolini ko'ramiz. Fido-yilik-otalar va onalarga xos desak yanglishmayman, nazarimda. Sababi, farzand-

ini hech qanday shartlarsiz seva oluvchi ham zero ulardir. Ular hech narsa talab qilishmaydi, lekin birgina mehr kutishadi farzandidan, diydor istashadi.

Bir davrdan ikkinchi bir davrga o'tish jarayonida avlodlar o'rtasida ham turli tafovutlar bo'lishi bilan birgalikda, otalar va bolalar o'rtasida ham ziddiyat, bir-birini tushuna olmaslik, otalar bolalarining diydori uchun har ishga tayyor, ammo avlodlari yolg'izlikni xush ko'rishi bilan bog'liq turli voqealarni o'z ichiga olgan rus adabi Ivan Turgenovning "Otalarda va bolalar" romani alohida ahamiyat kasb etadi. Romanda davr bilan birgalikda tarbiyaning ahamiyati ham o'sib borayotganligi o'z aksini topgan. Bu asar orqali adib, otalar necha davr almasha-da, yaxshi kunda ham, yomon kunda ham otadir. Ammo farzandlar davrlar muhiti-ga moslashib ketishi, yelkasidagi mas'uliyatdan ko'ra, undan qochishga urinishi haqidagi achchiq haqiqatlarni o'rta tashlaydi. Mutolaaga kirishgan har bir kitobxon buning mag'zini chaqishi, mushohada qilishi uchun unga ko'plab ishoralar ham beriladi. Zero, ota-onaga ta'sir etmagan muhit, avlodlarga ham ta'sir etmasligiga umid qiladi go'yo. Bugungi kunda ham ushbu asar qo'lma-qo'l bo'lib o'qilayotgani ham muallif o'z maqsadiga oz bo'lsa-da yetganidan dalolatdir balki.

Bugungi kitobxon nazari bilan qaraganda, har bir adabiyotning yaratilgan asarining o'z davri, muhiti va umri bo'ladi. Ota obrazi yaratilgan asarlar ham mana shu xususiyatlari bilan hamon o'z o'rniga ega. Muhimligini yo'qotmay saqlab kelmoqda.

Қаҳрамон Тўхсанов,

филология фанлари номзоди, доцент.

Отабек Бабаев,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси (Ўзбекистон)

ТАРЖИМАДА ТИЛ БОЙЛИГИДАН ФЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада таржимада тил бойлигидан фойдаланиш масаласи ўрганилган.

Аннотация: В статье рассматривается вопрос использования богатства словарного запаса при переводе.

Annotation: The article discusses the issue of using the richness of vocabulary in translation.

Калит сўзлар: таржима, бадий тил, бадий талқин, "Маснавийи маънавий", бадий матн, бадий маҳорат.

Ключевые слова: перевод, художественный язык, художественная интерпретация, "Маснавийи маънавий", художественный текст, художественное мастерство.

Key words: translation, artistic language, artistic interpretation, "Masnaviyi manaviy", artistic text, artistic skill.

Қайта таржимада тил ва услубни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқсак, ҳар бир таржимон ўзбек тилининг бойлигидан ўзига хос ва унумдор тарзда фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бирининг ўзига хос услу-

би бор. Аммо алоҳида ажратиб кўрсатадиган катта фарқи йўқ десак ҳам бўлади. Асқар Маҳкам манзуманинг биринчи китобини тўлиқ эмас, айрим ҳикоя ва ривоятлардан воз кечган ҳолда таржима қилган. Яъни биринчи дафтар ўзбекчага тўлиқ ўгирилмаган. Аммо Жамол Камол биринчилардан бўлиб “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилига тўлиқ ўгириб, ҳатто уч марта нашрини ҳам амалга оширди. Кейинги йилларда Одил Икром ҳам манзумани ўзбекчалаштиришга қўл урди, лекин бу таржима ҳали китоб шаклида чоп бўлмаган. Бор таржималарнинг тил хусусиятлари ҳақида сўз юритсак, Асқар Маҳкам таржимани аслиятдаги сўз, ибора ва айрим мисраларни аслиятдек сақлаган ҳолда амалга оширган. Соддароқ қилиб айтсак, форс-тожикча сўзлар, ибора, баъзан мисралар ҳам ўзбек китобхонига айнан етказилган. Румиёна ифодалашдан хабари бўлмаган китобхоннинг уларни шундайлигича қабул қилиб, керакли мазмунни топиши, албатта, қийин. Бинобарин, бу китобхонга ҳеч нарса бермайди. Балки биз даҳо ва буюк мутафаккир деб баҳо берган Жалолоддин Румийнинг ижодкорлик маҳорати йўққа чиқиши мумкин. Мисол:

*Иттифоқан, шоҳ рўзе шуд савор,
Бо ҳавоси хеш аз баҳри шикор (1, 17).
Асқар Маҳкам таржимаси:*

*Иттифоқо, бир куни отланди шоҳ,
Хосса аҳбоби билан ов қилса то (2, 58).*

Келтирилган байтнинг ўзбекча таржимасида қофияланиши талабга жавоб бермайди. Иккинчидан, “то” форс-тожикча сўз бўлиб ўзбекча-гача, қадарга тўғри келади, гапда ўрин, пайт чегараси ва шу каби маънони таъкидлайди, таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. Яъни, ўзбек китобхони “то” сўзининг луғавий маъносини тушуниши учун албатта луғатга мурожаат қилиши керак бўлади. Бундай нуқсон ёки камчиликлар Асқар Маҳкам таржимасида талайгина:

Асқар Маҳкам: мард – мард, эркак (29-бет), дур – узоқ (33-бет), мастур – мастур, поклик (33-бет), дастур – дастур, қоида қонун (33-бет), тарёк – тарёк, захарга қарши дору (40-бет), бехуш – бехуш, ўзбекча муқобили хушсиздир (43-бет), забон – забон, ўзбекча муқобили тил, гўш – гўш ўзбекча муқобили қулоқдир (42-бет), берўз – берўз, ўзбекча муқобили кунсиз, рўз – рўз, ўзбекча муқобили кун, бегона – бегона форс-тожикча сўз бўлиб ўзбек тилида айнан ишлатилади (43-бет), ҳоли пухта – пухта ҳолин ибораси билан ифодасини топган (44-бет), пурдур – пурдур (46-бет) ўзбекча муқобили пур – тўла, дур – қимматбаҳо нарса, тилло, зарру зевар маъноларга эга. Келтирилган сўзлар форс-тожикча матнда қандай қўлланган бўлса, Асқар Маҳкам уларни ўзбекча вариантда шундайлигича ифодалайди. Аммо ўзбек китобхони бундай таржималардан ҳеч нима олмайди ёки мажбур бўлиб ҳар бир сўзнинг маъносини луғатдан топиб тушунишга ҳаракат қилади.

Бу ҳолат Жамол Камол таржималарида ҳам баъзан кўзга ташланади.

*Шукр кун, маршокиронро банда бош,
Пеши эшонмурдашав, поянда бош (1, 27).*

Таржимаси:

*Шукрқил сен, яхшиларга банда бўл,
Сен уларгажонбериб, пояндабўл (3, 25).*

Қиёс учун олинган байтда Жамол Камол моҳирлик билан ҳар бир сўз, иборанинг ўзбекча муқобилини топиб ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилган. Фикримизни тасдиғи “шукр кун”нинг муқобили “шукур қил” ёки “шокирон”, яъни шукур қилувчилар, қалбида эзгулик ҳукмрон, ҳаётгидан доим рози бир сўз билан айтсак, яхшиликни ўзига шиор қилган кишидир. Мутаржим “яхшилар” деб тўғри таржима қилган. “Банда бош” иборасини ҳам ўзбекча муқобилини “банда бўл” тарзида ўрнига қўйган. Иккинчи мисрадаги “пеши эшон мурда шав” ни “сен уларга жон бериб” шаклида ўзбекчага ўгирган. Аслиятдаги “мурда шав” “жон бериб” шаклида таржима қилинган ҳамда форс-тожикча матндаги мазмун тўлиқ ўқувчига етказишга ҳаракат қилинган. Фақат “поянда” сўзининг абадий, доимий, бир умрлик каби луғавий маънолари борки, бугунги ўзбек китобхонига уни тушуниш қийинчилик туғдириши мумкин. Бизнингча, Жамол Камол аслиятдаги қофияни ва “бош” радифни “бўл” ни сақлаш мақсадида байтни ўзбекчага ўгирган.

*Мо чу ноемунаво дар мозитуст,
Мо чу кўҳемусадо дар мозитуст (1, 31).*

Таржимаси:

*Бизагарнаймиз, навосендинкелур,
Бизагартоғмиз, садосендинкелур (3,30).*

Келтирилган байтни Жамол Камол маромига етказиб ўзбекчага ўгиришга муваффақ бўлган. Таъбир жоиз бўлса, агар Жалолоддин Румийнинг ўзи ҳам мазкур байтни ўзбекчада ёзганида айнан шундай ижод қилар эди дейиш мумкин.

Қуйидаги байтда биринчи ва иккинчи нашрда таржимон таржимани айрим сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан қайта амалга ошириган. Янги сўзлар танлаган:

*Сирриман аз нолаи ман дур нест,
Лек чашму гўшро он нур нест. (1,16)*

Таржимаси:

*Сиррим эрмас нола-оҳимдин йироқ,
Гарчи нур кўзу қароғимдин йироқ (3,8).*

Иккинчи нашр:

*Сиррим эрмас нола-оҳимдин йироқ,
Кўз-қулоқ, лекин ўшал нурдин йироқ (3, 12)*

Биринчи нашрдаги танлаган байтимизнинг иккинчи мисрасида ва иккинчи нашрнинг зикри ўтган мисрани қиёслар эканмиз, шунга гувоҳ бўламизки “гарчи” биринчи нашрда бор, лекин иккинчи нашрда йўқ. Биринчи нашрдаги “нур” билан иккинчи нашрдаги “нур”нинг жойи алмашган. “Кўз” ўртадан олиниб мисранинг бошига қўйилган, мутаржим аслиятдаги “гўш”нинг ўзбекча муқобили “қулоқ” сўзидан биринчи нашрда воз кечган бўлса, иккинчи нашрда “қулоқ”ни қўллаган, аслиятдаги “лек” сўзининг ўзбекча муқобили “лекин” биринчи нашрда кўзга кўринмайди. Аммо иккинчи нашрда ўз ифодасини топган. Аслиятдаги “он” кўрсатиш олмоши биринчи нашрда ифодасини топмаган. Лекин иккинчи нашрда “ўшал” тарзида ифодаланган. Форс-тожикча матндаги “нур нест” ибораси “қароғимдин йироқ” шаклида ўгирилган бўлса, иккинчи нашрда айнан “нурдин йироқ” тарзида тўғри ағдарилган. Ана шу қиёснинг ўзи Жамол Камолнинг моҳир таржимонлигидан, тил услублари ва бойликларидан унумли фойдалана олганлигидан яққол далолат бериб туради.

*Тан зи чону чон зи тан мастур нест,
Лек касро диди чон дастур нест. (1, 16)*

Таржимаси:

*Танга жону жонга тан **мастур**эмас,
Жонни кўрмак кимсага **дастур** эмас (3, 8).*

Иккинчи нашр:

*Танга жону жонга тан **пинҳон** эмас,
Жонни кўрмак кимсага **имкон** эмас (3, 12).*

Қиёслаш учун олинган байтнинг биринчи ва иккинчи нашрини назардан ўтказар эканмиз, аслиятдан қофия қандай бўлса, “мастур” ва “дастур” биринчи нашрда айнан ифодасини топган. Аммо иккинчи нашрда мутаржим уларнинг ўрнига “пинҳон ва имкон” сўзларни қўллайди. Бу байтда ҳам мутаржим тилнинг бойлигидан унумли фойдаланган.

Бир сўз ўрнида иккинчиси қўлланган:

*Маҳрами ин ҳуш чуз беҳуш нест,
Мар забонро муштарй чуз гўш нест (1,16)*

Таржимаси:

*Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштари **унга** қулоқдин бошқамас (3,8).*

Иккинчи нашр:

*Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштарий **тилга** қулоқдин бошқамас (3,8).*

Бу байтда эса мутаржим битта сўзни, яъни аслиятдаги “забон” сўзининг ўзбекча муқобили “тил”ни биринчи нашрда олмош орқали “унга” деса, иккинчи нашрда шу сўзнинг ўзбекча муқобили “тил”ни қўллашга муваффақ бўлган. Албатта бу ҳолат мутаржимнинг бу соҳада орттирган тажрибаси ва маҳоратидан дарак беради.

Қуйидаги байтда икки мисрада ҳам ўзгариш бор:

*Чун набошад ишқро парвои ў,
Ў чу мурғемонд бепарвои ў (1, 16).*

Таржимаси:

**Кимда йўқдир ишққа бир парво агар,
Ул қанотсиз қуш эрур, беболу пар.**

Иккинчи нашр:

**Кимда ишқ йўқ, айламас парво анга,
Ул қанотсиз қуш эрурким, вой анга!(3, 12)**

Бундай мисолларни ниҳоятда кўп келтириш мумкин. Таржимон Жамол Камол деярли ҳар ўн байтдан кейин шундай ўзгаришларни амалга оширган. Булардан ташқари, мутаржим форс-тожикча матнни ўзбекчалаштирар экан, баъзан байтлар таржимасини бирон сўзга фақат қўшимча қўшиш йўли билан амалга оширади. Айрим мисраларга эса ҳеч қандай ўзгаришсиз ўзбекча вариант қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз. Қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида айнан шу ҳолат кўзга ташланади.

*На тариқу на рафиқу на амон,
Даст карда он фаришта сўйи чон (1, 346).*

Таржимаси:

*На тарийқу на рафиқу на омон,
Жон сўраб тургай фаришта ҳар замон (3, 9).*

Юқорида келтирилган байтнинг биринчи мисраси аслиятда қандай бўлса, таржимада ҳам айнан ифодасини топган.

Пастдаги байтда эса ҳар иккала мисра, яъни байт айнан фақат биринчи мисрада биринчи ибора “гуфт сўфи” ўзбекча муқобили “суфи деди” тарзида таржима бўлган холос:

*Гуфт сўфй: «Мо фақиру зору кам,
Қавми хотун молдору муҳташам (1, 347).*

Таржимаси:

*Суфи деди: биз фақирмиз, зор укам,
Қавми хотун – молдору муҳташам (3, 10).*

Қуйидаги байтда ҳам биринчи мисра айнан берилган бўлса, иккинчи мисрада айрим ўзгаришлар мавжуд:

*Чанги табъй, чанги феълй, чанги қавл
Дар миёни чузвҳо ҳарбест ҳавл (1, 560).*

Таржимаси:

*Жанги табъу жанги феълу жанги қавл,
Юз берар жузвлар аро қўрқинч, жадал (3, 272).*

Хулоса қилиб айтсак, мутаржим Асқар Маҳкам ҳам, Жамол Камол ҳам форс-тожикча матнларни сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, ўзбек китобхонига ниҳоятда гўзал таржималар орқали етказишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга таржимонлар айрим ҳолларда қийинчиликларга ҳам дуч келган. Лекин ҳар қандай таржима камчиликсиз бўлмайди. Умид қиламизки, бу таржималар ўқувчиларда яхши таассурот қолдиради ва уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Таржимонларнинг хизмати орқали халқимиз румиёна ижод билан яқиндан хабардор бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲХАТИ

1. Балхй Мавлоно Ҷалолиддин Муҳаммад. Маснавий маънавий. Бар асоси матни Николсон ва муқобилабо нусаҳаои дигар. – Техрон: Замон, 2001. – 728 с.
2. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 368.
3. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т.: MERIYUS,2010. – Б. 864.
4. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий” сабоқлари. –Т.: Фан, 2008. – Б.50.
5. Тўхсанов Қаҳрамон. Румий “Найнома”сининг ўзбекча таржималари. – Вухоро: Durdona, 2018. – Б.60.
6. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий” да халқ мақоллари ва уларнинг таржимадаги ифодаси. Монография. – Т.: Наврўз, 2019. –Б.124.
7. Тўхсанов Қаҳрамон. Ж.Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимаси. GlobeEdit, 2019. –150 б.
8. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили. – Бухоро. Дурдона. 2020. – Б. 209.

TeshayevaGULNOZA,

Buxoro davlat universiteti,
filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi
(O'zbekiston)

ABDULLA QODIRIY VA TURKIY XALQLAR ROMANCHILIGI

Annotatsiya: Buyuk yozuvchi, Abdulla Qodiriy ijodi nafaqat o'zbek nasri, balki turkiy xalqlar romanchiligi rivojida ham salmoqli o'rin egallaydi. U yaratgan nasriy asarlar o'zbek romanchilik maktabiga asos solish bilan birgalikda qardosh turkiy xalqlar adabiyotining rivojiga ham ta'sir ko'rsatdi. Maqolada buyuk o'zbek romannavisi Abdulla Qodiriyning o'zbek va qardosh xalqlar milliy romanchiligiga qo'shgan hissasi, yozuvchining xarakterlar yaratish mahorati, adabiy ta'sir muammosi tahlil qilingan.

Annotation: The work of the great writer Abdulla Kadiri plays an important role not only in the development of Uzbek prose, but in the novels of the Turkic peoples as well. His prose works, along with the establishment of the Uzbek school of novels, also influenced the development of the literature of the fraternal Turkic peoples. The article analyzes the contribution of the great Uzbek novelist Abdulla Kadiri to the national novels of the Uzbeks and fraternal peoples, the writer's character creation skills, the issue of literary influence.

Аннотация: Творчество великого писателя Абдуллы Кадыри играет важную роль не только в развитии узбекской прозы, но и в романах тюркских народов. Его прозаические произведения, наряду с созданием узбекской школы романов, также повлияли на развитие литературы братских тюркских народов.

В статье анализируется вклад великого узбекского романиста Абдуллы Кадыри в национальные романы узбеков и братских народов, творческое мастерство писателя, проблема литературного влияния.

Калит so'zlar: o'zbek romanchiligi, turkiy xalqlar romanchiligi, «O'tkan kunlar», adabiy ta'sir, roman, obraz, realizm, novatorlik, an'ana, mahorat

Key words: Uzbek novel, Turkic novel, "O'tkan kunlar", literary influence, novel, image, realism, innovation, tradition, skill

Ключевые слова: узбекский роман, тюркский роман, «Ўткан кунлар», литературное влияние, роман, образ, реализм, новаторство, традиция, мастерство.

A.Qodiriy nafaqat o'zbek adabiyoti, balki jahon adabiyoti, birinchi navbatda, turkiy xalqlar adabiyotida ham katta mavqega ega adiblar sirasiga kiradi. Uningasarlari dunyoning bir necha tillariga o'girilgan va ko'p marotaba nashr etilgan.Yozuvchi ijodining nafaqat o'zbek olimlari, balki boshqa xalqlar adabiyotshunoslari tomonidan ham o'rganilayotgani yozuvchi ijodiga bo'lgan qiziqishning bir ko'rinishidir.

Milliy adabiyotlar bir-birlarining yutuqlari, tajribalarini almashtirgan holda rivojlanib boradilar.Abdulla Qodiriyning «O'tkan kunlar» romani nafaqat o'zbek adabiyoti tarixida, balki butun turkiy xalqlar romanchiligida yangi bosqichni boshlab bergan asar hisoblanadi.

Buyuk qozoq yozuvchisi Muxtor Avezov Abdulla Qodiriyning jur'ati va mahoratiga qoyil qolib shunday deb yozgan edi: «*Abdulla Qodiriy (Julqunboy) romanlari go'yo tekis sahroda to'satdan Pomir tog'lari vujudga kelganday paydo bo'ldi. Uning asarlarini Qurmong'ozu yoki Chaykovskiy kuylarini tinglaganday, dam olib, miriqib, gasht qilib o'qiysan kishi*» [5;83].

Mashhur turkman yozuvchisi Xidir Deryayev ham buyuk adibning romani ta'sirida o'zining romanini yozishga kirishganini e'tirof etadi: «*Abdulla Qodiriyning «O'tkan kunlar» romani menda bir umrga unutilmas taassurot qoldirgan va ilhom bag'ishlagan. Shundan keyin menda turkman xalqining o'tmishi haqida roman yozish ishtiyoqi tug'ildi. Katta niyat bilan "Qismat" romani ustida ish boshladim*»[5;83].

Xidir Deryayev fikrini davom qildirib, Toshkenda KomVUZda o'qigan paytlarida "O'tkan kunlar"ni qayta-qayta o'qigani va yozuvchining san'atiga tahsinlar o'qigani haqida gapiradi. Abdulla Qodiriy bilan Xidir Deryayev oralaridagi ta'sir va o'ziga xoslik o'zbek adabiyotshunosligida maxsus tadqiqot ham qilindi. Tadqiqot natijasidavoqealarni sirli bayon qilish, mustahkam bog'lay olish, kerak joylarda keskin burilishlarda bera bilish jihatidan, Xidir Deryayev Abdulla Qodiriy romanlaridanta'sirlangani ma'lum bo'ladi. Biroq yana shu narsa ham aniqki, Xidir Deryayev "O'tkan kunlar"ni hech ham takror qilmaydi.Hali hayotni romandek murakkab janrda tasvirlash an'anasiga egabo'lmagan, realistik proza janri unchalik taraqqiy etmagan turkman adabiyotida X.Deryayevning birinchi marta romanga qo'l urushi va muvaffaqiyat qozonishitasodifiy emasdi. Bu yutuqning asoslari, zamini bor edi, albatta. Turkmanxalqining boy folklori, yoz-

ma adabiyot tajribalari, rus va qardosh adabiyotlarningilg'or an'analari, ayniqsa, L. Tolstoy, M. Gorkiy asarlari, qolaversa, AbdullaQodiriy romanlari yozuvchiga tayanch bo'lgan manbalar edi. O'qish, o'rganish, ijodiy izlanishlar o'z samarasini beradi. 30-yillarning birinchi yarmida turkman adabiyotida birinchi roman paydo bo'ldi va u 1937-yilda "Qonli panjadan" degan nom bilan bosib chiqadi.

Turkman xalqining adibi, yetuk romannavis Berdi Kerboboev Abdulla Qodiriyga yuksak baho bergan. U adib haqida shunday deb yozadi: "...*Maning o'zim ham Tolstoydan, Gorkiydan, Sholoxovdan o'rganmasam, tatar yozuvchisi Ibrohimovning "Bizning kunlar"ini, "Qozoq qizi"ni, o'zbek yozuvchisi Abdulla Qodiriyning "O'tgan kunlari"ni, "Mehrobdan chayon"ini o'qib, shulardan ibrat olmasam "Dadil qadam"ni boshlay olmagan bo'lardim*"[5:83].

Berdi Kerboboyevning "Dadil qadam" romani ham "O'tkan kunlar" romani kabi keng ko'lamli tarixiy romandir. Yozuvchi mazkur asarni 1936-yilda yozishni boshlagan va 1937-yilda birinchi qismini yakunlagan. B.Kerboboyev urush yillarida romanning ikkinchi va uchinchi kitoblari ustida ish olib bordi va 1944-yilda uning ikkinchi kitobini yozib tamomladi. "Dadil qadam" romanida turkman xalqining o'tmishi, hayoti, kurashi tasvirlangan.1947-yilda "Dadil qadam" romani to'raligicha nashr etildi.Asarda Turkmanistonda sovet hokimiyatining o'rnatilishi voqealari keng manzarada gavalantirilgan bo'lib, uning markazida 1916-1920- yilda Tajan vohasida bo'lib o'tgan voqealar turadi.Asar voqealar markazida kambag'al dehqon Ortiq obrazi atrofida kechadi.

Shuni ham nazarda tutish kerakki, Abdulla Qodiriy "O'tkan kunlar"ni e'lon qilgan paytlarda O'rta Osiyo xalqlari hali bitta Turkiston respublikasi nomi bilan birlashgan edi. Shu sababdan Abdulla Qodiriy qay darajada o'zbek yozuvchisi bo'lsa, shu darajada turkman yozuvchisi ham, qirg'iz yozuvchisi ham, qozoq yozuvchisi ham, hatto tili boshqa bo'lgan tojik yozuvchisi ham hisoblanaverilar edi.Ishonch bilan aytish kerakki, uning birinchi romanini o'sha davrlarda O'rta Osiyoning barcha xalqlari – o'zbek ham, turkman ham, qozoq ham, qirg'iz ham, tojik ham barobariga sevib o'qishgan. Shu sababdan bo'lsa kerak, mashhur tojik yozuvchisi Jalol Ikromiy yozadi: "*Men Abdulla Qodiriy asarlarini garchi o'ttizinchi yillarda o'qigak bo'lsam ham, ulardagi qahramonlarni hozirga qadar unuta olmayman. Abdulla Qodiriy o'zining g'oyat siqiq, ammo chuqur lirika bilan yo'g'rilgan jumalari bilan meni maftun etardi... Uning asarlaridagi har bir detal o'zida yuksak ma'no ifoda etadi, mohir zargar tomonidan yasalgan buyum yanglig' jilolanadi*" [3:14].

Abdulla Qodiriyning qardosh yozuvchilar tomonidan yuksak e'tirof etilishiga asosiy sabab ijodkor asarlarining badiiy jihatdan yetukligi, g'oyaviy jihatdan mukammalligi, xarakterlar yaratish mahorati, Qodiriy uslubiga xos bo'lgan voqealar rivojini "sir tutish" kabilardir.Xususan, Qodiriy yaratgan xarakterlar ajralib turadi."O'tkan kunlar" romanidagi har bir obrazning o'zi alohida bir dunyo.Ularning har birining o'z dunyoqarashi, o'z tutumlari, dunyoqarashlari, orzu-umidlari bor. Yozuvchi qahramonlar ruhiyatini tasvirlar ekan, bu psixologik holatlar ularning yurish-turishida, asardagi voqealar rivojida aks etadi. Syujetning ishonarliligi sabab ham o'quvchi buni tez va oson, qiynalmasdan qabul qiladi. Otabek, Kumush, Yusufbek hoji, Mirzakarim qutidor, O'zbekoyim, Zaynab, Homid, Usta Alim kabi obrazlar o'zining jozibadorligi, haqqoniyligi, yorqinligi bilan ajralib turadi.

Qahramonlar tilidan o'zbekona madaniyat, urf-odatlar, milliy ruh sezilib turadi. Masalan,

"Otabek mehmonlarni tanchaga o'tquzib, fothadan so'ng Hasanalidan so'radi:

- Tuzukmisiz, ota?

- Xudoga shukur, — dedi Hasanali, — boyag'idan bir oz yengilladim. Mazmuni is tekkan ekan.

- Ba'zi yumushlar buyursam...

- Buyuringiz, o'g'lim.

- Rahmat, ota, bo'lmasa bizga choy qaynatib bersangiz-chi.

- Xo'b, begim. Hasanali chiqdi. Rahmat Otabek bilan yana bir qaytib sog'liq so'rashqandan keyin so'radi:

- Bu kishi kimingiz bo'ladir, bek aka? Otabek Rahmatning savoliga javob bermay eshikka qaradi. Hasanalini hujradan uzoqlatib so'ngra javob berdi:

- Qulimiz..." [1;5]

Keltirilgan shu parchadayoq milliy madaniyatimizga xos bo'lgan yoshi ulug'larni e'zozlash, ularga ehtirom bilan munosabatda bo'lish kabi fazilatlar yaqqol bo'y ko'rsatib turibdi. Hasanali aslida oddiy qul bo'lishiga qaramay, uni juda hurmat qilishi Otabekning birgina "ota", degan murojaatidan ham sezilib turibdi. Suhbatdoshlari Hasanalining kimligini so'rashganda, Otabek darrov javob berishga shoshilmaydi. Uning hujradan uzoqlashishini kutgandan so'nggina, "qulimiz", deb javob beradi. Bu o'rinda ham Otabekning qanchalar aql-u farosatli, andishali ekanligi ko'rinib turibdi. A.Qodiriy bu ota-og'illik munosabatini asar voqealari davomida rivojlantirib boradi. Xususan, Otabekning oshiqligini, pinhoni ishqi birinchi bo'lib payqagan, Kumushga yetishishining asosiy sababchilaridan bir ham aynan shu Hasanali bo'ladi. Muallif ta'rifi bilan aytganda, *"qulliqda bo'lg'anig'a elli yillar chamasi zamon o'tib, endi Otabeklar oilasining chin bir a'zosi bo'lib ketkan"* [1;5]. Hasanali Homidning hiylalari tufayli Kumushdan ayrilib yurgan paytlarida uyga mast bo'lib kelgan Otabekka otalarcha nasihat qilib, uni yomon yo'llardan qaytaradi. Otabekni o'z o'g'lidan ham ortiq ko'radigan, undan jonini ham ayamaydigan "ma'naviy ota"ning, albatta, bunga haqqi bor edi. Romanda milliy ruhni ifoda etish yuqorida qayd etib o'tilgan "Abay", "Qismat", "Dadil qadam" kabi asarlarda ham an'ana sifatida davom etgan.

Xulosa qilib aytganda, A.Qodiriy ijodi qardosh yozuvchilar ijodiga katta ta'sir ko'rsatgan. Shubhasiz, bu romanlarning o'ziga xos uslubi, o'ziga xos syujet va qahramonlar dunyosi bor. Ammo Abdulla Qodiriy ijodi ta'siri bevosita va bilvosita sezilib turadi. Shu bilan birga adibning o'zi ham qardosh xalqlar, shu bilan birgalikda Sharq xalqlari, jahon adabiyotidan xabardor bo'lgan, ulardan ta'sirlangan. Abdulla Qodiriy boshlagan jasoratli qadam juda ko'plab yozuvchilar uchun mash'ala vazifasini o'tadi, ularni buyuk asarlar yaratishga ilhomlantirdi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Шарқ, 2009.
2. Қодирий А. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
3. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali, 1974. – № 3.
4. Kerboboyev V. Dadil qadam. – Тошкент, 1960.
5. Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

ОФЕЛИЯ НУТҚИДАГИ БАДИИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТАРЖИМАЛАРИДА ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

Аннотация: Мақолада “Ҳамлет” трагедиясидаги Офелия образи нутқидаги образли воситаларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга инглиз адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималарининг бевосита ва бавосита турлари ўртасидаги тафовутлар ҳамда таржима жараёнида образли воситаларнинг қайта яратилиш усуллари тадқиқ этилган.

Аннотация: В этой статье ведутся рассуждения специфические качество образа Офелия. Изучив данное произведение в нашей работе исследуются различия между опосредственными и непосредственными переводами с английского, а также способы воспроизведения образных средств.

Annotation: In this article are learned the translations Ofheliao of the tragedy “Hamlet”. In this research work distinctions between direct and indirect translations are studied which were done from English and methods of recreating of the images of English poetry.

Калит сўзлар: фожиа, таржима, аслият, Шекспир драмалари, образ, инглиз тили, таржимон, персонаж, Офелия.

Ключевые слова: трагедия, перевод, оригинал, драмы Шекспира, образ, английский язык, переводчик, персонаж, Офелия.

Key words: tragedy, translation, original, Shakespeare’s dramas, English language, translator, character, Ofhelia.

Кириш.

Буюк драматург Шекспирнинг пьесаларидаги персонажларнинг ҳаракатлари поэтик нутқ билан уйғунликда намоён бўлиши кузатилади. Драматургияда персонажлар қайсидир воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги оддийгина маълумотлар келтиришигина эмас, балки уларнинг ўз фикрлари, ҳаяжону-ҳиссиётлари, ниятлари ёки хавотирларини қандай тарзда ифода этиши муҳимроқдир. “Ҳамлет” фожиасидаги персонажлар нутқида жарангловчи образли лейтмотивлар асарнинг ўзига хос муҳитини юзага келтирадилар. Трагедия қаҳрамонларидан бири Офелия нутқидаги образли воситалар дунёси худди қизнинг ўзидек содда ва тиниқдир. “Насиҳатларингни худди жоним устига Туморчадек осиб қўяй”, “Юрагимга бекитаман, калитни эса Ўзинг билан ола кет”, “Дада, билолмайман нима дейишни ҳам”, “Хўп, дада”, “Демак, кўпроқ алданибман” [1] каби Офелиянинг юқоридаги гапларидан унинг ҳаётда ҳам жуда содда ва камтар инсон эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фожиада кўз олдимизда ҳар якшанба куни черковга борадиган, гуллар теришни ва уларнинг муаттар ҳидини хуш кўрувчи, Шекспир замонидаги зодагонларнинг қизларига хос бўлганидек у ҳам муסיқадан сабоқ олиб ва балладалар куйлаб юрувчи бир қиз гавдаланади.

Образли ифодаларнинг таржима ва аслиятда берилиш даражасини куйидаги жадвал яққол кўрсатади:

AM	Ж.Камол таржимаси	М.Шайхзода таржимаси	Б.Пастернак таржимаси
O, what a noble mind is here o'erthrown!	Ҳалок бўлмиш қандай асл, ноёб бир ақл! (б.91) +	Қандай нозик бир зеҳн барбод бўлди, ох! (б. 113.) +	Какого обаянья ум погиб! +
The courtier's, soldier's, scholar's, eye, tongue, sword;	Аъён эди, аскар эди, олим эди ул (б. 91.) +	Унда билим, фасоҳат, мардлик жам эди (б. 113.) +	Соединенье знания, красноречья+
The expectancy and rose of the fair state	Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул (б. 91.) +	У бизнинг байрамимиз, умидлар гули (б. 113.) +	И доблести, наш праздник, цвет надежд +
And I, of ladies most deject and wretched, That suck'd the honey of his music vows	Хўш мен-чи? Мен кимман энди, бадбахт бир хотин, Юрагимда ваъдаларнинг асали-тоти. +	Аммо мен-чи? Дунёда энг ночор хотин. Қалбида бор у ичган онтлардан асал. (б.113.) +	А я? Кто я, беднейшая из женщин, С недавним медом клятв его в душе+

(«++» тўлиқ мослигини, «+» қисман, «—» мосликнинг йўқлигини англатади).

Юқоридаги жадвалда Офелия ўз нутқида бир қатор образли воситаларини келтиради. Масалан, Ҳамлетни “мода кўзгуси”, Лаэрт берган маслаҳатларини ўзининг хотирасида (худди қутичадек) қулфлаб асрашини калитини эса акасининг ўзида сақланишини ва ҳ.к. айтади. Жадвалимизда келтирилган биринчи образли восита: O, what a noble mind is here o'erthrown! (сўзма –сўз таржимаси: О, қандай олижаноб ақл нобуд бўлди) Сухбат чоғида Ҳамлет бир неча бор Офелияга узлатга чекинишни (монастирга боришни) айтганида, қиз Ҳамлетдек мутафаккир, буюк шахс – шахзоданинг телбаликка чалинганидан зорланиб кўз ёш тўқади, қайғуга ботади. Демак, AM ги “O, what a noble mind is here o'erthrown!” каби метафора шаклидаги образли воситаси Ж.Камол “Ҳалок бўлмиш қандай асл, ноёб бир ақл!” ва М. Шайхзода таржималарида “Қандай нозик бир зеҳн барбод бўлди, ох!” деб шакли ўзгаришсиз тарзда ўгирилган. Мисолимизда Ҳамлет образининг мутфаккир, буюк шахс бўлганлиги каби воситасининг замирида турувчи эпитет шаклидаги тимсолида “a noble mind” акс эттирилган ва мазкур восита Ж.Камол “асл, ноёб бир ақл” ва М.Шайхзода таржималарида “нозик бир зеҳн” деб шакллари ўзгаришсиз, яъни эпитет шаклида ўзбекчаштирилган. Ушбу мисолда Ҳамлетнинг улғуворлиги, буюк мутафаккир эканлиги унинг “ноёб ақл”и каби тимсолида тасвирланган образли восита орқали ёритилган. Бу ҳолда метафора ўзбек тилига ҳам метафора орқали бир ҳил шаклда кўчирилган. Метафора негизда турган образ ҳам ўзгар-

тирилмаган, яъни ақл ва зеҳннинг ўқувчи тафаккурида мавжуд бўлган қарашларига таяниб таржима қилганлар.

Жадвалдаги кейинги образли восита “The courtier’s, soldier’s, scholar’s, eye, tongue, sword” (сўзма-сўз таржима: Амалдорнинг, аскарнинг, олимпинг, назари, тили, тиғи.). Бу каби образли воситада Офелия бир Ҳамлетнинг ўзида шунча хусусиятлар жам бўлган қанчалик буюк одамдан ажралганларини қаттиқ изтироб билан ифода этиб шаҳзоданинг дунёдаги ягона, бетакрор инсон сифатида тасвирлайди. АМги образли воситаси градация шаклида қўлланилган бўлиб ўзбек мутаржимлари “Аъён эди, аскар эди, олим эди ул” (Ж.К.)деб градация (климакс) услубий воситаси ёрдамида ёрқин поэтик образни ярата олган ва “Унда билим, фасоҳат, мардлик жам эди” (М.Ш.) деб градация (антиклимакс) ва асиндетон шаклларида қайта яратадилар. АМ ги образли воситаси замиридаги бирин-кетин санаб ўтилган образлар ва тимсолларорқали Ҳамлетнинг ўзида учта инсоний юксак сифатлар ва уларнинг фазилатлари тасвирланган “амалдор, аскар, олимпинг назари, тили, тиғи” яъни, аслиятдаги образ ва тимсоллар метонимия шаклида келтирилган. Таҳлилимиздаги мисол Ж.Камол таржимасида аслиятга мувофиқ бажарилган, уларнинг метонимик шакли эса генерализация шаклига ўзгартирилган “аъён”, “аскар”, “олим”. Ва шу тариқа АМ нинг тимсолларига тегишли барча инсоний фазилатлар ўзбек таржимасида компрессияга учраб Ҳамлет образи янада жонли ва ёрқин тасвирланганлиги билан бир қаторда Офелиянинг ҳаяжонлари ва нутқининг узук-юлуқлигини ҳам аслиятга мос равишда қайта яратилган.

Мисолдаги образ воситали таржимада “билим, фасоҳат, мардлик” деб метонимия усулида юксак инсоний фазилатлар тимсолларида акс эттирилган. АМги Ҳамлетга келтирилган тасвирида қўлланилган “courtier, soldier, scholar” (амалдор, аскар, олим) каби конкрет образлар тушириб қолдирилган ва уларда мужассам бўлган инсоний фазилатлар умумий тарзда келтирилган. Бундай таржима аслиятдаги образни бир оз пасайтирган ва хиралаштирган. Ўқувчи асл образни воситали таржимаданинг тағмотидан тушуниб олишга мажбур. Бевосита ўғирмада эса Ҳамлет образининг ойдинлиги таъминланган. Воситали ўғирмадаги оғишлар воситачи рус таржимасидан ўзлаштирилганлиги аниқ (буни биз юқоридаги жадвалимизда келтирилган Б. Пастернак ва унинг асосида бажарилган М. Шайхзода таржималарини қиёслаганда кўришимиз мумкин).

Жадвалда келтирилган учинчи қатордаги “The expectancy and rose of the fair state” (сўзма-сўз таржимаси: Кўркам (одил) мамлакатнинг умиди ва атиргули) образли воситаси метафора шаклида қўлланилган. Худди шу восита Ж.Камол ўғирмасида “Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул” ва М.Шайхзода “У бизнинг байрамимиз, умидлар гули” деб эпитет шаклида таржима қилинганлар. Ҳамлет яшаётган салтанатнинг гули эди ва АМ да шаҳзодага “**rose**” (атиргул) тимсоли берилгани унинг ҳақиқатдан ҳам барно йигит, салтанатнинг зийнати, фахри эканлиги ва “**expectancy**” (ишоч, умид) тимсоли эса ҳалқнинг уни яхши кўриши ва унга давлат ҳуқумдорининг ўғли, тахт вориси сифатида катта умид боғлаганини англатади. АМги

мазкур тимсоллар худди ўзидек Ж.Камол ва М.Шайхзода ўғирмаларида “gose” “гул” ва “expectancy” “умид” асраб қолинган. Ўзбек таржималарда АМ ги образли воситасининг шакли ўзгартирилган бўлса-да, бир ҳил тимсоллар қўлланилганлиги туфайли ўқувчида тенг таассурот уйғотади.

Офелия монологидаги кейинги образли восита “And I, of ladies most deject and wretched, **That suck'd the honey of his music vows**” (сўзма-сўз таржима: мен – чи, аёллар ичра энг аянчли ва бахтсизи мен, *унинг ширин-садо ваъдаларининг асалидан шимган (тотган) ўша мен-ман.*) Ҳамлетнинг телбанамолиги ва қўпол муносабати Офелянинг тушқуликка тушиб ўзини дунёдаги энг бахтсиз аёл деб билишига сабаб бўлади. Офелия таниган Ҳамлет доимо ширинсўз ва ёқимтой эди. Ҳозирги телба Ҳамлетда эса аввалги гулдек Ҳамлетдан асар ҳам қолмаган. Аммо, шаҳзоданинг телбаликка чалинганлигида айби йўқлигини Офелия жуда яхши тушунади ва аввалги севгилисини энди қайтара олмаслигини билиб жуда қаттиқ афсусланади. Кейинги гапида Офелия Ҳамлет кечагина берган ширин ваъдаларини асал образида тасвирлайди. Мисолимиздаги метафора шаклидаги образли воситаси “**That suck'd the honey of his music vows**” Ж.Камол таржимасида “Юрагимда ваъдаларнинг асали-тоти.” ва М.Шайхзода “Қалбида бор у ичган онтлардан асал.” деб аслият шаклини ўзгартирмасдан, яъни метафора кўринишида ўгирганлар.

Асардаги фарзандлар ота-оналари қилган хатосининг қурбонларидир. Яъни, Офелия билан Ҳамлет ўртасидаги конфликт бунини тасдиқламоқда. Гертруданинг қилмишлари Ҳамлетда аёл зотига бўлган нафратини уйғотиб уларга бўлган ишончини сўндиради. Шу қаторда шаҳзоданинг Офелияга бўлган муносабати ҳам бутунлай ўзгаради. Аммо, соддадил Офелия Ҳамлет қанчалик кўрслик қилмасин унинг берган ваъдаларининг самимийлигини аниқ билади ва шунинг учун ҳам уларни “**the honey**” (асал) ва “**vows**” (ваъдалар) каби тимсолларда тасвирлайди. Мазкур тимсоллар Ж.Камол “асал”, “ваъдалар” ва М.Шайхзода ўғирмалари “асал”, “онтлар” деб АМга мувофиқ тарзда бажарилган. Мисолимиздаги АМдан келтирилган образли воситаси таржимаси ўзбек ўғирмаларида шакли ва тимсоллари ўзгаришсиз амалга оширилган. Натижада, аслият китобхонидаги тасаввурлар таржима тили китобхони тасаввурларининг уйғунлигига эришганлар.

Лаэрт Францияга кетишдан олдин итоаткор Офелияга берган насиҳатларига жавобан синглиси “‘Tis in my **memory lock'd**, And you yourself shall keep the **key** of it.” (сўзма-сўз таржимаси: Бу менинг хотирамда (худди қутичададек) қулфланган, Ва унинг калитини сиз ўзингизда сақланг) каби мисолимиздаги метафора шаклидаги образли воситаси Ж.Камол “Юрагимга бекитаман, калитни эса Ўзинг билан ола кет.” ва М.Шайхзода ўғирмаларида “Бекитдим дилга, Кўнглимнинг калидини олиб кет ўзинг” деб шакли аслиятдагидек ўзгаришсиз тарзда ифодаланган.

Бу ерда Шекспир Офелия ва акиси ўртасида бўлиб ўтган мулоҳазаларига “хотиралар” образи берилиб ва мазкур мураккаб образдан тармоқланиб кетган тимсоллар, яъни уларни Офелия (сирли қутичада) “қулф” остида сир сақлашини айтиб қутичанинг “калитини” эса акасига топширади.

АМги Офелия нутқидаги **“memory”** (хотира) каби ўзак образи иккала ўзбек таржимасида тушириб қолдирилган, ammo Офелия нимани назарда тутганини ундан олдинги сатрларда (Лаэрт нутқида) “ёдингда” (Ж.К.) ва “хотирангда” (М.Ш.) деб компенсация қилинган. АМги ўзак образдан тармоқланиб кетган **“lock”** “Юрагимга бекитаман” (Ж.К.) ва “Бекитдим дилга” (М.Ш.) деб ўзгартирилганлар. Бундай таржима аслият матнини қайта яратишга ҳалал бермаган, чунки қулфламоқнинг ҳам, юракка бекитмоқнинг ҳам, дилга бекитмоқнинг ҳам мақсади битта сирни ошкор этмасликдир. Кейинги **“key”** тимсоли эса иккала ўзбек таржимасида ҳам “калит” деб ўзгаришсиз асраб қолинган. Ўғирмалардаги бундай ўзгартиришлар образли воситанинг трагедия матнидаги бажарган вазифасига таянган ҳолда амалга оширилганлиги туфайли, Шекспирнинг китобхонга етказмоқчи бўлган ғоя ўзбек тилида ҳам аслиятга муносиб ҳолда қайта тикланганини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.34-37.
2. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – 158 б.
3. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.151-187.
4. Вильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Ҳамлет. Мақсуд Шайхзода таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 640.
6. <http://shakespeare.mit.edu/hamlet/full.html>

NOROVA RAHIMA,
BUXMTI o'qituvchisi

INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGI

Annotatsiya: Xalq ertaklari sirliligi, g'aroyibotga boyligi bilan adiblarni o'ziga tortdi. Dunyo adiblari xalq ertagidan o'rganib ertaklar yaratdilar. Yozma adabiyot ertak janrini o'zlashtirgach, o'zbek adabiyotshunoslari adabiy ertak deb atagan janr yuzaga keldi. Jahon adabiyotida nasriy adabiy ertaklar keng tarqalgan. Maqolada ingliz adabiy ertakchiligi haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: ertak, folklor, adabiy ertak, ertak roman, ertak qissa, nasriy adabiy ertak, stilizatsiya, folklorizm.

Abstract: Folk tales attracted writers with their mystery and richness. Writers of the world learned from folk tales and created fairy tales. The development of the genre of fairy tales in written literature led the way to it to be called literary fairy tales by Uzbek literary critics. Prose literary tales are widespread in world literature. The article discusses English literary fairy tales.

Key words: fairy tale, folklore, literary fairy tale, fairy tale novel, fairy tale story, prose literary fairy tale, stylization, folklorism.

Dunyo yozma adabiyoti folkloridan ko'p narsani: janrlarni o'zlashtirdi, undan obraz yaratishni, tasviriy vositalarni qo'llashni o'rgandi. Bolalar adabiyoti aynan folklor ta'sirida yuzaga keldi. Ertak janri bolalar adabiyotiga jiddiy ijodiy ta'sir o'tkazdi. Yozma ertaklar paydo bo'ldi. Nemis bolalar adabiyotida aka-uka Grimmlarning; italyan bolalar adabiyotida Karlo Kollodi, Janni Rodari ertaklari; ingliz bolalar adabiyotida Redyard Kipling, Lyuis Kerrol; fransuz bolalar adabiyotida Sharl Perro; daniya bolalar adabiyotida Xans Andersen; rus bolalar adabiyotida A.S.Pushkin, Samuel Marshak, Korney Chukovskiy; o'zbek bolalar adabiyotida Shukur Sa'dulla, Hamid Olimjon, Quddus Muhammadiy, Zafar Diyor, Po'lat Mo'min, Anvar Obidjon singari ertaknavis adiblar bor. Ular xalq og'zaki ijodini chuqur bilganlari tarjimayi hollaridan ma'lum. Ko'rinadiki, yozma ertakchilik jahonda keng tarqalgan. Folkloridan farqli o'laroq, yozma ertaklar faqat epik tirga emas, dramatik hamda liro-epik turga ham mansub. Dunyo adabiyotshunosligida muallifi aniq ertaklar ham ertak deyiladi, ammo o'zbek adabiyotshunosligi "adabiy ertak" atamasi orqali muallifi aniq ertaklarni nomlab qo'llay boshlaganiga yarim asr bo'lib qoldi¹.

Biz ingliz yozma ertakchiligi haqida fikr yuritmoqchimiz. Ingliz bolalar adabiyotida Redyard Kipling, Lyuis Kerrol ertaklari alohida o'rin tutadi. Kipling ingliz adabiyotida serqirra va anchagina qarama-qarshiliklarga yo'g'rilgan shaxs. Tanqidchilar uning askarlik sharafi, kuchi va tartibini o'rnatishda talabchanligi, qattiqqo'llikka asoslangan g'oyalari haqida ko'p fikr bildirishgan. Ertaklari bu fikrlaridan yiroq. Ayni damda, Kiplingning "Maugli" ertagi dunyoda eng mashhur asarlardan biri bo'lib, unda inson va tabiatdagi o'zaro bog'liqlik go'zal, betakror tarzda ifoda etilgan. Kipling ko'p yillar davomida hindular koloniyasida jurnalist bo'lib ishlagan, ajoyib tarzda sharq fol'klori bilan tanishgan hamda o'z ko'zi bilan Sharq tabiati go'zalligiga guvoh bo'lgan. Bu hol, albatta, uning ijodida o'z aksini topmay qolmagan.

Kiplingni ingliz adabiyotiga bostirib kirgan "qonunsiz kameta" deb atashgan. Kipling asarlaridagi o'ziga xoslik, tilining aniq va ravonligi, dunyoqarashining hayotiyliigi, qahramonlaridagi jasurlik ingliz bolalar adabiyotida ko'tarinkilik paydo qilgani bunga sababdir: "Ilonlar momosi, – dedi Maugli (ehtiyotdan devorning bu tomonida turib so'zlardi), – yoningga og'zi to'la zahar, yosh va baquvvat ko'oyinakli ilonni topib olgin. U maxaroja xazinasini qo'riqlashda senga ko'maklashsin"². Ko'rinadiki, yozuvchi Sharq ertakchiligiga xos motivni, xazinani zaharli ilon yoki ajdaho qo'riqlashi voqeligini keltirmoqda. Bu Kiplingning folklori bilishidan dalolat beradi. Aynan maxaroja xazinasini haqida to'xtalgani bolaligi Hindistonda o'tganiga aloqador. Ingliz yozuvchisining "Maugli" asari to'g'ridan to'g'ri aslyatdan tarjima qilinmagan. Rus tili orqali o'zbek ktobxoniga taqdim qilingan. Ming afsuski, asarning janri belgilanmagan. Bizningcha, asarning hajmi, syujeti ertak roman deyishimizga asos bo'la oladi.

Ma'lumki, xalq ertaklari sehri-fantastik, hayotiy-maishiy, hayvonlar haqida ertaklar sifatida tasnif qilinadi³. Ammo "Maugli"ni uch xil ertakka ham mansub deb bo'lmaydi. Chunki unda uch xil ertakning unsurlari aralashdir.

¹ Safarov O. Folklor va bolalar adabiyoti // O'zbek tili va adabiyoti, 2003. №6. – B. 20-26.

² Redyard Kipling. – Maugli. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019. – B.194.

³ Razzoqov H. va boshq. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. – Toshkent: O'qituvchi, 1980. – B. 129.

Asl ismi Charlz Dodjons bo‘mish Oksford universitetining professori, matematik, mantiq va tashxis sohasi bo‘yicha mutaxassis, butun dunyoda Lyuis Kerrol nomi bilan mashhur ingliz adibi ertaklari bilan dunyoga mashhur bo‘lib ketdi. Uning sevimli o‘quvchisi kollej rektorining qizi Alisa Liddell uchun to‘qigan ertaklari, “be-ma’ni”, “mantiqsiz ertaklar” deb nom oldi, ammo tez shuhrat qozondi. Ertaklar shu qizning ismi bilan “Alisa Liddell” deb nomlangan. “Alisa Ajoyibotlar Mamlakatida” ertagi muallifi mumtoz va folklor adabiyot an‘analarni mujassamlashtirgani holda o‘ziga xos shunday shaklli asar yaratdiki, natijada kinoya va parodiya xarakteridagi ertak paydo bo‘ldi. “Alisa ajoyibotlar mamlakatida” yoki “Alisa Oyna Ortida” ertaklari sehrli-fantastik ertaklar sanaladi. Bu ertaklar jamiyatdagi kamchiliklarni tanqid qilgani bilan ham ahamiyatlidir. Kerrolning kitoblari faqat bolalarning emas, kattalarning ham e‘tiborini tortdi. Uning qiziqarli ekani, undagi sehrli vositalar asarning umriga umr qo‘shdi. Alisà haqiqatdan ham mangu bo‘lib qoldi, Irland dengizi bo‘yidagi Landudnoda Alisa va Oq quyonchà sharafiga katta me‘moriy yodgorlik barpo etilgan: “Yordam beringlar, yordam! – baqirdi Zangori qush Alisaning boshi atrofida aylanar ekan. – Hoy, alvasti! Mening polaponlaringa tegma! Shu-u, Shu-u! – Alvasti hayron bo‘ldi Alisa, – men alvasti emasman”¹. Voqealar davomida ma‘lum bo‘ladiki, Alisa ulkanlashib ketgan. Bunga sehrli qo‘ziqorin aybdor. Xalq ertaklarida sehrli raqamlar, sehrli vositalar, sehrli buyumlar bor. Lyuis Kerrol ham sehrli qo‘ziqorin ko‘magida Alisani goh ulkanlashtiradi, goh kichraytiradi. Voqealar rivojiga, vaziyatiga qarab qizcha qo‘ziqorinning goh bu tomonidan, goh bu tomondan tishlaydi. Bunday vositalar ertaklarning qiziqarli bo‘lishiga ko‘maklashadi.

Xulosa shuki, ingliz yozma ertaklari, asosan, nasrda yaratilgan va dunyoga keng tarqalgan. Bu ertaklarning aksariyati o‘zbek kitobxoniga taqdim qilingan. Ingliz bolalar adabiyotiga daxldor bu ertaklarning yaralishida Sharq folklorining ta’siri bor. “Maugli”ni hayotiy-maishiy ertak desak, bosh qahramon atrofidagi asosiy qahramonlar – hayvonlar, hayvonlar haqidagi ertak desak, bosh qahramon inson, sehrli-fantastik ertak desak o‘rinliroq bo‘ladi. Umuman olganda, xalq ertaklariga xoslik aralash tarzda berilgan. “Alisa mo‘jizalar mamlakatida” sehrli-fantastik ertagi bolalarning tasavvurini kengaytiradi, kattalarni fikrlashga majbur qiladi. Bu ertaklar o‘zbek kitobxoniga Sharq ertaklarini dunyo, jumladan, ingliz adiblari o‘qiganini dalillaydi.

Azimov ULUG‘BEK,
ingliz tili fani o‘qituvchisi
BDTI akademik litseyi

“MASNAVIYI MA’NAVIY”DA ODDIY FOLKLORIZM

Annotatsiya: Dunyoni hayratga solib kelayotgan, boqiylikka mansub asar “Masnaviyi ma’naviy” “Qur’oni karim”dan quvvat olgani hammaga ayon. Jaloliddin Rumiy xalq donishmandligi bo‘lmish folkloridan ham foydalangan va asarda oddiy folklorizmni yuzaga

¹ Lyuis Kerrol. Alisa mo‘jizalar mamlakatida. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2018. – B.7.

keltirgan. Maqolada oddiy folklorizmning asarning o'zbekcha va inglizcha tarjimalarida qay taxlit berilgani haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: "Masnaviyi ma'naviy", folklor, maqol, olqish, oddiy folklorizm, vazn, aruz vazni, tarjima.

Abstract: It is known that the work of eternity – Masnavi which amazes the world is inspired by the Koran. Jalaliddin Rumi also used folklore that is the wisdom of the people and created a simple folklore in the work. The article discusses the analysis of simple folklore in the Uzbek and English translations of the work.

Key words: "Masnaviyi ma'naviy", folklore, proverbs, applause, simple folklore, vazn (a way of organizing the sound structure in a poem), aruz (poetic dimension), translation.

Yozma adabiyot og'aki adabiyotdan doimiy tarzda o'rganib keladi, undan foydalanadi. Adiblar folklor namunasidan ma'lum bir jihatiga ko'ra, obrazi, motivi, janri kabilardan foydalanib, o'ziga xoslikni yuzaga keltirsa, folklorizm paydo bo'ladi. Folklorizmni adabiyotshunoslar hozirgacha o'z milliy adabiyotlaridan izlab, tadqiq qilmoqdalar. Ammo bir asarni o'zga tildan o'z tiliga tarjima qilish jarayonida tarjimon folklorizmni yuzaga keltirishi mumkinligi yoki asl asarda yuzaga keltirilga folklorizmni tarjima jarayonida tarjimon qay taxlit berayotgani masalasi hali o'rganilgan emas. Adabiyotshunos olim L.Sharipova bu haqda shunday yozadi: "Muammoning boshqa jihatini olaylik: adabiyotshunosligimiz dunyo adabiyoti namunalarining o'zbek tiliga o'girilishi jarayonida paydo bo'lgan folklorizmlarni ham tadqiq etishi kerak. Folklorizmni o'rganish yo'nalishlarining bu taxlit qo'yilishi o'nlab tadqiqotlarning dunyoga kelishi demakdir"¹. Shu ma'noda, dunyo tan olgan mutafakkir shoir Jaloliddin Rumi qo'llagan folklorizmlar va ularning tarjima holatini tadqiq etish o'ziga xos tadqiq obyektidir. Biz maqolada "Masnaviyi ma'naviy"ning o'zbekcha tarjimalarida uchragan oddiy folklorizm haqida fikr yuritmoqchimiz. Oddiy folklorizm – ijodkorning o'z ijodida xalq maqollari, iboralari, matallari keltirishi, o'z maqsadi va g'oyasini ifodalashda foydalanishi. Hozirgacha adabiyotshunoslar olqish hamda qarg'ish janri namunalarining adiblar tomonidan o'z asarlarida keltirilishini analitik folklorizm deb belgiladilar. Tadqiqotchi L.Sharipova yozadi: "Maqol va matal folklor janri, buning ustiga ularni badiiy asar tarkibidan topish oson va ular ixcham bo'lgani sabab oddiy folklorizm sanalsa, bizningcha, qarg'ish va olqishni ham murakkab folklorizmning analitik folklorizm ko'rinishiga mansub demasdan oddiy folklorizm deyish ma'qul"². "La'nat" so'zi islom olamida shaytonga nisbatan qo'llanadi. U odamni tan olmagan, Alloh hukmiga qarshi borgani uchun asriy ibodatiga qaramay Yartagan tomonidan la'natlangan. Shundan buyon inson bu so'zni azozilga nisbatan qo'llab keladi. Vaqt o'tishi bilan xalq orasida "La'natga uchragur" qarg'ishi paydo bo'lgan. Aslida bu so'z Tangrining buyuk ne'mati bo'lmish insonga nisbatan qo'llanmasligi lozim. Ammo nodonlik qilib "Padaringga la'nat" qarg'ishi ishlatiladi. Bu insonning azozil darajasida kechirilmas gunohga botishini tilashdir. Bunday qarg'ishning qo'llanishi o'zi gunoh. Shu sababdan insoniyatga bu qarg'ishni qo'llamaslikni uqtirish zarur. Rumi hazratlari esa qarg'ishga aylan-

¹ Sharipova L. she'riyat va folklor. XX asrning ikkinchi yarmi o'zbek she'riyati misolida. – Toshkent: Navro'z, 2019. – B.15.

² Sharipova L. O'sha kitob. – B.28.

gan bu soʻzni faqat shaytonga nisbatan qoʻllaydilar. Koʻrinadiki, qargʻishning ilk namunasi shaytonga nisbatan qoʻllangan:

*Gar hasad k oʻnglingga solsa bir gʻuluv,
Laʼnati Iblisning etgan kori bu¹.*

Qargʻishning oʻz oʻrnida qoʻllanishi talmeh sanʼatini yuzaga keltirgan, ayni damda, iblisning laʼnatlanishi voqeasiga ishora qilish orqali ulugʻ shoir hasad tu-fayli laʼnat – ilohiy qargʻish yuzaga kelganini taʼkidlab, insonning hasaddan yiroq boʻlishi lozimligini taʼkidlamoqda. Hasad shaytoniy ekanini insonlarga uqtirar ekan, shoir bu illatdan qutulish uchun harakat tarbiyasini ilgari suradi.

*Laʼnat yogʻdiruvchi boʻlma,
Rahmat eshituvchi boʻl².*

Oʻzbek xalqi ham oʻz maqolida “laʼnat” soʻziga sheʼriy tarzda munosabat bildi-rib, bu soʻzni qoʻllamaslikka daʼvat qilgan.

*Jumla iblislar-da odam yuzli, bas,
Har kishiga q oʻl berish ham yaxshimas (16-bet).*

Ushbu misralarda odam yuzli iblislar borligini aytar ekan, shoir aslida in-son baʼzan tubanlikda iblisdan ham oshib tushishini taʼkidlaydi. Ayni choqda, duch kelgan kishi bilan doʻst boʻlish nooʻrin ekanini tushuntiradi. Bu misralar xalqimizning quyidagi maqolini yodga solidi:

*Har kimni doʻstim dema,
Tandagi poʻstim dema³.*

Tangri dunyoni soʻz yordamida yaratgani uchun, insonni soʻz orqali jami mavjudotdan ustuvor qilgani bois asrlardirki, shoirlar soʻzni ulugʻlaydilar, uni madh etadilar. Mavlonoda ham soʻz taʼrifi koʻp keltiriladi:

*Til temirga, toshga ham oʻxshash erur,
Tildan uchgan s oʻz gahi otash erur.
Urma sen toshni temirga bemahal,
Goh maqol aytib, gahi s oʻylab matal.
Ulki zolim qavmlar, k oʻz yumdilar,
S oʻz ila olamni ham yondirdilar.
Bir suxan olamni vayron aylagay,
Tulkini oʻrmonda sulton aylagay (22-bet).*

¹ Mavlono Jaloliddin Rumiy. Hikmatlar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – B.16 (Bu kitobdan olingan keyingi misollarda betini keltirish bilan cheklanamiz).

² Oʻzbek xalq maqollari. OʻXI. Koʻp tomlik. – Toshkent: Adabiyot va sanʼat, 1989. – B.67.

³ Shu kitob. – B.106.

Shoir tilni temirga, toshga mengzaydi va tildan uchgan soʻzni otashga qiyoslaydi. Tabiiy voqelikni eslang, tosh toshga urilsa, temir temirga yoki tosh temirga zarb bilan urilsa, uchqun chiqadi. Maʼlumki, uchqun sabab goho oʻrmonga oʻt ketadi. Mavlono hayotiy voqelikdan inson mohiyatini anglatishda foydalanadi. Bu mavlono Rumiy uslubiga xos doimiy jihatdir. Shoir maqol va mataldan purhikmat ifodanining ham aytilish oʻrni borligini taʼkidlaydi va Tilning unsuri soʻz boʻlsa, soʻzning yomoni shoir taʼbiri bilan aytganda, “olamni vayron aylagay”, eng yomoni, “Tulkini oʻrmonda sulton aylagay”. Shoir xalqning quyidagi maqoli va unga variantdosh oʻnlab maqollari mohiyatiga monand xulosa qiladi:

*Yaxshi soʻzga uchar qushlar el boʻlar,
Yomon soʻzga pashsha kuchi fil boʻlar¹.*

Mavlono nafaqat yaxshi soʻzning, balki yomon soʻzning ham taʼsir doirasi kengligini, yomon soʻz tulkini sher oʻrnida sulton qilishi mumkinligini aytib, insoniyat tarixidagi fojialar ildizi ham soʻzga aloqadorligini ifodalaydi.

Shoir “ikki burda non” “fikir otashini soʻndirishini” aytadi. Jismoniy toʻqlik maʼnaviy ochlikka boshlashiga ishora qiladi. “Soʻz toʻlqini loyqalanib oqsa” uni toʻsib tindirish lozimligini uqtiradi. Bu insoniyatga qilingan boqiy oʻgʻitdir.

*Sabr eltar orzuga, etma shitob,
Sabr qil vallohi aʼlam bis-savob...(29-bet)*

Shoir oʻz milohazalarini sabr haqidagi fikrlari bilan xulosalaydi, yaʼni har qanday noqulaylikning, qiyinchilikning yechimi sabrga bogʻliq deb biladi. Sabr haqida folklorida ham yetarli xulosalar bor:

*Sabr etgan yetar murodga,
Besabr qolar uyatga².*

Hazrat Rumiyning tafakkuri “Qurʼoni karim”, “Hadisi sharif” bilan bir qatorda folkloridan, jumladan, xalq maqollari mohiyatidan oʻziqlangani shoirning har bir satridan anglasilib turadi. Shoir goh maqoldan aynan foydalansa, goh maqolga monand misralar tizib, aforizmlar yaratadi. Bunday oʻrinlar “Masnaviyi maʼnaviy”da koʻp va ular asarning boyishiga, shoir xulosalarining kuchayishiga, asar kompozitsiyasining bir butun boʻlishiga, voqeliklarning dalillanishiga, ularning xalq koʻngliga chuqurroq kirib borishiga xizmat qilgan, ayni damda, oddiy folklorizmlarni yuzaga keltirgan.

¹ Oʻzbek xalq maqollari. OʻXI. Koʻp tomlik. – Toshkent: Adabiyot va sanʼat, 1989. – B.89.

² Shu kitob. – B.223.

“TOG'LAR QULAYOTGAN ZAMON (ABADIY QALLIQ)” ROMANIDA UMUMINSONIY FOJIALAR VA BADIY TALQIN

Annotatsiya: Ushbu maqolada Chingiz Aytmatovning “Tog'lar qulayotgan zamon” romanida umuminsoniy fojialarning badiiy talqini haqida fikr yuritilgan. Romanda globallashuv, ommaviy madaniyat hamda ekologik muammolar kabi umuminsoniy fojialar badiiy gavalantirilgan. Umuminsoniy fojialar, global muammolarning xususiyati shundaki, ular chegara, millat, vatan, sarhad bilmaydi. “Jahon fuqarosi” bo'lmish Aytmatov “Tog'lar qulayotgan zamon (Abadiy qalliq)” romanida ularni badiiy tasvirlaydi. Roman tabiat va jamiyat, moddiyat va ma'naviyat tengligi buzilganda ro'y beradigan fojialardan ogohlantiradi. Jumladan, Arsen Samanchin, Oydana Samarova, Ertosh Kurchal, Bektur og'a, Jaabars timsollari taqdirida mazkur muammolarning butun insoniyatga daxldorligi ochib berilgan.

Annotation: This article deals with the artistic interpretation of universal tragedies in Chingiz Aytmatov's novel “Tog'lar qulayotgan zamon”. The novel artistically embodies universal tragedies such as globalization, popular culture and environmental issues. Universal tragedies, a feature of global problems, are that they know no borders, no nation, no homeland. Aytmatov, a “citizen of the world”, describes them in his novel “Tog'lar qulayotgan zamon”. The novel warns of the tragedies that occur when the equality of nature and society, material and spiritual, is violated. In particular, in the case of Arsen Samanchin, Oydana Samarova, Ertosh Kurchal, Bektur aga, Jaabars, these problems are revealed to affect all mankind.

Аннотация: Статья посвящена художественной интерпретации вселенских трагедий в романе Чингиза Айтматова “Tog'lar qulayotgan zamon”. В романе художественно воплощены универсальные трагедии, такие как глобализация, популярная культура и проблемы окружающей среды. Универсальные трагедии, характерные для глобальных проблем, заключаются в том, что они не знают границ, нет нации, нет родины. Айтматов, «гражданин мира», описывает их в своем романе “Tog'lar qulayotgan zamon”. Роман предупреждает о трагедиях, которые происходят, когда нарушается равенство природы и общества, материального и духовного. В частности, в случае с Арсеном Саманчином, Ойданой Самаровой, Эртошем Курчалом, Бектур ага, Джабарсом раскрываются эти проблемы, затрагивающие все человечество.

Kalit so'zlar: umuminsoniy fojialar, badiiy talqin, globallashuv, ommaviy madaniyat, ekologik muammolar.

Key words: universal tragedies, artistic interpretation, globalization, popular culture and environmental issues.

Ключевые слова : художественной интерпретации, , универсальные трагедии, глобализация, популярная культура и проблемы.

Biz Chingiz Aytmatovni faylasuf va bashoratgo'y yozuvchi sifatida qadrlaymiz. Yozuvchi asarlari jamiyatning iqtisodiy-ijtimoiy, madaniy-ma'naviy hayoti taraqqiy etishi uchun xizmat qiladi. « Qiyomat», « Cassandra tamg'asi» (« Oxir-

zamon nishonalari»), “Tog’lar qulayotgan zamon (Abadiy qalliq)” kabi romanlari ham shular jumlasidan. Ularda bugun dolzarblik kasb etayotgan muammolar – narkomaniya va narkobiznes, giyohvandlik fojialari, ekologik muammolar, globallashuv hamda ommaviy madaniyatning salbiy oqibatlarini badiiy obrazlarda aks ettirilgan. Romanlarni o’qir ekanmiz, adibning sujet tanlash mahorati, uni ifodalashda turli usullardan mohirona foydalanganiga qoyil qolamiz. BMT ma’lumotlariga qaraganda, dunyoda Chingiz Aytmatov asarlari eng ko’p o’qiladi va juda ko’p tillarga tarjima qilinadi. Buning o’ziga xos sabablari bor. S.Umirov so’zi bilan aytganda “ Chingiz Aytmatov – jahon fuqarosi, Vatani – butun dunyo, millati – Inson”. Uning asarlari millat va sarhad tanlamay, butun insoniyat qalbidan munosib joy egallaydi.

Yana shunisi e’tiborliki, Aytmatov asarlarida barcha davrlar uchun xos bo’lgan umuminsoniy g’oya va xulosalar yashaydi. O’zbek adabiyotining yirik darg’alaridan biri G.Salomov adib ijodi haqida shunday deydi: “ Shunisi kishini lol qoldiradiki, u zamona ehtiyojlarini juda ziyraklik bilan payqaydi. Go’yo davr va xalq qalbiga quloq bosib turgan donishmand singari bo’lajak hodisalar haqida puxta “ badiiy prognoz” beradi”. Biz yuqorida nomini tilga olgan romanlar ham shunday xarakterga ega. Chingiz Aytmatov chindan insoniyat kelajagi haqida qayg’uruvchi, jamiyat taraqqiyotini ko’zlovchi, tinchlik va do’sstlikni ulug’lovchi buyuk adibdir.

Umuminsoniy fojialar, global muammolarning xususiyati shundaki, ular chegara, millat, vatan, sarhad bilmaydi. “Jahon fuqarosi” bo’lmish Aytmatov “ Tog’lar qulayotgan zamon (Abadiy qalliq)” romanida ularni badiiy pardalarda gavadlantiradi. Roman tabiat va jamiyat, moddiy va ma’naviyat tengligi buzilganda ro’y beradigan fojialardan ogohlantiradi. Mazkur fojialarni 2 ga bo’lib tahlil qilish mumkin:

1. Globallashuv jarayonida o’z milliy qadriyatlarni unutmaslik masalasi
2. Ekologik muammo va tabiatni asrash masalasi

Har ikkala muammo ham haqiqatdan umuminsoniyatga daxldorligi bilan ajralib turadi.

“Abadiy qalliq” da globallashuv, ommaviy madaniyat, ular oqibatida ma’naviy olamning yemirilishi, milliy urf-odat, an’ana va qadriyatlarning unutilishi haqida hikoya qilinadi. Fransuz tadqiqotchisi Bendi: “Globallashuv muttasil davom etib turadigan tarixiy jarayon bo’lib, milliy chegaralarning “yuvilib ketishi” bilan ifodalanadi”, – degan edi. Demak, bu jarayondan hech kim chetda qolmaydi. Yozuvchi globallashuv tasvirini katta masshtabdan kichik masshtabga tomon yo’naltiradi. Dastlab uning taraqqiylashgan shaharlardagi fojialarini, so’ng Qirg’izistonning chekka bir ovulidagi oqibatlarini ko’rsatadi. Oydana Samarova obrazi orqali ommaviy madaniyatning iste’dodga fojiviy ta’sir ko’rsatishi mumkinligini ochib beradi. U juda iste’dodli xonanda edi. Qirg’iz operasini kuylash, jahon sahnalariga olib chiqish qo’lidan kelardi. Xaydelbergdagi gastrolida Arsen bilan “ Mangu qayliq”ni sahnalashtirish rejasini tuzishdi. Oydana mangu qayliq haqidagi afsonani tinglarkan, uni xuddi yonidagidek his etdi. Biroq “ shou-biznesning farroshlari, o’sha pop-modernizmdan chiqqan to’p yasovchi chista-yu chaqqonlar”dan biri Ertosh Kurchal uni yo’ldan urdi. Endi Oydana pop-rok mu-

siqa olamiga kirib kelib, millionlar olqishiga sazovor bo'ldi: " Stadion esa hamon qaynab toshar, rok-konsert zarblarida bir ovozdin hayqirardi: " Oy-da-na! Oy-da-na!"¹. Arsen Samanchin esa "U qizga qarab, hoy yaltir-yulturga botgan iloha, hushingni yig'ishtir, nahotki sen mangu qaylig'ni hali u sahnada seni qiyofangda tug'ilmasdan burun o'ldirgan bo'lsang", – deyishni xohlardi. Endi kim kuylaydi " Mangu qayliq "ni:

Oyga, qalbga ont ichdik sevgimiz uchun...

Qaydan seni topayin, jonim sayyodim?

Tog'lar aslo yorilmasmi?

Bulut ko'kda qorilmasmi?

Kun darani yoritmasmi?

Ohu yo'lim ko'rsatmasmi?

Qaydasan, qaydasan, qaysi tog'dasan?

Qaydasan, qaydasan, izlayman seni...

Milliy-ma'naviy qadriyatlarni ulug'lovchi Arsen Samanchin iztirobda. U milliy teatr, milliy opera, milliy musiqa unutilishidan qayg'uda: " Shunda u yer yuzidagi umum mass-medianing tilidan tushmaydigan ommaviy madaniyatni ifodalash uchun yangi bir so'z topdi – uni ulgurji tovar, ulgurji molga mos ravishda ulgurji madaniyat deb atadi"². Arsen o'zining Oydanadan, Oydanani " Mangu qayliqdan" ajralishiga sabab " shoumen-tomoshabin to'nidagi shayton" – Ertosh Kurchal deb o'ylardi. Aslida hammasi hokimiyat, shon-shuhratga intilish oqibati. Arsen Kurchal timsolida mol-dunyoga o'chligi sabab milliy madaniyatni unutayotgan kishini ko'radi.

Demak, romanda ommaviy madaniyat niqobi ostida milliy urf-odat, milliy musiqa va milliy madaniyatga putur yetkazmaslik g'oyasi Arsen Samanchin, Oy-dana Samarova va Ertosh Kurchal obrazlari qismatida badiiy aks ettirilgan.

Barcha asarlarida bo'lgani singari tabiat va inson, ekologiya, uni asrash muammosi ham mazkur asarning markazida. Diqqat bilan adib romanlarini tahlil qilgan ekanmiz, ularda tasvirlangan geografik joylar e'tiborimizni tortdi. "Asrga ta'tigulik kun"da inson orzu-havas bilan umr kechirishi mushkul bo'lgan Sario'zak cho'li, "Qiyomatda" ham Mo'yinqum cho'li yoki serviqor Olamo'ngu tog'lari, "Tog'lar qulayotgan zamon" asarida tog'li hudud Tuyuq Jar, Uzangilash dovoni asosiy voqealar sodir bo'ladigan hududlardir. E'tibor berilsa, bu joylar inson qaromog'iga muhtoj, asrash, qo'rg'ash zarur bo'lgan makonlardir. Demak, Chingiz Aytmatov nafaqat jamiyat haqida, ona tabiat haqida ham qayg'uradi, uning ne'matlaridan oqilona foydalanib, e'zozlash lozimligini uqtiradi.

Ekologik muammo deganda insonning tabiatga ko'rsatayotgan ta'siri bilan bog'liq holda tabiatning insonga aks ta'siri, ya'ni uning iqtisodiyotiga, hayotida xo'jalik ahamiyatiga molik bo'lgan jarayonlar, tabiiy hodisalar bilan bog'liq (stixiyali talofatlar, iqlimning o'zgarishi, hayvonlarning yalpi ko'chib ketishi va boshqalar) har qanday hodisa tushuniladi¹.

¹ Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон. – Т.: Вектор-пресс, 2009 йил. – 58-б.

² Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон. – Т.: Вектор-пресс, 2009 йил. – 54-б.

Asarda tabiat muammolari, ekologik madaniyat Bektur og'a, Arab neft magnatlari – Hasan va Misir kabi boy oligarxlar timsolida tasvirlangan. Bektur og'a ov biznesi bilan shug'ullangandan beri omadi yurishgan. Qora jipda yuradi, haydovchisi ham bor. Buning ustiga qor barslari ovi uchun kelayotgan arab sayyohlaridan ham umidi katta. Shahardan jiyani Arsenni tarjimonlik qilish uchun chaqirib oldi: "Har bir tarjimon ham tog'larda o'rmalab yurishga qodir emas, sen esa buning poy havosini olgansan. Urug'imizdagi yigitlarning bari chaptast, chayir bo'lishgan, Xudo qo'llasin..."¹. Ammo Bektur og'a o'z manfaatini ko'zlab, tabiatga zarar keltirayotgani haqida o'ylamadi. "Shunisi ham borki, qor qoploniday zo'r hayvonlar dunyoda boshqa hech yerda qolmagan, Yaqin Sharqni-ku aytib o'tirmasa ham bo'ladi, ular bu yerlarning jazirama issig'ida yasholmaydi, ularning vatani yuksak osmono'par tog'lar, bu yerlarda yoz doim sarin salqin, qishi esa qahraton sovuq, shuning uchun ham qor qoplonlari – ilvirlarning mo'ynasi beqiyos chiroyli, har bir tuki oltin bahosiga teng..."².

Qor barslari savdosida Arsen vositachi bo'lishi kerak edi. Shunday bo'lsa-da, u o'z e'tiqodi va ideallariga sodiq qoldi. Toshafg'onning ham, amakisining ham qilmishlariga sherik bo'lmadi. Bunga hayoti bilan badal to'lashini bilgan Arsen Samanchin Tuyuq Jarliklarning rejalarini buzdi, tog' barslari biznesini barbod qildi. U vijdoni buyurgan ishni qildi: "U ingliz, rus va qirg'iz tillarida qahr va shiddat to'la ovozi bilan qichqirardi:

– Eshitinglar, eshitinglar! Buyruq! xorijdan kelgan ovchilar! Megafon uning ovozi bir necha bor kuchaytirib tog'lar uzra yangratib yoyardi. – Sizga ming la'nat! Qoplonlardan qo'lingni tort! Darhol bu yerdan ketinglar! Hayvonlarni qirishga yo'l qo'ymaymiz! Hey, hey, Dubayga jo'na, Quvaytga ket! Muqaddas tog'larni oyoq osti qilma! Tuyuqlaringni shiqillat! Tez daf bo'linglar! Aks, holda o'ldirilasiz! Hammangizni otib tashlayman!"³

Arsen Samanchin tabiatni asrab qoldi.

Tahlildan ko'rinadiki, tabiat va jamiyat o'rtasida muvozanat bo'lmog'i, inson o'z manfaatlari yo'lida unga ziyon yetkazmasligi romanda markaziy qahramonlar taqdiri misolida badiiy gavdalan tirilgan. Adib biz tahlil qilgan romani yechimiga chuqur ma'no yuklaydi. Yechimning fojiviy yakuni insoniyatni ogohlantirish, to'g'ri yo'l ko'rsatish uchun xizmat qiladi. Bu romanni ogohlikka chaqiruv, da'vat va poetik aybnoma sifatida qabul qilmoq lozim.

¹ Айтматов Ч. Тоғлар кулаётган замон. – Т.: Вектор-пресс, 2009 йил. – 197- б.

² Айтматов Ч. Тоғлар кулаётган замон. – Т.: Вектор-пресс, 2009 йил. – 89- б.

³ Айтматов Ч. Тоғлар кулаётган замон. – Т.: Вектор-пресс, 2009 йил. – 248- б.

CHO'LPON "SHOHNOMA"NING TURKCHA TARJIMASI" VA "UVAYSIY" MAQOLALARI

Anatatsiya: Maqolada Cho'lponning adabiy-tanqidiy merosi va ulug' adib shaxsiyatining turli qirralari, madaniy saviyasi, e'tiqodi va dunyo-qarashini o'rganish, ijtimoiy hayotning muhim jihatlariga uning munosabatini aniqlash, ijodiy biografiasining ba'zi nuqtalarini yoritib berishga harakat qilingan. Shu maqsadda ijodkorning ba'zi maqolalari tahlilga tortilgan.

Анотация: В статье предпринята попытка изучить литературно-критическое наследие Чулпона и различные аспекты личности великого писателя, культурный уровень, верования и мировоззрение, определить его отношение к важным сторонам общественной жизни, выделить некоторые моменты его творческой биографии. Для этого анализируются некоторые авторские статьи.

Anatation: The article seeks to study the literary-critical heritage of Cholpon and various aspects of the great writer's personality, cultural level, beliefs and worldview, to determine his attitude to important aspects of social life, to highlight some points of his creative biography. . For this purpose, some of the author's articles are analyzed.

Kalit so'zlar: Tarjima, maqola, fors-tojik adabiyoti, Shohnoma, Firdavsiy, qo'lyozma, Qo'qon, Uvaysiy

Ключевые слова: перевод, статья, персидско-таджикская литература, Шахнаме, Фирдавси, рукопись, Коканд, Увайси.

Key words: Translation, article, Persian-Tajik literature, Shohnoma, Firdavsi, manuscript, Kokand, Uvaysi

Cho'lpon ham nazmda, ham nasrda birdek qalam tebratgan o'z davrining yirik adiblaridan hisoblanadi. Cho'lpon kuchli-kuchli tanqidiy, keskin fikrlarni, g'oyalarni ayta olgan o'ta adolatparvar inson. U nuqtadon olim sifatida nafaqat yozuvchi yoki shoir, balki bilimdon adabiyotshunos sifatida ham faoliyat yuritgan. Surxondaryolik yosh cho'lponshunos N. Yo'ldoshev Cho'lpon hayoti va ijodiga doir bibliografiya e'lon qilib, shoirning 1914-1937-yillar mobaynida chop etilgan adabiy-tanqidiy maqolalari hozircha 63 ta ekanligini qayd etadi.

Cho'lpon favqulotda iqtidor egasi. U o'z davrining hech qaysi masalasiga befarq qaramagan. Cho'lponning **"Shohnoma"ning turkcha tarjimasi** maqolasi "Maorif va o'qituvchi" jurnalining 1925-yil 5-6-qi'smi sonida bosilgan. U paytda Cho'lpon 27 yoshda edi. Sarlavhaning o'zidanoq ko'rinib turibdiki, maqola tarjimaga bag'ishlangan.

Fors-tojik adabiyotining otasi bo'lgan ulug' Firdavsiy yagona asari ya'ni "Shohnoma"si bilan butun dunyoga tanildi. Ko'pgina Yevropa tillariga nazm va nasrda tarjima qilinib Firdavsiyning shuhratini ko'klarga ko'targan mana shu "Shohnoma"dir. Ammo bu buyuk asarning mukammal tarjimasi yo'qligi to'g'risida Cho'lpon shunday yozadi: "...taassuflar bo'lsinkin biz, shu choqqacha Firdavsiyning u ulug' asarini turk shevalarining hech bittasida-tugal va nazm bilan

tarjima qiling'on holda-ko'ra olmadiq". O'sha paytda 10-15 yillar ilgari Toshkent shahrida o'zbekcha nasrda bosilgan tarjimasi bor edi. Lekin u faqat moddiy manfaat yuzasidan tarjima qilingan. Bu tarjima haqida Cho'lpon: "Tosh bosmada bosilg'on u tarjima hali ham mehmonxonalarimizni obod qilib turadir" deydi.

O'zbek shevasi va boshqa turk shevalarida nazm bilan tugal tarjima qilingani bizga ma'lum emas. Faqat Ozarbayjon shevasida mashhur Sobir tomonidan tajriba shaklida nimadir boshlangan bo'lsa ham, uning bemahal o'limi tufayli tugal-lanmay qolgan edi.

Cho'lpon nazarda tutgan "mashhur Sobir" tarjimasi haqida ma'lumotga ega emasmiz. Ozarbayjon tiliga Rashid Afandizoda tomonidan 1906-yilda tarjima qilingan "Rustam va Suhrob" dostoni shu dostonning nazmiy tarjimasi esa 1908-yilda Abbos G'oirov tomonidan amalga oshiriladi va Tblisdagi "G'ayrat" bosmaxonasida chop etiladi. "Mulla Nasriddin" jurnalining avvalgi rassomi "Ro'tter" tomonidan bu tarjimaga ikkita surat ham chizdirib berilgan. Bu tarjima xususida Cho'lpon shunday yozadi: "O'sha vaqtlarda fors va rus adabiyotlaridan xabardor bir kishiga haligi tarjimani ko'rsatib fikrini so'raganimda - "bu tarjimadan ko'ra, rus shoiri Jukovskiy tomonidan qilingan tarjima yaxshiroq, lekin "Ro'tter"ning tortqon rasmi ularning ikkovidan ham yaxshiroq", degan edi".

Mashhur rus shoiri Jukovskiy "Rustam va Suhrob" dostonini nemis tilidan tarjima qilgan. Garchi tarjima vositachi til orqali amalga oshirilgan bo'lsa-da, rus kitobxonlari o'tgan asrning o'rtalaridayoq bu doston syujeti bilan tanishgan.

Shundan keyin Cho'lpon xususiy bir ish bilan Marg'ilon shahriga boradi va oddiy tasodif bilan "Shohnoma"ning nazmiy tarjimasiga duch keladi.

Tarjima qo'l yozma - eski nusxalardan. "Muhammadiya" kitobining tilida. Boshdan oxirigacha nazm bilan yozilib, hikoyalarning sarlavhalari xuddi "Shohnoma"ning o'zidagi kabi - nasr bilan yozilgan. Tarjima tarjimonning o'z qo'li bilan yozilganmi yoki asl nusxasidan ko'chirilganmi - bu to'g'rida hech qanday ma'lumot yo'q. Faqat shunisi aniqki, tarjimaning shu nusxasi 2-3 kotibning qo'lidan chiqqan. Yarimlarigacha puxta va pishiq, lekin o'qilishi juda tushunarsiz xat bilan yozilgan. Qolgan yarmi ya'ni nazm qismi boshqa bir kotib tomonidan xomroq ko'chirilgan. Oxirida "Hikoya dar xotimai kitobi" sarlavhasi bilan Sul-ton Mahmud G'aznaviy to'g'risida bir hikoya boshlanadi. Bu hikoya tugallanmay qoladi va undan hech narsa tushunib bo'lmaydi. Ayniqsa, oxirgi misralari shosh-qaloqlik bilan yozilgan.

Endi tarjimaning qachon va kim tomonidan qilinganligiga kelsak. Bu haqida hech qayerda raqamlar bilan aniq ko'rsatilmagan. Lekin 906 - hijriyda Misrdagi Cherkas xonlaridan "G'uriy Qonsuxon" zamonida bo'lganligiga ishoratlar bor:

*To'qquz yuz olti yil hijratdan ey jon,
Erishmishdiki, G'uriy Sul-ton
"Jahon Sul-toni G'uriy Qonsuxon,
zamoning ayini ichra o'ldi inson".*

Shavvol oyi - hijriy hisobidagi o'ninchi, ya'ni, Ramazoni sharifdan keying oy deyilganiga sabab mana bu misra:

*Nahoroyid shavvol avvalindan,
Muborak o'ldi bu fol avvalindan.*

Tarjimon "Cherkas xonlari" dan bir nechtasini bitta-bitta hikoya qilib beradi. Oxirida zolim bir xondan gap ochib, unga salbiy munosabat bildiradi. U xon "Malik Odil" degan kishi bo'lib, Jonpo'latni o'ldiradi. Xalq u xonning zulmidan ko'p faryod chekgan va xalqning nolalari xudoga yetib, Malik Odilning o'rniga G'uriy Qonsuxon o'tirgan. Tarjimonga mana shu G'uriy Qonsuxon "Shohnoma" ni "turkcha qil!" deb buyurgan.

"Cherkas xonlari" – mamluklar dinastiyasining sultonlari cherkaz sarbozlarining avlodlari sanaladi. Malik Odil, Jonpo'latlar shu sultonlardan bo'lsa kerak.

Bu tarjimada tarjimon G'uriy Qonsuxonga madhiyalar yozadi. G'uriy Qonsuxonga saroy shoirlariga xos "laganbardorlik" bilan nasihat ham qiladi.

Ommaviy aloqa psixologiyasining mutaxassisi, amerikalik olim Richard Xarris ta’biri bilan aytganda, “ishontirishga mo‘ljallangan aloqa turi” bo‘lgan reklamalarda uslubiy figuralardan ta’sir etish va mahsulot haqidagi axborotning osonlik bilan yodda saqlab qolinishi uchun muhim vosita sifatida foydalaniladi. Kuza-tishlar tibbiy mahsulot reklamalarida bu kabi vositalarning salmoqli o‘rin egalaganligini ko‘rsatadi.

Aminova AMIRA,

Buxoro davlat universiteti

Lingvistika (o‘zbek tili) mutaxassisligi II bosqich magistranti

(O‘zbekiston)

LINGVOKULTUROLOGIK KONSEPTLAR XUSUSIDA

Annotatsiya: Maqolada lingvokulturologik konseptni o‘rganishga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqotlar tahlili keltirilgan. Jumladan, «труд» (mehnat), Любовь (sevgi), здоровье (sog‘lomlik), “human” (“inson”) va boshqa konseptlar yuzasidan olib borilgan tadqiqotlarning natijalari yoritilgan.

Annotation: The article provides an analysis of scientific research on the study of the concept of linguoculturology. In particular, the results of research on the concepts of “labor”, the concept of “love”, the concept of “health”, the concept of “human” and others.

Аннотация: В статье представлен анализ научных исследований по изучению концепции лингвокультурологии. В частности, результаты исследования концепт «труд», концепт «любовь», концепт «здоровье», концепт «человек».

Kalit so‘zlar: lingvokulturologik konsept, olamning lisoniy manzarasi, «труд» (mehnat) konsepti, Любовь (sevgi) konsepti, здоровье (sog‘lomlik) konsepti, “human” (“inson”) konsepti.

Key words: lingvo-kulturologic concept, linguistic view of the world, the concept of “labor”, the concept of “love”, the concept of “health”, the concept of “human”.

Ключевые слова: лингвокультурологический концепт, языковая картина мира, концепт «труд», концепт «любовь», концепт «здоровье», концепт «человек».

So'ngi vaqtlarda o'zbek tilshunosligida konseptni o'rganishga bag'ishlangan ilmiy tadqiqotlar soni o'sib bormoqda. Chunki zamonaviy tilshunoslikda konsept tabiatini tadqiq qilish birinchi darajali muhim rol o'ynaydi. Lingvo-kulturologik konsept hamda olamning lisoniy manzarasi tushunchalari doirasida bajarilgan dissertatsiyalarda fanning nazariy asoslari qatorida inson his-tuyg'usi, kechinmalari, axloqi, yoshi va faoliyati bilan bog'liq masalalar tahlil qilingan. Tilshunoslar konseptning milliy-madaniy jihatiga ham e'tibor qaratishgan.

Tilshunos Y.S.Stepanov fikricha, konsept inson ongidagi madaniyat bo'lagi, bunday holatda konsept insoniyat olamini mental birligi bo'lib madaniyatga kirgan. Konsept oddiy inson qiyofasida madaniy qadriyat yaratadi va madaniyatga kirib, ba'zi vaqtda madaniyatga ta'sir ko'rsatadi¹.

L.V. Basova «труд» (mehnat) konseptini rus tilidagi maqol va matallar misolida o'rgangan. U ikkinchi bobda “mehnat” konseptini rus tilidagi leksikografik manbalarga ko'ra tayanib aks ettirishda leksik vositalarning alohida o'rni mavjudligini qayd etadi. Shu o'rinda “mehnat”, “ish”, “biznes”, “kasb”, “faoliyat” so'zlarining ma'nosini va tarkibiy qismini etimologik, lug'aviy, sinonimik, antonimik kabi lug'atlarga tayanib tushuntirib bergan. Tadqiqotchi dissertatsiyaning uchinchi bobini “mehnat” konseptining rus maqollarida namoyon bo'lishi masalasiga bag'ishlagan. L.V.Basova mehnatning inson hayotidagi ahamiyati va o'rnini quyidagicha belgilaydi: “Mehnat bu insonning hayoti, borligi”, “mehnat inson hayotida doimo mavjud”, “mehnat zaruriyat”, “ishga to'liq javobgarlik bilan munosabatda bo'lish kerak”, “mehnatni dam olish bilan almashtirish kerak”, “dam olishdan ko'ra mehnat qilishni afzal ko'rish kerak”, “inson iloji boricha ko'proq mehnat qilishi kerak”, “biror ishni bajarishga shoshilmaslik kerak”. Bundan tashqari, mehnatning jarayon sifatidagi xususiyatlari, insonning kelgusi hayotida mehnat natijalarining roli hamda mehnat qilish darajasiga ko'ra insonlarning xulq-atvorlarini alohida-alohida semantik guruhlarga bo'lib chiqib, har bir guruhga rus xalq maqollaridan misollar keltiradi².

L.V.Rusinova Любовь (sevgi) konseptini V.Tokarevoy, L.Uliso'y va N.Gorlanovoy asarlari misolida tahlil qilgan. Olima tadqiqot ishining oldiga qo'yilgan vazifalarni hal qilish uchun lingvokulturologik yondashuvni tanlagan. Shuni ta'kidlash kerakki, u avvalombor, boshqa yo'nalishlarning xususiyatlarini tahlil qilib chiqqan. Dissertatsiyaning asosiy maqsadlaridan biri “sevgi” konseptini qamrab olgan lingvistik asarlarni tahlil qilishdan iborat³.

Szyan Shanning magistrlik dissertatsiyasida здоровье (sog'lomlik) konsepti mazmunini tashkil etadigan kognitiv xususiyatlarini qiyosiy tahlil qilish xitoy va rus paremiyalarining materiallari asosida amalga oshirilgan. “Salomatlik” konseptining umumiy tuzilishi rus va xitoy leksikografik lug'atlaridan olingan manbalar asosida tuzilgan. Leksikografik manbalarga ko'ra, bu konseptning yadro belgisi-organizmning holati, bu inson organlarining ekzistensial holatining belgisi bilan chambarchas bog'liq. Rus va xitoy tillaridagi salomatlik, ruslar va xi-

¹ Степанов Ю.С. Французская стилистика. – М.: Высшая школа, 1965. – С. 120.

² Басова Л.В. Концепт ТРУД в русском языке (на материале пословиц и поговорок): Автореф. дисс. ... канд. филолог.наук: Спец. 10.02.01 - Тюмень: Изд-во ТюмГУ, 2004. – 19 с.

³ Русина Л.В.. Концепт любовь в современной женской прозе (на материале текстов в. Токаревой, Л. Улицкой и н. Горлановой) : Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2012. – 32 с.

toylarning lingvistik ongi aksiologik ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlarining eng yuqori - hayotiy darajasini aks ettiruvchi tushuncha ekanligi tadqiqotchilardan ta'kidlangan¹.

S.M.Uskinova "human" ("inson") konseptini lingvo-kulturologik jihatdan tahlil qilib, konseptni lingvo-kulturologik tomondan tahlil qilish masalasiga to'xtalib, konseptual tahlilning asosi sifatida konseptni keltiradi. Konseptni lingvokulturologik aspektida o'rganish va asosiy e'tiborni "inson" konsepti kiruvchi matallari bilan, ularda namoyon bo'luvchi birliklar tahliliga qaratgan. Olima til birliklari deb atalgan tushunchalarni milliy til madaniyati elementlari sifatida milliy qadriyatlar va ushbu madaniyatning milliy xususiyatlari bilan o'zaro bog'liqligini o'rganish, "tildan madaniyatga" yo'nalishida konseptlarni tahlil qilish lingvokulturologik konseptik tahlil hisoblanishini yozadi. U maqol ishtirok etgan matnlardagi "inson" konseptini ifodalagan birliklarni tahlilga tortgan. Tadqiqotchining fikriga ko'ra, "Inson" konseptosferasi quyidagilarni qamrab oladi: xulq-atvorni baholash, ijtimoiy mavqe, aql va idrok, vaqtinchalik holat va mavqe, jismoniy holat va tashqi ko'rinish, hissiyot va psixologiya, harakatning faoliyati va tabiati, oilaviy aloqalar, oila².

Hozirgi antroposentrik fanlar kesimida juda ko'p falsafiy, milliy-mental, ilmiy-maishiy, ijtimoiy-siyosiy tushunchalar konsept sifatida tadqiq qilinmoqda. Jumladan, dunyo tilshunosligida "ayol" konsepti va u bilan bog'liq ko'plab assotsiativ tushunchalar o'rganilgan. Masalan, F.B.Muxitdinova fransuz lingvo-madaniyatshunosligida, V.V.Vasyuk va Y.V.Belik ingliz lingvo-madaniyatida, L.V.Adonina rus madaniyatshunosligida "Ayol" konsepti bilan bog'liq tadqiqotlarni amalga oshirganlar³. Bundan tashqari, M.A.Andreyanova "Onalik" konseptosferasi doirasida, O.A.Chibisheva, N.A.Paskova kabi tilshunoslilar "Ayol" konsepti doirasida tadqiqotlarini amalga oshirganlar. Moskva davlat universitetida "Muhabbat" konsepti doirasida qilingan tadqiqot ham diqqatga sazovor (tadqiqotchilarning nomi ko'rsatilmagan)⁴.

Bundan tashqari, "jasorat" konseptining tahlili rus va ingliz tillari borasida olib borilgan⁵. Shu o'rinda aytish lozimki, rus, ingliz va amerikaliklar lingvomadaniyatiga xos bo'lgan konseptlarni o'rganish natijasida vujudga kelgan tadqiqotlarning aksariyati rus lingvokulturologiyasi bilan qiyosiy tahlil qilingan bo'lsa, qolganlari shu xalq madaniyati doirasida o'rganilgan.

¹ Цзян Шань. Концепт здоровье в русских и китайских паремиях. – Екатеринбург, 2015. – 84 с.

² Ускинова С.М. Лингвокультурологический анализ концепта «human» в языковой картине мира. – Нукус, 2015. – 55 с.

³ Мухитдинова Ф.Б. Концепт «Женщина» во французском языковом сознании (на материале афористики): автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 21 с. // Васюк В.В. Концепт «женщина» в статике и динамике фразеологии английского языка: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2002. – 24 с. // Адонина Л.В. Концепт «женщина» в русском языковом сознании: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж: 2007. – 23 с. // Белик Е.В. Лингво-культурологические особенности лексики и фразеологии современного английского языка (на материале лингвокультурологического поля «мужчина и женщина»): автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – 23 с.

⁴ Yandashova T. O'zbek tilida "go'zallik" konsepti. Til va adabiyot tadqiqotlari I (O'zbekiston respublikasining Turkiya kengashiga a'zo bo'lganiga bag'ishlanadi). – Karabuk, 2020. –B. 364

⁵ Пешкова Т.А., Кулибаба А.В. Понятие оценки в паремиях русского и английского языков, презентующих концепт «смелость». <https://articlekz.com/article/13376>

Qardosh xalqlarimiz tilshunosligida ham konseptlarning lingvokulturologik yondashuv asosidagi tahlilini qamrab olgan ilmiy izlanishlar talaygina. Xususan, “Yurak” konseptining qozoq tilidagi tahlili Umatova Janna tomonidan amalga oshirilgan¹. G.Kidirbayeva “adam/man” (“odam”) konseptini qoraqalpoq va ingliz tilidagi materiallar asosida o’rgangan. “Adam/man” konseptosferasining lingvokulturologik va lingvo-kognitiv xususiyatlarini ochib berishga harakat qilgan².

G.J.Abdurazzoqova o’zbek tilidagi non, osh, tuz konseptlarini ifodalovchi frazeologik va paremiologik birliklarni lingvokulturologik jihatdan tadqiq qilgan. Non, osh, tuz uzvli frazeologizm va paremiyalarni lug’aviy-ma’noviy (semantik), uslubiy-badiiy xususiyatlarini ochib bergan. Uning fikricha, Non, osh, tuz boshqa xalqlar kabi o’zbek xalqining qadimiy, azaliy va bardavom yashovchan kundalik, milliy qadriyatlar bilan bog’liqligi bois ular asosida shakllangan barqaror lisoniy birliklar mazmunan hamda mohiyatan umumiylik kasb etadi va non, osh, tuz xalqning yashash tarziga xos milliy qadriyatlarini ifodalovchi lingvomadaniy triadadir³.

Insonning his-tuyg’ulari uning buguni va kelajagiga ta’sir ko’rsatadi. Bu his-tuyg’ular faqatgina adabiyotshunoslar nazarida emas, balki tilshunoslarning ham tadqiq obyektlaridan biriga aylanishga ulgurgan. Xususan, insondagi “baxt”, “qayg’u”, “qo’rquv”, “g’azab” va boshqa hislar lingvokulturologik konsept sifatida qaralib tahlil qilingan. O’zbek tilshunosligida ham inson his-tuyg’ulari, ularni ifodalovchi birliklar, bu birliklarning konseptual tahlili amalga oshirilgan. T.Mardiyev inson tuyg’ulari ifodalanishi konseptual tahlilini ingliz va o’zbek tillarida qiyosiy o’rgangan⁴. Doktorlik dissertatsiyasida “baxt” konseptining ham lingvomadaniy tahlilini keltirish jarayonida avvalo, konsept atamasining qo’llanilishi, mohiyati borasidagi fikrlarni bayon etgach, ingliz (“happiness”) va o’zbek tillaridagi “baxt” konseptining ma’nolariga to’xtalib o’tadi. Ingliz va o’zbek lingvomadaniyatida *Ī* baxt konsepti farqlanishida madaniy, axloqiy jihatlari muhim ahamiyat kasb etishi, bundan tashqari tarixiy tajribaga asoslangan hamda ushbu xalqlarning hayotidagi, turmushidagi psixologik va mental holatlarini ham aks ettirishini yozarkan, o’zbek madaniyatida *Ī* baxt konsepti ko’proq jamoaviy, ya’ni qon-qarindoshchilik, mahalla-qo’shnihilik munosabatlari bilan ham bevosita aloqador sanalsa, ingliz madaniyatida bu individual ko’rinishga ega bo’lishini alohida ta’kidlab o’tadi. Konseptning ingliz tilidagi xususiyatini ochib berish jarayonida shunday yozadi: “Xususan, ingliz tilidagi *Ī* happy so’zi ma’lum vaziyatda rohatlanish konseptiga ham yaqinroq xususiyatni kasb etadi. Bu o’z navbatida *Ī* yoshlik, *Ī* rohat, *Ī* zavq kabi ijtimoiy ko’rinishlarni ham ifoda etadi. Shuningdek, ushbu *Ī* happy so’zi ingliz va amerika madaniyatida ijobiy munosabat, niyat bildirish, tilaklarni ifoda etuvchi vositalardan biri bo’lib ham xizmat

¹ Уматова Ж. М. Концепты душа/жан как лингвокультурологический феномен. Дисс. ... канд. филол. наук. – Алматы, 2005

² Қодырбаева Г. Қ. Лингвокультурологические и лингвокогнитивные характеристики единиц концептосферы «Ман/Адам» (на материале английского и каракалпакского языков).

³ Abdurazzoqova G.J. O’zbek tilida non, osh, tuz konseptlarini ifodalovchi frazeologik va paremiologik birliklarning lingvokulturologik tadqiqi. –Namangan, 2018. –B.100

⁴ Мардиев Т. К. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйгулари ифодаланишининг концептуал тахлили. –Тошкент, 2016.

qiladi”¹. Olimning “Baxt tuyg’usini ifodalovchi konseptning ingliz va o‘zbek tillarida verballashuvi” maqolasida “baxt” konseptining ingliz va o‘zbek tillarida badiiy asarlari, maqol va paremiologik lug’atlarida verballashuvi hamda “baxt” tushunchasining ijtimoiy hayotdagi barcha jabhalarga uzviy bog‘liqligi namoyon bo‘ladi². O‘zbek tilshunoligida “do‘stlik” konseptining o‘zbek va ingliz tillari materialida chog‘ishtirib tahlil qilishga bag‘ishlangan ishlarga ham ko‘zimiz tushadi. Bu kabi ishlarda o‘zbek va ingliz tillaridagi “do‘stlik” konseptining komponentlari o‘rtasidagi o‘xshash va o‘ziga xos jihatlari tahlil qilingan³.

Emotsiyalar lingvistlar, psixolingvistlar tadqiqot obyekti bo‘lib, turli sathlarda o‘rganilib, turlicha tasniflarda ko‘rib chiqilmoqda. Xususan, A.Vejbitsikaya emotsiyani to‘rtta asosiy turga ajratadi: qo‘rquv, g‘azab, g‘am va qoniqish hosil qilish. Muallifning ta’kidlashicha, mazkur fiziologik emotsiyalar barcha madaniyatlariga mansub bo‘lib, shaxsning erta yoshligidayoq ko‘zga ko‘rina boshlaydi va shuningdek ushbu emotsiyalar hayvonlarda ham uchraydi. Sanab o‘tilgan emotsiyalardan “qo‘rquv” barcha yosh, madaniyat va hatto hayvonlarga xos hisoblanadi. B.Odilov va S.Usmonov o‘z maqolasida “Qo‘rquv” konseptining ingliz tilida ifodalanishiga e’tibor qaratgan. Ingliz tilidagi “qo‘rquv” “fear” konseptining ot, sifat va fe’llar orqali verbalizatsiyasi “fear” konseptining o‘ziga xos sakkizta konseptual va semantik guruhlarini tashkil etishini qayd etadi. Mualliflar fikriga ko‘ra, ingliz tilidagi kabi o‘zbek tilida ham “qo‘rquv” konseptini ifodalovchi bir qanchi til birliklari mavjud bo‘lib, ular nafaqat “qo‘rquv”ning subyektiv, obyektiv, instinktiv, refleksiv jihatlari, balki qo‘rquvning darajasi, temporalligi kabi semantik ma’nolarni ifodalovchi til birliklari, “qo‘rquv” bilan bog‘liq kauzatsiyaning ma’lum ma’noda morfologik shakllanganligi bilan ham izohlanadi. O‘zbek tilida “qo‘rquv” emotsiyani anglatuvchi vahima, qo‘rqinch, xavotir, dahshat, taxlika, sarosima va boshqa shu kabi otlarda qo‘rqmoq, dahshatlanmoq, cho‘chimoq, esankiramoq, tahlikaga tushmoq, sarosimaga tushmoq, yuragi taka-puka bo‘lmoq, seskanmoq, xavotirga tushmoq, vahimaga tushmoq va hakozi fe’l, fe’li birikmalar va frazeologik birliklarda aks etadi⁴.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, konseptga lingvokulturologik jihatdan yondashuv tilshunoslikda ancha rivojlangan. Xalqning milliy o‘ziga xosligini ifodalovchi, uning madaniyatini aks ettirishga xizmat qiluvchi konseptlarning mavjudligi ham lingvokulturologik konseptning tadqiq etilishiga turtki bo‘lmoqda.

¹ Мардиев Т.К. “Бaxt” концептининг лингвомаданий ва семантик талкини (инглиз ва ўзбек тиллари киёсида). Хорижий филология. – №4, 2016. – Б.36-43.

² Mardiyev T.K. Baxt tuyg’usini ifodalovchi konseptning ingliz va o‘zbek tillarida verballashuvi. Ilmiy axborotnoma filologiya 2016-yil. 4-son.101-104-b.

³ Hamidova N. O‘zbek va ingliz tillarida “Do‘stlik” konsepti // Til va adabiyot ta’limi.2017-yil 8-son 40-42-b. // Галиева Т.Р. Репрезентация концептов «friend» и «do‘st» в английской и узбекской картинах мира. – Самарканд, 2014. – 106 с.

⁴ Одилов Б., Усмонов С. Инглиз лингвомаданиятида “кўркув” хиссиёт концептининг ифодаланиши. Zamonaviy tilshunoslik va derivatsion qonuniyatlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – Samarqand: SamDCHTI nashri, 2018. – 81-85 b.

Sharipova Maftuna Jamshidovna,
Davlat tilida ish yuritish asoslarini
o'qitish va malaka oshirish markazining
Buxoro hududiy bo'linmasi uslubchisi

“QO‘Y” LMGi ASOSIDA SHAKLLANGAN O‘ZBEK XALQ MAQOLLARIDA METAFORA

Annotatsiya: Ushbu maqolada xonaki hayvonlar sirasiga kiruvchi “qo‘y” lug‘aviy-ma‘noviy guruhi asosida shakllangan xalq maqollarining o‘z va ko‘chma ma‘nolari izohlangan. Jumladan, “qo‘y” LMGi asosida shakllangan maqollarda metafora hodisasi atroflicha o‘rganilgan. Maqollar badiiy asarlardan olingan parchalar orqali izohlangan.

Аннотация: В данной научной статье разъясняются буквальные и переносные значения народных пословиц, образованных на основе лексико-духовной группы «овца», которая является одним из домашних животных. В частности, феномен метафоры подробно исследуется в статьях по мотивам «овечьей» ЛСГ. Пословицы интерпретируются посредством отрывков из произведений искусства.

Annotation: This scientific article explains the literal and figurative meanings of folk proverbs based on the lexical-spiritual group “sheep”, which is one of the domestic animals. In particular, the phenomenon of metaphor is studied in detail in the articles based on the “sheep” LMG. The proverbs are interpreted through excerpts from works of art.

Kalit so‘zlar: maqol, lug‘aviy ma‘noviy guruh, ko‘chma ma‘no, metafora, o‘xshatish, qo‘y.

Ключевые слова: пословица, лексико-духовная группа, переносное значение, метафора, сравнение, овца.

Keywords: Proverb, lexical-spiritual group, figurative meaning, metaphor, simile, sheep.

Ma‘lumki, ko‘chma ma‘no so‘zga xos bo‘lib, faqat nutqda voqelanadi. Shuning uchun ular nutqiy ko‘chma ma‘nolar deb yuritiladi. Semema tarkibidagi semalar asosida nutqda ko‘chma ma‘no hosil qilish atamalardan boshqa deyarli barcha so‘zlar uchun xosdir. So‘zlardagi ko‘chma ma‘noning bu turi tilshunoslikda metafora – o‘xshatish asosida hosil qilingan ko‘chma ma‘no deyiladi.

O‘zbek tilshunosligida metaforalarning o‘rganilish tarixi XX asrning so‘nggi o‘n yilliklarida M.Mirtojiyev, R.Qo‘ng‘irov, M.Yo‘ldoshev, N.Mahmudov. D.Xudoyberganova, G.Qobuljonova [1,72;2,96;380;6,5;7,34]larning amalga oshirgan tadqiqotlarida o‘z ifodasini topgan. Milliy tilshunoslikda metafora hodisasi nazariy va lingvopoetik jihatdan tadqiq etilgan. Ularda, asosan, so‘z-metaforalar haqida so‘z yuritilgan[8,101]. Jumladan, olim Durдона Xudoyberganova o‘z asarida metafora to‘g‘risida quyidagicha fikr yuritadi: metafora qo‘llangan matnlar shuni ko‘rsatadiki, ularda, nafaqat, tushuncha, balki muayyan vaziyat ifodasi ham metaforalarga asoslanishi mumkin. Shu boisdan, metaforalarni so‘z, so‘z birikmasi, gap, matn shaklidagi metaforalar sifatida o‘rganish maqsadga muvofiqdir[8,102].

“Qo‘y” LMGi asosida shakllangan o‘zbek xalq maqollariidagi metaforalar quyidagilardan iborat:

*Echkining boshi bo'lguncha,
Qo'ying quyruq'i bo'l*

Echki mavqe jihatdan qo'ydanda ancha past turadi. Echkining boshi bo'lishdan, qo'ying quyruq'i (ayn. dum ma'nosida bu quyruqning o'z ma'nosi, ko'chma ma'noda esa *doim birovga ergashib yuradigan, uning xizmatiga tayyor turadigan shaxs haqida, dum. Soli sovuq o'z quyruq'iga buyurdi.* – Jumanboy, pastdan palos olib boring, chopinq[3,386]. M.Ismoilij. Farg'ona t.o.) bo'lgan afzal. Quyruq so'zining aynan ikkinchi ma'nosi maqolda metafora hodisasini yuzaga keltirgan. Ya'ni quyruq hayvonga xos, ammo shaxsga qarata aytilganda ko'chma ma'no tashishi ifodalangan.

Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas

Odatda sovlarning boshidan qo'chqorning boshi kattaroq bo'ladi. Ro'zg'orda ishlatiladigan qozonda bir yo'la ikki sovlarning boshi qaynashi mumkin-u, ammo ikki qo'chqorning kallasini bir qozonga sig'dirib ham, bir yo'la qaynatib ham bo'lmaydi. Bu – maqolning o'z ma'nosi[4,155].

Ma'jozan esa bir yurtda ikki mansabdor mavqe jihatdan o'zaro teng bo'lgan odamlar bir yerda kelishib, xotirjam yasholmaydi, degan ma'noda qo'llanadi. Variantlari: "Bir ungurga ikki ayiq sig'maydi", "Ikki kambag'al bir kapaga sig'adi, ikki boy bir dahaga sig'maydi" (kapa – qamishdan qurilgan chayla, uy; daha – shaharning bir qismi).

*Ming qo'ylini qo'yi qoldi,
Bir qo'ylining qo'yi ketdi*

Boyning mingta qo'yi bo'lishiga qaramay ularga zarar yetmaydi. Ammo kambag'al odamning yolg'iz qo'yi ham biror ofatga duchor bo'ladi.

Ma'nodoshi: "Kambag'alni tuya ustida qo'y qopar".

Varianti: "Kambag'alni yolg'iz qo'zisiga qashqir tegar".

*Toycha oti bo'lmasa ham,
Qo'ycha oti bor.*

Toy – otning bolasi, o'rinbosari. Qo'y toy darajasi obro'ga ega bo'lmasa-da, ammo o'ziga yarasha qimmatga ega. Ko'chma ma'noda esa u darajada boy, obro'li bo'lmasa ham o'ziga yarasha mansabi, hurmat-e'tibori, hayotda o'z o'rniga ega bo'lgan insonlarga nisbatan aytilgan. Maqolning aynan shu ko'chma ma'nosi maqolda metafora hodisasini yuzaga keltirgan.

*Torta tortayesang toy orttirasan,
Qo'ya qo'ya yesang qo'y orttirasan*

Ota-bobolar kishiga turmushni yaxshi o'tkazish yuzasidan ta'lim berar ekanlar, har bir narsada, har sohada tejamkorlikka rioya qilish zarurligini aks holda

moddiy qiyinchiliklarga duchor bo'lib qolishi muqarrarligini uqtirganlar: "Qirib yesang qirq kunga yetadi, O'yib yesang o'n kunga yetadi. Bunda oziq-ovqatlar ovqatga solinadigan masalliqalar (masalan, oq yog') nazarda tutilgan: "Tovug'ini yesang, bir yeysan, Tuxumini yesang ming yeysan"; "Sog'ib ichsang ming kunlik, so'yib yesang bir kunlik"; "Kallaklab boqsang qirq yilga yetadi, Ko'marib yoqsang – bir yilga".

"Saqlasang, ming kunlik, saqlamasang, bir kunlik".

Hamma narsai tejab ishlatilganda hayotda ko'p narsalarga erishish mumkin¹. Ushbu maqolda "qo'y" LMGi mol-u davlat ma'nosida kelib metafora hodisasini yuzga keltirgan.

*Topgan qo'y keltirar,
Topmagan jo'jaxo'roz*

Ushbu maqolda "qo'y" LMGining e'tiborga molelik, arzirlik semasi faollashgan. Sababi, boshqa mayda mollarga qaraganda qo'yning qimmatini yuqori. Imkoniyati bo'lgan kishi aytilgan narsani muhayyo qila oladi, imkoniyati bo'lmagan kishi esa o'z sharoitidan kelib chiqib ish ko'radi. Maqolda "qo'y" LMGi boylik ma'nosini ifodalab metafora hodisasini yuzga keltirgan.

*Yo'lbars yo'lbarsdir,
Hech qachon qo'zichoq bo'lmas*

Ulug'vorlik jihatdan yo'lbars, labatta, qo'zichoqdan ustun turadi. Qo'zichoq endi tug'ilgan, yosh himoyasiz jonivor. Yo'lbars esa quch-quvvatga to'lgan, yirtqich hayvon bo'lganligi sababli bir-biriga zid qo'yiladi.

Majozda ham qo'rzoq odamlar hech qachon jasur insonlarga teng bo'lolmaydi, degan ma'noda qo'llaniladi.

Yolg'iz qo'yning terisi po'stin bo'lmas

Ma'lumki, mahsulot manbai sifatida qo'yning terisidan keng foydalaniladi. Uning terisi bozorda qimmatbaho sanaladi. Ammo yolg'iz, ya'ni yakka qo'yning terisidan po'stin (yopinchiq) tikib bo'lmaydi. Po'stin uchun bir qancha qo'yning terisi ishlatiladi. Shu sababli bitta qo'yning terisi hech qachon po'stinlikka yaramaydi. Bu maqolning o'z ma'nosi. *Majozda esa xalqimizda "Kuch-birlikda" degan naql bor. Insonlar qachon o'zaro birlashsa, ana shunda ulkan ishlarga qodir bo'ladi. Aksincha yolg'izlikda esa qo'lidan hech qanday ish kelmaydigan, chorasiz kimsaga aylanadi. Bu maqolda hamjihatlik ulug'lanib, yolg'izlik qoralangan.*

*Eshshakning boshi bo'lguncha,
Qo'yning oyog'i bo'l.*

¹ Шомаксудов.Ш., Шорахмедов.Ш.Хикматнома. Т., 1990,505-бет.

Varianti: “Eshakning boshi bo’lguncha, qo’yning quyrug’i bo’l”. Eshak hayvonlar ichida qimmat va qiymat jihatdan eng past hisoblanadigan jonivor (“It izzatni bilmaydi, eshak – tarbiyani” maqol.). Shu tufayli baraka timsoli bo’lgan qo’yga qarama-qarshi qo’yiladi. Qo’y halollik ramzi, eshak esa aksincha. Majozan bu maqol, katta mansab, martabaga erishmoqchi bo’lgan kimsadan ko’ra halol, mehnatkash, kichik martabasidan baraka topgan, insonlarga foydasi tegadigan kishi afzal degan ma’nolarda qo’llanadi.

Qo’y katta, qo’zi kichik, echki sizga lozim emas.

Hayotda har narsadan noliydigan, ziqna insonlarga nisbatan bu maqol qo’llanadi. Arzimas narsalardan kamchilik topadigan kishilar tanqid ostiga olingan. Ushbu maqol har qanday narsadan kamchilik qidiradigan, “tirnoq ostidan kir izlaydigan”, umridan nolib yashovchi kimsalarga qarata aytilgan. Maqol ko’proq majoziy ma’no kasb etadi.

Qo’yning o’zi to’ymasa qorni to’ymas

Hayotda ko’zi och insonlarga ishora sifatida ushbu maqol qo’llangan. Hech narsaga ehtihoj sezmasa-da, mol-mulk, davlat to’plashga intilish yaxshi oqibat-larga olib kelmasligi uqtirilgan.

*Qo’rqoqqa qo’y boshi qo’sh qo’rinar,
Qo’shmog’i bilan besh ko’rinar*

Qo’y boshqa uy jonivorlariga qaraganda mayda mol hisoblanadi. Qo’rqoq odam shu mayda narsanning boshidan ham qo’rqadi. Kichkina narsadan ham shubhalanib, hayiqib xavotirda yuradi. Maqolda metafora hodisasi orqali ma’no ko’chishi kuzatiladi. Hayotda mard, kuchli bo’lishga undab aytiladigan maqollar-dan biri sanaladi.

Qo’yni sarasi uzoqdan bilinar

Haqiqiy jasur, kuchli insonlarni bir qarashda boshqalardan ajrata olish mumkin. Insonning sarasi ham uning yurish-turishidan, gap-so’zidan, tashqi ko’rinishidan yaqqol seziladi.

*Turkistonda qo’y bir so’m,
Kela-kela o’n bir so’m.*

Yuqoridagi maqolda qo’y LMGining tez ulg’ayuvchanlik, xayr-baraka semasi faollashgan va ijobiy sema kasb etgan. Qo’y tezda voyaga yetganligi sababli, egasiga kam vaqt ichida ko’p daromad keltirishga xizmat qiladi.

Uyurli qo’ydan bo’ri qo’rqar

“Kuch birlikda” deganlaridek, har qanday birlashgan kuch qarshisida yakka inson yoki hayvon o'jiz qoladi. Sinonimi: “Oltovlon ola bo'lsa og'zidagini oldirar, To'rtovlon tugal bo'lsa tepadagini endirar”. Maqolda ahillik va hamjihatlik ulug'langan.

Yolg'iz qo'yni bo'ri yer

Yuqoridagi maqolning tasdig'i sifatida ushbu maqolda ham yolg'izlik qoralanib, birgalik, hamjihatlik ulug'langan. Sinonimi: “Ayrilganni ayiq yer, bo'linganni bo'ri yer”.

O'ynoqi qo'zi oyna sindirar.

Hayotda ham o'ynoqi, yengil tabiatli kishilar ko'p pand yeyishi ushbu maqol misolida yoritilgan. Bunday kimsalar o'ziga va o'zgalarga ko'p ziyon yetkazishi “oyna sindirish” misolida metafora hodisasi orqali yortilgan.

*Qo'yini birov qarar,
Sutini kimlar ichar*

Mehnat qilib, og'ir zahmatlar chekkan insonlar bir chekkada qolib, rohatini boshqa insonlar ko'rishi ta'kidlangan. Zolim xonlar mehnatkash xalq ustidan hukm yuritgan chog'larda ham haqsizlik ustun bo'lganligi aytilgan. Buni anglab yetgan xalq donishmandlari ushbu maqolni qo'llagan va maqol zamirida metafora hodisasi yashirin tarzda ifodalangan.

Bitta qo'tir qo'y butun podani bulg'ar.

Butun jamiyatni yomon otliq qilish uchun bitta yovuz, ig'vogar odam yetarli. U o'z qarashlari, nuqtayi nazari bilan boshqalar fikrini o'zgartirib, jamoada o'ziga o'xshagan kimsalar ko'payishiga xizmat qiladi. Bu ma'no, o'z navbatida, metafora hodisasini yuzaga keltirgan.

Agar bitta qo'y ariqdan sakrab o'tsa, qolganlari unga ergashadi

Yetakchilik, rahbarlik lavozimiga ko'tariladigan kishilar har tomonlama o'rganilib, chuqur sinovdan o'tkaziladi. Sababi, ular yetaklagan jamiyat yo tanazulga boradi, yoki yuksaklikka erishadi.

Podani qo'chqor yetaklar

Har bir ishni oilaning ustuni, erkagi boshlab beradi. Shundagina bajarilgan yumushda baraka, xonadonda fayz bo'ladi. Qo'chqor kuchli va qo'rqmas bo'lganligi uchun podani belgilangan manzilga yetaklab borish vazifasini bajaradi. Maqolda qo'chqor er-yigitlarga qiyoslangan.

Xulosa qilib aytganda, “qo‘y” LMGi qatnashgan xalq maqollarining deyarli barchasi ko‘chma ma‘no kasb etadi. Ayniqsa, ma‘no ko‘chishining metafora hodisasi ushbu maqollarning ko‘p qismida uchrashi yuqoridagi maqollar orqali kuzatildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т., 2002. – Б. – Б.73.
2. Миртожиев. М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010. –Б.96.
3. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т., 2009. – Б.80.
4. Шомақсудов.Ш., Шораҳмедов.Ш.Ҳикматнома. – Т., 1990. – Б.155.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981. – Б.386.
6. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филология фанлари номзоди илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., 2000. – Б.5.
7. Қўнғиров Р.Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т., 1977.
8. Худойберганаева Д. Матннинг антропосентрик тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. – Б.101.

Ашурова Нодира,
БухДУ Филология факултети
лингвистика: ўзбек тили йўналиши
биринчи босқич магистранти
(Ўзбекистон)

ОТ ЛМГИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада от ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг прагматик хусусиятлари масаласи ўрганилган.

Аннотация: В статье изучены прагматические вопросы построения узбекских пословиц на основе ЛМГ.

Annotation: The article examines the pragmatic issues of constructing Uzbek proverbs based on LMG.

Калит сўзлар: ЛМГи, ўзбек халқ мақоллари, прагматика, лисоний бирлик, семантика, тил, нутқ.

Ключевые слова: ЛМГ, узбекские народные пословицы, прагматика, языковая единица, семантика, язык, речь.

Key words: LMG, Uzbek folk proverbs, pragmatics, language unit, semantics, language, speech.

Прагматика (юн. прагма, прагматос – иш, ҳаракат) – семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси; бошқача айтганда, муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айна шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғи. Прагматика ҳақидаги асосий ғоя америкалик олим Ч. Пирс томонидан ўртага ташланган; яна бир америкалик олим Ч. Моррис

ушбу ғояни ривожлантирган. Тил инсон, жамият, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ экан, у доимо ривожланиш ва тараққиётда бўлади. Прагматика ҳам тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида 1970 йилнинг ўрталарида шаклланди. Худди шу даврдан бошлаб тил тизими янги босқичга кутарилди. “Семантика таркибидан прагматиканинг ажралиб чиқиши тил бирликларининг нутқий мулоқот жараёнидаги таъсир ва самарадорлиги, матн семантикасига қўшимчаравишда ифодаланадиган маъно қирраларини ўрганишга илмий эҳтиёж борлигини кўрсатди. Бунинг натижасида матннинг коммуникатив хусусиятларини таҳлил қилиш, тилнинг бойлиги, ифода имкониятларининг кенглигини ўзида мужассам этувчи бадиий матн ва уни идрок этиш жараёнига прагмалингвистик ёндашиш долзарб масалага айланди”¹.

Прагматика тилшуносликнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Унда мулоқот жараёнида тил бирликларининг ишлатилиши ва шу тил бирликларининг мулоқот иштирокчиларига таъсири масаласи ўрганилади. “...лисоний бирликларнинг аниқ ва воқеий мулоқот шароитида қўлланиши прагматик таҳлил объектидир. Сўзловчи ва тингловчи муносабати нутқий мулоқот шароитида юзага келади, нутқий ҳаракат мулоқот матнини талаб қилади ва шу мулоқот контекстида мазмунга эга бўлади”². Инсон фаолиятининг асосий катта қисми коммуникатив муносабатлардан иборат. Инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берувчи, алоқа-аралашувни шакллантирувчи воситалардан бири мақол ҳисобланади. Чунки мақоллар сўзловчи фикрига қўшимча маъно юклайди, айтмоқчи бўлган мақсадини ифодалайди. Қуйида от ЛМГи асосида шаклланган халқ мақолларининг прагматик хусусиятларидан айримларини келтириб ўтамыз.

Аравани от олдига чиқариб бўлмас.

Мазкур мақол мисолида аравани от олдига чиқариб юргизиб бўлмагани каби ҳеч нарса тескари амал билан бажариб бўлмаслиги, ҳар бир ишнинг ўз бошлиғи йўлбошчиси қилиши кераклиги каби прагматик маънолар ифодаланган.

Аҳмоқ отдан тушса ҳам, эгардан тушмас.

Ҳаётда шундай кимсалар борки, лавозимидан ажралса ҳам одатдагидек ўзгаларга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилади. Ушбу паремада айрим кимсаларнинг мағрурлиги, ўзидан қуйи поғонадаги кишиларни менсимаслиги, улар устидан ҳукмронлик қилишга интилиши назарда тутилган.

*Арпа еган от ўйнар,
Макка еган той ўйнар.*

¹ Қазақова Н.А. Фафур Фулом асарларининг прагмалингвистик тадқиқи. – Наманган, 2019. – Б.3

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, 2008. – Б.116.

Яхши парваришлаб боқилган отнинг соғлом ва ўйноқи бўлиши мазкур мақол мисолида ёритилган. Дунёга келган кунидан бошлаб ҳеч нарсага зориқмай, атрофидагилар меҳр-муҳаббати қуршовида вояга етади. Бола ҳаракатларида ҳаётий қувонч, мамнуният ва ўзига ишонч каби прагматик хусусиятлар намоён бўлади.

Мақолларнинг прагматик хусусиятлари диалог жараёнида контекста бадий асарларда келтирилган парчаларда яққолроқ намоён бўлади.

От тепкисини от кўтаради.

“Сизни ишингиз осон болам, рўмолчани хўллаб муздек-муздек қилиб икки-уч боссангиз, ўрнига келиб қолади. **От тепкисини от кўтаради.** Худо учун кечириб қўя қолинг холанг ўргулсун. Кечиримли бўлинг деган Ҳазрат пайғамбаримиз. Минг қилганда ҳам сиз билан биз бозорда турамиз-да... Шундай бўлгач, сиз билан биз мезбон ҳукмидамиз. Меҳмон акам кайф устида бир эзмалик қилди-да, деб қўяқоласиз-да, қоқиндиқ” (газетадан). Бунда бир бирини тушуниш, кечиримли бўлиш каби прагматик хусусиятлар намоён бўлади.

“От айланиб қозиғини топади, деганлар. Туғилган ер, эл-юртни унутиш осонми? Келганингга биз ҳам, ота-боболарингнинг арвоҳи ҳам хурсанд; гирмонни енгиб, тинчлик бўлса, сен ҳам уй-жой қиларсан, болачақали бўларсан» – дейишарди кексалар. Улар Дониёрнинг етти пуштини суриштириб, унинг қайси уруғдан эканлигини, овулдаги баъзи бир туғишганларининг кимлигини ҳам айтиб беришди. Хуллас, овулдагилар: «Дониёр дунёга янги келгандек бўлди», – дейишадиган бўлишди”¹. Ушбу паремадан ҳар бир киши учун ўз ватанидан азиз жой йўқлиги, ким қаерда бўлмасин ўзи туғилган жойни қўмсаши жондан азиз юртига қайтиши каби прагматик маънолар англашилади.

Синамаган отнинг сиртидан ўтма.

“Янги ошпаз Хожа айтганидек, ишга иккита нонни намоишкорона қўлтиғига қистириб келди. Ҳа, бошқалар кўрсин деб шундай қилди. Уни ростдан ҳам шундай қилди. Уни ростдан ҳам кўпчилик кўрди. Айниқса, завхознинг эси оғиб қолай деди. “Тавба, ўрмонга ўтин кўтариб келган одамни энди кўришим”, – деб ғулдираб қўйди. Хўжабека бўлса, “ҳали кўрамиз, синамаган отнинг сиртидан ўтма деганлар”, – деб қошларини чимирди. Қоровул яғири чиққан дўпписини қўлига олиб узоқ ҳидлади”². Англашиладикки, киши ҳаётда дуч келган кишига ишонмаслиги, юзаки одамларга сир бой бермаслиги, акс ҳолда улар сизни шарманда қилиб қўйиши мумкин. Парема орқали эҳтиёткорлик, хушёрлик каби прагматик хусусиятлар намоён бўлмоқда.

¹ Айтматов Ч. Танланган асарлар. – Т.: СМ И-АСИА, 2009. – Б. 165.

² Эркин Малик. Шайтонваччанинг найранглари. 1 китоб. – Т: Шарқ, 2013. – Б. 175.

МУНДАРИЖА

I БОБ ЗИЁГА ИНТИЛГАН УМР ИБРАТИ

Назаров Бахтиёр, Қахрамонов Курдош. Юксалиш	4
Ҳамидов Обиджон. Ибратли фаолият соҳибаси	6
Атаджанов Мамиржон, Қобилова Зебо. Олиманинг серқирра фаолияти	8
Биннатова Алмаз Улвий. Олималик саодати	9
Мирзаева Салимаҳон, Раҳмонова Зилола. Олиманинг нурли йўли	11
Сабирдинов А, Орипова Г. Илм билан безанган умр.....	13
Давронова Шоҳсанам. Адабий танқид жанрлари тадқиқотчиси	14
Раҳмонова Зулайҳо. Қўнғил тарихидаги устозлар	16
Нусратова Ҳамида. Устоз – юксак маънавият тимсоли.....	18
Қодирова Насима. Устоз йўли – ибрат мактаби.....	20
Zoyirova Go'zal. Ustoz oldida mudom ta'zimdamiz	22
Шарипова Лайло. Устоз ибрати	24

II БОБ МУМТОЗ АДАБИЁТГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Очилов Эргаш. Огаҳийнинг Навоий ғазалларига муҳаммаслари	27
Абдуллаева Марғуба. Ҳикоят жанрининг адабий хусусиятлари	31
Амонова Зилола. Муқаррар санъати жозибаси	36
Axroqova Zufnunabegim. Sharq tasavvuf adabiyotida pir-muridlik munosabati.....	42
Ələkbərova Lalə Zakir qizi. Əlicir Nəvainin XX əsr Azərbaycan əairlərinə təsiri	46
Маматқулов Музаффар. Бадий тасвир воситаси имкониятлари ва Нишотий маҳорати ..	52
Askarova Maftuna. O'zbek mumtoz adabiyoti timsollar tasnifi.....	56
Бозорова Л. Ш. Замонавий шеърятда ҳадисларнинг бадий талқинлари ,	60
Baxshilloeva Nilufar. "Nazmul-javohir" ruboiylarida islom farzlari talqini	64
Ibotova Madina Otabek qizi. O'zbek mumtoz adabiyotida me'roj tasviri	67
Murodova Gulchehra. "Hayrat ul abror"dagi XIII bobning nashriy tafovutlari	70
Пирназарова Манзура. Лирик қаҳрамон руҳияти тасвирида шоир маҳорати	74
Rajabov Dilshod, Samiyeva Mahliyo. Adib Ahmad Yugnakiyning tazoddan foydalanish mahorati	78
Ражабова Маърифат. Навоий муаммолари бадий такомилда фольклорнинг таъсири ..	82
Раҳмонова Зулайҳо. Ирфоний адабиётда “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадиси талқини.....	87
Temirova Mohichehra. Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" dostoni na't bobi nashrlarining qiyosiy tahlili	92
Ғайипов Дилшод. Шеъринг санъатлар шоир бадий маҳоратининг ифодачиси сифатида ..	95
Ҳайитов Шавкат, Аҳмадова Маҳбуба. Илм ҳақиқати	106
Қобилова Зебо. Тешабоева З. Амирий шеърятининг бадий-эстетик таъсир қўлами ..	109
Қуролова Инобат. Мумтоз матн ва луғатлар билан ишлаш	115
Gulhayo Amrulloeva. «O'qish» kitoblarida buyuk mutafakkirlar haqidagi rivoyatlar hamda ular aforizmlarining yoritilishi	117

III БОБ XX-XXI АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАДҚИҚИ ВА ТАЛҚИНИ

Назаров Бахтиёр. Замон ва Абдулла Орипов шеърятини	125
Иброҳим Ҳаққул. Бедор юрак иқболи бедор бўл, бедор бўл, бедорларга ёр бўл.....	135
Баҳодир Карим. Вадуд Маҳмуд ва Фитрат	142
Муродов Ғайрат. Болалар шоири.....	147
Баракаев Раҳматулла. Турсунбой Адашбоев ижодида бадий санъатларни қўллаш маҳорати.....	151

Абдуллоев Олимжон. Шоира Мунаввара Ойматованинг бадийи маҳорати.....	157
Улуғов Абдулла. Ҳаётга мафтун адиб.....	164
Файзуллоев Бахтиёр. Туркиғий шоирлар устоз Айний нигоҳида.....	170
Давронова Шоҳсанам. Назар Эшонқул “Шамолни тутиб бўлмади” ҳикоясининг поэтик тил хусусиятлари	173
Adizova Nilufar. Erkin Vohidov ijodida milliy – o‘zlik ruhining aks etishi.....	177
Каримова Фарида. Зиёвиддин Мансур шеърятининг бадийи хусусиятларига доир	183
Жамилова Башорат. Автобиографик қиссаларда нарратология – баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишлари	186
Ҳакимов Мунишжон. Жамол Камол шеърятида кўнгил тимсоли	190
Жовлиев Жавлонбек. Чўлпон ва Шайхзода	195
Zo‘irova G O‘zal. Samandar Vohidov she‘riyatida shakl va mazmun uyg‘unligi	200
Khudoyberdiyev Jasur. The scholarship of international literary critics about Uzbek jadid writers.....	207
Mirsharipova Shahzoda. Tarixning takrorlanishi	210
Mo‘minova S. Ruhiiy olam inkishofi	213
Нусратова Ҳамида. Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний дарсликлари мундарижаси	215
Normurodova Nigora. Sadriddin Ayniyning “Esdaliklar”ida real hayot tasviri	220
Норова Насиба. Усмон Кўчқор ғазалларида анъана ва новаторлик	222
Райхонова Мухайё. Абдулла Орипов шеърятининг поэтикаси	225
Рахматова Нигора. Эркин Воҳидовнинг адабиётшунослик фаолиятига бир назар	229
Salimova Salimaxon. “Tazarru bog‘lari” she‘riy turkumida tabiat tasviri va lirik qahramon ruhiyati ifodasi	233
Сафарова Ҳилола. Самандар Воҳидов шеърятининг ватан мадҳи	235
To‘gayeva Mohinur. Shoyim Bo‘tayevning “Shamol o‘yini” qissasida xalq milliy ruhiyati	240
Azimova Muhabbat, Habibova Maftuna. Buxoroning she‘riy xaritasi.....	243
Ширинова Азиза. Шавкат Раҳмон шеърятининг образлар олами	247
Salohiddinova Lobar. O‘zbek bolalar she‘riyatida analitik folklorizm	250
Шодиева Нигина. Ҳозирги ўзбек насрида шамол образи	253
Salohiddinova Go‘zal. “Iztirob”ni o‘qib	257
Salohiddinova Malika. Bolalarbop tajnisli ikkiliklar	260
Шарипова Лайло. Маҳоратли шоир	264

IV БОБ

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА АДАБИЙ ТАНҚИД МУАММОЛАРИ

Ахмедова Шоира. Бухоро адабий муҳити олим талқинида	270
Махмудова Наргиза. Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанрининг хусусиятлари	280
Narzulloeva Nilufar. Abdulla Qahhor va Said Ahmad	284
Равшанова Гулрухбегим. Ҳажвиётда рамзийликнинг ўрни.....	287
Раҳмонова Зарина. Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммоси	291
Қодирова Насима. Услуб ва ижодий индивидуаллик масаласи	297
Худойкулова Марҳабо. Баҳсда адабий муаммолар талқини.....	302
Назарова Д. Адабий портрет ривожига хусусида	304
Олтиной Қурбонова. Абдулла Орипов ҳақидаги теран талқинлар	306
Murodova Farangis. Obzor maqolada hikoyalar talqini	309

V БОБ

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўраева Дармоной, Қодирова М. Масофавий таълимда фолклорни ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти	313
Амонов Улуғмурод. Элбек – фолклор тўловчиси ва тадқиқотчиси.....	319

Абдурахмонова Феруза. “Ёр-ёр” атамаси ҳақида	324
Баходир Жовлиев. Бадиий асарда мифологик талқин масаласи	329
Жабборов Фаррух. “Малика айёр” дostonи номининг ёзилишига уч хил ёндашув.....	335
Жуманов Элбек. Ўзбек халқ эртақларидаги ўрталиқ формулалар	338
Рахмонов Зикриё, Рахмонова Дилбар. Фольклор как составляющая часть национальной культуры.....	344
Сабиранова Насиба. Хоразм халфачилиги тараққиётида шоира – дostonчи хоним халфанинг ўрни.....	347
Шералиева Сайёра. Задачи фольклористики. Историческое развитие фольклора народов центральной азии. Сущность дастанов	352
Юлчураев Орзубой. Меҳнат қўшиқлари таснифи баходир саримсоқов талқинида	358

VI БОБ

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Асадов Мақсуд. Маънавий камолот йўли	364
Астанова Гулнора. “Минг бир кеча”да шарқ аёли талқини.....	373
Ҳилола Ахмедова. Инглиз адабаси ижодининг талқинлари	375
Рўзиёв Мухтор. Ҳанс Шнир – “масхарабознинг қарашлари” романининг бош қаҳрамони	378
Бегимқулова Шахноза, Холикова Мукаддас. Фарука Гавҳарий – садоқатли аёл образи	380
Nosirova Vuviniso. Dunyo adabiyotida ota obrazi	385
Тўхсанов Қаҳрамон, Бабаев Отабек. Таржимада тил бойлигидан фойдаланиш.....	388
Teshayeva Gulnoza. Abdulla qodiriy va turkiy xalqlar romanchiligi	393
Мизрабова Жерен. Офелия нутқидаги бадиий воситаларнинг ўзбек таржималарида қайта яратилиши	397
Norova Rahima. Ingliz adabiy ertakchiligi	401
Azimov Ulug'bek. “Masnaviyi ma'naviy”da oddiy folklorizm	403
O'rinova Maftuna. “Tog'lar qulayotgan zamon(abadiy qalliq)” romanida umuminsoniy fojialar va badiiy talqin.....	407
Qudratova Muborak. Cho'lpon “Shohnoma”ning turkcha tarjimasi” va “Uvaysiy” maqolalari... 411	411

VII БОБ

ТИЛШУНОСЛИК

Найимов Сади. Антропоонимы Бухарской области	417
Дуйсабаева Дилбар. Проблемы развития лингвокультурологической компетенции при изучении родного языка и литературы.....	420
Набиева Ш. Она тили дарслиklarининг шаклланиши.....	424
Mustaqimova Qunduz, Boltayeva Nodira. Reklama tilida metafora va iboralarning o'rni	427
Носирова Мубина. Теоретические основы изучения концептов в когнитивной лингвистике.....	431
Элмуродова Ф. Хорижий тилларни ўқитиш ва маданий тадбирлар орқали маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантириш	436
Холматова Шохиста. Аксиологическая значимость пословиц, характеризующих семейные отношения.....	440
Sobirova Dilnoza. Tibbiy reklamalarda uslubiy figuralar	445
Aminova AMIRA. Lingvokulturologik konseptlar xususida	448
Sharipova Maftuna. “Qo'y” limgi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metafora	453
Ашурова Нодира. От ЛМГИ асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг прагматик хусусиятлари	458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ФИЛОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

Мухаррир: *М. Ҳакимов*

Мусахҳих: *С. Алимбоева*

Дизайнер: *А. Фармонов*

«TURON-IQBOL» нашриёти.

100029, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашриёт лицензияси АИ №216, 03.08.2012.

Босишга рухсат этилди 2021.14.04. «Cambria» гарнитураси.

Қоғоз бичими 60×84 ¹/₁₆. Босма табағи 29

Адади 100 нусха. Буюртма № 34

“Turon-matbaa” МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Талабалар кўчаси 2 уй



ISBN 978-9943-5122-5-2

